

ЎТКИР АБДУРАҲИМОВ

ТАҚДИРДАН ҚОЧИБ БЎЛМАС



Ўткир АБДУРАХИМОВ

ТАҚДИРДАН
ҚОЧИБ БЎЛМАС

«NOSHIR»
Тошкент – 2018

УДК: 821.512.133-31

ББК: 84(5Ў)6

A15 **Абдурахимов, Ўткир.**

Тақдирдан қочиб бўлмас: / Ў. Абдурахимов; тақризчи Н. Каримов. – Тошкент: «Noshir» нашриёти, 2018. – 408 б.

ISBN 978-9943-369-96-2

ББК 84 (5Ў)6

УДК: 821.512.133-31

Тақризчи:

Наим Каримов,

филология фанлари доктори, профессор

Ўткир Абдурахимовнинг ушбу асарида ўзбек адабиёти томонидан ҳали «ишланмаган» мавзу қаламга олинган – Халқаро полиция (Интерпол) фаолияти ёритилган.

Шу ҳам муҳимки, асарнинг бош қаҳрамони, «Интерпол» ходими Эркин Пулатов муаллиф ижодий ҳаёлотига маҳсули эмас, бугунги кунда соғ-омон яшаб турган замондошимиз, юртдошимиздир. Миллати ҳам – ўзбек.

Романда ҳозирги замоннинг муаммоларидан бири – наркотик моддалар ҳамда курул-яроғ савдоси билан ноқонуний шуғулланаётган жиноятчилар тўдасининг фош этилиши жуда қизикарли ва ҳаяжонли тарзда ҳикоя қилинадик, бу унинг китобхонлар томонидан севиб ўқирилишини таъминлайди.

Abdulla Qodiriy nomidagi

viloyat AKM

INV № 168774-2019

ISBN 978-9943-369-96-2

© «NOSHIR» нашриёти, 2018.

© Ў. Абдурахимов, 2018.

Ўткир Абдурахимов 1948 йил Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган.

Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтини тамомлаган.

1980–1990 йилларда Афғонистон Республикасига агрозоовет-товарлар етказиб бериш бўйича масъул вазифада ишлади ва бу ўлка ҳамда у ердаги муҳожир ватандошларимиз билан яқиндан танишди. Мазкур таассуротлар асосида «Фирок водийсида» асарини ёзиб, чоп эттирди.

1999–2003 йилларда ҳукумат идораларида масъул вазифаларда хизмат қилди.

2003 йилдаи бери «Мадад» сугурта агентлигининг Тошкент вилояти филиалида директор вазифасида хизмат қилмоқда.

*Хизмат бурчларини адо этиш вақтида ҳалок бўлган
халқаро полиция ходимларига бағишланади.*

СЎЗ БОШИ

Ўткир Абдурахимовнинг «Тақдирдан қочиб бўлмас» романи тўғрисида

Мустақиллик йилларида адабиёт оламида рўй берган воқеалар орасида бир ҳолат биз, адабиётшуносларни, айникса, ҳайратга солади. Бу адабиётдан, бадиий ижоддан узоқ соҳа кишиларининг роман ва киссалар, шеър ва драмалар ёзишидир. Тақриз қилинаётган асар муаллифи ҳам мустақиллик даврига қадар турли соҳаларда хизмат қилиб, бирорта ҳам бадиий асар ёзмаган. Лекин у катта ҳаётий тажрибага эга киши бўлганлиги учун сўнгги йилларда бир эмас, бир нечта романлар ёзди. Ва бу романлар бир-биридан узоқ мавзуларга бағишланганлиги билан каминани ҳайратга солади.

Тақриз этилаётган роман «Тақдирдан қочиб бўлмас» деб номланган. Унинг мавзуси ХХІ аср вабоси – наркомания ва шу даҳшатли иллатнинг жаҳон бўйлаб кенг авж олишига сабабчи бўлган наркотранзит ва наркобизнес илдизларини очиб ташлашга бағишланган. Кўрамизки, муаллиф ўзининг янги асарида ҳозирги даврнинг энг муҳим муаммоларидан бирига қўл урган.

Асарнинг шу мавзудаги бошқа асарлардан, хусусан, Россияда пайдо бўлаётган романлардан ва телесериаллардан фаркли томони шундаки, унда тасвирланган воқеаларнинг барчаси реал

ҳаётда рӯй берган. Асар қаҳрамонлари ҳаётда ўз прототипларига эга. Шунинг учун асарни ҳужжатли роман деб аташ тўғри бўлади.

Романнинг бош қаҳрамони Эркин Пўлатов афғон уруши йилларида ҳам, кейинчалик гиёҳванд моддаларнинг Афғонистон ва Тожикистон ҳудудлари орқали дунёнинг бошқа мамлакатларига етказиб берилишига қарши олиб борилган хайрли ишларда ҳам фаол иштироқ этган ва шу жараёнда ўз жонини аямаган, миллионлаб кишиларнинг ҳаётини саклаб қолишга интиланган мард ва олижаноб инсон сифатида намоён бўлади. Бу том маънода ҳозирги даврнинг қаҳрамонларидан бири.

Муаллиф ана шу тарзда ўз асарида ҳозирги даврнинг муҳим ижтимоий, иқтисодий ва маънавий масалаларини кўтариш билан бирга чинакам қаҳрамон сифатида шаклланган реал кишини ҳам асарга бош қаҳрамон этиб танлаган.

Асарда тасвирга олинган воқеалар Афғонистон, Тожикистон, Россия, Франция, Германия, Голландия сингари турли хорижий мамлакатларда кечади. Муаллиф гарчанд бу мамлакатларда бўлмаган эса-да, ҳаётини материални чуқур ва пухта ўрганганлиги туфайли тасвирнинг тўла ҳаққонийлигига эришган. Бу унча-мунча қаламкашнинг кўлидан келмайдиган ишдир.

Асар профессионал ёзувчи томонидан ёзилмаганлиги сабабли унда бадиий ва услубий нуқсонлар йўқ эмас.

Аммо шу нарса муҳимки, яхши асар яратилган. Асарнинг оддий китобхонларга манзур бўлиши каминада шубҳа уйғотмайди.

Қани энди Ўзбекистон телевидениеси катта имкониятларга эга бўлса-ю, шу асар асосида кўп серияли телевизион фильмни яратса...

*Наим Каримов,
филология фанлари доктори,
профессор*

МУАЛЛИФДАН

Азиз тарих ва адабиёт ихлосмандлари!

Дастлаб Сизга Халқаро полиция ҳақида бироз тушунча берсак.

Ушбу халқаро ташкилотнинг тарихи 1923 йилнинг 7 сентябрида Австрия пойтахти Вена шаҳрида «Халқаро жиноий ишлар бўйича комиссия»нинг ташкил топиши, низомининг тасдиқланиши, «Австрия полицаё» президенти Иоганн Шобернинг унга раҳбар этиб тайинланишидан бошланган. Комиссияга ўшанда ўттизта давлатдан расмий равишда 57 киши аъзо бўлиб кирган эди.

Ташкилот 1924–1926 йиллари Амстердамда, Берлинда, Венада ўз анжуманларини ўтказди. Бу бўлғуси Интерпол¹ ташкилотининг пойдевори эди. Комиссияга аъзо бўлган давлатлар ўз ҳудудларида содир бўлган барча жиноятлар, уларни содир этган жиноятчилар ёхуд гумон қилинганлар ҳақида комиссияга мунтазам маълумот берар, олинган маълумотлар бу ерда маҳсус таҳлилчилар томонидан умумлаштирилиб, халқаро ҳамжамиятга хавф солувчи жиноятчиларга халқаро кидирув эълон қилинарди. Бу мамлакатлар ўз ҳудудларида қўлга олинган жиноятчиларни жиноят содир этилган давлатларнинг расмий вакилларига топширарди.

Бу халқаро идора ташкил қилингандан сўнг Англиянинг «Скотланд Ярд», Франциянинг «Сюрте Насиональ» ва катор Европа давлатлари полицияларининг ишлари фаоллашди, кўплаб жиноятлар очилиб, ижрочилари ватанларига расмий равишда қайтарилди.

Бугунги кунда Халқаро полициянинг тузилганига ва юқори самарадорлик билан фаолият олиб бораётганига қарийб 87 йил бўлди. Кейинчалик, халқаро полициянинг низомлари тўла шаклланди. Унда бу ташкилотнинг ҳар қандай сиёсий жараёнларга аралашмаслиги, фақат жаҳон ҳамжамиятига хавф солувчи жиноятларга қарши курашиши қайд этилган. Унинг ваколати доирасига гиёҳванд моддаларни ўстириб, чет элларга транзит

¹ Халқаро полиция.

қиладиган, ноқонуний қурол-яроғ савдоси билан шуғулланадиган жинойтчиларга, геноцидга¹, террористик ҳаракатларга қарши курашиш каби вазифалар киритилди. Халқаро полиция БМТнинг Хавфсизлик Кенгашига ҳисобот берадиган ташкилотга айлантирилди. Халқаро полицияга кириш учун БМТга аъзо бўлган давлатлар шу мамлакатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари билан биргаликда фаолият олиб бориб, жаҳон афкор оммасига хавф солувчи жинойтларни умумлаштириб, уларга қидирув эълон қилар, Гаага трибунали эса уларни суд қилиб, жазони ўташга ҳукм қиларди.

Бу борада Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг қатор самарали ишлар амалга оширилиб, «Интерпол» идорасининг Тошкентдаги шуъба бўлинмаси фаолият олиб бормоқда.

Асар қаҳрамонлари ҳам мана шу жараёнда фаол қатнашган, ўз вақтида жинойтчи тўдаларни фош этишга ҳисса қўшган халқаро полиция ходимлари бўлиб, камина воқеаларни бироз умумлаштириб ифода этганман. Шундай бўлса ҳам, эшитган-кўрганларим, ўқиб-ўрганганларим асосида мазкур хизмат фаолиятида фидойилик кўрсатган мард, жасур йигитлар (уларнинг орасида ҳамюртларимиз, миллатдошларимиз ҳам бор) ҳаётини ёритиш, улар кўрсатган жасорат намуналари билан китобхонларни таништиришни лозим топдим. Агар, бу масалаларни ёритишда қандайдир ноаниқликларга йўл қўйган бўлсам, адабиёт ихлосмандлари узримни қабул қилгайлар деган умиддаман...

¹ Ирқий таҳқир, таъкиб, қирғин қилиш.

I ФАСЛ ЎТГАН ДАҲШАТЛИ УМР

Булбулнинг тонгги нолаши палатада ётган уч ярадорни беихтиёр уйғотиб юборди. Улардан бири энди уйку тўғрисида сўз ҳам бўлмаслигини тушуниб, палата деразаларини очди. Сўнгра соатига қараб, ҳали нонуштага анча вақт бор эканлигини билди-ю, шифокорлар тайинлаган енгил машқларни бажара бошлади. Машқларни бажариб бўлиб, шундок палатадаги душга кириб, мириқиб чўмилди. Кўкраги, баданидаги жароҳат битиб, кизариб қолган, кечагина ҳарбий врачнинг кўрсатмаси билан ҳамшира унинг бинтларини олганди. У ярадор бўлганидан бери бирор марта ҳам яйраб чўмилмаганини эслаб:

– Нима бўлганда ҳам бир ювиниб олай, – деб ўзига гапирганини ҳам сезмай қолди.

Шериклари ҳам аллақачон уйғонишган, аммо ҳали ўринларидан кўзғолмагандилар. Айниқса, мужоҳидлар снайперининг ўқи тегиб, қорнидан ярадор бўлган Эркин Пўлатовнинг жароҳати оғир бўлиб, подполковник Бродский унинг ошқозонини учдан икки қисмини кесиб олиб ташлаган, у энди-энди фақат суюқ овқатлар истеъмол қила бошлаганди. Палатадаги яна бир ярадор – Мишин оёғидан жароҳат олган бўлиб, ўк унинг болдир суягини қийма-қийма қилиб ташлаган. Уни ҳам Бродский операция қилди, суякларининг зарарланган қисмини олиб ташлаб, жарроҳлик спица¹лари билан маҳкамлади, энди яна олти ойдан сўнг Мишинни қайта жарроҳлик курсисига ётқизиб, спицаларни олиб ташлаши зарур эди.

Бродский бир куни уларнинг палатасига кириб:

– Бўлди, йигитлар! Сиз учун жанговар ҳаёт тугади. Энди тинчроқ иш истайверсангиз ҳам бўлади, – деб айтганди.

Душдан чиққан катта лейтенант Муродилла Аминов шерикларининг уйғонганини кўриб:

– Юз-қўлларни чайиб, бир тоза ҳаводан нафас олиб келмай-мизми? – деб мурожаат қилди. Бу сўзлар асосан Эркинга қара-

¹ Спица, жарроҳлар суякни қотириш учун ишлатадиган ингичка пўлат симлар. Улар хромланган бўлиб, ҳеч қачон занг босмайди.

тилган эди, чунки Анатолий Мишиннинг хали кўлтиктаёк билан юришига ҳам рухсат йўқ.

Март ойи бўлишига карамай, хали ўрмон ёкаларида корлар тўлиқ эриб кетмаган, лекин баҳор ифори уфуриб турибди. Енгил шабада ҳамхоналарни очик ҳавога таклиф этаётгандек ойна пардаларини хилпиратади.

– Мени яна ёлғиз ташлаб кетасанларми, – деди Мишин. Бу сўзларни эшитган Муродилла дарҳол палатадан чикиб кетди-да, орадан бироз вақт ўтгач, ногиронлар аравачаси билан қайтди.

– Сени ҳам ташқарига олиб чиқамиз, аммо рухсат то врачлар келгунча тегди, – деди.

Госпиталь биноси куюқ ўрмонлар ичида жойлашган. Бир вақтлар «Альфа» Давлат хавфсизлиги кўмитасининг машғулот лагери бўлган бу ерда спорт майдончалари, олдин йигирма беш, кейин эса эллик ўринли госпиталь биноси, ошхона, озиқ-овқат, кийим-кечак омборлари ва ҳоказолар жойлаштирилганди. Госпиталь ва бошқа бинолар автоном электр энергияси, иситиш қозончалари билан таъминланган, бунинг учун махсус электрогенераторлар¹ мавжуд бўлиб, уларнинг иккитасигина ишлатилар, колган олтитаси захирада эди. Аммо, улар ҳам махсус ўрамалар билан ёпилган бўлса-да, қандайдир ўттиз сонияда ишга туширишга ҳозир қилиб қўйилган. Шу сабабли, ҳарбий жарроҳлар кун ва туннинг ҳар қандай вақтида ҳам ярадорларга жарроҳлик ёрдами кўрсатишга қодир эдилар.

Ўрмон хавоси шунчалик тоза ва беғубор эди-ки, нафас олган сари кишининг тани-жони яйрар, кўнгилда ғубор, гард колмасди. Муродилла аравачани итариб бораётир. Аста гурунглашиб, ўрмон четига етганларини ҳам пайкамай қолишди. Сухбат мавзуси қайта-қайта ҳарбий хизматдан бўшатирилганларидан кейинги ташвишларга бориб тақалар эди. Учовлари ҳам бундан сўнг ҳарбий хизматга ярокли эмасликларини аллақачон билишган, армия сафидан бўшаганларидан сўнг қандай ишлар билан шуғулланиш ҳақида бош қотирмоқда эдилар. Мишин ҳарбий чегара офицери, Олма-отадаги чегарачилар ҳарбий мактабини

¹ Электр токи ишлаб чиқарувчи махсус мосламалар.

битирган, Эркин ва Муродиллалар эса Витебск ҳарбий десантчилар ўқув юртини тамомлашган.

Сўнгра ҳалок бўлган ва бедарак кетган қуролдошларини ёдга олдилар. Беихтиёр, афғон тоғ-қирларида ҳалок бўлган, ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетган сафдошлари кўз олдиларидан ўта бошлади. Бу эса кўнгилларига яна ғашлик солди, хаёллари паришон ҳолда ортга қандай қайтиб келганликларини ҳам билмай қолдилар.

Ўшанда даҳшатли уруш, у ерда кўрган-кечирганлари уларнинг тафаккурларини тамоман бошқа тарафга буриб юборган, аммо ҳарбий сифатида буйруқларни бажаришга, ичган касамларига содик бўлишга мажбур эдилар. Бунинг устига афғон ерларида бўлганларида Ҳақ таоло ҳақида кўпроқ ўйлайдиган, бутун борлиқнинг ҳақиқий эгаси борлигига қайта-қайта имон келтирадиган бўлишди.

Инсон чорасиз қолганда, албатта Худони эсларкан. Ҳозир Эркиннинг ёдига бир воқеа тушди. Одатда мужоҳидлар кичик-кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда партизан жанги олиб боришар, бунга асосий сабаб тоғ шароити бўлса, иккинчи тарафдан советларнинг вертолётлари катта гуруҳларга кўпроқ қирон келтирарди. Унинг десантчи-штурмчи взводи мусулмон батальони қошида ташкил бўлган, асосан Ўрта Осиёлик солдат ва офицерлардан иборат, командири эса андижонлик Ҳабиб Ҳайтов эди. Бу взвод Панжшер тоғларининг Парандех уездида мужоҳидларнинг деярли бир ротаси қуршовига тушиб қолди. Ноиложликдан жангга киришга мажбур бўлишди. Рация орқали ёрдамга вертолётларни чақиришди, аммо мужоҳидлар тобора уларни қисиб келишар, орқага ҳам, олдинга ҳам йўл йўқ, ҳамманинг юрагида ваҳима, гўёки, шу ерда паймоналари тўладигандек... Вертолётлар етиб келавермас, бу аҳволда қандайдир ўн-ўн беш дақиқаларда жанг тақдири ҳал бўлиши ҳеч гапмасди.

Шунда, Эркин:

– Ё, Аллох, – деди-ю, кўз олдида бир ёруғлик пайдо бўлганини пайқади.

Мужоҳидлар икки тарафдан уларни қуршовга олиб, батамом кириб ташлашга ҳаракат қилишаётганди. Эркин бир маҳал қа-

раса, кўлида гранатомёт пайдо бўлиб қолибди, афтидан ҳалок бўлган солдатнинг кўлидан тортиб олган бўлса керак. У мужоҳидлар томонга битта снаряд йўллади, буни кўрган ракиб тоғ-тошлар ортига ётиб олди. Эркин эса вазиятдан фойдаланиб, аскарларини хужумга бошлади ва взводини қуршовдан олиб чиқди. Тахминан беш дақиқада тўртта вертолёт етиб келди ва мужоҳидларни ракета билан, пулемёт ўқлари билан сийлаб, тирикларни ҳамда ҳалок бўлган тўрт кишининг жасадини олиб чиқиб кетишга муваффақ бўлди.

Ана шу оғир жангда ўттиз икки кишилик взводдан бор-йўғи ўн икки одам тирик қолган, уларнинг ҳам деярли барчаси енгил яранганди. Взвод Жаббал-Уссараждаги қароргоҳга қайтиб келди.

Бу Эркиннинг биринчи марта ана шундай омонсиз жангга кириши эди, тўғри, қисқа-қисқа жанглар тез-тез бўлиб турар, аммо бунақа тўкнашувларда устунлик ҳамма вақт советлар тарафида бўларди.

Мужоҳидлар уларни «дахрийлар» деб аташарди. Эркин ва унинг сафдошлари бу каби тўкнашувларнинг тобора авж олиб бораётганига мужоҳидлар онгида шаклланган шунақа тушунчалар ҳам сабаб бўлаётганини идрок эта бошлашганди. Чунки, Афғонистон халқи совет кўшинларини аввалига жуда хурсандчилик билан кутиб олмаган бўлсалар-да, хархолда қаршилик у қадар кучли эмасди, то баҳор бошлангунча нисбатан тинчлик, барқарорлик ҳукм суриб турди. Аммо, бу заминга кирган кўшинларнинг аксарият қисми мусулмон ҳисобланса-да, Аллоҳнинг буйруқларини бажармаслиги, Афғонистонда ҳам даҳриёна тартиб-интизомлар ўрнатилиши мумкинлиги кўпчилиكنи жиддий ташвишга сола бошлади. Маҳаллий диндорлар томонидан олиб борилган ташвиқотлар «жиход, ғазоват» сингари урушларга олиб келди, буни энди нафақат совет раҳбарлари, балки ана шу урушда жонини фидо қилаётган зобит ва аскарлар ҳам тушунмай қолдилар. Бу заминда ислом дини мафқураси теран илдиз ёйган, ҳар бир инсон етти ёшдан масжидларга бориши, Аллоҳга сиғиниши, ҳайит байрамлари ва жума намозларини жомеъ масжидларида ўқиши қадим-қадимдан одат тусига кирганди...

Бу палатада ва қўшни хонада ётган бир неча ярадорлар совет қўшинлари генерал Громов бошчилигида 1989 йил 15 февралда Афғонистон тупроғини тарк этганларидан кейин ҳам деярли бир ойга якин муддат ичида шу ўлкада қолишга мажбур бўялган аскар ва зобитларнинг вакилларидир. Улар Бадахшон оркали Панж дарёсидан моторли қайиқларда Тожикистонга ўтишганди.

Қўмондонлик уларнинг зиммасига ханузгача кўпчиликка сир бўлган вазифаларни қўйди, аммо мужоҳидлар томонидан кучли ўққа тутилган рота аскарларининг деярли ярмини бой бериб, Афғонистондан зўрға чиқиб кета олди. Капитан Эркин Пўлатов зиммасига юкланган ҳарбий вазифа Бадахшон пойтахти Файзобод шаҳридан деярли 120 километр узоқликда жойлашган бир кўрғонни таг-туғи билан портлатиб юборишдан иборат эди. Қўмондонликнинг гапига қараганда, бу кўрғонда мужоҳидларнинг Тожикистон республикасига ёриб киришлари учун зарур бўладиган қурол-яроғ, снаряд, мина, ўқ-дорилар омборхонаси жойлашган. Албатта, мужоҳидларни бундай имкониятдан маҳрум қилиш даркор эди. Манзил, у ерга олиб борадиган йўллар аниқ белгилаб берилди.

Десантчилардан иборат уч взвод ҳарбий вазифани бажаришга киришишларидан олдин, Эркин Пўлатовни Панж чегара заставаси командири капитан Артем Иванов билан учраштиришди. Икки капитан зарур бўлган тақдирда бир-бирларига ёрдам қўллари чўзишга сўз беришди. Бу ерда қандайдир мавҳумлик борлиги Эркиннинг хаёлидан кетмасди. Нима учун вертолёт ва штурмчи самолётлар билан кўрғоннинг кулини кўкка совириш мумкин бўлган ҳолда аскарлар ҳаётини хавф остига қўйиш керак?

Топшириқ бераётган полковник бунга шундай жавоб берди. Эркин унинг штаб офицери, махсус бўлим¹ бошлиғи эканлигини биларди. Чунки, батальонга келиб ҳарбий хизматни бошлаганида, дивизия штабида у билан учрашган, хизмат хонасига олиб кириб, анча пайт бошини ҳар хил муаммолар билан қотирганди ҳам...

¹ Ҳар бир қисмда ҳарбий контрразведка ходимлари бўлиб, улар душман томонидан юборилган жосусларни аниқлаш ва бошқа ишлар билан шуғулланадилар.

– Уруш тугаганлиги ҳақидаги шартномага имзо чекилган, шу сабабли, бизлар бу вазифани самолёт ва вертолётлар орқали амалга ошира олмаймиз. Унинг устига у ерда Тожикистонга ёриб кириш учун қурол-яроғ омборхонаси борлиги яқинда маълум бўлди, шунинг учун бу вазифани амалга ошириш ҳақида қўмондонликдан махсус буйруқ келди. Жанговар операцияда қатнашган зобит ва аскарлар ҳукумат орденлари билан мукофотланадилар, аммо қўрғон, у ердаги мужоҳидлар ими-жимиди таг-томири билан йўқ килиниши керак.

– Қўрғон қандай кучлар билан муҳофазаланган?

– Маълумотларга қараганда, қўриқчилар сони ўттиздан ошмайди, хизмат қилувчилар сони ҳам шундан ортик эмас, – деб жавоб берди полковник.

– Хўп бўлади, кетишга ва ҳарбий вазифани бажаришга руҳсат этинг, – деди капитан.

– Сизга ишонаман, капитан, – деди полковник ва сўзини давом эттириб. – Энди эса шахсий таркибнинг ҳарбий, комсомол ва партия билетлари, орден ҳамда медалларини топширишингиз керак. Огоҳлантириб қўяй, бирорта одамингиз мужоҳидлар қўлига тирик ҳолда асир тушиб қолмасликлари зарур, бунинг учун ҳамма чораларни кўришингиз керак, тушунарлими, ротний?

– Десантчилар ҳеч қачон тирик асирга тушмайдилар, ўрток полковник, – деди Пўлатов.

– Буни биламан, лекин огоҳлантириб қўйиш менинг вазифамдир. Мабодо, жанг пайтида бирортаси оғир ярадор бўлиб, олиб чиқиб кетишнинг иложи бўлмаса...

– Бундай ҳолга асло йўл қўймайман, десантчилар ҳаётлари хавф остида қолганда ҳам, ярадорларни олиб чиқиб кетишади, бунга амин бўлишингиз мумкин, – деди Пўлатов.

– Мен сизга ишонаман, капитан, аммо ҳарҳолда...

– Ҳарҳолда деган нарсаси бўлмайди, уларни соғ-омон олиб чиқиб кетишга ҳаракат қиламан, – деди яна кайсарлик билан Эркин.

Полковник кириб келган лейтенантга:

– Ҳозир бориб, шахсий таркибнинг ҳужжатларини қабул қилиб олинг-да, штабга топширинг, – деб топшириқ берди...

Капитан взвод командирларини йиғиб, бу заминда бўладиган сўнги жангга ҳозирлик кўра бошлади. Тоғ оралиғида жойлашган кўрғонга киши билмас бориш мушкул, чунки бу ерлар уларга нотаниш, ҳар кадамда учраб қолиши мумкин бўлган овчи, чўпонлар дарҳол мужоҳидларга хабар бериб, операция режаларини барбод қилишлари эҳтимолдан холи эмас. Вертолётлар эса ё Абдурашид Дўстум кўмондонлигидаги кучларга берилган, ёки олиб чиқиб кетилган, шу сабабли кўрғонгача бўлган масофани яёв юриб ўтишдан бошқа илож йўқ. Унинг устига, маҳаллий кишилардан бирорта йўл бошловчи берилмади, бироқ бу капитанни ажаблантиргани йўқ, бу операциянинг ниҳоятда сир тутилиши кераклиги унга аён эди. Армия фукаролик муассасаларидан шуниси билан фарқ қиладики, бу ерда буйруқ муҳим аҳамиятга эгадир, буйруқ бўлдими, уни ҳар қандай муҳокамасиз, талофотларга қарамай бажариш зарур.

Файзободдан Қуйи Панжгача бўлган масофа 120 километр, унинг учдан икки қисмигача бронетранспортёрлар олиб бориб кўяди, шу ернинг ўзидаёқ улар портлатиб юборилади, рота эса дарё орқали қайиқларда кечиб ўтиб, Тожикистон ҳудуди-га киради. Кўрғон чегарадан бор-йўғи саккиз чакирим нарида жойлашганлиги харитадан кўриниб турар, ундан ташқари, полковник унинг тасвири туширилган расмларни ҳам тақдим этган, бу ерларда кўрғоннинг яққалиги, ундан бошқа иморатлар йўқлиги ҳақида огоҳлантирганди. Зарур бўлган тақдирда чегарачилар ёрдамга келишларини айтиб қўйган ҳам эди. Топширикни қай тарзда бажариш масаласини муҳокама қилишда чегарачиларнинг вертолётда Бадахшонга учиб келган 9-застава командири капитан Артем Иванов ҳам қатнашди, чунки бу ерлар уларга анча-мунча яхши таниш, маслаҳатлари асқотиши мумкин.

– Хўш, капитан... Кўрғон олдида билдирмасдан қандай бориш мумкин, ҳозир ҳамма гап шунда бўлиб турибди, – деди катта лейтенант Муродилла Аминов.

– Агар кун ёруғида ҳаракат қилсангизлар, – сўз олди Иванов, – операциянинг муваффақияти хавф остида қолади, шунинг учун мана бу тоғлардан ўтиб бориш зарур.

У шундай деб харитага юзланди. Барчалари харитага қараб, у чизиб кўрсатган чизмага эътибор билан тикилишди.

– Бу ерларда маҳаллий аҳоли деярли йўқ. Фақат овчилар ва чўпонлар учраб туради, аммо улар ҳам ҳозир бу ерларга чиқишмайди, чунки қорлар эрмаган, тоғ йўллари кўчкилар билан тўсилган. Бу эса вазифани бажаришингиз учун яхши имконият. Фақат бу тошлардан юриш анча машаққатли... Яна бир марта айтаман, мана шу чизикдан чиқмай борасизлар, акс ҳолда мана бу, мана бу ерларда қишлоқлар бор, одам гавжум.

Шу вақт капитаннинг космик телефони жириглаб қолди, у хонадан чиқиб, кимлар биландир деярли ўн дақиқа гаплашди ва кириб:

– Мен бир взвод билан сизларга ёрдамга келаман, бошлаб боришга топшириқ олдим. Панж дарёсида ўн бешга яқин қайиқ кутиб туради. Кўрғон атрофида юрганлар вақтидан олдин билиб қолмасликлари учун улар биз жангга киришимиз билан дарёнинг бу бетига ўтиб, кутиб туришади, акс ҳолда бирортаси кўриб қолиши мумкин, – деди.

Икки капитан ҳеч нарса демай бир-бирларининг қўлларини сиқиб кўйишди, ана шу қўл олиш кифоя бўлиб, гап-сўзга ҳожат қолмаганди. Ҳамкорлик, дўстлик, бири-бирига ҳар қандай вазиятда ҳам ёрдамга келиш ҳарбийлар ичидаги удумга айланган. Вазифа аниқланиб, взвод командирлари ва чегарачилар капитани бир дастурхон атрофига йиғилишди. Овқат ҳали тайёр эмас экан, Аминов дастурхонга спирт тўлдирилган фляжка кўйди. У одам сонига қараб крушкаларга спиртни куйгач:

– Афғон тупроғидаги сўнги жанг учун, – деб кўтариб юборишди. Шундан кейин Артем:

– Ротний, – деди. – Панж дарёсининг оқими ниҳоятда шиддатли. Аммо мана бу жойда дарё сунъий тўсиқлар, нисбатан баланд қоялар билан ўралган. Натижада сув шу ҳисобига кўтарилиб, йиғилади, сўнгра тошлардан ошиб ўтаркан, жарликка оқиб тушадиган шаршара ҳосил қилади. Фақат мана шу ерларгагина моторли қайиқларни келтириш мумкин. Мана бу жой – сойнинг энг тор жойи, ўша ерда менинг аскарларим трослар ёрдамида кечув ҳозирламокдалар, чегарачиларимиз шу ердан ўтиб, тайёр

бўлиб турадилар. Шартли сигнал бўлиши билан мана бу ерга чиқиб, бизга қўшиладилар. Взвод командири – катта лейтенант Анатолий Мишин.

– Жуда соз, – дейишди десантчилар.

Чегарачиларда спутникли телефонлар бўлиб, интенсив алоқалиб бориладиган бўлса, уларнинг аккумуляторлари куввати 7–10 кунга етарди. Улар чакчаклашиб ўтиришар экан, водийлик ошпаз Муқимжон икки лаганда ош сузиб келди. Олти кишига икки лагандаги ош кўп эди, бироқ қўлларини артганларга ҳам ошатилиб, еб юборилди. Шундан сўнг капитан Иванов бир взводни жангга тайёрлаш учун ўз заставасига учиб кетди...

Коронғи тушгач, учта бронетранспортёрга ўтиришиб, Файзобод шаҳрини тарк этишди. Ҳозирча маҳаллий ҳукумат расмий давлат ихтиёрида, аммо кишлоқлар эса мужоҳидлар қўлига аллақачон ўтиб кетганди. Тахминан, йўлнинг учдан икки қисми ўтилгач, рота аскарлари ҳарбий рюкзакларини олишди, увишиб колган оёқларини ёзишиб, бир сафга тизилишди. Марш¹ни бошламасдан олдин рота командири:

– Ҳар бир взводнинг ораси юз метр бўлиши керак, маршни ана шу тарзда давом эттириб борамиз. Сафдан чиқиш, чекиш, бирор нарсани ёқиш, фонарларни ишлатиш қатъиян ман қилинади. Привал² мана бу жойда бўлади, тушунарлими, десантчилар? – деб кўрсатма берди.

Марш бошланишидан аввал уларни олиб келган уч транспортёр соляркали латта билан хўлланди ва бир ўнгирга итариб, портлатиб юборилди. Энди яёв кетишлари керак, чунки бундан буёғи ўрмон ва тоғ-тошлардан иборат эди. Десантчилар курол-яроғларни, гранатомёт, қўл пулемётлари, улар учун махсус тайёрланган АК–74 автоматлари, граната, мина ва копчикларни олиб, ҳарбий сафарни бошлаб юборишди. Олдиндаги ўн бир кишилик қўриқчилар гуруҳига прапоршик Семенов бошчилик қилиб кетди. Чегарачилар капитани ва рота командири унга йўлни тўғри топишда адашмаслиги учун компас ва харитани бериб:

¹ Марш, яъни ҳарбий сафар, жанговар вазифани бажариш учун йўлга чиқиш.

² Ҳарбийлар тилида тўхташ жойи, дам олиш манзили.

– Агар ҳеч қандай хавфни сезмасангиз, маршни давом эттираверасиз, мабодо бирор тўсикқа, ёйинки фавқулодда ходисаларга дуч келсангиз, дарҳол ўша ерда тўхтаб, бизга посылный¹ юборинг, тафсилотларини аниқлагандан сўнг, сафарни давом эттирамиз. Зинҳор-базинҳор сигнал ракеталари отманг, унда ўрмонда ҳарбийлар борлиги вақтидан олдин маълум бўлиб қолади, тушунарлими прапоршик?!

– Тушундим, бажаришга ижозат беринг! – деди Семенов.

– Рухсат...

Чегарачилар капитани бир взводни тайёрлаш учун ўз қароргоҳига қайтди. Рота маршни давом эттириб борар, ҳозирча ҳеч қандай хавф сезилмас, тоғли жой бўлганлиги учун нафас олиш кийин эди. Аммо, десантчилар бундай ҳолатга аллақачон кўникиб қолишган, Афғонистон тоғ-қирларида юравериб, бу шароитлар уларга синашта бўлиб кетган.

Рота одамлар умуман юрмайдиган, қуюқ арча дарахтлари билан қопланган ўрмон сўкмоғи орқали кетиб бормоқда. Ҳар замонда кишки уйқудан энди турган айиқларнинг даҳшатли хайкириқлари эшитилиб қолади, тунги қушларнинг кийкириқлари кулоққа чалинади.

Ниҳоят тонг пайтида рота белгиланган манзилга етиб борди. Бу ерда уларни бир взвод билан Анатолий Мишин кутиб турарди. Чегарачилар бу манзилларни яхши билганлари учун ва бошқа қисқа йўллар билан десантчилар ротасидан деярли ярим кун олдин келишган, ҳатто атрофларни разведка қилиб, қайси ерларда қишлоқлар борлигини ҳам аниқлаб қўйишганди.

– Бирор тасодиф бўлмадими? – деб сўради Артем.

– Йўк, йўк, сен чизиб берган чизикдан чикмай, омон-эсон етиб келдик, – деб жавоб берди Эркин.

– Яхши, энди бизнинг вазифамиз қўрғонга яширинча бориб олиш ва лаънатини таг-туғи билан йўк қилиш. Лекин, унга етиб боргунча бир қишлоқни айланиб ўтиш керак, бу эса деярли беш чақиримли йўл. Қишлоқни мана бу ердан айланиб ўтамиз,

¹ Посылный, ҳарбийларда шундай ибора бўлиб, унинг маъноси “чопар” дегани.

чунки унга яқин бориб бўлмайди, итлар сезиб қолса, кишлокни оёққа турғизади... Бронетранспортёрларни нима қилдинглар?

– Жарликка итариб, портлатиб юбордик, маҳаллий аҳолидан ҳеч ким уларни кўргани йўқ, – деди Эркин.

– Жуда соз, хозир имкони борица тезроқ бу ердан кетиб кўрғоннинг орқа тарафидан чиқадиган сўқмоққа етиб олайлик, сўнг дам оламиз. Кечаси разведка қилиб, координатларни аниқлаймиз-да, бу лаънатини қандай қилиб портлатиш ҳақида маслаҳатлашамиз. Десантчиларингга буйруқ бер, ўрnidан кўзғолишсин, чунки бу жойлар хавфли, чўпонлар, овчилар, ҳатто маҳаллий аҳоли юрадиган йўл, бирор одам кўриб қолиши мумкин.

Десантчилар индамай сафга туришиб, юкларни кўтаришди-да, маршни бошлашди. Олдинга яна прапоршик Семенов чиқиб, разведкачиларни бошлаб кетди. Орадан беш дақиқа ўтмай, бутун шахсий таркиб чегарачилар взводи ҳам қўшилган ҳолда йўлга тушди. Ой йўлни ёритиб борар, шу туфайли аскарлар бирор тўсик олдиларидан чиқса, айланиб ўтиб кетишарди. Беш километр масофани ўтиш худди эллик чақирим йўл босгандек оғир бўлди. Уруш туфайли ўрмоннинг бу чеккаларига одамлар келмай қўйишган, шунинг учун сўқмоқ йўллар ҳам чангалзор бўлиб кетган, бу ғовларни болта билан чопиб, йўл очишга тўғри келди. Ниҳоят ҳолдан тойиб, кўзланган манзилга етиб боришди. Аскарлар шу даражада чарчашган эдики, манзилга етган ҳамонок, чириб бораётган бултурги хазонлар устига йиқилишди.

Иккала капитан харита устига эгилишиб, жанговар вазифани қандай қилиб бажариш ҳақида бош қотира бошлашди. Кун анча ёришиб қолганлиги сабабли атрофга, яширин секретларни¹ қўйиш ҳақида Муродиллага топшириқ бериб, у бошлиқ бўлинма таркибига чегарачиларни ҳам киритишди, чунки улар бундай шароитларда яширининг усулларини десантчиларга нисбатан яхши ўзлаштиришган. Аскарлар қарийб беш юз қадам ерга секретлар жойлаштириб, атрофни кузатиш ишларини бошлашди. Жанговар вазифани бажариш учун кўриқчилар сони, қаерлар-

¹ Секрет – ҳарбийча яшириниш усули.

га жойлаштирилгани, қандай куроллар билан куроллангани, кўрғоннинг харитаси, каерлардан хужум уюштириш, портлатгич моддаларни қайси заиф ерларга ўрнатиш мумкинлигини аниқлаш албатта зарур эди. Чунки берилган буйрук кўрғонни батамом йўқ қилишдан иборат эди.

Десантчилар ва бир взвод чегарачилар донг қотиб ухлаб ётишар, ҳатто берилган тушенкаларни ҳам очиб ейишга мажоллари қолмаганди. Бироздан сўнг Эркин Пўлатовнинг ҳам кўзлари юмила бошлаганини кўрган Артем деди:

– Капитан, бироз ҳордик чиқариб олиб, сўнгра муҳокамани давом эттирармиз, барибир мияга ҳеч қандай фикр келмаяпти.

– Менинг ҳам миям ғовлаб кетди, бироз дам олмасак бўлмайди шекилли, – деди Эркин ва десантчиларнинг плаш-палаткаси-га¹ ёнбошлади.

Икки соатлик уйқудан бардам бўлиб турган иккала капитан ва бошқа командирлар йиғилишиб, яна харита устига энгашишди. Пировардида, аввал кўрғон атрофларини синчиклаб кузатиш, кўрикчиларнинг сони, куроллари, алмашилиши соатлари, дарвоза ва ҳоказоларни ўрганмасдан туриб, хужум қилиш оқибатли чиқмаслиги ҳақидаги мулоҳазалар устун келди ва разведка қилишга бирлашган бир взводни жалб этишга қарор қилишди. Бу иш катта лейтенантлар Муродилла Аминов, чегарачилардан эса Анатолий Мишинга топширилди. Улар бирлашган взводни олиб, йўлга тушишди.

Икки кунлик кузатувлардан сўнг, улар қайтиб келишиб, командирларига ахборот беришди.

– Энг хавфли томони, – деди Мишин, – кўрғон атрофи – ёлғизоёқ сўкмоқ, машина йўлидан бошқа ҳаммаёқ – бари пиёдаларга қарши миналар билан муҳофазаланган. Сўкмоқ билан йўл эса мунтазам равишда кўрикчилар назоратида, аммо бирорта секретга дуч келмадик. Афтидан улар кўрғонга хужум уюштириш ҳеч кимнинг хаёлига келмайди, деган фикрда бўлсалар керак. Кўрғон дарвозаси олдида вишка² бор, унда кундузи битта, тунда эса икки

¹ Қор-ёмғирдан сақланиш учун шинел, гимнастёрка устидан ёпиб юриладиган брезент кийим.

² Посбонларнинг ёғочдан қурилган минораси.

киши навбатчилик қилар экан. Бешта аскаримиз дарахт устига чиқиб, дурбиндан кўрғонни кузатишди ва уни схематик равишда қоғозга тушириб олишди. Навбатчилик вақтида кўрғонга иккита юк машинаси келди, ундан қандайдир шиша идишлардаги юклар туширилди, шундан кейин машиналар қайтиб кетди. Кўриқчилар сони тахминан ўттиз кишидан иборат, ундан ташқари, оқ халатли бир қанча одамларни кўрдик, хуллас бу ерда нари борса 50–60 киши бор. Кўриқчилар кундуз кунлари ҳар тўрт, кечаси эса уч соатда алмашинади. Кечаси қўшалок, кундузи эса якка-якка постлар бўларкан. Уларнинг ўрни чизмага туширилган. Мана бу иморат, афтидан, маъмурий бино бўлса керак, чунки у ерга одамлар кириб чиқишаётганининг шохиди бўлди. Келган ҳайдовчилар ҳам шу ерга кириб, қандайдир ҳужжатларни топшириб чиқишди. Кўриқчилар хонаси дарвоза олдида, уни камуфуляж¹ кийган, соқолли одам алмаштиради. Бизнинг таклифимиз шундай: кўрғонни айланиб ўтиб, дарвозага қарама-қарши тарафдан кириш керак, бунинг учун эса сапёрлар то ўша жойгача бўлган ерларни миналардан тозалашлари зарур. Бундан ташқари кўрғонда иккита енгил «УАЗ – 469» ва бир қанча отлар бор.

Капитанлар ахборотни ўзаро муҳокама қилиб, сўнгра Муродилланинг фикрини сўрашди.

– Кўрғонни айланиб ўтиш эмас, балки унинг ғарб тарафидан бориб, ҳужум ташкил этиш керак. Чунки, биринчидан, кўрғон деворлари ўрмонга жуда яқин. Иккинчидан, кўрғонга тўсатдан ҳужум қилиш ҳам бефойда, чунки ўнга яқин кўриқчи ит бор, булар бир акиллаб берса, ҳамма оёққа туриши мумкин. Агар бу ерлар миналардан тозаланса, дарахтларни пана қилиб, шамол шимоли-ғарб тарафга эсаётган пайтда кўрғонга яқинлашиш имкони туғилади. Лекин, бунинг бир муаммо тарафи мавжуд, кўрғонга етиб бориш учун жарликдан, жарлик бўйлаб оқиб ўтадиган сойдан ўтиш керак. Ундан ташқари, кўриқчиларнинг бор диккат-эътиборлари йўл ва сўқмоққа қаратилган, бу ерда муҳофаза чизиги анча бўш, атиги икки одам бор, уларни зарарсизлантириш биз учун қийин иш эмас, – деди Муродилла.

¹ Баргранг ҳарбий кийим, ўрмон худудларида яшириниб юришга қулай имконият яратади.

– Ҳа, ҳа, буни бир жиддий мулоҳаза қилиш керак экан, – деди Эркин. У барча офицерларни ва прапоршик Семеновни таклиф этишга топшириқ берди. Офицерлар Муродилланинг фикрини қўллашиб, операцияни худди шу усулда амалга оширишга келишишди.

Десантчилар гуруҳидаги сапёрлар дарҳол олдинги марраларга чиқиб, миналарни зарарсизлантиришга киришиб кетишди. Бунинг асосий қулай томони шунда эдики, хужум учун танланган йўналишга пиёдаларга қарши миналар қўйилгани учун, ҳеч ким бормас, посбонларнинг нигоҳи асосан йўл ва сўқмоққа қаратилган эди. Унинг устига қалин ўрмон бу ишни амалга оширишга қулайлик туғдирди.

Сапёрлар деярли бир кунда қўрғонга олиб борувчи йўлларга қўйилган ҳар беш метр масофадаги миналарнинг запалларини олиб, зарарсизлантиришди. Миналар шатранж усулида ўрнатилган, уларни топиш анча мушкул бўлди.

Шундан кейин, Эркин шахсий таркибга яхши дам олишга буйруқ берди.

Соат тунги ўн иккиларда у «ҳарбий ҳолат» эълон қилиб, десантчи ва чегарачилардан ташкил топган қўшма взводни жанг чизиғига чиқиш учун бошлаб кетди. Олдинда сапёрлар йўл бошлаб боришди, уларнинг ортидан аскарлар эргашишди. Улар товуш чиқармай, ҳаракат қилишиб, жарлик ва сойликдан ўтишди-да, бир амаллаб қўрғон олдига етиб келишди. Бунга ҳам деярли икки соат вақт сарф бўлди.

Эркин сўқмоқ йўл ва трассада катта лейтенантлар Абдувалиев ва Мамедовлар бошлиқ йигирма чоғлик жангчини муҳофазага қолдирди. Уларга қуйидаги жанговар вазифани қўйди:

– Биз қўрғонга хужум қилган пайтимизда, кимдир шу йўл билан чиқиб кетишга ҳаракат қилса, уларни автомат ўқлари билан кутиб оласиз. Чунки қўрғонда иккита енгил автомашина, бир қанча отлар борлиги ҳақида разведкачилар маълумот беришди. Уларнинг бошлиқлари албатта қочиб қолишга уринадилар, бирортаси чиқиб кетса, ёрдамчи кучларни олиб келиши мумкин.

Ўрмон оралаб бориб, қўрғонга яқинлашдилар.

Кўрғон замонавий услубда қурилган қалъалардан бўлиб, деворлари устига тиканли симлар ўрнатилган, ҳар жой-ҳар жойга эса консерва банкалари осиб қўйилган. Ҳозирча итлар уларни пайқамади шекилли, акиллашмаётир, чунки шамол тескари тарафга қараб эсаётибди. Вишкада икки кўрикчидан бири сергак иккинчиси эса қулокчинини бошига қўйиб, афтидан пинакка кетган. Эркин десантчиларга найза-пичокларни тайёрлаб туришни тайинлаб, мерганларга кўрикчиларни нишонга олиш ҳақида топшириқ берди. Улар товуш чиқармайдиган асбобларни мерганлик милтиғига жойлаб, мўлжалга ола бошлашди. Эркин уларга:

– Миясидан уринглар, агар ярадор бўлсалар, вақтидан олдин тўполон кўтариб юборишлари мумкин, – деди.

– Хотиржам бўлинг, ўрток капитан, «ғик» этган товуш чиқаришга улгуришмайди.

Дарҳақиқат, орадан бир дақиқа ўтмай, иккала кўрикчи ҳам шилқ этиб тушишди. Шу пайт итлардан бир нечтаси вовуллашиб, кўрикчилар вишкаси тарафга югуришди. Мерганлар уларни мўлжалга олиб, бирин-кетин ота бошлашди. Десантчилар дарҳол кўрғон деворлари устига бушлатларини ёзиб, штик-ножлар билан тиканли симларни қирқишга тушдилар.

Энди, операциянинг махфийлиги қолмаган, шиддатли ҳужум билан кўрғонни забт этиш зарур эди. Бир неча десантчи сержант Қулиев бошчилигида кўрғон томига арконлар ёрдамида чиқишиб, қалъадагиларни автоматдан ўққа тутишди. Уларга қўйилган вазифа ҳар бир жонли, ҳаракат қилаётган нишонларни ўққа тутиш эди. Шу пайт кўрғон устидаги томга қурилган ярим доирасимон уйчанинг туйнуғи очилиб, ундан базукининг¹ учи кўринди. Мужоҳид ҳужум қилаётганларни нишонга ола бошлаганини кўрган бир десантчи штик-ножни унга қаратиб отди, чунки унинг гавдаси эшик тавақасидан бемалол кўриниб турганди. У бир ихраб, томга ётиб қолди. Десантчи базукини олиб, кўрғон остида химояланаётганларга қарата ўқ узди. Кўрғон ичидан камуфуляж кийган соқолли одамлар югуриб чиқишар, автоматларидан ҳужум қилаётганлар томонга қараб ўқ отишар

¹ Базуки, яъни гранатомёт.

эди. Тўсатдан қилинган хужум уларга кирон келтирди. Аммо, десантчи ва чегарачилар ҳам талофот кўришмоқда.

Қалъа деярли ишғол этилди. Шу пайт икки енгил автомашинада бир нечта одам дарвозадан чиқиб кетишга улгурди, аммо улар орадан беш дақиқа ҳам ўтмай гранатомётлар ўтига дуч келишди, портлашларнинг акс-садоси кўрғонгача етиб келди. Бу Абдувалиев ва Мамедовларнинг бўлинмалари жангга кирганлигидан далолат берарди. Капитанлар вақтни ўтказмай, омборхоналарга миналарни ўрната бошлаш ҳақида сапёрларга топшириқ беришди. Бу миналар маълум муддатдан сўнг портлайдиган хусусиятга эга эди.

Аммо, Эркин ҳар қанча кидирса ҳам қурол-яроғ омборхонасини топа олмади, кейинроқ эса бу ерда қандайдир сирли тадқиқотлар олиб борилишига ишонч ҳосил қилди. Чунки, катта бир хонага кирганида, колба, мензурка, штативлар ва унга нотаниш бўлган ускуналарга кўзи тушди. Асир олмаслик ҳақида топшириқ бўлганлиги учун, у ердагиларнинг барчаси қирilib бўлган, сўраб-суриштириш энди кеч эди.

Каттагина ертўлани очиб кўришганда, фақат озиқ-овқат захираларини топишди: қопларда ун, шакар, хумларда эса ўсимлик мойлари.

«Бу қандай сир-асрор бўлди, – хайрон эди Эркин, – қани қурол-аслаҳа омбори? Бу ерда уруш билан, тажовуз билан боғлиқ ҳеч нарса йўқ-ку...»

Ўйлаб ўтиришга вақт йўқлиги учун, дарҳол портлатиб юборишга қарор қилишган пайтда эса, лейтенантлар Абдувалиев ва Мамедовларнинг бўлинмаси томондан гранатомёт, автоматлардан отилган ўқларнинг шовқини эшитилди. Лекин, кўрғонда снаряд, мина, патронлар йўқлиги учун кутилган даражада портлаш рўй бермади, атроф фақат димоғни беҳузур қиладиган дуд билан қопланди. Кўрғон икки қисмдан иборат бўлиб, иккинчи тарафида бу ердагиларни сут ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш учун бир неча қорамол, юзга яқин қўй, учта от сақланар экан. Ундан ташқари бир қанча сим тўрлар билан тўсилган қафаслар бўлиб, ҳар бирида бир жуфтдан укки бор экан. Бу ернинг хизматчилари жанг бош-

ланиши билан ўрмон ичига яшириниб олганлар шекилли, топишнинг иложи бўлмади.

Капитанлар кўрғонга хужум қилган аскарларни захирада қолдирилган бўлинмаларга ёрдамга бошлаб кетдилар.

Улар айна пайтида етиб боришди, ўрмон ичидан чиқиб келган мужоҳидлар жангчиларни исканжага олаётганларида орқадан зарба беришди. Мужоҳидлар:

– Аллоху акбар! Аллоху акбар! – деб хужумга ташланишаётганди.

Улар десантчиларни ўраб олишга ҳаракат қилишар, ҳар қандай талофатга ҳам қарамай қуршовга олиб, батамом кириб ташлашга аҳд қилишгани сезилиб турарди. Кучлар нисбати ҳам тенг эмас эди. Бу мужоҳидларнинг анча йирик қисми бўлиб, камида мингга яқин кишидан иборат эди. Улар ортиқча шовқин-сурон қилмасдан, укув билан ўраб келишар, сардори жанг кўравериб, суяги қотиб кетган зобитга ўхшарди.

Мана шу жангда чегарачилардан ўн икки одам, десантчилардан эса ўн тўққиз аскар йўқотилди. Қайиқлар ёнига зўрға етиб боришди. Десантчилар ярадор бўлган капитан Пўлатов, Аминов ва Мишинларни тезликда мотори юриб турган энг яқин қайикка ўтқизишди, ўзлари эса тобора сиқиб келаётган мужоҳидларга қарата ўқ узишда давом этишди. Лейтенант Абдувалиев ва прапоршик Семеновлар қўл пулемёти ўти билан уларнинг йўллари тўсиб, қайиқларга десантчи ва чегарачиларнинг чиқиб олишларига имкон яратиб беришди. Бунгача ўзлари ҳам жароҳат олишди, шундан кейингина бир амаллаб сўнгги қайикка чиқиб олишга муваффақ бўлишди. Шу жангда деярли десантчилардан ярмидан ортиғи, чегарачилардан эса уч кишидан бошқа ҳамма турли жароҳат олиб, ярадор бўлишди.

Мужоҳидлар билан бўлган сўнгги жанг Эркин Пўлатов ва Артем Ивановлар учун ана шундай талофатли яқунланди.

Бу мудҳиш кўрғонда бўлган жанг орадан бир неча йиллар ўтгач, акс-садо берди.

Тожикистонга ўтгач, ярадорларни зудлик билан АН-14 самолётига ўтқазиб, Балашихадаги госпиталга олиб келишди ва муолажаларни бошлаб юборишди. Шу ерга штабдан бир

офицер келиб, уларга орден ва медаллар топшириб, капитан Пўлатовни майор, катта лейтенантлар Аминов ва Мишинларни капитан унвонлари билан табриклаб кетди. Ҳалок бўлганлар хотирасини ёдга олишиб, оз-оз «олишди» ҳам, майор Пўлатов фақат стаканни уриштириб қўйди, чунки унга ҳозир ичиш мумкин эмасди. Сўнгги жангда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган аскарлар нима сабабдан мукофотга тақдим қилинмаганлигини сўраган Пўлатовга штабдан келган зобит шундай жавоб килди:

– Майор, сиз яхши тушунишингиз керак: ахир уруш расман тўхтатилган бўлса, шундан кейин қандай жанговар операция бўлиши мумкин? Шунинг учун, бу жангни ёддан чиқаринглар, бўлмаган деб ҳисобланглар.

– Кечирасиз, подполковник, ана шу жангда мен ўн тўққизта, чегарачилар эса ўн иккита аскардан жудо бўлишди. Қандай эсдан чиқариб бўлади буни? Тегишли мукофотларни беришларингизни талаб қиламан, – деди Пўлатов.

– Мени маъзур тутасиз, майор, юкорининг фикри шунака. Бизлар тақдимнома ҳам берган эдик, афсуски, Генштаб бундай ҳарбий операция бўлмаган, десантчилар ва чегарачилар ҳеч қандай жанговар топширикни бажармаганлар, 15 февралдан бошлаб, Афғонистонда бирорта совет солдати ёки офицери қолган эмас, деб тақдимномаларни инкор этишди. Шундай бўлгач, биз нима қила олардик, – деб жавоб берди.

– Кечирасиз, бизлар жанговар буйруқни бажараётганимиздан Генштаб беҳабар қолиши мумкинми? Нега инкор этадилар, – деди ҳайрон бўлганича Пўлатов.

– Бизларни таажжублантирган нарса ҳам шу-да... Лекин илож қанча, ҳеч қандай мукофот бўлмайди... Хўп, ҳозирча хайр, бу масала билан яна кизиқиб кўраман, бирор натижа чиқаза олсам, келиб хабарини берарман, жаноби офицерлар, – деди ҳазиломуз подполковник.

У кетгач, Эркин ҳар қанча уринса ҳам унинг исми-шарифини эслай олмади.

– Муродилла, дивизия штабидан келган подполковникнинг фамилияси қандай эди?

– У сен билан гаплашди. Исми-шарифини айтмади шекилли, агар айтган бўлса ҳам, сенга айтгандир, бизларга ҳеч нарса демади.

– Менга айтгандек бўлувди, аммо эслай олмаяпман, Козловмиди, Козленокмиди... Генштабга борганимда фамилиясини айтишим керак, ахир бу сўнгги жанг ҳақида қандайдир ахборот бўлиши керак-ку?

«Госпиталдан чиққандан кейин албатта Генштабга кириб, суриштираман, охирги жанг учун бериладиган давлат мукофотларини талаб этаман, бу ишни ҳалок бўлган биродарларим, жаҳаннамдан омон чиққан ва ярадор бўлган сафдошларимнинг олдида юзим ёруғ бўлиши учунгина киламан,» деб аҳд қилиб қўйган Эркиннинг тушига бот-бот қўрғоннинг сим тўрларида сақланаётган уккилар кирар, нега шунча кушларни бир жойга йиғдилар экан, деган савол сира хаёлидан кетмас эди.

Кунлар шу тарзда ўтаверди, яралар битиб кетди, фақат ушбу жангларда ҳалок бўлган йигитларни эслашдек жароҳат бир умр сақланиб қолди.

Бир ойга яқин госпиталда бўлган ярадорларга Балашихадаги Давлат хавфсизлик қўмитасига қарашли оромгоҳга йўлланма берилди. Сабаби, ҳарбий хизматга яроғсиз бўлиб қолган бу йигитларни аввал яхшилаб даволаб, сўнгга захирага йўлланма бериш керак эди. Чунки, жанг кўрган, қон кечган бу одамларнинг руҳий ҳолатларини таклаш керак, акс ҳолда бундан буён ҳаётда ўз ўринларини топа олиш жараёни жуда мушкул кечиши турган гап. Уларнинг аксарияти уйқусизликка чалинган, айримлари эса ухлаётган чоғларида босинқирайдиган бўлиб қолишган, баъзилари ҳатто даҳшатли тушларни кўриб:

– Взвод, хужумга! – деб ўринларидан туриб кетишар, ўзларини худди жанг ичида юргандек ҳис қилишар эди. Афғонистонда бўлиб қайтган баъзи аскарларнинг ҳатто ақлдан озганлари, ичкиликка берилганлари, бир хиллари эса жонларига қасд қилганларини Эркин ҳар замонда ўз солдатларидан эшитиб қоларди. Баъзилари жиноий тўдаларга қўшилиб, жиноятлар содир қилардилар. Чунки, бу одамлар қонни кўравериб, раҳмсиз бўлиб кетишган, ҳаётда ўз ўрнини топа олмаслик,

ноумидлик уларни ҳар кўчага бошлар эди. Уларнинг ҳар кандай қуролни ишлатишни билишлари эса барчага аён, кўлида қуроли бор инсон эса, маълумки, бошқалардан ўзини устун ҳисоблайди...

Майор ва капитан бир хонага жойлашишди, аммо эртаси куни Мишин уларнинг олдига келиб:

– Мен санаторийдан кетмоқчиман, бу ерда дам олиш ўрнига, жинни бўлиб қоламан, – деди.

– Нега?

– Биринчидан шеригим туни билан уйқу бермади. Бошидан ярадор бўлган, сал калласи айниб қолганми... Иккинчидан қовуғи бўшашиб кетган экан, ҳаммаёкни шиптирни ҳиди босиб, нафас ололмай қолдим. Бош врач муовинидан бошқа палата сўрасам, йўқ деб айтди. Шунинг учун, уйга – Сибирга кетаман.

– Менга қара, бизнинг хонага чиқсанг-чи... Битта кроват кўямиз, ётаверасан. Ҳозир бош шифокорнинг олдига кириб, сўраймиз, менимча йўқ демайди, – деди майор.

– Сизларга оғирлигим тушмайдими?

– Э, қандай гап бўлиши мумкин, бирга госпиталда ётдик, бу ерда ҳам бирга бўламиз, – деди Эркин.

– Раҳмат, дўстларим, – деди ўз қувончини яшира олмай Мишин. Улар биргалашиб санатория бош шифокорининг хизмат хонасига йўл олишди. Бош шифокор ҳарбий бўлмай, фуқаролардан экан, ёзув машинкаси олдида ўтирган котиба киз кириб, айтиши билан, уларни қуттирмай қабул қилди ва масалани гап-сўзсиз, орқага сурмай ҳал қилиб берди. Хуллас, уч қуролдош бир палатада дам олишадиган бўлишди.

Сихатгоҳда турли тренажёрлар ўрнатилган хоналар, кино-театрлар, ўттиз ўринли ҳаммом, кутубхона, югуриш машқлари бажариладиган, масофалари ўлчаб қўйилган йўлақлар мавжуд. Кечки овқатдан сўнг теварак-атрофдан ёш кизлар ракс кечаларига келишади, хуллас дам олиш марокли ўтарди.

Иккинчи куни улар тиббий кўриқдан ўтказилиб, йўлланма муддатини икки баробарга кўпайтириш ҳақида қарор қабул қилинди. Аминов бошқа палатада ётган қуролдошлари билан доимий мулоқотда бўлиб турганлиги учун:

– Ротний, – деди Эркинга мурожаат қилиб, – айна охириги жангда қатнашган аскарларнинг йўлланма муддатлари икки ба-раварга узайтириляпти, бошқаларга йўқ.

– Бундай сихатгоҳларга яна бир марта келишлари мавхум бўлганлиги учун узайтиришган бўлса керак... Тагин ким билади?

Сихатгоҳ кинотеатрларида уруш ҳақидаги фильмлар қўйилмас, имкони борича комедиялар, ҳаётий драмалар, ҳинд кинофильмлари намоиш этиларди. Невропатолог ҳар куни палатага кириб, уларга нина билан даволаш жараёнларини олиб борар, ниналарни қўйиб бўлганидан сўнг, уларнинг руҳиятига таъсир қилувчи муолажаларни қилаётганлигини ярадорлар сезмай ҳам қолишарди:

«Кўзларингизни юминг... Ҳаёлингизда денгизлар, уларнинг тўлқинлари пайдо бўлмоқда... Мовий сув тўлқинлари устида чағалайлар учиб юрибди...» кабилидаги гаплар дарҳол кишига ором бахш этар, ўзингни ростдан ҳам мавж уриб турган денгиз соҳилида ҳис қиласан киши. Бундан ташқари, турли витаминлар беришади, кечки пайт эса ётишдан олдин, яхши ухлатадиган уколлар қилинади. Эркиннинг овқати парҳез таомлардан иборат бўлганлиги учун ҳар икки соатда ошхонага боришга мажбур, фақат тушлик пайтида ҳамхоналари билан бир дастурхонга ўтиришади. Чунки, унинг ошқозонининг деярли учдан икки қисми кесиб ташланган. Икки ой ичида уни тўрт марта ультратовуш диагностика ускунаси (УЗД)дан ўтказиб, ошқозонини текширишди ва ташхис яқунларига кўра, аста-секин кучли овқатларга ўтказа бошлашди. Тўртинчи марта текширувдан ўтказган врач унинг муолажа варағига бир нарсаларни ёзиб:

– Пўлатов, – деди ниҳоят, – сизнинг ошқозонингизда тикланиш жараёни шунчалик тез ўтдики, яна бир ойда ўзининг асл ҳолига келишига менда шубҳа йўқ. Табриклайман.

Бундан ташқари, шу палатада ётган уч ярадорни бир невропатолог мунтазам равишда, якка-якка ҳолда ҳамма ёғи қора чойшаб билан ёпилган хонага таклиф этар ва гипноз ёрдамида ҳам муолажалар олиб борарди. Бу жараёнда уларга турли саволлар бериларди:

– Сўнгги жангга қачон ва қаерда кирганингизлар?

– Март ойида Бадахшондаги кўрғонни чегарачилар билан қуршовга олиб, портлатиб ташлаганимиз.

– Қандай қилиб? Ахир сизлар 1989 йил февраль ойида Афғонистон тупроғидан чиқиб кетган бўлсангизлар, қандай қилиб яна у ерларга бориб қолдингиз?

– Бизлар совет кўшинларининг чиқиб кетишларини назорат қилдик. Шундан сўнг март ойида ўша оғир жангда қатнашдик. Кейин эса Қуйи Панж орқали моторли қайиқларда чекиндик. Мен ўшанда ўн тўққизта десантчимдан айрилганман, бу эса бир умр ёдимдан чиқмайди.

– Ўша сўнгги жангда бир кўрғонни портлатдик, дедингиз. Кўрғонда нималарни кўрдингиз?

– Бизларга ана шу кўрғонда Тожикистонга ҳужум қилиш учун мужоҳидларнинг каттагина қурол омборхоналари бор, деб айтишганди. Аммо биз у ерда қандайдир лаборатория борлигини кўрдик, тадқиқот билан шуғулланишса керак. У ердан ҳеч қандай қурол-яроғ омборини топа олмадик. Фақат қафаслардаги кўп сонли уккиларни кўрдик.

– Укки дедингизми, уларни нега кўрғонда ушлаб туришган экан, нима мақсадда фойдаланишаркан?

– Билмадим, балки уларнинг патидан ёстиклар тайёрлашар, афғонда бундай ажойиботлар бисёр, – деди Эркин.

– Кўрғонда лаборатория жойлашгани, илмий-тадқиқот ишлари олиб борилганини қандай аниқладингиз?

– Бу ўз-ўзидан кўришиб турарди: турли қолбалар, мензуркалар, пробиркалар, бутилкалар ва ҳоказолар бор эди. Агар қурол-яроғ омбори бўлганда, даҳшатли портлаш рўй берарди, афсуски, бундай бўлмади. Унинг устига бадбўй, кислоталар реакциясига кирганда рўй берадиган ёқимсиз ҳид таралди, сал бўлмаса бўғилиб қолай дедик.

Мазкур савол-жавоблардан сўнг улар бир даврага йиғилиб, муҳокамани бошлашар, ана шу жангда қатнашган бошқа десантчиларга ҳам худди шундай саволлар берилаётганига ҳайрон бўлишарди, лекин бу ишларнинг тагида қандай гаплар ётганлигини билолмай ҳаммалари ҳалак эдилар.

Сихатгоҳнинг бир хонасида икки зобит ва докторлар мунтазам ўтказилаётган тест синовлари ҳақида суҳбатлашиб ўтиришибди.

– Биз Афғонистонда бирорта совет солдати ёки офицери қолмаганлиги ҳақидаги шартномага имзо чеккан эдик, – деди зобитлардан бири. – Бу жанг эса асосий қисмлар чиқиб кетганидан сўнг рўй берган. Муҳолифларимиз, ҳали ҳам советлар афғон тупроғида қонли жанглар олиб боришмоқда, деб ҳамма ёққа жар солишаётир. Шунинг учун бу жангни уларнинг хотирасидан умуман ўчириб ташлаш керак. Билиб бўладими, бирорта чет эллик журналистга интервью беришлари мумкин, бунга эса йўл қўйиб бўлмайди.

– Тушунсангиз-чи, уларнинг хотирасидан буни асло йўқ қилиб бўлмайди... Айниқса, Пўлатовнинг хотирасига ҳалок бўлган аскарларининг хотираси маҳкам ўрнашиб қолган. Агар иложи бўлганда, аллақачон эсдан чиқарарди, – деб жавоб берди тестларни ўлчаётган врач.

Эркиннинг Генштабга бориб, қилган мурожаатлари ҳеч қандай натижа бермай, у ердаги офицерлар унга хатто қулоқ ҳам солишмади, бу операцияни бўлмаганга чиқазишди.

Хуллас, шу тарзда икки ойлик муолажалар ҳам ўз якунига етиб, уйларига кетиш учун йўл чипталарини харид қилиш ва Тошкентга учиш учун марказий авиакассага йўл олишди. Ёз мавсуми эди, чипталар ўн беш кундан кейинга сотилар экан, мажбуран Павелецкий вокзалидан поездда кетишга қарор қилишди. Аминов бир кун Тошкентда қолиб, сўнгра Душанбегача учадиган бўлди.

Тошкент вокзалига азон вақтида етиб келишди. Нонушта, тамадди қилиб олиш учун вокзал кафесига киришди. Муродилла иккита булочка ва какао олди, чарм ҳамёначасидан пул чиқариб, ҳисоб-китоб қилаётганида ортидан келган ёш рус йигити аста, билинтирмай унинг ҳамёнини уриб кетганини сезмай қолди. Аммо, уни кузатиб турган Эркиннинг кўзини шамғалат қилолмади. Эркин унинг қўлидан ушлаб қолди, аммо ўғри бир силтаниб, унинг қўлидан чиқди-ю, қоча бошлади. Муродилла эса ҳайрон бўлиб турар, нима воқеа юз берганини тушунмасди.

Эркин ўғри болани йиқитиб, чўнтагидан ҳамёнчани олишга ҳаракат қилаётганидагина нима воқеа юз берганини тушуниб, қўлидаги булочка ва стаканларни қўйди ва етиб келиб, киссавурни мушти билан бир туширди. Йигитнинг оғзи бир пасда конга бўялди, бир тиши синиб тушди.

Атрофдагилар бир лаҳзада юз берган бу муштвозликдан ҳайратга тушиб, «милиция, милиция» деб бақиришди. Орадан уч дақиқа ҳам ўтмай икки милиционер пайдо бўлиб, йигитни турғазишди ва нима бўлганини суриштира бошлашди. Бир аёл посбонларга ҳарбийлар бола бечорани калтаклагани ҳақида бидиллаб кетди. Боланинг ўзи ҳам айбсиз эканлигини, иккала ҳарбий уни урганлигини гапира туриб, ҳамёнчани шеригига узатаётганида, Эркин унинг қўлини шундай қисди-ки, бола-пақир бақириб юборди. Ҳамёнчани олишга ҳаракат қилаётгани дарҳол қочди. Шундагина бу ҳодисанинг моҳияти ҳаммага аён бўлди.

Нонушта ҳам қолиб, милиция хонасига боришди-ю, бир соатга яқин шу ерда қолиб кетишди. Милиционерлар баённома тузишиб, уларга имзо қўйдириб олгандан кейингина жавоб беришди уларга. Посбонлар ҳарбийларнинг ўзларига ярашиб турган байрамбоп десантчилар кийимига, кўкракларига нишонларига ҳайрат билан тикилиб туришди, уларнинг оғир жангларда бўлганларига ҳарбий билетларини кўрганларидан сўнг имонлари комил бўлиб, честь бериб кузатиб қолишди...

* * *

Вокзалдан Миробод¹ бозоригача яёв боришди.

Эркиннинг болалиги, ўспиринлик даври, ёшлик чоғлари шу ерларда ўтган, ҳар дарахт таниш, ҳар кўча, хиёбон таниш, ошно.

Синглиси Шойиста тўқимачилик институтини битирган сурхондарёлик йигитга турмушга чиққан, бир фарзандлик бўлишган, яқинда иккинчиси туғиладиган. Синглисини Слава амаки ва Полина опалар қўни-қўшнилари ёрдамида ўзбеккона тўй қилиб, узатишди.

¹ У пайтларда бу бозор ўз тарихий номи билан аталмай, «Госпитальный рынок» деб юритиларди.

Эркин у пайтлар шартномани чўздириб, иккинчи муддатга Афғонистонда қолган, янги оиланинг фақат суратларини кўрганди. Ёшлар Эркин ва Шойистанинг ота-онасидан қолган уйда истиқомат қилишаётганди. Синглиси хомиладор бўлганлиги учун декретга чиққан, эндигина уч ёшга қадам кўйган Моҳинур боғчада. Куёв йигит Чори эса Тошкент тўқимачилик комбина-тида мастер бўлиб ишлайди.

Улар келаётганлари ҳақида телеграмма беришмаган, овора қилишни хоҳлашмаганди. Кун чошгоҳдан ошганда Миробод бозоридан ул-бул харид қилишиб, уйга кириб келишди.

Эшик очик турган бўлса ҳам, кўнғироқни босишди. Ичкаридан: «Ҳозир, ҳозир», деган овоз келди. Эшикни очган Шойиста:

– Ака, акажон, – деб Эркиннинг бўйнига осилди. У бироз кўз ёши ҳам қилиб олди. Эркин унинг сочларини силаб:

– Мана, мен келдим, сингилжон, – деди. – Йиғлаганингни қара!

– Роса сизни соғинганмиз. Слава амаки ва Полина опалар ҳам ҳар гал хатларингизни олиб, кўзларига суришади. Улар ҳам қачон келишингизни сабрсизлик билан кутишаяпти. Энди ҳеч қаерга кетмайсиз! – деди.

Шойиста Муродилла билан қўл бериб кўришди:

– Нега турибсизлар, қани уйга марҳамат, – деди.

Ҳовлидаги девор бузилган экан, афтидан Чори янги девор қуришга ҳаракат қилаётган, бу қуйиб кўйилган хом ғиштлардан маълум эди. Эркиннинг диққат билан қараётганини кўрган Шойиста:

– Слава амаки деворни янгиланглар, кишда тамом бузилиб тушади, деб туриб олдилар, бизга қолса, уни тамоман олиб ташламоқчи бўлгандик, аммо у киши икки ҳовли алоҳида бўлгани маъқул, дедилар. Аммо, деворда эшик қолишига қарши бўлмадилар, – деди.

Эркин ва Муродилла уйга киришлари билан дастурхон ёзган синглиси:

– Мен ҳозир Слава амаки ва Полина опани чакираман, ёзининг иссиқ кунларида салкин уйда ҳордиқ олишаётган бўлса керак – деб чиқиб кетди.

Икки қуролдош жомадонларни йўлакда қолдириб, олиб келган нарсаларини дастурхонга қўйишди. Салдан кейин уйга Слава амаки ва Полина опалар кириб келишди. Шойиста эса самоварга ўт қалашга уриниб кетди, бу ерларга газ келмаган, чунки бу уйларнинг бузилиши аниқ бўлиб қолганди. Эркин биринчи навбатда Полина опа билан кучоқ очиб сўрашди, чунки у олдинда келаётганди. Опа уни қўйиб юбормас, кўзларига тикилиб, йиғларди. Сабри чидамаган Слава амаки:

– Бўлди-е, менга ҳам қолсин, қани лочин, бир сўрашайлик, – деб кучоғини очди. Эркин ва Слава амаки ҳам анчагача бир-бирларини қўйиб юбормай, қайта-қайта кучоқлашиб кўришдилар. Эркин ҳазиллашиб, Слава амакини бир кўтариб ҳам қўйди.

– Дуруст, дуруст, ҳақиқий йигит бўлибди. Полина, қаҳрамонга қара, кўкраги орден ва медаллар билан тўла. Ҳақиқий лочин, йўк, йўк, бургут, бургут, кўз тегмасин, – деди.

– Бу йигит – қуролдош дўстим, бирга хизмат қилганмиз. Иси Муродилла, фамилияси Аминов, – деб таништирди Эркин.

– Ҳуш кўрдик, – дейишди мезбонлар.

– Мен синглингга қарашиб юборай, ўзинг биласан, яна бир ойдан сўнг иккинчи жиянли бўласан, – Полина опа шундай деб ҳовлига чиқиб кетди. Синглиси чой кўтариб келди. Орадан бироз вақт ўтгач, Полина опа уч литрли идишда қвас олиб келди:

– Менинг қвасимни яхши кўрардинг, чўллаб кетган бўлсанглар керак, Эркинжон.

– Қвасингиз тўғрисида эшитганмиз. Эркин гапиравериб, гапиравериб, барчамизни ошиқ қилиб қўйган, – деди Муродилла. Улар дастурхонга турли ноз-неъматларни қўйишгандан сўнг, Слава амаки:

– Полина, фақат қвас билан тирикчилик қиламизми, анови матоҳингдан олиб чиқмасанг бўлмайди, ахир меҳмон бор, – деди.

– Шундай ҳароратда-я, бўлмас... – ковоғи солинди опанинг. Слава амаки:

– Музлатгичда бор, шуни олиб чиқ, – дейиши билан Муродилла Москвадан харид қилган шишани жомадондан олиб,

стол устига қўйди. Ичкилик исиб қолган экан, уни музлатгичнинг ичига қўйишди. Слава амаки томоғини бир қириб қўйиб, ташқарига чикиб кетди ва орадан бироз вақт ўтгач анча совуган ярим бўшаган бир шиша билан қайтди. Хуллас, меҳмондорчилик бошланиб кетди. Шойиста сузма, аччиқ-чу чук, бошқа газакларни дастурхонга тортди. Бир қадахдан олишгандан сўнг, Полина опа ошнинг ҳаракатини бошлаб юборди. Кечки пайт Чори эшикдан кириб, ҳовли сахнидаги ёзлик ҳаммомда икки одам ювинаётганини кўрди-ю, дарров тушунди:

– Акам келибдилар-ку!

– Худога шукр, соғ-саломат келдилар, – деди Шойиста.

Ёзлик ҳаммомдан чикқан Эркин куёви билан кучок очиб сўрашди. Меҳмондорчилик икки кун давом этди. Махалла оқ-соқоллари, кўни-қўшнилари ташриф буюришди. Куёви бозордан зарур нарсаларни олиб келиб, кичкинагина худойи ҳам қилиб юборди.

Келди-кетдилар тугагандан сўнг Эркин, Муродилла, Чори, Слава амаки бўлишиб, девор пойдеворини қуя бошлашди. Эркин:

– Слава амаки, шартмикин деворни янгилаш? Барибир уйлар бузиладиган экан... – деб ҳам кўрди.

– Эркинжон, – деди бунга жавобан Слава амаки, – уйларнинг қачон бузилиши ҳали номаълум, девор эса қишки ёғингарчиликка чидай олмайди. Шунинг учун куёвингни мажбур қилдим, бўш кунлари ғишт куйди. Биргалашиб тиклаворамиз.

Биринчи куни пойдеворни қуйишди, ёз ҳарорати билан бир кунда бетонлар қотди, деворни уришга бошлашди. Учинчи куни деворни одам бўйи кўтаришиб, орада Полина опа ўтадиган эшик қолдиришди. Шундан кейингина Муродилла уйига, Душанбегача кетишга шайланди. У Термиз орқали Душанбегача борадиган поездга чипта харид қилди. Эркин уни кузатиб қўйди.

Шу куни кечкурун Слава амаки ва Полина опалар уни маслаҳатга чақирди.

– Хўш, бундан кейин нима билан шуғулланмоқчисан, Эркинжон, эшитишимизча заҳирага чиқибсан. Бошингни иккита қилишни ҳам ўйлайсанми?

– Дарҳақиқат заҳирага чиқаришди, ҳарбий комиссариатга бориб кўрай-чи, бирорта иш билан таъминлашар. Ундан ташқари, комиссариат менга уч хонали уй ажратиши керак, ана шунинг ҳужжатларини ҳам ўзим билан олиб келганман. Куёвим ва синглим бу уйда яшайверсинлар, бузиладиган бўлса, янги уй ажратишар.

Полковник Зинченко уни куттирмай, дарҳол қабул килди. Ҳужжатларини синчковлик билан кўздан кечириб чикқач, деди:

– Сизга комиссариат томонидан қурилаётган бинодан уч хонали уй ажратамиз. Ҳозирча яшаб туриш учун ижарага бирор хонадон олиб туринг. Иш масаласида келаси ҳафта киринг, уни ҳам ўйлаб кўрамиз.

– Ҳозирча яшаб турадиган жойим бор, Тошкентда синглим ва куёвим яшашади, ўша ерда истикомат қилиб тураман, – деди Эркин.

– Сизга ўхшаган жанг кўрган йигитлар бизга жуда зарур, ахир ёшларни ватан мудофааси учун тайёрлашимиз керак. Бўлаётган воқеалардан хабарингиз бўлса керак. Нима бўлади, билмайман, – Зинченко бир ух тортиб қўйди.

Полковник – Вильнюс, Боку, Тбилиси фожеаларини, янгича ишлаш, фикрлаш каби ғояларни, икки немис давлати орасидаги бетон деворларни олиб ташлаб, ягона буюк Германияни ташкил этиш борасидаги ҳаракатларни назарда тутган эди.

Орадан олти ой ўтмасдан Эркинга янги кўп қаватли бинодан уч хонали хонадон ажратишди. Ўзи эса Чирчиқдаги ўқув-машғулот ўтказиладиган танк полигонига бошлиқ этиб тайинланди, яъни, яна армия сафига қайтди. Унга «УАЗ-469» хизмат машинаси ажратилди.

У кўпинча ўша ердаги офицерлар учун ажратилган ётоқхонада қолиб кетар, уйига фақат шанба-якшанба кунлари келарди. Синглисидан хабар олишга бориши билан Слава амаки ва Полина опалар уни исқанжага олишар, уйланиш ҳақида сўз очишарди.

Синглиси ўғиллик бўлди. Энди Эркин тез-тез катта жияни Моҳинурни Комсомол қўлига олиб бориб, музқаймоққа тўйди-

ришга, «Болалар дунёси» дўконидан турли кийимлар олиб бериб, хурсанд қилишга одатланди.

Кўп ўтмай, Эркиннинг ҳаётида яна бир ўзгариш рўй берди: уни Москвага чақаришди. Тиббиёт комиссиясидан ўтказишиб, Москва остоналаридаги ўқув-машғулот лагерига юборишди. Бу ерда у жисмоний ҳолатини тиклаб, ҳатто десантчилар мактабида ҳам ўтирмайдиган машқларни бажаришга киришиб кетди. Ўқув-машғулот лагерига махсус диверсантларни тайёрлайдиган курс бўлиб, бу ерни битирганлар чет элларда яширин операцияларни олиб бориш билан шуғулланар эдилар.

Курсантлар фамилиялари билан эмас, лақаб билан аталади, Эркинни «Барс» деб чақирадиган бўлишди.

«Барс» олти ойлик курсни битиргач, Давлат хавфсизлик қўмитаси махсус гуруҳининг «А» бўлинмасига бошлиқ ўринбосари қилиб тайинланди. Шу муносабат билан унга подполковник унвони берилди. «А» гуруҳининг бошлиғи, полковник Вячеслав Маркелов эди. Эркин у билан биринчи кунданок яхши муносабатлар ўрната олди.

У ҳам Афғонистонда турли операцияларни амалга оширган, бир қанча орден ва медалларнинг соҳиби. Уларнинг қўл остидаги йигитлар эса асосан 20–24 ёшларда бўлиб, ҳақиқий жангни кўришмаган. Шу сабаб ҳам жанговар тажрибаси бор зобитларга эҳтиёж сезилган, Эркин Пўлатовнинг шахсий варағи ҳам шу баҳона Генштабдан сўраб олинди, бўлинмага таклиф этилганди.

Эркин десантчилар мактабидаги машғулотларда бош ва қўл билан пишиқ ғиштни синдириш эмас, балки Шарк кураш усулларини, яъни кун-фу, карате, кикбоксинг, Шаолин мактабига хос усулларни ўрганди. Бир бармоқ билан одам ўлдириш каби усуллардан таҳсил олди. Бу машғулотларни исми номаълум, қисқ кўзли одам олиб борар, курсантлардан ҳеч ким унинг миллатини билмасди. У авваламбор, рақибларнинг қанчалик кучли бўлишига қарамай, енга олишга руҳий жиҳатдан тайёр бўлиш, биринчи зарбани беришда инсон танасидаги муҳим нукталарга эътибор қилиш борасида кўплаб машқлар олиб борди. У девордаги суратдан айна ана шундай нукталарни кўрсатиб тушунтирди:

– Инсоннинг мана бу ерларида кучли оғриқ берадиган нукталар мавжуд, биринчи зарба ана шу ерларга берилиши

зарур, шунда рақибингиз ё ҳушидан айрилади, агар жисмоний жихатдан жуда кучли бўлса, сониялар давомида қаршилик қилиш қобилиятини йўқотади, бу эса сизга анча-мунча устунлик келтириб, яна кучли зарба беришга имконият тугдиради. Агар биринчи зарбани ана шу ерларга бермас экансиз, мағлуб бўласиз. Бундай нукталар уйқу томири, қош ўртаси, жигар, оёқ орасидаги жинсий безлар, кулок супрасининг орти, кўз қорачиғида жойлашган. Ҳаддан ташқари куч билан зарба берилиши шарт эмас, фақат ана шу нукталарга аниқ мушт уриш зарур. Қолгани техника. Яна бир марта айтаман, агар сиз ўзингизда рақибингизни енга олишга ишончдек руҳий ҳолагни шакллантирмас экансиз, ҳеч қандай ижобий натижага эриша олмайсиз...

Шу сабабли, у Шарқ мамлакатларига хос бўлган руҳий тайёргарлик машқларини мунтазам олиб борар, уларни такрорлашга ҳар куни ўн беш дақиқа вақт ажратарди. Курсантларнинг хаёлларидаги барча фикрларни чиқариб ташлаб, рақиб билан олишиш ҳолатига тайёр бўлганларидагина амалий машғулотларга ўтилади. Устоз бир вақтнинг ўзида камида уч киши билан олишишга майдонга чиқарди.

Бундай амалий машқлар Эркин учун янгилик, десантчиларнинг мактабида ҳам бунақаларини кўрмаган. Десантчилар мактабида ҳам якка кураш, қурол билан қаршилик кўрсатиш, беш-ўн метр масофадан туриб ханжар санчиш, ҳар қандай машина, катер, енгил самолётлар, вертолётларни бошқариш, мина ва бомбаларни зарарсизлантириш, радио ва видеоаппаратураларда мукамал ишлаш ва ҳоказоларни ўрганишган, аммо бу ердаги сабоқлар мутлақо янгилик бўлди.

Ўқув машғулотлари тугагач, улар ўрганган нарсаларини оммалаштириш, бирор ерда намоиш қилиш ман этилганлиги, ҳар қандай топшириқларни сўзсиз бажариш ҳақида тилхат беришди ва олдиларига қўйилган вазифаларни бажаришга киришиб кетишди...

II ФАСЛ ЕТИМЛИК МАШАҚҚАТЛАРИ, МУСТАҚИЛ ҲАЁТГА ЙЎЛ

Пўлат ака Тошкент депосида уста бўлиб ишлар, хотини эса шу ердаги боғчада ошпазлик қиларди, уларнинг ҳовлиси шундайгина Миробод бозори атрофида жойлашганди. Улар икки фарзанд кўришди: аввал Эркин деган ўғил, икки йилдан сўнг эса синглиси Шойишта таваллуд топди. Ўша даврларда тирикчилик қилиш оғир бўлса-да, эр-хотиннинг топганлари нисбатан кичик бўлган оила учун етиб ортар, фарзандлари ҳеч бир қийинчилик кўрмасдан улғайишмоқда эди. Яқшанба кунлари эр-хотин фарзандларини етаклаб, Сталин¹ кўлига олиб боришар, қайиқда сайр қилишар, кейин уларни музқаймоққа тўйдиришарди.

Фалокат кутилмаганда юз берди. 1959 йилнинг жуда оғир келган кишида танчада ухлаб қолган эр-хотинни ис уриб, бир кечада оламдан ўтишди. Эрта билан турган фарзандлари ота-оналарини ҳеч уйғотолмай сарсон бўлишди, қорнилари очиб, йиғлай бошлашди. Болаларнинг йиғисини эшитган қўшни Слава амаки хонага кириб, аҳволни билди-ю, дарҳол темир йўл депосига бориб хабар қилди. Депо хизматчилари келишиб, қандайдир ишларга ҳозирлик кўра бошлашди. Болаларни эса вақтинчалик Слава амакининг аёли Полина опага қолдиришди. Полина опа болаларни овқатлантирар экан:

– Мана, ота-оналарингдан ажраб, етим бўлиб қолдинглар. Ҳозирча буни тушунмаяпсизлар, аммо эсларинг киргандан сўнг ота-онанинг меҳрини биласизлар, азизларим. Сизларни жон деб ўғил-қиз қилиб олардим-у, аммо Славанинг топгани битта фарзандимизнинг қорнини тўйдиришга ҳам етмаяпти, – деб айтгани Эркиннинг ҳамон ёдида.

Албатта, у пайтларда Эркин ва синглиси бу сўзларнинг маъзини чақишмаган, кейинроқ эслари киргандан сўнггина етимлик қанчалик оғир бўлишини тушуниб етишганди. Депо хизматчилари уларни Антонина Хлебушкина бўлим бошлиғи бўл-

¹ Сталин, собик Комсомол кўли, ҳозирда «Миллий боғ» деб ном берилган кўл ва сайргоҳ.

ган 2-болалар уйига беришди, ammo орадан олти ойлар чамаси вақт ўтгач, синглисини Слава амаки ва Полина опалар қиз қилиб олиб кетишди. Чунки, депо хизматчилари болаларга ўн саккиз ёшга тўлгунларича нафақа бериб туришга қарор қилганди. Слава амаки Шойистани қиз қилиб олиши муносабати билан депо барча нафақа маблағларини уларнинг оиласига ўтказиб берадиган бўлди.

Эркин эса ўн тўрт ёшга тўлгунча болалар уйида қолиб кетди.

У тенгқурларига нисбатан анча кучли, оғир юкларни кўтара оладиган, мушаклари бакувват ўспирин бўлиб ўсди. Ёшлигидан парашют спортига қизиқиб, «ДОСААФ¹»га қатнади.

У балоғат ёшига етганда болалар уйи билан хайрлашиб, мустақил ҳаётга қадам қўйди. Аввал отаси ишлаган депога ишга кириб, темирчи устага шогирд тушди. Энди фақат якшанба кунлари ёшлар ташкилотига борар, парашют спорти билан шуғулланишни давом эттирарди. Ойлик олган кунлари Слава амакининг уйига бориб, Полина опанинг жавраганига қарамай, синглисига ҳар хил ширинликлар олиб боришни қанда қилмасди. Бир хил вақтларда Шойистага пойабзал, куйлакликлар ҳам олиб борар, бу хил нарсаларни келтирганда Полина опа раҳматлар айтарди...

Йиллар шу зайлда ўтаверди. Синглиси еттинчи синфдан кейин Жуковский номидаги табиёт ҳамширалари тайёрлайдиган ўрта махсус ўқув даргоҳига кириб таҳсил ола бошлади. Ака-сингил ҳар замонда учрашиб туришар, ammo бу ҳол кўп давом этмади. Совет армиясига қақириладиган вақт келди. Унинг парашют спорти билан шуғулланганлиги рўйхатда қайд этилган бўлиб, табиёт кўригидан ўтаётганида шу давргача у йигирма мартадан ортик сакраганлиги, биринчи разрядга имтиҳон топширганлигига эътибор берган бир зобит уни суҳбатга тортди:

– Йигитча, сени ҳарбий десантчилар мактабига юборсан нима дейсан?

– Билмадим, ота-онам билан маслаҳатлашиб олишим керак.

– Ота-онанг йўқ шекилли, ким билан маслаҳат қиласан?

¹ Ўша даврларда «Армия, авиация ва Флотга ёрдам берувчи» ёшлар уюшмаси. Ҳозирги «Ватанпарвар» ташкилоти.

– Тўғри, ота-онам олти ёшлигимда оламдан ўтиб кетишган, ўзим болалар уйида катта бўлганман. Аммо бизга оталик қилган, синглимни тарбиялаган Слава амаки ва Полина опалар бор, шуларнинг олдидан бир ўтишим керак, – деб тушунтирди Эркин.

– Майли, бир маслаҳатлашиб кўр, агар маъқул келса, сени ҳарбий десантчилар мактабига юборамиз, чунки сенга ўхшаган йигитлар биз учун керак, – деди зобит.

Слава амаки уни хушнудлик билан кутиб олди:

– Хўш, кўриқдан ўтдингми, қачон жўнатишар экан?

– Слава амаки, Полина опамларни чакиринг, сизларнинг рухсатингизсиз бир ишни қилолмайман, ҳар ҳолда ота ва онамнинг ўринларини босдингизлар, маслаҳатларингиз керак бўлиб қолди, – деди Эркин.

Гап шундаки, икки қўшни ҳовли орасида пастаккина девор бўлиб, Пўлат аканинг уйида ҳозирча Слава амакининг ўғли Михаил оиласи билан яшарди. У ҳам депо хизматчиси, тез кунларда ишхонадан уй бериб қолишлари мумкин. Шу сабабли Эркин ётоқхонада истикомат қиларди, агар у армиядан келиб уйланадиган бўлса, ҳовли-уй албатта ўзиники бўлади, бу ҳақда депо касаба уюшмаси қарор қабул қилган, чунки уй-жой депога қарашли бўлиб, хизматчиларга берилганди.

Эркин ётоқхонада яшашни ўзи ихтиёр этди. Полина опанинг кўчиб келиш ҳақидаги гапларини мунтазам рад этиб келарди. Михаил Эркиндан тўққиз ёш катта, уни ака ўрнида кўришга одатланган эди, шу сабабли уларни вақтинчалик яшаб турган уйларида маҳрум қилиб, кўчиб келишни ўзига ор биларди.

– Хотин, – деб кичқирди Слава амаки, – тез олдимишга кир, ўғлингнинг маслаҳатлашадиган иши бор экан.

– Опа, – деди Эркин, – «медкомиссия»дан ўтдим, аммо менга бир нарсани таклиф этишди. Рус тилини билишим, парашют спорти билан шуғулланганим учун ҳарбий-ҳаво десантчилари мактабига юборишмоқчи, сизлар нима дейсизлар?

Хонадон эгалари ўйланиб қолишди. Гапни Полина опа бошлади:

– Эркинжон. сен армияга бориб келсанг, уйлантирсак, мана бу уйларида бизга қўшни бўлиб яшасанг, деган эдик. Синг-

лингнинг ҳам бўйи етиб қолди, уни ҳам узатардик. Шунда ота-онангнинг руҳлари шод бўлармиди?

– Нима, офицер бўлса, яхши-ку, – деди гапга араллашиб Слава амаки. Бу сўзларни эшитган Полина опа Слава амакига шундай қарадики, у индамай қолди.

– Мени тўғри тушун, Эркинжон, бир ўзинг бўлсанг ҳам майли эди, ўртада синглинг бор, сен тўрт йил ўқишда юрасан, кейин қаерга жўнатишса кетаверасан, армиянинг удуми шу. Хайрон бўлиб қолдим, агар ўзинг бориб ўқийман десанг, қаршилик қилолмаймиз, офицер бўлишга нима етсин! Юрагинг нима деяпти, шунга хоҳишинг борми? – деди Полина опа.

Бу сўзлардан сўнг Эркин ҳам ўйланиб қолди: улар албатта ҳақ эдилар. Бирок, унинг ўз ҳаёти, ўз тақдири бор, ахир. Шунинг устига хонага Михаил кириб келди.

– Ойи, қорним оч, келинингиз тунги сменага кетибди, овқат ҳам тайёрламабди, – деди.

– Людани ишхонасига чақиришди, ўзингиз эримни овқатлан-тирарсиз, деб кетди, ўтир, ҳозир олиб келаман, – деди Полина опа.

Слава амакининг ўғли тепловоз машинисти бўлиб ишлар, кўпинча хизмат сафарида бўларди. Ота-она ва Эркин унинг иштаха билан овқатланаётганига қараб ўтиришди. У окрошкадан икки тақсимчани егандан сўнг, Эркинга қараб:

– Хўш, ишлар қалай, армияга чақиришаётган экан, эшитдим.

– Ака, бир маслаҳат билан келгандим, опам йўқ деяптилар, хайрон бўлиб турибман, – деди Эркин.

– Хўш, хўш, қандай маслаҳат?

– Мени ҳарбий ҳаво десантчилари мактабига юборишмоқчи, опам эса ижозат бермаяптилар, – деди яна Эркин.

– И-я, зўр-ку! Бундай имконият ҳаммага ҳам насиб қилавермайди, укам, розилик беравер, офицерлик мактабига кирсанг ёмон бўлмайди, – деди Михаил. Бу гапдан кейин Эркин Полина опага қаради.

– Ўйлаб гапиряпсанми, Миша! Ахир олдида синглиси бор, уни узатишимиз керак, ўзи бўлмаса, тўй бошида турмаса, марҳум ота-онасининг руҳи чиркиллаб қолади-ку, – деди Полина опа.

– Она, жуда қиска ўйлайсиз-да, бунақа имконият ҳаётда бир марта бўлади, ўқишга кираверсин! Синглиси ўқишни тугатса, бир амаллаб, ўзимиз ҳам турмушга бериб юборамиз, ўзбекча урф-одат керак бўлса, ана қўни-қўшнилари бор! Қўйинг, болани йўлдан қолдирманг, – деди Михаил.

– Мен ҳам шундай фикрдаман, – деди Слава амаки.

– Жуда соз, йўлингни берсин, укам, боравер. Хўш, қайси мактабга юборишмоқчи? Мени яқинда бошқа ишга олишмоқчи бўлаяпти, тез-тез хабар олиб тураман, чунки янги ишим хизмат сафарлари билан боғлиқ бўлади.

III ФАСЛ ТАЛАБАЛИК ЙИЛЛАРИ

Ҳарбий комиссариат вакили Эркинни Витебск харбий-хаво десантчи командирлари тайёрлайдиган ўқув юртига юбориш ҳақидаги зарур ҳужжатларни топширди. Ундан ташқари, яна бир йигит бўлиб, уларни таништириб қўйди, унинг исми Володя экан.

Уч кеча-кундузда Москвага, эртасига Белоруссиянинг Витебск шаҳрига етиб боришди. Бир курсантдан сўрашган эди, ўқув юртининг шаҳардан анча чеккада эканлигини айтиб, қайси рақамли автобусга ўтиришлари кераклигини эринмай тушунтириб берди. Ниҳоят кечки салқинда ўқув даргоҳига етиб боришди. Навбатчи офицер уларнинг ҳужжатларини текшириб чиққач, бир аскар билан қўшиб юборди. Улар казармага келиб, жойлашишди, аммо кечки овқат тугаган экан, прапоршик уларга эртадан бошлаб ошхонага боришларини айтди.

Эртасига уларни прапоршик ошхонага етаклаб бориб, ўн кишилик столга ўтқизиб қўйди.

Бу ерда деярли беш юзга яқин йигит имтиҳонга тайёргарлик кўришмоқда экан. Ваҳоланки, фақат бир юз йигирма киши олиниши керак. «Имтиҳондан ўтолмай қолсам, қандай қилиб, Михаил акам ва Полина опаларнинг юзига қарайман, бекорга келдим, афсус, мажбурий хизматни ўтаб, шаҳримда бирор касбни танласам бўларкан, энди нима қиламан», деган ўйлар Эркинни тарк этмасди. Аммо, уларни яна медкомиссиядан ўтказишларини эшитиб, хавотири бироз чекинди. «Медкомиссия»нинг энг оғир жойи 5000 метр баландликдаги босим бериладиган барокамера¹ эканлигини ўзаро суҳбатлардан билган эди. Агар шундан ўтса, ҳушини йўқотмаса, албатта курсант бўлиши мумкин экан, талабалар буни доим муҳокама қилишарди.

Орадан икки кун ўтгач, уларни ана шу барокамерага таклиф этишди. Бундай камералар бешта экан, навбатдаги беш талаба кириб кетишди. Орадан деярли ярим соат ўтгач, кўплари бурни қонаб, гандираклаб чиқишди. Врач чиқиб, шу беш боладан бит-

¹ Ҳамма жойи ёпилган, усти ойнаванд хона.

таси ўтганлигини эълон қилди. Ниҳоят уларга навбат келди. Барокамера ичига кириб ётган Эркин берилган босимни ҳеч қандай қийинчиликсиз енгди. Врач босимни тобора орттирар, у эса бамайлихотир ётарди. Баъзи болаларнинг бурун, қулоқларидан қон отилиб кетар, бундай ҳолларда дарҳол босим аста қисқартирилиб, улар чиқариб олинар ва хизматга яроқсиз эканлиги қайд қилинади.

Володя ҳам бундай босимга дош беролмай, сеанснинг ярмида чиқариб олинди. Эркин берилган қирқ беш дақиқани чидам билан ўтказди, унинг бурнидан ва қулоқларидан бир томчи ҳам қон чиқмади. Барокамерадан чиққан Эркиннинг сал кўнгли айниса ҳам, у буни билдиргани йўқ.

Хуллас, ана шу синовдан фақат юзга яқин талабалар ўтишга муваффақ бўлишди. Қолганлари бир кечанинг ўзидаёқ бошқа ҳарбий ўқув юртларига тавсия этилди, аммо аксарияти бундан бош тортиб, уйларига жўнаб кетишди. Эндиги навбат жисмоний машқларга келган, спорт майдончасида турли машғулотларни бажаришлари керак эди. Бу синовлардан ўтиш ҳам Эркинга оғир бўлмади.

Шундан сўнг, физика, математика фанларидан имтиҳон топширди, ёзма диктант олинди. У мана шу имтиҳонларнинг жўнлигига ҳайрон ҳам бўлди, чунки саволлар оддий, қийин эмас, бу фанлардан озгина тушунчаси бор одам, бемалол жавоб бера оларди.

Имтиҳонлардан муваффақиятли ўтган талабалар ҳаммом қилдирилиб, сочлари олиниб, ҳарбий кийим берилди ва ҳар куни плац¹да машғулотлар бошлаб юборилди.

Машғулотларни олиб бораётган катта лейтенант Вихрев мандат комиссиясининг 19 августда бўлишини эълон қилди. Бунда мандат комиссияси раиси, ўқув даргоҳининг бошлиғи, генерал-майор Андрей Волков шахсан иштирок этиши, унинг берган саволларига қисқа, ҳамда тўлиқ жавоб берилиши зарурлиги ҳақида ҳам бўлғуси курсантларга таълим берди.

Ўша куни Эркин биринчилар қаторида комиссияга таклиф этилди. Генерал унга разм солиб қарар экан:

¹ Ҳарбий машғулот майдони.

– Хўш, йигитча, офицер бўлишдан қандай мақсадларни кўзлагансиз? Бу жуда оғир соҳа-ку, муқим турадиган уйингиз бўлмайди. Бир чемодан билан Ватан берган топшириққа доимо тайёр туришингиз шарт, шунга кучингиз, бардошингиз етади-ми? – деб сўради ўсмоқчилаб.

– Мен ўз хоҳишим билан мана шу даргоҳга келдим, офицер бўлиб, дунёда ягона бўлган Ватанимни ҳимоя қилишга онт ичганман, ҳарбий хизматнинг ҳар қандай оғирликларига чидашга тайёрман, – деб жавоб берди Эркин.

Генерал бу жавобдан қониқди шекилли, олдида ўтирган бир полковникка савол берди:

– Курсантларимиз орасида ўзбеклар йўқ шекилли?

– Бор эди, анча илгари тугатиб кетган. Янглишмасам, ҳозир капитан, Узоқ Шарқда хизмат қилади. У пайтлар сиз бу ерда ишламас эдингиз.

– Хўш, йигитча, – деди генерал, – ўқув юртига қабул қилинганингиз билан табриклайман. Талаб шуки, фақат «яхши» ва «аъло» баҳолар билан ўқишингиз керак. Ана шундагина ҳақиқий офицер бўлиб етишасиз.

* * *

Витебск ҳарбий десантчи командирлари ўқув мактаби шундоқкина ўрмон ёқасида жойлашган, нисбатан каттагина машғулот майдонига эга, ўқув дастурлари синфларда ўтади, парашют дарсларини ҳавонинг қандай бўлишидан қатъий назар ана шу майдонда ўтказишади. Десантчилар мактабидан сал нарироқда Днепр дарёсининг бир ирмоғи ўтар, ёз пайтларида курсантлар ўша ерларда ҳам ҳарбий машғулот билан шуғулланишади. Бу даргоҳда Эркин чинакам ҳарбийга айланиб борди, ҳар кунги жисмоний машқлар спортчиларга хос гавдасининг янада чиниқишига сабаб бўлди.

Орадан икки йил ўтгач, мажбурий ҳарбий хизматни адо этаётган Душанбелик Муродилла Аминов ҳам ана шу ўқув даргоҳига кирди. Улар тез орада дўстлашиб кетишди. Бу пайтда Эркинга ўқишдаги муваффақиятлари учун кичик сержант унвони берилди, у бўлинма командири вазифасини ўтай бошлади.

Яхшилиги, оддий курсантларга нисбатан бўлинма командирига 20 сўм 80 тийин ортикча пул тўланарди.

Иккинчи курсдан бошлаб, курсантлар парашютдан сакраш машқларини ҳар ҳафта мунтазам бажаришадиган бўлишди. Олдин кундуз куни, сўнгра тунда, кейинчалик киш, кор ва ёмғир ёғиб турган пайтларда сакрашарди. Хуллас, ана шундай шароитга ўрганиб кетишди, қандай ҳаво бўлишига қарамай, ҳар куни машғулотдан кейин ҳамда сахарда уйқудан турган вақтида белгача яланғоч бўлиб, совуқ сувда чайинишарди.

Эркин учинчи. Муродилла эса биринчи курсни тамомлаганларидан кейин Ленинградга бориш учун беш кунга рухсатнома олишди. Витебск шаҳридан Ленинградга Псков орқали темир йўл ўтган, поезд Псковда деярли йигирма дақиқа тўхтаб ўтади. Шуниси эътиборлики, Ленинград шаҳридаги вокзал ҳам «Витебск» номи билан аталади.

Эркин икки марта Псков шаҳрида бўлган, унинг Печора¹ларини кўриб, ўша замон рус меъморларига қойил қолганди. Псков шаҳри кўрғонлардан иборат бўлиб, қалъа остида узун йўлак йўллар жойлашган. Мўғул кўшинлари қалъани забт этганларида аксарият аҳоли ана шу йўллар орқали ўрмонларга чиқиб, жон саклаган экан. Витебскдан Ленинградгача бир кеча ва ярим кунда етиб борилади. Бу гал улар Петергоф, Петропавловск кўрғони, жаҳонга машҳур бўлган Эрмитажларни кўришни режалаштирдилар.

Вагонга чиқиб, ўз ўринларига ўтиришди. Сал нарига бир кампир билан ёши тахминан йигирмаларга борган киз жойлашишди. Яна икки киши чиқиб, улар ҳам кампир ва кизга қарама-қарши ўтиришди. Поезд кўзғалишига бир дақиқа қолганда вагонга ширакайф бешта йигит чиқишди ва чеккароқ ўриндикларга ўтиришди-да, гитарани тириглатиб баланд овозда кўшиқ айта бошлашди.

Нихоят вагон кўзғолиб, аста тезликни ошира бошлади. Шу пайт йигитлардан бири туриб:

– Қани, кампиршо, юқларингни кўтариб, бошка жойга ўт-чи, бу ерда ортикчасан! – деди. Бу ҳолатни кўрган вагондагилар

¹ Печора – «ергўладаги йўл» деган маънони билдиради.

индамай, сукут сақлаб туришарди. Йигитларнинг иккитаси кизнинг ёнига ўтириб, унга тегажоклик қила бошлашди. Бири сигаретни тутатиб, унга қарата пуфлади. Иккинчиси эса кизнинг кулоғига энгашиб, ниманидир пичирлай бошлади. Бечора киз нима қиларини билмай:

– Қоч, тегма менга! – дер, аммо улар ундан баттар тегажоклик қилишарди. Эркин аста ўрнидан турди:

– Йигитлар, балки бу кизни ўз ҳолига қўярсизлар!

– Сенга ким бўлади, нега бизнинг болаларга дўк ураяпсан, курсант, – деди.

Қиз бечора курсантлар ҳимоя қилаётганини кўриб, уларга қараб талпинди, аммо сигарета тутатаётгани унинг қўлидан тортиб, яна ўрнига ўтқизиб қўйди. Афтидан шуниси буларнинг бошлиғи бўлса керак, ўрнидан кўзғолди:

– Юр-чи, курсант, тамбурга чиқайлик.

Улардан уч киши кўзғолди. Эркин Муродиллага ўзим эплейман, дегандай кўз қисиб, уларга эргашди. Йигитларнинг бошлиғи чўнтагидан кастет¹ олиб, қўлига тақди. У ҳатто бу ишини атрофдагилардан яширмади ҳам. Муродилла Эркинни огоҳлантирди:

– Эҳтиёт бўлинг, унинг қўлида кастет бор, мен ҳар эҳтимолга қарши бу иккитасини кўзғатмай тураман, – деди астагина.

– Хавотир олма, фақат буларнинг кўзғалишларига йўл қўйма, – деди ўзбекчалаб.

Рақиблари аллақачон тамбурга чиқишган, уни кутиб туришарди. Эркин улардан бири тамбур эшигига суяниб турганини кўриб, қарсиллатиб эшикни ёпди, буни кутмаган йўлтўсар муккасидан кетиб, кейингисини ҳам туртиб йиқитди, аммо кастетлиси дарҳол хужумга ўтди. Эркин ортга чекиниб, унинг кўкрагини нишонга олиб, яхшилаб бир тепди. Тепки шундай зарб билан тушди-ки, у нафас ололмай бир неча сония туриб қолди, сўнгра ерга йиқилди. Туришга улгурган рақибларини эса Эркин икки мушт ва бир тепки билан ерга қайта ағдариб ташлади. Сўнгра кастетлисини ердан кўтариб:

¹ Кўрғошиндан учлари тикка қилиб ишланган, уришга мўлжалланган мослама.

– Навбатдаги станцияда вагондан тушиб кетмас экансанлар, ҳаммангни отиб юбораман. Тушундингми, мишиқи? – деди.

Қиз миннатдорчилик билан Эркинга караб қўйди.

Кейинги станцияда безорилар бирин-кетин тушиб кетишди. Аммо, Эркин уларнинг бошка вагонга чиқиб олганликларини билмаган экан. Тун яримлаганда, Псковга бир бекат масофа колганида, улар яна ўша вагонга кела бошлашди. Доим қотиб ухлайдиган Эркиннинг бугун негадир ҳеч кўзи юмилмас, вагон филдиракларининг шақиллаши ҳам бунга халакит берарди.

У бир пайт устига бир шарпа энгашгандек бўлганини кўрди-ю, зудлик билан чап берди, кастет унинг юзини шилиб ўтди. Шу ондаёқ Муродилла ҳам можарога аралашиб кетди. Иккала ҳарбий хужумга ташланганларни ўласи қилиб калтаклашди.

Проводник дарҳол машинистга хабар қилган шекилли, поезд тўхташи билан вагонга милиционерлар чиқиб келишди. Яхши ҳамки, вагондагилар воқеа тафсилотларини уларга гапириб, курсантларда айб йўқлигини айтишди. Қиз ҳам гувоҳлик бериб, курсантлар уни ҳимоя қилганларини тушунтирди.

Аммо, барибир курсантларни ҳам, безориларни ҳам КПЗ¹га олиб кетишди.

Эркиннинг пастки лаби ёрилган, Муродилланинг эса боши ғурра бўлганди. Муштлашиш пайтида сезмаган эканлар, КПЗда ўтиришганда билишди. Тонг отишини кутишга мажбур эдилар, чунки, бу ходисани тергов қиладиган одам ярим кеча бўлгани учун дам олишга кетган экан. Лена ҳам, қизнинг оти шундай экан, шу ерда мижжа қокмай, тонг оттирди. Эртасига соат ўнларда уларни терговга чақиришди. Тергов хонасидан Лена чиқиб, уларга миннатдорчилик билан караб қўйди. Эркин ва Муродиллани алоҳида-алоҳида чақиришиб, воқеа содир бўлганлиги тўғрисидаги баённомага имзо чекдиришди. Терговчининг қўлида гувоҳлар берган ёзма билдиришномалар ҳам бор экан, чунки кечаси милиционерлар улардан тушунтириш хатлари олишганди. Шундан сўнг терговчи уларни қўйиб юборишдан олдин:

¹ КПЗ, русчаси «Камера предварительного заключения», ўзбекчага «Вақтинчалик сақланадиган камера» деб таржима қилинади.

– Ўзларинг ҳам бу безориларнинг яхшилаб таъзирини бериб-сизлар, офарин, – деди.

– Яхши гапни тушунмайдиган одамлар экан, – деди Эркин.

– Биттасининг иккита қовурғаси синган, учтасининг тишлари синиб тушган, бирининг боши ёрилган. Ҳали рентген килинганда яна қандай жароҳатлари борлигини врачлар айтишади, бу фақат ташки кўриқдан кейин маълум бўлгани.

У курсантларга очик ҳавас билан қараб кулди:

– Майли, бўшсизлар, – деди.

Энди Ленинградга борадиган поездни яна бир кун кутишлари керак эди. Кўчага чиксалар, Лена кутиб турган экан.

– Ленинградга бормоқчи эдик, энди рухсатноманинг вақти етмайди, нима қилишга ҳам ҳайронман, – деди Эркин.

– Мен сизларни уйимизга таклиф қилмоқчиман. Псковда ҳам кўрадиган жойлар кўп. Мен билан юринглар, ота-онам жуда хурсанд бўладилар, – деди Лена.

– Сен нима дейсан, Муродилла? Сенинг Псковга биринчи марта келишинг, мен эса бу шаҳарда икки марта бўлганман.

– Псков бўлса, Псков-да, – рози бўлди Муродилла.

– Бўлмаса, йўл бошланг, хоним, – деди Эркин жилмайганича. Кеча унчалик аҳамият бермаган экан, қиз жуда чиройли бўлмаса ҳам истараси иссиқ, сўзлари мулойим, одобли, хушбичим экан. Эркиннинг кўнглидан ўтганини билгандай, Муродилла томоқ кириб қўйди.

Қизнинг отаси ишда экан, онаси кутиб олди.

Она-бола меҳмонларни дастурхонга ўтқизишиб, бошқа хонада гаплашиб олишди. Шундан сўнг, онаси дастурхон ёзиб, қилган яхшиликлари учун йигитларга миннатдорчилик билдирди. Қиз эса бошқа кўйлагини кийиб, кўчага чиқиб кетди. Ўзини ноқулай сеза бошлаган Эркин қизнинг онасидан узр сўраб, кетишга чоғланди, аммо у рухсат бермади.

– Хонадон эгаси келмагунча, ижозат беролмайман.

– Лена қаерга кетди?

– Отасини айтиб келишга кетди. У киши дурадгор бўлиб, қадим обидаларни таъмирлайди.

Орадан ўн беш дақиқа ўтмай, хонадон соҳиби кириб келиб, курсантлар билан қўл сиқишиб, сўрашди. Аммо Лена йўқ эди. Қиз деярли бир соатдан сўнг бир олам масаллик кўтариб келди.

Улар икки кун шу уйда меҳмон бўлишди. Лена уларга Псков кальасидаги ажойиботларни томоша қилдирди, ерости йўлак ларига олиб тушди, обидаларни кўрсатди.

Ўша кунларда Эркин ва Лена ораларида илиқлик пайдо бўлди. Қиз ўқув юртига келиб турар, бир неча кунлаб шу ерда қолиб кетарди. Эркин ўқув юртини тамомлагач, ҳарбий қисмга кетмасидан олдин, Псковда уларнинг тўйлари бўлиб ўтди. У Псковда то таътил тугагунча қолиб, сўнгра Москва остоналарида жойлашган ҳарбий қисмга хизматни давом эттириш учун юборилди.

Ҳарбий қисм командири подполковник Кравченко уни ва оиласини офицерлар ётоқхонасига жойлаштириш учун интендантлик хизматига тошпирик берди.

Эркин шу қисмда уч ярим йил хизмат қилиб, катта лейтенант унвонини олди. Бу орада бир қизлик бўлишди, унга ўзбекча Лайло исмини қўйишди, бу онасининг исмига ҳам ҳамоҳанг эди. Кўп ажойиб, ҳаётнинг энг тотли, бахтиёр даври экан ўша кунлар. Эркин хизматдан ҳориб келишига қарамай, қизчаси билан ўйнашишни яхши кўрар, доимо тиззасига ўтқазиб олиб эркалар, сўзларни чала-чулпа қилиб гапиришига ишқибоз эди. Лена, ўзида бор-йўқ, буларни кузатиб ўтирарди.

Ҳар йили хизмат таътилига чиқишлари билан Псковга боришади, Ленанинг отаси Гаврил, онаси Евдокияларнинг ҳолидан хабар олишади. Қайнота-куёв биргалашиб, қишга ўтин тайёрлашади, рус ҳаммомида мириқиб чўмилишади.

Таассуфки, бу дунёда ҳеч нарса боқий эмас. Қизи бир ярим ёшга борганда содир бўлган машъум фожеа, уларнинг шодликларига чек қўйди. Лена саратон касаллигига дучор бўлиб, кўп шифохоналарда даволанди, бироқ шифо топгани йўқ.

Уни Псков қабристонига дафн этишди.

Ленадан унга Лайло-ю, яхши хотиралар ёдгор бўлиб қолди. Лена Эркиннинг ҳарбий хизматига кўникиб қолган, қай маҳал келишига қарамай, дарҳол чой қўйиб, овқатни иситар, унинг

шоша-пиша овқатланишига икки қўлини энса суякларига тираганича, тикилиб ўтирарди. Ана шу хотиралар Эркиннинг бир умрлик йўлдошига айланиб колди.

Қайнота-қайнонаси Лайлони олиб қолишди. Шу сабабли, Эркин ойлик маошининг ярмини ушбу оилага ўтказиб турди. Ҳар гал имкон топди дегунча албатта Псковга борар, кизининг холидан хабар оларди.

Бир галги келишида кизи уч ёшга тўлиши муносабати билан полк командири унга бир ҳафтага жавоб берди. Унинг келиши кизи учун ҳақиқий байрамга айланиб кетди.

Орадан беш кун ўтгач, Гаврил амаки у билан суҳбатлашиб ўтириб, сўккабош бўлиб юриш ярамаслиги ҳақида сўз очди. Эркин унга шундай жавоб қилди:

– Гаврил амаки, Ленани унутолмаяпман... Ҳамма нарсанинг давоси вақт дейдилар, қани, яна озроқ вақт ўтсин-чи...

IV ФАСЛ АФҒОНИСТОН ФОЖИАСИ

1979 йилнинг сентябрь ойида Эркинни дивизия штабига чақиришди. Уни қабул қилган полковник Зотов махфий буйрук билан таништириб, зудликда Чирчиқ шаҳрига етиб бориши зарурлигини айтди:

– Ҳарбий хизматни ўша ерда давом эттирасиз. Туркий элат вакилларида иборат десантчилар ротасини ташкил этишингиз зарур. У ерга етиб борганингиздан сўнг майор Ҳайтов вазифаларни тўлиқ тушунтиради. Сиз унинг махсус қисмида хизматни бошлайсиз, тушунарлими, Пўлатов, – деди.

Шу куни кечасиёқ у самолётда Москвадан Тошкентга етиб келди-да, ундан нари Чирчиқ шаҳрига йўл олди. Чунки, унинг хизмат варағида ўша ерга етиб бориш пайти аниқ ёзилганди.

Комиссар хонасидан бир одамни кузатиб чиқиб хайрлашиб бўлгач, у яқинроқ бориб ўзини таништиради:

– Катта лейтенант Пўлатов!

Бирга хонага киришди. Эркин ўзининг хизмат ҳужжатлари комиссарнинг столида турганига эътибор берди.

– Демак, сиз ҳарбий хизматни давом эттириш учун XXX сонли махсус буйрук билан юборилгансиз. Ҳозир яна икки ҳарбий келади, сўнгра сизларни комиссариатнинг машинасида олиб бориб қўйишади.

Уч киши, яъни бир мотоўқчи хизмат капитани, прапоршик ва Эркин ўтирган «УАЗ-469» автомашинаси уларни полигонга олиб борди, штабга мослаштирилган бинога ташлаб, қайтиб кетди.

Қизиғи, бу ерда ҳарбий хизматни ўтаётганларнинг барчаси Ўрта Осиё республикаларининг вакиллари бўлиб, фақат ракета мосламаларини бошқарувчилари Европа миллатларига мансуб эдилар.

Кечки пайт уларни батальон командири Ҳабиб Ҳайтов қабул қилди. Хонада улардан ташқари турли ҳарбий қисмларга алоқадор белгили бир қанча офицерлар йиғилган бўлишиб:

– Ўртоқлар, олдимизда жуда муҳим ва мураккаб вазифалар турибди. Бизнинг батальонимиз бошқа юртда жанговар вазифа-

ни бажариши кераклиги ҳақида огоҳлантириб қўйишим зарур. Роталарни қабул қилиб олганингиздан сўнг мана шу вазиятдан келиб чиқиб ҳарбий машғулотлар ўтишингиз керак... Ҳаитов йиғилишдан кейин Эркинни олиб қолди.

– Сизнинг вазифангиз десантчилардан ташкил топган илғор ротага қўмондонлик қилиш. Яна икки кун ичида барча зобит ва аскарлар йиғилишади, улар таркибида учта взвод бўлиб, десантчи-ҳужумчилардан алоҳида гуруҳлар тузасиз. Десантчилар асосан Ўрта Осиё миллатлари вакилларидан иборат бўлиши шарт. Тузиш вақтида қандай ташкилий масалалар чиқса, бемалол мурожаат қила беринг, муаммоларни ҳал қилишга ҳаракат қиламиз. Жанговар вазифани бажаришда сизнинг десантчиларингиз асосий ролни ўйнайди. Тушунарлими, Эркин? – деди уни ўзига яқин олиб Ҳаитов.

– Тушундим, ўртоқ майор, бажаришга киришишга рухсат беринг, – деди Эркин.

– Ижозат... Икки кун ичида барча десантчилар жамланиши кутилмоқда, асосан сиз ҳарбий таълим олган мактаб ҳамда Рязань ҳарбий ҳаво десантчилари дивизиясидан мусулмон зобит ва аскарлар келишади. Сиз биринчи бўлиб етиб келдингиз, – деди Ҳаитов.

Орадан уч кун ўтгач, Эркин десантчи-штурмчи взводларни ташкил этишга киришиб кетди. Унинг бахтига взводлардан бригада командир этиб Муродилла тайинланди, иккинчи ва учинчи взводларга Рязань ҳарбий-ҳаво десантчилар дивизиясидан келган лейтенантлар Абдувалиев ва Мамедовлар тайинландилар. Мамедов авар миллатига мансуб йигит бўлиб, Рязань десантчилар мактабини энди битирган ёш зобит экан.

Бу десантчи ротанинг ҳар бир взводида сапёрлар, механик ҳайдовчилар, снайперлар бор, таъминот масалаларига прапорщик Семенов жавоб беради. Семенов тез орада ўзининг уддабуронлиги билан Эркинни ҳайратга солди. У ҳеч қачон, бу нарса бизда йўқ, таъминотда ҳам назарда тутилмаган, деб айтмас, қардан топиб келишни сўрамас, рота командири айтиши билан, тез кунда бажо қилиб қўя оларди. У кун бўйи «ГАЗ–66» машинасида нафақат Чирчиқ, Тошкент, балки йирик ҳарбий ва фуқа-

ролик базалари жойлашган ерларга бориб, айтилган нарсаларни топиб келарди.

Машғулотлар изчил давом этди, хатто икки марта самолётлардан парашютда сакрашди ҳам. Биринчи гал кундуз кунни, иккинчисида эса тун қоронғулигида. Бир гуруҳ сапёрлар эса турли ерларга машғулот миналарини ўрнатишар, иккинчи гуруҳ уларни зарарсизлантирарди. Машғулот майдончасида турли сунъий тўсиклар мавжуд бўлиб, ёниб турган ўтдан, тиканли симлар орасидан ўтиш, баландликка сакраш, арконлар ёрдамида биноларни штурм қилиш машқлари кундан кунга оғирлаштирилиб бориларди. Ҳар замонда батальон командири Ҳайтов келар, десантчиларнинг машғулотларини кузатар, бирор камчилик тополмаса-да:

– Йигитларни қаттиқ жангларга тайёрлайверинг, ротний. Машғулот пайтида қанчалик оғир бўлса, жангда шунча енгил бўлишини ҳаммамиз биламиз, – деб кетарди. Баъзи вақтларда у билан бир полковник келар, у ҳам машғулотларни назорат қилиб, жанг пайтида юзага келиши мумкин турли вазиятларга оид масалаларни кўярди. Яна бир кун эса, батальон командири билан бирга полковник ва бир генерал келиб, машғулотларни кўришди, шундан сўнг уларга топографик карталар билан ишлашлари ҳақида оғзаки кўрсатма беришди:

– Десантчилар ҳар қандай координат¹ларни билишлари зарур, чунки уларнинг биз учун нотаниш бўлган ерларда ҳаракат қилишларига тўғри келади, шунинг учун компас, харита ва бошқа шунга алоқадор бўлган масалаларни чуқур эгаллашлари керак.

Уч ойдан кейин, декабрнинг ўрталарида буйрук бўлиб, улар барча ҳарбий анжомлари ва қуролларини олишиб, Тузелдаги ҳарбий аэропортга келишди. Барча аскарлар асосан Ўрта осийликлардан ташкил топган бу қисм «Мусулмон батальони» деб юритила бошланди. Энди батальон Афғонистонга кетаётгани сир бўлмай қолган, фақат у ерда қандай машаққатлар кутаётгани маъ-

¹ Нотаниш жойлар ҳар хил координатларга бўлиниб, маълум бир белги нишон қилиб олиниб, шунга мувофиқ квадратларга бўлиб чиқилади. Координатларни билган ҳарбий қаерни нишонга олиб, ўқ отиш, маълум масофаларни ерга қапишганича эмакляб босиб ўтиш ва ҳоказоларни ўзлаштиради.

лум эмасди. Самолётга чиқишларидан олдин барчаларига Афғонистон ҳарбийларининг кийими кийдирилди. Барча ҳужжатлар, айниқса, хизмат қилган аскарларнинг шахсий суратлари ва ҳоказолар махсус бўлим томонидан олиниб, сақлаб туриш учун темир кутиларга қўйилди. Улар яна бир марта ҳеч ким билан, айниқса, маҳаллий аҳоли билан мулоқотга киришмаслик, батальон жойлашган ердан чиқмаслик тўғрисида огоҳлантирилди.

Батальон маҳаллий вақт билан соат 18:00да бир неча АН-14, «Руслан» каби оғир самолётларга ўтқизилди. Ҳарбий техникалар ҳам жойланган ҳаво кемалари бирин-кетин, орада ўн беш дақиқа фарқ билан осмонга кўтарилди.

Биринчи самолётга Ҳабиб Ҳайтов, Эркин Пўлатов ва Муродилланинг 32 нафар десантчилари чиқишди. Самолёт Тоғли Бадахшонни кесиб ўтиб, Афғонистоннинг Баграм ҳарбий аэродромига қўнди. Афтидан аэродром бундай оғир юкли самолётларга мослашмаган бўлса керак. Унинг сатҳи зудлик билан кенгайтирилгани цемент қоплама устига ётқизилган янги асфальтдан маълум бўлиб турибди, яқин агрофда яшайдиган аҳоли кўчириб юборилган бўлса керак.

Шу куни улар «сухой паёк»¹ билан овқатланишди. Взвод командирлари ўз аскарларини номма-ном санокдан ўтказдилар, уларга бириктирилган барча қурол-яроғ, техника, ўқ-дори ва бошқа юклар яна бир бор текшириб чиқилди. Шундан сўнг, батальон Қобул шаҳрига бориш учун маршга чиқди. Улар Қобул остоналарига келиб, Тож-Бек тепалиги остида жойлашишди.

Афғонистон Халқ Демократик Республикаси Марказий қўмитасининг бош котиби, Инкилобий Кенгаш раиси, бош вазир Ҳафизулла Аминнинг саройи шу ерда жойлашган бўлиб, батальонга ушбу қасрни афғон қуролли кучлари билан биргаликда ташки муҳолиф кучлардан муҳофаза қилиш вазифаси топширилганди. Улар етиб келишлари билан Афғонистон қуролли кучлари вазири Ёқубий, унинг штаби аъзолари, совет мушовирлари ва бошқалар ҳозир бўлишиб, батальонни жойлаштириш тадбирини кўришди.

¹ Сухой паёк, ҳарбийларга сафарда бериладиган, қоғоз пакетларга жойланган гўштли консервалар, курук, аммо калорияли озиқалар.

Тож-Бек тепалигидаги саройга олиб борадиган йўл биттагина холос, бошқа тарафлари тик, ўтиб бўлмас тошлардан иборат бўлиб, чангалзор, хар хил майда чакалаклар билан қопланган, бунинг устига мавжуд сўкмок йўллар миналаштирилган. Баташонни пастликдаги бир вақтлар казарма бўлган ярим вайрона бинога жойлаштиришди.

1979 йилнинг декабрь ойи Қобул ва унинг атрофларида анча совуқ бўлиб, харорат кечалари – 20-22 даражагача тушарди. Аскарлар сал илик бўлар деган умидда бушлат, адёл ва яна қўлга нима кирса, ўшани ойнаси, хатто роми йўк деразаларга тутиб, ўртага бир қанча «буржуйка»ларни қўйиб жон саклашди. Тез орада Совет иттифокидан йиғма уйлар келтирилди-ю, аскарлар бир ҳафта ичида ўзларига чидаса бўладиган шароит яратиб олишди.

Афғонистонда ўтин ҳам муаммо экан, Қобул бозорида дарахт илдизлари, ўтинлик ёғочнинг килолаб сотилиши уларни ҳайрон қолдирди. Зудликда қўшинларни таъминлаш учун иттифокдан машина-машина кўмир, саксовул келтирилди.

Ҳар куни тунда ҳарбий машиналарнинг моторлари совуқда музлаб қолмаслиги учун хар соат-хар соатда юргизилиб, жойида ишлатиб қўйилади, акс ҳолда улар ишдан чиқиши мумкин. Ички кўриқчилар афғон қуроли кучларининг гвардиясидан иборат, майор Ҳайтов улар билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Дастлабки пайтлар, тунда моторлар юргизилганда, дарҳол саройдаги прожекторлар ёниб, атроф назоратга олинади, калъадан машина чиқиб, афғон гвардияси офицери етиб келади-да шовкин сабабини суриштиришади. Сабаблар аниқлангач, «бош вазирнинг оромини бузмаслик», имкони борича «шовкин солмаслик» тўғрисида огоҳлантириб кетишади.

Киш бўлганлиги учун соат ўн олтидан кейинок қоронғи тушар, совуқ этларни жунжиктирарди. Шу сабабли аскарларга бушлат остидан кийиш учун иссиқ пахмок кийимлар ҳам тарқатилди.

Декабрнинг йигирма олтинчи санаси кириб келди. Тонгда майор Ҳайтов Бобур боғига, совет ҳарбий мушовири Султон Магомедов ҳузурига чақиртирилди. Тушликкача қолиб кетган Ҳайтов қайтиб келгач, дарҳол взвод, рота командирларини ўз ҳузурига тўплади:

– Ўртоқ офицерлар, бу ерда бўладиган гаплар ўта сирли, зинхор ҳеч кимга вақтидан олдин ошкор бўлмаслиги шарт. Мана, жангга қирадиган вақт келди, энди бизлар саройни кўриқлашимиз эмас, балки штурм билан олишимиз керак.

Ҳамма ҳайрон эди.

– Ҳафизулла Амин АҚШ Давлат департаменти ва ЦРУ¹ билан келишиб, бу ерга Америка кўшинларини киритишга қарор қилган, биз эса бунга йўл қўймаслигимиз, саройни штурм билан олишимиз шарт, – деди.

Армия фуқаролик тармоқларидан шуниси билан фарқ қиладики, бу ерда буйруқ асосий аҳамиятга эга. Офицерлар Тож-Бек қалъасининг харитаси устига бош эгишди. Атрофдан ҳужум уюштириш мумкин эмас, чунки пиёдаларга ва зирхли машиналарга қарши миналар ўрнатилган. Асосий ҳужум ўша ягона йўл орқали бўлади. Мазкур йўлнинг ўртасидан сой оқиб ўтар, совет мутахассислари унинг устидаги кўприкни таъмирлатгандилар, аммо барибир ундан икки машина бирданига ўта олмасди. Харита устида анча баҳслар бўлиб, кўп нарсалар ҳақида келишиб олинди. Бу даврда совет кўшинларининг бир полки ҳам Тож-Бек баландлигидан тахминан уч чақирим масофага келиб жойлашган, уларга ҳам худди шундай буйруқ келганди. Маҳаллий вақт билан роса соат 18:00да ҳужумга сигнал берилди.

Совет раҳбарлари Инқилобий Кенгаш раиси, Савр инқилоби раҳбари Нур Муҳаммад Таракийни ўз муовини Ҳафизулла Амин терафидан хоинона қатл этилиши ҳамда унинг ишончли вакиллари Пешоварда АҚШ Госдепартаменти ва ЦРУ ходимлари билан музокаралар олиб бораётганини сира ҳам кечира олишмас, шу сабабли уни ўртадан кўтариб, ўрнига бошқа одамни қўйишни лозим топишганди. Чехословакияда муҳожир бўлиб яшаётган Бабрак Кармал, Нур Муҳаммад Таракийнинг Совет иттифокидан вақтинчалик паноҳ топган издошлари Абдулла Сарварий, Ширжон Маздуряр, Саид Муҳаммад Гулябзой, Муҳаммад Аслан Ватанжарлар билан келишиб, Ҳафизулла

¹ Марказий разведка бошқармаси.

Амин хукмдорлигидаги ҳукуматни йўқ қилиш ва «Савр»¹ инкилобининг иккинчи босқичи» деган даврни бошлаш режалаштирилди. Юқорида номлари мазкур бўлган шахслар Совет Давлат хавфсизлик қўмитасининг «Альфа» гуруҳи ҳимоясида декабрнинг охирларида Баграм аэродромига етказиб келинди.

Ҳафизулла Амин саройининг штурм билан олинishi, ўзининг йўқ қилиниши, Инкилобий Кенгаш раиси ва бош вазир қилиб Бабрак Кармалнинг тайинланиши билан ана шу воқеликлар ўз поёнига етди ҳамда Савр инкилобининг иккинчи босқичига киришилиб, ҳаёт ўз мароми бўйича давом этди. Ҳужумда қатнашган «Мусулмон батальони» зудликда январнинг учинчи кунда самолётларда яна Чирчиқ полигонига олиб чиқилди. Уларнинг ихтиёрларида бўлган техника ва қурооллар янги тузилган афғон ҳукуматига топширилди.

Олти ойлик тинчликдан сўнг босқинчиларга ва улар ёрдамида давлатни олган кучларга қарши қуроолли қўзғалонлар бошланиб кетди. Бу қўзғалонларнинг асосий намояндалари сифатда Сиғбатулло Можаддий, Бурхониддин Раббоний, Гулбиддин Ҳикматиёр, Абу Расул Саяф, Сайд Аҳмад Ғилони, Муҳаммади ибн Муҳаммади ва бошқа дин пешволари, таниқли уламолар тарих майдонига чиқдилар. Биргина, Гулбиддин Ҳикматиёр қўл остида деярли 40 минглик мужоҳидлар қўшини бўлиб, чекланган совет қўшинларига қарши аёвсиз жангларга киришиб кетганди. Бурхониддин Раббонийнинг маслакдоши генерал Аҳмадшоҳ Масъуд ҳам кучли қўшин тўплаб, Покистондан ўзининг юрти бўлган Панжшер воҳасига босиб кириб, уни ўз тасарруфига олди, у ердан ҳукумат қўшинларини сиқиб чиқариб, ўша ерларнинг мутлоқ ҳокимига айланиб қолди...

¹ Савр мусулмон календарига апрелни билдиради. Гап шундаки, 1978 йилнинг савр ойида Нур Муҳаммад Таракий бошчилигида давлат тўнтариши амалга оширилиб, Сардор Муҳаммад Довуд ҳукумати ағдарилган. Шундан сўнг тузилган Инкилобий Кенгаш томонидан ўтказилган Плениумда Нур Муҳаммад Таракий ҳукумат раҳбари этиб сайланган. Ҳукуматнинг социализм ғояларига таянишига ана шу пленумда қарор қилинган.

Қўмондонлик Чирчиқ шаҳрида хизмат вазифаларини бажараётган Ҳабиб Ҳайтов тасарруфидаги батальонни тугатиш, шахсий таркибни доимий жойларига қайтаришга қарор қилган давр эди бу. Лекин, бу ишни тезлаштириш учун ҳамон Генштабдан буйруқ келмас, тирик қолган аскарлар орасида баъзи ҳолларда интизомни бузиш, ичкиликбозлик иллатлари авж олди, офицерлар қисм тез орада ўз фаолиятини тугатиши керак бўлгани учун бу нарсаларга панжа орасидан қараб келишарди.

Бўлиб ўтган дахшатли уруш аскарларнинг ёдларидан чиқмас, бир сонияда сафдошларидан ажралиш каби ҳолатлар улар руҳига қаттиқ таъсир қилган, ичкиликбозлик, тартиб-интизомнинг бўшашиб кетганига ана шу нарсалар сабаб бўлган эди дейиш мумкин.

Бир куни десантчилар Чирчиқ шаҳридаги оромгоҳда маҳаллий ёшлар билан жанжаллашиб, ур-сур қилишгач, уларга рухсатнома бериш, қисмдан ташқарига чиқиш таъқиқланди. Психолог-врачлар келишиб, уларнинг руҳий ҳолатларини текширишди ва баъзи муолажаларни қилиш учун госпиталларга йўлланма беришди. Аммо, бу чоралар сезиларли самара келтирмади. Батальон командири мунтазам Тошкентга, Туркистон ҳарбий округига катнар, қисмнинг тугатилишини сабрсизлик билан кутар, чунки Ҳарбий академияга кириш учун имтиҳон топшириши керак эди. Эркин ва Муродилла унинг ҳузурига кириб, мурожаат қилишди.

– Ўртоқ майор, бизларга уч кун муддатга рухсатнома берсангиз, Тошкентга тушиб, синглимдан хабар олиб келмоқчи эдим.

– Сиз-ку тошкентликсиз, Аминовга ҳам рухсатнома керакми?

– Ҳа, – деди унинг ўрнига Эркин, – биз деярли бир вақтда десантчилар мактабини тугатганмиз, дўстлашиб қолганмиз, шунинг учун унга ҳам рухсат берсангиз.

– Майли, фақат икки кунга жавоб бераман, чунки Абдувалиев ва Мамедовлар госпиталга ётадиган бўлишди. Сиз ҳам бўлмасангиз, десантчиларга ким қараб туради?

Икки кун синглисиз, Слава амаки ва Полина опаларнинг меҳмони бўлишди. Уйлари ҳанузгача бузилмабди, демак, деворни тиклаб кетишгани яхши бўлган экан.

Аммо иккинчи куни, ҳарбий комиссариатдан бир зобит келиб, улар зудликда қисмга етиб боришлари кераклиги, шунинг учун у атайин хизмат машинасида келганлигини айтди. Апил-тапил хайрлашиб, йўлга отланишди.

Қисмга етиб келишганда ўзгача бир кўтаринкилик устидан чиқишди: аскарлар анжомларни созлаётган, рюзакларни тайёрлаётган... Ҳали госпиталга кетишга улгурмаган Абдувалиев ва Мамедовлар бир-бирларига сўз бермай, уларни янгиликдан ҳабардор қилишди:

– Хизматни яқинда борган еримизда давом эттириш ҳақида буйруқ келди. Туркистон ҳарбий округига қарашли қисмлардан батальонимиз таркиби тўлдирилар экан-да, кейин кетарканмиз, – дейишди.

Дарҳақиқат, қисмга кетма-кет ҳарбий машиналар кириб келар, уларда келган солдат, прапоршик ва офицерлар штабга кириб, ҳужжатларни расмийлаштиришарди. Рота бир ҳафта муддатда таркибини тўлдириб, шундан кейин Пўлатов батальон командири Ҳайтовга ахборот берди.

– Сиз шундай десантчиларни танлангки, жанговар ҳаракатларга, урушга тайёр бўлишсин, чунки Афғонистонда аксил-инкилобчи кучлар бош кўтарганмиш, бизлар расмий ҳукумат ҳимоясига отланиш ҳақида топшириқ олдик. Қолган масалалар ҳақида ўша ерга борганимиздан сўнг маҳаллий аҳволни билиб, вазиятга қараб, маслаҳатлашамиз. Ҳозир сиз ўз десантчиларингизни Тузел ҳарбий аэропортига боришга ҳозирланг. Сизлар шу бугун тунда Қобулга учиб боришингиз, батальон учун жой танлашингиз зарур, мен қолган қўшинлар билан кейинчалик етиб бораман, – деди Ҳайтов.

– Тушунарли, ўртоқ майор, бажаришга киришишга рухсат беринг, – деди Эркин.

– Эркинжон, сиз жанг кўрган тажрибали одамсиз, шунинг учун аввал сизни юборяпман. Имкони борича яхши ердан қазармабоп жой танланг, қисмни Қобул остоналарига жойлаштириш ҳақида кўрсатма келган, Генштабдан финча уйлар, ўтин ва кўмир таъминоти ҳақида ҳам шифрограмма¹ бор. Ҳозир эса

¹ Телетайп орқали бериладиган шошилинч буйруқ, топшириқ.

ротага озиқ-овқат маҳсулотлари, курол-яроғ, мина, гранатомёт, автомат, снайпер милтиқлари, Ф-1, РГПД гранаталари ва бошқа зарур нарсаларни олиш учун икки бўлинма, «сухой паёк» учун бир бўлинма аскар жўнатинг. Ҳар битта яроғ қатъий рўйхатдан ўтказилсин, бу ҳақда махсус кўрсатма бор, омбор мудирлари ва уларнинг ишини назорат қилувчи офицерга тегишли кўрсатмалар берилган, – деди батальон командири.

Эркин қуроллар билан боғлиқ вазифани Абдувалиев зиммасига юклаб, прапоршик Семеновни озиқ-овқат омборхонасига йўллади. Чунки унинг иши пухталиги, зарур нарсаларни ундиришга мохирлиги аллақачон маълум.

– Егор Мануилович, – деди Эркин, – озиқ-овқат омборига бориб керакли нарсаларни олинг, зарур бўлса қўшимча талабнома ёздириб, сафарда керак бўладиганларини ҳам олишга ҳаракат қилинг, у ёқда ишлар изига тушиб кетгунча оч қолиб юрмайлик.

— Хотиржам бўлинг! Тушенка, балик консерва, галетлардан ташқари, шоколад, дудланган колбасалар, печеньеелар, қотирилган сухарилар ҳам бор, мумкин бўлса, ана шуларнинг ҳаммасидан камида 500 килодан ундираман.

Семеновнинг ёши Эркиндан анчагина катта, улар Витебскдан бирга келишган. Прапоршик ўша ўқув даргоҳида шартнома асосида ишлаган, парашют спорти бўйича ҳам катта тажрибага эга – бир юз етти марта сакраганди. У ҳам Эркинга ўхшаб етимхонада тарбия топган, шу сабабли улар жуда иноқлашиб кетишди.

Прапоршик катта сержант Ғаниевга озиқ-овқат омборхонасига бориб, талабномаларда ёзилган нарсаларни олишга буйруқ берди, ўзи эса штабнинг хўжалик-молия бўлимига йўл олди. Унинг қўлда ёзилган талабномасини кўрган интендантлик бошқармаси бошлиғи, подполковник Сускин қатъий эътироз билдирди:

– Омборхонани шип-шийдам қилиб кетмокчимисизлар! Мен эртага бу ерда қолган қўшинни ҳам боқишим керак!

– Биз энг зарур озиқ-овқат маҳсулотларини сўраяпмиз. Унинг устига афғонда таъминот йўлга қўйилса ҳам, бизлар десантчилармиз, тоғ-тошларда умримиз ўтади, шунинг учун барча ке-

ракли нарсаларни ўзимиз билан олиб кетишимиз шарт. Акс ҳолда дивизия штабига, полковник Любарга мурожаат қилишга мажбурман.

Подполковник сўралган нарсаларнинг учдан бирини беришга рози бўлди.

– Раҳмат, ўртоқ подполковник, – деди Семенов ва озиқ-овқат омборхонасига йўл олди.

– Қуруқ раҳматингни бошимга ураманми?! – тўнғиллаб қолди подполковник.

Сускин келгуси йили заҳирага чиқиши керак эди, шунинг учун омборхона мудирлари билан келишган ҳолда баъзи ноёб маҳсулотларни шаҳардаги Ишчилар таъминоти бошқармасига жўнатиб турар, шу йўл билан мўмайгина маблағ топарди. Аскарлар ва офицерлар ошхоналари таъминоти бунақа ишлар учун жуда қулай, ҳар қанча ўғрилик, ўзлаштиришларни беркитиб юбориш мумкин. Айниқса, совет-афғон уруши қўзғалгандан бери буларнинг куни туғиб қолди, омборхоналарга ҳатто, кизил ва қора балиқ увилдириғи ҳам келиб турарди. Булар асосан урушга кетадиган солдат ва офицерларга мўлжалланганди, аммо улар ана шундан фойдаланиб қолишга ҳаракат қилаётгандилар. Офицер ва аскарлар эса бунақа нозик таомларни кўришмасди. Оқругдан келадиган текширувчилар яхши кутиб олиниб, совға-салом билан кузатиб қўйилар, улар ошқор бўлган қинғир ишларни ёпиб кетишарди.

Шу куни тунда яна Қобул аэропортига етиб келишди. Уларга совет ҳарбий мушовирлари Заҳириддин Муҳаммад Бобур қурган Болоисор қасрининг харобаларига яқин ердан жой кўрсатишди. Шундоқкина Болоисор қасри ёнидаги ясси текисликда бу юртнинг таниқли, обрўли кишилари қўйиладиган «Шаҳидайни солиҳин» кабристони ҳам бор.

Ҳеч қанча вақт ўтган йўқ, бу ерга ғилдиракли финча уйлар келтирилиб, росмана шаҳарча пайдо бўлди. Улар шу ишлар билан машғул эканлар, батальоннинг қолган қисми ҳам Ҳайтов бошчилигида етиб келди.

Ҳабиб Ҳайтовнинг қисми асосан ҳукумат идоралари, Қобулдаги нон заводи, электр тармоқлари, университет ва бошқа

шунга ўхшаш корхоналарни муҳофаза қилди. Эркиннинг десантчи-штурмчи ротаси эса вертушка¹ларга ўтириб, мужоҳидларга қурол-яроғ етказиб берадиган таъминотчиларга қарши курашди.

Десантчилар Вертушка ёки БРДМларда жойлашиб, қурол қарвонларининг изидан тушишади, уларни тўхтатиб, имкони бўлса қурол-яроғни мусодара қилишади, агар бундай имконият бўлмаса, қўлга тушган жойида портлатиб юборишади

Чекланган совет қисмлари штабидан мунтазам равишда ахборот келиб туради, Эркин ва сафдошлари шунга қараб ҳарбий ҳаракатлар олиб боришади. Бу штаб ўз навбатида «ХАД»², «Царандой»³ каби маҳаллий ташкилотлар билан алоқада ишлайди, уларнинг айёқчилари қайси йўллар орқали қурол-яроғ мужоҳидларга етказилаётгани ҳақида мунтазам хабар бериб турадилар.

Аммо, бу хабарларнинг аксарияти ёлғон бўлиб чиқар, шундай пайтларда борган аскарлар кучли қуролланган мужоҳидларга рўпара келиб, омонсиз жангларда талофатлар беришарди. Вертушкалар вақтида ёрдамга келмаса, ҳеч ким ортга қайтиб келмасди. Бундай вазиятларнинг тез-тез қайтарилиши совет қўмондонлигини тактикани ўзгартиришга мажбур қилди, энди олинган ахборот афғон штабида ўтирганлардан пинҳона тутиладиган, қўпроқ мустақил ҳаракат қилинадиган бўлинди.

Бир куни Парандех⁴ қишлоғига, Аҳмадшоҳ Масъуд қўшинига юздан ортиқ ҳачирларда қурол-яроғ, мина, гранатомёт ортилган қарвон келаётгани ҳақида маълумот олинди. Бу асосан совет ҳарбий разведкасининг хабари эди. Ҳатто, қарвонни олиб келаётган инсон ҳақида ҳам мукамал ахборот берилганди. Бу Абдул Вакил деган одам бўлиб, пуштунларнинг энг жангари қабиласи – сулаймонхел қавмидан эди.

Аҳмадшоҳ Масъуд ҳақида ажойиб-ғаройиб афсоналар юради. Ниҳоятда адолатли эканлиги, асир тушиб қолган со-

¹ Вертушка – МИ-8 ҳарбий вертолётларини аскарлар шундай аташарди.

² Афғон Миллий хавфсизлик хизмати.

³ Ички қўшинлар бўлинмаси. Ўша даврларда Ички ишлар вазири Саид Муҳаммад Гулябзой эди.

⁴ Бу музофот Панжшер провинциясига қарайди.

вет аскарларини қатл этмаслиги, ислом динини қабул қилиб, боскинчиларга қарши курашишга бел боғлаган тутқунларни мужоҳидлари таркибига олганликлари тўғрисида ривоятлар машхур. Бу маълумотларни кимдир ёлғон дейди, кимдир рост. Лекин, мужоҳидларга қўшилиб кетган совет солдат ва офицерлари йўқ эмаслиги ҳам айна ҳақиқат эди.

Аҳмадшоҳнинг қўшинлари ўн минг атрофида, у кучли қўмондонлар қаторидан жой ола бошлаган. Унга мужоҳидлар «Шери Панжшер»¹ лақабини ҳам беришганди. Шу сабаб ҳам, Эркин бу жанговар операцияга раҳбарлик қилишни ўз зиммасига олди.

Икки взводдан иборат аскар иккита вертушкага ўтириб, Эркин Пўлатов бошчилигида учиб кетишди.

Десантчилар Парандех қишлоғидан деярли бир фарсах² масофа берига тушиб, сўнгра тоғ оралаб пиёда ҳаракат қилишди. Теварак-атроф тоғликлардан иборат, яширин ҳаракат қилишга жуда қулай. Бироқ, ҳар бир десантчининг рюкзакида 35 килограммча юк борлиги ҳисобга олинса, ҳар метр масофа қандай машаққат билан ўтилгани маълум бўлади.

Ниҳоят, улар белгиланган манзилга чиқиб боришди-да, кечаси ҳам худди кундузгидек кўрсатадиган ҳарбий дурбинлар билан атрофни кузата бошлашди. Карвоннинг йўналишига қараганда, у Панжшер воҳасининг маркази Рухага бориш учун, совет ва ҳукумат қўшинлари кўп бўлган текисликдан эмас, тоғ йўлларида юришга мажбур эди.

Икки десантчи беш юз қадам илгарида ҳаракат қилиб, имо-ишоралар билан ҳозирча тинчлик эканлигини кўрсатиб боришарди. Душман худудларида десантчилар фақат имо-ишора билан ҳаракат қилишади, сигарета чекиш у ёқда турсин, ҳатто бир гугурт чўпини синдириш ҳам мумкин эмас.

Бир маҳал улар тоғ орасида жойлашган, атрофлари пахса девор билан ўралган кўрғонга дуч келишди. Ана шу ерда пистирма ўрнатиб, карвонни кутиб олишга тайёргарлик кўра бошлаш-

¹ «Шери Панжшер», яъни форсчадан «Панжшер шери, арслони» деб таржима қилинади.

² Фарсах, мусулмон ўлчов бирлиги, тахминан 7–7,5 км масофага тенг.

ди. Қўл пулемётлари, гранатомёт ва гранаталар олиниб, териб қўйилди. Карвон анчагина катта, уни ўттиздан ошиқ мужоҳид кўриқлаб келаётгани ҳақида маълумот олинган. Жанг омонсиз бўлиши муқаррар, шу сабабли Эркин душманга кўккисдан зарба бериб, ташаббусни аввал бошданок қўлга олишни мақсад қилди.

Орадан уч соатлар чамаси вақт ўтганда, эшак минган, маҳаллий аҳолига ўхшаб кийинган соқолли иккита одам ўтди. Уларнинг кўзлари олазарақ эди, қулоқлари динг... Душман ҳам анойи эмас, олдиндан одам юбориб, хатар бор-йўқлигини текшириб кўраётир. Десантчилар уларнинг ҳеч нарсани сезмай ўтишларига, ҳатто кўрғонни ҳам атрофлича текширишларига имкон беришди.

Ниҳоят карвон дара орасидан чиқиб кела бошлади. Эркин Сиддик, Ашур, қорақалпоқ йигити Тугелбой, гранатомётчилар билан кўрғон деворлари остида ерга ёпишиб ётишар, унинг биринчи ўт очиши жуда муҳим аҳамиятга эга эди. Агар, снаряд нишонга аниқ тегса, патрон, миналар портлаб, карвонга қаттиқ шикаст етади, кейин эса ишни пулемёт ва автоматлар билан охирига етказиш мумкин. Сиддик гранатомётдан отиш бўйича синовларда совринли ўринларни эгаллаган, яхши мерган, Эркин унга ишонади. Лекин, бунинг учун карвон эллик қадам масофага яқин келиши шарт, акс ҳолда нишонга уриш амри маҳол.

Карвоннинг олди олтмиш метрларга яқин келди. Учта гранатомётчи ҳам нишонга қараб туришибди, аммо Сиддик шошилаётгани йўқ, у хачирларга ортилган юкнинг қайси бирларида патрон, миналар борлигини дурбин билан аниқлаш билан андармон ҳозир.

– Ашур, – деди ниҳоят у, – сен бешинчи, Тугелбой сен эса тўққизинчи, мен учинчи хачирни урамиз. Мен биринчи снарядни отишим билан, сизлар ҳам ўт очинглар, дурустми?

– Тушундик, ўрток сержант, – дейишди гранатомётчилар. Карвон яна ўн беш қадамларча яқин келгач, биринчи снаряд отилди. Шундан сўнг, орадан икки сония ҳам вақт ўтмай, Ашур ва Тугелбой ҳам ўт очишди. Снарядлардан бири нишонга теккан шекилли, даҳшатли портлаш рўй бериб, қоронғу тун

ёп-ёруғ бўлиб кетди. Автомат ва пулемётлардан чиқаётган ўт, борут тутуни, миналарнинг бирин-кетин портлашлари атрофни қиёмат-қоимга айлантирган эди.

Аммо, отишма бошланиши билан карвоннинг охирида келаётганлар зудлик билан ортга қайтиб, бошқа йўлга қараб кета бошлашди. Берилган маълумот ҳам нотўғри чиққан, ҳачирлар миқдори икки юздан ошиқ бўлиб, карвонни юзтадан кўп мужоҳид кўриқлаб келаётган эди. Икки ўртадаги қонли жангнинг охири кўринмас, тонг ёришаётган пайтда радист штаб билан алоқа ўрнатиб, ёрдам юборишларини сўради. Бу жойлар мужоҳидларга яхши таниш бўлганлиги учун улар десантчиларни қуршаб олишга ҳаракат қилишар. ҳар бир тош уларга пана бўлиб хизмат қиларди. Десантчилар эса қалъа деворлари ортида ўқ ёғдириб туришди.

Ўн бир жангчи ҳалок бўлди, кўплар жароҳат олишди.

Айни жанг қизиқ турган вақтда вертушкалар етиб келиб, мужоҳидлар устига ракеталар отишди, сўнгра пулемётдан ўкка тутишди. Тўртта вертушка келган эди, уларнинг иккитаси жанг майдонидан ўлганларни ва ярадорларни олиб чиқиб кетишди, иккитаси эса мужоҳидларни пулемёт ўқиға тутиб, ғалабани таъминлашди.

Икки йил ўтгач, Эркинни яна дивизия штабига, Туркистон ҳарбий округига қайтаришди. Муродилла ҳам у билан бирга хизмат қиладиган бўлди. Аввал уларга уч ойдан хизмат таътили берилди, Муродилла бундай фойдаланиб, Душанбега борди-ю, уйланиб қайтди. Унга Тузел аэропорти ёнидан турар-жой берилди.

Бу вақтға келиб, Эркин «Жанговар Қизил байроқ», иккита «Қизил Юлдуз» орденлари, «Жасурлиги учун», «Жанговар хизматлари учун» медаллари соҳиби бўлган, Муродилла ҳам «Қизил байроқ»дан бошқа барча мукофотлар билан тақдирланганди. Уруш кўрган, жангларда тобланган бу десантчилар дивизия штабининг доимий заҳира қисми сафида эдилар. Мабодо яна бирор жиддий топшириқ чиқиб қолса, бирор жанговар вази-фани бажариш зарурати туғилса, уларга шартнома муддатини узайтириш, чўзиш мумкин эди.

Бу орада Муродилла ҳам бир кизлик бўлди, унинг онаси ва кайнонаси келишиб, деярли икки ой Тошкентда қолиб кетишди.

Хизмат ўз мароми билан давом этаётган эди, аммо орадан уч йил ўтгач, уни бошқа қисмга кўчиришга буйруқ келди. Худди шунингдек, Муродиллага ҳам Туркменистоннинг Чоржўй шаҳридаги қисмга йўлланма берилди. Лекин, улар ўзаро маслаҳатлашиб, яна Афғонистонга боришга қарор қилишди.

Бу даврда совет қисмларини афғон тупроғидан олиб чикиб кетиш шартлари хусусида БМТ вакили Кордовес билан Москвада музокаралар олиб борилаётган, жанг кўрган десантчиларга талаб катта эди. Энди фақат контракт орқали боришлари зарур, чунки ҳарбий ҳаракатлар бўлган жойда ўз хизматларини аъло даражада ўтаб келишган.

Контракт шартлари остига имзо чекишиб, яна Афғонистонга келишди. Турли қисмларда юрган Абдувалиев, Мамедов, Семёновлар ҳам яна Эркин Пўлатов ротасида хизмат қилиш иштиёқини билдиришди. Дивизия штабида уларга қуйидаги саволни беришди:

– Нима сабабдан иккинчи муддатга афғонга бориш учун рапорт бердингиз, ахир сизлар ўз хизмат вазифаларингизни бажариб бўлгансизлар. Ёки олинган орденлар, маошларингиз камлик қиляптими?

– Йўқ, йўқ, ҳаммаси яхши. Фақат бизнинг ротний яна афғонда хизматни бажариш учун чоғланган экан, биз уни яккалатиб кўймаслигимиз керак.

– У билан канча-канча азобларни тортмадик! Ҳақиқий офицер у, бунинг устига олижаноб инсон. Бунақаси хали онадан туғилмаган!

– Ўзи учун ҳеч қачон енгиллик истаган эмас: жангга биринчи бўлиб киради, қурбон бўлганларни, ярадорларни вертушкага ортмасдан ҳеч қачон майдонни тарк этган эмас. Бизники жанговар дўстлик! Сизлар эса, кечирасизлар-у, уруш кўрмагансизлар, бунинг тушунмайсизлар. Шунинг учун, берган рапортларимизнинг ижобий қондирилишини сўраймиз.

– Рапортларингиз ижобий қондирилди. Узоғи билан бир йилда совет кўшинлари афғондан чикиб кетишлари керак, шунинг

учун кўшинлар муҳофазасини ташкил этишга десантчилар юборишимиз зарур эди, қайтанга яхши бўлди, – деди штаб майори мийиғида кулиб.

Эркин Пулатовнинг ротаси бу гал Бадахшон пойтахтидан ўттиз чақирим узоқликда, чиқиб кетган 191-моторлаштирилган ўқчи полк казармаларига жойлашди. Энди бу ротани «Мусулмон батальони» деб бўлмас, чунки унинг сафида рус, украин, мордвин, грузин, тожик, ўзбек, туркман, кирғиз ва қозоқ миллатига мансуб аскарлар бор. Форс тилини биладиган тожиклар кўпчиликни ташкил этади. Чунки, Бадахшонда асосан туркийлар ва форсийзабон миллатлар яшайди. Ротанинг асосий вазифаси Афғонистондан олиб чиқиб кетилаётган кўшинларни муҳофаза қилиш, зарур бўлган тақдирда жангга кириш эди. Десантчи-штурмчи бўлинмаларнинг кадрили совет генерал ва офицерлари билиб қолишган, ҳар қандай мушкул вазифаларни уларнинг зиммасига юклашади. Баъзи вақтларда бошқалар эплай олмайдиган жанговар вазифаларнинг бу йигитлар томонидан шараф билан адо этилиши уларга бўлган ишончни кескин ошириб юборган.

Энди совет кўшинлари фақат мужоҳидлар томонидан жиддий ҳавф туғилгандагина жангга киришар, бошқа вақтларда эса ҳаётий зарур бўлган йирик саноат корхоналари, электр станциялари каби иншоотларни муҳофаза этиш билан шуғулланишарди.

Бу даврга келиб, расмий ҳукумат фақат шаҳарларда қолган, провинцияларда жойлашган қишлоқлар эса муҳолифат қўлида эди. Доктор Нажибулло совет кўшинларининг чиқиб кетишларига қарши бўлса-да, аммо муҳолифлар билан ҳисоблашишга, уларнинг талабларини қондиришга мажбур, чунки маҳаллий аҳолининг норозилиги кундан-кунга ошиб бормоқда.

Бунинг сабаблари жуда кўп. Ва ушбу сабаблардан бири диний омилдир. Ислом Афғонистонда яшайдиган халқларнинг қон-қонига сингиб кетган, советларнинг ўзи ва улар ёрдамида ҳукумат ўрнатган кучлар ана шу омилни эътиборга олмай хато қилдилар. Афғонистонликлар бу юртда совет турмуш тарзининг жорий этилиши, кўчаларга коммунистик шиорлар, дохийларнинг суратлари осиб ташланиши, ҳар хил клублар очилиб, у

ерда кечалар ўтказилиши каби ишларни қабул қилмадилар. Бунинг устига уламолар таъқиб қилинди. Ҳолбуки, қишлоқларда илмли одамлар фақат муллалар бўлиб, аҳоли ўзининг қувончлари ва ташвишлари билан ана шу кишиларга мурожаат қилади. Доктор Нажибулло вақти келиб дин пешволарини, улар орқали бутун халқнинг қўнглини олиш сиёсатини тутди, бироқ, унга ишонмадилар, биродаркушлик уруши олови пасайгани йўқ.

Афғонистонда танчиликни тиклаш, чекланган миқдордаги совет қўшинларини икки босқичда олиб чиқиб кетиш масалаларини муҳокама қилиш учун Қобулга собиқ иттифоқ Ташқи Ишлар вазири Шеварнадзе ташриф буюриб, доктор Нажибулло ва мухолифат кучлари билан музокараларни бошлаб юборди. Қўшинларни биринчи босқичда олиб чиқиб кетишни шарқий-жанубий провинциялардан бошлаш ҳақида келишиб олинди. Чунки бу қўшинлар Покистоннинг Пешовар шаҳрига яқин минтақаларда эдилар, Покистон ҳукумати мужоҳидларни қўллар, унинг ҳудудида 1,2 миллион афғон муҳожирлари яшарди. Чегарага яқин жойларда мужоҳидларнинг ўттизга яқин машғулот лагерлари мавжуд. Уларда инструкторлик вазифасини Саудия Арабистони, Покистон ва бошқа мамлакатлардан келган зобитлар бажаришади. Хуллас, вазият ниҳоятда мушкул, чигал, агар совет қўшинлари олиб чиқиб кетилмаса, қурбонлар миқдори кўпайиб боравериши муқаррар. Чунки қаршилик тобора кучайиб бораётган, энди урушнинг дастлабки даврларида урушга аралашмаган деҳқонлар, оддий ишчилар, хуллас, ўрта бўғин фуқаролари ҳам босқинчиларга айланиб борар, доктор Нажибуллонинг ҳукумати совет қўшинлари чиқиб кетиши билан кучсизланиб қолган эди.

Доктор Нажибуллонинг ҳукумати совет қўшинлари чиқиб кетгандан кейин ҳам икки йил сақланиб қолди. Унинг саъй-ҳаракатлари билан қуролли кучларда ислохотлар ўтказилиб, миллий армия анча-мунча қишлоқлар, йирик аҳоли пунктларини мужоҳидлардан тортиб олишга муваффақ бўлди. Бунинг асосий сабаби мужоҳид кучлар орасидаги турли оқимлар, ҳаракатлар, жамиятлар, фирқаларнинг ўзаро қарама-қаршилиги, лидерлик, тахт учун омонсиз курашлар эди.

Февралда мужоҳидлар чиқиб кетаётган қўшинларга қарши ҳужумларни кучайтиришди, мақсад – уларнинг қурол-яроғи, ҳарбий техникаси, самолёт ва вертолётларини олиб қолиш эди. Аҳмадшоҳ Маъсуднинг бу ҳаракатларга қарши туриши, совет аскарлари чиқиб кетаётган ҳудудларни, айниқса, кучли хавф остида бўлган Салаш довоини ўз навқарлари билан кўриқлаб, советларнинг омон-эсон чегарага етиб олишлари учун имкон яратиши муҳолиф кучлар қаршилигини кучайтириб юборди. Бу иш учун совет кўмондонлиги ўз вақтида Аҳмадшоҳга миннатдорчилик билдирган эди. Маъсуднинг советлар олдига қўйган талаби битта эди: улар бу юртни тарк этсалар бўлди. Бу орада Шеварнадзе тинчлик ҳақидаги шартномага имзо чекканига қарамасдан ҳарбий авиация Нажибуллонинг илтимосига биноан Панжшер воҳасини бомбардимон қилиб, кулини кўкка совурди, бироқ, «Шери Панжшер» мардлик қилиб, совет қўшинларининг эсон-омон бу юртдан чиқиб кетишларига шароит яратиб берди.

1992 йилнинг савр ойида муҳолифат кучлари ҳукумат қўшинларини тугал тор-мор этиб, мамлакат тақдирини ўз тасарруфларига олишди. То Лойя Жирға¹ ўтказилгунча ҳукумат раҳбари қилиб, Афғонистонда ҳурмат-эътиборга лойиқ жамоат арбоби Сиғбатулло Мोजаддий тайинланди. Унинг ваколати уч ой бўлиб, шу давр ичида Лойя Жирға ўтказилиши, Президент, Бош вазир ва ҳукуматнинг бошка аъзолари тасдиқланиши назарда тутилганди. Уч ой етарли бўлмай, вақтинча ҳукумат беш ой юрт сўради. Ниҳоят Лойя Жирға ўтказилиб, унда Бурхониддин Раббоний Президент, Гулбиддин Ҳикматиёр Бош вазир, Мудофаа вазири қилиб эса Аҳмадшоҳ Маъсуд сайланди. Мамлакат «Афғонистон Ислом давлати» сифатида жаҳон хариталарига киритилди.

Аммо, Афғонистонда шундан кейин ҳам тинчлик қарор топмай, турли гуруҳлар билан ҳукумат қўшинлари ўртасида мунтазам тўқнашувлар юз бериши давом этаверди. Унинг

¹ Умум қабила оксоқолларининг анжумани. Бу йиғин энг юқори олий орган бўлиб, Президент, бош вазир ва ҳоказо лавозимларга номзод тайинлаш ҳукуқи берилган.

устига жаҳонда етиштириладиган гиёҳванд моддаларнинг деярли ярмидан ортиғи ана шу ҳудудда ўстирилиб, ташқи дунёга экспорт қилинади. Бу эса, албатта, жаҳон аҳлини ташвишга солмасдан қўймасди, гиёҳванд моддаларга ўрганган, айниқса, героин¹ истеъмол қилаётган кишиларнинг ҳаёти не азобларда ўтиши, кўпинча эса бевақт хазон бўлиши барчага маълум ҳақиқатдир.

Бу захри қотилнинг йўлини тўсиш албатта зарур эди.

БМТнинг махсус ассамблеясида ушбу масалалар кўрилиб, афғон героини, нашасига қарши кескин курашиш бўйича махсус резолюциялар қабул қилинди. Бироқ, кўрилган чоралар билан Афғонистонда кўкнор, наша етиштиришни тўхтатиб бўлмади. Ишсизлик шу даражагача боргандики, мамлакат аҳолиси тирикчилик ўтказиш учун ҳам бу иш билан шуғулланишга мажбур эди. Панж чегара заставасида Тожикистон, Ўзбекистон ҳудудига героин моддаларини олиб ўтиш ҳоллари тез-тез қайд этилади, Афғонистон фуқаролари қўлга олиниб, турли муддатларга қамоқ жазоларига ҳукм қилинади, лекин бу уринишларнинг миқдори ортса ортиб борадики, камаймайди.

Иттифок сочилиб кетгач, пайдо бўлган мустақил давлатлар мазкур офатга қарши курашни мустақил равишда олиб борадиган бўлдилар. Тожикистондаги фуқаролар урушининг охири кўринмасди. Шу туфайли, Афғонистондан оқиб келаётган гиёҳванд моддаларнинг йўлини тўсиш учун Россия армиясининг 201-дивизияси жалб этилди.

Шунга қарамай, афғон героини бутун ер шаридаги давлатларнинг раҳбарлари учун бош оғриғи бўлиб қолаверди. Бу захри қотил нафақат Европа, Осиё, ҳатто Америка китъаларига ҳам етиб бориб, Лотин Америкасида етиштириладиган гиёҳванд моддаларни бозордан сиқиб чиқара бошлади. Чунки, афғон героини кучлироқ кайф беради, у тоза кўкнори сутидан тайёрланади. Афғон героинига қарши нафақат Интерпол, балки, МДҲ давлатларида тузилган турли ташкилотлар ёрдамида курашиш

¹ Кукун ҳолига келтирилган кўкнори сути, афғонлар уни “герьяк” деб аташади.

йўлга қўйилди. Уларга ана шу минтақаларда мустақил ҳаракат қилиш, ҳамда ана шу давлатларнинг жиноятга қарши курашувчи ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлаш вазифаси топширилди.

Мустақил республикалар Президентларининг розилиги билан Москва шаҳрида «Бюро координации» – «Мувофиқлаштирувчи кенгаш» деган халқаро ташкилот тузилиб, у «Интерпол» билан ҳамкорликда ишлай бошлайди. Унга Интерполдан Жан Польша кооптация¹ қилинди. Бу ташкилотга МДХ давлатларидан энг яхши изқуварлар, Ички ишлар ва хавфсизлик хизматининг тажрибали вакиллари жалб этилди. Республикаларнинг пойтахтларида уларнинг шўъба идоралари тузилиб, раҳбарият томонидан фаолиятлари мувофиқлаштириб борилиши назарда тутилди.

¹ «Кооптация», яъни шу ташкилотга вакил қилиб юборилган шахс. Унинг ваколати доирасига хориж давлатларида яшириниб юрган турли жиноий шахсларга нисбатан халқаро кидирув эълон қилиш, уларни жиноят қилган ерларига депортация қилиши, яъни қайтариш каби масалалар кирарди.

V ФАСЛ ВАТАНГА ҚАЙТИШ

Россия мустақил давлат бўлгач, собик Давлат хавфсизлиги хизмати ҳузурида ташкил топган «А» гуруҳи тугатилиб, гуруҳ аъзоларига, уларнинг хизмат ва офицерлик муддатларидан келиб чиқиб, пенсия тайинланди. Подполковник Эркин Пўлатовга собик совет армиясида хизмат қилган даври, икки марта Афғонистонда бўлганлигини назарда тутиб, 75 минг Россия рубли¹ миқдорида нафақа тайинланди. Эркин нафаканинг 50 мингини кизи Лайлони тарбиялаш учун ўтказилиши лозимлиги хақидаги хужжатни нотариусда тасдиқлашиб, нафақа фондига, яъни янги тузилган Россия Федерал хавфсизлик хизмати (ФСБ)нинг кадрлар бўлимига топширди ва она юртига қайтиш тараддудини кўра бошлади. Лекин, аввал Псковга бориб, кизини кўриб келди.

Қизи дарҳол уни кучоклаб олди. Эркин унинг юз-кўзларидан ўпар экан, худди Ленани кўргандек бўлди. Лайло ҳам уни жуда соғиниб қолган экан, муштдеккина кизча бўлса-да, катталардек мушоҳада қилар, юракни эзиб юборадиган гапларни гапирарди:

– Дада, энди ҳеч қаерга кетмайсиз! Биласизми, доим сура-тингиз билан гаплашаман... На онам, на сиз борсиз ёнимда!

Шу куни у Эркиннинг тиззасидан тушмади. Кечкурун Лайлони ухлатганларидан сўнг, Эркин сўз бошлади:

– Дада, мен Ўзбекистонга қайтмоқчиман. бу ердаги харбий хизматим якунига етди. Тошкентга бориб, ишга жойлашгандан сўнг келаман. Унгача мана бу хужжатларни сизга бериб кетаман, унда нафақамдан ҳар ойда 50 минг рублини Лайлонинг хисобига ўтказиш кайд этилган.

Гаврил амаки хотинига қараб олди-да, деди:

– Лайлони бизга қолдириб кетганингиз маъқул, чунки борганингиздан сўнг уйланасиз. Қизчанинг такдири нима бўлади? Бизга кизимиз ўрнига киздай бўлиб қолди. Хали куч-қувватимиз бор, қолаверса сиз ёрдам берарсиз. Амаллаб катта қилиб олармиз, – деди. Қайнонаси ҳам кўзларини жавдиратиб ялингандек илтимос қила бошлади:

¹ Ўша даврларда 1 АҚШ доллари 6 Россия рублига тенг бўлган.

– Эркинжон, мана шу маъкул. Лайлони бизга ташлаб кетинг. Биз ҳам ёлғизмиз, унга жуда ўрганиб қолдик. Сиз келасиз, келишнинг иложини қилолмасангиз, ўзимиз Тошкентга олиб бориб, меҳмонингиз бўлиб қайтамиз. Соғинтириб кўймаймиз бир-бирингизни. Сиздан илтимос, бизларни айирманг.

– Йўқ, йўқ, ўзим келиб, хабар олиб тураман, хотиржам бўлинглар, – деди ноилож Эркин.

Мирободдаги уйлари бузилгани учун синглиси ва куёви вақтинчалик унинг уйида яшаб туришганди. Кейинроқ уларга шу бозор атрофида қурилган кўп қаватли янги бинодан уй берилди. Бўшаб қолган Эркиннинг хонадонига эса бир оилани ижарага кўйишди.

Эркин синглисига юборган хатида нафақага чиқаётганини, яқин кунларда бориб қолишини ёзган эди, унинг келишига ижарачилар ҳам хонадонни бўшатиб, кўчиб кетишга ҳозирлик кўраётган эканлар. Ниҳоят у кадрдон шаҳарга етиб келди. Дастлаб синглисининг хонадонига борди, улар билан омон-омон дийдорлашиб, алламаҳалгача гаплашиб ўтиришди. Кейин шу ерда бир кеча тунаб, эртаси куни ўз уйига кетишга чоғланди.

Слава амаки ва Полина опалар анча қариб қолишган, уларга синглиси турган бинонинг биринчи қаватидан икки хонали уй берилганди. Эркин синглисидан бу гапни эшитиб, уларни ҳам бир йўқлаб кетишни кўнглига тугди. Анчагина мункиллаб қолган қариялар Эркинни кўриб бироз эсанкираб қолишди, кампир кучоқ очиб сўрашар экан, кўз ёши ҳам қилиб олди. Бир-бирига суянчик, юпанчик бўлиб қолган бу икки қария хурсандлигидан типирчилаб Эркинни астойдил меҳмон қилишга уринишарди. Айниқса, кампир тиниб-тинчимас, ҳали у, ҳали бу егуликлар пишириб келарди. Эркин олиб келган майда-чуйда совғалардан бериб, уларнинг ҳам кўнглини овлади. Оқу қорани кўп кўрган, меҳнату машаққатда тобланган, ҳар қандай вазиятда ҳам бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббатини йўқотмаган бу чол-кампирнинг озгина эътибордан бошлари кўкка етди, уни ўз тилларида самимий дуо қилишди.

Уйига келиб Эркин бирма-бир ҳамма хоналарга кириб чиқди, хизмат юзасидан ҳали у, ҳали бу манзилга кўчиб кун кўр-

ган, бу йўлу манзилларда не-не аччик-чучукни татиб кўрган Эркин ниҳоят шу уйда бир маромда ҳаёт кечирини ўйлаб енгил тортди, юз-қўлини ювиб чиқди, ижарачилардан сўнг яғирини чиқиб, анча «уриниб» қолган икки кишилик ўринга чўзилди. Бу уй, бу жиҳозлар унинг бахтли кунларига гувоҳ бўла олмади. Яхши ниятларда олинган бу ўриннинг ярми бўш, Эркиннинг айрилиқдан зада бўлиб-бўлиб барига кўниккан қалби каби абгор...

Шу каби узук-юлуқ хаёллар билан ётган Эркин сал ўтмай каттик уйкуга кетди.

Эртаси куни тушга яқин Слава амаки ва Полина опалар келиб келишди.

– Эркинжон, сынок, яхши дам олдингми? – дея гоҳ русча, гоҳ чала ўзбекча гапирарди Полина кампир. – Бўла қол, мана бу пирожкиларни иссиғида еб олгин, абед ҳам бўлиб қолди-ку!

– Энди уйланишинг керак, – гапни илиб кетди Слава амаки, – синглинг ва куёвинг бизни ана шу масалани ҳал қилиш учун юборишди.

«Бечора кампир, жуда куйди-пишди-да, эрталабдан менинг ғамимни еб пишир-куйдирга уннаган бўлса керак», деб уйлади Эркин. Кейин чолнинг дадил-дадил гапларидан, уйланиш ҳақидаги таклифидан бироз хушёр тортди.

«Умринг узун бўлгурлар, анча қариб, киртайиб қолишган бўлса ҳам, жағ бутун, юракларидаги жаҳду шиддат ўша-ўша! Уйланинг дейди-ми!?»

– Амаки, мен уйланганман, – деди Эркин баланд овозда. Чолнинг кўзлари катта-катта очилиб, ҳайрат билан тикилди.

– Уйланганман дейсанми?

– Ҳа, шундай, аммо хотиним оламдан ўтиб қолди, бир кизим бор, ҳозир Псковда. Қайнотам билан қайнонам уни менга беришмади.

Эркин ҳамма гапни уларга сўзлаб берди.

– Ҳарҳолда, бундан буёғига бўйдок бўлиб юрмассан, кетган кетди, қолганлар яшаши керак, – деди Полина кампир.

– Хўп-хўп, уйланиш бўлса қочмас, аввал бир юмушнинг бошини тутай, сўнгра ўйлаб кўрамиз.

Хуллас, Эркин иш излаб, кўп жойларга борди, аммо ҳарбийликдан бошқа кори-хунари йўқлиги учун тузукроқ иш топа олмади. Ниҳоят, ҳарбий соҳага яқин бўлган «Ватанпарвар» ташкилотига ишга жойлашди.

Олдинлари «ДОСААФ» деб юритилган бу ташкилот янги ном билан қайта ташкил этилаётган, ташкилий ишлар, югур-югурлар етарлича эди. Эркин кун бўйи ишда қолиб кетарди. Яна у парашют спорти бўйича инструкторлик вазифасини ҳам бажарар, гарчи бу соҳанинг ўз усталари бўлса ҳам, унинг маслаҳатларини жон деб қабул қилишарди. Тажрибаси бор одам эмасми, унинг ёрдами, йўл-йўриқ ва маслаҳатлари албатта қўл келарди спортчиларга.

Ҳар йили таътил вақтида ёки байрамларда уни ҳам Москвага – байрам тадбирларига таклиф этишарди. Бир сафар совет кўшинларининг Афғонистондан олиб чиқилиши муносабати билан Москвада тадбир бўладиган бўлди. Уни ҳам мазкур тадбирга таклиф этишди, шу баҳона Москвага, у ердан нари Псковга борадиган бўлди. Бир йўла кизини кўриб, у билан дийдорлашиб қайтди. Ота-бола бирга шаҳар айландилар, эсдалик учун расмларга тушдилар.

Эркин қуролдош дўсти Муродиллани ҳам кўп соғинарди. У ҳам жуда оқибатли йигит эди. Душанбедек жойдан йилда икки-уч марта келар, икки дўст мириқиб суҳбатлашишарди. У илк бор Тошкентга келганида, Эркиннинг синглиси ва куёви ҳам ташриф буюришди. Шойиста ош қилди. Анча вақтгача суҳбатлашиб ўтиришиб, сўнгра эр-хотин уйларига кетишди. Муродилла билан Эркин иккови алламахалгача гурунглашиб ўтиришди.

– Хўш, капитан, нима иш билан шуғулланаяпсан? – деб сўради Эркин дўстидан.

– Ҳозир кўплаб фирмалар, кичик корхоналар очилмоқда, шунақа фирмалардан бирида иш бошқарувчи бўлиб ишламоқдаман. Россия – Тожикистон қўшма корхонаси. Ойлигим ёмон эмас, пенсияга қараб қолганим йўқ. Тез орада бирор «иномарка» сотиб олмақчиман, шунга яраша маблағ йиғиб қўйганман. Ҳозир иккита кизлик бўлдик, Робия уйда, ишламаяпти, – деди Муродилла.

– Яхши, яхши соғ бўлишсин.

– СССР тарқалиб, бизлар мустақил бўлгач, рус биродарларимиз кўчиб кетишди, менга уч хонали уй ажратилгани билан, бир кунимга ярар деб кўчиб кетаётганлардан арзон-гаровга ўн тўрт сотихли ҳовлини сотиб олдим, олтита хонаси, айвони бор Ҳаммом ва ошхонани бузиб ташлаб, қайта курдим.

– Хўш, бирга хизмат қилганлар билан хабарлашиб турибсанми?

– Албатта, албатта, Абдувалиев, Мамедов, Семенов деган оғайниларимиз бўларди, эсингдами? Зўр йигитлар эди-да, омон бўлгурлар. Шулар билан хат ёзишиб тураман, ким хат ёзса, албатта жавоб бераман, жаноби подполковник, – деди ҳазиллашиб Муродилла.

Муродилланинг корхонаси руслар билан ҳамкорликда тузилгани учун у хизмат сафари билан Москвага тез-тез учар, аксарият рейслари Тошкент орқали бўларди. Баъзан қайтишда ҳам Тошкентга тушиб ўтарди. Эркин охириги сафар хизматдан қайтаётганида Москвадаги «Берёзка» дўконидан видеомагнитофон сотиб олганди. Икковлон бирга бўлишди дегунча кечкурунлари янги хориж ва рус фильмларини томоша қилишарди. Бири у дер, бири бу дер, ишқилиб кўрган фильмлари хусусида ҳар бирининг ўз фикри бор эди, шу йўсинда муҳокама, мунозара қилиб ўтиришар, сира зерикишмасди. Бир гал шундай фильмлардан бирини кўриб ўтириб иккаласининг ҳам хуноби ошди. Режиссёру операторларнинг ношудлигидан гап очилиб қолди. Нима эмиш, полиция ходимининг бир ўзи биттагина тўппонча билан бир гуруҳ қуролланган босқинчиларга қарши курашиб, уларни енгиб чиқармиш...

– Бўлмаган гап...

– Ола! Роса обқочишибди-ку!

– Ротний, биласанми, «Координация бюроси»да ишлашга таклиф қилишмоқда мени, нима дейсан? – деб сўради жиддий киёфада Муродилла.

– Хўш, нима билан шуғулланасан у ерда, қандай ваколатларинг бор? – саволга савол билан жавоб берди Эркин.

– Асосан гиёҳвандликка қарши курашувчи ташкилот. Хабаринг бордир, қатор Европа мамлакатларидан, ҳатто Америка

китъасида жойлашган давлатлардан ҳам у ерларга афғон героини узлуксиз етказиб берилаётгани ҳақида ташвишли хабарлар келмоқда. У ерларда бўлганим ва зобитлигим учун ана шу ташкилотда хизмат қилишга таклиф этишяпти. Қулайлиги яна шундаки, мен Россия-Тожикистон қўшма корхонасида ишляпман, иш баҳонасида Москвага бориш ва бир ўк билан икки қуённи уриш мумкин, – деди Муродилла.

– Менимча, бунинг ортида катта амалдорлар турган бўлса керак... «Гиёҳ»лар қандайдир йўллар билан Россияга, у ердан Европага ўтказилиб, сўнгра Америкага экспорт қилинаётгани бор гап... бу ўз-ўзидан бўладиган иш эмас, бу ишнинг бошида каттаконлар қайнаётгани рост, оғайни, акс ҳолда...

– Менимча ҳам шундай, чунки соҳа мутахассисларининг гапларига қараганда, улар бир неча бор ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ҳатто Тожикистон Миллий хавфсизлик хизматига ҳам мурожаат қилишган, аммо бу ҳеч қандай натижа бермаган, – деди Муродилла.

– Балким бу афғон героини эмасдир.

– Йўк, йўк, бу гиёҳванд моддалар афғон тамғаси билан жаҳон бозорига чиқарилмоқда, улар ҳам бошида шундай хулосаларга келганлар, аммо лаборатория таҳлиллари буни исботлаган. Ундан ташқари, афғонда етиштириладиган кўкнори бошқаларига нисбатан кучли терьяк¹ бериш хусусиятига эга, ана шунга кўра, у ерларда саноатлаштирилган лаборатория ва фабрикалар ишляпти, деган хулосага келинган.

– Демак, сени шу туфайли бу ишга таклиф қилаётган эканлар-да, чунки афғонда хизмат қилгансан, у ерларни миридан сиригача биласан, шуни ҳисобга олган улар, – деди Эркин.

– Худди шундай, ротний, энди эртага сенга бир «сюрприз» тайёрлаб қўйганмиз, – деди Муродилла бошқа мавзуга ўтиб.

¹ Терьяк, яъни қора дори. Буни олиш учун кўкнори қобиғи пишиб етилиш даврида учи ўткир асбоб, одатда устара билан ҳар жойидан қиркилади, сути оқиб кетмаслиги учун дока билан бир неча қават қилиб ўраб қўйилади, натижада сут оқиб, унга йиғилади. Сўнгра йиғиб олиниб, лаборатория шароитида юқори босим остида суюқ қисми парлашиб юборилади, фақат кукуни қолади.

Эркин сюрпризнинг нима эканлигини ўйлаб-ўйлаб, ахийри эртага туғилган куни эканлигини эслади. «Балки шу муносабат биландир, сюрприз деганлари. Сюрпризнинг тагига етиб турган бўлса-да, Эркин сир бой бермади.

– Хўш, қандай сюрприз экан? – деб савол берди.

– Бу ҳозирча сир, – деди ҳазиломуз Муродилла.

Эртаси куни пайшанба эди. Эркин хизматга бориши зарур, у ҳеч қачон сабабсиз ишга бормаи қолмаган, ҳар доим ҳарбий интизомга риоя этарди.

Мана кирқни ҳам уриб қўйибди. Эртага албатта синглиси билан куёви, яна Полина кампир чоли билан қутлагани келишади. Чиройли дастурхон қилиш керак албатта!

Оғайнилар ётишга тайёрланишди.

Эрталаб қуролдошлар ёмғир остида ярим яланғоч бўлиб, югуришди, гимнастика машқларини бажаришди. Сўнгра ювиниб-тараниб, энди нонуштага ўтиришганда, эшик кўнғироғи чалинди. Бўсағада синглиси билан Полина кампир турарди, уларни ичкарига таклиф этди.

– Сен бафуржа ишингга бориб келавер, – деди Полина кампир, – биз уйни тозалаб, дастурхонни тахт қилиб қўямиз.

– Акажон, туғилган кунингиз билан табриклайман, – деди синглиси ва юзидан ўпиб қўйди.

Улар иккита сумка кўтариб келишганди, Эркиннинг хайрон бўлиб қараганини пайқаган Полина кампир изоҳлай кетди:

– Сен бўйдоқ бўлиб яшашга ўрганиб қолгансан, шунинг учун керакли матоҳларни олиб келдик, ҳозир амакинг стол ва бир қанча стулларни келтиради, чунки ошхонадан бўлак ўтиришга жой ҳам йўқ уйингда.

Эркин бир нарса деб эътироз билдиришга ожиз эди, чунки чинданам меҳмонхонасида ойна пардаси ва битта гиламдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. У спартанча ҳаётга қўниқиб кетган, агар зарурат туғилмаса, меҳмонхонага қадам ҳам қўймасди. Келган меҳмон билан доимо ошхонада гаплашарди.

Эркин Муродилла билан кечга қадар хайрлашиб, ишхонага кетди.

«Ватанпарвар»да асосан ҳарбийда ишлаган ва нафақага чиққан одамлар хизмат киларди, аёллар кам, борлари ҳам хисобхонада фаолият олиб боришарди.

Соат ўнларда барча ходимлар мажлислар залига тўпланди. Эркинни ва яна бир ҳарбийдан келган зобитни табрикларди. Унинг ҳам туғилган куни экан. Эсдалик совғасини топширар экан, ташкилот раҳбари, полковник Ашуров унинг қулоғига:

– Эркин, сиз бугун озодсиз, уйингизга боринг, – деб аста шивирлаб қўйди.

Ҳамма тарқалгач, Эркин ҳам ўз ишига шўнғиб кетди. Буни кўрганлар:

– Эркин ака, бу ерда ўралашмай, уйингизга борсангиз-чи, акс холда меҳмонлар зерикиб қолишади, – дейишди.

– Қанақа меҳмонлар, бир-иккита яқинларим ва бир ўртоғимдан бошқа... улар ҳам...

Ходимлар индамай қўя қолишди. Орадан бирор соат ўтгач, муовинлардан бири кириб келди:

– Эркин Пўлатович, бугун сиз ишдан озодсиз, уйингизга боринг, меҳмонларингиз кутиб қолишди, – деди ҳарбийларга хос оҳангда қиска ва лўнда қилиб. Муовиннинг ҳарбий унвони Эркинникидан юкори бўлгани учун:

– Хўп бўлади, ўртоқ полковник! – деди.

Эркин буни буйруқ деб қабул қилди-да, бўйсунди. Кўчага чиққач, ўзича «қандай меҳмон бўлиши мумкин» дея ўйлай бошлади. Автобусга ўтириб, манзилга етиб боргач, уйи олдида Фаргона рақамли «Жигули» ва Жанубий Қозоғистонга тегишли бўлган «Жип-Чероки» автомашиналари турганлигини кўрди. «Қўни-қўшниларникига бирортаси келгандир-да,» деган ўйда иккинчи қаватга кўтарилди. Унинг ташқи эшиги очик эди. Ичкаридан ғўнғир-ғўнғир овозлар эшитиларди. Пойгакда бир талай пойабзал тартиб билан тахлаб қўйилганди. «Ёппирай, қандай қилиб, шунча одам йиғилиши мумкин», деб ўйлади у. Йўлакда эндигина иккинчи синфга кўчган Моҳинур ҳўл латта билан полни артаётганди. Моҳинур – унинг жияни. Жуда қақажон, маҳмадона қизалоқ. Жиянлари уни «ака» деб чақиришга ўрганишган, шу сабабли Моҳинур ҳам:

– Ака, келдингизми? Сизни кутавериб меҳмонларнинг тоқатлари тоқ бўлди, энди ишхонангизга бормокчи бўлиб турувдилар, – деди.

– Қанақа меҳмонлар? – яна ҳайрати ортди Эркиннинг.

– Ахир бирга хизмат қилган қуролдошларни чақиртирган экансиз, улар эрталабдан келиб ўтиришибди, – деди дахлизга чиққан Шойиста.

– Мен ҳеч кимни таклиф этмаганман, бу афтидан Муродиланинг иши бўлса керак, кеча сенга сюрприз тайёрлаб қўйдим деганди, – деб жавоб берди Эркин.

Унинг овозини эшитган меҳмонлар ўринларидан туриб, унга пешвоз чиқишди. Хонада прапоршик Егор Семенов, капитанлар Адил Мамедов, Ортиқ Абдувалиев, Муродилла Аминовлар ва ниҳоят уларни гапга солиб, зериктирмай ўтирган Слава амакилар бор эди. Аёллар Полина кампир бошчилигида манти қасқонга манти териш билан машғул эдилар.

Эркин биринчи бўлиб прапоршик Егор Мануилович билан, сўнгра қолганлар билан кучоқ очиб сўрашди. Улар бир-бирларининг белларини маҳкам сиқиб туришар, ҳеч қўйиб юборгилари келмасди.

Қуролдошлар орасида энг ёши улуғи Семенов эди. Унинг ёши элликка яқинлашб қолган бўлса-да, кадди-коматини йўқотмаган, фақат бироз тўлишгандек эди. Қолганлар ҳам худди шундай – ҳали ҳам «форма»да эдилар.

– Ана сенга сюрпризу, мана сюрприз, яша Муродилла, буларни каердан топиб кела қолдинг, – деди хушнудлик билан Эркин.

– Ортиқни Фарғонадан, Егор ва Адилларни эса Чимкентдан топиб келтирдим, ўзимнинг маконим эса Душанбедан-да, жаноби подполковник, – деди ҳазиломуз Муродилла.

Дастурхон тўлик безатилган бўлиб, устига дока ёпиб қўйилган, меҳмонлар фақат бир пиёладан чой ичиб, гурунглашиб ўтирган, афтидан улар то Эркин келмагунча дастурхонни очмасликка қарор қилишганди. Ҳамма стол атрофига жойлашиб бўлгач, Слава амаки докани кўтариб:

– Мана энди юбилярни табриклаш вақти келди, – деди. Дастурхон турли ноз-неъматлар, ичимликлар ва газаклар билан

тўла, кичик-кичик таксимчаларда ҳатто қизил, қора икралар, баллик консервалари кўйилган, бу неъматларни меҳмонлар ўзлари билан олиб келганлари яққол сезилиб турарди.

– Қани, Муродилла, қадахларга ўзимизнинг сувдан қуй, – деб бир шиша арокни узатди. Улар биринчи қадахни юбиляр шарафига ичишди. Муродилла иккинчи қадахни афғон тоғ-қирларида ҳалок бўлган қуролдошлар хотираси учун кўтаришни таклиф қилди, улар қадахни уриштирмай ичиб юборишди. Сўнгра гаплашиб ўтиришди.

Прапоршик Семенов Чимкент шаҳрида йодланган ош тузи ишлаб чиқарувчи корхона очибди, ўзи шу ерда – раҳбар, Адил Мамедовни ўзига муовин қилиб олибди. Дастлабки даврда корхонанинг моддий аҳволи яхши эмас, улар жуда қийналишган экан. Кейинроқ корхона тўлиқ қувват билан ишлай бошлагач, яхши даромад келтираётган, йодланган ош тузи ҳатто хорижга ҳам экспорт қилинаётган экан. Ортиқ эса қандайдир бир хорижий фирмада кўрикчилик хизмати бошлиғи вазифасида ишлаётган эмиш, ҳарҳолда тирикчилиги ўтаётган экан.

Хуллас, қуролдошлар тунги соат учларгача гаплашиб ўтириб, сўнгра дам олишга қарор қилишди. Эрталаб нонуштадан сўнг хайрлашишди. Эркиннинг ён дафтарига уй, ишхона телефонлари, манзилларини ёзишиб, сўнгра жўнаб кетишди. Тушдан кейин Муродилла ҳам аэропортга йўл олиб, Душанбегача учиб кетди. Уларнинг Муродилла билан бу дийдорлашуви сўнгги учрашув эди...

VI ФАСЛ МАШЪУМ ХАБАР

Эркин афгон уруши катнашчиси бўлгани учун тез орада – уйига кўчиб келиши билан телефон ўрнатиб беришган, ҳар замонда куёви ва синглиси ҳам Сурхондарёга қўнғирок қилиб, фойдаланиб туришарди.

Эркин барвақт туришга одатланган, чунки ҳарбий хизмат уни шундай интизомга ўргатган эди. Гимнастика қилиб, югуриб, сўнгра совук сувда чўмилар, кейин юз метр наридаги дўконга ул-бул харид қилгани борарди. Кўпинча батон нон, битта катик, ҳар замонда сариёғ, шакар харид қиларди. Ҳар куни иккита тухумни чакиб, қовурар, нонушта қилиб, сўнгра ишга отланарди. Одати шу эди унинг, доимо ишга ҳаммадан олдин бориб, идора дарвозаси олдидаги уйчада қоровул билан бирга чойхўрлик қилар, унга тоза ҳинд чойидан обориб бериб турарди.

Бугун ҳам одатдагидек жисмоний машқларини бажариб келган Эркин чойнакни газга қўйиб, ювиниш хонасига йўналди. Шу пайт телефон узун-узун жиринглади. Қўнғирокнинг шаҳарлараро эканлигини шундан ҳам билса бўларди. Ярим яланғоч ҳолида шоша-пиша гўшакни кўтарди. Хаёли Сурхондарёга кетди. Чунки куёвининг отаси анча вақтдан бери ўсал бўлиб ётган, куёв у билан дийдорлашиш учун яқин орада икки марта юртига бориб келганди. Телефондан титрок аралаш бегона товуш эшитилди.

– Эркин Пўлатовнинг уйими?

– Ҳа, ҳа, эшитаман!

– Мен Душанбедан, Муродилланинг акаси, Ибодулла бўлман, дўстингизни бериб қўйдик, пешин намозига жаноза...

Бу хабарни эшитган Эркиннинг устидан қаҳратонда совук сув қуйилгандек бўлди. У дарҳол прапоршик Семеновнинг уйига қўнғирок қилди. Гўшакни кўтарган аёлга – хотини бўлса керак – ўзини таништириб Семеновни чақириб беришини сўради.

– Ў, ротний, хозир хаёлимга келиб тургандинг, – деди Семенов хуш кайфият билан.

– Егор, Душанбедан қўнғирок бўлди, Муродилла ҳалок бўлибди...

Орага оғир сукунат чўкди. Бир дақиқача ҳукм сурган жимликдан сўнг:

– Қандай қилиб? – деди Егор паст овозда. Ҳозиргина хушвақт кайфиятда жаранглаб турган овоз бир зумда синди-қўйди.

– Билмайман.

– Қачон чиқазишар экан?

– Пешин намозига.

– Демак, улгурмас эканмиз, сен уйингда бўлиб тур, мен тушгача етиб бораман, имкони бўлса Ортикқа телефон қилиб қўй, самолётга чипта олиб юрма, мен Адил билан машинада етиб бораман.

Эркин Фарғонага кўнғироқ қилди, Ортикқа ҳам бу машъум хабарни маълум қилди. Ортиқ Фарғонадан ҳозирок йўлга отланишини, Тошкентга – Эркиннинг уйига келиб тушишини айтди.

Семенов билан Адил соат роппа-роса ўн иккида етиб келишди. Кела солиб «нега?», «нима учун?», «қандай қилиб?» деган саволларга кўмиб ташлашди Эркинни.

– Билмайман, оғайнилар! Билмайман! Билганим – энди Муродилла орамизда йўқ, шу холос...

Юраклар зил эди. Дўстлар нима дейишни, бир-бирларини нима деб юпатишни, айрилиқ изтиробини қандай енгишни билмасдилар.

Тушдан сўнг Ортиқ ҳам етиб келди. Семеновнинг «Жип»ида йўлга отланишди. Сирдарё, Жиззах, Самарқанднинг Омон Кўтон тоғларидан ўтиб, сўнгра Қашқадарёга кириб боришди. Шу ерда тоғлар тепасидаги ошхонада тамадди қилишди. Бироз дам берилган автоуловга ёқилғи қуйиб, яна йўлга тушишди. Бойсундан ўтиб, Шеробод орқали Денов йўлига чиқишди. Кечки пайт Деновга етиб келишиб, машинага ёқилғи кидириб анча овора бўлишди.

Бу бир чекка жойда бензин топиш қийин бўлди. Ярим кечгача излашди. Ноиложликдан шу ердаги меҳмонхонада тўхташди. Саҳарлаб туриб яна ёқилғи излай бошлашди. Аммо, ёқилғи шаҳобчалари ёпик, шундан сўнг ёқилғи базасига боришга мажбур бўлишди. Директор ўзида экан, Эркин кириб унга бўлган гапларни айтиб, ёрдам сўради. Хушмуродов яхши одам экан,

омборхона мудирига кўрсатмалар бериб, машинага тўлдириб бензин қуйиб беришни топширди:

– Қайтишда кириб ўтсангизлар, яна қуйиб бераман, акс ҳолда то Самарқандга етгунча қийналиб қоласизлар, – деди.

Хуллас, Сариосиё орқали Тожикистон чегарасига етиб боришди. Чегарачилар уларнинг ҳужжатларини текшириб, ҳеч бир муаммосиз ўтказиб юборишди. Бу ердан Регар орқали Душанбе шаҳрига йўл олишди. Шаҳарга деярли туш пайтида кириб боришди. Марказга бориб, Набиев кўчасини сўраб-суриштириб топишди. Ниҳоят манзилга етиб келишди. Дарвоза катта қилиб очиб қўйилган. Кўчага ўрнатилган узун курсиларда бир нечта одам тўн, дўппи кийиб, белбоғ боғлаб ўтиришарди. Шу томонга келаётган одамларни кўриб азадорлар ўрниларидан кўзгалишди. Таъзияга келганлар ҳам ҳамма билан кучоқ очиб кўришиб, ҳамдардлик билдиришди.

Муродилланинг акаси Ибодулла унга жуда ўхшар экан, у билан кўриша туриб ҳаммалари беихтиёр кўзга ёш олишди. Ичкарига кириб, тиловат қилишди. Егор Муродилланинг хотини – Робияга минг АҚШ долларини узатиб:

– Камчиликларга ишлатарсизлар, – деди.

Кечки пайт Семенов марказдаги «Душанбе» меҳмонхонасидан тўрт кишилик жой буюртма қилиб келди.

Кўнгил сўраб, суҳбатлашиб ўтиришар экан, ниҳоят Ибодулладан сўрашга журъат қилишди.

– Нима бўлди ўзи?

– Нима бўлгани менга номаълум. Тоғли Бадахшонга хизмат сафарига кетувди, ўша ердан ўлиги келди. Милиция ходимларининг гапига қараганда, унга милтиқдан ўк узилган, ўк жигарига теккан, укам анча пайтгача судралиб келган ва йўл ёқасида жон таслим қилган. Уни 201-дивизия аскарлари топишган ва милицияга хабар беришган. Унинг ёнида ҳеч қандай ҳужжатлар топилмагач, ўша ердаги «морг»да деярли беш кун қолиб кетган. Сўнгра милиция ходимларидан бири таниб қолган, кейин менга хабар қилишди. Дарҳол Тоғли Бадахшонга етиб бордим, «морг»га кирдим, унинг жасадини таниб олиб келдим. Билма-

дим, ким укамнинг жонига касд қилган, у ерларда таниши йўқ эди, билмадим яна, – деди.

Кечки пайт меҳмонхонага жойлашиб, шу ердаги ресторанга киришди. Ҳарбий анъанага кўра бешта қадах буюртиришди, уни тўлдириб, устига бир паррак нон қўйишди-да, қадахларни уриштирмай ичиб юборишди. Икки стол нарида ўтирган уч киши уларнинг ҳаракатларини зимдан кузатиб ўтиришганди. Бир-бирларига маъноли қараб қўйишди. Еб-ичиб бўлгач, хоналарига отланишди. Меҳмонхона «номер»ига бир эшикдан кириларди, торгина йўлакдан хоналар иккига ажралар, ҳар бир хона икки кишига мўлжалланганди, битта каттароқ хона эса меҳмонхона эди. Ҳожатхона ва ювиниш хонаси эса умумий эди.

Йўл юриб чарчаган ҳамроҳлар ўринларига чўзилишди. Семёнов бир нечта Россия рўзномаларини сотиб олган экан, Эркин улардан биттасини олиб меҳмонхонадаги диванга ёнбошлаб ўқий бошлади. Кўзи сатрларда-ю, аммо хаёлида мудом: «Муродилла қандай ҳалок бўлган? Унга ким ўқ узган?» деган саволлар чарх урарди. Шу сабабли газетани стол устига қўйиб, у ёқдан бу ёққа юра бошлади. Адил, Ортик ва Егорлар унинг ҳолатини зимдан кузатиб туришар, аммо бирор сўз дейишга ботинишмасди, чунки уларни ҳам ҳам худди шундай муаммо кийнаётганди. «Наҳотки, тинч даврда шундай жаҳолат юз берса, не-не ўлимларни енгиб ўтган ҳарбий зобитни тинч замонда ўлдириб юборишса?! Бу ишни ким қилдийкин, бунинг тагига етиш керак. Эҳтимол, бу нарса унинг хизмат вазифаси ортидан келиб чиққандир... афғон героини изидан тушган бўлса, уни ўлдиришган...

Лекин, наркомафия ҳеч қандай из қолдирмасди-ку, хатто ўликларни йўқ қилиб юборардилар. У эса ярадор бўлган, бир муддат судралиб келган. Демак, ўқ узган одам ёлғиз бўлган. Муродилла ҳам уни ёки ўлдирган ёхуд жиддий жароҳат етказган, акс ҳолда унинг тирик чиқиб кетишига йўл қўймасдилар, худди шундай бўлган, ҳа-ҳа, шундай!».

Ўйлари охирига етмаган ҳам эди, ташқи эшик тақиллади. Адил эшикни очгани йўналди. Бўсағада бегона одам турарди. У бир мактубни узатиб, «подполковнику Пўлатову» деб ортга

чекинди. Адил унинг ортидан кузатиб қолди. Дахлизда ҳеч ким кўринмасди, ҳатто ҳар доим йўлакда ўтирадиган навбатчи аёл ҳам йўқ эди. Хат имзосиз эди, бор-йўғи: «Просьба, зайдите в комнату 238»¹ деган ёзув бор эди холос.

Хатни ўқиган Эркин йўлакка чикмоқчи бўлди, бироқ Адил унинг йўлини тўсди. Ҳар эҳтимолга қарши Семенов билан Ортиқни хабардор қилиб қўйишни лозим топди. Улар маслаҳатни бир жойга қўйиш учун меҳмонхонага тўпланишди.

– Агар уларнинг ёмон ниятлари бўлганда, бундай қилишмасди, – деди ўйланиб туриб Семенов.

– Тўғри, – деди Адил, – шунинг учун Эркин ўша хонага бориши, хат муаллифларининг мақсадларини билиши керак, балким бу Муродилланинг ўлими билан боғлиқдир.

– Нима бўлгандаям, биз тайёр бўлиб туришимиз зарур, 238-хона йўлакнинг охирида, – деди Ортиқ.

– Улар фақат Эркинни таклиф қилишяпти, демак, биз бу хонани кузатиб туришимиз шарт, – деди Семенов.

– Йўқ, бу кетмайди, сезиб қолишса, мақсадимиз ҳосил бўлмайди, – деди Эркин.

– Бу ҳам тўғри, якка ўзинг боришинг керак, – маъқуллади Семенов.

Эркин ўрнидан туриб йўлакка чиқди ва 238-хона эшигини аста тақиллатди. Афтидан хонадагилар уни кутиб туришган бўлса керак, эшик дарҳол очилди. У хонага кирди. Эшикни очган одамдан ташқари хонада яна икки киши бор эди, улар қаҳва ичиб ўтиришарди. Ичкари хонадагилар Эркинни кўришлари билан дарҳол ўрнларидан туриб, унга қўл узатишди. Бу одамларнинг ҳарбий эканликлари қаддиларини тўғри тутишларидан, қандайдир сирли маҳобатларидан сезилиб турарди. Эҳтимол Эркиннинг ўрнида бошқа одам бўлганида буни пайкамаган бўларди. Аммо у шу соҳанинг одами бўлгани учун ҳамкасбларини дарров «таниди». Шу боис ҳеч иккиланмай унга узатилган қўлларни олиб кўришди.

– Полковник Василий Максимов, – ўзини таништирди улардан бири – қирқ беш-эллик ёшлар атрофидаги барваста киши,

¹ “Илтимос, 238 хонага киринг”.

– МДХ мамлакатларининг «Координация бюросидан». Сўнг гапида давом этди:

– Бу киши «Интерпол» аъзоси – Жан Поль жаноблари, – дея ёнидаги кишига ишора қилди.

– Бу йигитча эса капитан Давлат Алиев – Тожикистон Миллий Хавфсизлик хизмати ходими, – деди бояги хатни олиб келган ёшроқ йигитни кўрсатиб.

– Ўтиринг, подполковник, – деди Максимов, – мулоқотимиз анча давом этади, – сўнг: – битта қаҳва тайёрланг, – деди Алиевга юзланиб.

Эркиннинг шундай бир ташкилот тузилганидан ва унинг гиёҳвандликка қарши курашаётганидан хабари бор эди. Раҳматли Муродилла охирги марта Тошкентга келганида дўстига бу ҳақда айтган, Эркин бу идорани «Интерпол» мувофиклаштириб туришини ҳам жуда яхши биларди.

– Сиз тўғрингизда биз муфассал ахборотга эгамиз, сизни ҳам ўз идорамизга ишга таклиф қилмоқчи эдик. Бундай шароитда учрашишни режалаштирмагандик, аммо кутилмаганда... ғалати ишлар бўлиб кетди. Дўстингизни таъзиясига келишингизни билиб... шу ерда учрашишга қарор қилдик, – деди Максимов.

– Муродилла гапирган бўлса керак-да, – деди Эркин.

– Ҳа, ундан ташқари сизнинг шахсий жилдингизни ўрганиб чиққанмиз, энди мурожаат қилмоқчи бўлиб тургандик, минг афсус, бунақа жаҳолатли ишлар бўлиб кетди, аслида сиз билан Москвада учрашиб, мулоқот қилмоқчи бўлгандик, подполковник, – деди Максимов.

Жан билан Алиевлар сукут саклаб ўтиришарди. Алиев битта қаҳвани Эркиннинг олдига қўйди. Хонани куюқ сигарета тутуни коплаган, афтидан улар анча пайтгача дераза ойнасини очишмаганди. Полковник Жан Полга бир қараб олиб, унинг имоси билан сўзини давом эттирди.

– Дўстингизнинг ўлимига келсак, у анча вақтдан бери бизнинг идорада ишларди, гиёҳванд моддаларнинг қайси йўллар билан Тоғли Бадахшондан Россияга, ундан эса Европа мамлакатларига транзит қилиниши йўллари аниқлаш саъй-ҳаракатида эди. Бу бизнинг биринчи йўқотишимиз эмас, ўша ерга борган яна икки

ходимимиздан ажралдик. Мана бир йил ўтди ҳамки, уларнинг жасади ханузгача топилгани йўқ. Улар бедарак кетгани учун ҳам уларни ҳалок бўлганлар қаторига киритганмиз. Муродиллани чегарада турган 201-сонли рус давизияси аскарлари топиб олишган, кейин милицияга хабар беришган. Тоғли Бадахшон ички ишлар идораси бошлиғи, генерал Шоимовнинг ахборотига қараганда, капитан Аминовга ўқ узилган, буни бахтсиз ҳодиса сифатида баҳолашмоқда улар. Айтишларича, ов пайтида овчилар орасида ўзаро тўқнашув юзага келган экан.

Лекин капитан Аминовнинг ёнидаги ҳужжатлар ва бошқа нарсалар йўқолган. Бу тасодиф эмас, назаримизда у гиёҳванд моддалар чегарадан қандай олиб ўтилаётганининг тагига етган. Унинг ёнида ҳар қандай шароитда – хоҳ кундузи, хоҳ кечаси бўлсин инфра қизил нурлар билан ишлайдиган фотоаппарат, тоғда юриш учун махсус камуфуляж кийимлар, овоз ўчирувчи мосламали тўппонча, харита, компас ва яна бошқа майда-чуйдалар бор эди – бари йўқолган. Рус солдатларининг гапларига қараганда, улар мурдани топганларида бу ашёларни кўришган, аммо кейинрок бу иш милиция ходимлари кўлига топширилгач, бу нарсалар ўз-ўзидан ғойиб бўлган. Мурда топилган ерга биринчи бўлиб етиб борган жиноят-кидирув бўлимининг бошлиғи майор Давлатшоев капитан Алиев томонидан сўрок-саволга тутилганида, у мурданинг ёнидан бундай нарсалар топилмаганини, улар ҳеч нарса кўришмаганини айтган. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, улар бу нарсаларни яширишга ҳаракат қилишган. Аммо, генерални тўғридан-тўғри бу ишларда айблаб бўлмайди, чунки унинг кавми у томонларда етакчи ўринларни эгаллайди. Агар милиция ходимларини шубҳа-гумон остига олиб, тергов-тафтиш ишларини олиб борадиган бўлсак, унда ҳеч нарсани билолмаймиз, ўзимизни фош қилиб қўйганимиз қолади. Тожикистон МХХ билан мустаҳкам алоқа боғлаганмиз, аммо унинг таркибида ҳам генерал Шоимовнинг кавму қариндошлари бор, бўлганда ҳам улар катта-катта мансабларни эгаллашган. Ҳоким ҳам Шоимовнинг чизган чизигидан чиқолмайдиганлардан. Тинчликни саклаб туриш учун ҳукумат имкони борича бу шахсга тегмасликка ҳаракат қилади, у ана шундай

валломат қудратга эга инсон. Ҳукумат раҳбарлари, айниқса, фуқаролар уруши энди барҳам топганда, яна вазиятнинг чигаллашиб кетиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда, генералнинг кирдикорларига панжа орасидан қараб келишади. Агар Тоғли Бадахшон орқали Россияга наркотик моддалар транзит қилинаётганлиги исботланса, бу ишлар бевосита ана шу ички ишлар амалдори бошчилигида амалга оширилаётган бўлиб чиқади, деб ўйлайман. Тоғли Бадахшонга борган одам, ким бўлишидан қатъий назар, унинг айғоқчилари томонидан кузатиб юрилади. Натижада биз томондан бирор операцияни амалга ошириш борган сари мушкул бўлиб бормоқда.

Айни пайтда бизнинг вазифамиз, ана шундай манбаларни топиб, ҳукумат раҳбарларини улардан огоҳ қилиш. У ёғи маҳаллий ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг иши. Бироқ биз бу борада ҳозирча ҳеч қандай натижага эришганимиз йўқ. Бизнинг хатоимиз шундаки, кетма-кет ходимларимиз йўқолаётган жойга яна шошиб одам юборибмиз, бу нарсани етарлича муҳокама қилиб, оператив режаларни амалга оширишимиз керак эди, бу шахсан менинг айбим. У ерга борган одамлар агар меҳмонхонада тўхтайдиган бўлсалар, меҳмонхона раҳбари дарҳол келган меҳмоннинг мақсадлари, режалари ҳақида «катта»га хабар беради. Бошқа ердан қўним топган тақдирларида ҳам генералнинг агентлари бундан уни зудлик билан хабардор қиладилар. Шунинг учун, у ерларга бизнинг ташкилотга алоқаси йўқ инсонларни юбориш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз, шунда ҳам киши билмас қилиб, – деди. Бу сўзларни эшитган Эркин бироз ўйланиб қолди ва деди:

– Гапингизга қараганда, у ерларда бегона пашша ҳам ўз ҳолича уча олмас экан-да! Ҳамма ахборотлар зум ўтмай генералнинг қулоғига етиб борса... Хўш, унда киши билмас қилиб қандай борилади?

– Агар шу муаммони ечишда ёрдам бера олсангаз, биз бу режани амалга оширишга ҳаракат қиламиз, мабодо «йўқ» десангиз, бу мавзунини муҳокама қилишни тўхтатамиз, чунки бундан бирор натижа чиқмайди, – деди полковник Максимов. Эркин бироз тараддудланиб туриб:

– Дўстларим билан маслаҳатлашиб олишим зарур, чунки ку-рол ушламаганимизга ҳам қарийб ўн йилдан ошди, – деди.

– Майли, маслаҳатлашиб олинг, – деди Жан Поль.

Эркин уларнинг ётоқхонасидан чиқиб, дўстлари олдига келди, муаммони уларнинг муҳокамасига қўйди. Бор гапларни айтиб, маслаҳат сўради.

– Дўстимизнинг руҳи-поки учун ҳар қандай оғир юмушга тайёрмиз, чунки уни бекорга ўлдирмаганлар, – деди Адил Мамедов.

– Бу ишда шошма-шошарлик ярамайди, бунинг учун пухта тайёрланган операция керак, – деди анча эҳтиёткор Егор. Ортик эса, индамай уларнинг бир қарорга келишини кутиб турарди.

– Сен нима дейсан? – деди ўз навбатида Эркин.

– Ротний, ҳамма қандай қарорга келса, мен ҳам шу... қўллаб-қувватлайман, – деди.

– Бўлмаса, анави полковникни шу хонага таклиф эт, операция режасини муҳокама қилиб, сўнгра амалга оширишга киришамиз. Ҳа айтгандек, улар бизларни қандай қилиб, киши билмас, у ерларга етказишлари мумкин, наҳотки яна парашютдан сакрашга тўғри келса, – деди Егор.

Эркин бориб, полковник Максимовни айтиб келди. Улар ярим тунгача операция режасини муҳокама қилиб, сўнгра хайрлашишди. Эртасига яна Муродилланинг уйига бориб дуои-фотиҳа қилишди. Яна келган йўллари орқали ортга қайтишди, чунки уларнинг тазияга келганларидан ҳамма хабардор эди. Полковник Максимов буни ҳам ҳисобга олганди...

VII ФАСЛ

ГИЁҲВАНД МОДДАЛАРНИНГ ТРАНЗИТИГА ҚАРШИ ҚУРАШНИНГ БОШЛАНИШИ

Полковник Максимовнинг Тошкентдаги иш кабинети, бу ерга Эркин, Егор, Адил ва Ортиқлар таклиф қилинган бўлиб, бўлажак операция муҳокама қилинмоқда. Улар ёрдам беришга рози бўлишган, бевақт ҳалок бўлган дўстларининг руҳи уларни интиқомга чорлаётганди. Орадан сал вақт ўтмай уларга Жан Поль ҳам қўшилди. Полковник Максимов у келиши билан:

– Мана, ҳаммамиз йиғилдик, энди сизларни баъзи маълумотлар билан таништираман, акс ҳолда ишни бажаришда мушкулликлар пайдо бўлади, – деди, сўнг сўзида давом этди:

– Таҳлилчиларимизнинг хулосаларига қараганда, Қуйи Панж дарёси орқали чегара бузувчилар бундай катта миқдорда наркотик моддаларни олиб ўтишлари мумкин эмас. Яқинда, Амстердамда қўлга олинган гиёҳванд моддалар текширилганда, улар таркибида асосан афғон героини борлиги тўлиқ ўз тасдиғини топди. Бизнинг шубҳаларимиз бўйича бу ишларга 201-дивизия раҳбарларидан бири ҳам аралашган, чунки бунақа юкни бирорга одам шунчаки, осонликча олиб ўтиши мумкин эмас. Операцияни сир сақлаш мақсадида сизларни Тоғли Бадахшон трассасидан ўтадиган коридор орқали йўловчи самолётида етказиб қўйишга келишдик. Биласизлар, Тожикистон худудидан учиб ўтадиган ҳар бир ҳаво кемаси диспечерлар томонидан радарларда кузатиб турилади. Германиянинг «Люфтганза» авиакомпаниясига қарашли самолёт Қобулга бориш учун айнан шу худуддан учиб ўтади. Учувчилардан бири бизнинг одамимиз, сизлар пастки люк бўлмаларига жойлашасизлар, вақти келиши билан бизнинг одамимиз сизларни огоҳлантириб, пастки эшикни очади, бунинг учун самолётда ҳамма шароитлар яратилади.

Аввало самолётга пинҳона чиқасизлар, барчангиз «Люфтганза» авиакомпаниясининг униформасида бўласизлар. Сўнгра махсус бўлмага кириб, махсус кийимларни кийиб, тайёр бўлиб турасизлар, бунинг учун барча ҳозирликлар кўриб қўйилган бўлади. Ўша ердан парашютларда сакрайсизлар, керакли

бўлган қурол-аслаҳа, озиқ-овқат, минерал сув ва бошқа зарур нарсалар ҳам махсус контейнерларга жойланган ҳолда жуфт парашют воситасида ортингиздан ташланади. Парашютлардаги юклар анча оғир бўлганлиги учун улар аста пастлатиб туширадиган махсус мослама билан жиҳозланган, юкнинг оғирлиги 450 килограммга боради. Сизлар ерга қўнганларингиздан сўнг деярли йигирма дақиқада тушади, бу юкнинг қаерга тушганлигини тун қоронғилигида ҳам бемалол аниқлаб олиш имконини беради. Ҳар эҳтимолга қарши қоронғида кўринадиган инфрақизил дурбинлар билан таъминланасизлар. Контейнерда сапёрлар белкураги бўлади, керакли юкларни олганингиздан сўнг, уни кўмиб кетасизлар, буни сизларга тушунтириш шарт эмас-у, аммо ҳар эҳтимолга қарши айтиб қўймоқдаман. Кейин йигирма, керак бўлса йигирма беш-ўттиз квадрат километрдаги масофани синчиклаб ўрганиб чиқасизлар. Бизнинг тахминларга қараганда, – дея давом этди Максимов столдаги харитага эътиборни тортиб, – манови ерлардан ҳар куни юк машиналари қатнайди, буни космосдан қузатишган. Нега ва нима мақсадларда эканлигини аниқлайсизлар, бу ерларда умуман одам яшамайди, фақат унда-бунда ўрмончилар учраши мумкин. Мана бу квадратларда, – давом этади полковник хаританинг маълум бир жойини қора қалам билан белгилаб ҳалқа ичига оларкан, – космик телефонлар орқали қисқа муддатли, яъни бир дақиқага ҳам бермаган алоқа қайд этилган. Минг афсуски, суҳбатлар сирли бўлиб, ҳозир экспертлар уларнинг маъзига етишга уринмоқдалар. Уларнинг аниқ координатларини спутник орқали тўлиқ аниқлаб бўлмаган. Ўша жойда радиолокатор фақат бир муддатгагина, яъни сеанс чоғида тоғдан чиққан холос, қайта расмга олиш ва координатларни аниқлаш учун қилинган кейинги ҳаракатлар ҳеч қандай натижа бермаган, чунки радиолокатор қайта кўринмаган. Бизнингча, бу ерда қайдайдир сирли объект жойлашган, бу бизнинг фаразимиз, аммо Тожикистон Республикасининг бирорта ҳам расмий ҳужжатида бу ҳудудда на ҳарбийларга тегишли ва на оддий фуқароларга – юридик шахсларга қарашли бирор корхона жойлашгани қайд этилмаган. Демак, радиолокатор фақат бир неча сониялик алоқани таъминлаш учунгина

тоғдан юқорига чиққан, акс ҳолда фазодан келаётган тўлқинлар алоқани таъминлай олмасди.

Сизнинг вазифангиз ана шуларни аниқлаб, харитага туширишдан иборат. Кейин ўрмон ёқалаб Қуйи Панж дарёсига, яъни мана бу координатларга чиқишингиз лозим, – дея яна харитада чизиб кўрсатди Максимов, – у ердан Россиянинг 201-дивизияси ҳимоясида вертолётларда Душанбега – ҳарбий аэродромга учасизлар. Ундан у ёғи эса бизнинг ишимиз.

Ҳозирча, 201-дивизиянинг махсус бўлимига ҳеч қандай буйрук берилмаган, сабаби ўзларингизга аён, тушунасизлар, топшириқни бажарганларингиздан сўнг, уларга кўрсатма берилади. Сизлар ҳеч қандай жанговар тўқнашувларга боришингиз керак эмас, қурол-аслаҳа фақат ўзингизни ҳимоя қилиш учунгина берилган, шуни асло ёдингиздан чиқарманг, асосан шу, менга саволлар бўлса, марҳамат, – деди Максимов столда турган станкандан бир қултум сув ичиб.

– Одатда, десантчиларнинг ҳар бирига, қўл пулемёти бор аскарлардан ташқари албатта, учтадан РПГД гранаталари берилади, ўртоқ полковник, – дея сўз котди Адил.

– Бу нарсалар назарда тутилган, хатто махсус бронезжилет¹лар ҳам бор, аммо асосий вазифангиз жанг қилиш эмас, ана шу объектнинг координатларини аниқлаш, у ерда қандай ишлар олиб борилаётганининг тағига етиш... Қуролдан фақат ўзингизни ҳимоя қилиш учунгина фойдаланишга рухсат этилган, шуни эсдан чиқармаслигингиз керак, – таъкидлади яна Максимов. Кейин Эркинга бир варақ қоғозни узатиб:

– Мана бу контейнерга жойланган нарсаларнинг рўйхати, – деди. Улар энгашиб, рўйхатни кўра бошлашди. Унда десантчиларнинг АК-74 автоматлари, бир кути ўк ва тўрттадан рожоклар², биттадап ўн тўрт отарли «Магнум» тўппончалари, ҳар бирига учтадан обойма³лар, ўн иккита РПГД гранаталари, битта қўл пулемёти, унга икки кути обойма, десантчиларнинг пичоклари, бронезжилет, пиёдаларга қарши миналарни киди-

¹ Баданга ўк ўтказмайдиган махсус қопламадан қилинган жиҳозлар.

² Автомат ўқдонлари.

³ Тўппонча ўқдонлари.

рувчи ускуна, инфрақизил фотоаппарат, компас, спутник оркали алоқа қиладиган телефон, координатлар харитаси, концентратлар, ҳатто беш литрли термос, кофе, шоколад, тез эрувчи қанд ўрамлари, минерал сувлар, ички ва ташқи кийимлар, ҳар бирларига бир комплект камуфуляж, кичик қозонча, санчки-қошиқли пакки ва бошқа жиҳозлар бор эди. Десантчиларни асосан қурол-аслаҳа қизиқтирарди. Уларни бирма-бир чиғирикдан ўтказган Семенов:

– Фақат бир нарсани ёддан чиқарибсиз, жаноби полковник, – деди.

– Хўш, нимани?

– Битта дона йигирмата ўқли, ҳайвонларни ва одамларни ухлатувчи ўқлар билан жиҳозланган арбалет¹, қолганлари мукаммал, – деди. Полковник Максимов Жан Полга маънодор қараб қўйди, у эса «маъқул» дегандай аста бошини қимирлатди.

– Қурол-аслаҳаларга бу ҳам қўшиб қўйилади, ундан ташқари, десантчиларнинг рюзаклари ҳам контейнерларга жойлаштирилади, бу ёддан чиққан экан. Энди мана бу телефонларга келсак, – Максимов тортмасидан бир нечта бир хил русумдаги радио (уяли) телефонларни олиб столга териб қўйди, улардан бирини қўлига олиб, – уларга қўшимча тўрт комплект аккумуляторли батарейкалар ўрнатилган, бир ойдан ошиқ ишлаш қувватига эга, – деди ва улардан қандай фойдаланишни тушунтирди.

Шундай қилиб, тайёргарлик бошланиб кетди. Улар тез орада ҳарбий машқларга киришиб кетишди, чунки орадан анча вақт ўтганди. Парашютдан сакрашни-ку ҳеч бир қийинчиликсиз амалга оширишарди. Улар фойдаланадиган парашютлар энг янги русумга мансуб бўлиб, ҳар қандай шароитда ҳам очилиши, инсон вазнига қараб бошқарилиши мумкин. Эркин ва унинг сафдошлари ҳали бунақасини умуман кўрмагандилар. Жуда енгил, уларни ҳавода бошқариш, мўлжалланган манзилга қараб у ёқ-бу ёққа бир қадар буриш мумкин эди.

Тез орада тайёргарлик машқлари ҳам ниҳоясига етди. Эркин ҳарбий вазифани бажаришга шай эканликларини полковник Максимовга билдирди. «Люфтганза»га қарашли самолётлар

¹ Ўзбек тилида бу “кароқундоқ” деб аталади.

Қобулга ҳафтада бир марта парвоз қилиши туфайли режа келаси чоршанба куни амалга ошириладиган бўлди.

Чоршанба куни улар «Люфтганза» ҳаво йўллари авиакомпанияси кийимида аэропортга келишди. Ҳали ҳаво кемаси Тошкент аэропортига қўнмаган, вақт бемалол эди. Шу боис улар аэропортнинг махсус депутатлар чиқадиган залида қаҳва ичиб гурунглашиб ўтиришарди. Бироздан сўнг самолётнинг аэропортга қўнганлиги эълон қилинди. Самолёт улар ўтирган бинодан унча узоқ бўлмаган қўниш майдончасига қўнганди, шу боис самолётдан одамлар чиқаётгани кўриниб турарди... Орадан ярим соатча вақт ўтгач, қаҳвахонадан қўзғолишди. Ҳаво кемасига яқин бориб, учувчини кутишди, у билан бирга самолётга чиқишди. Учувчи рус тилида немисча акцент билан:

– Бу ерда фақат беш афғон фуқароси транзит, қолганлари ҳозир самолётга чиқазилади, – деди.

Экипаж аэропорт биносига кириб кетгач, улар аста самолёт бортига кўтарилишди ва орқа бўлмага ўтишди. Бу ерда барча айтилган нарсалар тахт эди: кийимлар, десантчиларнинг пойабзаллари, парашютлар... Улар дарҳол кийинишга тушишди. Хуллас, ўн беш дақиқада ҳозир нозир бўлдилар. Ҳақиқатдан ҳам самолёт юкхонасида улар учун махсус жой ажратилган бўлиб, пастда люк ўрнатилган, улар шу ердан очиқ ҳавога чиқишлари зарур эди. Контейнерлар ҳам шу ерда бўлиб, сигнал берилиши ва люк очилиши билан итариб юборилиши керак эди. Учувчи уларни чиқариб юборгач, автоматик тарзда люкни ёпиши, сўнгра ҳеч нарса бўлмагандай ўз вазифаси билан шуғулланиши зарур эди. Тор жойда тўртта одам сиқилиб туришар, вақт эса худди ўчакишгандек секин ўтиб борарди. Махсус бўлма булбулнинг инидек жой экан, йигитлар ҳатто қўлларини ҳам кимираганига имкон топа олишмасди. Ниҳоят самолётнинг экипаж аъзолари чиқишди, бироздан сўнг эшитилган ғала-ғовурдан эса фуқаролар чиқарила бошлангани сезилди. Орадан ярим соат ўтгач, самолёт двигателлари айлана бошлади, яна ўн беш дақиқадан сўнг парвоз қилишди. Тахминан бир соатча вақт ўтиб, ҳалиги «ўзлари»дан бўлган учувчи келиб, уларга «вақт бўлди» деган ишора қилди. Ташқи эшикларни маҳкам ёпиб,

люк тугмасини босди. Люк очилди, улар контейнерни итариб юбориб, унинг ортидан ўзлари ҳам сакрашди. Бунга беш дақиқа вақт сарфланди.

Сўнг самолёт юкорилаб кетди, сал ўтмай коронғу осмонда унинг факат чироклари кўрина бошлади. Афтидан самолёт улар сакрайдиган ҳудудга келиб анча пастлаган, энди эса яна ўз коридорига чиқиш учун кўтарилиб кетаётганди. Вақт эса тунги ўнларга яқинлашиб қолганди...

* * *

Улар бирин-кетин қандайдир сайҳонликка тушиб келишди. Бу парашютлар билан мўлжалланган жойга тушиш анча осон бўлди, иплари тортилса, парашют карши тарафга йўналиши мумкинлигини улар машқ даврида билиб олишганди, шу туфайли унча қийналмасдан осойишта ерга қўнишди. Контейнер ҳамон ҳавода, ҳали ерга келиб тушмаганди. Ниҳоят у ҳам қарийб беш юз метр масофага келиб тушди. Десантчилар ўша тарафга қараб югуриб кетишди. Парашют бир тепалик устида ўсган арчасимон дарахтга илашиб қолган, контейнер эса анча нарига, ясси сайҳонликка тушганди. Контейнерга ғилдираклар ўрнатилган бўлиб, парашютдан бўшатиб олишгандан сўнг, судраб кетишди. Уни десантчилар пичоғи билан очишди. Ундан сапёрлар белкурагини олиб парашютларни ва контейнерни кўмиб қўйиш учун ҳар ер-ҳар ердан чуқур қазилди, сўнгра керакли нарсаларни олиб, қолганларини кўмиб юборишди. Контейнер кўмилган жойни адашмай топиш учун шу ердан тахминан ўн метр масофада ўсаётган қалин арчанинг бел қисмига пичоқ билан белги қўйишди. Устига янги тупрок тортилган ўраларни шох-шаббалар билан яхшилаб беркитиб, рюкзакларга керакли нарсаларни жойлашди, сўнгра зудлик билан бу ердан кетиш учун «марш-бросокка» отланишди. Энди тўлик куролланган десантчилар энг аввал қаерга келиб тушганларини, сўнгра ҳаракат йўналишини аниқлаб олишлари зарур эди. Улар харита устига энгашиб, кўзланган манзилдан деярли йигирма ёки йигирма беш чакирим олис масофага тушганларини англаб етишди. Дарҳол йўлга тушдилар, қарийб беш километрча йўл юргач, дам олишга қарор қилишди. Бу жойлар денгиз сатҳи-

дан деярли уч минг метр юқорида жойлашганлиги туфайли нафас олиш анча қийин, бундай шароит одамни тез чарчатарди. Олдиний одамга бу бир қадар мушкулликлар яратарди. Илгари улар ҳарбийда бўлганларида бундай масофаларни ҳеч қийинчиликсиз босиб ўтардилар, энди эса бунақа оғир жисмоний ҳаракатлардан анча дармонлари қуриётганини сезишди, аммо бу ҳақда сўз очишга ҳеч кимнинг бети чидамасди. Ахийри тамадди қилиб олишга қарор қилишди. Эндигина бир ўнгирни босиб ўтишганди, аммо қийин шароитда узок йўл юришганидан силлалари қуриб бораётган, бунинг устига елкаларига ортган рюкзаклари ҳам зил эди. Рюкзакларида қурол-аслаҳадан ташқари 32 кило юк бор эди. Эркин атрофни коронғида ҳам кўринадиган дурбин билан обдон кузатгандан кейин гулхан ёқишга ижозат берди. Тўртовлон теварак-атрофдан шох-шабба топиб келиб гулхан ёқишди. Чунки бироз тамадди қилиб кучга киришлари, бир пиёладан чой ичишлари зарур эди. Термосни очган Ортиқ қувониб кетди, беш литрли идишда иссиққина қаҳва дамланган экан, ҳиди атрофни тутиб кетди.

– Максимов яхши одам экан, ҳатто термосни кофе билан тўлдириб қўйишни ҳам унутмабди, – деди қаҳвадан термоснинг қопқоғига қўйиб, Эркинга узатаркан. Сўнг ҳаммалари қопқоқли йиғма стаканларига кофе қўйиб ича бошлашди.

Бир пасда жилғадан олинган сув қайнади, ичига концентратларни солишди, тайёр бўлган овқатни ича бошлашди. Тоғ шароитида қувват бағишловчи шунақа овқат истеъмол қилинмаса, тезда чарчаб қолиш турган гап. Хуллас, ярим соатга мўлжалланган привал қарийб қирқ дақиқаларга чўзилиб кетди. Сўнгра гулхан изларини йўқотиб, яна йўлга тушишди. Шу кетишда улар тоғма-тоғ, ўнгирма-ўнгир юриб, арконлар ёрдамида ўн бир километрча масофани босиб ўтишди. Чарчаб, тинкалари қуриб бораётганини ҳис қилишди. Яна привал эълон қилинди. Ҳамма худди шуни кутиб тургандай дарров ердаги хазонлар устига чўзилди. Бир пас нафас ростлаб олганларидан сўнг харитага юзланишди.

– Бундан тахминан бир километрча масофада Шайтонсой келиши керак, агар биз тўғри йўлдан кетаётган бўлсак, – деди

Эркин, – агарда сойга чиксак, демак борадиган манзилимизга беш-олти километр масофа қолади, шу бугун унга етишимиз зарур.

Семенов компасга қараб олиб:

– Менимча ғарбга юриш керак, йўлимиздан сал оққан кўри-наминиз, – деди.

– Ҳечкиси йўқ, манзил аниқ бўлса, йўлни тўғрилаб олиш қийин масала эмас, – деди Эркин.

Тонг ёришиб бораётганиди. Ўн беш дақиқали привалдан сўнг яна олға босиб юриб кетишди. Дарҳақиқат, орадан сал вақт ўтмай сувлари шарқираб оқаётган сой кўринди. Десантчилар қирғоққа яқинлашиб келиб, тошлардан сирпаниб, бир амаллаб нариги соҳилга ўтиб олишди. Бу ерларда умуман одам зоти кўринмас, қирғоқдаги кумлок ерларда ҳам инсон оёғининг излари кўзга ташланмас эди. Улар сой бўйлаб юришни давом эттиришди, чунки мўлжалдан сал оққанлари харитадан кўриниб турарди.

– Агар харита ёлғон бўлмаса, тахминан икки километрдан сўнг тоғли қишлоққа чиқамиз, – деди Семёнов. У ҳали гапини тугатмаёқ узоқдан итларнинг акиллашлари эшитилди. Лекин, бу овозлар умуман тескари тарафдан келаётганиди. Эркин қўлини баланд кўтариб ишора қилиши билан барчалари ерга ёпишиб ётиб олишди. Орадан анча вақт ўтди, итнинг акиллаши борган сари яқинлашарди, салдан кейин тоғлар орасидан тушган сўкмоқ йўлда эшак минган икки кишининг қораси кўринди. Уларнинг ортидан эса бир ит думини ликиллатганча «дикир-дикир» қилиб юриб борарди. Эшаклар устига ўтин ортилганиди. Афтидан улар шу яқин атрофдаги қишлоқ фуқаролари бўлиб, тоққа ўтин қилиш учун чиққандилар. Уларнинг ити ҳар замонда десантчилар яширинган томонга қараб ҳуриб қўярди, аммо хайриятки яқинлашмасдан ўтиб кетишди. Бу вақтда теварак-атроф оқариб, тоғ ён-бағриларидаги қишлоқ баралла кўриниб турарди. Мўрилардан тутун чиқар, қишлоқ аҳли уйғонган, ўз тирикчиликлари билан машғул бўлаётгандилар. Кўп оилалар қўй-эчкиларини, қора молларини тоғ тарафга қараб ҳайдай бошладилар.

– Демак, мўлжалга тўғри чиқибмиз, – деди Эркин Егорга қараб, – энди қуюқ дарахтзорлар ортига яшириниб, қишлоқни айланиб ўтиб кетишимиз керак.

– Ротний, бу ердан манзилга яна қанча масофа бор, – деб савол берди Егор.

– Наридан борса беш-олти километр, – деди Эркин.

– Бироз дам олайлик, сўнгра йўлга тушамиз, – деди Семенов. Улар қуюқ арчазор орасига яшириниб, шоколад, иссиқ қаҳва ва булочкалар билан тамадди қилиб олишди, контейнерларда «Бородинский»¹ буханка нонидан ташқари яна булочкалар ҳам бор эди. Тамадди қилиб олишгандан сўнг улар сой ёқалаб илгарилаб кета бошлашди. Икки километрча йўл юришгач, қалин ўрмонзорга дуч келишди, шу ерда привал қилишга қарор қилишди. Энди гулхан ёқиш хавфли эди, шунинг учун ерга ётиб, бироз ҳордиқ чиқармоқчи бўлдилар. Асосий манзилга қандай чиқиб бориш ҳақида гаплашиб олишлари керак эди. Энди кенгашмоқчи бўлиб турганларида узоқдан юк машиналарининг гувиллаган товуши эшитилди. Улар яна панага ўтишди. Эркин дарахтлар панасидан машиналарни кузата бошлади. Семеновнинг олдига келиб ётди. Икки юк машинасининг ҳар биттасида ҳайдовчидан ташқари бир аскар бор эди, яна «УАЗ-469» енгил автомашинасида тўрт чоғли кўриқчи ўтиришарди. Машиналар карвони тоғ йўлларида аста йўрғалаб борарди. Дурбинда қараганда, салондаги кўриқчиларнинг автомат билан, борт устидагиларнинг эса қўл пулемёти ва базукилар билан қуроллангани яққол кўринарди.

– Хўш, бунга нима дейсан, Егор? – деб савол берди Эркин.

– Бу ерда қандайдир муҳим объект борлиги аниқ, йўқса бундай кўриқланмасди, демак, афсона ҳақиқат бўлиб чиқишига шубҳа йўқ энди, ротний, – деди Егор.

– Шунақага ўхшайди, – деди Эркин. Улар машиналарни тоқўздан ғойиб бўлгунча кузатиб туришди, сўнгра шериклари олдига келишди.

– Ҳақиқатдан ҳам бу гапларда жон бор экан, иккита юк ма-

¹ Жавдар унидан тайёрланган бундай нонлар узоқ муддат сифатини йўқотмайди, бу эса сафарда анча қулайлик туғдиради.

шинаси кўриқчилар ҳимоясида тоғ ичига кириб, ғойиб бўлди, демак, бу ерда қандайдир сирли объект бор, хўш, нима қиламиз, маслаҳат беринглар? – мурожаат қилди Эркин шерикларига.

– Авваламбор, бу объектда нималар бўлаётганини аниқлашимиз зарур. Сўнг яна бир ўйлаб, маслаҳатлашиб кўрамиз. Агар улар ҳақиқатдан ҳам Муродилланинг ўлимига сабабчи бўлса, бир зарба билан портлатиб юборишимиз зарур, падарига лаънат, шунда унинг хунини олган бўламиз, ахир қабри устида онт ичганмиз, – деди Адил.

– Адил ҳақ гапни айтмоқда, ротний, – деди Ортик.

– Максимовнинг топшириғи нима бўлади? У бизларга фақат разведка қилишни буюрган, – деди норози оҳангда Эркин.

– Агар бу ерда чинданам наркотик ишлаб чиқарилаётган бўлса, уни бир зарба билан йўқотишимиз зарур, ахир ғалаба қилганларни суд қилишмайди, деган аксиома¹ бор, буни унутган кўринасан, ротний, – деди Семенов.

– Йўк, оғайнилар, олдин тўлиқ разведка қилиб, сўнгра қарор қабул қиламиз, чунки буйруқни бажаришга сўз берганмиз, – деди Эркин.

Бошқалар ҳам эътирозларни бир четга суриб, топширикни бажаришга киришиб кетишди.

Улар аста-секин машиналар кириб кетган тоғ дараси томонга қараб йўлга тушишди. Чамаси бир километрча юришгач, тўхташди. Эҳтиёт чорасини кўриб, мина кидирадиган усқунани ишга солишга мажбур бўлишди. Бу ерлар миналар билан муҳофазалангани табиий бўлиб, турли жойларга аранг билинадиган, кўзга деярли кўринмайдиган пўлат симлар тортилган. Шунинг учун ҳам бу ерларга кўриқчи постлар қўйилмаганди. Буни десантчилар аллақачон англаб олишганди.

Улар пўлат симларни иложи борича айланиб ўтишар, бехосдан оёққа илашса, миналарнинг чеки ишлаб, даҳшатли портлаш рўй бериши, у ҳолда бирорталари ҳам тирик қолмасликлари мумкин эди. Энг ёмони миналар бу ерга шахмат шаклида кўмилган, уларни зарарсизлантирмай, сўқмоқ йўл очмай ҳаракат қилиш ҳам ана шундай фожиа билан якун топади. Семенов

¹ Аксиома талаб қилмайдиган ҳақиқат.

кулоғига мина қидирувчи курилма тумблерини тақиб, эҳтиёткорлик билан ерни пайпаслаб борар, аниқланган миналарнинг запалларини бураб, суғуриб олар ва бошқа жойга қўйиб кетарди. У деярли икки метрдан иборат йўлак очиб кетар, орқадагилар унинг изидан келишарди. Улар сўкмоқ йўлдан шу қўйи беш юз метр юришгач, тоғ довоғига чиқишди. Шу пайт тоққа кириб кетган юк машиналари кўринди. Уларни яна «УАЗ-469» енгил автомашинаси кўриқлаб келарди. Очиқ яланглик жой бўлгани учун улар дарҳол ерга ётиб, қапишиб олишди. Афтидан ҳар томон яққол кўриниши учун бу ерда ўсган дарахт ва буталарни чопиб ташлашган, тоғнинг ҳар жой-ҳар жойида посбонлар турганини дурбиндан бемалол кўриш мумкин эди. Эркин билан Семенов ётган жойларида шивир-шивир қилиб маслаҳатлашиб олишди. Ортга қайтишга жазм қилиб, аста судралиб, посбонлар кўрмайдиган масофага келгач, ўринларидан туришди. Бу жойларга пиёдаларга қарши миналар қўйилгани учун кўриқчилар бу тарафга унча эътибор қаратишмасди. Кўзлари ўтиб бораётган машиналарда, қўл пулемёти умуман тескари томонга йўналтирилган, демак, улар хавф нариги томондан келиши мумкин деб ўйлашарди.

Десантчилар хатарсиз жойга ўтиб, йиғилишди, ҳар бирлари зунасига чалқанча ётган ҳолда кенгаша бошлашди.

– У ерга кун ёруғида бориб бўлмайди, чунки қанча кўриқчи, нечта пост борлигини билмаймиз. Кейин объектга қандай кириш йўллари аниқлашимиз керак, ишни пухта қилмасак, бирор ишқал чиқаришимиз мумкин, ўйланглар, – деди Эркин.

Улар консерваларни очиб, нонга қўшиб тановул қила бошлашди, иссиқ кофе қуйиб ичишди. Тамадди қилишаркан, ҳар бирлари ўй ўйлашарди. Турли таклифлар айтилди, аммо бирортаси ҳам муваффақиятли яқунланиши даргумон эди. Берилган таклифларни обдон чиғириқдан ўтказиб, сўнгра хулоса чиқаришди. Ўйлаб-ўйлаб ахийри ортга, ўрмон ичига яшириниб, кечага қадар дам олишга қарор қилишди.

Эркин сесканиб уйғонганда, кеча ойдин эди. Шошиб соатига каради. Соат учга яқинлашиб қолганди. Осмонда уккилар қичкириб парвоз қилар, гала-гала бўлиб тоғ чўққиларига қўнар

эди. Тоғ тепалари аниқ кўринар, негадир уккилар айнан улар кўзлаган манзилга, сирли объект бор тарафга учиб бориб қўнаётган, безовталаниб яна «гур» этиб кўтарилаётган эдилар. Орадан ярим соат ўтгач, яна уларнинг бир тўдаси пайдо бўлиб, улар ҳам ана шу тоғ ўнгирига пастлаб қўнишди. Дурбин билан уларни кузатиб турган Эркиннинг ёдига Афғонистондан чиқишлари олдидан Қуйи Панжда ўтказилган жанговар операция тушди. Егорни турткилаб уйғотди. Егор хали уйку аримаган кўзларини ишқалаганча кўкда парвоз қилаётган уккиларга қаради:

– Нима бўпти, бу йирткич қушлар кечаси ов қилишади, бунга нега хайрон бўлаяпсан, ротний, – деди.

– Яхшилаб қара, Егор, – деди Эркин дурбинни унинг кўзларига тутаркан, – бу уккиларнинг икки қаноти остида қандайдир ўсимта бор, бу нима бўлиши мумкин?

Егор уларга синчиклаб қаради:

– Ҳа... эсингдами, худди шундай ҳолатни Қуйи Панжда ўтказилган жанговар операция даврида кўрган эдик, шунда сен сўрагандинг, нега бунақа қушлар кўп деб, агар кўрғон эгалари овчилик билан шуғуллансалар, ё бургут ёки лочинларни асрашарди, нега айнан уккилар эканлигига шунда жавоб топа олмагандик, – деди Егор.

– Нима, сенинг ҳам хаёлингга шу фикр келдими? Наҳотки, наркотиклар уккилар ёрдамида чегарадан ўтказилиб, ундан сўнг Россия ва Европага жўнатилса?! Агар шундай бўлса... Қойилман, бу етти ухлаб ҳам ҳеч кимнинг ақлига келмайдиган иш, аммо уларни қандай ўргатар эканлар-а? – деди Эркин.

– Буни ана шу лаънати тоғни вайрон қилганимиздан сўнг, агар тирик қолса, уларни тарбиялайдиган одамдан сўраймиз, – деди Егор.

Энди йигитларнинг кўзидан тамоман уйку қочган, ўй-хаёллари уккиларда эди. Иккаласининг ҳам миясида «Наҳотки?», «Қандай қилиб?» каби саволлар айланар, ўйлаб-ўйлаб бирор жўяли фикрга келолмасдилар. Тез орада оромлари бузилганига норози бўлгандек тўнғиллаб-тўнғиллаб Адил билан Ортик ҳам уларнинг қаторига қўшилишди. Орадан яна ярим соат ўтгач, яна бир тўда уккилар кўринди. Энди уларнинг хатти-харакатлари-

ни кузатиб турган йигитлар кушларнинг Афғон заминидан учиб келаётганларига тўла амин бўлишди. Бунга юз карра ишонч ҳосил қилишди. Адил: – Ортик, термосни ол, кофе қолганми, – дея тўнғиллади, – кечаси ҳам тинчлик йўқ, энди ширин тушлар кўра бошлаганимда, «укки, укки» деб уйғотиб юбординглар, – деди норозилигини билдириб. – Нега имиллайсан, оч термосни, қуй, сенларга эса бермайман, ана шу уккиларингни томоша қилаверларинг... Падарига лаънат, бу кушларнинг, афғонда ҳам уларнинг дастидан тинчлик бўлмаганди, энди бу ерда ҳам пайдо бўлишибди...

Адил ғудрана-ғудрана қаҳвасини ича бошлади. Семенов ҳам кофедан умидвор бўлиб стаканни узатган эди, Адилнинг баттар жаҳли чиқди. Ортик эса унинг тўнғиллашига парво ҳам қилмай, қаҳвадан Семеновга ҳам, Эркинга ҳам қуйиб узатди...

* * *

Файзобод шаҳридан тахминан бир фарсах масофада якка кўрғон бўлиб, унда оиласи билан Ҳожи соҳиб истикомат қиларди. Шаҳарга бораётганлар ва у ердан қайтаётганлар айнан ана шу кўрғон атрофидан ўтиб кетишарди. Чунки кўрғон соҳиби тошлардан бисёр тўкиб, йўл қурган, бу эса айниқса лойгарчилик пайтида фуқароларга анча қулайлик туғдирарди. Кўрғон автоном тарзда электр қуввати билан таъминланган, бир нечта электрогенераторлар тинимсиз ишлаб турарди. Ушбу кўрғон 1976 йилда қурилган бўлиб, бу ерда ҳатто Сардор Довуд Муҳаммадхон¹ ҳам меҳмон бўлиб кетганди. Одамларнинг гапига қараганда, Ҳожи соҳиб ниҳоятда бой инсон бўлиб, Файзободнинг тоғ-қирларида унинг қўша-қўша қўй отарлари, йилқилари боқилар, ўзи эса ёз ойларида чорвачилигини кўриб, хабар олиб келиш мақсадида сафарга чиқарди. Бу одамнинг ёшини ҳеч ким аниқ айтиб беролмас, қуюқ қора соқолларига қараб тахминан эллиқларга борган деб айтиш мумкин эди. У ўзини навқирон йигитлардек тутар, келишган қадди-қомати, алп келбати кишини ҳайратга соларди. Ҳожи соҳибнинг бўйи ўртачадан сал юқорироқ, ок-сарғишдан келган, доимо дин арбобларига хос

¹ Афғонистоннинг ўша пайтдаги Президенти.

кийимда юрарди. Аммо бирор диний унвонга эга эмасди. Лекин, унинг халқ орасида обрўси баланд бўлиб, ёшу кекса унга хурмат билан «Ҳожи соҳиб», дея мурожаат қиларди. Соҳиб ҳам маҳаллий аҳоли орасидан кимдир биров моддий ёрдам сўраб келса, дарҳол ҳожатини чиқарар, ҳеч қачон судхўрлик қилмас, аммо бериладиган қарзни нима мақсадларга ишлатишларини сўраб-суриштириб, кейин илтимосларни бажарарди. Унга мурожаат қилиб келадиганлар асосан деҳқонлар бўлар, улар ҳосил йиғиштириб олингандан сўнг олган бўнақларини қайтаришарди, у ҳеч қачон қарзини кистамас, қачон келтириб беришса, шунга шукр қилиб юраверарди. Баъзи ҳосили бўлмаган инсонларнинг қарзларидан кечиб юборганлиги ҳам чин ҳақиқат. Шу сабабли, у судхўрлардан фарқ қилар, бу эса маҳаллий аҳолининг хурматига сабабчи бўлган омиллардан бири эди. Унинг сўзларига қараганда, Тожикистоннинг Помирида совет ҳукумати ўрнатилгандан сўнг бобоси ва отаси шу ерларга қочкин сифатида келиб қолган, бу тузумдан анча азият чекканликларини унга ҳикоя қилиб берган эканлар. Гарчи у афғон тупроғида туғилган бўлса-да, Тожикистоннинг Помир, Гарм вилояти, Маччо, Тоғли Бадахшонга қарашли ерларни ва бошқа ҳудудларни ҳам яхши биларди, худди ёшлик даврлари ўша жойларда ўтгандек... Қўзларининг мовий рангидан эса уни бу ўлкада яшайдиган Помирлик тожикларга қиёс қилишарди.

Кўрғонни элликка яқин кўриқчилар химоя қилар, улар автомат ҳамда қўл пулемётлари билан қуролланганди. Хўжайиннинг руҳсатисиз бирор одамни кўрғонга йўлатмас эдилар улар. Бирорта фуқаро арз билан келадиган бўлса, мирза аввал хўжайинни бундан хабардор этар, Ҳожи соҳиб уни қачон қабул қилишини айтар ва айтилган кунни, айтилган вақтда ўша инсонни куттирмай қабул қиларди, қўлидан келганича ҳожатини чиқарарди. Шу туфайли баҳор ойларида яқин атрофдан декончилик билан ҳаёт кечирадиган фуқаролар келишар, асосий арзлари қарз ёки уруғлик сўраш бўларди. Мирза уларга берилган маблағларни дафтарига қайд қилар, сўнгра хазинабон деҳқонларга таркатарди. Улар олинган қарзни қузда қайтарар, нима эккан бўлсалар, ҳосилнинг бир қисмини тухфа сифатида қолди-

риб кетишарди. Баъзи вақтларда хазинабон хўжайиннинг рухсати билан бозор нархларидан ошмаган ҳолда деҳқонларнинг егиштирган ҳосилларини олиб қоларди, чунки кўрғон одамларини ҳам боқиш зарур эди.

Шуниси ажабланарли эдики, кўрғон соҳиби ҳар қандай хукумат даврида ҳам бирдай яшаб келар, унга на Нур Муҳаммад Таракийнинг Савр инқилоби таъсир этди, на Ҳафизулла Аминнинг диктатураси. Мужоҳидлар ҳукумати ҳам ҳеч қандай озор еткизмадилар. Совет қўшинлари Афғонистонни оккупация қилганда ҳам маҳаллий губернатор¹ларнинг илтимосига кўра, унинг мулки дахлсиз бўлиб қолди. Ҳожи соҳибнинг икки хотини, улардан бир неча фарзандлари бўлиб, болалар анча ёш эди.

Ҳожи соҳибнинг Қобулга камдан-кам йўли тушар, шунда ҳам бирорга амалдор чақиргирсагина зарурат юзасидан мажбуран борар, ўзича ҳеч қачон пойтахтга келмасди. Ёз ойларида баъзан чорвачилигидан хабар олиш учунгина борар, шунда ҳам сафар муддати икки-уч кундан ошмасди.

Ҳожи соҳиб кўпинча кўрғонда камалиб олиб, мутолаа билан шуғулланар, унинг ҳузурига кирган одам доимо хонтахтада очик турган диний китобларни кўрарди. У ҳеч қачон сиёсатга аралашмасди. Унга бир-икки марта сиёсий жараёнда қатнашишни таклиф этишганда, қатъиян рад қилган, аммо келганларнинг ҳурматини жойига қўйиб, меҳмон қилганлиги ҳақида ҳам турли шов-шувлар юради. Хуллас, бу одамнинг ички ва ташки сиёсати, ҳар қандай ҳукумат билан келишиб кетишини шу атрофларда яшайдиган маҳаллий аҳоли билиб қолганди.

Ҳожи соҳиб вояга етган фарзандларини Европа мамлакатларининг ўқув даргоҳларида таҳсил олишга юборган, улар таътил вақтида келиб-кетиб туришарди. Фарзандларидан бири Берндаги коллежда, яна бири лицейда таҳсил олишарди. Ҳожининг ўзи ҳам бир йилда бир уларни кўргани Швейцарияга борарди. У одатда Карачи аэропортидан учар, Европада бирор ҳафта туриб, сўнг яна Карачи орқали уйига қайтарди. Кўрғон ходимлари ундан сўрашибди:

¹ Афғонистонда вилоятлар «провинция» деб аталиб, уларни губернаторлар бошқаради.

– Нега фарзандларингизни айнан Швейцарияга таҳсил олишга юборгансиз?

У шундай жавоб берган экан:

– Швейцария бетараф мамлакат, мана деярли уч асрдан бери бу замин уруш кўрмаган, бу биринчидан. Иккинчидан, менинг фарзандларим Европа маданиятидан хабардор бўлишлари, камида учта тилни, шу жумладан, хорижий тилларни ҳам билишлари зарур, чунки келажак кўп жихатдан ана шу давлатлар билан боғлиқ. Учтинчидан, барча дунё бойларининг маблағлари ўша ердаги банкларда сақланади, улар банк сирини ҳеч кимга ошкор қилмайдилар. Фарзандларим ҳам келажакда етук мутахассислар – ана шундай банк ходимлари бўлиб етишишларини жудаям хоҳлайман.

Ҳожи соҳиб яна ҳар замонда бир савдо ишлари билан Пешоварга келиб-кетарди. Унинг гаражида Германияда чиққан юкори қувватли «Опель-Адмирал» автоулови, қўриқчилар учун эса очик кузовли «ЖИП» машиналари бор эди. Зарур бўлганда машинага миниб, Қобулга бориб келар, бошқа пайтлар «Опель»дан унча фойдаланмасди.

Кўргон икки қисмдан иборат бўлиб, улар ички ва ташқи ҳовли дейиларди. Қоровуллар, хизматчилар ички – аёллар бўлимига ўтишмасди.

Хонадон эгаси нонуштадан сўнг бироз муддат очик ҳавода сайр қилар, баъзан ҳовлидаги шийпонда, кун салкин бўлганда эса иш кабинетида мудом қандайдир қоғозларга кўмилиб, ҳисоб-китоб қилиш билан банд бўларди. Унинг олдида мирза, ҳисобчи ва хазинабон, ҳар замонда иш бошқарувчиси кириб туришарди. Улардан бошқа одам деярли кирмасди. Бу одамлар унга сидкидилдан хизмат қилишар, шунга яраша ойлик маош билан таъминлангандилар. У тўлайдиган ойлик маошлар ҳукумат идораларида ишлайдиганларнинг мойнасига нисбатан бир неча марта кўп бўлиб, тирикчиликка, рўзғорга бемалол етарди.

Ҳожининг Қобулда қатор дўконлари бўлиб, улар асосан газлама, Эрон гиламлари, кундалик эҳтиёж моллари билан савдо қилишарди, дўконларга моллар асосан Пешовардаги ҳамкорлардан олиб келинарди.

Айни пайтда Ҳожи ўзининг хос хонасида одатдаги юмушлар билан андармон бўлиб ўтирибди. Хонага мирза кириб келади.

– Сўраттирган экансиз, соҳиб!

– Хўш, Аловуддин, бугун қандай юмушлар бор? – деди Ҳожи соҳиб мирзага қараб.

– Бугун Пешовардан олинган молларга пул ўтказишимиз зарур, банк тўлов ҳужжатларини Қобулга жўнатибди, – деди Аловуддин.

– Яхши, – деди Ҳожи соҳиб, – Аҳмадни юбор, пулни тўлаб келсин. Яна нима бор?

У Аловуддин узатган тўлов ҳужжатларига имзо чекиб берди.

– Яна..., – деди мирза, – Файзобод губернатори кизини узатаётган экан, тўйга айтиб кетувди, нима совға олишни буюрасиз?

– Губернатор тўйга айтиб кетган бўлса, бориш керак, совғани ўзим танлайман, аёллар тақинчоғини олиб борган маъқул, харҳолда у – губернатор!

У шундай деб хона бурчагида турган сейфни очди. Ичидан олтин ва жавоҳирлар билан безак берилган жуда кўркам бир қутини олди. Қутидаги безакларни худди биринчи марта кўраётгандек хайратланиб кўздан кечирди-да, сўнгра стол устига қўйди.

– Яна нима юмуш бор?

– Мўйдин чўпоннинг бир неча қўйларини сел оқизиб кетибди, – деди мирза.

– Қанчасини?

– Ўн чоғлисини...

– Аллоҳнинг иродаси-да! Хўш, яна нима?

– Бўлди, бу кунга бошқа масала йўқ, – деди мирза.

– Бўлмаса, машиналарни тайёрла, мен тўйга бориб келаман, – деди Ҳожи соҳиб.

У аёллар истиқомат қиладиган ички ҳовлига ўтиб, ичкари уйга кириб кетди. Бироздан сўнг уст-бошларини алмаштириб, башанг кийиниб чиқди. У чиққунга қадар иккита «Жил» ва унга ҳамроҳ бўлиб борадиган кўриқчилар тахт қилиб қўйилганди. Ҳожи соҳибга ғайирлигу душманлик қиладигани одамлар бўлмаса-да, у ҳеч қачон кўриқчиларсиз шаҳарга чиқмас, бу эҳтиёт чораси одат тусига кириб қолганди.

Файзобод шаҳрининг тор кўчаларидан бирида яшайдиган губернаторнинг ҳовлисига ярим соатда етиб боришди. Кўчада уни губернаторнинг ўзи кутиб олди, кўярда-қўймай ҳашаматли меҳмонхонага судради. Ҳожи келтирган совғасини хонадон соҳибига топшириб, сўнг унинг ортидан меҳмонхонага қадам ранжида килди. Улар ичкарига киришлари билан у ерда ўтирганларнинг гурунги бир муддат тўхтади, ҳаммалари ўринларидан туриб, меҳмонни тавозе билан кутиб олишди. Ҳожи ўтирганларга бир-бир разм солиб чиқди-да, дуои фотиҳага кўл очди. Булар губернаторга доимий ҳамроҳлик қиладиган хушомадгўйлар, ҳар доим унинг дастурхонидан ош ейдиган одамлар эди. Дуои тиловатдан сўнг орага нокулай сукунат тушди. Губернатор келди-кетдига қарагани ўрнидан туриб кетди, хизматчиларга кўрсатмалар бериб, меҳмонга қараб туришни тайинлади.

Ҳожи соҳиб бу одамларни яхши билар, уларнинг турли фиску фасод, ивғоларга аралашганларидан хабардор эди. Ҳатто губернаторнинг сояи давлати ортида туриб бир дехқонга нисбатан ноҳақлик, адолатсизлик қилганлари ҳам унга маълум эди. Шу боис ҳам бу одамлар билан бир хонада ўтириш унга маъкул эмасди. Ҳожи бир пиёла чой хўплаб, бир тишлам нонни оғзига олиб, сўнг кўзгалмокчи бўлди. Хонада ўтирганлар юзаки такаллуф билан:

– Бир пас ўтиринг, Ҳожи соҳиб, – дейишди.

– Кечирасизлар, муҳтарам соҳиблар, зарур ишларим бор эди, бирров кириб муборакбод этай дегандим, – деб фотиҳа ўқиб, ўрнидан турди. Губернатор унинг хонадан чиққанлигини кўриб:

– Ҳожи соҳиб, бир пас ўтиринг, энди овқат сузилаётганди, деди.

– Сизнинг тузингизни кўп еганмиз, губернатор жаноблари, мени жуда зарур ишларим бор эди, кечирасиз, – деди-да, хайрлашиб чиқиб кетди. Аслида Ҳожининг ҳеч қандай зарур иши йўқ эди, у кўрғонга қайтди.

Кўрғонга етиб келгач, дарвоза олдида ўтирган гадойга кўзи тушди. Машинадан тушиб, унга садақа берди. Гадой ҳар замонда Ҳожининг эшигига келиб турар, соҳиб унга деярли бир ойлик тирикчиликка етадиган садақа берарди. Ҳозир ҳам худди шундай килди.

Тегишини олган гадой дуо килиб, хассасини дўқиллатганча юриб кетди. Ҳожининг юрагига ғулғула тушди: «Нима ҳодиса юз берганикин, нима учун муддатидан олдин келди у?» «гадой»нинг кутилмаганда бу ерда пайдо бўлиши бир ишора (пароль) эди. «Демак, кечкурун учрашув жойига бориш керак!»

Ҳожи шундай ўйлар билан кунни кеч қилди. Кечки пайт тулпорини миниб, «Шайх Баҳоуддин» қабристонига йўналди. Ҳар замонда у кўрикчиларсиз ана шу мозорга келиб, ўтганлар руҳига дуои-фотиҳа қиларди. Бунга хизматчилар ҳам кўникиб қолишган, шу сабабли хўжайиннинг айғирга миниб кетаётганига хайрон бўлишмасди. У мозордаги шайхга садака бериб, тиловат қилдирарди. Ҳатто, қабристонни обод қилиш мақсадида вақти-вақти билан хайрия тадбирларини ўтказиб турарди.

Қабристон Ҳожининг кўрғонидан деярли беш юз қулоч ма-софада жойлашганди. Мозорга кириб келиши билан уни шайхнинг ўзи кутиб олди. Ҳужрасига таклиф қилди-да, ўзи чиқиб кетди. У ерда кундузи Ҳожининг эшигига келган «гадой» – Вазирий чой ичиб ўтирарди.

У Ҳожини кўриши билан ўрнидан турди, икки қўлини тавозе билан узатиб сўрашди. Кўрпачага ўтириб фотиҳа қилишгандан сўнг, Ҳожи биринчи бўлиб сўз бошлади.

– Нега муддатидан олдин келдингиз, тинчликми?

– Тинчлик бўлса, мен сизни безовта қилмас эдим, – деди чой қуя туриб «гадой».

– Нима бўлди, жаноби Вазирий, – деди Ҳожи хавотири янада ортиб.

– Амстердамда «Интерпол» ходимлари деярли икки юз килограмм юкни ушлашибди, шу туфайли операцияни вақтинчалик тўхтатиб туришга буйруқ келди, – деди Вазирий.

– Қандай қилиб уларнинг изига тушишган, наҳотки пахта кип¹лари ичидан ҳам топиб олишган бўлса?!

– Йўқ, йўқ, уларни пахта киплари ичидан топишмаган, балки куръерлар томонидан етказилаётган пайтда қўлга олишган. Хайриятки, улар бир-бирларини танимайдилар, лекин барибир,

¹ Пахта киплари – пахта толасини 180-220 килограммдан ўраб, пўлат ёки сунъий симлар билан боғланади.

ҳар эҳтимолга қарши, ҳозир бу ишни тўхтатиб туришга келишилди, – деди Вазирий.

– Демак, бу ишларда биз томондан хатога йўл қўйилмаган, шундайми?

– Ҳа, шундай, ҳаммаси уларнинг айби билан бўлган, бироқ барибир энди бу канални ёпиш керак. Амстердамга юк юбориш хавфли бўлиб қолди. «Интерпол» ҳар қанча қилса ҳам хорижлик ҳамкорларимизнинг изига туша олмайди, аммо жуда эҳтиёт бўлиш керак!

– Демак, бу каналдан воз кечишимиз керак экан-да? – ишониб-ишонмай яна сўради Ҳожи.

– Улар билан узил-кесил алоқани узиш ҳақида сўз бормаяпти, балки бу ишлар тинчигандан кейин ўйлашиб кўрамиз, – деди Вазирий.

– Хўш, Қўрғондаги ишларимиз қандай бормоқда?

– Қўрғонда ишлар жойида! Яна 55 та укки болалари тарбияланмоқда, ҳозир уларнинг сони икки юздан ошиб кетди, – деди Вазирий. Ҳожи ўзича бир нарсаларни ҳисоблаб, мамнун бўлди.

– Эскиларига икки қадок¹, янгиларига бир қадокдан ортиб жўнатилмоқда.

– Маблағлар ўз вақтида банкларга келиб тушмоқдами? – деди Ҳожи.

– Ҳа, белгиланган ҳисоб рақамларига пуллар келиб тушмоқда ва мақсадли ишлатилмоқда. Лекин, сиз қўшимча шартномаларни имзолаш учун Бернга боришингиз зарур, чунки куролларнинг нарх-навоси ўзгарибди, – деди Вазирий.

– Буни эски шартномаларга ҳам алоқаси борми?

– Йўқ, йўқ, – деди Вазирий қатъий, – эски шартномалар ўз кучида қолган, фақат янгиларини муҳокама қилиб, имзолаш зарур.

– Менга бир ҳафта муддат керак, оила аъзоларимни тайёрлаш учун... акс ҳолда, қутилмаганда сафарга отлансам... ходимларим ва хотинларим ташвишланишлари турган гап. Чунки баҳорда бориб келгандим, яна «кетаман» десам, шубҳаланишлари мумкин, – деди Ҳожи.

¹ Муслмон давлатларидаги ўлчов бирлиги. Бир қадок 400 граммни ташкил этади (*муаллиф изоҳи*).

– Жуда соз, бир ҳафта муддат бизни қониктиради, имкони бўлса, бу гал Машҳаддан учинг, у ердан Бернга самолёт бор, Прагада тўхтаб, сўнгра Швейцарияга бориб кўнади.

– У ердаги ишлар қандай кетяпти? – савол берди Ҳожи.

– Дохий¹ ҳозир Араб мамлакатлари бўйлаб сафардалар, шу нинг учун ҳам Бернга сиз бориб, шартномаларни имзолашингиз керак. Ҳалиям тушунмадингизми? – деди Вазирий.

– Энди тушундим, – деди кулимсираганича Ҳожи.

– Мабодо қандайдир ўзгариш бўлса, рациянгизга хабар қилинади, чунки камина тез кунларда Пешоварга кетаман, кушларни эса Абдулла учириб туради, – деди «гадой». Ҳожи бироз ўйла-ниб турди. Буни кўрган гадой кийимидаги Вазирий:

– Бошқа гапингиз, илтимосларингиз бўлмаса, хайрлашсак, – деди.

– Йўқ, йўқ– гапим йўқ, ўзим шундай.., – деди Ҳожи ва ўрнидан турди. Улар қўл сиқишиб хайрлашишди.

Айғирига минганча хаёллар оғушига чўмган Ҳожи паришон ҳолда қандай қилиб уйига етиб келганини ҳам билмай қолди. У аёллар яшайдиган ички ховлига кириб, кийимларини алмаштирди. Бошига дўпписини кийди. Хотинлари бир коса лағмон кўйишди, у овқатдан бош тортиб:

– Негадир фарзандларим тушимга кириб чиқишди, тинчликмикан?! Ахир баҳорда бориб, ҳолларидан хабар олгандим, – деди. Унинг икки фарзанди катта хотинидан, биттаси эса кичигидан эди, шу сабабли уларни ажратиб ўтирмай, кўпликда гапираётганди. Икки хотиндан бўлган ўғил фарзандлар ўша ерда таҳсил олишаётган, кизи эса шу хонадонда катта бўлаётганди.

– Биз ҳам жуда соғиндик, дадаси, – деди хотинларидан бири.

– Ҳа, дадаси, – кундошининг гапини маъқуллади иккинчи хотин. – Агар боришни мўлжаллаётган бўлсангиз, – дея яна гапни илиб кетди у, – бизни ҳам ола кетинг...

– Илтимос, – қўшимча қилди анча бамаъни, мулоҳазали бўлган катта хотини, кичкина бўла туриб катталарга гал бермай бидираб кетган кундошидан хафа ҳам бўлмай.

¹ Бу ерда «Толибон» ҳаракатининг бошлиғи Мулла Мухаммад Умар Охунд хақида гап кетмокда (*муаллиф изоҳи*).

– Майли, ўйлаб кўрамиз, – деди Ҳожи ва таҳорат олиш учун кетди. Чунки ҳуфтон намози яқинлашиб қолганди. Эртасига туриб, яна тушида фарзандларини кўрганини айтди-да, Машҳад оркали Бернга учадиган рейсга учта чипта буюрди...

VIII ФАСЛ

«ТОЛИБОН» ҲАРАКАТИНИНГ ГИЁҲВАНД МОДДАЛАР ҲИСОБИГА ҚУРОЛЛАНИШИ

Ортга бироз чекиниб, «Толибон Ислом ҳаракати» тарихига назар ташласак. Бу ҳаракат Мулло Муҳаммад Умар Охунд бошчилигида Пешовар шаҳрида Покистон Ислом давлати раҳбариятининг бевосита қўллаб-қувватлаши натижасида тўқсонинчи йиллар бошида юзага келади. Бу ҳаракат халқаро диний-экстремистик ташкилот билан алоқа боғлаб, Афғонистонда Ислом давлати тузишни ўз олдига мақсад қилиб қўйганди. Аслида, бу ҳаракат Афғонистонда Ислом давлати ташкил топиши, мазкур давлат раҳбариятининг мустақил, бетараф, кучли давлатларга тобе бўлмасдан сиёсат юритишига қаратилган йўналишини ўзгартириш мақсадида АҚШ Давлат департаменти ва Марказий разведка бошқармаларининг ҳомийлигида ташкил этилиб, Покистон ҳукумати расмий доиралари томонидан қўллаб-қувватланади.

Аммо, «Толибон Ислом ҳаракати» раҳбариятининг Афғонистонда радикал диний-экстремистик, фундаментализм асосидаги ислом давлати тузиш ниятлари ошкор бўлгандан сўнг, бу ташкилотга моддий, молиявий ва бошқа турдаги ёрдамлар бериш тўхтатилади. АҚШнинг расмий доиралари Афғонистонда демократик шаклдаги Ислом давлати тузиш, эркин президентлик ва парламент сайловлари ўтказилишини талаб этишди. Аммо Мулло Умар бу таклифларни рад қилиб, радикал ислом фундаментализми асосидаги Ислом давлати тузиш ғояларини илгари сурди. Натижада, бу ҳаракатни ташкил этишда бевосита иштирок этган АҚШ расмий доиралари ўзларини бир чеккага олишди. Шундан сўнг, Мулло Умар халқаро диний-экстремистик ташкилот раҳбарлари билан мустаҳкам алоқа боғлаб, улардан моддий ва молиявий ёрдам олиб, кучли қуролланган қўшин ташкил этишга эришади. Бу қўшинда турли ислом мамлакатларидан, айниқса, араб давлатларидан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, ҳатто Россия Федерациясидаги айрим мусулмон республикаларининг вакиллари ҳам бор эди.

Мулла Умар кўмондонлардан нафақат ҳарбий машғулот олиб боришни, балки бўлғуси толибларни рухий томондан чиниктиришни талаб этарди. Ҳар куни икки соат рухий ўқиш белгиланган бўлиб, унда етакчи дин арбоблари, собик раҳбарлар, «Толибон» ҳаракатининг юқори намояндалари ва ҳоказолар ғоявий чиқиш килишар, улар зўр олқишлар билан кутиб олинарди. Ҳаракатнинг дохийси Мулла Умар кўмондонларга шундай дерди:

– Ҳар бир толиб ўзининг ҳақлигини, Аллоҳ шуни хоҳлаётганини руҳан сезиши, ғоявий жиҳатдан чиникқан бўлиши шарт, шунда бизнинг зафар қозонишимиз аниқ бўлади, буни ҳеч бир қийинчиликсиз амалга оширамиз, бу асосий тарбиявий ишимиз бўлиши керак. Шундай килиш керакки, уларнинг миялари, тафаккурларига бу ғоявий фикрларни қуйиб қўйиш зарур, чунки бизлар чинакам Ислому давлати тузишга киришганмиз, акс ҳолда ҳеч қандай зафар қозониш мумкин бўлмайди, жаноблар.

Шу туфайли рухий томондан бўлғуси толибларни тарбия қилишга қаттиқ эътибор бериларди...

* * *

Минг азоблар билан Берн аэропортига етиб келишди. Самолётга биринчи марта чиққан хотинларидан бирининг кўнгли беҳузур бўлиб, кўп кийналди. Стюардессалар унга дарров қоғоз пакет тутқазишди. Шаҳарга чиққач, Ҳожи соҳиб такси ёллади, улар Берн шаҳрининг марказига йўл олишди. Меҳмонхонага жойлашишди. Вақт алламаҳал бўлиб қолганлиги учун дарров ётиб дам олишди. Эрталаб бомдод намозини ўқиғач, Ҳожи соҳиб сафар вақтида кийиладиган европача кийимларини жомадондан олди. Катта хотини уни дазмоллаб, тайёрлаб берди. Хотинлари ҳам европача тусга кириб олишди. Ҳожи соҳиб хотинлари учун аввалдан замонавий европача кийимларни харид қилган, уларни жомадонларга жойлашни хотинларига қайта-қайта тайинлаганди. Ҳаммалари тайёр бўлишгач, нонуштага тушишди. Нонушта килиб бўлиб яна хонага қайтишди.

– Эрталаб болалар дарсда бўлишади. Уларни ҳозир безовта қилмаган маъқул, – деди Ҳожи соҳиб хонимларга. – Ўтириб дам олиб турунглар, мен бир айланиб келаман.

У шундай деб хонадан чиқиб кетди. Марказий почтага бориб, телеграмма қоғозини олди, немис тилида нималарнидир ёзиб, почта ходимига узатди.

– «Битте¹», – деди такаллуф билан. Почта ходими сатрларни хисоблаб чиқиб, унинг нархини ёзди:

– Марҳамат, беш Швейцария франки.

Ҳисоб-китоб қилгач, почта биносидан чиқиб, ортга – меҳмонхонага қайтди. Тушдан сўнг фарзандлари келишди. Кечки овқатга бирга тушишди. Сўнг такси чақиртириб, болаларни ўқишларига жўнатиб юборди. Улар билан эртага дарсдан сўнг учрашиб, дам олиш кунларини ҳам бирга ўтказишга келишишди.

Ҳожининг аёллари аксарият вақтларини дўконлар ва супермаркетларда ўтказишарди. Ҳожи уларга ҳамроҳлик қилиши учун сайёҳлик ширкатидан форс тилини биладиган бир аёлни ёллади. Хотинлар дўконма-дўкон юриб-юриб, меҳмонхонага тушлик вақтига етиб келишарди. Тушдан кейин ширкат ходими кетар, кундошлар эса кунларини хонада, харид қилган нарсаларини, газламаю матоларни томоша қилиш, кийим-бошларни кийиб кўриб, ўзларини кўзгуга солиш билан ўтказишарди.

Шанба куни фарзандлари келишди. Ҳожи соҳиб уларга ҳам бир хонани олдиндан банд қилиб қўйганди, душанба кунигача улар ҳам меҳмонхонада – ота-оналарининг ёнида бўлишди.

– Бу ерлар менга жуда таниш, сизлар оналарингизни олиб, хайвонот боғи, дўконлар, сайилгоҳларда айлантириб келинглар, – деди Ҳожи якшанба куни эрталаб, – мен меҳмонхонада қоламан, дам олиб тураман, улгурсанглар тушликка келинглар, бўлмаса сизларга кечгача рухсат, бемалол бораверинглар.

Уларни жўнатиб юбориши зарур эди, чунки бугун хорижлик ҳамкорлар билан учрашишга келишган, шу туфайли хонадан киши билмас қилиб чиқиб кетишни режалаштирганди. Ҳатто хонанинг калитини ҳам ўзида олиб юриши зарур эди. У хонани йиғиштириб кетишларини кутди. Оксочлар келиб кетгач, аста-секин ташқи эшикдан – хизмат йўлагидан юриб, меҳмонхонанинг бошқа тарафидан кўчага чиқди. Дарров такси тўхтатиб, марказга юришни сўради. Швейцария полицияси, хавфсизлик

¹ Немис тилида “марҳамат” деган тушунчани беради.

хизмати хориждан келган унча-мунча сайёҳга, тижорат мақсадида келган фуқароларга деярли эътибор бермаседа, Афғонистондан келган ҳар қандай одамни кузатишлари аниқ эди. Буни ҳисобга олган Ҳожи соҳиб хотинларини ҳам ўзи билан олиб келишга мажбур бўлганди. Албатта, бу ишлар конспирация мақсадида қилинган, акс ҳолда у ҳеч қачон бунақа сафарга хотинларини етаклаб келмасди. Хотинларини бошлаб гўёки фарзандларини кўриш учун келгани унинг учун ишончли важ-қорсон эди, мана шу баҳона ҳар қандай текширувга чап беришни ёки шубҳа-гумонлардан ҳоли бўлишни таъминларди.

Ҳожи соҳиб шаҳарни айланиб, айтилган муддатда бир дўкончага кирди. Бир муддат харидор қиёфасида витриналарга қараб турди, кейин зимдан кўчани кузатди. Дўкон эгаси:

– Келинг герр¹, нима харид қилмоқчисиз? – деб сўради. Дўкондор ҳам кўча тарафдан нигоҳини узмас, йўлдан ўтаётган инсонларни сезилар-сезилмас хавотир билан бирма-бир кузатарди. Бу антиквар дўкончада эски даврларга оид буюмлар сотилларди. Дўкон пештахталарида кум соатдан тортиб, қадимгичинни буюмлар, сувенирлар ва бошқа ҳар хил ажойиботлар кўзни қамаштирарди. Бироз уларга тикилиб турган Ҳожи соҳиб:

– Мени қўл соати қизиқтиради, фақат 1939 йил²да чиқарилгани бўлса..., – деди Ҳожи соҳиб. Бу пароль эди, дўкон эгасининг жавобига қараб, келишилган одамлар билан учрашилларди.

– Кечирасиз герр, бу соатлар бизда йўқ, аммо икки кундан сўнг кирсангиз, топиб қўямиз, – деди дўкон эгаси. Худди шундай жавоб берилиши керак эди, бу ҳеч қандай хавф йўқ, бемалол ичкарига ўтсангиз бўлади, деган маънони англатарди.

У дўконнинг ичкари хонасини очиб, Ҳожи соҳибни ичкарига таклиф қилди. Бу каби дўконлар хусусий бўлиб, асосан уйларнинг биринчи қаватига жойлашганди, орқа тарафдаги бошқа хоналаридан омборхона сифатида фойдаланиларди.

Ҳожи кирган хонада икки одам гаплашиб, қаҳва ичиб ўтирарди. Бу одамлар унга яхши таниш, улар билан кўп йиллардан бери ҳамкорлик қилиб келишарди. Улар ўринларидан туриб

¹ Немисчадан “жаноб” деб таржима қилинади.

² Иккинчи жаҳон уруши бошланган йил.

Ҳожи билан қўл олишиб кўришишди, дўкон эгаси эса яна ўз растасига йўналди.

– Сизни безовта қилишга мажбур бўлдик, – деди ўтирганлардан бири.

– Ҳечкиси йўқ, Ал-Бадр жаноблари, баҳонада фарзандларим билан кўришдим, – деди Ҳожи соҳиб.

– Жуда ажойиб иш бўлибди, хизмат сафари туфайли фарзандларингизни ҳам кўрибсиз, – деди бошқаси.

– Ҳа, ҳа, Аллоҳга шукур, шу кунларга етказганига, Ал-Ҳусайн жаноблари, – деди Ҳожи соҳиб. Улар араб тилида сўзлашаётгандилар.

– Майли, бу ишлар жуда соз, лекин мана бу ёзувларга каранг, жаноби Ҳожи, қурол-аслаҳанинг нархи бироз ўзгарди, ҳамкорларимиз аввалги нархларда беришга рози бўлмадилар, унчалик ошмаган, бир хиллари 5–7, бошқалари эса 9 фоизга кўтарилган холос. Шуни сиз билан муҳокама қилиб, шартномаларга имзо чекишимиз зарур, сўнгра юкни ортиш бошланади, – деди Ал-Бадр. Ҳожи соҳиб ўзига берилган қоғозларни бирма-бир кўриб чиқиб, ҳужжатларда келтирилган рақамларни калькулятор ёрдамида қайта-қайта ҳисоблаб чиқди.

– Демак, 1 млн. 248 минг доллар бўларкан-да, сал туширишининг иложи йўқмикан? Араб давлатларидаги маблағ бир миллиарддан ошиқ, бошқа банкдаги пулларни бира тўла ўтказсак, шубҳа уйғотиши мумкин, – деди Ҳожи соҳиб.

– Бунинг ҳеч иложи йўқ, жаноби Ҳожи, пулни иккига бўлиб ўтказишингиз мумкин, бунга хорижлик ҳамкорларни мажбур қиламиз, – деди Ал-Ҳусайн.

– Начора, бошқа банклардаги маблағнинг бир қисмини олишга тўғри келади, шунда ҳам банан, хурмо, ананаслар ҳисобига, бундан бошқа йўли йўқ.

– Бу энди сизнинг муаммоингиз, биз қўлдан келганича шартномани муҳокама қилиб, нархларни имкони борича арзонлатиб келдик, – деди Ал-Бадр.

«Ҳа, сенларни биламан-ку, мендан ҳам, қурол-аслаҳа етказиб берувчилардан ҳам фоиз олишга ўргангансанлар... «Нархларни туширдик» деб кимга эртак айтаяпсанлар, менгами?! Устига ўз

фойдаларингни ҳам қўйгандирсанлар эҳтимол, сенлар фақат фойда учун ишлайсанлар-ку, мусулмон олами билан ишларинг йўк.» деб юборишига оз колди Ҳожининг. Бирок, ўзини тутди. Яна бироз ўйланиб турди-да, шартномаларга бирин-кетин имзо чекиб, муҳр босиб чиқди.

Ҳамкорлар ишларини бажариб бўлиб, энди кетишга чоғланган эдилар, дўконга харидорлар кирган бўлса керак, кўнғироқ жиринглади. Улар бу нимага ишора эканлигини англаб, сукут сақлаб ўтиравердилар. Бернда одатда ҳар бир дўконча эшигига кўнғироқ ўрнатилар, келганлар дўкон эгаси ичкарида бўлса, уни шу кўнғироқ ёрдамида чақиришарди. Аммо айни пайтда дўкон эгаси ўз хизмат жойида эди. Кўнғироқ тугмасини эса унинг ўзи босган, бу «дўконга бегона одамлар кирди, ҳозир чикиб кетиш мумкин эмас» деган маънони англатарди. Дўкон ҳам айнан шу яширин мақсадларда қурилганди. Унинг шаҳарнинг камқатнов мавзесида очилганига сабаб ҳам шу, у конспирация¹га мослаштирилганди. Дўконнинг орқа эшиги ҳам бор бўлиб, у камдан-кам ҳолларда, дўконга юк келтирилгандагина очиларди. Мабодо жиддий хавф-хатар сезилса, шу эшик орқали ҳам чикиб кетиш мумкин эди.

Аммо ҳозир бунга ҳожат йўк эди. Дўконга туристлар кирган, дўкон эгасининг улар билан қандайдир ажнабий тилда сўзлашаётгани эшитиларди.

Улар ярим соатча ичкарида қолиб кетишди. Кейин дўкон эгаси чалган кўнғироқдан сўнг бирин-кетин ташқарига чикиб, ўз йўллари билан ҳар томонга кетишди. Ҳожи соҳиб такси тўхтаиб эндигина манзилни айтмоқчи бўлиб турганда, олдига бир одам келди-да, дарҳол дўконга қайтиб боришини, у ерда уни кутиб туришганини айтди. Яна ноилож «Принц Алберхштрассе» кўчасидаги антиквар буюмлар дўконига равона бўлди. Дўкон эгаси у билан яна қайта саломлашиб, ичкаридаги омборхонага ишора килди. Ичкарида уни умуман нотаниш, европача кийинган, соқолли икки киши кутиб олди. Ҳожи уларни диққат билан кузатиб, индамай турди, агар улар хақиқатдан ҳам Мулла Умарнинг мужоҳидлари бўлса, паролни айтишлари керак эди.

¹ Махфий учрашувларга мўлжалланган жой.

– Сизга, жаноби Ҳожи соҳиб, Пешовардаги дўстларингиз қизгин саломлар йўллашди, соғлигингизга қизиқишди, – деди пакана бўйли одам.

– Охирги пайтларда ревматизм авж олиб, ўзимни лоҳас сезяпман, – деди Ҳожи бироз дадилланиб, – дўстимиз ваъда қилган илон захридан тайёрланган дорини ҳали ҳам юбормаганига ҳайрон бўляпман.

Бу махфий жумланинг – паролнинг давоми эди. Унинг бу гапидан сўнг иккисининг ҳам кўзлари чакнаб, чеҳраси очилди, келиб у билан қўл бериб сўрашишди.

– Сизнинг бу ерга келганингизни Мулла Биродар жаноблари хабар қилдилар, у киши сизга қуйидаги топшириқларни етказишни илтимос қилиб юбордилар, – деди пакана бўйли одам.

– У кишининг топшириқлари биз учун дастуруламал, хўш, менга қандай хизмат буюрдилар? – деди Ҳожи.

– Хабарингиз бор, ҳозир у кишининг ихтиёрларида икки мингга яқин мужоҳидлар тўпланиб, ҳарбий машқлар бошлашган. Аскарлар ойлик маошдан қийналиб қолганлар, озик-овқат, кийим-бош дегандай... шунга ёрдам қилиб юборишни сўрадилар. Тижоратдан тушадиган нақд маблағларнинг бир қисмини Пешоварга юборишингиз даркор экан.

Афтидан у ташкилий ишларга масъул бўлиб, ёнидаги барзанги унинг кўриқчиси эди.

– Бош устига, ҳар ҳафта тахминан қанча маблағ юборишим зарур? – деди Ҳожи.

– Гап камида 40-50 минг доллар устида бормоқда, кейинчалик мужоҳидлар сони ошади ва бу рақам бир неча бараварга ортади, – деди яна ўша одам.

– Кечирасиз, – деди Ҳожи, – мен ким билан мулоқот қилаётганимни билсам дегандим.

– Мен Ал-Ҳолид бўламан, – деб жавоб берди у.

– Бундай имкониятни топишга ҳаракат қиламиз, Ал-Ҳолид жаноблари, чунки деярли барча маблағлар офшор¹ худудлардаги мамлакатларга ўтказилиб, сўнгра Европа, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Иордания ва бошқа банкларда-

¹ Эркин молиявий-иқтисодий худуддаги мамлакатлар.

ги ҳисоб рақамларимизга келиб тушади, лекин бунинг уддасидан чиқишга ҳаракат қиламиз, – деди Ҳожи. У ўзининг сейфларида сақланаётган нақд маблағларни назарда тутган эди.

– Сиз билан ишлаш осон экан, Мулла Биродар жаноблари айнан ана шу масаланинг ечимини кутгандилар. Энди сизга бир сирни очсам, етарли куч йиғиб олгач, сизга маълум режалар амалга оширилгач, сарф қилган маблағларингизни Мулла Умар жаноблари бир неча барсбар қилиб қайтарадилар, – деди Ал-Ҳолид.

– Мен Афғонистонда мустаҳкам ислом давлати тузилиши тарафдориман, шунинг учун курашмоқдаман ҳам, камина ана шу ниятларимга етсам, олам гулистон. Пул нима, қўлнинг кири, келади, кетади, шу билан менинг бойлигим камайиб ҳам қолмайди, аксинча Аллох баракасини бериб, кўпаяди, Ал-Ҳолид жаноблари, – деди Ҳожи.

– Офарин, тасанно, менга Мулла Биродар сизни худди ана шундай таърифлагандилар, ўйлаганимдан ҳам ортик инсон экансиз, – деди Ал-Ҳолид.

– Нақд маблағларни қачон жўнатишим керак?

– Қанча тез бўлса, шунча яхши. Лекин бу вақтинчалик амалиётдир, ўзингиз билган нарсалар келиши билан нақд пул масаласи ҳал бўлади, ундан сўнг бу ишлар тўхтатилиб, маблағлар марказлашган ҳолда келиши назарда тутилмоқда. Шу масалаларни ҳал этиш мақсадида Мулла Умар жанобларининг араб давлатларига сафар қилганларидан хабарингиз бор албатта, – деди яна Ал-Ҳолид.

– Ҳа, ҳа, бу режалардан камина хабардорман, – деди Ҳожи.

– Энди бир оғиз алоқаларимиз ҳақида гаплашиб олсак, нақд маблағларни мана бу кишига берасиз, бу кишининг исмлари Ал-Жамил, – деди ёнидаги одамни кўрсатиб.

– Менинг турад жойимни биласизми? – деб сўради Ҳожи соҳиб.

– Ҳа, албатта, аммо у ерларда ҳали бўлмаганман, – деб жавоб берди унинг суҳбатдоши.

– Сиз менинг олдимга фақат бир марта келасиз, шунда камина сизни ўзимга содик бўлган бир инсон билан таништираман,

колган маблағларни ўша одам орқали оласиз, чунки кўрғонни Амният¹ хизмати ходимлари доимо кузатиб туришлари мумкин, бу ҳолатлардан эса хушёр бўлишимиз зарур, – деди Ҳожи соҳиб.

– Тушунарли, – деди бошини кимирлатганча Ал-Жамил.

– Менимча, барча масалаларни ҳал қилиб олдик, сиз қачон юртга қайтмоқчисиз?– сўради Ал-Холид.

– Икки кундан сўнг... сиз эса Ал-Жамил жаноблари, бир хафтадан сўнг, жума куни келинг, шунда мен ишончли одам билан таништираман ва дастлабки 50 минг долларни бериб юбораман, – деди Ҳожи соҳиб.

– Бўлмаса, хайрлашайлик, жаноби Ҳожи соҳиб, – деди Ал-Холид

– Худо ўзи юмушларимизни осон этсин, омин, Аллоҳу акбар! Улар юзларига фотиҳа тортишди. Сўнг қўл сиқишиб, хайрлашишди. Мулла Умарнинг вакиллари Ҳожи соҳибнинг чиқиб кетишини кутиб турдилар-да, сўнгра ўзлари ҳам орқа эшикдан кўчага чиқдилар.

Ҳожи соҳиб бироз пиёда юриб борди-да, рўпарасидан келаётган таксини ўтказиб юбориб, кейингисига қўл кўтарди. Меҳмонхона манзилини айтиб, машинага ўтираркан, чуқур хаёлга толди: «Бу маблағлар гиёҳванд моддалар ҳисобига келаётганини наҳотки Мулла Умар, Мулла Биродар ва бошқалар билишмайди?! Билсалар керак, акс ҳолда камина улар билан бир дастурхонда ўтириб, туз-намак бўлмас эдим. Бизларни таништирган одам менинг нима ишлар билан машғуллимизни айтган бўлса керак. Ёки айтмаганмикан? Шунчаки бой-бадавлат одам деб таништирган бўлса-чи?! Унда толиблар юртимизга кириб келганларидан сўнг бир қадар монетьликлар чиқмасмикан? Менга келаётган маълумотларга қараганда, жангариларга гиёҳванд моддалар, кайф берувчи ичимликлар ичишга рухсат берилмаган. Бундай ҳолатларга йўл қўйганлар дарҳол қўшин олдида дорга осилиб ўлдирилар экан. Тўғри-да, қўшинда мустаҳкам интизом ўрнатмасдан туриб ғалабага умид

¹ Амният хизмати – Афғонистон Ислоҳ давлати Миллий хавфсизлик хизмати.

қилиш номаъқул иш. Ўзим ҳам зобитман, балким шуни эътиборга олиб, шундай қилинаётгандир. Бунинг устига аксарият гиёҳванд моддалар Европа ва Лотин Америкаси мамлакатларига, хатто АҚШга транзит қилинмоқда, Россияда эса унинг ўндан бир миқдори ҳам қолмаяти. Буни насронийларга қарши кураш рукнида кўрсатиш ҳам мумкин, ҳа, ҳа, худди шундай намоёиш қилиш маъқул, валлоҳу аълам!» Такси ўриндиғига ястаниб кетаётган Ҳожи соҳиб қилаётган ишларини, режаларини яна бир тарозидан ўтказгандек хаёлан таҳлил қилиб чиқди. Топган ечимлари, қилган хулосаларидан кўнгли тўлиб, енгил тортди. У манзилга етиб келганида тушлик вақти ўтиб кетганди. Мухим юмушлар билан банд бўлиб, овқатланишни ҳам унутганди. Меҳмонхона зиналаридан кўтарилар экан, қорни очганини ҳис қилди.

Кўп йиллар зобит сифатида ҳарбий хизматни ўтаган бу одам очликка ҳам бардошли эди. Ҳозир у шаҳар бўйлаб сайрдан чарчаб келган оила аъзоларини, фарзандларини кўриб, қорни очганини ҳам унутди ва улар билан мулоқотга берилиб кетди. Хатто кечки овқатга ҳам бироз кечикиб тушишди. Метрдотель¹ ва уларга хизмат қилувчи официант уларнинг овқатга кеч тушганларига ҳайрон бўлишди. Уларнинг столи аллақачон безатилган, ўтириб жойлашишлари билан официант буюртмани олиб, бажаришга киришиб кетди. Ҳожи соҳиб столга териб қўйилган газли ичимликлар, ҳар хил шарбатларни ҳуш кўрмасди, унга аччиқ кўк чой бўлса бас. Унинг бу одатини билиб олган официант дарҳол чой келтирди, хотинларидан бири уни қайтариб, сўнгра қуйиб узатди. Фарзандлари ва хотинлари эса шунақа ичимликларга ишқибоз эдилар. Кечки овқат устида жимлик саклаб ўтиришди. Хонага чиқишгач, Ҳожи соҳиб оила аъзоларини олдига ўтказиб гап бошлади:

– Мана, фарзандларингизни кўрдингиз, энди юртимизга қайтсак дегандим. Менинг ишларим бошимдан ошиб ётибди... Сўнг болаларига юзланиб: – Сизлар ҳам энди уйлариңгга боринглар, ўқишлариңгдан чалғиманглар, худо хохласа, индинга

¹ Нуфузли ресторанларда мижозларни жойлаштирадиган, керакли жойга олиб бориб ўтқизадиган хизматчи.

самолётга чипта буюриб қўйдим. Хўш, менга нима гапларингиз бўлса, айтинглар, мен энди ҳали-вери келолмасам керак.

– Ота, менга бироз нақд пул керак, Вена ва Берлинга саёҳат қилмоқчимиз, ўқитувчиларимиз ўзларингга яраша маблағ олинглар, дейишди, – деди катта ўғли Алиакбар.

– Канча?

– Уч юз АҚШ доллари ёки беш юз немис маркаси, – деди Алиакбар.

– Кўплик қилмайдими? – деди онаси.

– Ота, ҳамма ҳамкурсларим шунча миқдорда пул олишга шайланишмоқда.

– Ўғилларим, мен сизлардан ҳеч нарсани аямайман, фақат жуда эҳтиёт бўлишингиз лозим. Ҳар қандай одам билан ҳам дўст тутиниш ярамайди. Ҳозирги замонда ким кўп, ҳасадгўйлар, ғаламислар кўп. Шундан кўрқаман, холос. Мана сенга беш юз марка, эҳтиёт қилиб ишлатгин.

Сўнг Ҳожи «сен нима дейсан?» дегандай кичик ўғли Ҳабиб-акбарга қаради.

– Ота, менга ҳам бироз нақд пул керак, ахир кредит карточасини майда-чуйдаларга ишлатиб бўлмайди-ку, – деди Ҳабиб-акбар.

– Юз Швейцария франки етадими? – сўради ота.

– Бемалол, орғиб ҳам қолади...

Пулни олишгач, болалар ота-оналари билан хайрлашиб, ўз ётоқларига кетишди. Айтилган кун етиб келди. Сафар ҳам ниҳоялади. Ҳожи соҳиб аёллари билан «Люфтганза» ҳаво кема-сида Карачи аэропортига қўнишди...

IX ФАСЛ ҚЎРҒОННИНГ ИСТИЛО ҚИЛИНИШИ

Эркин бошчилигидаги махсус отряд кўрғонга қандай қилиб кириш ҳақида ўйлай бошлади. Қўрғонни тўлиқ портлатиб юбориш режаси ҳам йўқ эмасди. Бу мулоҳазалар космик телефон орқали «Координация бюроси» билан алоқа белгилангандан сўнг базага келди. Мазкур худудда гиёҳванд моддалар транзитига хомийлик қилаётган кучлар борлиги ҳақидаги маълумот Тожикистон Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар идораларига хабар қилинганди. Вертолётларда зудлик билан етиб келган махсус хизмат вакиллари кўрғон атрофида бир муддат текшириш ўтказдилар. Улар «Интерполь» ва «Координация бюроси»га берилган ахборотлар қаердан олинган, қандай қилиб ва кимлар орқали етиб келганлигига ҳам обдон қизиқиш кўришди. Махсус хизмат ходимлари бу сирни кафолатлашгани учун Эркиннинг гуруҳини пайқай олишмади. Ҳар эҳтимолга қарши, полковник Максимов уларга бир-икки кун жойларидан қўзғалмасликни тайинлади.

Мабодо Тожикистон расмий доиралари бу жиноятларга қарши ҳеч қандай чора кўрмасалар, ишни Эркиннинг гуруҳи орқали амалга оширишни мўлжаллаб қўйгандилар. Максимов билан телефонлашгач, Эркин ҳарбий операцияни амалга ошириш борасида уларнинг буйруғини кутиб туришга мажбур бўлди.

– Полковник Максимов Тожикистон расмий доираларига чикибди, агар улар етарлича чора кўрмасалар, унда бу операцияни амалга оширишга рухсат беришаркан, – деди у дўстларига мурожаат қилиб, – бироқ, буни видеога ёзиб олиш керак, акс ҳолда суверен давлатнинг ички ишига аралашиб қабилидаги турли бўҳтонларда айбланишимиз мумкин экан. Максимов бу тўғрида ҳам огоҳлантирди, хўш, нима дейсизлар?

– Дарҳақиқат, агар мустаҳкам асослар бўлмаса, жавобгар бўлишимиз ҳеч гапмас, – дея Эркиннинг гапларини тасдиқлади Семенов. – Шунинг учун ашъвий далиллар керак, ҳеч бўлмаганда учта одам буни тасдиқлаб, кўрсатма бериши даркор, акс ҳолда жуда катта жанжал кўтарилади. Энг ёмони, биз чегарадан

ноконуний ўтиб, диверсия ишлари билан шуғулланганлар каторида жавобгарликка тортиламиз, камалиб кетамиз.

– Қани кутайлик-чи, расмийлар нима хунар кўрсатаркин, шунга қараб иш қиламиз, – деди Эркин.

Улар кўрғон атрофидаги ўрмонга беркиниб, туну кун дурбин орқали вазиятни ўргана бошлашди. Тонгга якин бир нечта вертолёт кўрғон яқинига кўнди, уларни камуфуляж кийган махсус қисм аскарлари ўраб олишди. Вертолётдан кимлардир тушиб келишди. Бу – генерал Шоимовнинг ўзгинаси эди. У гўёки вазиятни назоратга олиш, кўрғонни тафтиш қилиш учун ташриф буюрган, ҳаммаёкнинг тити-питисини чиқазиб юборишган, лекин ҳеч қандай гиёҳванд моддалар топа олишмаган эди.

Турган гапки, генерал Шоимов «Координация бюроси» ходимларини суверен давлатнинг ички ишларига аралашишда, Тожикистон Республикаси наркотик моддаларни транзит қилишга имкон беряпти, деган ёлғон ахборотни тарқатишда айблади. Бундан кейин яна шундай ҳолат такрорланса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)га норозилик нотаси киритилиши ҳақида бу идорага огоҳлантириш хати ҳам юборди. У берган расмий маълумотга кўра, шубҳа остига олинган кўрғонда аслида орнитолог¹ларнинг лабораторияси жойлашган бўлиб, у ерда олимлар мазкур ҳудудда яшайдиган қушларнинг табиати, феъл-атвори, яшаш тарзи устида илмий тадиқот ишлари олиб бораётган эмишлар. «Координация бюроси» раҳбарлари эса ҳеч қандай текширувсиз Тожикистон маъмуриятини гиёҳванд моддаларни транзит қилишга бош кўшаётганликда айблаб, БМТга ёлғон ахборот берган эмишлар. Бу эса ўз навбатида суверен республиканинг ички ишларига аралашиш сифатида баҳоланган ва катъий чоралар кўриш илтимос қилинганди. Шу мақсадда ҳатто Тожикистоннинг БМТдаги доимий вакили махсус нота билан бош котиб хузурига кирганди.

Дарҳақиқат, бу кўрғон ана шундай мақсадларга мувофиқлаштирилган, давлат рўйхатидан ўтган; ўз низоми ва жамғармасига эга эди. Ҳар замонда бу ерларга шу масалалар билан шуғулланадиган атокли жаҳон олимлари ташриф буюри-

¹ Паррандалар бўйича мутахассис.

шар, ходимларга семинар ва лекциялар ўтказишар, қилаётган илмий ва амалий ишлари билан танишиб кетишарди. Ҳатто жаҳон матбуотида бир неча бор бу илмий-тадқиқот масканига доир мақолаларнинг чоп этилиши «Интерпол» ва «Координация бюроси» раҳбарларини «яна янглиш хулоса қилмаётган-миканмиз?» деган мулоҳазаларга ҳам олиб келганди. Шунинг учун кўрғонни ишғол қилгандан кейин қўлга киртиладиган ашёвий далиллар муҳим аҳамиятга эга эди. Шунга эришилган тақдирда, БМТ Тожикистон Республикасига қарши бирон бир санкция жорий этиши мумкин, ақс ҳолда мазкур ташкилотларнинг ўзлари жуда ноқулай аҳволда қолишлари, ҳатто жавобгар бўлишлари эҳтимолдан ҳоли эмасди...

Спутникли телефон орқали «Координация бюроси» билан алоқага чиққан Эркин бу гапларни эшитиб таажжубланди. Кўшимча текшириш ўтказилиши ҳамда самолёт орқали фотокамера ва бошқа керакли нарсалар юборилиши ҳақида сўровнома юборди.

– Сизлар шундай ҳаракат қилишингиз керакки, ҳеч қандай шубҳа ва гумон пайдо бўлмасин, – деди катъий полковник Максимов Эркинга телефон орқали, – лабораторияни топинглар, уларни видео тасмага туширинглар, бу иш билан шуғулланаётган одамларнинг кўрсатмаси жуда зарур, имкон топа олсангиз, гиёҳванд моддаларнинг транзит йўлларини аниқланг, ўша ердаги одамлар билишлари керак. Самолёт коридорига ўтсанглар, керакли жиҳозлар парашют орқали етказилади. Бугун душанба, самолёт чоршанба куни учади, координатларингиз бор, етказамиз, агар бу нарсалар ўз тасдиғини топмаса, зудликда у ердан кетинглар, чекиниш йўлларини бир неча бор сизлар билан муҳокама қилганмиз, энг асосий усул қўлланади, улар иш бермаса, эҳтиёт вариантлари ишга тушади, сизларга омад тилаб қоламан...

Ноилож яна ортга қайтишди, тўғрироғи, самолёт коридорига чиқишди, бироқ бу сафар шароитни анча билиб қолишгани учунми, тўққиз чақирим юришди холос. Шу ердаги бутазорларда яшириниб навбатдаги контейнерни кутишарди. Қажва тугаган, сўралган жиҳозлар, фото камера ва бошқа майда-чуй-

далар катори иккита термосда қаҳва ҳам юборилиши керак эди. Шуниси завкли эдики, тунги соат учларда учиб ўтадиган самолётни пойлаб, осмонга тикилиб ётишар, ҳеч кимнинг уй-куси келмас, узоқ-узоқларда милтираган юлдузлар уларнинг хаёлларини бир муддат қайларгадир олиб қочарди. Ўзларини худди ухлаётгандек осойишта ва сокин тутишар, аммо ҳар ким ўз ўйи билан банд эди. Эркин чуқур хўрсиниб, ётган куйи соатига бир қараб олди. «Вақт бунча секин ўтяпти-я!» хаёлидан ўтказди у. Ниҳоят, соат иккидан қирк саккиз дақиқа ўтгач, самолёт двигателларининг овози эшитилди. Самолёт одатда ёниб турадиган пастки чирокларидан ташқари яна кўшимча сигналларни бера бошлади, улар шартлашилганига кўра, уч бурчак шаклида тикланган ўтинларга олов ёкиб юборишди. Самолёт йўналишини ўзгартирмай, тўғри уларнинг устидан учиб ўта бошлади, шу пайт осмонда парашют кўринди. Тунги дурбин билан Эркин ва Семенов шамол уни қаерга олиб кетаётганини кузатиб туришарди. Парашют улардан деярли бир километрча олис масофага тушиб келаётганини кўрган десантчилар дарҳол ўринларидан туриб, ўша томонга қараб югура кетишди...

Контейнерни бўшатиб олиб, парашютнинг ўзини шу жойга кўмиб қўйишди. Сал нарироққа контейнерни ҳам кўмиб, керакли нарсаларни рюкзакларга жойлаб, асосий базага қайтиб келишди. Бу жой тўрт тарафдан тоғлар билан ўралган, дурбиндан кўрғонни бемалол кузатиш мумкин эди. Термоснинг қопкоғини очган Семенов қаҳвани ҳидларкан, шундай ҳузур қилди, станга қуяркан, уни дўстларига ҳам таклиф қила бошлади:

– Энг аввало, бир стакандан қаҳва ичайлик, ана ундан кейин киладиган ишларимизни муҳокама қиламиз.

Видео ва фото камералар алоҳида махсус паралон қутиларга жойлаштирилганди, қутида улардан қандай фойдаланиш бўйича йўриқнома рус тилида мукамал берилганди. Десантчиларнинг бари бунақа видео ва фото ускуналардан кўп фойдаланишган, уларни қўллаш, ишлатиш уларга муаммо эмасди.

Тоғлар ортидан куёш бош кўтариб, кун аста-секин ёришиб келарди. Йиғитлар сервелат, дудланган балиқ, «Бородинская»

нони ва кахва билан нонушта килиб олдилар. Сўнг бир даврага йиғилиб, маслаҳатлаша бошлашди.

– Ротний, – деди Семенов, – эътибор берган бўлсанг керак, бу ерга «УАЗ-469» машинасида бир одам тез-тез келади, кепка кийган, соқолли одам-чи! Бир ўзи... фақат хайдовчиси билан... уни асирга олиб, бир гаплашмаймизми?

– Мабодо, у одамнинг наркотикларга алоқаси бўлмаса-чи, унда нима бўлади, вақтидан олдин кўрғон эгаларини ғимирлатиб қўймасмикимиз? – деди Эркин хавотир билан.

– Ҳа, бундай бўлиши ҳам мумкин, аммо сезиб турибман, бу одамнинг наркотикларга алоқаси бор.

Улар турли усулларни муҳокама қилишди, аммо бирорта режа ҳам маъқулланмади. Ўйланган режаларнинг бирор натижа бериши даргумон бўлганлиги учун йигитлар «УАЗ»да келадиган одам ва унинг хайдовчисини қўлга олиб, сўрок қилиш режасида тўхташди. Семенов таъкидлаганидай, бу машина кўрғонга тез-тез келиб турар, энг қулай томони ҳеч қандай кўриқчилари йўқ эди. Улар кўрғонга кириб кетгач, камида ярим кун ичкарида йўқолиб кетишар, кечга яқин чиқиб, яна ортга қайтишарди,

Десантчилар ўша машинани деярли икки кун кутишди. Кузатувда икки кишидан туришарди, бу пайтда қолганлар дам олишар, маълум вақтдан кейин эса гуруҳлар алмашарди.

Навбатчиликда турган Ортик билан Адил узоқдан машина моторининг гуриллаган товушини эшитиб, хушёр тортишди. Кўрғон томон яқинлашиб келаётган «УАЗ-469»нинг қораси кўринди. Улар дарҳол Эркинга хабар беришди. Машина кўрғонга кириб кетди, йигитлар уни қайтаётганда «олиш»ни режалаштиришди, буни қандай амалга оширишни маслаҳатлаша бошлашди. Аммо ишнинг бир қалтис томони чиқиб қолди, кўрғонга «УАЗ»дан сал вақт ўтиб, икки юк машинаси ҳам келганди. Агар улар бир пайтда қўзғалсалар, бу операция оқибатли чиқиши мумкин эмасди. Тушгача кўрғонда жимлик ҳукм сурди. Ниҳоят юк машиналари ва кўриқчиларнинг «УАЗ-469» автомашинаси кўрғондан чиқиб, тоғ йўлларида аста ўрмалаб кета бошладди. Бироқ, соқолли одамнинг «УАЗ»и кўринмасди. Юк

машиналариниинг қораси кўринмай қолгач, орадан бир муддат ўтиб Эркин операцияни бошлашга қарор қилди:

– Ўйлаганимиздек, гранит тошларни худди кўчки тушгандек қилиб машинанинг йўлига қўйишимиз керак. Фақат кўпайиб кетмаслиги лозим, чунки шубҳаланиб қолишлари мумкин, фақат ўта олмайдиган, тўхташга мажбур қиладиган бўлса бас, шунда ҳам бир одамнинг кучи билан суриб ташласа бўладиган даражада... Улар ўртача катталиқдаги икки тошни машина ўтадиган сўкмоқ йўлга жойлаштириб, сўнгра яна яширинган жойларига қайтиб келишди. Бир неча кунлик кузатувлардан сўнг, юк машиналари фақат уч-тўрт кунда бир келиб-кетишига ишонч ҳосил қилишди, бу томонидан хавотир олмасдилар. Кунботар пайтда ҳайдовчиси билан ўша одам чиқаётганини кўрдилар. Десантчилар дарҳол пастликка тушиб, улкан тошлар ортига яширинишди.

– Уларни ортиқча ғалва кўтармасдан, шовқин қилмасдан кўлга олишимиз зарур, тушунарлими? – тайинлади Эркин сафдошларига ярим савол, ярим буйруқ оҳангида гапириб. Бу огоҳлантириш гарчи уларга ортиқча бўлса ҳам, эҳтиёт чораси сифатида яна бир бор эслатиб қўйишни жоиз деб билди у.

Тошлар панасида яширинган десантчилар машинанинг етиб келишини сабрсизлик билан кутиб туришарди. Машина яқин келгач, унда икки киши эмас, балки уч киши ўтирганини кўришди. Йигитлар бир-бирларига маъноли қараб олишди. Бунинг устига машинада пайдо бўлган учинчи одам автомат билан қуролланган эди. «Оббо, ишлар чатоқ-ку», дегандай яна бир-бирларига қараб қўйишди улар. «Улар қаршилиқ кўрсатиши ёки ўқ узиши аниқ, у ҳолда кўрғондагилар нима бўлганини аниқлаш мақсадида одам юборишлари мумкин». Шу фикрларни хаёлидан ўтказган Эркин Семеновга арбалетни тайёрлашни буюрди.

– Қуроли одамни отамиз, – шивирлади у Семеновга мақсадини тушунтириб, – юзага келган саросимадан фойдаланиб, қолганларни босамиз.

Машина сўкмоқ йўлда бетартиб сочилиб ётган тошлар олдига келиб тўхтади. Ҳайдовчи ва учинчи одам пастга тушди-да, сўкиниб, тошларни сура бошлашди. Шу вақт Эркин кўлини силкиб,

«Ўт оч!» командасини берди. Арбалетдан чиккан ўк нишонга тўппа-тўғри бориб, қуроли одамни жойида қотирди. Шериги эса бу пайтда катта тошни суриш билан овора эди, нималар содир бўлаётганини англолмай колди. Десантчилар сакраб туриб, машинага тирмашдилар. Қуроли одамларни кўрган ҳайдовчи бир лаҳза хангу-манг бўлиб туриб колди. Десантчилар автоматларини ўқталганча, машина атрофини ўраб олишган, қуроли одам ерга чалқанча тушиб ётарди. Эркин унинг шерикларига форс тилида: – Агар ҳаётдан умидларингиз бўлса, қўлингизни кўтаринг, қаршилиқ қила кўрманг, жаҳаннамга жўнайсиз! – деб буйрук берди. Улар буйрукка бўйсуниб, аста қўлларини кўтаришди.

Эркин арбалетга нишон бўлиб ағанаб ётган соқчининг автоматини оёғи билан бироз суриб, ундан узоклаштирди-да, сўнгра Адил билан Ортикка уларнинг қўлларини боғлаб, оғизларига кляп¹ тикишни буюрди. Беҳуш ётган соқчини ҳам худди шундай қилишди. Адил уни кўтариб ўрмон томонга кетишга шайланди, қолганларни ҳам шу томонга ҳайдашди. Энди автомашинани бир амаллаб яшириш даркор эди. Бу ҳақда ҳали ўйлаб кўришмаганди, нима қилиш мумкинлигини муҳокама қила кетишди. Семенов калласига «ярк» этиб келган фикрдан мамнун бўлганча бир жилмайиб қўйди-да, машинанинг лебедка²си ва барабанидаги тросларга ишора қилди. Трослар дархол бўшатилиб, бир учи тоғ ўнгирида ўсаётган қалин арчага боғланди, бир учи эса машинага маҳкамланди. Кейин улар машинани аста-секин тортиб чиқара бошлашди. Вакт тигиз, иш эса жуда оғир эди. Ортик асирларнинг ёнида колган. Қолган йигитлар терлаб-пишиб тросга боғланган «УАЗ»ни юкорига тортиш билан овора бўлдилар. Аллақачон теварак-атроф коронғилашиб, окшом чўкканди. Қоронғида узокдан машина фараларининг ёғдуси кўринди. Улар бир амаллаб «УАЗ»ни яширишга улгуришди.

Ўзига келган соқчи бошини сарак-сарак қилиб силкитар, нима ҳодиса юз берганини эслашга ҳаракат қиларди. Улар ке-

¹ Кляп – тикин.

² Лебеда – машиналар тикилиб колганда, тортиб олиб чиқишга мўлжалланган мослама. Бунақа мослама фақат ҳарбий машиналарда, шунингдек тоғ шароитида ишлайдиган махсус автомашиналарда бўлади.

лаётган машинанинг ўтиб кетишини пойлаб кузатиб туришди. Яқин келгач, бу кўрикчиларнинг автомобили эканлигини би-лишди, аммо унда ҳайдовчидан бўлак ҳеч ким йўқ эди.

Асирга олинган йўловчилардан бири тоғ йўлида туртиниб, кўллари боғлиқлиги учун йиқилди. Адил уни турғизди-да, яна йўлга тушишди. Манзилга етиб келгач, Эркин энг аввал шу одамни сўроқ қилишни бошлади. Бу одамнинг кўриниши анча содда, зиёлинамо эди, кўрққанидан оёқлари қалтирар, унинг бу ишларда тажрибасизлиги сезилиб турарди. Ҳайдовчи билан соқчи эса анча бақувват, жангари эдилар.

– Хўш, исми-шарифингиз, бу ерда қандай ишлар билан шуғулланасиз, агар ўзингиз ҳаммасини айтиб бермасангиз, йигитлар сизни шундай ўласи қилиб калтаклашадик, бирор жойингизда соғ эт қолмайди, – деди Эркин.

– Фамилиям Қурбонов, исмим Жўра, – дея гап бошлади тат-раб-қақшаб зиёли киши, – мен Душанбе университетида тала-баларга дарс бераман.

У ҳақиқатни айтаётганди, ёнидан олинган ҳужжатлар буни тасдиқлади.

– Қайси фандан дарс берасиз? – савол берди Эркин.

– Биоорганик кимё, – жавоб берди асир.

– Бу ерга нима мақсадда келиб турасиз?

– Баъзи юмушлар билан, асосан илмий ишлар...

– Яъни, гиёҳванд моддаларни тайёрлаш учун келасиз, шун-дайми? Савол жавобсиз қолганини кўрган Эркин Семеновга қа-раб, «бу билан ўзинг гаплаш!» дегандай ишора қилди. У асир-ни туртиб-силтаб ўрнидан турғизди. Кўлини мушт қилиб унга зарба туширмоқчи бўлди. Зиёли киши кўзларини жавдиратиб, урмасликни сўради, ҳамма гапни ўзи сўзлаб беришини айтди. У бу ерда наркотик моддаларни лиофил¹ ускунада тозалаш билан шуғулланишини айтди. Қарамоғида тўрт фарзанди борлигини, шунинг учун бу ишларга рози бўлганини қайта-қайта таъкидла-ди, ўлдирмасликларини илтимос қилди.

¹ Лиофил ускуна. Ҳавоси сўриб олинган ёпиқ жиҳоз ҳисобланиб, нарко-тик моддаларни қайта ишлаб, тайёр кукун ҳолига келтиришга мўлжаллан-ган. Муаллиф изоҳи.

– Лаборатория қаерда? – савол берди Эркин.

– Лаборатория кўрғоннинг энг пастки қисмида, калин деворлар билан ўралган жойида, – деди Қурбонов.

– Улар қандай йўл билан транзит қилинади, – деди Эркин. Десантчилар уларнинг мулоқотларини диққат билан кузатиб туришар, ҳар замонда бошқа асирларга ҳам кўз ташлаб қўйишарди. Соқчи энди анча ўзига келган, нималар содир бўлганини англаб етганди. Унинг ҳайдовчи билан кўз уриштириб, имо-ишоралар орқали гаплашмоқчи бўлаётганини сезган Адил унга:

– Битта нотўғри ҳаракат қилсанг, икковинг ҳам жаҳаннамга жўнайсанлар, – деди-да, десантчиларнинг найза-пичоғини қиндан чиқарди. Бу дағдағадан сўнг асирлар тинчиб қолишди. Зиёли кишини сўроқ қилиш давом этаётганди.

– Менга транзит йўллари ҳақида ҳеч ким гапирмаган, билмайман, – деди Қурбонов.

– Афғон наркотиклари бу ерга қандай келтирилади? – сўради Эркин.

– Кечирасиз жаноб, бу ҳам менга маълум эмас, камина фақат уларни лиофил ускунасидан чиқариб, тўрт юз грамм қилиб қадоклаб, тайёр қора целлофан халталарга жойлаб бераман, бундан бошқа сирдан хабардор эмасман, – деди.

Эркин чўнтагидан ён дафтарчасини чиқариб, Қурбоновга кўрғоннинг чизмасини қоғозга туширишни буюрди. Уни, айниқса, яширин постларнинг бор-йўқлиги қизиқтирар, шунча дурбиндан қаралгани билан пинҳона кўриқчилар назарга ташланмаган бўлиши мумкин, деб ўйларди. Асир кўрғоннинг схематик тасвирини чизар экан, Эркин яна савол берди.

– Ҳар гал ўзингиз ёлғиз фақат ҳайдовчи билан келардингиз, нимага энди соқчи билан чиқдингиз?

– Бу сафар ҳам шунақа бўлиши керак эди, лекин кутилмаганда... унинг хотини, – Қурбонов соқчи кийимидаги шеригига ишора қилди, – касал бўлиб қолган экан, йўл-йўлакай ташлаб ўтишимизни сўради.

Сўнг соқчини келтиришларини буюрди.

– Хўш, фамилиянг, исминг нима, қандай юмушлар билан шуғулланасан? – деди Эркин.

– Муҳаммадшоев Муродман, асосан кўриқчилик қиламан. Хотиним касал, уни Душанбедаги дўхтирларга кўрсатиш учун бир ҳафтага кўрғон соҳиби Каримберди акадан жавоб олгандим, – деди сокчи.

– Нега курул билан кетишга ижозат беришди.

– Бу менинг шахсий курулим, шунинг учун уни ҳеч кимга ишонмайман, – деди асир.

– Менга қара, ука, мени кўрғондаги постлар қизиқтиради, ҳаммасини гапириб берсанг, тирик қоласан, йўкса...

У бармоғини бигиз қилди-да, гўё пичоқ тортгандек қўлларини бўйнидан юргизди.

– Бу сирни очганимдан сўнг ўлдирмасликка ким қафолат беради? – сўради дадиллик билан Мурод.

– Чин офицерлик сўзим, бундан бошқа қафолат бўлмайди, – деди Эркин.

Шундан сўнг асирлар қаерларга постлар ўрнатилганини схемадан кўрсатиб, қоровулхона, лаборатория, омборлар ва кушлар кўнадиган қафасларнинг тахминий жойлашув нуқталарини белгилаб беришди. Улар берган маълумотларга кўра, кундузи ҳар бир постда бир киши сокчилик қилса, кечаси кўриқчилар сони иккита бўлар экан.

Энди асирларни бир ерга тўплаб, уларни нима қилишни ўйлай бошлашди. Чунки, уларни ёлғиз ташлаб кетиб бўлмасди. Уларнинг баҳридан ўтишни ҳам ўзига эп кўрмаган Эркин, ўйлаб-ўйлаб асирларнинг оёқ-қўлларини боғлашни, оғизларига аввалгидай кляп тикишни буюрди. Уларни шу яқин орадаги чуқурлардан бирида қолдиришга, чуқур устини шох-шаббалар билан ёпишга кўрсатма берди.

– Ишимизни битиргач, буларни тегишли идораларга топширамиз, – деди Эркин шерикларига. Унинг бу қарорига ҳеч ким эътироз билдирмади.

– Сенларни жонингни сақлаб қолишга қарор қилдик, аммо биз кўрғонга кетганимизда, нафасингни чиқармай ўтирларинг! Мабодо... мабодо берган кўрсатмаларинг нотўғри чиқса ёки бирор кинғирликни ўйласаларинг, баринг бу дунёдан кўз юмасанлар...

– Раҳмат, ака, минг бор раҳмат, – деди Қурбонов Эркинга миннатдор боқиб. Шу пайт соқчи безовта бўлиб кимиради, кўзлари билан кляпни олишни сўради, муҳим ахбороти борлигини билдирди.

Эркиннинг буйруғи билан унинг оғзидаги латтани олдилар.

– Кўрғон томида мерганлар, иккита базуки билан қуролланган ўкчилар бор, – деди соқчи.

– Нега буни аймадингиз?

– Ҳаётдан умид узгандим, шунинг учун бор сирни айтмагандим, энди бизларни омон қолдиришга қарор қилдингиз, шунинг учун.. энди менга барибир, сиз бу лаънати, Аллоҳнинг қаҳрига учраган кўрғонни таг-туғи билан йўқотиб юборасиз, – деди Мурод.

– Қани, йигит, унда мана бу схемадан яширин постларни аниқлаб, кўрсатиб бер! – деди Эркин.

У хаёлида пишитиб турган режаларига энди ўзгартириш кiritишга мажбур бўлди, энг аввал томдаги базуки билан қуролланган мерганларни тинчйтиш зарур, акс ҳолда дахшатли ўк ёмғирига дучор бўлиб, бирорталари ҳам тирик қолмасликлари мумкин. Бу заҳри қотил маконини йўқ қилиш керак. Бироқ, аввал видеога ва суратга тушириш, омборхона ҳамда лабораторияни топиш, тирик гувоҳларга ҳам эга бўлиш лозим. Десантчилар гапни бир жойга қўйиб, ишга киришишди.

Адил билан Ортик базуки билан қуролланган ўкчиларни зиммаларига олишди, мерганлик милтиғи кўтариб навбатчилик қилаётган мужоҳидлар билан эса Эркин ва Семенов шуғулланадиган бўлишди. Соқчи йигит Муроднинг айтишига қараганда, улар бир-биридан узоқроқ ораликда ўрнашган бўлиб, ёппасига йўқотиб бўлмас экан. Шу сабабли йигитлар иккига бўлинишга мажбур бўлдилар. Мурод уларга қайси тарафдан бориш қулайлигини тушунтирди.

Улар ғарб тарафга юришди.

Кўрғоннинг кириш қисмидангина йўл ўтган бўлиб, бошқа тарафлари – бутун атрофи жарликдан иборат эди. Деворлари мустаҳкам, гранит тош ва шағаллардан ясалган, бир қарашда у худди забт этиб бўлмайдиган салобатли қалъа каби таассу-

рот қолдирарди. Кўрғоннинг орқа тарафи жарлик бўлганлиги учун бу томонларга кўрикчилар кўйилмаган, қоровуллар фақат ташқи дарвоза олдида турардилар. Адил билан Ортик камуфуляж кийимда бўлганликлари учун қоронғида уларни илғаш қийин эди, шу туфайли улар қалъа деворига тирмашиб чиқа бошлашди. Девор устига амаллаб чиқиб олган десантчилар деворга бағир бериб ётишар ва ичкарини кузатишарди. Ҳаммаёқ зим-зиё, фақат генераторларнинг шовқини эшитилар, навбатчи чироклардан бошқаси ўчирилганди. Адил қоронғида кўрадиган дурбинни кўзига тутиб, атрофни ўргана бошлади. Ҳеч қандай шарпа сезилмас, фақат кўрғоннинг дарвоза билан туташган ерида автомат билан қуролланган бир кўрикчи, ундан сал нарида эса яна кимдир бировнинг қораси кўзга ташланарди. Шулардан бошқа ҳеч зоғ йўқ, кўрғон худди ўликлар маконидек сукунат кўйнида эди. Ўз навбатида Семенов билан Эркин ҳам қарма-қарши томондаги девор устида ётиб, кузатувни бошлашган. Адил уларни дурбиндан кўриб турарди. Режага мувофиқ улар бараварига кўрикчиларни зарарсизлантиришлари, сўнгра қоровуллар хонасига ҳужум қилишлари керак эди. Шуниси қулай эдики, кўрғон эгаси Каримберди шу даражада хотиржамликка берилган, кўрғонда ҳатто зотдор кўрикчи итлар ҳам боқилмасди. Асирликка олинган Мурод берган маълумотга кўра, фақат дарвоза остида иккита кучук изғиб юрар экан холос. Бир муддат кузатиб туришгач, Адил билан Ортик девор устида судралиб ҳаракатлана бошлашди. Ҳозирча ҳеч қандай хавотир йўқ, Егор билан Эркин ҳам худди шундай девор бўйлаб судралиб, кўрикчилар тарафига кетишаётганди. Улар итларга қарши қўллаш учун қўлларига арбалетни ҳозирлаб олишган, десантчилар шамолга қарши ҳаракатлана бошлаганлари учун ҳам итлар ҳеч қандай шарпани сезмаётганди, иккала кучук ҳам ҳовлида бамайлихотир ётишганди. Эркин билан Егор уларни аллақачон кўришган, мумкин қадар яқинроқ келиб, уларни тинчитишга ҳаракат қилишарди. Улар вақтидан олдин ақиллаб, кўрғон одамларини уйғотиб юборишлари мумкин эди. Олдида ётган суякларни ғажиж билан овора кучуклардан бирининг қулоғи динг, ниманидир сезгандай ҳавони исқай бошлади, кейин иккинчиси

хам безовталанди. Буни кўрган Егор билан Эркин бир-бирига қараб, маъноли кўз уриштиришди. Сўзсиз ҳам бир-бирини тушунган десантчилар «энди кутишга вақт йўқ, ишга киришамиз», деган ифодани англагандилар, итлар улардан ўн қадамча нарида эдилар, йигитлар уларни нишонга олиб, бир вақтда арбалетнинг қисқичини босишди. Иккала итга узилган ўқ ҳам бир вақтда нишонга тегди, улар паст товушда бир марта инграган овоз чиқаришди-да, ерга қулашди.

Шу пайт ҳовлида мерганлардан бирининг қораси кўринди, у бир бутанинг олдига келиб, ковуғини бўшата бошлади. Егор Эркинга имо қилиб қўли билан уни кўрсатди, бу унинг «уни мен тинчитаман» дегани эди. Эркин ҳам пастдаги супада чойхўрлик қилаётганига имо қилди. Газ баллонлари устига ўрнатилган эски плитада каттагина кумғонда сув қайнаб ётар, кумғон тагидаги олов эса атрофни бироз ёритиб турарди. Девор усти кўриқчилар нигоҳидан тескари тарафда бўлгани учун Егор дадил ҳаракат қиларди, у аста-секин девордан сирғалиб тушди-да, ерга энгашиб олди. Бу вақтда Эркин ҳам девордан тушиб, чой дамлаётган иккинчи кўриқчи томонга ҳаракатлана бошлади. Улар имо билан иккисига ҳам бир пайтда ҳужум қилишга келишишди. Шунинг учун ҳам найзали пичоқларни қинидан чиқариб олишган, ҳужумга шай туришарди. Эркин билан Егор шахд билан кўриқчиларга ташланиб, уларнинг кўкрагига пичоқ тикдилар-да кафтлари билан дарҳол уларнинг оғзини ёпдилар. Бироздан сўнг жонлари узилган кўриқчиларни аста ерга ётқизиб, панага ўтишди ва Адил билан Ортиқ ётган тарафга нигоҳларини қаратишди. Орадан беш дақиқадан ортиқроқ вақт ўтгач, том тепасида Ортиқнинг кўл кўтариб ишора қилгани дурбиндан яққол кўринди. «Демак, ишлар жойида, энди бир амаллаб қоровулхонадагиларни босиш керак!» Бундан буёғига ҳам эҳтиёт бўлиб, ҳеч бир шарпа чиқармасдан ҳаракатланиш керак эди. Муроднинг айтишига караганда, ичкарида олтига жангари бор экан. Уларнинг етакчиси Ато исмли йигит бўлиб, у жуда қаҳри қаттиқ, озгина хато учун ҳам кўриқчиларни мушт билан сийлайдиган хилидан эмиш. Жангариларни ҳам бир ёқлик қилишга эришишса эди, кейин Каримбердини ҳибсга олиш,

сўроқ-савол қилиш, тайёр героинларни тасвирга тушириб, суратлар ва видеоёзувларни бир амаллаб полковник Максимовга етказиш, кўрғонга миналар жойлаштириб, бу лаънати манзилни портлатиб юбориш қолади, холос.

Асирга олинган йигит кўрғонда старли курол-аслаҳа арсени борлигини ҳам гапириб берганди. Демак, у ерда миналар ҳам бўлиши керак, чунки кўрғон атрофларига пиёдаларга қарши миналар ўрнатилган. Ичкарида – омборда эса танклар ва бронетранспортёрларга қарши ишлатиладиган миналар борлиги ҳам аниқ. «Мабодо унақалари бўлмаса, ҳечкиси йўқ, – деб ўйлади Эркин, – тўртта РПГДни бир-бирига улаб, чеки узилса, кўрғоннинг дабдаласи чиқади, битта қолмай ёниб кул бўлиб кетади. Лекин, энг асосийси бу эмас, ашёвий далилларни мустаҳкамлаш керак». Йигитлар кимёгар билан бўлган суҳбатни тўлиқ тасвирга туширишган, аммо битта одамнинг гувоҳлиги ҳеч нарсага ярамаслиги, «десантчиларнинг зулмидан кўркиб гапирган» кабилидаги мулоҳазаларга олиб бориши мумкин. «Каримбердини ҳам гапиртириш зарур, бу ишни мустаҳкам амалга ошириш керак», ўйларди Эркин. Орадан уч дақиқа ўтгач, десантчилар биргалашиб, қоровулхона томонга аста судралиб кетишди. Қоровулхона дарвоза ёнида жойлашган бўлиб, дарвозани очиш-ёпиш ҳам шу хонадаги кўриқчилар зиммасига юкланган. Мурод дарвоза калитлари кўриқчилар бошлиғи Атода ва дарвозабонда борлигини айтганди.

Ҳозирча теваракда жимлик ҳукм суларди. Итлар, супадаги кўриқчилар тинчитилган, демак хотиржам олға ҳаракатланса бўлади. Бироқ ҳали кўрғоннинг ички ҳовлисини ҳам забт этиш масаласи бор. У ерда асосий лаборатория, омборхоналар, кушлар сақланадиган хоналар жойлашган. Кўрғон соҳиби Каримберди ҳам ичкари ҳовлида яшайди. Муроднинг айтишича, у ерга кўриқчи постлар ўрнатилмаган, кўрғон кўриқчиларининг вазифаси асосан фақат дарвозани кўриқлашдан иборат.

Улар анчагача судралиб, дарвозага яқин келишди. Шу пайт ичкаридан кўзлари ярим юмук бир кўриқчи чиқди-да, хожатхонага кирди. Эшикни ёпмасдан ковуғини бўшата бошлади. «Нима бало, буларнинг барига дард текканми, ковуғи шунчалар бўш-

ми буларнинг, каерга карама, ярим кечада хожатга чикишгани чикишган. Майли ука, ўзингдан кўр, индамай ухлаб ётганинда, балким тирик қолармидинг?!» Эркин шуларни хаёлидан ўтказиб, Адилга имо қилди. У «тушундим» дегандай, бош ирғаб, хожатхонага қараб юрди. Кўрикчи энди шимининг тугмасини кадаётган эди, унинг кўксига пичоқ суқилди, Адил унинг жони узилишини кутиб оғзини ёпиб турди-да, сўнгра аста бутанинг орасига судраб олиб келди. Кейин шериклари сафига қўшилди.

Ичкари хонада беш-олтита одам қолган деб тахмин қилиш мумкин эди, тўсатдан қилинган хужум қандай натижа бериши гумон, энг тўғри йўл – уларни ухлаб ётганларида босиш. Аммо аввал бешарпа кириб, қуролсизлантириш керак уларни. Йигитлар буни ҳам муҳокама қилишганди. Бу жангарилар ўлим соя солиб турганда, ҳар қандай ишга қодир эканликларини бир неча жангларда кузатган десантчилар бу ишни ими-жимидида ҳал қилиш зарур, деган қарорга келишди. Ухлаётган жангариларни уйғотиб юбормасдан қўлга олиш, имкони борича ортиқча қон тўкмасликка келишилди.

Йигитлар аста қоровулхонага қадам қўйишди. Аксарият кўрикчилар ухлаб ётишар, фақат биттаси эшикка карама-қарши тарафда шам ёруғида игна билан қандайдир бир нарсани чатиб ўтирарди. Десантчиларнинг қандай қилиб кириб келганини у ҳатто пайқамай қолди. Адил унинг ёқасидан хиппа бўғиб, жони узилгунча кутиб турди. Қолганлар ҳар эҳтимолга қарши автоматларини тайёрлаб туришарди, лекин хонада «тиқ» этган ортиқча товуш чикмади. Шундан сўнг улар хонадагиларни битта-битта ўринларидан турғазиб, қуритиш учун осиб қўйилган пайпоқ борми, бошқа нарсами, дуч келган латта-путталарни оғизларига тикиб, қўлларини боғлашди. Бу ўн беш дақиқа вақтни олди. Аммо, бу ерда яна бир кичик хона бор эди. Хонада кўрикчилар сардори – бешафқат дея таърифланган ўша Ато бемалол хуррак отиб ухлаб ётарди. Остонадан қадам кўяр экан, Эркин аввал ён-атрофга бир қур кўз югуртириб олди. Хонада автомат йўқ, фақат АҚШда чиқарилган кобурали ўн тўрт отарли «Магнум» тўппончаси бор эди. Егор ёстикнинг остида ҳам худди шундай шахсий қурол бўлиши мумкинлигини фараз қи-

либ, аста кўлини тикди. Ухлаётган одам кўзини очди. Егор унга қараб бир кўз қисди-да, юзига зарб билан мушт туширди. Зарба шундай қаттиқ бўлгандики, ҳатто Егорнинг кўл териси ҳам шилиниб жароҳатланди. Ато ҳушидан кетди.

– Егор, бекор қилдинг, – деди Эркин норозироқ оҳангда ши-
вирлаб, – ишкилиб тирикми? Энди бундан кўрсатма олиб бўл-
майди, қийноқ остида олинган дейишлари мумкин.

– Кечирасан ротний, шуни ўйламабман, – деди Егор.

– Майли, ҳечкиси йўқ, фақат Каримбердини бунақа аҳволга
солма, унда бизга ҳеч ким ишонмайди, – деди Эркин кулимсираб.

Адил билан Ортиқ видео ва фотоаппаратларни қолдирган
жойларидан олиб келиш учун кетишди.

Орадан ярим соат ўтмай, Ато ҳушига келди. Кўзларини
ишқаламоқчи бўлганди, кўллари боғлангани учун бу ишни қи-
лолмади. Атонинг бир нечта тишлари синиб тушган, оғзи-бур-
нидан қон келиб турарди. Унинг оғзига ҳам кляп тикишди-да,
лабораторияга қараб юришди.

Кўрғонда ҳамон сукунат ҳукм сураб, ҳеч қандай одам шар-
паси сезилмасди. Лаборатория эшиги қулфланган, бироқ деяр-
ли икки пахса урилган девордан ошиб ўтиш қийинчилик туғ-
дирмасди. Бу ерда кўриқчилар йўқлигини Мурод айтган эса-да,
барибир Эркин имкони борича товуш чиқармасдан ҳаракат
қилишга қарор қилганди. Ортиқ девордан ошиб ўтди-да, эшик-
нинг занжирини тушириб, бир тавақасини очди. Улар асталик
билан эшикдан кириб, ўзларини панага олишди.

Бу ерда бир қанча уйлар жойлашганди. Омбор ва лаборато-
рия эса кўрғоннинг қуйи тарафида бўлиши керак деган фикрга
боришди йигитлар. Чунки айнан ўша тарафдаги хоналарга те-
мир эшиклар ўрнатилганди.

Кўрғонда кучли қувватга эга бўлган параболик тақсимча-
лар бўлиб, иккитаси катта, қолганлари эса ундан сал кичикроқ
эди ва махсус антенналар билан жиҳозланганди. Эркин кичик
тақсимчаларнинг вазифаси нимадан иборат эканлигини билол-
мади. Аммо аллақачон бу жойни тасвирга туширишни бошлаб
юборган Ортиққа кўзи билан имлаб, «мана буларни ҳам тасвир-
га ол», дегандай тақсимчаларни кўрсатди.

Улар уйларни кузатиб, қайси бирини босишни чамалаб турганларида тўрдаги уйнинг эшиги очилиб, ички кийимдаги бир аёл чикди-да, ўчоқ бошига бориб, қумғонга ўт ёқди. Кўрғонда фақат битта аёл киши борлиги уларга аввалдан маълум эди, Мурод уни Каримбердининг хотини деб айтувди. Афтидан у турмуш ўртоғининг бомдод намозига таҳорат олиши учун сув хозирлаётганди. Аёл бир муддат ўчоқ бошида куймаланди, панжарага осиб қўйилган кечки соғиндан олинган сутнинг қаймоғини сузиб олиб, сутнинг ўзини челаққа ағдара бошлади. Эркин қўл соатига қараб, тонг отиб бораётганидан, операциянинг бу тахлит чўзилишидан хавотирга туша бошлади. «Ҳали замон кўрғон аҳли бомдод намозини ўқиш учун уйғонадилар, у ҳолда операцияни бажариш қийинлашиши мумкин», деган ўйдан юраги сиқила бошлади. У аёлга озор етказмасдан ҳибсга олишни буюрди. Аёл қумғон билан овора бўлаётганида, десантчилар унинг ортидан бориб, оғзини маҳкам ёпишди. Иккита нотаниш кишини кўрган аёл кўрққанидан хушидан кетди. Ортиқ билан Адил куритиш учун осиб қўйилган чойшаблар, сочиқлар билан аёлнинг қўл-оёқларини боғлашди, сўнгра уни кўтариб, уй томонга қараб юришди. Хонада бир одам пишиллаб ухлаб ётар, бу кўрғон соҳиби Каримберди эди.

Ортиқ уй тўрида осилган кобурали тўппончани кўриб, бошқа қуроллар ҳам бўлиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда, у ёқ-бу ёққа кўз югуртирди. Сўнг икки қўллаб унинг оғзини маҳкам ёпди. Адил эса уни сўридан суғуриб олиб, мушт туширди. Эркиннинг имоси билан унинг ҳам қўл-оёқлари боғланди. Қолган уйларда ошпаз ва лабораторияда хизмат қилувчи ходимлар бор эди. Десантчилар бошқа хоналардаги хизматчиларни ҳам олиб келишди. Шундан сўнг Семенов билан Адил лаборатория ҳамда қушлар сақланадиган хоналарни кўздан кечириш учун кетишди. Каримберди нима ҳодисалар юз бераётганини англамай, кўзлари ола-кула бўлар, тинмай ҳикичок тутар, бу одамларнинг кўрғонга қандай келиб қолганларига ақли етмасди. Орадан ярим соат вақт ўтгач, Егор билан Адил қайтиб келишди.

– Ротний, бу ерга бекорга келмаган эканмиз, – деди Адил Эркинга, – омборхонада камида икки тонна, балким ундан ҳам орчик героин хомашёси бор экан. Ундан ташкари, тайёрлаб, полиэтилен пленкаларга жойлаштирилган пакетларни топдик.

Улар Каримбердини ва бошқаларни автомат кўндоғи билан туртиб, лабораторияга киргизишди.

– Қани, оғайни, – деди Эркин Каримбердига қараб, – бу ерда нималар билан шуғулланаётганларинг бизларга маълум.

Бу пайтда Ортиқ лабораториядаги тайёр героин хомашёсини, топилган барча ашёвий далилларни тасвирга тушираётган эди. Сўроқ бошланиши билан у видеокамера объективини асирларга қаратди.

– Ҳаммасини гапириб берасанларми ёки шундай ўлиб кетаверасанларми? – бақирди уларга Семенов.

– Сизлар кимсизлар, – базўр овози чикди ранги-қути ўчган Каримбердининг, – балким бу ишларни тинчлик билан ҳал қилармиз? – бироз дадиллашди у.

– Эшитдингларми? – шерикларига юзланди Эркин, – Бу бизларнинг кимлигимизга кизикмоқда!

– Ўзингни кабоҳатингга бизни ҳам шерик қилмоқчимисан, ҳароми!!!

Адил қаҳр билан ўшқирди ва қулочкашлаб унинг кўкрагига туширди. Эркин йигитларга асирларнинг юз-кўзларига, кўринадиган жойларига уришни таъқиқлаганди.

Бўлаётган ҳодисалардан даҳшатга тушган Каримберди бу одамлар билан яхшиликча келишиб бўлмаслигини тушунди. Энди бирор иддао қилиш бефойда, улар тайёр героин, терьякларни, лиофил жиҳозларни видеога тушириб бўлишган, яна расмга олишга ҳам улгуришганди.

Жирканч жиноятларга борган бу одамлар осонликча сир бой бермасликлари аён, бирор гап олиш учун уларни кўркитиш, даҳшатга солиш зарур эди. Шу мақсадда Адил курсиларни йиғиб, лабораториянинг тўсинига бир неча арконларни ташлаб, сиртмоқ ясаётганди.

– Яшашни истайсанларми? – деди Эркин қаҳрли, баланд овозда, – жонларинг ширин-ку, ёки қийноғу азобларда ўлиб кетмоқ-

чимисанлар?! Ҳомийларинг, раҳнамоларинг кимлар? Мана бу заҳриқотил дориларнинг бундан кейинги ҳаракати қайси томонга йўналтирилган эди?

Бир-икки қаттиқ мушт еган асирлар беҳолгина бош кўтариб бир-бирларига қарашар, кўзларига қўрқув, ваҳима тўлган, безовта эдилар. Ҳеч кимдан садо чиқмагач:

– Бизларга ортиқча нарсанинг ҳожати йўқ, сабаби бор нарсани тасвирга тушириб бўлдик, сенларни ҳаётинг ўзларингга азиз эмас экан, демак, бизларни ҳам заррача қизиқтирмайди, – деб бақирди Ортиқ, – менга деса ўлиб кетавермайсанларми!

У биринчи бўлиб дор остита Каримбердини судраб борди. Каримбердининг бўйнига сиртмоқ солди. Иккинчисини Адил, учинчисини Семенов автоматнинг қўндоғи билан сийлаб-турткилаб, дор остига олиб келишди. Иш жиддий эканини қўрган хизматчиларнинг даҳшатдан оёқлари қалтирай бошлади, биттаси оғзидаги тикинни олишни сўраб, имо қилди. Эркин унинг оғзидан тикинни олди-ю, аммо бўйнидаги сиртмоқни бўшатмаган ҳолда:

– Ҳўш, нима дейсан, агар бошимизни қотирадиган бўлсанг, сени биринчи бўлиб бўғизлайман, тушундингми, – деди форс тилида.

– Ҳа, ҳа, соҳиб, агар ҳаётимизни сақлаб қолишга сўз берсангиз, барчасини бўйнимизга олиб, ҳамма гапни айтиб берамиз, – деди асир.

– Айбига иқроп бўлганларни ўлим жазосидан озод қилишга сўз бераман, – деди Эркин.

– Соҳиб, бунақаси бўлмайди, барча сирларни билиб олганингиздан кейин, бизларнинг сизга тирик гувоҳ сифатида нима керагимиз бор, – деди асир.

– Офицерлик сўзи ҳақида эшитганмисан? – сўради Эркин.

– Ҳа, соҳиб, ўзим ҳам зобитман, – деди у.

– Сен ҳам зобитмисан?

– Бу ердагиларнинг аксарияти зобитлар, – деди асир. – Ҳа, ҳа...

– Бу ҳам зобитми? – деди Каримбердини кўрсатиб Эркин.

– Ҳа, бир вақтлар Олма-отадаги чегара қўшинлари олий мактабини битирган, анча вақтгача совет қўшинларида хизмат қилган, – деди хизматчи.

– Сен қаерни тугатгансан? – деди Эркин асирни яна саволга тутиб. Мулоқот хаддан ташқари чўзилиб кетаётганини кўрган Семенов безовталаниб Эркинга имо қилди, қўлидаги соатни бармоғи билан ниқтаб кўрсатди.

– Тошкентдаги олий командирлар олийгоҳини тугатганман, ҳарбий унвоним капитан, – деди у.

– Сенлар зобит эмассанлар, офицерлик шаънига доғ туширган сендақаларга ҳайф бўлсин! Ифлослар, нахотки офицер бўла туриб, шундай ишларни қилишга журъат этган бўлсаларинг?! Бўлди, вақтни чўзма, бўлмаса дорга осишни сендан бошлайман, – деди Эркин ғазаби кўзиб.

– Офицер экансиз, сўзингизда турарсиз, – деди асир ва муддаога ўта бошлади, – бу ерда афғондан келган терьяк героинга айлантрилиб, сўнгра қора целлофан пакетларга бир қадокдан қилиб жойланади, транзит қилишга ҳозирланади, – деди асир.

– Сен аввал ўзингни, кейин бошқа шерикларингни таништир! Қачондан бери шу иш билан шуғулланасизлар? Нима учун тожик ҳукумати сизларга қарши чора кўрмайди? Шу саволларга батафсил жавоб берсанг, тирик қолишингга умид қилсанг бўлади, – деди Эркин.

– Мен Атомуллаев Бахшилломан, бу ерда афғон терьякидан героин тайёрлаш мустақилликдан бери бор, улар Европа мамлакатларига транзит қилинади, лекин, қандай йўллар ва усуллар билан... буни билмайман....

– Афғон терьяки бу ерга қандай келтирилади? – деб савол берди Эркин.

– Буни Мустафоқулдан сўранг.

У шундай деб асирлардан бирига ишора қилди.

– Хўш, Мустафоқул, – савол оҳангида гап бошлади Эркин унга юзланиб, – жавоб берасанми ёки дорга осиб юбораверайликми?

– Терьяклар укки кушлари орқали Афғонистондан келади, уларнинг бир галаси кечагина чегарадан учиб кетишди, соҳиб, – деди Мустафоқул.

– Кушлар қанчада учиб келишади?

– Шу билан энди улар яна уч кундан сўнг учиб келишади,

– деди Мустафокул очик турган бўм-бўш қафасларга ишора қилиб.

– Демак, улар билан сен шуғулланар экансан-да! Қандай..? Бу хунарни уларга қандай қилиб, ўргатгансанлар? – сўради Эркин.

– Қушлар бу ерга уч кунлик очликдан сўнг учиб келишади, уларнинг канотлари орасига махсус пакетлар жойлаштирилади, пакетлар ҳар қандай шароитда ҳам тушиб кетмайди, чунки шу нарсага ихтисослаштирилган сўрғичлар билан танага ёпиштирилган, – деди Мустафокул.

– Қушлар бир учишда қанча терьяк моддаси келтирадилар? – савол берди Эркин.

– Бу ишга янги ўргатилаётганлари бир қадоқдан, анча тажриба орттирганлари эса икки қадоқдан олиб келишади.

– Хўш, қандай ўргатилган улар бу ишга? – яна савол ташлади Эркин.

– Уккиларнинг кўзлари ўткир бўлади, улар нариги ёқдан тунда учиради, биз қафасларга қўйнинг ўпкаси, сичқонларни ва бошқа шунга ўхшаш емишларни тайёрлаб қўямиз, улар бу нарсаларни кўриб, дарҳол қафасларга киришади. Овқатланиб олишгунча кутамиз, акс ҳолда туткич бермайдилар. Қоринлари тўйгандан сўнг мулойим, юввош тортиб қоладилар, шунда пакетларни ечиб оламиз, – тушунтирди Мустафокул.

Прапорщик Семенов яна қўл соатига ишора қилиб, вақт кетаётганини билдирди.

– Майли, бу томошани тугатамиз, – деди Эркин қатъий. – Буларнинг жонини сақлаб қолишга сўз бердик. У бир четда қўллари боғланган ҳолда турган хизматчиларга бир-бир кўз ташлади, кейин ўзини зобитман, деб таништирган Атоуллага юзланиб давом этди: – Лекин мана буни дорга осиш керак эди, зобит эмиш... афсус, ваъда бериб қўйдик-да! Уни яна бир марта сўроқ қиламиз, берган жавобига қараб кейин ҳаётини асраб қолиш керакми ёки йўқми, шу ҳақда мулоҳаза қиламиз, у булардан кўра кўпроқ нарсани билишига имоним комил.

Эркин сал нарироқда унинг кўрсатмасини кутиб шай бўлиб турган Ортиқ билан Адилни ёнига чорлади. Уларга гўнғир-

гўнғир қилиб нимадир муҳим нарсаларни тушунтирди. Унинг кўрсатмаси билан бир-иккита хизматчининг қўллари ечилди, улар ёрдамида омборхонадаги терьяк, лабораториядаги тай-ёр героинлар олиб чиқилиб, ҳовли саҳнига йиғилди. Сўнгра Адил билан Ортиқ дарҳол тутқунларнинг қўлларини яна қайта боғлашди. Эркин уларга яқинроқ бориб яна нималарнидир уқтирди-да, кейин тутқунларни кўрсатиб:

– Ҳайданглар, буларни, биз кўрғонни портлатиб, ортингиздан етиб борамиз, – деди баланд овозда.

Эркин Каримбердининг ётоқхонасини кўздан кечириётганда, сейфга кўзи тушди, жавонларни, тортмаларни титкилаб, калитни қидириб топди. Сейфда қандайдир хужжатлар, бешта боғламда тахи бузилмаган, қарсиллаб турган Америка долларлари бор эди. Хужжатларга кўз югуртириб, рюкзакка жойлади. Пулларни ёнида куймаланаётган Егорга узатди. Боғламдан битта қоғозни олиб у ёқ бу ёғини айлантириб кўрган Семенов:

– Доллары настоящие, не фальшивые, ротний, что будем делать, сжечь что ли¹?

– Егор, балким бир кунимизга яраб қолар, рюкзакка жойла, – деди Эркин.

Ҳаммаёкни яна бир кўздан кечириб чиқишгач, операциянинг сўнгги босқичини амалга ошириш қолди. Бензин мўл экан, уни гиёҳванд моддалар ғарамига, бино устунлари, эшик-дераза ва ромларга сепиб чиқишди. Фугас миналар топилмагани учун кўрғонни базуки билан нишонга олиб, ёндириб юборишга қарор қилишди. Дарвозадан чиқишди-да, иккита базуки билан ўт очишди. Кўрғон бир зумда аланга ичида қолди. Буларнинг ҳаммасини видеотасмага туширишди. Тасвирларни камера воситасида тўрт нусхада кўпайтиришди. Десантчиларнинг ҳар бири видеотасмаларни қора целлофан халталарга ўрашди-да, қўйниларига тикиб олишди. Чунки, олдинда қандай синовлар борлиги номаълум эди. Мабодо нимадир юз бериб, йигитларнинг қайсидир бирови бу ердан чиқиб кетишга йўл тополмай қолса, бири бўлмаса, бошқаси албатта бу ёзувларни етказишлари зарур эди. Ҳар эҳтимолга қарши яна битта нусха яхшилаб ўраб-чирмалди-да, устига коор-

¹ Долларлар ҳақиқий, қалбаки эмас, ротний, нима қилай, ёқиб юборайми?

динатлари ёзилиб, махсус жойга кўмилди. Бу ҳақда космик телефон орқали полковник Максимовга хабар юборишди.

– Эндиги вазифангиз, имкони борича соғ-омон Душанбега етиб келиш... У ерда капитан Алиев билан учрашиб, ҳамма ахборотларни унга етказасизлар. Кўрғоннинг буткул ёниб кетгани уларнинг раҳнамоларига маълум бўлиши билан ортингиздан тушишади. Шунинг учун зудлик билан Бадахшондан кетишингиз лозим! Эшитяпсизми? Шоимовга карашли худуддан тезда чикиб кетишингиз керак! Ҳеч қандай идорага ёрдам сўраб мурожаат қилманг, акс ҳолда у ердан тирик чикиб кетолмайсиз. Хабарингиз бор, биздаги маълумотларга қараганда, ички ишлар бошқармаси, шахсан Шоимов ҳам бу ишларга алоқадор эканлиги гумон қилинмоқда. Дикқат билан эшитинг, машина ёллагандан бир амаллаб Душанбега етиб келинг, у ерда сизлар учун Россиянинг махсус ҳарбий транспорт самолёти тайёрлаб қўйилади ва Москвага учиб келишингизга шароит яратилади, – деди телефон орқали Максимов.

– Бизда мусодара қилинган «УАЗ-469» бор, бензин захираси етиб ортади, ундан фойдалансак қандай бўларкин? – сўради Эркин.

– Мен рози, – бу фикрни маъқуллади Максимов, – лекин кундуз куни юриш хавфли. Ҳозирча улар бу ҳолдан дарак топмаганлар, у ердан кетишга шароит бор. Аммо бир-икки кунда хабар топсалар, сизларни тирик чиқариб юбормасликка ҳаракат қилишади, шунинг учун эҳтиёткорлик керак, йигитлар, яна бир марта айтаман, эҳтиёткорлик жуда зарур! Хуллас, сиздек офицерларга тушунтириб ўтириш шарт эмас. Изингизга тушишганини сезсангиз, дарҳол машинани яшириб, у ёғига «марш-бросок» усулини қўллайсиз. Сиздаги ҳужжатлар бомба шаклида эканлигини унутманг, тушунарлими?!

– Ҳозирча хайр, кўришгунча, ўртоқ полковник, – деди Эркин.
– Кўришгунча, – хайрлашди Максимов ҳам.

Эндиги вазифа Каримбердини сўроқ қилиб, наркотикларнинг транзит йўлини аниқлашдан иборат эди. Аммо у берилган саволларга тайинли жавоб бермади, уларнинг кейинги тақдири ҳақида ҳеч нарсани билмаслигини айтди. Фақат Адилнинг бир-икки муштини татиб кўргач, чиндан ҳам бу ишларга катта раҳбарлар-

нинг аралашганини, бироқ, уларнинг исми-шарифларини билмаслигини, Афғонистон томондан эса бу ишларни қандайдир Вазирий деган одам бошқаришини сўзлаб берди холос. Унинг гапига қараганда, юк машиналари кўрғонга ҳафтада бир, баъзан икки мартадан келиб тайёр героинни олиб кетар экан, кўрғондагилар ундан кейин нима бўлишини билишмасмиш. Каримбердининг гапига кўра, одатда, кўрикчиларнинг ойлик маошларини кўрикчилардан бири олиб келиб тарқатар, тўлов ҳужжатларига имзо қўйдириб, олиб кетаркан. Аммо бир сафар маошлар юк машинасида кўрикчилар ҳамроҳлигида келтирилганини, охириги пайтларда эса нақд валюталар кушлар орқали юборилаётганини ҳам кистириб ўтди.

Кўрғон аҳлини озиқ-овқат билан таъминлаш ҳам юк машиналарининг ҳайдовчилари зиммасига юклатилганини, тайёр юкларни каерга, қандай юбориш ҳам уларнинг вазифалари бўлганини таъкидлади.

Йигитлар асирга олинганларнинг ҳаммасини бир жойга йигиб, кўлларини боғлиқ ҳолда қолдиришди. Сўнг кимёгардан мусодара қилинган «УАЗ»да жўнаб кетишди. Десантчилар ишни пухта қилишган, кўрғонни ёндиришдан аввал омбордан йигирмата 20 литрли конистрларга бензин ғамлаб ташиб чиқишганди. «УАЗ»нинг иккала бакини ҳам тўлатиб, қолган ёнилғини машинага юклаб кетишар экан, кимёгар олим ва унинг шерикларига:

– Ўпкаларингни босиб, жим ўтирсаларинг, Регарга боргач, сиз ҳақингизда ҳарбийларни хабардор қиламиз, – деди Эркин. У манзилни жўрттага нотўғри айтди, воқеадан хабар топганлар уларни албатта излашларини биларди. Бу вақтдан ютиш, уларни йўлдан адаштириб, чалғитиш мақсадида қўлланган маневр эди.

– Унгача биз бу тоғу тошда ҳалок бўламиз-ку! – эътироз билдирди Қурбонов.

– Ҳечам-да, тоғдан тушиб олсак, телефонда ёрдамга вертолёт чақирамиз, узоғи билан эрталаб Регарда бўламиз. Жуда бўлма-са, бир кун оч қоларсизлар, бир кун сув ичмаган, оч қолган одам ўлмайди. Бу ерлар анча салқин, одамни чўллатмайди. Хайр жаноблар, кўришгунча!

Х ФАСЛ ТЎҚҚИЗИНЧИ ЧЕГАРА ЗАСТАВАСИДА

Афғонистон ва Тожикистон ўртасида совет ҳукумати ўрнатилгандан то 1940 йилгача ҳам чегара заставаси мавжуд эмасди. Фақат уруш хавфи тобора кучая бошлагач бу ерларда, яъни Қуйи Панж оқимида чегара қўшинлари ташкил этилган. Чегарада йигирмага яқин заставалар ва бир қанча яширин постлар қилинганди. Ўша давргача Қуйи Панжда бундай чегара қўшинлари фаолият олиб бормаганди. Афғонистон ва Тоғли Бадахшон аҳолиси бир-бирлариникига бемалол бориб келишарди. Ҳатто дарё устига муваққат кўприклар қурилган, аммо баҳор пайтларида кучли сел келиб, сойлар тўлиб оққанда бу кўприкларни ювиб кетар, лекин аҳоли беш-олтита тўсинларни яна дарёга ётқизиб, бемалол ўтиб кетаверишарди. Бу икки халқ азалдан куда-андачилик қилишар, қавму қариндош бўлиб кетишганди. Бу ерларда асосан тожикларнинг яфтали уруғлари яшашарди. Уларнинг акалари Тоғли Бадахшонда истиқомат қилсалар, сингилларими ё бошқа бир туғишганлари Қуйи Панжнинг нариги соҳилидаги қишлоқда яшарди. Уларни фақатгина дарё ажратиб турарди. Кейинроқ айти шу ерда чегара заставалари қад кўтарганди. Шу муносабат билан совет ҳукумати раҳбарлари чегара худудларидан фуқароларни кўчирган, уларга деярли бир километр узокроқ масофадан уйлар қуриб берганди. Аммо, бу ҳолатлар уларнинг борди-келдисига айтирли таъсир этмас, агар нариги соҳилда тўйми ёки бошқа бирор маросимми бўлса, чегара заставасидагилар ўтишга рухсат беришар, чунки уларга ана шундай қўрсатма берилганди. Ўтган асрнинг олтишинчи йилларидан бошлаб вазият ўзгара бошлаган, чегарадан ўтишга камдан-кам одамга рухсат тегар, имкони борича бу ҳолатларга барҳам бериш йўллари изланадиган бўлиб қолганди. Сабаби, нариги соҳилда гиёҳванд моддалар, қурол-яроғ савдоси билан шуғулланадиган одамлар бисёр бўлиб, нисбатан тинч худуд ҳисобланган Совет Тожикистонига хавф солмоқда эди. Шу сабабли, чегара қўшинлари сони оширилган, энди уни бузиб ўтишга қаратилган тадбирлар ҳеч қандай иш бермасди. Чегара

рачилар замонавий қуроллар билан таъминланган, уларнинг ихтиёрида вертолётлар, зарур бўлса самолётлар ҳам муҳайё, ҳарбий техника ва машиналар, ҳар қандай шароитда фойдаланиладиган дурбинлар ва бошқалар билан жиҳозланганди. Ҳар ер-ҳар ерга яширин постлар ўрнатилган, тиканак симлар тортилган, оёқ изи тушадиган полосалар¹ ётқизилган... Келиб-кетувчилар чегара заставасида ўрнатилган ёғоч кўприкдан каттик текширувлардан сўнг ўтишлари мумкин эди. Чегарачилар совет ҳудудларини мунгазам кўриқлаб туришар, аммо Афғонистон томондан чегара кўриқланмасди. У тарафдан битта-яримтаси келадиган бўлса, чегарачилар ўтказишмас, бу ёқдан кетмоқчи бўлганларни ҳам жосус гумон қилиб дарҳол ушлашарди. Лекин, совет чегарачилари афғон чегара кўшинлари қўмондонлиги билан мустаҳкам алоқа боғлаган, ҳар замонда ўз ҳудудларига уларнинг юқори лавозимлик генералларини таклиф этишар, баъзида меҳмондорчилик ҳам қилиб туришарди. Афғонистон фуқаролари чегарадан ноқонуний ўтган бўлсалар-у, ҳеч бир қаршиликсиз таслим бўлсалар, уларнинг иши ўзаро музокаралар йўли билан ҳал қилинар, мабодо қуролли қаршилик кўрсатсалар, мурдалари ватанларига топшириларди. Бундай ҳолатлар гарчи кўп бўлмаса-да, ҳар замонда содир бўлиб турарди. Шундай ҳоллар юз берганда СССР Ташки ишлар вазирлиги томонидан Афғонистон ҳукуматига норозилик ноталари билдирилиб, чегара бузувчиларнинг жасадлари билан бирга тақдим этиларди. МДҲ пайдо бўлгач, бу муаммолар янада авжига чиқиб кетди, бу ҳол Тожикистонда фуқаролар урушининг бошланишига яна бир туртки бўлиб хизмат қилди. Афғон тупроғида бўлгач мужоҳидлар фуқаролар урушига ҳомийлик қилдилар, яъни расмий ҳукумат доираларига қарши бўлган кучларни қурол-яроғ билан таъминлай бошладилар, бу билан Тожикистон Республикаси хавфсизлигига, миллий-ҳудудий яхлитлигига, мустақиллигига таҳдид солдилар. Шу тўғрисида, амалдаги расмий ҳукумат Россияга мурожаат қилиб,

¹ Полоса, яъни қашлоғич билан деярли беш метрлик масофага тупрок ётқизилиб, мабодо бирор одам ёки ҳайвон ўтадиган бўлса из қолдириш учун қилинган тадбирлар.

рус чегара қисмларини ва 201-сонли дивизияни мамлакат ху-
дудида қолдиришга рухсат олди.

Россия учун ҳам бу анча қулайлик туғдирарди, чунки мазкур дивизиянинг таркибидаги ҳарбийлар уй-жой ва ҳоказо имтиёз-лар билан таъминланган, уларни кўчириш билан боғлиқ ортиқ-ча ташвишлар четлаб ўтиларди. Бунинг устига Россиядек кучли бир мамлакат Ўрта Осиё минтақасида ўз қуроли кучларини сақлаб туришдан бир қадар манфаатдор ҳам эди. Бу Россия ҳу-кумати учун стратегик аҳамиятга эга бўлиб, энг аввало пахта толасининг ўзга мамлакатларга эмас, балки Россия қорхонала-рига етказилишига ҳам маълум ҳисса қўшарди.

Муҳождлар ҳукумат тепасига келгач, Бурхониддин Раббо-ний БМТ ҳамкорлигида Россия Федерацияси, Германия, Фран-ция, Италия каби Европа мамлакатларининг қатор раҳбарлари билан учрашиб, гиёҳванд моддаларнинг транзит қилиниши ол-дини олиш масалалари бўйича музокаралар, очиқ мулоқотлар қилди. Аммо, наркотик моддаларнинг транзити камайиш ўрни-га йил сайин кучайиб борди. Раббоний наркотик моддалар би-лан қурашиш ишига ҳатто афғон қуроли кучларини ҳам жалб этди. Ҳосил бериш даврига келган кўкнори штантациялари ўриб ташлаб, ёқиб юборилди ҳам, бироқ бу натижа бермасди. Бу каби фаолият билан шуғулланаётган шахслар қайта-қайта яна янги наркотрафик йўллар очишар, уларни Европа мамла-катларига етказиб беришда давом этишарди.

Чунки, бу моддаларнинг экспорти мўмайгина даромад кел-тирар, афғон героини жаҳонда етакчи ўринларни эгаллаб бош-лагани барча мамлакат раҳбарларини бу муаммонинг ечими юзасидан катъий чоралар кўришга ундарди. Устига устак, афғон героини бошқа наркотик моддаларга нисбатан арзонроқ бўлиб, жуда бозори чаққон эди.

Тўққизинчи заставанинг шахсий таркибида хизмат юритув-чиларнинг сони 150 дан ошмасди. Бу ерда ўша совет замони-дан қолган зобит ва прапоршиқлар учун қурилган бир қават-ли уйлар, 20 ўринли ҳаммом, кинотеатр, кичкина офицерлар ошхонаси мавжуд бўлиб, у ерга асосан бўйдоқ зобитлар ва хизматчилар киришарди. Эрталабки нонуштани ҳамда кечки

овқатни шу ерда, тушликни эса хизмат жойларида қилишарди. Ҳаммом ҳафтанинг беш кунда ишлар, бу ерда асосан чегара аскарлари чўмилишарди, аёллар учун эса фақат шанба куни ёқиларди. Маҳаллий миллат вакилларининг офицер ва прапоршиклар яшайдиган зонага ўтишлари ман қилинган бўлиб, рухсат фақат сут, қатик ва чакки олиб келадиган аёлга берилганди. У тонг саҳарлаб зонага келар, кечкуруноқ эшик олдига териб тайёрлаб қўйилган идишларга сут, қатик ва чаккиларни куйиб кетарди. Чегарачилар маош олганларида сутчи хотин билан ҳисоб-китоб қилишарди. Идишлар сони учта бўлса, демак, унинг соҳибига ҳар биридан керак; агар иккита бўлса, сут ва қатик; битта бўлса фақат янги соғилган сутни куйиб кетарди. Унинг сути шу даражада қуюқ, серқаймоқ эдики, заставадаги аёлларнинг талаби билаи унга офицерлар блоккига киришга расмий равишда рухсат берилганди. Қишлоқ гузарида бозорча мавжуд эди, офицерларнинг хотинлари кўкатлар, қовун-тарвуз, бодринг, помидор, саримсоқ пиёз каби мева-сабзавотларни кўпинча ўша ердан харид қилишарди. Бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари: гўшт, тушенка, қолбаса, тухум, қонфетлар, овқат тайёрлаш учун кетадиган барча масалликлар марказлашган равишда заставага етказиб бериларди. Ҳар замонда омборхона мудир, парпоршик Нургалиев застава бошлиғи ҳузурига янги келган шоқолад, қонфет, ичимлик ва ҳоказоларни олиб келиб турарди. У узоқ вақтдан бери, яъни Гайваронский заставага бошлиқ бўлиб келгандан бери омбор мудир бўлиб ишларди. Жуда уддабурон, ишнинг кўзини билладиган одам эди у, бирор марта ҳам омборидан қамомад чиқмаган, текшириш мақсадида «финхоз» бўлимидан келадиган ревизорларнинг кўнгилларини чоқ қилиб қузатиб қўярди, кўнгил овлашга устаси фаранг йигит эди бу Нургалиев деганлари. Хуллас, Гайваронскийнинг заставаси доимо тартибли, илғор бўлинма ҳисобланар, чегара қўмондонлиги ҳам уларнинг хизматини тез-тез рағбатлантириб турарди.

Бундай рағбатлантиришларга фақат ҳарбий вазифани бажарётганлар сазовор бўлишар, хизмат қилувчи ёрдамчи қучлар бундан мустасно эдилар. Муқофотлар асосан ўн учинчи ойлик-

ка қўшимча тарзда бериладиган яна бир маош пул кўринишида бўларди.

Тўққизинчи чегара заставаси командири капитан Михаил Гайворонскийнинг диққати ошиб, кетма-кет сигарета тортар, лекин сира хумори босилмасди. Сержант Барков томонидан икки контрабандистнинг отиб ўлдирилиши заставадагиларни оёққа турғизганди. Контрабандистларнинг изига аллақачон тушилган, итлар уларнинг ортидан изма-из бораётган, чегара бузилганлиги ҳақидаги хабар барча постларга тарқатилган бир пайтда, нима учун сержант томонидан ўкотар қурол ишлатилгани ва жиноятчилар ўлдирилганлиги номаълум эди. Оёғидан ярадор бўлган жиноятчилар барибир узоққа кетолмасдилар-ку! Нега сержант рожокдаги ўқларни битта ҳам қолдирмай уларга қарши ишлатдидейкин? Нима сабабдан уларнинг жонига қасд килди-а бу?! Энди жасадлар афғон чегарачиларига топширилади, ағдар-тўнтар текширувлар бўлади, агар қурол ишлатиш борасида ортикча ҳолатларга йўл қўйилгани тасдиқланса...». Командир у ёғи нима бўлишини хаёлига келтириб, чуқур «ух» тортди. Мабодо шундай бўлган тақдирда Гайворонскийнинг унвони пасайтирилиб, истеъфога чиқарилиши, ҳатто нафақадан ҳам маҳрум этилиши турган гап эди. Бу эса унинг бутун умр ҳарбийда хизмат қилиб топган обрўсини бир зумда шамолга учириш билан баробар эди. «Чегара қисмларига келиб, оддий лейтенантликдан бошлаб қилган ўн икки йиллик фаолияти бир кунда сарик чақага ҳам арзимаёй қоладими эми-я?! Нега сержант кўл кўтариб, таслим бўлишга тайёр турган контрабандистларни отиб ўлдирган, нима учун? Бунинг тагида нима гап бор?! Курсант Башировнинг айтишича, контрабандистлар Барковнинг номини тилга олганларидан сўнг, сержант уларга қарата ўқ узган. Демак, улар Барковни олдиндан билишган, агар бу гаплар тергов-тафтишда очилгудек бўлса, карьера тамом бўлади. Наҳотки сержантнинг уларга алоқаси бор? Буни то тергов гуруҳи келгунча аниқлаш керак».

Ҳозирча сержантни казармада ушлаб туришибди. Агар Башировнинг айтганлари ҳақиқат бўлса, бунинг олдиндан чорасини кўриш керак эди. Улардан тортиб олинган деярли тўрт

килограмм гиёҳванд модда омборхонада сақланмоқда эди, командир уларни олиб, ўз сейфига яшириб қўйишни ўйлади. Башировни чақиртириб, бу ҳолатга яна бир бор аниқлик киритиш керак, деган фикрга келди у. «Балким контрабандистлар куроллари ташламай, сержант Барковга қаршилик қилгандирлар, у ҳолда Зулин қаерда эди? Нега оддий аскар Зулин билан курсант Башировнинг кўрсатмасида тафовутлар бор? Зулиннинг катта лейтенант Голубга берган кўрсатмасига кўра, чегарани бузганлар автомат куроллари ташламаганлар, наркотикларни эса яширганлар. Зулин уларнинг олдига яқинлашганида, Баширов аллақачон уларнинг куроллари тортди олганди. Шу пайт ярадорлардан бири «Володя!» дея сержантнинг исмини айтган, буни эшитган Барков уларга қарата кетма-кет ўқ узган, узганда ҳам рожокдаги барча ўқларни ишлатган, нима учун?» Командирни шу каби хаёллар тарк этмасди.

У зудлик билан Голубни чақиртирмоқчи бўлди, сабаби эртага бош заставадан махсус бўлим бошлиғи полковник Майборда ташриф буюриши ҳақида рациядан ахборот олинганди.

Тожикистон мустақил давлатга айлангач, Россия Федерациясининг илтимосига кўра, Олма-отадаги чегара қўшинлари олийгоҳига тожик миллатига мансуб ёшлар ўқишга жалб этилди. Улар ёз даврларида ўз юртларига амалиётга келишар, чегара қўшинлари билан нарядларда қатнашар, сўнгра яна ўқув даргоҳига бориб ўқишларини давом эттиришарди. Курсант Баширов ҳам ана шундайлардан бири эди. Ёзги машғулотларни ўташ учун келган Баширов капитан Гайворонскийнинг заставасига тушганди.

Капитан навбатчилар хонасига уланган қўнғироқ тугмасини босди, дарров кириб келган аскарга:

– Катта лейтенант Голубни ҳузуримга таклиф этинг, кечаги чегара бузувчилар ҳақидаги дастлабки маълумотлар билан келсин, – деб кўрсатма берди. Орадан бироз вақт ўтгач, унинг иш кабинетига Петр Голубь кириб, низом бўйича ахборот берди.

– Хўш, Петр, ишлар қандай? – суради Гайворонский. Кейин тезда муддаога ўтди – Мени бир нарса безовта қилмоқда. Нега Зулин билан Башировнинг кўрсатмалари бир-бирига тўғри кел-

маяпти? Бу бир. Иккинчидан, чегара бузувчилар уларга дуч келганда, сержант Барковга нима деб мурожаат этганлар, нима учун Барков уларни ўққа тутган? Бу нарсаларни обдон чиғириқдан ўтказиб, аниқлаб олиш керак. Эртага полковник Майборода келмоқда, унинг қандай тафтиш ўтказишини биласан-а?!

– Ҳамма бало ҳам шунда-да, – деди Голубь, – курсант Баширов жиноятчилардан қуролларни тортиб олгач, Барков...

– Минг лаънат ўша Барковга! – Голубнинг гапини бўлди Гайворонский. – Минг лаънат!!! – Командирнинг астойидил жаҳли чикди. Асабийлашганидан қизариб-бўзариб, бўғриқиб кетди. Голубь унинг бу ҳолатидан ўзини йўқотмади. У ҳарбийларга хос оғирлик, вазминликни бой бермас, хотиржам ўтирарди.

– Хуллас, – гапини давом эттирди Голубь хотиржам оҳангда, – чегара бузувчилар сержантнинг исмини айтишлари билан ... уларнинг ҳаётига касд қилган. Аммо, бу ҳолатларни Зулин инкор этади, унинг гапига қараганда, чегара бузувчилар қуролларини ташлашмаган, қаршилиқ кўрсатишган, сержант эса одамларнинг ҳаётини сақлаб қолиш учунгина ўқ отишга мажбур бўлган.

– Бу икки хил кўрсатма менга ёқмай турибди, Петр, уларни бир хил қилиш керак, акс ҳолда барчамиз интизомий жазога тортиламиз, – деди Михаил.

– Мен имкони борича Башировни сўроқ қилдим, аммо у қуролларни шахсан ўзи тортиб олганини айтяпти, сўнг Барков автомат рожокида қанча ўқ бўлса, ҳаммасини жиноятчиларга отди, деяпти, ҳар хил усулда сўраб кўрдим, бўлмади. Кейин, Зулин билан юзлаштирдим, унинг кўрсатмасини Башировга ўқиб ҳам бердим. Зулиндан эса, бу эси паст тожик нима деяётганини ўзи ҳам билмайди, деган жавобни олдим, – деди Голубь.

– Хўш, юзлашганларида нима бўлди? – савол берди заставка бошлиғи.

– Баширов ёлғон гапирмайди, у ҳали ёш, тажрибасиз, бунинг устига курсант. Бизнинг сержантимиз Барков ва оддий аскар Зулинга ўхшаб пихини ёрганлардан эмас. Булар иккови эса... анча-мунча тажриба орттирган, хизматнинг, бу ердаги шарт-шароитнинг қаловини топган. Уларнинг бунақа келишиб

олиб ҳақиқатни бузиб кўрсатаётганларига Баширов ҳам ҳайрон, – деди Голубь.

– Ҳа, бу ерда қандайдир сир бор, полковник келгунча ўзимиз учун аниқлаб олишимиз керак, – деди заставка бошлиғи қатъий.

– Мен уларни яна бир марта юзлаштираман, агар шунда ҳам ўз сўзларида туриб олишса... билмадим, унда қандай чора кўриш керак, – деди Голубь ноилоҳ қолган одамдай бошини сарак-сарак қилиб.

– Агар полковник Майборода Башировнинг версиясини қабул қилса, ҳаммамизга ёмон бўлади, мабодо сержант Барков ва Зулинлар ҳақ бўлиб чиқишса, жазодан қутулиб қоламиз, – деди Гайворонский.

– Демак, бир амаллаб, Башировни кўндириб, кўрсатмасини ўзгартиришга мажбур қилиш керак, шундайми? – деди унинг фикрларидан хулоса қилган катта лейтенант Голубь.

– Бундан бошқа илож йўқ, Петр!

– Капитан, Баширов – курсант, бу йил учинчи курсни тамомлаган, сал муддатдан сўнг офицер бўлади. Унга ёлғон гапиришдан нима наф? Мен унга янглиш кўрсатма бергансан, деб айтолмайман, бу иш қўлимдан келмайди. Борди-ю, у катта лейтенант Голубь менга тазйиқ ўтказди, кўрсатмаларимни ўзгартиришга мажбур қилмоқда, деб полковник Майбородага рапорт берса, унда нима бўлади? Шунинг учун яхшиси, сиз ўзингиз уни чақиртириб, гаплашиб кўринг, – деди норози оҳангда. Застава бошлиғи яна ўйланиб қолди. «Агар у шундай рапорт берса, нафақат мен, Голубь ҳам ишдан четлатилади. Падарига лаънат бу чуркани!! Қаёқданам ўша куни уни нарядга қўшиб юборган эканмиз-а?! Бунақа ишқал юз беришини ким ўйлабди?!»

Чегарада хизмат қилаётган рус солдатларининг ҳар замонда у томондан гиёҳванд моддаларни олиб ўтишга ҳаракат қилаётганлар билан мулоқотда бўлаётганлари ҳеч кимга сир эмасди. Лекин бу ишлар фақат заставка бошлиғининг ижозати билан бўларди. Улар чегарадан ўтишлари билан маҳаллий аҳоли вакилларида кимдир молни олиб, тезда уйига яширар, ҳатто «мана, ман!» деган ички ишлар ходимлари ҳам, чегарачилар

¹ Инсонни ҳақоратлаш учун айтилган ибора.

хам гиёҳларни излаб топа олмасди. Чегарани бузганлар эса арзимаган бирор баҳонани рўқач қилиб, жавобгарликдан кутулиб қолар, чегарачилар эса уларни ноилож яна ўз юртларига – афғон чегарачиларига топширишарди. Масалан, бундан икки ой олдин содир бўлган воқеа ҳам шундай яқун топди.

Афғонистон фуқароси чегарани бузиб ўтган, бироқ уни ушлаб сўроқ-савол қилишганда, эчкисини йўқотиб қўйганини, кимдир биров унга эчкини шу томонда кўрдим, деб айтганини, шунинг учун уни излаб чегарадан ўтиб қолганини таъкидлайди. Ҳеч қандай гиёҳванд моддалар олиб ўтмаганини қайта-қайта айтиб ҳамманинг бошини айлантирди. Чинданам унинг ёнидан наркотиклар топилгани йўқ, шундай бўлгач, уни афғон чегара қисмларига бериб юборишга мажбур бўлишди. Ваҳоланки, «дозор»дагилар унинг каттагина тўрва билан ўтганини кўришган, бу ҳақда штабга ўз вақтида хабар ҳам қилишганди. Лекин қўлга олинган пайтда ашёвий далил топилмаса, уларни жавобгарликка тортишнинг имкони бўлмас, унақалар ноилож ўз юртига қайтариб юбориларди.

Застава бошлиғининг маҳаллий миллат вакиллари ичида ўз ахборотчилари бўларди. Улар чегарачиларга ўз рақобатчиларини топширишар, кейин бу хизматлари учун тўққизинчи застава чегара қўшинларининг ташаккурларига сазовор бўлишарди. Ахборотчилар қайси вақтда, қаердан чегара бузилиши хусусида огоҳлантиришар, бундай ҳолларда асосан нариги томондан келаётган чегара бузувчилар кўпроқ азият чекишарди.

Ана шундай информаторлардан бири – Абдулла қишлоқдаги одамлар орасида застава бошлиғининг ишончини қозониб пинжига кириб олганлардан эди. Аслида унинг ўзи ҳам наркотиклар савдоси билан шуғулланар, буни қишлоқ аҳли ҳам, заставадагилар ҳам яхши билишарди. Застава бошлиғи ҳар замонда унинг хонадонига бориб меҳмон бўлиб турар, Абдулла кимга қандай муомала қилишни яхши билар, нозик меҳмонларни асосан тоза «Московский» ароғи билан сийларди. Унинг омборхонасида фақат шу хилдаги қиммат ичимликларгина эмас, балки анча камёб, нархи отнинг калласидай француз винолари, ҳатто «Наполеон Бонапарт»дай француз коньяги ҳам бўларди.

Ҳарбийлар бир гуруҳ аскарларни бошлаб келишар, элнинг кўзига гўёки Абдулланинг уйида тинтув ўтказиш учун келгандек томоша кўрсатишар, сўнгра «ҳеч нарса топилмади» дея аскарларни жўнатиб юборишарди. Ўзлари эса меҳмондорчилик қилиб обдон тўйишарди. Албатта, бу тинтувлар ҳеч маҳал бирор натижа бермас, чунки хонадон соҳиби ҳарбийларнинг режалари хусусида бир кун олдин огоҳлантириларди. Абдулла уйида бор молларни жиянининг уйига олиб бориб қўяр, режадаги томоша ўтгач, кейин яна қайтариб олиб келарди. Унинг жияни ҳам худда шу иш билан шуғулланиб, бойиб кетган, катор-катор дўконлар очиб ташлаган, савдо-сотиги авжида бир ишбилармон йигит эди. Застава бошлиғи режалаштирилган «тинтув» саҳнасида бир кун олдин шу савдогар йигитнинг дўконига келиб, ул-бул харид қилган бўларди-да, эртага Абдулланинг уйига меҳмонга келишларини астагина шипшитиб кетарди. Мабодо ҳарбий раҳбарлар Абдуллага керак бўлиб қолсалар, у заастава бошлиқлари ўтадиган йўлга киши билмас белги қўйиб кетарди. Сўнг яна одатдаги тинтувдан кейин меҳмондорчилик бошланар, маҳаллий халқ урф-одатларига кўра меҳмонларнинг иззат-ҳурмати жойига қўйиларди. Абдулла томошанинг ишонарлироқ чиқиши учун жўрттага гувоҳлар иштирокида тинтув ўтказилишига қаршилик қилар, ҳеч қачон гиёҳванд моддалар олди-бердиси билан шуғулланмаганлигини таъкидлаб туриб оларди. Яна уни кўра олмайдиган ғаламисларнинг кўплиги, унинг ортидан доимо юмолоқ хатлар уюштириб юрганликларидан шикоят қилиб, нолиб қўярди. Абдулланинг касбу корини яқин-атрофдаги аҳолининг деярли ҳаммаси билар, лекин кўни-қўшничилик, элатдошлик ҳурматида андишага боришар, унинг қора қилмишларини фош этишга ҳеч кимнинг ҳадди сиғмасди. Бироқ унинг ўзи манфатларига салгина соя солганларни аяб ўтирмас, уларни йўлдан олиб ташлаш чорасини кўрарди. Абдулла шундайлардан бештасининг бошига етган, улар ашёвий далиллар билан қўлга олиниб, судланиб, турли муддатларга озодликдан маҳрум қилинган, Тожикистоннинг қамоқхоналарида азоб чекмоқда эдилар.

Абдулланинг тез-тез бунақа зиёфатлар уюштириши бежизга эмасди, эвазига застава бошлиғи унинг ишларига раҳнамолик қилар, пинҳона топшириқлари билан Афғонистондан келадиган наркотик моддаларнинг Россия Федерациясига олиб ўтилишига кўмаклашарди. «Гиёҳ»лар ўша ерда сотилиб, савдодан тушган пуллар доллар ёки рубль ҳисобида унинг қўлига келиб тушар, ана шу маблағдан застава бошлиғи ва унинг ўринбосари ҳам улуш олишарди. Абдулла ҳар бир муваффақиятли чиккан операциядан тегишли қисмини олиб, колганини раҳнамоларига улашар, ҳатто баъзан хурсанд бўлган кунлари мукофот тарикасида француз коньяги, винолари, Москвада ишлаб чиқарилган «Белый кольцо» ароғидан ҳам пинҳона бериб юборарди.

Абдулланинг бизнеси орқасидан застава бошлиғи ва унинг муовини анча-мунча маблағ йиғиб қўйишган, истеъфога чиққанларидан сўнг ўз юртларига бориб яшашларига, уй, дача, машина сотиб олишга, хуллас, шоҳона ҳаёт кечиринларига бемалол етадиган жамғармалари бор эди. Яхшигина соққа келтирётган ана шу даромадли иш уларнинг иштаҳаларини бот-бот китиклаб турар, нафсларини жунбушга келтирарди.

Тўққизинчи застава жуда қулай ерда жойлашган бўлиб, бу худуддан чегара чизиқларини бузиб ўтиш осон эди. Биринчидан, дарё ўзани тор бўлиб, уч метрдан ошмас, аммо жуда тез оқарди. Иккинчидан, нариги соҳил куюк бутазорлардан иборат, бурилишлар кўп бўлганлиги сабабли яширинишга қулай. Бу эса гиёҳванд моддалар транзити билан шуғулланадиганларга кенг имкониятларни очиб берарди.

Чуқур хаёлларга берилган Гайворонский қаршисида муовини ўтирганлигини ҳам унутганди. Бироздан сўнг ўзини ўнглаб, Голубга юзланди:

– Петя, балким бугун мен бу хонада охириги марта бошлик сифатида ўтиргандирман, нима бўлса бўлди, энди пушаймон бўлишнинг фойдаси йўқ, ҳар нарсанинг охири бор-да ахир!

У энди тақдирга тан берган, анча узангисидан тушиб, босилиб қолганди. Ўша кайфиятда сейфни очиб, француз коньягини олди-да, қадахларни тўлдирди бошлади. Тортмасидан очилмаган шоколад олди, ўрамни очиб шоколадни бир неча бўлакка бўл-

ди, «ола қол!» дегандай муовинига ишора қилди. Улар икки қадаҳдан ичишди, шоколад билан газак қилишди. Сўнг командир коньяк шишасига бироз тикилиб қараб турди-да:

– Кел, яна биттадан отайлик, – деди-ю, сейфга яширган қадаҳларни олиб, яна куйди. Икковлон шишани бўшатиб бўлиб, сўнг аста-секин уй-уйларига тарқалишди. Ҳарбий раҳбарларнинг уйлари ҳам чегара ҳудудида жойлашган, казармалардан юз метрча нарида, кишлоқ ҳудудидан пасткам девор билан ажратилганди. Бу атрофда кичиккина ошхона, дўкон, кинотеатр ҳам бор – илгари, совет даврида хизмат қилганларнинг гапларига қараганда, бу ерда ҳар доим янги кинофильмлар намойиш этиларкан. Энди эса, ҳарбийлар уйларида фақат телевизор кўриб овунишарди. Ретрансляторлар воситасида Москва телеканаллари олиб кўрсатиларди. Шу туфайли ҳарбийларнинг хотинлари зерикмасди.

Гайворонскийнинг хотини ҳам телевизорга ёпишган аёллардан эди, ҳар замонда у бир неча ойлаб Свердловскка – ота-онасининг уйига бориб, меҳмон бўлиб келарди.

Гайворонскийнинг онаси вафот қилганига етти йил бўлган, отасини эса эслай олмасди. Онасидан бир уй қолган, унда синглиси эри билан яшарди. Онасини тупроққа қўйгач, гарчи ворис сифатида унга тўла ҳақли бўлса ҳам Рязандаги уйини синглисига ташлаб келганди. Бир кун келиб Москва ёки Петербургдан уй сотиб олмоқчи бўлиб юрар, аммо буни истеъфога чиққандан сўнг амалга ошириш тўғрироқ бўлади, деган қарорга келганди. Энди эса ўша фурсат муддатидан олдинроқ келадимикин, деган хавотирда эди. Ун икки йиллик хизматига жон-дили ачишар, аммо ... начора, бошга тушганни кўз кўрар, дея ўзини тинчлантирарди.

Ҳозир ҳам хотини йўқ, қизини олиб, Свердловскка кетганди. У ойлик маошларини шундайлигича олиб келиб хотинига тутқазарди, аммо қора бизнесдан келаётган даромадларини сир сақларди. Деярли 50 минг доллар йиққан-терганини салофанларга жойлаб, ҳожатхонага – фақат ўзигагина маълум бир туйнукка яшириб қўйганди. Ҳожатхонага кираркан, ҳар сафар туйнук устига ўрнатилган ғиштга қараб-қараб қўяр, жойидамикин, деган хавотир билан жамғармасини текшириб ҳам кўрарди.

Ширакайф ҳолда уйига кириб келган командир харбий кийимларини ечиб, тартибсиз ҳолда курсига ташлади-да, тебраниб-тебраниб ошхонага йўналди. Бироз пайпаслаб гугурт кидирди, топгач газ плитасини ёкиб чой қайнатишга киришди. Уй ичи кийимларини ҳам киймай, ярим яланғоч ҳолда тухумдан омлет пиширди, бироқ негадир егиси келмади. Абдулла бериб юборган арокни очиб, стаканга ярим қилиб куйди. Арокни бир симиришда ичиб тугатди-да, сўнг овқатланишга тушди.

Эрталаб «посылный» аскар уни уйғотганда кун ёришган, чегарачилар аллақачон нонушта қилиб бўлиб, плацда харбий ва жисмоний машқлар билан машғул эдилар. Боши ғум бўлиб уйқусираб ўтирган Гайворонский кечкурун қай алфозда, қай пайтда ухлаб қолганини эслай олмасди. Бироз ўзига келиш учун душ қабул қилмоқчи бўлди. Душда сув йўқлигини билгач, тўнғиллаб, сўкиниб қўйди. Унга сув қўйиш учун камида иккита одамнинг хизмати талаб этиларди, у ўзини шу даражада ожиз сезардики, ярим пақир сувни кўтаришга ҳам мажоли етмасди. Яхшилаб ювиниб олмаса, заставага бориши мумкин эмаслигини идрок этган Гайворонский «посыльный» аскарга қараб:

– Бор, иккита солдатни бошлаб кел, мана бу савил идишга сув тўлдиришсин, унгача мен соқолимни олиб тураман, – деди. Аскар:

– Хўп бўлади, ўртоқ капитан, – дея заставага югуриб кетди. Хизмат жойига доим барвақт, ҳаммадан олдин, ҳатто чегарачилар уйғонгунча етиб келадиган застава бошлигининг келмай қолганидан хавотир олган унинг муовини – Голубь дарров чопар юборган, хаёлига ҳар хил фикрлар ҳам келганди. Бироқ, Голубнинг хавотирлари ўринсиз, Гайворонский ўзининг бош оғриғини бошқалар зиммасига юклаб қўймас, барча муштарни ўзига олишга одатланган мард офицер эди.

Голубь юборган икки аскар бир пасда душга сув тўлдириб кетишди. Застава бошлиғи соқолини контрабандистлардан тортиб олинган ўткир устарада олишга ўрганган, ҳар замонда уни прапоршик Нурғалиевга бериб чархлатиб оларди. Соқолини олаётиб, энгагини кесиб олди. «Жин урсин, бу яхшилиқ аломати эмас» деди ўзига ўзи, юзидаги ярасига «Тройной одеколон»

сурди. Ярасининг ачишганидан башараси бир тиришиб олган командир бироздан сўнг ўзини анча бардам сезди. Душда обдон чўмилиб, куйлагини алмаштирди, кителини кийди. Полковник Майборада келиши кутилаётгани сабабли бугун доим кийиб юрадиган камуфуляж формасида бора олмасди. У застаравага етиб келганда, соат ўн бирга яқинлашиб қолганди. Командирнинг синиққан юзларига бир қараб олган Голубь:

– Застаравада ҳеч қандай тасодифий ҳодисалар юз бермади, – деб доклад қилди. Гайворонский «ҳа, бўпти, бўпти», дегандай бепарво кўл силтаб, Голубни хизмат хонасига бошлади. Навбатчига иккита аччик қахва буюрди. Прапоршик Нурғалиев застарава бошлиғи қахвани яхши кўришини биларди. Шу сабабли олий навли қахва, яна тоза кўк чой, қишнинг совуқ кунларига деб эса қора ҳинд чойидан заҳира қилиб қўйганди. Хонада электр самовор бор эди, уни ҳам прапоршикнинг ўзи қаерлардандир топиб олдириб келганди. Ҳовлида ўтин билан ёқиладиган самовор ҳам ўрнатилган бўлиб, ҳар замонда ўшанда сув қайнатиладди. Бунақа самоворда қайнатиладиган сувда дамланган чой шундай хушбўй ва хуштаъм бўлардики, уни биринчи марта ичиб кўрган Гайворонский буни дарҳол сезган, шундан бери ҳар замонда шунақа чой ичгиси келганда, катта самоварни ёқиб, чой дамлашларини буюрарди.

Полковник Майборада тушдан сўнг келди.

Застаравадагилар унинг фаолияти ҳақида кўп эшитишган, у билан келиша олишларига кўзлари етмас, тақдирда борини кўришга ҳозир эдилар. Капитан Гайворонский мабодо ишдан четлатилиб, унвони пасайтириладиган бўлса, дарҳол рапорт ёзиб, истеъфога чиқишга жазм қилганди. Йиғиб қўйганлари ҳамма кам-кўстларига етар, кейинроқ бирорта тинчгина, бош оғриғи камроқ иш билан шуғулланишга қарор қилганди. Дарвоқе, у охириги сафар меҳнат таътилига чиққанда бир таниш офицерни учратиб қолганди. Таниши гап орасида Петербургда бир бой бизнесменнинг кўриқчилик хизматида ишлаётгани ҳақида гапирган, керак бўлса ёрдам беришини билдирганди. Яна Питердан квартира сотиб олгудек бўлса, рўйхатга қўйиш ишларида кўмаклашишга ваъда берганди. Гайворонский унинг ташриф қоғозини ҳам олган, хатто бир марта Душанбега борганида,

кўнғироклашиб гаплашганди. Ўшанда у ҳали ҳам кўриқчилик қилаётганини, ойлик маошлари оддий офицерларникидан бир неча баробар кўплигини, хуллас, тирикчиликка бемалол етишини айтганди. Шуларни ўйлаб бироз таскин топган бўлса-да, барибир капитаннинг юраги ғаш эди. Белгиланган муддатли хизматини ўтаб, шундан кейингина захирага чиқса, нафақа ҳам оларди, у ёқда ойлик ҳам келиб турарди-да!

Майборада келиши билан ишни бошлаб юборди. Офицерларга унга халақит қилмасликни, оёқ остида ўралашмасликни маслаҳат берди. Зарур бўлиб қолсалар, йўқлатишини маълум қилиб, ўзларининг асосий юмушлари билан шуғулланишларини тайинлади. Унга ажратилган хизмат хонасини бўшатиб қўйишни бир неча бор катъий талаб ҳам қилди.

Содир бўлган кўнгилсиз ходисани тафтиш қилишни энг аввало курсант Башировни сўроқ қилишдан бошлади.

Курсант Баширов кириб келганида, Майборада мазкур ходиса юзасидан дастлабки текширувни ўтказган катта лейтенант Голубь тақдим этган ҳужжатларни ўрганиб ўтирар, ҳар замонда энсаси қотиб кулимсираб қўярди. Баширов низом бўйича ахборот берди.

– Ўртоқ полковник, курсант Баширов буйруғингизга биноан келди!

– Курсант Баширов, ўтиринг, – деди полковник курсига ишора қилиб.

Курсант таклиф қилинган курсига чўкди.

– Қани, бир бошдан гапиринг-чи, – деди полковник вазмин охангда, – нималар бўлди, мен барчасини – ипидан игнасигача эшитишни хоҳлайман.

Баширов бор гапни сўзлаб берди. Курсант хикоя қилар экан, полковник уни диққат билан эшитар, воқеанинг асосий нуқталарини қайта-қайта сўрар, ишонч ҳосил қилиш мақсадида ора-сира савол бериб Башировдан жавобларни яна бир қарра тасдиқлатиб оларди. Айниқса, курсант Баширов ва оддий аскар Зулин иккови бир вақтда асирларга яқинлашиб, уларни қуролсизлантираётганларида, чегара бузувчиларнинг Барковга мурожаат қилиб, «Володя» деганлари полковникнинг эътиборини тортди.

– Кейин нима бўлди? – сўради полковник.

– Улардан куролларни олиб, ҳали узоқлашишга ҳам улгурмагандим. Шу пайт автоматнинг гуриллаган овози эшитилди, Зулин икковимиз нима бўлаётганини англаб етмай ерга ётиб олдик, кейин бошимизни кўтариб қарасак, асирлар қонга бела ниб ётишарди. Ҳайрон бўлдик. «Нега уставни бузиб, ўт очдингиз, ахир улар таслим бўлишганди-ку, куролларини ҳам бир сўз демай топширишди», дедим Барковга. У эса: «Мен бўлмасам, ҳозир сенлар ўлардинг! Уларнинг тўппончаси бор эди, сенларни, сенларга қўшиб мени ҳам «Ф-1» билан портлатмоқчи эди», деди. Лекин, маълум бўлишича уларда на курол, ва на граната бор экан, ҳамма ёғини титкилаб чиқдик, лекин топа олмадик. Бироқ, сержант Барков: «...шу ерда бўлиши керак, мен аниқ кўрдим», деб туриб олди. Бироздан сўнг Зулин ҳам унинг гапини маъқуллашга тушди:

«Жонингни сақлаб қолганига сержантга раҳмат десанг-чи, маҳмадона, йўқса, худонинг ҳузурига кетган бўлардинг, бир баҳя қолганди-ку ўлишингга», деди. Кейин аскарлар билан катта лейтенант Голубь етиб келди. Улар ҳам нима бўлганини англаб етиб, асирларнинг ёнидан тўппонча билан гранатани излашди, аммо топа олишмади, бор гап шу, ўртоқ полковник, – деб сўзини тугатди Баширов.

– Баширов, сиз Зулин билан бирга, баравар келдик, дедингиз, асирларга қайси бирингиз биринчи бўлиб яқинлашдингиз, сизми ёки Зулинми?

– Ўртоқ полковник, бирга келишга келдик, аммо кейин мен уларнинг қуролига биринчи бўлиб ташландим. Қуролларни улардан олаётганимда, чегара бузувчилардан бири сержантга «Володя» деб мурожаат қилганини эшитдим, у яна нимадир демоқчи эди... бироқ гуриллаган автомат товуши... хуллас, Барков уларнинг танаси илма-тешик бўлиб кетгунча ўқ узаверди. Улар орасидаги масофа ҳам жуда яқин эди, Барков рожокни янгилаган экан, автоматнинг ўқи тугаши ҳамано затвори орқага қайтди. Буни текшириб кўришингиз мумкин, – деди Баширов.

Полковник ҳарбий врачнинг хулосасини олиб, ўқий бошлади. Унда ҳақиқатдан яқин масофадан туриб автоматдан ўқ

узилгани, асирлардан бирига ўн битта, иккинчисига эса ўн ол- тита ўқ теккани қайд қилинганди. Шунингдек, иккала асир ҳам воқеа содир бўлишидан ўн беш-йигирма дақиқа олдин яралан- ган, биттасининг болдир суяги, иккинчисининг эса орқа сонига автомат ўқи жароҳат етказгани, жароҳат натижасида кўп қон йўқотишгани ҳақидаги далолатнома ҳам илова қилинганди. Шифокор хулосасини диққат билан ўқиб чиққан полковник уни жилд остига қўйди-да, Башировга рухсат берди. Ўзиям полков- ник у билан бир хонага қамалиб олиб, деярли ярим тунгача сух- батлашди. Курсант хонадан чиқиб кетар экан, унга:

– Заставадан жилмай тулинг, наряддан озод қилинишингиз тўғрисида командирингизга айтиб қўяман, менга зарур бўлиб қолишингиз мумкин, – дея қайта-қайта тайинлади.

– Хўп бўлади, ўртоқ полковник, – деди курсант эшик томон юрар экан. Майборада айни кучга тўлган бу навқирон йигитга ха- вас билан қараб туриб, беихтиёр ўзининг ёшлик дамларини эслади.

Сўнг фикрини жамлаб шу ерда турган ёзув машинкасида буйруқ ёза бошлади. Ёзиб бўлгач, уни қайта-қайта текшириб чиқди, хатоларини тўғрилаб, яна қайта ёзди. Охирги нусхаси- ни олиб, бошқаларини йиртиб, ахлат челақка ташлади. Эшикни қия очиб ёрдамчисини чақирди:

– Дневальный!

Эшикдан дарров бўйи новча, озғин офицер йигит кириб кел- ди, «эшитаман», дегандай буйрукни кутиб турди.

– Капитан Гайворонскийни ҳузуримга таклиф этинг, – деб кўрсатма берди унга полковник.

Гайворонский киргач:

– Капитан, сержант Барков ва оддий аскар Зулинни гаупвах- тага камаш тўғрисида махсус бўлим буйруғи, – деди қоғозни унга тутқазиб. – Эрталаб уларни сўроқ қиламиз, натижасига қа- раб, кейин контрабандистлар вақтинчалик сақланадиган изоля- торга ўтказиш ҳақида қарор қабул қиламиз, буйрукни бажаринг.

– Бир эси паст «чурка»нинг кўрсатмасига асосланиб, икки йилдан бери хизмат вазифасини ҳалол бажариб келаётган...

Гайворонскийнинг гапи оғзида қолди. Полковник унинг сўз- ларини бўлиб:

– Капитан, сиз ҳозир ўзингиз ҳақингизда қайғуришингиз керак, буйрукни зудлик билан бажаринг, акс ҳолда, огоҳлантириб кўяй, сизга ёмон бўлиши мумкин, – деди.

– Хўп бўлади, ўртоқ полковник, бажаришга рухсат этинг, – деди капитан.

– Боринг!– деди полковник совуққина қилиб.

Махсус бўлим вакиллари капитан Гайворонскийнинг Абдулла исмли маҳаллий савдогар билан муносабатлари яхшилигидан хабардор эдилар. Тинтув баҳонасида унинг уйида маишат қилинаётгани ҳақида ҳам махсус бўлимга ахборотлар келиб турарди. Бирок бу гаплар нечоғли ҳақиқатга яқинлиги ҳали исботланмаган, Абдулланинг контрабандистларга алоқаси бор ё йўқлиги ҳали ўз тасдиғини топмаган эди. Уларнинг ортидан пинҳона кузатув ташкил этилганди. Полковникнинг қўл остидаги офицерлар Абдуллага қарши бўлган кучлар орасидан айғокчилар ёллашган, улар берган маълумотлар текшириляётганди. Армиянинг махсус хизматида рус офицерининг шаънини, армиянинг обрўсини саклаш вазифаси қўйилганди. Армия обрўсига путур етказадиган ҳар қандай хатти-ҳаракат қаттиқ жазоланарди.

Рақобатчилар сўнгги пайтларда ўз одамлари қўлга тушаётганидан хавотирлана бошлашган, бунда Абдулланинг қўли борлиги аён эди. Қизик-да, нариги қирғоқдан келаётган наркотикларнинг тўғри чегарачилар қўлига тушаётганида, ҳатто кишлокқа етиб келишига йўл қўйилмаётганида недир синоат бор. Улар ўзларининг ораларида ҳам Абдулла билан ёки чегарачилар билан алоқаси бор ғаламислар мавжудлигини гумон қилишарди, бироқ бу шубҳа-гумонлар ўз исботини топгунча, гиёҳванд моддаларни олиб ўтиш бироз тўхтатиб, пайсалга солиб турилганди.

Қўлга киритилган гиёҳванд моддалар тегишли хизматлар томонидан экспертиза қилинганда, уларнинг сифати ниҳоят даражада паст эканлиги, асосан қўлбола усулда тайёрланганлиги аниқланган, аммо баъзан лаборатория шароитида тайёрланган, таркиби соф «гиёҳ»лар ҳам учраб турарди. Бундай «тоза» моллар асосан Европа мамлакатларига транзит қилинар, мундай роқлари эса Россияга етказиларди. «Интерпол» ва «Координация бюро»лари ўша «тоза» героиннинг кетидан тушишган, уни

қаерда, кимлар ишлаб чиқараётгани, бу ишга ким раҳнамолик қилаётганини аниқлаш мақсадида ишга киришган қанчадан қанча офицерлар бу йўлда ҳалок бўлиб кетишганди. Лаборатория шароитида қилинган наркотиклар АҚШ, Европа мамлакатларининг дам олиш манзилгоҳлари, кўнгилочар жойларида тарқатилаётгани, бу захри котилнинг домига илинган ёш йигит-қизларнинг бевақт жувонмарг бўлиб кетаётгани бениҳоя ташвишли ҳол эди.

Эрталаб заставада фавкулудда ҳодиса юз берганлиги аниқланди. Гаупвахтага қамалган сержант Барков ва оддий аскар Зулин тунда кўрикчининг автоматини олиб куён бўлгандилар.

Дастлабки текширувлар натижасида воқеанинг тахминий манзараси тикланган, аслида нима, қандай рўй берганини эса ўласи қилиб калтакланган кўрикчи ҳушига келгач аниқлаш мумкин эди.

Ярим тунда гўёки Зулиннинг мазаси қочган эмиш, Барков бу ҳақда кўрикчига хабар берган, кўрикчи унинг ҳолидан хабар олиш, лозим бўлса, заставанинг навбатчи шифокорини чақиртириш ниятида камерани очган. Шу пайт Барков унга ташланиб, роса калтаклаган, кейин икки кишилашиб тепишган, кўрикчи йигит ҳушини йўқотгач, унинг куролини олиб қочиб қолишган.

Тонг отгач, содир этилган воқеа ҳаммага маълум бўлади. Шифокор калтакланган ва беҳуш ётган аскарни кўриб, ўз ҳулосасини ёзиб берди. Унинг кўрсатмаси билан қаттиқ жароҳатлар олган, мия чайқалиши натижасида ҳушидан кетган йигитни вертолётда Душанбедаги ҳарбий госпиталга жўнатишди. Дарҳол «тревога» эълон қилиниб, қочқинларни қидириш бошланди.

Олдинги ишқалликлар етмаганидек, тунда рўй берган қочқинлар воқеаси ҳам бир бўлиб, Гайворонскийнинг кейинги тақдирини ҳал қилиб қўйганди. Энди унинг застава бошлиғи вазифасидан кетиши, ҳарбий трибуналда жавоб бериши аниқ бўлиб қолганди.

Воқеанинг иккинчи куни қочқинларнинг дарағи топилди, улар яширинган ҳудудга вертолётда махсус гуруҳ ташланди. Сержант Барковни топишди. У аввалига қаршилик кўрсатди, ўзида қолган барча ўқларни отиб бўлгач, охириги билан ўз

жонига қасд қилди. Атрофни тинтиб чиққан махсус гуруҳ аъзолари Зулиннинг бир ғорга яширинганини аниқлашади. Тоғда ўтин йиғаетган маҳаллий аҳоли вакилларида бири уларга ғорни кўрсатиб беради. Зулинни ҳеч бир қаршиликсиз осонгина қўлга олишиб, Душанбега, чегара қўшинлари қўмондонлигига юборишди. Бу ишни кўриб чиққан ҳарбий трибунал уни беш йилга озодликдан маҳрум қилди. Капитан Гайворонский ва катта лейтенант Голублар хизмат вазифасига номуносиб деб топилиб, унвонлари пасайтирилди ва нафақасиз истеъфога чиқариб юборилди...

XI ФАСЛ ҚОЧГАН ҲАМ. ҚУВГАН ҲАМ...

Генерал Шоимов вақтини кўпинча ўз хизмат хонасида ўтказар, сафарларга чиқишни ёқтирмасди. Вазирликка чақириб қолишса ҳам, аксарият холларда муовинларини юборарди. У ҳар куни соат ўнда хизмат машинасида ишга кетар, унгина эса ҳовлисидаги бассейнда мириқиб чўмилишни одат қилганди. Ёзда бассейн, киши ойларида эса ювиниш-чиниқиш муолажаларини саунада бажарарди. У ҳар куни табиат унга берган кучли мушакларни обдон машқ қилдирар, ҳовузга бир шўнғиб олиб, шундан кейингина нонуштага ўтирарди. Гарчи, дастурхонда турли ноз-неъматлар бисёр бўлса-да, генерал нонуштага янги пишган иссиққина булочка билан озгина қаймоқ, ёхуд қора нонга суртилган сариёғ билан жиндайгина балиқ икраси ейишни афзал кўрарди. Кетидан албатта бир чойнак кўк чойни ичиб, сўнг ишга кетишга шайланарди. Доимо генераллик формасида юрар, баъзан, камдан-кам холларда – катта амалдорларнинг тўй-маъракаларига бориш керак бўлиб қолгандагина костюм-шим киярди. Ҳарбий уст-бош унга жуда ярашар, унинг формасини Душанбенинг моҳир тикувчилари тикишганди.

Генерал ҳарбий кийимда ҳовлига чиқди. Кетар чоғида ҳовли саҳнини айланиб, атрофга бир қур назар ташлаган бўлди.

Генералнинг тахминан тўрт гектарча томоркаси бор, унинг бир томони боққа уланиб кетган. Бир ёқда сўритоклар остида шинамгина шийпон, унинг ёнида ёзлик ошхона қурилган. Бассейн ҳовли саҳнида, дарвоза яқинида гараж жойлашган. Гаражда икки хил русумдаги хорижда ишлаб чиқарилган енгил автомашиналар ялтираб турибди. Орқа томонда кичкина нон цехи ишлаб турарди. Ўша томондан янги пишган нон ва булочкаларнинг ёқимли иси таралиб, кишининг иштаҳасини китикларди. Айнан мана шу цехда ҳар куни тонгда генералнинг нонуштасига атаб янги маҳсулотлар пишириб ҳозирлаб қўйиларди.

Ҳамма нарса бисёр, бекаму-кўст. Бироқ у бефарзанд эди. Ярасини бироз енгиллатиш мақсадида акасининг бир кизини ва укасининг бир ўғлини боқиб олган, уларнинг таълим-тарбия-

сини ҳам ўз зиммасига олганди. Асранди ўғли ҳозир Москвада Ломоносов номли университетнинг физика факультетида тахсил олар, кизи эса аллақачон турмушга чиқиб кетганди. Генерал икки марта уйланган. Бир нечта хорижлик врачларга кўринган бўлса-да, бирор натижа чиқмаган, шифокорлар унинг фарзанд кўра олмаслигини айтишгач, ноилож ака-укаларининг фарзандларини асраб олганди. Хизматдан бўш қолган вақтларида у ҳовли этагидаги боғида соатлаб айланиб юрар, боғбон билан мулоқот қилишни хуш кўрарди. Раҳматли отаси икки гектар ерга ёнғоқ эккан, улар ҳозир ҳам ҳар йили беш-олти тоннадан ҳосил берарди. Генерал ёнғоқзорнинг ҳосилини Россия бозорларига қатнайдиغان савдогарларга кўтарасига пуллар, даромадининг асосий қисми шундан келишини барча қишлоқдошлари яхши билишарди. Отаси ҳаётлик чоғида ҳатто ёнғоқзордан олган даромадига ҳаж сафарига бориб келганини одамлар ҳали-ҳануз гапириб юришар, боғнинг баракотли эканини айтиб, дарахтларни экиб парваришлаган ҳожи бувани кўп эслаб дуо қилишарди. Бундан ташқари бокка Марказий Осиё худудида ўсадиган мевали дарахтларнинг ҳамма туридан экилган бўлиб, унинг катталиги, кўркамлиги келиб кўрган одамларнинг барини ҳайрон қолдирарди. Боғнинг бир чеккасида тахминан қирқ сотихча келадиган иссиқхона ҳам барпо этилган, у ерда қишин-ёзин помидор, бодринг, кўкатларнинг хилма-хиллари мавж уриб ўсиб, ҳосил бериб турарди. Иссиқхонанинг бир тарафида лимон дарахтлари ўсар, уларнинг алоҳида меҳр билан парваришлангани кўриниб турар, шу боис дарахтлар йил бўйи мева тугиб чарчамасди.

Табийки, генералнинг уйига оддий одамлар кира олмасди. Кўчанинг тўрт тарафига посбонлар учун ойнаванд бокслар ўрнатилган, ҳовли ҳар доим кўриқланарди. Шаҳардан узоқроқ чекка жой эмасми, электр энергияси таъминоти унча яхшимас, чироқ деганлари мунтазам равишда ўчиб, одамларни хуноб қиларди. Қишлоқнинг оддий одамлари чекига тушган бу муаммо генералнинг ҳовлисини четлаб ўтган, унинг боғи этагига – бир чеккага иккита генератор ўрнатилганди. Генераторларнинг бири доимий равишда ишлаб турар, иккинчиси эса захирада эди.

Генерал Шоимов мамлакатда фукаролик уруши авж олган пайтларда ўзини жуда сипо, жонкуяр масъул ходимдек тутган, аммо ҳукуматга қарши кучлар ҳисобланган мужоҳидларга қурол-яроғ етказиб беришда фаол қатнашганди. У ўз ишини пухта бажарар, кора амалларини енг ичида ўринлатиб, ҳеч нарса бўлмагандай, ҳеч нима кўрмагандай покдомон инсон сифатида юраве-рарди. Шу туфайли ханузгача мансабидан айрилмаган, ҳукумат доиралари ичида ҳалол, пок инсон сифатида обрў қозонганди.

Генерал атрофга бир караб олиб, ойналари қорайтирилган хизмат машинасига чиқди. У ортикча такаллуфларни хушла-мас, ҳайдовчиларининг эшикни очиб-ёпиб илтифот қилишларини, адъютантнинг эса уни кўчада кутиб олишини ва шу каби бошқа нарсаларни сира ёқтирмас, унинг хизматидагилар ҳам шунга ўрганишганди.

Машина дарвоза ёнидан жилиб, кўча бошига етгач, генерал-нинг кўзи йўл ёқасида ўтириб, ўтган-кетгандан садақа сўраётган гадойга тушди. Генерал унга тикилиб қаради. «Худди ўзи!» дея хаёлидан ўтказди. «Нима ҳодиса юз берганикин, нега у бу ерда пайдо бўлди, ишқилиб тинчлик бўлсин-да!» Генералнинг хаёлига бир зумда турфа ўйлар келди. Кўнглига хавотир оралади. Хавотир сояси кўзларида ҳам акс эта бошлади. Бирок, ҳайдовчининг бирон нимани сезиб қолишидан чўчиб, дарҳол ўзини ўнглади. Аммо нолам ўй-фикрларнинг адоғи кўринмасди. «Яна кўрғон атрофида айғоқчилар пайдо бўлдимикин? Мен уларга тайинлов-дим-ку, кўрғон атрофида ўралашган ҳар қандай одамни, жосус-ми у ёки билмасдин адашиб келиб қолган йўловчими, фарқи йўқ, тафтиш-терговдан ўтказиб, сўнг жаҳаннамга жўнатларинг, деб».

Яқиндагина генералнинг душманлари томонидан юборилган учта айғоқчи гумдон қилинганди. Иккитаси бир зумда қўлга оли-ниб, тергов қилинди, бечоралар шундоғам кийноқларга солин-дики, бу азоблардан эс-хушлари оғиб қолди. Бор гапни қандай айтиб берганларини ҳатто ўзлари ҳам билмай қолдилар, фақат биттаси жуда абжир экан, вақтида қочиб қолишга улгурди. Кўп ўтмай, уни рус аскарлари топиб олиб, барча ашқол-дашқоллари билан ҳуқуқ-тартибот идорасига, яъни Шоимовнинг одамлари-га топширдилар.

Генерал ўша воқеани эслади. «Ўшанақа бош оғриғи эмасмикин?! Ўшанда у занғарларнинг бири хатто дори олиб учаётган кушларни ҳам расмга туширган экан, яхшиямки, ўз вақтида аралашиб, бу ғавғонинг олдини олдим. Икки овчи бир-бирини билмасдин отиб қўйган, бахтсиз ҳодиса бу, деган хулоса туздирдим, бунинг ортидан бир одамимнинг баҳридан ўтиб, қамашга ҳам мажбур бўлдим. Прокуратура ҳам ҳеч нарса демай, тасдиқлаб юборди. Бу сафар нима балони бошладиларикин?!»

Генерал безовталиги босилмасди. У тезроқ бу нарсаларнинг тагига етиш илинжида эди.

Анчадан бери қандайдир одамлар наркотик моддаларга қизиқаётгани ҳақида генерал Шоимов муфассал ахборотга эга эди. Шу боис ҳам эҳтиёт чораси сифатида Тоғли Бадахшонга келган ҳар бир фуқарони пинҳона текширувдан ўтказар, мабодо уларда гиёҳванд моддаларга қизиқиш сезилгудай бўлса, унинг одамлари дарҳол ишга киришиб, чақирилмаган меҳмоннинг ниятини аниқлашга ҳаракат қилардилар. Мабодо ўша одам буларнинг бирор сиридан воқиф эрса, албатта, киши билмас йўқ қилиб юбориларди. Бунақа топшириқларни бажариш учун генералнинг махсус – милицияга умуман алоқаси йўқ, ўттиздан ортик жангари мужоҳидлардан ташкил топган отряди ёлланарди. Кузатув ишларидан тортиб, гумондорни саранжомлашгача бўлган барча махфий операциялар мазкур гуруҳ зиммасига юклатиларди. Гуруҳдаги жангариларнинг бари фуқаролик урушида обдон қайнаган, курулдан моҳирона фойдалана оладиган, кучли қўмондонлар қўлида ҳарбий тайёргарликдан ўтган эди. Улар орасида вертолёт учувчиси ҳам бор бўлиб, у бир пайтлар афғон мужоҳидлари таркибида жанг қилган, анча-мунча жангу жадалларни кўриб, дийдаси қотиб кетган, хатто икки маротаба ярадор ҳам бўлганди.

Генерал ўзининг қандай ҳатарли ўйинга аралашиб қолганини билар, бу сирли ва жуда қалтис ишнинг бир кун қийиғи чиқиб қолишига ақли етарди, албатта. Коинот забт этилган, фазодан ҳар қандай текширув ишларини олиб бориш мумкин. Бунақа ишлар билан шуғулланадиган махсус хизмат тизимлари тараққий этиб бораётган бир пайтда улар билан узоқ вақт

сичқон-мушук ўйнаш мумкин эмас. Генералнинг бу нарсаларни олдиндан кўра биларди. Лекин барибир, имкон қадар лабораториянинг узоқроқ ишлаб туришини таъминлашга ҳаракат қиларди. Наркотиклардан келадиган фойда қайси томонга, қандай мақсадлар учун йўналтирилаётганини унинг ҳамкорлари очик айтмасалар-да, Шоимов бундан хабардор эди. У билан қачондир фақат бир мартагина учрашиб мулоқотга киришган бир одам – бу ишларнинг бошида турган етакчилардан бири ўшанда унга ўз мақсадларини тушунтиргандай бўлганди. «Толиблар» деб аталувчи ҳаракат иш бошлаганини, тез орада уларнинг Афғонистонни ишғол қилиш, ҳокимиятни ўз қўлларига олиш ниятлари борлигини, сўнгра навбатма-навбат Марказий Осиё минтақасида жойлашган давлатларга ҳужумлар уюштирилиши, бу мамлакатларнинг барини бирлаштириб, улкан Ислом давлати – халифалик барпо этишмоқчи эканини айтувди. Шундай эзгу иш учун, буюк мақсадлар учун ҳисса кўшишни, бир хизмат қилиб беришни сўраганди. Бунинг нечоғли савобли, эзгу иш эканини таъкидлаб, «бу ишга бош кўшиш ўзини мусулмонман деб билган ҳар бир инсоннинг бурчидир», дея қайта-қайта уқтирганди. Шоимов ҳам ўз навбатида уларга маслақдош, кўмакдош бўлишини, бу мақсад йўлида барча молу дунёсини тикишга тайёрлигини айтиб илтифот қилганди. Шунда ўша одам яна:

– Генерал, мол-дунёингиз ўзингизга буюрсин, сиздан фақат битта илтимос бўлади, Қуйи Панж оқимида жойлашган бир кўрғоннинг ишига халақит бермаслик. Зарурат туғилганда уни ҳар қандай бало-қазолардан асраш, ҳимоя қилиш У ерга бирор одамнинг яқинлашишига йўл қўймаслик, айғоқчиларни нари қилиш... Ана шу вазифаларни адо этсангиз кифоя, келажакда бунёд этилажак ҳукумат сиз каби фидойи инсонлардан ташкил топади, иншоаллоҳ, – деганди.

Генерал хизмат хонасига кириб, ходимларидан шу кеча-кундузда рўй берган ҳодисаларнинг ҳисоботини сўради. Унга еткизилган рўйхатда енгил автомобил ва автобуснинг тўқнашуви натижасида йўл-транспорт ҳодисаси рўй бергани, бир неча одамларнинг жароҳатлангани, яна тоғ доволаридан бирида юк машинасининг ағдарилиб кетгани, бир одамнинг икки новвоси

Ўғирлангани ва шу каби майда жинойтлар содир этилгани қайд қилинганди. Буларни ўқиган генерал енгил нафас олди. «Хайрият, айтарли ҳеч нарса йўқ экан», деди-да, ўзини бўш қўйиб, бир керишиб олди. Муовинларига ички телефон орқали тегишли топшириқларни берди-да, ҳайдовчисини хонага чақиртирди.

– Баҳодир, ҳозир базага борасан, буюртма қилиб қўйганман, ўша мебелларни уйга обкелтир, ўзларининг усталари ўрнатиб беради, қараб, ўзинг бош бўлиб тур, уни ташқи меҳмонхонага жойла! Мени олгани келиб юрма, шахсий машинада борамаи. Иш битгач, усталарни олиб бориб қўй, – деди.

Ҳайдовчи «тушундим» дегандай бош ирғаб, чикиб кетди. Иш жойида генерал бутунлай бошқача одам эди. Ходимлари уни жуда оддий, камсукум, ҳатто баъзан содда одам деб таърифлашар, шунинг учун ҳам доим ҳурматини жойига қўйишарди. У ҳеч вақт овозини баландлатмас, жуда қаҳри келганда, ҳеч қандай мулоҳаза-ю муҳокамага ўрин қолдирмай, хизмат хонасида ўтирган муовинларига «чикинглар» дегандай ишора қиларди. Унинг бу одатини тушуниб қолган ходимлар генералнинг аччиғи чиққанини тушуниб олишар ва билиб-билиб ўз вазифаларини бажаришарди. Бошқа катта-кичик ходимларга ҳам сира зуғум қилмас, улар билан яхши муомалада бўларди. Хона ва йўлакларни тозалаб юрувчи фаррош аёллар, ҳовлидаги бокка қараб юрувчи боғбонлар билан самимий мулоқотга киришар, ходимлардан ҳеч бирига, ҳеч қачон кибр қилмасди. Ёз ойларида кўпинча ҳовлидаги – боғ орасидаги шийпонда ўтириб, боғбон дамлаб келган кўк чойни ичиб, у билан гурунглашиб ўтирарди.

Генерал кабинетидаги шкафда осиглик турган костюм-шимини кийиб, ўзини тошойнага солиб кўрди. Сочларига оқ оралаганига эътибор қаратди. Юраги бироз ғаш бўлди. «Ҳа, умр ҳам ўтиб бормоқда, келажак каминанинг елкасига яна қандай синовларни юкларкин, валлоҳу аълам!» деб қўйди. Бошқарманинг гаражида генералнинг «ВАЗ-2106» енгил автомашинаси турган эди. Генерал унга миниб, дарвоза томон йўналди. Дарвозахона олдида турган адъютантга:

– Мен бир шаҳарни айланиб келаман, янги қурилаётган бинога кириб, ишлар қандай кетаётганидан хабар оламан, агар би-

роҳ тасодиф бўлмаса, безовта қилманглар, идорага тушдан сўни келаман, – деди.

Вилоят ички ишлар бошқармаси учун шаҳар марказида замонавий иморат қурилаётган, генерал қурилиш майдонига тез-тез бориб, қурувчиларнинг кам-кўстидан хабар олар, «э, хорманглар!» деб кўнгил сўраб келарди. Унинг бу одатига ҳам ходимлари кўникиб қолишганди. У қурилишга ҳар гал фақат хизмат машинасида борарди, лекин негадир бу сафар фуқаролик кийимида ва шахсий машинасида кетди. Адъютант йигит бу ҳолдан бироз ажабланиб елка қисди.

Майдонда қурилиш ишлари рисоладагидек кетаётган эди. Қурувчилар томни ёпиш арафасида эканликларини кўриб, хушнуд бўлди, ПМКнинг бошлиғи йўқ экан, прораб билан анча сухбатлашди. Уни ҳамиша генераллик формасида кўриб ўрганган прораб аввалига танимади, кейин бориб қурилиш ишларини кузатаётганини кўриб, дарҳол ёнига келди, саломлашди. Улар биргалашиб иккинчи қаватга кўтарилдилар, генерал прорабга ўзининг хизмат хонаси учун нима ишлар қилиш кераклигини тушунтирди, мабодо бирор қурилиш ашёси етишмай қолса ёки бошқа нимадир керак бўлса, дарҳол унинг адъютантга кўнғироқ қилиб айтишларини тайинлади.

Бироз айлангач, кўлидаги тилла соатига қаради, учрашувга ўн беш дақиқа вақт қолганди. Генерал прорабга узрини айтиб, у билан хайрлашиб пастга тушиб кетди. Машинасига ўтириб қурилиш майдонини тарк этди ва йўлни шаҳар ташқарисига бурди. Энди тирбанд йўллар, гавжум кўчалар ортда қолиб, қий дала-ю, яккам-дукка пасткам уйлар кўзга ташлана бошлади. Иккинчи томони дала бўлган теп-текис, равон йўлда беш дақиқача машинани ғиззиллатиб юргач, бироз секинлади. Йўл четида унга керакли ўша одам турарди.

Эрталаб кўча муюлишида учратгани – гадой энди башанг кийиниб, кўзларига қора кўзойнак тақиб олган, дипломат кўтариб виқор билан туришидан омадли бизнесменларни эслатарди. Бир қарашда унинг ёшини аниқлаш мушкул, қора кўзойнак ортда кўзлари кўринмас, юзини ҳам кўзойнакнинг гардиши деярли беркитиб турарди. Гадой қиёфасида кекса чолдек кўринган

энди эса пўрим бўлиб олган бу одамни қадди-бастига қараб, қирк беш-қирк олти ёшлар атрофида деб тахмин қилса бўларди.

Генерал ортидан келаётган машинани ўтказиб юбориб, то у кўздан ғойиб бўлгунча кутиб турди, сўнг уловини четга олди. Қора кўзойнакли одам машина салонига чикиб ўтирди.

– Тинчликми? – сўради генерал.

– Тинчлик эмас, Адхам Шодиевич, – деди ташвишли овозда ўша одам, – қўрғон на рацияга, на спутникли телефонга жавоб бермагач, ҳамкорлар менга кўнғироқ қилиб, сабабини сўрашди. Зудлик билан қўрғонга етиб бордим, бориб кўрдимки, аҳвол чаток. Улар билан боғланиб, қушларни учирмаслик ҳақида илтимос қилдим.

– Нима бўпти ўзи, чайналмасдан дарров гапирсанг-чи, – овозини кўтариб бироз бетоқат оҳангда сўради генерал.

– Қўрғон батамом вайрон этилган, портлатиб юборилган.

– Одамлар-чи? Одамлар қаерда экан? – сўради генерал.

– Ҳозирча номаълум, жазо гуруҳини юбордим, излашмоқда.

У яна нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди, қўл телефони жиринглади. Гўшакдан келаётган овоз қандайдир муҳим маълумотлар бераётган эди. «Қора кўзойнак» уни «мик» этмай эшитди-да, сўнг деди:

– Ҳозирча уларга кўз-қулоқ бўлиб туринглар, нима қилиш кераклигини ўн беш дақиқадан сўнг айтаман.

– Қўрғондагиларни топишибди, – деди у генералга юзланиб, – қўл-оёқлари боғланган ҳолда тоғ ўнгурида ётишган экан.

– Ким? Ким уларни бу ҳолга солибди? Қўрғонга ким ҳужум уюштирибди? – кетма-кет саволлар ёғдира бошлади генерал.

– Айтишларига караганда, улар тўрт киши экан. Ҳамма нарсани – барча иншоотларни, лабораторияни, тайёр маҳсулотларни видеотасмага тушириб, сўнг қўрғонни портлатиб кетишибди.

– Демак, бу – ё русларнинг, ёки «Интерпол»нинг иши. Генерал чуқур «ух» тортди, бироз ўйланиб қолди. «Сир ошкор бўпти. Гап-сўзга қолмасликнинг тадбирини қилиш керак!»

– Тез бориб, қўрғонни текислаб ташлаш лозим, ҳеч қандай из қолмасин, мабодо ашёвий далиллар қолиб кетган бўлса, йўқотинглар, – деди генерал.

– Кўрғондагилар...

– Уларни ҳам йўқотиш керак – қора кўзойнакли одамнинг гапани «чўрт» кесди генерал. – Гувоҳлик берадиган тирик жон қолдирмаларинг, – катъий гапирди у, – тушунарлими?

– Худди шундай, – жавоб қайтарди ҳарбийларга хос оҳангда «Қора кўзойнак».

– Мен тегишли чораларни кўраман, бироқ анавиларни ушлаш керак, Бадахшондан чиқиб кетмасларидан туриб...

Генерал бу ишларнинг оқибати қандай бўлишини тасаввур қила олмади «мабодо босди-босди қилишнинг уддасидан чиқолмас... маълумотларни ушлаб қолишнинг имкони бўлмас... иш чатоқ!» Генералнинг асаби бузила бошлади.

– Бу ҳодиса қачон юз берибди? – сўради ўзини босишга ҳаракат қилиб.

– Бугунни қўшиб ҳисобласак, икки тун ва бир ёруғ кун...

Унинг изоҳидан Шоимовнинг энсаси котди. «Шоирона оҳангда гапиришни ким қўйибди бунга, яна шундай пайтда!»

– Бу муддат ичида чиқиб кетишлари мумкин эмас, агар вертолётда учиб кетишган бўлмас... мен зарур чораларни кўраман, аммо яна такрорлайман, бирорта тирик гувоҳ қолмаслиги керак!

– Тушундим.

– Тушунган бўлсанг, ишга кириш, Каримбердини ҳам, бошқаларини ҳам аввал яхшилаб сўроқ қил, сўнг...

«Қора кўзойнак» генералнинг нима демокчилигини тушуниб, индамай бош ирғади-да, машинадан тушди. Генерал уловини ўт олди. У муюлишга етганида, қора кўзойнакли одамнинг истиқболига бир машина келиб тўхтади, «Қора кўзойнак» унга ўтирди ва машина қайрилиб қарама-қарши томонга йўналди.

Бу одам генералга хизмат қилувчи жангарилар гуруҳининг сардори эди. У қачонлардир афғон тоғ-қирларида мужоҳидлар сафида совет кўшинларига қарши жанг қилган, кейинроқ юртига қайтиб биродаркушлик урушида қатнашган, ҳеч нарсадан тап тортмайдиган қонхўр жаллодлардан бири эди. Мужоҳидлар сафида юрганида ёлланма араб қўмондонларидан сабоқ олган, ўта совуққон, анча-мунча жирканч ишларни юраги «қилт» эт-

май бажаришга одатланган бу одам жуда сўзамол ҳам эди. Кўп нарсаларни билар, араб, форс, инглиз тилларида бемалол сўзлаша олар, баъзан кутилмаганда шеърий оҳангда – қофия билан гапириб қоларди. Гуруҳдаги йигитлар ундан хайиқиб туришар, қаттиқ ҳурмат қилишганидан уни «Додҳо» деб аташарди. Ним учун кўрғондагиларнинг алоқага чикмаганини тафтиш қилиш учун у аввал ўзига ўхшаган беш нафар каллақесарларини юборган, энди генералнинг топшириғига кўра, шахсан ўзи бориб масалани бир ёқлик қилишга чоғланганди.

Йўлга чиқиш олдидан мужоҳидлари билан хабарлашиб, кўрғон одамлари – Каримберди, кимёгар, Бахшилло, қушлар билан шуғулланувчи Мустафоқулни бўлак жойга олиб боришни, қолганларни эса икки кўриқчи билан ўша ерда қолдиришни буюрди. Ўнгирга етиб келган Додҳо уларнинг ҳар бири билан эринмай гаплашди, бу мулоқотлар дўстона руҳда ўтди. Ўзининг устамонлигу сўзамоллик қобилиятларини ишга солган Додҳо суҳбатдошларидан бор гапни тортиб олишга ҳамда аудиотасмага муҳрлашга эришди. Бу борада у энг иқтидорли терговчилару изкуварларни ҳам ортда қолдирарди. Ва ниҳоят мулоқот сўнгида сўради:

– Наркотикларни қайси йўллар билан Тожикистон ҳудудидан олиб чиқасизлар, деган савол берилгани табиий. Хўш, бунга ким қандай жавоб берди?

– Мен бу саволга жавоб бера олмадим, чунки буни билмасдим, – деди Каримберди.

Бошқалардан ҳам худди шундай жавобни эшитган Додҳонинг кўнгли сал тинчиди. Чинданам гиёҳванд моддаларнинг транзит йўлларини бу ишга аралашганлардан санокли одамгина биларди холос.

Шундай бўлса-да, буни текшириб кўришга қарор қилганди у. Одатига кўра ишни пухта қилган Додҳо мужоҳидларига «буларни йўқотларинг» дегандек имо қилди. Додҳонинг фикрини кўз қарашидан уқиб тушунишга ўрганган каллақесарлар ишни ҳеч пайсалга солмай, дарров жойидаёқ бажариб қўя қолишди. Кўрғон одамлари нима бўлаётганини ҳам тушуниб етмай, ёруғ дунёдан кўз юмдилар, Автоматлардан гуриллаб пешма-пеш

отилган ўқлар якин атрофдаги кушлар галасини хуркитиб юборди. Тоғлардан акс-садо келди. Гувиллаб осмонга кўтарилган кушларнинг қий-чуви атрофни тутиб кетди.

Мурдаларни бир чуқурликка ташладилар-да, ўрани катта-катта тошлар билан ёпдилар. Чунки бу тоғу тошда тупрок кидириб ўтириш бефойда эди. Аммо бу ердан анча нарироқда, қолган асирлар сақланаётган ўнгир бағрида – ўрмонзор ёқасида тупрок етарли эди. Мужоҳидлар ўша ўнгирга етгунча йўл-йўлакай каттарок – камида ўн бештача одам сиғадиган чуқурлик излашди. Ортиқча меҳнат талаб қилмайдаган катта чуқурдан иккитасини чамалаб қўйишди. Қоровулчиликда қолган шерикларига асирларни келтиришни буюришди. Додхо уларнинг қўлларини ечишга топшириқ берди. Асирлар орасида қандайдир жонланиш сезилди, яхшиликка умид пайдо бўлди. Бирок, Додхонинг ишораси билан автоматлар яна тариллаб ишга тушди. Бир зумда ҳаммаёқ қора қонга беланди. Мурдаларни олдиндан кўзлаб қўйилган чуқурга бетартиб улоктириб, устидан тупрок тортиб юборишди. Бироздан сўнг каердандар ўрмон хўжалигига қарашли С-100 занжирли тракторини топиб келган жангарилар қўрғон вайроналарини саранжомлашга киришдилар. Пахса деворларни жарликка итариб тушириб юбориб, қўрғон ўрнини теп-текис қилиб ташлашди. Шундай қилиб, деярли уч йил мобайнида кимларгадир мўмай даромад келтириб, яна кимларнингдир ёстиғини қуритган қўрғон бир зумда йўқ қилинди...

* * *

Егор бошқариб бораётган «УАЗ-469» автомашинаси тоғ йўларидаги ўнқир-чўнқирларда сакраб-сакраб, салондаги йўловчиларни силкитиб-силкитиб кетарди. Олдиндаги ўриндиқда Эркин, орқада эса базуки ва автоматлар билан қуролланган Адил билан Ортик ўтиришарди. Эркин билан Егор эса яроғларини оёқлари остига қўйиб олишганди. Рожоклар тўлдирилган, иккитаси бир-бирига полиэтилен билан бириктирилган, мабодо зарурат туғилса, бир варакайига ҳар бир автоматдан олтмиштадан ўқ ёғдириш мумкин эди. Эркин бу хавfli зонадан эсон-омон чиқиб кетишнинг тадбирини қилиб, фақат кечаси йўл юришни

маъкул деб топган эди. Кундуз кунлари кўзга ташланмайдиган пана жойлар топишиб, дам олишар, овкатланишар, машинага ёқилғи қуйишарди. Қоронғида кўрсатадиган дурбиннинг бирини машина салонига полиэтилен халтачалар ёрдамида ўрнатишди. Тунда машина фараларини ёқмай боришар, йўлни кўриш учун ана шу дурбиндан фойдаланишарди. Бу ўз навбатида бир қатор мушкулликлар туғдирар, соатига бор-йўғи 20-30 километр тезликда ҳаракатланишарди.

Атроф-олам оқара бошлади. Тоғлар ортидан эндигина бош кўтараётган куёшнинг элас-элас ёруғлиги теваракни ёритиб борарди. Десантчилар тўхтаб, дам олишга қулайроқ жой ахтара бошлашди. Бир тоғ ўнгирига автоуловларини яшириб, устига арча шохларини қалаштириб ёпишди. Орқа ўриндикда келаётган Ортик билан Адил-ку йўлнинг ўнқир-чўнқирига ҳам парво қилмай, бироз мудраб келишди. Энди Эркин билан Егорга дам бериш лозим эди. Икковлон ётиб уйкуга кетишди, Адил билан Ортик эса навбатчиликни зиммаларига олишди.

Бу пайтга келиб энди атроф борлиқ уйғонган. Узок-узоклардан кўй-кўзиларнинг овози эшитилар, қушларнинг чуғур-чуғури авжига чиққан, қаерлардандар олис-олисдан машиналарнинг шовқини ҳам келарди. Соат ўнларга яқинлашиб қолганда, узокдан вертолётнинг товуши эшитилди. Эркинни уйғотишга кўзи қиймаса-да, эҳтиёт чорасини кўришни ўйлаган Адил уни енгил туртиб: – Ротний, тур, оғайни! Тур, кара! – дея осмонга ишора қилди, Вертолётнинг шовқини тобора яқинлашиб келарди. Бу шовқиндан Егор ҳам уйғонди. Православчасига бир чўкиниб қўйди-да:

– Қувиш бошланди, ана энди жанг бўлиши аниқ, – деди, – ammo канақасига бунчалик тез хабардор бўлишдийкин, мана шунисига ақлим хайрон. У шундай деганича бўйнига доим осиб юрадиган миттигина тақинчоғи – кумуш хочни ўпиб қўйди.

– Улар бизни вертолётдан кўра олмайдилар, бироқ йўлини килиб бу ердан киши билмас чиқиб кетишимиз зарур, – деди Егор, кейин яна қўшимча қилди: – Ҳозирча жимлик сақлаймиз.

Орадан беш дақиқа ҳам ўтмай, вертолётнинг шовқини кулоқни коматга келтирар, у энди анча пастлаб учарди. Белига тожик милициясининг логопити туширилган вертолёт кўринди. У

икки километрча масофага учиб бориб, яна оркага қайтиб келар, яна сал нарига учиб кетиб, бироздан сўнг яна қайтарди.

– Булар бизни қидираётгани аниқ, – деди Адил, – менга қолса базуки билан суробини тўғри килиб кўярдиму...

– Адил, ҳали бунга вақт бор, ҳозирча ўзимизни сездириб қўймай, жим турганимиз маъқул, – деди босиклик билан Эркин, – кейинчалик вазиятга қараб иш қиламиз.

Улар гарчи ҳарбий хизматдан бўшаган бўлсалар ҳам, ҳамон ротнийни ўзларига йўлбошчи деб ҳисоблашар, унинг буйруқлари, кўрсатмалари қонундек билишарди.

Вертолёт анча нари кетиб, кўздан ғойиб бўлгач, тамадди қилиб олишга чоғланишди. Термосдаги иссиққина қаҳвадан ичиб, тушенка, сервелат ҳамда жавдар нонини мазза қилиб туширишди. Кечгача дам олишди. Кун ботгач, лебедка билан машинани ўнгирдан туширишди, ёкилғини тўлатиб, сўнг йўлга отланишди.

Ички ишлар қўшинларида ҳарбийларникидек юқори технология билан жиҳозланган, кечаси учишга мослаштирилган вертолётлар йўқ, бори шу оддийгина МИ-8 эди. Улар эса бунақа экстремал ҳолатларга ихтисослашмаганди. Шунинг учун тунда милиция уларни вертолётда таъқиб қила олмас, беҳавотир кетаверишса бўларди.

Тоғдан тушиб, аҳоли яшайдиган қишлоқлар йўлига тушиб олишди. Бу жойларда сув, газ масаласи чатоқ, одамлар асосан сой ёқаларида уй-жой қилиб яшашарди. Сув бор жойда ҳаёт бор дегани шу-да! Сойдан олисроқ қишлоқларнинг аҳолиси эса сувни мешларда, эшак араваларда ташиб келишарди. Тоғларга ўтин ташвишида чиқишар, ёз ойларидаёқ ўтинни ғамлаб олишга ҳаракат қилишарди.

Тунда бу ерлар хатарсиз, аммо тонг отгунча, тоғлар орасидан ўтган сўқмоқ йўлга чиқиб олиш лозим. Эркин харитани кўз олдига келтириб, узоқ бўлса ҳам ўша сўқмоқ йўлдан кетишни чамалаб борарди. Ахир у сўз берган, ўз-ўзига, уларни бошқариб турганларга... Ўзи ва шерикларининг ҳаётини хатарга қўймасдан, имкони борича ўзларини ошкор қилмасдан манзилга етиб боришлари даркор. Айни пайтда унинг учун энг олий мақсад шу!

Тонгга яқин десантчилар яна қулайроқ манзил топиб жойлашишди. Машинани тоғ ён бағридаги ўнгирга киритиб, шундай усталик билан яширишдики, яқин-атрофдан эшакларига ўтин юклаб ўтаётган қишлоқ аҳли ҳам ҳеч нарса ни пайкашмади. Тушга яқин яна милициянинг вертолёти пайдо бўлиб, тафтиш ўтказди. Икки карра атрофни айлангач, қишлоққа кираверишдаги ялангликка кўнди. Ундан камуфуляж кийган икки одам тушиб, қишлоқ аҳли билан суҳбатлашган бўлди. Бироздан сўнг ҳаммаёкни чанг-тўзонга тўлдириб, яна осмонга кўтарилди.

Бир амаллаб кунни кеч қилган десантчилар яна йўлга тушдилар. Энди машинани Эркиннинг ўзи бошқарарди. Эркин босиб ўтилган йўлни харитадан белгилаб борар, ора-сира компасга караб, йўлнинг тўғрилигини текширар, координатларидан янглишмай кетаётганларига ишонч ҳосил қилгач, яна олға босарди. Навбатдаги манзил – Эшон рафтем¹ қишлоғи. Бу қишлоқ худудидан чиқиб олсалар, тўғри Душанбега олиб борадиган асфальт йўлга тушадилар. Катта трасса бўлгани учун кечаси ҳам ҳаракат тинмайди, машиналар серқатнов. бемалол фараларни ёкиб юриш мумкин. Тоғли Бадахшон билан Гарм вилоятининг чегараси шу трассадан ўтган. Гармга кириб олишса, у ёғи осойишталик. У ёқлар Шоимовга карамас, бу худуддаги аҳоли ҳам унинг кавмига мансуб эмасди. Лекин, ҳали Гармгача 250 километрдан ортик масофа бор, бу эса ҳали-вери хотиржамликка берилиб бўлмаслигини, хушёрликни янада оширишни талаб этарди.

Тахминан 75 километр масофани босиб ўтишгач, тўсатдан бир қишлоққа дуч келиб қолишди. Ажабланарлиси шунда эдики, у харитада кўрсатилмаганди. Одам кўп. Отлиқ йўловчилар, эшак минган эркагу чоллар қарама-қарши томондан оқиб келишарди. Афтидан бу тарафда мол бозори бўлса керак, қўю эчки ва қорамоллардан иборат подаларни ҳайдаб келишарди.

– Оббо! Шуниси етмай турувди! – норози бўлиб ғижиниб қўйди Эркин. Автомобилни қоронғида фараларсиз шундоғам қийналиб бошқараётган Эркин энди рўпарасидан чиқиб келаётган қўй-қўзиларни уриб юбормаслик учун янаям эҳтиёткоррок

¹ “... рафтем” сўзи тожик тилидан таржима қилинганда, “кетган” деган маънони беради. Муаллиф изоҳи.

ҳаракатланарди. Йўловчилар ҳам чироқларини ёкмай келаётган бу ғалати машинага ҳайратланиб қараб-қараб кўйишарди. Шу тахлит тошбақа юриш қилиб амаллаб подадан ўтиб олишди. Боядан бери эндиги режаларини хаёлида пишитиб, ўй ўйлаб келаётган Эркин ниҳоят ёрилди:

– Оғайнилар, энди яширишнинг ҳожати йўқ, фараларни ёкиб, мумкин қадар Гарм вилоятига етиб олишимиз керак, акс ҳолда бу қопқондан чиқиб кетишимиз гумон. Эркин шундай деб чуқур «ух» тортди. Кейин машинанинг «дальний» фараларни ёкиб, тезликни оширди. Спидометр юзни кўрсатар, ўнқир-чўнқирларга қарамай Эркин машинани учириб борарди. Орқада ўтирган Адил билан Ортиқ базукининг учига снарядларни жойлаштириб, автоматларини тахт қилиб кўйишганди. Ҳар замонда бир машина силкинганда, Адил ҳарбийчасига сўкиниб кўяр, Егор эса унинг сўкинишларидан роҳат қилиб кулиб кўярди.

– Адил, бу сенга менинг қабулхонамдаги кизнинг кўкракларини эзғилаш эмас, балки ҳақиқий ўғил болача иш – ҳарбий топшириқни бажариш, энди тушуниб етган бўлсанг керак-а, – ҳазиллашиб сўз қотди Егор.

– Ҳап сеними, нокас, – шу ондаёқ ҳазилга жавоб қайтарди Адил ҳам бўш келмай, – шундай дейишингни билардим, жуда мижғов-да бу! – Энди у бошқа шерикларига ҳам мурожаат қилаётганди, – котибасини мендан ҳам қизғонади... Нима, мен уни еб кўярмидим?! Фақат кечаси жонини киргизаман холос, ҳали омон-эсон борай, унга уйланаман, шунда кўрасанлар, тўйга ҳаммангни таклиф этаман, борасанлар-а? У кизгина ўзиям шундай хурликоки, жонингни олади-да! Қайтиб борайлик, шунда мана бу қизғанчикнинг бурнини яхшилаб ерга ишқайман.

Адил уйланган, битта фарзанди ҳам бор эди. Буни ҳаммалари билишар, ҳатто унинг тўйига ҳам боришганди. Шу боис ҳам унинг бу ҳазилидан мириқиб кулишди. Ортиқ унга қарата яна сўз қотиб: – Тўйингга айтсанг, албатта борамиз, – деди ҳаммининг номидан.

Тахминан юз эллик километр юришгандан сўнг тонг ота бошлади. Ҳали анча ғира-шира бўлгани учун яширингани қулай жой қидириб яна озроқ юришди. Шу пайт вертолётнинг то-

вуши эшитилди. Вертолёт шундоқкина уларнинг устидан учиб ўтди, сўнг нимагадир ортига қайтди. Афтидан, улар катталарига ахборот бериш учун қайтгандилар. Десантчилар энди нима бўлишини идрок этиб бўлган, шу боис ҳар қандай вазиятга тайёр эдилар. Вертолётдан ҳужум бошлашлари табиий. Тезда машинадан тушмаса бўлмас, акс ҳолда машина билан бирга ёниб кетиши ҳеч гапмасди.

– К машине¹, Егор, сен бир базукини ол, уни яхшилаб нишонга олиб, уриб тушир, йўкса бирортамиз ҳам тирик қолмаймиз, – буйрук берди Эркин.

– Тушундим, ротний, сизлар «вертушка»ни чалғитиб туринглар, мен анови тепаликка чиқиб оламан, шунда нишонга олиш осон бўлади.

У шундай деб тепаликка қараб югуриб кетди. Десантчилар йўлга чиқишдан олдин бронезилетларни кийиб олишган, бу нарса уларнинг жонини сақлаб қолишга ёрдам берарди, фақат бошлари омон бўлса бас, ўқлар бошга тегмаса бўлди эди. Вертолёт пастлаб учиб, бир пасда машинани илма-тешиқ қилиб кетди, аммо у ёғдирган ўқлар десантчиларга зарар қилмади. Вертолёт осмонда доирасимон ҳаракатланар, бир айланиб келиб, яна уларни мўлжалга оларди. Бу сафар шундай ёмон ўққа тутди-ки, ҳаммалари бошларини чангаллаб ерга бағир бериб ётишганча анчагача бош кўтаришмади. Эркин ётган еридан бақирди:

– Тирикмисизлар!

– Ҳозирча тирикмиз, – Адил билан Ортиқнинг овози келди. Эркин ётган еридан атрофга қараб Егорни қидирди. У мўлжаллаган манзилга етиб, базукини тайёрлаб турганди. Вертолёт яна бир бор бурилиб, уларни ўққа тутди, бу гал Эркин қўлини кўтара олмай қолди. У ерга ёпишганича ётар, қўли конга бўялиб кетганди. Вертолёт навбатдаги маневрни амалга ошириб айланаётган чоғида тепалик остидан чиқиб келган Егор уни нишонга олиб базукидан ўт очди. Вертолёт бир силкинди-да, хавода ёниб кетди ва десантчилар ётган ердан бир неча метр нарироқ масофага қулаб тушди. У чор-атрофни даҳшатга солиб ёнарди. Бироздан сўнг машина ҳам портлаб кетди. Яхшиямки, рюкзак-

¹ Ҳарбийлар тилидаги буйрук, яъни “мошинадан тушинглар”.

ларни сакраётган пайтларида олволишган экан, бўлмаса, ҳеч нарсасиз қолишарди.

Ўқ Эркиннинг чап қўл мушагини ялаб ўтганди, ярани диққат билан қараб кўрган Егор рюкзакдаги аптечкадан бинт, дока олиб унинг қўлига маҳкам сиқиб боғлади-да, бўйнидан дока ўтказиб осиб қўйди.

– Ранение сквозное, ротный, до свадьбы заживет¹, – деди унинг кўнглини кўтариб. Бироз ўзларини ўнглаб олгач, яна манзил томон ҳаракатлана бошлашди. Катта йўлга яқин жойда привал қилиб ўтиришганди, узокдан КАМАЗ русумли юк машинаси кўзга ташланди. Дарҳол отланиб машинанинг йўлини кесиб чиқишга тайёр бўлиб туришди. КАМАЗ яқинлашгач, тўртталаси бирданига йўлга чиқиб саф тортишди. Қуролли одамларни кўрган ҳайдовчининг ранги-кути ўчиб, тўхташга мажбур бўлди. Ҳайдовчи йигит магнитофонни варанглатиб, ундан таралаётган мусиқага шайдо бўлиб қолган, кейин эса тўсатдан рўпарасида пайдо бўлиб қолган қуролли одамларни кўргач, эсанкираб, аввалги завқу шавқидан асар ҳам қолмаганди.

– Сенга зарар етказмаймиз, – деди тожикчалаб Ортик рангида ранг қолмаган ҳайдовчини тинчлантириб. – Нима олиб кетяпсан?

– Тоғли Бадахшонга юкни топшириб, Гармга қайтяпман.

– Машинанг бизларга жуда керак-да, оғайни, мана бу пулга янгисини сотиб оларсан, – деди Ортик кўргондан – Каримбердининг сейфидан олишган долларларни кўрсатиб. – Биз Гармга етиб олишимиз керак.

Қати бузилмаган пулларни кўрган ҳайдовчининг кўзлари чакнади. – Шу кетишда нечта пост бор? – сўради Ортик.

– Бадахшондан чиқаверишда иккита бор, – жавоб қайтарди ҳайдовчи.

– Уларни айланиб ўтиш мумкинми?

– Фақат сой ёкалаб юрилса, уларнинг орқа томонидан чиқиш мумкин, лекин йўл ниҳоятда чатоқ.

– Бизни Гармга ўтказиб қўясан, оғайни, – деди Ортик ҳайдовчининг елкасига енгил шапатилаб, – мана булар сенга! У шундай деб битта юз долларлик пачкани унга узатди.

¹ Ўқ мушакни яралаб, тешиб чиқиб кетибди, тўйгача тузалиб қолади.

– Бунча пул учун, сизларни Душанбегача олиб боришга ҳам тайёрман, лекин улар ҳақиқийми, акалар? – деди хайдовчи йигит шубҳаланиб.

– Кўркма, булар ҳақи-қи-ийй! – деди Ортик охирги сўзига алоҳида урғу бериб. – Агар сўзингни устидан чиқсанг, яна битта ана шунақасини бераман, чин сўзим!

– Келишдик, чиқинглар, – деди хайдовчи хурсанд бўлиб. Хайдовчининг исми Али экан. У анча самимий, хушчакчақ йигит чиқиб қолди. Эркинни машинанинг орқа ўриндиғига ётқизиб қўйишди, Егор унинг ёнига жойлашиб, қонга беланиб кетган докаларини ечди-да, ярани қайта боғлади. Яхшиямки, хайдовчининг аптекасида йод бор экан, қон оқишини тўхтатди.

Машина асфальт ётқизилган тўғри йўлдан қайрилиб, энди ўнқир-чўнқир йўллардан кета бошлади. Бу нотекис йўлда машина бетўхтов силкинар, бу эса Эркинга каттик азоб берарди. Жароҳати оғриб, бутун танасини қақшатар, оғриқдан юзлари буришиб кетарди, лекин у тишини тишига қўйиб чидаб борарди. Қарийб 50 километр юришгандан сўнг яна асфальт йўлга чиқишди. Али уларга:

– Мана иккала постдан ҳам айланиб ўтдик, бу ёғи энди Гарм вилояти, – деди мамнунлик билан.

Бу ёғига хайдовчи ҳам хотиржам бўлган, энди у интизомга амал қилган ҳолда автомобиль назорати постларига келганда тўхтар, бир-икки оғиз гаплашиб, сўнг яна дарҳол машинага ўтириб йўлда давом этарди. Ортик эса унинг ёнида ҳар эҳтимолга қарши юз бериши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларга тайёр турарди. Постларнинг бирида қисқа савол-жавоб қилиб рулга сакраб ўтираркан:

– Сизларни Шоимов излаётган экан, – деди дабдурустан Али.

– Ким айтди? – янада хушёр тортиб сўради Ортик.

– «Мент»лар айтишди, сизлар ҳақингизда бирор арзирли аҳборот берганларга шоҳона ҳадялар ваъда қилибди, – деди Али.

– Ахир бу ерлар унинг тасарруфида эмас-ку! – ажабланди Ортик.

– Шоимовнинг кимлигини биласизларми ўзи?

– Ҳа, биламиз, унга меҳмон бўлиб борган эдик, яхши қабул қилмади, шунинг учун орқага қайтмоқдамиз, меҳмондўст одам эмас экан, – деди Ортик.

– Асабига теккан бўлсаларинг керак-да, шунинг учун сизларни изингизга тушган, – сўз қотди Али ҳазиломуз оҳангда.

– Ҳа, майли, Шоимовни қўйиб турайлик, – асабийлаша бошлади Ортик ҳайдовчининг бу мавзуга ёпишиб олганидан хавотирланиб, – Душанбегача қанча масофа бор?

– Деярли 500 километр, мен сизларни албатта обориб қўяман, ваъда қилинган пулни берсангизлар бўлди, шу маблағ менга жуда зарур, – деди Али.

– Нега? – савол берди Ортик.

– Ижарада ишлайман, мана бу машина бир бойваччаники, топган-тутганимнинг асосий қисми унга тегади, бола-чака боқишга арзимаган чойчақалар қолади холос. Қўпдан бери битта шунақа тулпор сотиб олмоқчи бўлиб юрибман, – деди Али.

– Али, биз ваъдадан қочадиган одамлар эмасмиз, – деди Ортик.

– Билиб турибман, акс ҳолда биринчи постдаёк сизларни сотган бўлардим, аммо виждон амри бу ишни қилмасликка ундади. Сизлар билан йўлим бир экан, демак Душанбегача олиб бориб қўяман.

Уларнинг суҳбатига кулок солиб ётган Эркин оғрикни сал унутиш, бироз чалғиш максадида лукма ташлади.

– Бу ерларда шунақа машиналар қанча туради?

– Фурасизи – тахминан 15 минг, янгироғи – 18-20 минг АҚШ доллари!

– Фура қанча туради? – яна савол берди Эркин.

– Янгиси беш минг, сал эскироғини 3,5-4 минг долларга беришади.

– Демак, 25 минг доллар, – Эркин бу сафар шунчаки дардини унутиш учун эмас, аниқ бир мақсадни қўзлаб гап ташлади, дадил ва жиддий оҳангда гапириб суҳбатга жиддий тус берди. – Бизларни омон-эсон Душанбегача олиб бориб қўйсанг, ваъда қилинган 10 мингга яна шунча қўшиб бераман.

– Қани энди, бир умрлик орзуим руёбга чикса, – деди Али ширин хаёлларга берилиб.

– Душанбегача олиб бориб қўйсанг, шу пулни оласан, ука, – деди Эркин қатъий оҳангда форсча гапириб.

– Раҳмат ако мулло, бир умр яхшилигингизни унутмайман, – деди унга сал ўгирилиб Али.

Бу оддий, қишлоқ йигитининг ҳақиқатдан ҳам софдил эканига, ғирромлик қила олмаслигига энди Эркин ҳам ишона бошлаганди. Ҳар бир пост уларни тўхтатар, йигит тушиб, автомобил назорати ходимларига ширинкомасини¹ бериб келарди. Бунинг эвазига албатта улар машинани жиддий текширишмас, нари-бери кўздан кечирган бўлиб ўтказиб юборишарди.

Эркин уларнинг шунчалик тубанлашиб кетганларини, пора эвазига виждонларини ҳам сотиб юборишга тайёр эканликларини ўйлаб ўзича мулоҳаза қилиб борарди. Анча йўл юришгандан кейин йигитларнинг қорни очди. Бир четда тўхташди. Али сал наридаги ошхонага бориб термосга иссиқ чой дамлаб, 30 сик кабобни нонга ўратиб келди. Вақтдан ютиш мақсадида тўхтамасдан кетишга қарор қилдилар, йўлма-йўл нон билан шашликни мазза қилиб еб, сал кувватга кирдилар.

Душанбега тахминан етмиш километрча қолганда, автоном зоратчилар уларни тўхтатди, ўзлари эса негадир машиналарига ўгириб жўнаб кетишди. Йўл ёқасида спецназ² қисмларига алоқадор зирхли юк машинаси, бир нечта куролли аскарлар, офицерлар турарди. Офицерлардан бири машинага яқин келиб, «пастга тушинг!» деган ишора қилди. Эркин оҳиста шипшитди:

– Приготовится к бою³!

Адил билан Егор бир-бирларига маъноли кўз қисиб қўйдилар, қўлларига иккитадан Ф-1 гранатасини олиб, секингина пастга тушдилар. Гранаталарнинг чеки узилганини кўрган офицер донг қотиб қолди. У бунақа ҳолатни кутмаганди.

Вазирликдан бир нечта босқинчилар қотиллик содир этиб. Душанбега томон ҳаракатланаётганликлари тўғрисида ахборот олинган. Махсус хизмат ходимларига уларни ҳибсга олиш.

¹ ДАН ходимларига бериладиган пора тожикларда (хайдовчилар тилида) шундай аталар экан.

² Террористик ҳаракатларга қарши курашадиган махсус қисмлар.

³ Жангга тайёрланинг.

агар куролли қаршилик кўрсатадиган бўлсалар, қириб ташлаш ва улардан олинган барча ашёларни Шоимовга етказиш топшириғи берилганди.

Эркин вазиятни тезда таҳлил этди-да, бу масалани ўзи ҳал қилиш мақсадида ўрнидан кўзғалди. Имкони борича, бу муаммони тинч йўл билан ҳал қилиш, бекордан бекорга бегуноҳ одамларнинг қонини тўкмаслик керак, деган қарорга келганди у. Шу мақсадда офицер билан музокарага киришмоқчи бўлиб, унинг ёнига келди.

– Унвонингиз, – биринчи бўлиб сўради Эркин.

– Капитан, махсус қисм батальонидан, – жавоб берди офицер.

– Подполковник Пўлатов, «Координация бюро»сидан.

– Бунақа ташкилотни биринчи бор эшитишим, – деди капитан.

– Оддий қилиб айтганда, «Интерпол», – деди Эркин ўта жиддий қиёфада катъият билан.

– Тушунарли, – дея бош ирғади капитан, сўнг аскарларга юзланиб, – катта лейтенант Розиков, автоматлар туширилсин, – деб буюрди. Шундай деб Егор билан Адилнинг қўлларидаги гранатларга шубҳа билан қараб қўйди. Эркин буни пайкади-да, дарҳол:

– Семенов, Мамедов, гранатларнинг чеклари кийдирилсин, – деди. Улар бир муддат сўзлашиб турдилар. Капитан Тожикистон миллий хавфсизлик хизматига қўнғирок қилди, уни Алиев билан улашди. Гап нимадалиги аён бўлгач, капитан уларни ҳарбийча илтифот билан кузатиб қўйди. Ўзлари уларни муҳофаза қилиб боришларини билдирди.

Шундай қилиб, КАМАЗ автомашинаси «спецназ» ҳамроҳлигида Душанбе шаҳрига қараб жўнаб кетди.

Шаҳарга кириб келиб, тўппа-тўғри МХХ биноси олдига бориб тўхташди. Уларни шахсан Алиевнинг ўзи кутиб олиб, тўғри ҳарбий аэродромга бошлаб кетди. Эркин ҳайдовчи йигитга аввалги 10 мингдан ташқари яна ваъда қилинган 20 минг долларни берди, Али ҳам мамнун бўлиб кўзида ёш билан бу мард одамларни кузатиб қолди.

Самолёт кўтарилгунча, ҳарбий жарроҳ Эркиннинг жароҳатини кўриб, зарур муолажаларни қилди-да, ярани қайта боғлаб

кўйди. Москвага боргач, албатта яхши шифокорларга кўриниши кераклигини тайинлади. Улар деярли беш соат учиб, Москва остонасидаги харбий аэродромга кўнишди. Десантчиларни полковник Максимов чикиб кутиб олди. Енгил автомашиналарга ўткизиб Эркинни Бурденко номли харбий госпиталга, колганларни эса «Россия» меҳмонхонасига жойлаштиришди. Сафар харажатлари учун уларнинг хар бирига яхшигина микдорда АҚШ доллари ва Россия рубли ажратилди. Орадан икки кун ўтгач «Интерпол» ходими Жан Поль Москвага учиб келди. Госпиталга ташриф буюриб, Эркин билан бир соатча суҳбатлашди. Кейин унга шифо тилаб, хайрлашди-да, полковник Максимов билан унинг хизмат постига қайтди.

– Йигитлар қойил қилишибди лекин.. биз учун қимматли бўлган маълумотларни олиб келишибди, – деди Жан Поль мамнун бўлиб, – аммо наркотикларнинг қандай йўллар билан транзит қилиниши ҳамон мавҳум бўлиб қолмоқда.

– Шунча ишни қилиб, омон келганлари ҳам биз учун катта ютук. – Максимов ҳам уларни алқай бошлади, – айниқса, подполковник Эркин Пўлатовнинг хизматларига тасаннолар айтиш мумкин.

– Полковник, ана шу йигитни ўз идорангизга олмайсизми? – деди Жан Поль.

– Менга қолса, уларнинг барини олардим, аммо ўзлари хоҳлашармикан?! Иккитаси Чимкентда бизнесмен, биттаси Фарғона водийсидан... Гуруҳ раҳбари – Эркин «Ватанпарвар» ташкилотида хизмат қилади, бундай тажрибали, уруш кўрган одамлар бизга жуда керак, – деди Максимов уларнинг хизматидан кўнгли тўлганини яна бир бор намоиш этиб.

Кечкурун Москванинг «Новости» дастури Тоғли Бадахшон Ички ишлар бошқармасига қарашли вертолёт ҳалокатга учраганлиги, генерал Шоимов бошчилигида ҳалокат сабабларини аниқлаш учун махсус ҳукумат комиссияси тузилганлиги ҳақида хабар қилинди, аммо кўрғон хусусида, у ерда бўлган ишлар тўғрисида лом-мим дейилмади...

Эркиннинг аҳволи анча яхшилангани билан ҳамон госпиталдан чиқишга рухсат этишмас, сабабини у сира тушуна олмасди. Шу куни Адилнинг хотини Фая меҳмонхонага телефон қилиб,

Гюмендан Анатолий Мишин кўнғирок қилганини, Адил билан Егорни сўраганини, уларнинг ҳозир Москвада эканликларини билгач, телефон рақамларини сўраб олганини айтди. Ўзи ҳам икки кундан сўнг Москвага келишини хабар қилиб, уларнинг кетиб қолмасликларини тайинлабди.

Кечки пайт энди ресторанга овқатланишга тушмоқчи бўлиб, хона эшигини ёпганларида телефон жиринглаб қолди. Телефоннинг узоқ муддат узлуксиз жиринглаётганини эшитган Ортик шерикларига: – Сизлар тушаверинглар, мен етиб оламан, – деди-да, хонанинг эшигини очиб кириб, телефон дастагини олди.

– Адил сенмисан? – деди дабдурустдан телефон қилаётган одам.

– Йўқ, Адил ресторанга тушиб кетди, – деди Ортик.

– Афсус, сиз билмайсизми, у қачон Тошкентга учиб кетар экан? – сўради гўшак ортидаги овоз. Овоз жудаям таниш туюлар, аммо Ортик уни қаерда эшитганини эслай олмасди.

– Имкони бўлса, икки соатдан сўнг кўнғирок қилсангиз, ўзи сизга барчасини тушунтиради, – деди одоб билан Ортик.

– Егор Семенов ҳам у билан биргами? – шошиб сўради яна ўша одам.

– Менга қара, эй мияси айниган, қаердан телефон қиляпсан? – сўради Ортик гап оҳангини ўзгартириб. Чунки Ортик Мишинни таниганди.

– Кечирасиз, оғайни, – талмовсираб гапира бошлади энди телефондаги овоз, – менга нега бундай кўпол муомала қиляпсиз?

– Ҳали шуни кўполлик деяпсанми, – бўш келмади Ортик, – кўполликни кўрмабсан, ундан кўра айт, қачон Москвага келасан, Эркин Пўлатов госпиталда ётибди!

У шундай дейиши билан телефон қилаётган одам:

– Ортик, сенмисан? – деди хурсанд бўлиб.

– Ҳа, ўзимман, Толик!

– Эртага учаман, тўғри меҳмонхоналарингга бораман, – ховликиб гапирарди Мишин худди ҳозир йўлга отланиши керакдай, – ротнийга нима қилган?

– Ярадор..., келганингда бафуржа гаплашамиз, биз яна уч-тўрт кун шу ерда бўлсак керак.

– Ротнийнинг жароҳати оғирми? – хавотирланиб сўради Мишин, – нега ҳаммаларинг Москвадасанлар?.

– Хавотир олма, сен келавер, ҳаммасини ўшанда билиб оласан!

– Иложи бўлса, бугун кечаси учиб боришга ҳаракат қиламан, кўришгунча Ортик, ҳаммага салом айтиб қўй, – деди Анатолий.

– Саломингни ўзинг келганингда айтасан, – хазил қилди Ортик. Улар хайрлашиб гўшакни илдилар.

Ортик ресторанга кириб келганида, Адил билан Егор бир қадаҳдан арокни ичиб бўлиб, энди газак қилишаётганди.

– Хўш, Ортик, ким экан у, телефон қилган? – сўради Егор.

– Адашиб тушибди, – деди Ортик кулимсираганча. У буни жўрттага дўстларига айтмай, Анатолийнинг келишини сюрприз қилмоқчи бўлди. Овқатланиб бўлишгач, эрталаб Эркинни кўргани боришга келишдилар-да, хоналарига чиқиб, телевизор каршисига жойлашдилар.

* * *

«Координация бюроси»нинг бошлиғи полковник Максимов ва Жан Поль олинган ҳужжатларни диққат билан таҳлил қилишмоқда.

– Агар наркотикларнинг транзит йўлларини аниқлаган бўлганимизда, бемалол Гаага трибунаliga бериб юборишимиз мумкин эди, минг афсуски, иш охирига етмаган, – деди Жан Поль.

– Ҳа, ҳа, хозирча бу иш сал хомроқ, генерал Шоимовнинг бу ишларга алоқадор эканлигини ҳам исботлай олмаймиз, билмадим, энди нима қиламиз?! – полковник Максимов бир муддат ўйланиб қолди-да, сўнг яна гапида давом этди. – Пўлатов бошчилигидаги гуруҳ ўз ишини бажарди... Дарҳақиқат, кўрғондагилар наркотикларнинг транзит йўлларини билмасликлари мумкин, бу иш билан бошқалар шуғулланиши аниқ. Энг катта ютуғимиз шу бўлдики, наркотик моддаларнинг хомашёси кушлар воситасида етказиларкан, шуни билиб олдик. Экспертиза натижалари Пўлатов олиб келган героин ва Амстердамда қўлга тушган наркотик моддалар таркиби бир хиллигини кўрсатди, демак, биз айнан ўша лабораторияни вайрон қилганмиз.

Яна айнан шундай лабораторияни жиҳозлаш учун уларга анча вақт керак бўлади. Лекин, бизлар ҳамон бу ишларнинг тепасида турган акулаларни билмаймиз, ҳозирча майда баликлар тўрга илинмоқда...

Жан Поль ва полковник Максимов биргаликда яна бир бор кассетанинг нусхасини кўра бошлашди, чунки асли аллақачон «Интерпол»нинг Венадаги штаб-квартирасига юборилганди. Наркотик моддалар билан шуғулланадиган асосий мутахассислар ўша ерда эдилар.

Гарчи «Интерпол» ташкилоти бутун жаҳон миқёсида ноқонуний қурол-яроғ савдоси, наркотик моддалар транзити, халқаро террористик ҳаракатлар, геноцид масалаларига қарши кураш олиб борса-да, дунёнинг йирик мамлакатларида ваколатхоналари, махсус вакилларига эга бўлса-да, баъзи бир текширувлар, экспертизаларни юқори савияда ўтказадиган лаборатория ва мутахассислар асосан Венадаги бош ваколатхона тасарруфида эди. Бу ердаги мутахассислар халқаро виза¹ билан таъминланган бўлиб, зарурат туғилган пайтда дунёнинг ҳар қандай нуқтасига етиб боришга қодир эдилар. Ҳар бир мамлакатда, ҳатто нисбатан кичик бўлган давлатларнинг пойтахтларида ҳам «Интерпол»нинг қуйи идоралари иш олиб борар, улар етарлича техник жиҳозлар, космик телефон, факс ва бошқалар билан таъминланган, муштарак мақсадларда бошқа юртдан келган мутахассисларга амалий ёрдам бериш ҳам мазкур ваколатхона ходимлари зиммасига юклатилганди.

Маълумки, собиқ СССРда узоқ йиллар давомида ҳукм сурган коммунистик ғоя бу масалаларда ҳам «темир тўсиқлар» ўрнатган эди. Шунинг учун ҳам Шўролар ҳукумати анча вақтгача «Интерпол»га аъзо бўлмади. Лекин совук уруш тугагач, халқаро жинойтчилар билан курашиш борасида ёлғиз ҳаракатлана олмаслигини англагач, ҳукумат мазкур ташкилотга кириш учун ариза берди. Шундай қилиб, «Интерпол»нинг Москвада шўъба идораси очилди. Аммо, орадан кўп вақт ўтмай, СССР парчаланиб, дунё харитасида бир қанча мустақил мамлакатлар пайдо бўлди. Бу мамлакатларнинг пойтахтларида ҳам ўз навбатида «Интер-

¹ Халқаро виза, «Шенген визаси» ҳам деб аталади.

пол»нинг шўъба идоралари иш бошлади. 1992 йили МДХга аъзо мамлакатлар Президентларининг анжуманида, «Интерпол» билан ҳамкорликда ишлайдиган, фақатгина ана шу давлатлар ҳудудида фаолият олиб борадиган «Координация бюро»сига асос солинди. Сабаби, улкан бир империя барҳам топиб, унинг ўрнида юзага келган ёш, мустақил, бошқарув тизими ҳали тўлиқ шаклланиб улгурмаган давлатлар жинойий тўдалар учун қулай манзил-маконга айланганди, бу ҳудудларда наркотик моддалар қурол-яроғ савдоси, террористик ҳаракатлар ниҳоятда авж олиб кетди. «Интерпол» раҳбарлари томонидан бу ташаббус қўллаб-қувватланди. «Координация бюроси»нинг бош штаб-квартираси Москва шаҳрида иш бошлади. Ҳамдўстлик давлатларининг пойтахтларида эса ташкилотнинг қуйи идоралари ташкил этилди. Ҳар бир давлат ўзининг ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларида етарли тажриба орттирган, жаҳон юриспруденцияси билан таниш офицерларини ишлаш учун бош штаб-квартирага юборди. Улар Москвада уй-жой билан таъминланди. МДХ пойтахтларида фаолият юритадиган шўъба идоралар низомда кўрсатилгандек мамлакатнинг ҳеч бир бошқарув ташкилотига, вазирлик ёки идорасига ҳисоб бермай, мустақил иш олиб бориш ҳуқуқига эга бўлиб, фақат Москвага – бош штаб-квартирага бўйсунардилар.

«Координация бюро»си турли жинойатлар юзасидан иш олиб борар, наркотик моддалар билан боғлиқ ишларга Россия Федерациясининг тавсиясига биноан, узок йиллардан бери собиқ КГБ Давлат хавфсизлик қўмитасида самарали фаолият олиб борган, полковник Василий Игнатьевич Максимов масъул этиб тайинланганди. Ноқонуний қурол-яроғ савдоси, террористик ҳаракатлар, геноцид каби жинойатлар билан шуғулланувчи бўлимлар ҳам мавжуд бўлиб, уларни ҳам тажрибали, синалган офицерлар бошқаришарди. «Бюро»нинг бош раҳбари этиб собиқ СССР Ички ишлар вазирлигининг генерал-майори Иван Вячеславович Пинчук тайинланганди. МДХ пойтахтларида жойлашган ваколатхоналарда ҳеч қандай бўлиниш мавжуд эмасди, улар ўзларига маълум ахборотлардан фақат шу давлатларнинг биринчи раҳбарларини, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларини хабардор этиб қўярдилар. Албатта, энг зарур ва энг мах-

фий маълумотлар биринчи навбатда юкори идорага – Москвага юбориларди.

Тожикистонда узоқ давом этган фукаролик уруши окибатида бу ерда ҳамон бюронинг куйи ташкилотини тузишга эришилмаган, фақатгина битта ходим – Отабек Алиев эндигина иш бошлаган давр эди. Тожикистон МХХ жойлашган бинодан унга хизмат хонаси ажратилган, мабодо бирор жиноятга алоқадор ахборотлар кўлга киритилса, дарҳол шунга ихтисослашган мутахассислар етиб келишар, тегишли экспертизалар ўтказишар ва уларнинг олдини олишда маҳаллий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотларга ёрдам бериб юборишарди. Шунга қарамай, ноқонуний курул-яроғ савдоси, наркотик моддалар транзити, террористик ҳаракатлар кўлами ошиб борарди. Шу боис барча МДХ раҳбарлари бу каби жиноятларга қарши курашиш кераклигига қатъий ишонч ҳосил қилган ва амалий чора-тадбирлар кўришга киришгандилар.

Ўзбекистонда ҳам бу каби оғир жиноятларга қарши аёвсиз кураш олиб борила бошланди. Барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар бу ишга қаттиқ жалб этилди, ҳукумат томонидан умумжаҳон анжуманларида қатор таклифлар ўртага ташланиб, мазкур жиноятларга қарши курашни кучайтириш зарурлиги бир неча бор уқтирилди...

– Хўш, энди нима қиламиз? – ўйчан ҳолда сўз котди полковник Максимов, – Афғонистонга диверсион гуруҳни юбора олмаймиз, у ерга боришга ҳеч ким журъат ҳам эта олмайди. Боришга рози бўлганларида ҳам, тирик чиқиб келишлари гумон.

– Пулатовнинг гуруҳини ишга олиш ҳақида таклиф бердингизми? – сўради Жан Поль. Дабдурустан берилган бунақа саволдан Максимов ҳайрон бўлиб қолди, Жан Поль муҳим масалалар қолиб, суҳбат мавзусини умуман бошқа ёққа буриб юборганди.

– У билан ҳали мулоқот қилганим йўқ, тузалишини кутмоқдаман, лекин йигитларига бу ҳақда гап очгандим, елка қисиб кўйишди, холос.

– Афтидан, Пулатовнинг улар орасида обрўси жуда кучли, агар унинг ўзи рози бўлса, йигитлари ҳам таклифингизни қабул

килишади. Бунга ишонаман, бекорга уни «ротний» дейишмайди, уларнинг сардорлари учун ўт-оловга киришга ҳозир эканликларини ўзаро мулоқотларидан билиб олдим, – деди Жан Поль.

– Мен ҳам шундай фикрга келдим, – бош ирғаб унинг гапини маъқуллади Максимов.

– Сизнинг вазифангиз, бир амаллаб, Пўлатовни кўндириш, — деди Жан Поль яна бўш келмай, – булар олтин кадрлар, қўлдан чиқариб юборманг, полковник! Шунда барча гуруҳ сизнинг измингизда бўлади, уларни келгусида нариги томонга ташлаймиз... Афғон расмий доираларига нота бериб, уларга қарши кураш бошлашга мажбур қиламиз.

Бу гапларни эшитган Максимов ўйланиб қолди. Бу офицерлар мутлақо ҳеч нарса талаб қилмасдан, фақат ҳалок бўлган сафдошларининг ёркин хотираси учун хатарли ишга бел боғлагандилар, қийин сафарга чиққандилар. Энди уларга яна шундай таклиф билан мурожаат қилиш оғир бўлиши табиий. Полковник буни қалбан ҳис қилаётганди. Унинг узоқ сукут саклаб қолганини кўрган Жан Поль сўзини давом эттириб:

– Бу одамлар қўлда қурол билан ўсганлар, доимо уни кўмсаб турадилар, таклиф қилсангиз йўқ дея олмайдилар, – деди.

– Ахир уларни Тожикистонга юборгандик, бу сафар эса... Афғонистон... У ерда биз ҳеч қандай амалий ёрдам бера олмаймиз, каттик қаршиликлар бўлади, мен уларнинг бу қопқондан тирик чиқиб кетишларига ишонмайман, жаноби Жан Поль!

Максимов бу ажойиб йигитларнинг ҳаётини хавфга қўйишни истамас, шунинг учун ҳам бу борада чуқур мулоҳазаларга борарди.

– Русларда бир мақол бор, сиз буни мендан яхши биласиз, – деди Жань Поль ўз фикрини уқдиришга уриниб, – «Риск – благородное дело»¹. Шайтон ким билан ҳазиллашмайди, дейсиз, балким бир натижа чиқиб қолар.

– Пўлатовнинг бир хислати мени ўйлантириб турибди, – деди Максимов.

– Нимани назарда тутяпсиз? – сўради Жан савол назари билан тикилиб.

¹ Таввакал қилиш, энг яхши иш.

– У ҳеч кимга бўйсуннишни ёқтирмайди, ўзининг билганидан қолмайди, кейинчалик бундан бирор муаммо келиб чикмаса бўлди...

Бу ҳол энди Жан Полни ҳам ўйлантириб қўйди.

Жан Поль ҳам Пўлатовнинг хатти-ҳаракатларига олдин шубҳа билан қараганди. Уларни Бадахшонга фақат ахборот йиғиш учун юборишганини уқтиришса-да, Пўлатов кўрғонни таг-туғи билан портлатиб юбориш таклифини берган, бундан бюродагилар ҳам, Жан Поль ҳам ҳайрон бўлиб қолганди. Пўлатовнинг гуруҳи қўлга киритиб олиб келган ҳужжатларни таҳлил қилгач, у тўғрисидаги фикри умуман ўзгариб, бу гуруҳни шу идорага олиш, улардан самарали фойдаланишни кўзлаган эди.

– Бу ҳақда жиддий мулоҳаза қилиш зарур, чунки маҳаллий идоралар билан ишларни мувофиқлаштириб олиб бормасак, жанжал кўтарилиши, айниқса, МДХнинг раҳбарлари норози бўлишлари мумкин, – деди Жан.

– Майли, ҳали тузалиб чиқсин-чи, сўнгра ўйлаб кўрамиз, шунда ҳам у бизнинг идорада ишлашга рози бўлса...

– Рози бўлишига аминман, чунки унга олдинги ҳаётини эсла-тиб қўйдик, энди ундан воз кечиши қийин, – деди Жан қатъий ишонч билан. У Пўлатовнинг бу таклифга рози бўлишига чинданам қаттиқ ишонар, Муродилланинг руҳи учун интиқом олиш ҳисси уларни тарк этмаганини, унинг котилини топишма-гунча, тинчимасликларни сезиб турарди...

* * *

Уч нафар собиқ ҳарбий десантчилар «Россия» меҳмонхона-сининг «номер»ларидан бирида сўзлашиб ўтиришарди. Ўртада-ги столга қўйилган биллур вазаларда турли-туман хўл ва курук мевалар. Тунука идишлардаги пивони маза қилиб симиришар, ҳар замонда писта-бодомлардан икки-уч донадан олиб чақиб қўйишарди.

– Кечки овқатга тушмаймизми? – деди Егор қорнини силаб.

– Ҳа, рост, йигитлар, қорин очиб кетди, – жон кирди Адилга ҳам. – Оч қоринга пиво ичиб ўтираверамизми! Ортик, ресторан-даги жойга буюртма берганмисан?

– Кечки овқат соат саккизда шу ерга келади, – тантанавор оҳангда гапирди Ортик, – буюртма бериб қўйганман, официант олиб келади.

– Нимага?! – эътироз билдирди Адил, – ресторанга бориб, маза килиб ўтирмаймизми? Айниқса, бугун «Стрептиз клуб»-нинг дастури бўларкан, ахир яланғоч аёлларни кўрмаганимизга ҳам анча бўлди, оғайнилар... – Адил шундай деб хандон отиб кулди. Унга бошқаларнинг ҳам қийқириғи кўшилиб кетди. Бундан илҳомланган Адил икки кафтини бир-бирига ишқаб, лабини ялаб қўйди-да, яна давом этди: – Ҳа, нима, тўғри-да, кизларнинг қадди-қоматига қараб бир яйрардик!

– Менга қара, Дон Жуан! Билиб, қўй, бу ерда қилган шўхликларингни Фаяга айтиб, бир адабингни бериб қўймасам. Ортик отимни бошқа қўяман, – деди дакки бергандек бўлиб Ортик. Уларнинг бу ҳазилидан ҳаммалари яна яйраб кулишди.

– Сенинг қўлингдан келадигани ўзи фақат шу! – норози бўлиб тўнғиллаб қўйди Адил.

Шу пайт эшик тақиллади. Ортик қўлидаги соатига бир қараб қўйди. «Овқатни олиб келишларига ҳали ярим соат бор!» Ортик шу хаёл билан эшик томон йўналди. Эшикни очаркан, даҳлизда кулимсираб турган Анатолийга кўзи тушди. У қўлидаги сумкаларини полга қўйиб, Ортик билан қучоқ очиб сўрашди. Ортик эса ёш боладек кўрсаткич бармоғини лабига босиб, «жим!» ишорасини қилди-да, «лип» этиб ичкарига кириб кетди. Ичкаридан унинг овозини баралла қўйиб гапираётгани эшитилди:

– Оғайнилар, нима учун бугун кечки овқатни хонага буюрган-нимни энди айтсам бўлади, бу сирни очиш вақти келди! Қани, топинглар, ким келди, кимни кўрмоқчи эдинглар?

– Наҳотки, ротний касалхонадан чиқиб келган бўлса? – деди Адил ўрнидан сакраб туриб.

– Йўқ! Тополмадинг, Адил! Сюрпр-и-и-з..., – чўзиб, алоҳида урғу бериб гапирди Ортик, сўнг эшик томонга қараб, – Толик, энди киравер, – деб бақирди. Ҳаммалари дарҳол Анатолийга пешвоз чиқишди. Меҳмон билан қучоқлашиб сўрашиб кетишди. Бироз эҳтирослар босилгач:

– Анатолий, сени қайси шамол учирди? – деб сўради Егор.

– Ротнийга нима қилди? – саволга савол билан жавоб қайтарди Анатолий, – у жиддий жароҳат олмаганида, сенларни Москвада тўплаб бўлмасди, нима бўлди унга?

Анатолий қаттиқ хавотирланарди. Йигитлар уни тинчлантиришди.

– Ротний яраланган, аммо жароҳати оғир эмас, ҳаммамизнинг бу ерга йиғилиб қолишимизга келсак, бунинг тарихи узун, кейин бафуржа гапириб берамиз, – деди Адил, сўнг Мишиннинг елкасига қўлини ташлаб, – ўзингдан гапир, оғайни, ишларинг қалай, нима иш билан шуғулланяпсан? – деб сўради.

– Олдин Сибирдан келтирилган мана бу нарсаларни очинглар, – жомадонларини очиб тимирскилана бошлади Мишин, – бир пиёла ўзбекча чой беринглар, ана ундан кейин... сўрангларда ахир! – деди ҳазил аралаш.

Улар дарҳол ишга киришдилар, Егор сумкалардан бирини олиб бўшата бошлади. Консерваланган оқ ва қизил тўшли балиқ, чиройли банкаларга қадоқланган балиқ икраси, Сибирь ёнғоғи ва бошқа майда-чуйдаларни олиб стол устига қўйди. Иккинчи сумкадан «Тюменский» ароғи чиқди. Учинчи сумкадан буғу гўштидан тайёрланган, эҳтиётлаб целлофан ўрамларга жойланган бифштекслар олинди. Эшикдан официант ҳам кириб келди. Овқатланиш столини тартибга келтириб, тақсимчалар, қошиқ, вилка, пичоқларни ҳамда салфеткаларни жойлади, газакларни қўйиб, «ҳозир тўрт кишилик буюртмани олиб келаман!» деб чиқиб кетди.

– Ҳа, мутгаҳам, – Ортиққа юзланиб лукма ташлади Адил, – Толикнинг келишини билар экансан-да, шунинг учун тўрт порцияга буюртма бергансан, биз эса «ресторанга борамиз-бормаймиз» деб баҳслашиб ўтирибмиз-а, нега айтмадинг?

– Фаяга қўнғирок қилиб бил, кейин унга раҳмат деб қўй, меҳмонхонамиз манзилени айтгани учун, – деди Ортиқ.

– Тушунмадим, бунга Фаянинг нима даҳли бор? – ажабланиб сўради Адил.

– Толик, бунинг эси кирди-чиқди бўп қопти, – Ортиқ бармоғини бигиз қилган куйи чаккасига босиб бир-икки айлантирди. – Ўзинг тушунтир, мен айтсам барибир ишонмайди.

– Адил, мен уйингга сим қокқандим, хотининг айтиб қолди, мехмонхона рақамини берди. Кўнғироқ қилдим, гўшакни... , – у Ортиққа ишора қилди, – мана бу олди, ротний ярадор бўлганини айтди, ўзи Москвада ишим бор эди, келмоқчийдим, кейин ичим кизиб самолётга олган билетимни алмаштирдим-да, муддатидан олдин учиб келавердим, – деди Анатолий.

– Энди тушундингми, ҳой эси паст! – ҳазиллашиб гап қотди Ортиқ Адилга қараб.

– Гапни йиғиштирларинг, ароқдан куй, Адил, – ниҳоят ҳамманинг дилидагини айтди Егор. Улар биринчи қадахни уриштирмай, афғон тоғ-қирларида ҳалок бўлган сафдошларини хотирлаб, ичишди. Сўнг ротнийнинг тезроқ соғайиб, госпиталдан чиқиши ва сафга қайтиши учун олишди. Хуллас, иккита бир ярим литрли идишда ҳеч вақо қолмагунча ичишди. Сўнгги кунларнинг дахшати таъсириданми анча-мунча ичишса ҳам ҳушларини йўқотиб қўйишмади, бироз кайфлари бўлгани билан ўзларини тутишар, гап-сўзларидан янглишмасдилар. Анатолийни кетаман дейишига қарамай, олиб қолишди. Хонага бир «раскладушка» топиб келиб жойлаштиришди.

Эрталаб ҳамманинг боши оғриган ҳолда уйғонишди, шунга қарамай Ортиқ заҳира сифатида асраб юрган ароғини очиб, тўртовлонни сийлади, кечаги консерва-ю икралар билан газак қилишди. Бироздан сўнг ўзларига келиб, сўнг нонуштага тушишди. Нонуштага солянка қилинган экан, уни кизил қалампир қўшиб мазза қилиб ичишди. Хонага қайтишди. Ҳаммаларини тер босган, уйқу элита бошлаганди. Бироз дам олиш учун ўринга чўзилишди.

Тушдан кейин ротнийни кўргани отланишди. Йўл-йўлақай Адил бўлган воқеаларни Анатолийга сўзлаб берди. Госпиталга етиб боришганда, Эркиннинг ҳовлидаги ўриндикда китоб мутолаа қилиб ўтирганини кўришди.

– Толик, орқага ўт! – шумлиги тутди Егорнинг, – бироз кўринмай турсанг-чи!

Анатолий гап нимадалигини англаб, дарахт панасига ўтиб яширинди.

– Ротний, сенга бир сюрприз олиб келдик, – деди Егор.

– Нима экан у? – сўради ўрнидан кўзголиб Эркин.

– Кимни соғингансан, ротний? – сирли гапиришда давом этди Егор. Эркин ўзига якин бир нечта одамнинг: кизи, синглиси ва бошқаларнинг номларини тилга олди. Егор эса қувлик билан «йўк, йўк!» деб тураверди. Ахийри сабри тугаган Эркин:

– Мени асабимни китиклашга келган кўринадан, барибир ниятингга етолмайсан, хит қилмай, гапирсанг-чи, кимни обкелдинг? – деди. Шунда Ортик дарахт панасида беркиниб турган Анатолийни итариб чиқарди. Уни кўрган Эркин қўлидаги китобини ўриндиққа қўйиб, кучок очиб сўрашиб кетди. Улар обдон суҳбатлашишди, бирга бўлган даврларини ёдга олишди. Адил бир зумда каердандир ичкилик ва бир марта ишлатиладиган қоғоз стаканларни топиб келди, шундоққина касалхона ховлисида «киттай-киттай» ҳам қилишди. Эртасига Эркинга касалхонадан рухсат тегди. Егор ва полковник Максимов бирга бориб уни олиб келишди. Шу муносабат билан меҳмонхона номерида ёзилган дастурхонга полковник ҳам таклиф этилди. Бегона одамни кўрган Максимов аввалига бироз тортинди, таажжубланди. Унинг кимлигини билгач, бу инсонлар орасида ҳеч бир сир йўклигини тушуниб етди. Барчалари ўзларини эркин тутиб, «ротний»нинг тузалганини «ювишди».

– Самолётга чипталар буюриб қўйдик, – деди полковник Максимов кетишга чоғланар экан, – икки кундан сўнг сизларни кузатиб кўямиз. Тошкентга, сенга эса, – деди Ортикка қараб, – транзит бўйича Фарғонага.

– Йўк, менга Тошкентгача бўлса бўлгани, у ерда шахсий машинам колган, у ёғига ўзим етиб оламан, – деди Ортик.

– Яхши, – деди полковник, – эртага эрталаб штаб-квартирада учрашамиз, зарур гаплар бор.

У хайрлашиб чикиб кетди. Эркин билан Анатолий икки кишилик хонага жойлашишди, Максимов уларга хона брон қилиб кетганди. Улар ярим тунгача, то уйку босгунича гурунглашиб ётишди. Эрталаб нонуштани қилиб, Максимовнинг штаб-квартирасига йўл олишди. Штаб-квартира қулай жойда экан, ҳеч янглишмай етиб боришди. Анатолий уларни шу ердаги ўриндиқда кутиб туришини айтиб, қўлни томоша қила бошлади.

Максимов хизмат хонасида Жан Польш билан қаҳва ичиб ўтирарди. Йигитлар кириб, жойлашиб ўтириб олишгач, Максимов Жан билан бир кўз уриштириб олди-да, унинг «бошлайверинг» маъносидаги имосидан сўнг гапни бошлади.

– Жаноби офицерлар, сизларга мурожаат қилишимдан мақсад, агар рози бўлсангизлар, сизларни шу идорага ишга таклиф этмоқчиман, ўйлаб кўриб, жавоб берарсиз, бу ишни сизлар бошладингиз, энди уни охирига етказиш ҳам офицерлик бурчингиз, назаримда.

Полковник Максимов йигитларга диққат билан назар ташлаб, уларнинг бу таклифга қандай муносабатда эканликларини юз-кўзларидан ўқиб олмоқчи бўлди. Кейин бирдан: – Ҳа, айтгандек, яна битта шерингиз кани? – деб сўради.

– Ташқарида ўтирибди, – деди Адил. Полковник селектор орқали бир офицерга уни хонага бошлаб келишни буюрди.

Десантчилар бу таклифдан ўйланиб қолишди, уларнинг аксарияти оилали, бола-чақали, Эркин эса сўққабош, унга қаерда хизмат қилишнинг унча фарқи йўқдек эди.

– Жаноби офицерлар, – гапни илиб кетди Жан Польш, – сизларга Тошкентдан «Интерпол» идорасига қарашли кўп қаватли уйлардан оила аъзоларингиз сонига қараб, турар-жой ажратилди, доимий рўйхатга қўйиласиз, чет эл зобитлари қаторида яхшигина ойлик маош тайинланади. Яна... ҳарбий унвонларингиз тикланиб, ҳар бир юлдуз учун қўшимча ҳақ тўланади.

Бунақа ваъдалардан сўнг десантчилар ўнғайсиз аҳволда қолишди. Бир-бирларига маъноли қараб-қараб қўйишар, аммо бирор нима дейишга ожиз эдилар.

– Кечирасиз, жаноблар, – ўртадаги ўнғайсиз сукунатни бузишга журъат топди Эркин ниҳоят, – биз ташқарига чиқиб, бир маслаҳатлашиб олмасак бўлмайди.

– Марҳамат, мана бу хонага кириб, – Максимов хона тўридаги эшикни кўрсатди, – келишиб олинглар, агар рози бўлсангиз, биз хужжатларни расмийлаштира бошлаймиз.

Бу даргоҳда ҳеч ким ҳарбий форма киймас, ҳатто эшик тагида қоровул бўлиб ўтирган зобит ҳам фуқаролик кийимида эди. Ташкилотнинг пештоқига қандайдир «илмий-текшириш институтининг филиали» деган ёзув қайд этилганди.

Ичкаридаги хонада Эркин ва унинг гуруҳи маслаҳат қилиб ўтиришган чоғда Анатолийни бошлаб, бир офицер кириб келди. Ўртага қўйилган муаммони эшитган Анатолий:

– Виждон амри нима деса қилинглар, менимча яхши таклиф, – деди, – мен жон деб рози бўлардим.

Масаланинг ҳамма томонини обдон ўйлаб, таҳлил қилиб кўрган десантчилар ниҳоят бир қарорга келдилар.

– Демак, оғайнилар, хизматга қайтамиз-а? – сўради Эркин. Гап оҳангидан «қарорингиз қатъийми?» деган ифодани уккан йигитлар «Ҳа», «Албатта» дея бош ирғадилар.

Улар биргаликда Максимовнинг олдига чиқдилар ва розиликларини билдирдилар. Полковник бунга муносабат билдиришга шошмасдан, Мишинга юзланди:

– Хўш, сиз бу таклифга қандай қарайсиз, ахир сизни бу ерга бекорга чақиртирмадик?

– Мен розиман, – деди Анатолий ҳам ҳеч иккиланмай, – бундай олийжаноб ишга хисса қўшганим бўлсин.

– Яхши, – деди мамнун жилмайиб Максимов, – Унда жаноби офицерлар, мана бу шартномаларга имзо чекинглар, икки ҳафтадан сўнг хизматни бошлайсизлар. Эслатиб ўтаман, сизлар мустақил ҳаракат қиласизлар, бошлиқингизни феълени билиб қолганим учун, – у қўли билан Эркинга ишора қилди, – сизларга шундай имконият бераман, – ахборотларни фақат менга берасизлар. Гуруҳингизга яна битта одам қўшилади, у компьютер, телефон алоқаси ва ҳоказо хизматлар бўйича мутахассис. Ҳозир Ўзбекистон МХХнинг шу соҳаларга ихтисослашган зобитлари орасидан шунақа мутахассис изламоқдамиз.

Полковник гапини тугатиб, бироз тин олди. Кейин яна ниманидир эслашга уриниб, «хў-ўш, хў-ўш» деб қўйди. Нима демокчилиги эсига тушди чоғи сўзида давом этди:

– Дарвоқе, бу уйлар, агар шу идорадан нафақага чикадиган бўлсангиз, бир умр сизнинг ихтиёрингизда қолади.

– Сизнинг офисингизда, – боядан бери ҳамма гапларни тинглаб сукут сақлаб ўтирган Жан Поль гапга аралашди, – ҳеч қандай тўлов ҳужжатлари бўлмайди, ойлик маошларингизни ҳам Москва орқали оласиз, сабаби ўзингизга маълум, солиқ қўмита-

си ва бошқа маъмурий хўжалик идораларидан рўйхатдан ўтишга тўғри келади, биз эса бундай қилолмаймиз, сизларнинг идорангиз «Координация бюроси»сининг шўъба бўлинмаси сифатида фаолият юритади.

– Мана шуниси зўр бўпти! – деди Егор.

– Биз ҳамма икир-чикирларни ҳисобга олганмиз, – деди мамнун ҳолда Максимов.

Улар яна бироз суҳбатлашиб, қолган масалаларга ҳам аниқлик киритиб олишди. Полковник Максимов ва Жан Поль йигитлар билан эртасига яна бир бор учрашишга келишдилар.

Эрталаб улар келишилган вақтда меҳмонхонага келдилар. Уларни бир жойга тўплаган полковник «Йигитлар, диққат қилинг!» деди-да, томоғини бир қириб олиб, жанговар руҳда гап бошлади:

– Жаноби офицерлар, смирно¹, «Координация бюроси» буйруғини эшитинг! Прапоршик Егор Семеновга наркотик моддаларни қидириб топишда кўрсатган жасорати учун «ички қўшинлар капитани» унвони берилсин.

Ҳамма Егорга қаради. Бошқа вазият бўлганда эҳтимол ҳозир уни кўтариб осмонга отишар, бағриларига босиб табриклаган бўлишарди. Бирок, энди улар яна ҳарбий хизматда, ҳарбий раҳбарлар қаршисида эдилар. Шунинг учун ҳарбий интизомга амал қилган ҳолда тик турардилар.

– Энди иккинчи буйруқни эшитинг! – давом этди полковник худди ўша оҳангда. – Подполковник Эркин Пўлатов ва унинг гуруҳи: капитанлар – Ортиқ Абдувалиев, Адил Мамедов, Егор Семеновлар наркотик моддаларни йўқ қилишда кўрсатган жасоратлари учун муносиб тақдирлансин. Гуруҳ бошлиғига – унинг жароҳатланганлигини эътиборга олиб беш минг, қолганларга эса уч минг АҚШ доллари миқдоридан мукофот берилсин. Учинчи буйруқ. Подполковник Эркин Пўлатов ва капитанлар: Егор Семенов, Адил Мамедов, Ортиқ Абдувалиев ва Анатолий Мишинлар «Координация бюроси»нинг Тошкет шахридагн иккинчи шўъба бўлинмасига ишга қабул қилинсин. Гуруҳ раҳбарлиги подполковник Эркин Пўлатов зиммасига юклатилсин. Бўлинма

¹ Ҳарбийча буйруқ, яъни “ростланинг” деган маънони билдиради.

куйидаги манзилга жойлаштирилсин¹. Асос: полковник В. И. Максимовнинг тақдимномаси. Ички кўшинлар генерал-майори, имзо, И. В. Пинчук. Жаноби офицерлар, «Координация бюроси»нинг шўъба бўлинмасига ишга қабул қилинганингиз билан табриклайман, – деб сўзини яқунлади полковник Максимов. Ўз навбатида подполковник Эркин Пўлатов ҳам гуруҳ раҳбари сифатида барча йигитлар номидан полковник Максимовга миннатдорчилик билдириб, ҳар қандай жанговар вазифани, «Координация бюроси»нинг буйруқларини шараф билан адо этишга ваъда берди.

Эртасига барчалари юртларига жўнаб кетишди, Эркин кечки поездга ўтириб, Псковга боришга қарор қилди. Поезд жўнашига ҳали вақт бор. Фурсатдан фойдаланиб, ЦУМ², «Детский мир»³ деган машҳур дўконларни айланди, кизига, Гаврил ва Евдокияга совға-саломлар олди.

Поезд Псковга етиб келди. Эркин поезддан тушаркан, таниш бекатни, Лена билан кечган бахтиёр дамлари ёдига тушиб, беихтиёр кўзлари ёшланди. Гаврил амакининг кўчасига қайриларкан, бир нечта болакайларнинг футбол ўйнашаётганига гувоҳ бўлди. Сал нарироқда эса шўх-шодон қизчалар арғимоқда сакрашарди.

– Папа, папочка, – деган овоз эшитилди шу пайт. У югуриб келаётган кизини кўриб, қўлидаги жомадонларини ерга қўйди, уни кўтариб бағрига босди. Қизча ҳозир ўн бир ёшдан ошган, кўзга кўриниб анча кўркам бўлиб қолганди. Ота-бола бир-бирларининг юз-кўзларидан ўпиб тўйишмасди:

– Папа, папочка, – дерди Лайло тинмай отасининг бўйнидан қучганча. У эса кизининг қўнғироқ сочларини силаб, хидлаб-хидлаб қўярди.

– Пап., мен сизни шундай соғиндимки, – эрқаланиб гапирди Лайло, – ҳар куни тушимда кўриб чиқаман, онам⁴дан қачон келишингизни сўрайман.

¹ Бу манзил махфий бўлганлиги учун келтирилмаган. Муаллиф изоҳи.

² Марказий универмаг.

³ «Болалар дунёси» магазини.

⁴ Лайло бувиси Евдокияни «она» деб чақиритишга ўрганганди.

Бироздан сўнг уйга киришди. Уйда ҳеч ким йўқ эди. Евдокия ишда, Гаврил амаки эса дўстлари билан балиқ овига кетган экан. Лайло дархол чой қўйиб юборди. Эркин қизи билан суҳбатлашиб ўтираркан, аввало унинг ўқишларига қизиқди. Лайлонинг аъло баҳоларга ўқиётганидан хурсанд бўлиб, уни яна эркалади. Афтидан, қўшнилардан бирортаси куёви келганини хабар қилган шекилли, Евдокия халлослаб кириб келди. Эркин билан кўришиб, хол-аҳвол сўрагандан сўнг овкатга уннаб юборди. Кечга яқин Гаврил амаки ҳам келди. Қайнота-куёв омон-омонлашиб, тузалган дастурхон атрофида кизгин суҳбатлашишди.

Эркин уч кун мобайнида қизи билан бирга бўлди. Лайло ундан сира ажралмас, сал кўздан нари бўлиб колгудай бўлса, «дадам қанилар, кетиб қолдиларми?» деб сўрагани сўраган эди. Иккинчи куни ҳаммалари биргаликда Ленанинг қабри устига бориб зиёрат қилишди. Қайтишда истироҳат боғида сайр қилиб, биргаликда суратга тушдилар. Кейин яна Эркин қизи билан алоҳида расмга тушди. Кетиш олдидан Эркин уларга икки минг доллар қолдирди. Кетишга чоғланди-ю, аммо яна айрилиш, хайрлашиш онларини ўйлаб юраги орқага тортди. Жонидан бўлган жигарбандини, зурриёдини бу ерда қолдириб, узоқларга кетиш жуда оғир эди. Қани энди уни бирга олиб кета олса! Бирок бунинг иложи йўқ. Бу ерда унга меҳр билан қараётган, авайлаб улғайтираётган бу меҳрибон инсонларнинг ўрнини ҳеч ким боса олмас, улар Лайлони ишониб топширса бўладиган энг ишончли одамлар эди. Бунинг устига бундан буёғи Эркин учун яна хизмат, яна жанговар ҳаёт бошланади.

Уни Псков аэропортига Гаврил амаки кузатаб чиқадиган бўлди.

– Дада, энди яна қачон келасиз? – сўради Лайло.

– Қизим, имконим бўлди дегунча келишга ҳаракат қиламан, – деди Эркин қизини кучоклаб юз-кўзларидан ўпаркан.

Аэропортда Гаврил амаки билан хайрлашаркан, Эркин унга дилидаги гапларни тўкиб солди:

– Ота, мен ҳарбий хизматга қайтдим. Биласиз, ишимиз хавф-хатарга тўла, ҳар нарса бўлиши мумкин. Мабодо менга бирор кор-хол бўлса..., – Эркин сумкасидан эҳтиётлаб қоғоз

жилдга солинган бир ҳужжатни олиб унга узатди, – мана буни олиб кўйинг, бу васиятнома... менга бирор гап бўлса, барча нафақа пулларим Лайлони тарбиялашга сарф этилиши ҳақида... нотариусда тасдиқлатиб, имзолатиб кўйганман.

– Кўйинг, яхши ният қилинг, – деди кўзига ёш олиб Гаврил амаки, – васиятнома ўзингизда тураверсин, худога шукур, даромадимиз етарли, Лайлони амаллаб вояга етказамиз, сиз эса унинг тўйини қилиб беришингиз зарур, ниятни яхши қилинг!

– Йўқ, ота, сиз олиб кўяверинг, мен қалтис ишни бошлаб кўйдим... билиб бўлмайдим нималар бўлишини! – деди Эркин.

Эркин Псковдан Москвага, кейин тунги рейс билан Тошкентга учиб келди. Анатолий Мишин Ўзбекистонга икки кун аввалроқ етиб келган, келишилганидек, Эркиннинг уйида яшаб турганди.

Эркин ҳам келиши билан ташкилий масалаларга киришиб кетди. «Ватанпарвар» ташкилотида ишдан бўшаш ҳақидаги аризасини қабул қилишмади, энг аввало бошлиқ бунга қаршилик қилди. Ахийри Эркин унга ҳарбий хизматга қайтганини айтишга мажбур бўлди.

Белгиланган муддат келди. Айтилган вақтда барча гуруҳ аъзолари «Интерпол» идорасида йиғилишди. Москвадан етиб келган полковник Максимов уларга бир йигитни таништирди:

– Танишинг, бу Равиль... Гайнутдинов... Энди ҳаммаларинг бирга ишлайсизлар. У алоқа воситалари ва компьютер бўйича кучли мутахассис! Москвада... Ломоносов номли университетда таҳсил олган.

Равиль гуруҳдагилардан анчагина ёш, қадди-басти келишган, камтар, камсуқум йигит экан. Тезда жамоага киришиб кетди.

Идора ихтиёрига учта хона берилганди. Бино жуда катта, унда бир нечта ташкилотлар фаолият олиб борарди. Аммо «Координация бюроси» деган ташкилот учун кириб-чиқиш эшиклари алоҳида... йўлак ҳам бошқа ташкилотлардан ихоталанган. Хоналарнинг бири – гуруҳ раҳбарининг ишчи кабинети, иккинчиси компьютер ва алоқа хонаси, учинчиси эса ходимлар учун эди. Хизматда фойдаланиш учун зарур бўладиган барча техника ва коммуникация воситалари, иккита хорижий русумдаги ен-

гил автомобиль ходимлар ихтиёрига берилди. Ҳайдовчи штати бўлмагани учун машиналарнинг бири Егорга, бошқаси Ортиққа бириктирилди. Машиналарнинг салоида космик алоқа воситалари ўрнатилган бўлиб, у орқали дунёнинг исталган бурчаги билан алоқа қилиш имкони мавжуд эди. Гуруҳ аъзоларига ваъда қилинганидек, «Мовий гумбазлар» кафеси жойлашган майдон атрофидаги кўп қаватли бинолардан турар жойлар ажратилди. Бинолардан бирини «Интерпол» ташкилоти сотиб олгани учун уларни рўйхатдан ўтказиш ортиқча муаммо туғдирмади, Максимумнинг шахсан ўзи бу ишни бир кунда ҳал қилди. Шундай қилиб, яна ҳарбий хизмат бошланди.

Уларнинг эндиги асосий вазифаси наркотик моддаларнинг транзитини аниқлаш ва унга қарши курашиш эди. Гуруҳ аъзолари бунга алоқадор ахборотларни жамлаш, саралаш, эътиборли жиҳатларини текширишга киришиб кетдилар. Фаолият бошланганларининг дастлабки йилидаёқ улар Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон республикаларининг МХХ, ИИБ, Чегара қўшинлари, Божхона қўмитаси идоралари билан ҳамкорликда шу мамлакатлар ҳудуди орқали Россия Федерациясига олиб ўтиладиган гиёҳванд моддаларни ушлаб қолишди ва тарқатилишининг олдини олишди.

ХИ ФАСЛ ЯНА НАРКОТИКЛАР...

Одатдаги иш куни. Ёзнинг илк кунлари. Эрталаб ҳаво ҳарорати меъёрида бўлса-да, пешинга бориб кун каттик қизиб кетар, иссик ҳаво одамни лоҳас қиларди. Бирок идорага кондиционерлар ўрнатилган, капитан Семенов бу ишни ўз кўли билан қилганди.

Йигитларнинг барчаси оила аъзоларини кўчириб олиб келишганди, Эркин билан Егор иккинчи қаватда, Адил билан Ортиқ учинчи, Анатолий билан Рамиль эса тўртинчи қаватдаги квартираларга жойлашгандилар. Уларга ҳатто шу подъезднинг биринчи қаватидаги квартирани хизмат хонаси сифатида ажратишганди. Ҳафтада бир марта Москвадаги идора билан гаплашишар, полковник уларга зарур кўрсатма, йўл-йўриқларни берар, керакли ахборотларни етказиб турарди.

Аммо бугун одатдан ташқари иш бўлди. Полковник факс оркали кечки рейс билан учиб келиши ҳақида маълумот берибди. «Нега тўсатдан келадиган бўп колдийкин?» Бу ҳол Эркинни ўйлантириб қўйди. У идорага кела солиб, Москвада ҳали иш куни бошланмаганини ҳам ўйламай, Максимовнинг уйига кўнғироқ қилди. Телефон узоқ вақт чақириб турди. «Ухлашяпти шекилли!» Эркин шу ўй билан энди гўшакни жойига илмоқчийди, нариги томондан полковникнинг овози эшитилди.

– Ало, эшитаман!

– Салом. Василий Игнатъевич, безовта қилганим учун узр сўрайман, қачон келасиз, аэропортга машина юбормокчи эдим, – деди Эркин.

– Тошкент вақти билан йигирмата кам саккизда ўша ерда бўламан, – деди полковник, – борганимда муфассал гаплашамиз, жуда хавотирли маълумотлар олдик, жиддий чоралар кўрмасак бўлмайди.., шунинг учун ўзим боришга аҳд қилдим, ўша ерда маслаҳатлашамиз. Ишқилиб ходимларнингиз... Ўзбекистондан чиқиб кетмаганми? – сўради у бироз хавотирли овозда.

– Адил билан Ортиқ сафарда... Уларни Чу ва Талас водийсига юбордим, колганлар шу ерда, – жавоб берди Эркин, полков-

никнинг кўнглини тинчитиш учун яна кўшиб кўйди, – ташвишланманг, ўртоқ полковник, уларни тезда чақиртириб оламан, ўзи бугун келишлари керак эди, балким келишгандир....

– Яхши, барча ходимларингизни йиғини, майли кўришгунча!

Максимов негадир шошиб-ҳовлиқиб гўшакни илиб кўйди.

«Нима бало бўлдийкин, ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини совуккон тутадиган бу одамнинг пайтавасига курт тушганми?!», хайрон бўлди Эркин. «Демак, қандайдир фавкуллода ҳодиса юз берган... Майли, ўзи келсин-чи, шунда барчаси равшан бўлади». У шундай деб бироз тинчланди. Кейин йигитларнинг келган-келмаганини билиш учун кўнғироқ қилишга чоғланди. Аввал Ортикнинг уй телефони рақамларини терди. Гўшакни хотини олди, у эрининг ҳозиргина кириб келганини ва душ қабул қилаётганини айтди.

– Махфират, Ортикқа айтинг, чой-пой ичиб, кейин Адилни олиб тезда етиб келсин, – деди Эркин.

– Хўп бўлади, ҳаммомдан чиқишлари билан айтаман.

Гуруҳ аъзолари орасида фақат Эркин бўйдоқ эди. Дўстларининг уйида тансиқ овқатлар пиширишганда, Эркинни ҳам таклиф этишар, у кўпинча хижолат бўлиб чикмасди. Барибир бирлари кўйиб, бирлари Эркинга бир коса овқат чиқаришар, бўйдоқ дўстларидан тез-тез хабар олиб туришарди. Ортик билан Адилнинг болалари ёш, мактаб-боғча ёшида. Семеновнинг икки қизи эса улғайиб, аллақачон турмушга чиқиб кетишган. У хотини – Пелагея Ниловна билан яшайди. Яқиндагина Егорнинг туғилган кунида иккала қизи ҳам турмуш ўртоғи билан келиб, меҳмон бўлиб кетишди.

Эркин хонасида минг хаёлга берилиб ўтирарди. Максимовнинг тўсатдан келадиган бўлиб қолгани, бунинг сабаблари... ўйлаб-ўйлаб ўйига етолмади барибир. Шу пайт Егор кириб келди. Улар қўл сиқишиб сўрашишди. Эркин вақтни чўзмай, дарҳол Егорга хабарни етказди:

– Москвадан Василий Игнатьевич келяпти, қандайдир фавкуллода иш бўлганга ўхшайди... сабабларини изоҳламади, тафсилотларига ўтмади... «Борганимда гаплашамиз!», деди холос... Нима рўй берган бўлиши мумкин?

– Ротний, нега бошингни қотирасан? Қачон келаркан у? – сўради Егор.

– Самолёт бизнинг вақт билан йигирмата кам саккизда кўнаркан, кутиб олишимиз зарур.

– Бўпти, оғайни, – кўтаринки руҳда гапирди Егор, – ўйлаб бошингни қотирма! Полковник келганда биламиз ҳаммасини, акс ҳолда тафаккуринг чарчайди, хаёлинг кочади, сиқиласан оғайни! Сабр қил!

Улар шу йўсин сўзлашиб ўтирганларида хонага биринкетин ходимлар кириб келишди, бироқ Ортик билан Адил ҳали келишмаганди.

Ярим соатдан сўнг улар ҳам етиб келиб сафга кўшилишди.

– Келдингларми, – сўради Эркин, ҳол-аҳвол сўраб ҳам ўтирмай, дарров муддаога ўтди. – Хўш, нима гаплар?

– Нимадир бўлдимми? – саволга савол билан жавоб берди Ортик, – Бирор соат дам олишга ҳам кўймадинг-а!

– Ҳа, озрок мизғиб олмоқчийдим... – тўнғиллади Адил ҳам норози бўлиб.

– Полковник Максимов келяпти! – деди Эркин.

– Ҳмм, у бекорга келмайди, – нимадир фавқулодда ҳодиса юз берганини тушунгандек бош ирғади Ортик. – Хўш, сабабини айтдимми?

– Йўқ. Фақат сизларни йиғиб туришимни буюрди.

Адил бошини сарак-сарак қилган куйи хуштак чалиб қўйди.

– Демак, – деди у, – масала анча жиддий!

– Ҳа, ўзларингда нима янгилик! – сўради гуруҳ раҳбари анча ўйчан киёфада.

– Ротний, – дея аста салмоқлаб гап бошлади Адил, – Қирғизистон хавфсизлик хизматидаги йигитлар билан Талас ва Чу водийларини вертолётда бирма-бир текшириб чиқдик. Кўкнори экилган майдонларни харитага туширдик, бир вақтнинг ўзида ҳамма тегишли идораларни оёкка турғиздик. 1200 квадрат метрча майдондаги кўкнори йиғиштирилиб, ўт қўйилди, йўқ қилинди... Бироқ, ўйлашимча, бу ҳали ҳаммаси эмас... Вертолётдан кўринмайдиган майдонларда ҳам кўкнори плантациялари бор. Мутахассисларнинг айтишича, у ерларнинг об-ҳавосига кара-

ганда, гиёҳлар ҳали энди гулини ташлаб, кобикка ўралаётганмиш... Балки, ҳали яна боришга тўғри келар...

– Боришга тўғри келса, яна борасизлар, – деди Эркин. Кейин Ортиққа юзланиб:

– Сенда кўшимча борми? – деб сўради.

– Наркотикларни транзит қилишининг янги усулини топишибди, – деди Ортиқ.

– Хўш?!

– Антика усул экан... – давом этди Ортиқ. – Москвага ва Россиянинг бошқа шаҳарларига катнайдиган пассажир поездлари бор-ку! Хуллас, поездда проводникларнинг хонаси ҳам бор...

– Ҳа, бор! Кейин-чи? – сабри чидамади Егорнинг.

– Ўша хонада ўриндиклар бор-ку!

Эркин гапнинг чувалашаётганидан асабийлаша бошлади. Буни сезган Егор Ортиққа ҳазил аралаш танбех берди.

– Менга қара! Фарғоналик Афандимисан! Майнавозчилик қилмай, тезроқ гапирсанг-чи!

– Майнавозчилик қилаётганим йўқ, оғайни! – деди Ортиқ хижолат бўлиб. У чинданам ўта жиддий гапирарди. Аммо гаплари ўзига сезилмаган ҳолда беўхшов чиқарди.

– Хуллас, ўша ўриндиклар остига наркотиклар жойлаштириларкан. Устига ўриндик билан бир хил рангга бўялган ДСП қўйилиб, сочик, чойшаб, кўрпа-ёстик, шунга ўхшаш латта-путталар тахлаб ташланаркан. Бу албатта ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди-да!

– Вой, аблахлар! – деб юборди беихтиёр Егор.

– Манзилга икки-уч бекат қолганда, изма-из келаётган махсус одамлар юкларни киши билмас енгил машиналарга ортишаркан. Шу йўл билан наркотиклар пойтахтга, ундан нари бошқа катта шаҳарларга тарқатиларкан. Мени назаримда бунга, – негадир Ортиқ гапдан тўхтади, бироз ўйланиб, бармоғини столга уриб «тиқир-тиқир» этиб қўйди-да, яна давом этди, – анча-мунча одамлар алоқадор... Ишнинг бошида турганлар бу катта-кичик амалдорларни ё сотиб олишади ёки кўрқитиш йўли билан ноғораларига ўйнатишади.

– Қанақа амалдорларни назарда тутяпсан?– сўради Эркин.

– Вагонлар сафардан қайтгач, темир йўл инспекторлари улар-

ни кўриқдан ўтказадилар, ишдан чиққан, таъмирга мухтож, де топилганлари депога жўнатиларкан, яроғли, деб топилганлари эса вақти-соати етиб, тепловозларга улангунча станциядаги захира йўлакларда тураркан. Мен иккита йўналиш бўйича қатнайдингиз поездлар ҳолатини таҳлил қилдим... ва... аниқладим ки, йўлдан қайтган вагонларнинг деярли учдан бири арзимаган нуқсонлар билан депога юборилган.

– Қанақасига?! – савол ташлади Эркин.

– Бўёғини эшит, ротний! Аввал... темир йўл инспекторлари проводниклар билан биргаликда далолатнома ёзадилар, «шундай, шундай... нуқсонлар, шикастланишлар аниқланди» кабили да... сўнг вагонлар гўёки таъмирлаш учун депога жўнатилади. Деподагилар ҳам ўз-ўзича – далолатномасиз уларни қабул қилмайди... Тунги сменада бир амаллаб депога кириб ҳам чиқдим бошқа йўналишдаги поезд вагонларида проводникларнинг хонасига умуман эшиклар ўрнатилмаган... Бу нарса эътиборимни тортди-да, айнан марказга – йирик шаҳарларга қатнайдингиз вагонларда эса эшиклар бор, энг мухими – улар кулфланади ҳам Тушундингларми?

Ортиқ савол назари билан ҳамкасбларига қаради. Унинг мулоҳазалари ҳамманинг эътиборини бир жойга жамлаган, ҳар ким ўз миёсида бу ҳолатларни таҳлил қилиб ўтирарди.

– Депо ходимларида эса бу эшикларга тушадиган калитлар бор. Шубҳали-а?! Демак, бу ишларга проводник, сўнгра инспектор, кейин эса депо ходими аралашган, деган хулосалар пайдо бўлди менда! Сирли занжир. Шундай эмасми?!

– Қойил! – деб юборди беихтиёр Егор. – Сен ўзингни Хўжа Насриддиндек анойи тутсанг ҳам, ақлинг балодек ишларкан!

– Энди ўша сирли занжирнинг учини топиш керак! – Егорни эшитмагандек гапида давом этди Ортиқ. – Яна... яна бир нарса Баъзи вагонларнинг дабдаласи чиқиб кетган бўлса ҳам, инспекторлар билан келишиб, уларни депога юбориш проводниклар учун жуда оғир экан. Аммо баъзиларининг, эътибор берингиз эҳтимол ўша гиёҳлар ортилганларининг, салгина деразаси даркетса ҳам депога жўнатиларкан. Бу ҳолатларни яхшилаб ўрганиб, текширишимиз керак.

Унинг гапларини қовоғини уйиб, диққат билан эшитиб ўтирган Эркиннинг бирдан чехраси ёришди. Калаванинг учини топгандай мамнун бўлиб:

– Офарин, демак, биз ана шу йўналишда ишлашимиз зарур, – деди. Бу ахборотлардан яна кимлар хабардор?

– Фақат шу даврадагилар. Сизлардан бошқа ҳеч кимга, ҳатто Қирғизистон хавфсизлик хизматидагиларга ҳам «чурк» этганим йўқ, – деди Ортик, – чунки буларни яхшилаб текшириб чиқиш зарур, йўкса катта жанжал кўтарилиши мумкин.

– Тўғри кипсан, оғайни! – деди Эркин унинг ишидан кўнгли тўлиб, – яхши, энди сафар ҳақидаги ҳисоботларни ёзиб, тайёрлаб қўйишимиз даркор, полковник келишига... – алоҳида урғу бериб гапирди Эркин. «Маъқул», дегандай бош ирғади Ортик. Эркин Равилга юзланди:

– Сенда қанақа маълумотлар? – деб сўради.

– Тошкент вокзалида Москвага кетаётган сурхондарёлик аёлни қўлга олишган. Унинг сумкаси икки қаватдан иборат экан, пастки қаватда 500 грамм героин борлиги аниқланган. Тошкент-Сариосиё поездида регарлик бир йигитдан 150 грамм модда топилган. Тошкент-Москва йўналишида кетаётган 5-рақамли поездда бир тожик йигитнинг мазаси қочган. Ахволи оғирлашиб, ҳушидан кетгач, уни Рязань шифохонасига ётқизишган. Аввалига шифокорлар ошқозон ярасидан қон кетиши натижасида ҳушидан кетган, деган хулосага келишди. Зудлик билан операция қилинганда эса қорнидан полиэтилен халтачаларга ўралган 30 дона героин моддаси топилади. Маълум бўлишича, уларнинг биттаси меъда ости безидан чиқадиган суюқлик таъсирида ёрилиб кетиб, наркотик модда қонга сўрилган экан. Дарҳол милицияга хабар қилишган. Ҳозирча шу.., – деди Равиль.

– Яхши, демак йигитлар сизларга топширик.., – деди Эркин ҳамманинг эътиборини жамлаб, – Ортик, сен вагонлар масаласи билан шуғулланишда давом эт, ўзинг айтган масалаларга ойдинлик киритишга ҳаракат қил! Адил, Талас ва Чу водийларидаги кўкнори плантациялари бўйича ахборотлар йиғасан, Егор, сен Равиль билан ўтириб, наркотиклар транзити бўйича мавжуд

бўлган ахборотларни умумлаштирасизлар, Анатолий эса Сур хондарё вилояти ва Тожикистон билан чегарадош бошқа худудларда чегара бузилиши билан боғлиқ йиллик ва ярим йиллик хужжатларни ўрганиб чиқади. Толик, мени тушундингми?

– Албатта, ротний! – жавоб берди Мишин.

– Уларни бир тизимга солишинг керак, чунки бу борада ҳали тўлиқ бир хулосага келганимиз йўқ. Айниқса, чегарани бир неча марта бузиб ўтган одамлар рўйхатини обдон таҳлилдан ўтказиш зарур, улар нима мақсадларда ўтганлар, тергов даврида қандай тушунтирганлар, қандай баҳона-ю важларни кўрсатганлар, уларнинг Ўзбекистон томонда қандай алоқалари бор.. шу каби жиҳатларига алоҳида эътибор қаратгин. Агар гиёҳванд моддалар савдосига алоқадор маълумотлар бўлса, алоҳида қар тотекага олиш, улар устидан назорат ўрнатиш зарур....

Мишин бошини қимирлатиб, «бўлди, бўлди, тушундим» деди. У асосан, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон чегара қўшинлари билан ҳамкорликда ишларди. Улар худди шу ма салаларда бир неча бор Туркменистон чегара қўшинларига му рожаат этишган, аммо бу борадаги уринишлар ҳеч бир натижа бермаганди. Сабаби, Туркменистон томони бунақа ахборотлар ни «Координация бюроси»га юборишдан бош тортган, бу каби маълумотлар давлат сири эканлигини баён қилганди.

Шундай қилиб, одатдаги «планерка» ниҳоясига етди. Ҳамма ўз ишига тарқалди. Бироқ Эркин Егорни олиб қолди.

– Максимовнинг тўсатдан Тошкентга келиши мени ҳамон ўйлантирмоқда, Егор, – деди қўлини пешонасига тираб ўтирган Эркин. Егор бу пайтда электр чойнакни токка улаб, қаҳва тай ёрлаш ҳаракатига тушиб кетганди. У бир неча сония индамай турди. Сув қайнаб чиққач, қаҳва дамлади-да, кумуш гардишли финжонларга куйди, биттасини Эркинга узатиб:

– Боя айтгандим, яна айтаман, бошингни оғритиб ўтирма, – деди ўта вазминлик билан, – ўзи келганидан сўнг маълум бўлади, ҳозирча мана буни ичиб би-и-рр ҳузур қил...

– Ҳарҳолда, хаёлимдан ҳеч кетмаяпти, бунинг устига дарҳол гўшакни илиб қўйди, наҳот, бизнинг ишимиздан қоникмаётган бўлса, Егор, – деди Эркин хавотирланиб.

– Максимов тўғри одам, агар шундай фикрга келганида, бу ҳақда тўғридан тўғри айтарди, менимча гап бошқа ёқда...

– Тўғри айтасан, – деди сал жонланиб Эркин, – агар бизнинг ишимиздан коникмаган бўлганда, дарҳол юзимга гаширарди. Раҳмат Егор, мени хотиржам қилдинг.

Энди унинг безовталиги анча таркалди, креслога ўтиб ўтирди-да, қаҳвасини аста ҳўплаб ича бошлади.

– Уни ўзинг кутиб оласанми ё аэропортга ўзим чиқаверайми?
– сўради Егор.

– Мен ҳам чиқаман, – деди Эркин.

Улар кечга қадар ўз ишлари билан машғул бўлдилар. Кечки соат олтиларда ходимларга кетиб қолмасликни тайинлаб, аэропортга отланишди. Москва самолёти белгиланган вақтдан сал олдинроқ қўнган экан, сал бўлмаса кечикишаркан. Максимов чиқиши билан Эркин ва Егор унинг каршисига етиб боришди. У одатдагидек каттик кўл сиқишиб сўрашди-да, машинага ўтирди. «Қаёққа ҳайдай? Олдин бироз дам олмасмикин?», деган андиша билан Эркинга имо қилди Егор. Полковник буни тушунгандек:

– Офисга ҳайданг, – деб кўрсатма берди. Эркин унга «Тошкент» меҳмонхонасидан бир кишилик ўрин тайёрлаб қўйган эди. Шуни маълум қилганди, полковник «яхши, раҳмат, кейин...» деди.

Офисга етиб келишди, Эркин тайёрлаб қўйилган ахборотлар жамланган жилдни унинг олдига қўйди. Ўзи эса қаҳва тайёрлашга тушиб кетди.

– Бу ишлар яхши, аммо олдимизда яна бир жиддий муаммо пайдо бўлди, подполковник, – деди Максимов. Эркин иссиқ қаҳва қуйилган финжонни полковникнинг олдига қўйиб, «қулоғим сизда!» дегандай унга қараб турарди. Максимов ходимларни чакиришни буюрди. Ҳамма келиб ўтиришгач, Максимов кўлида олиб келган жилдни очди. Кейин чўнтагидан кўзойнагини олиб тақди-да:

– Жаноби офицерлар, – дея сўз бошлади, – олдимизда жиддий муаммолар пайдо бўлди. Биласиз, Венадаги бош лабораториямизда сизлар Тоғли Бадахшонда ўтказган операция натижасида олинган гиёҳванд моддалар таркиби текширилган. Худди

шунака моддаларни Европа мамлакатларига транзит килиш ҳолатлари яна қайд этилган. Улар лаборатория шароитида таҳлил қилинганда, олдингисига нисбатан кучли эканлиги аниқланган. Лиофил камералардан ўтказилиб, таблетка кўринишида қилинганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Демак, яна қаердадир наркотик моддаларни тайёрловчи лаборатория иш бошланган. Бунинг тагига етиш – бизнинг идорамизга топширилган.

Жаҳон ҳамжамияти бунака кўринишдаги наркотиклар пайдо бўлганидан ниҳоятда ташвишда! Бир дона шундай таблетка таъсирида одам уч кунгача ақлу ҳушини йўқотиб, ўзини ёввойи махлуқдек тутиши мумкин экан, иккита таблетка қабул қилган одамнинг эса ҳаётига зомин бўларкан. Уларга олдингисига ўхшаб Афғонистон белгиси босилмаган, аммо кўкноридан қилинган бунака гиёҳванд моддалар фақат Афғонистонда тайёрланиши ҳақида муфассал хулосалар мавжуд. Талас, Чу водийларида етиштириладиган кўкноридан олинган терьяк бундай кучли хоссаларга эга эмаслигини экспертлар исботлашган. Бу ерга келишимдан мақсад, сизлар билан шуни маслаҳатини қилиш эди.

– Ўртоқ полковник, узр, – деди Эркин унинг гапини бўлиб қўйдим, деб ўйлаб, – яна Тоғли Бадахшондаги ўша лаборатория қайта тикланган, қайта жиҳозланган бўлиши мумкинми?

– Ҳамма гап шуни аниқлашда-да, жаноби офицерлар, – деди полковник кўзойнагини ечиб, столга қўяркан. Тожикистон миллий хавфсизлик хизмати ва шунака ишларга алоқадор бошқа идоралар у ерларда ҳеч қандай шубҳали объектни аниқлай олмаганлар, яна бу ҳудудда бунга ихтисослашган лабораториялар йўқлиги ҳақида расмий маълумот ҳам берганлар, хўш, бундай ҳолатларга қандай баҳо берасизлар?

Бу савол ҳаммани ўйлантириб қўйди.

– Бирор арзигулик нарсани аниқламай туриб, бу ҳақда бир нима дейиш қийин, – ўртада ҳукм сураётган жимликни бузиб сўз котди Адил.

– Бунинг илдизини афғон ерларидан қидиришимиз керак, жаноби офицерлар. Менинг фикрим шу. – Максимов қаҳвадан бир хўплаб олиб, яна гапида давом этди. Эртага Тошкентга «Интерпол» идорасидан Польша ва Анрилар келишади, улардан

ташқари, жаноб Струвье ҳам келиши кутилмоқда, биз уларнинг келишига аниқ таклифларни тайёрлаб туришимиз шарт.

– Жаноб Струвье ким? – савол берди Адил.

– У БМТнинг наркотик моддалар транзитига қарши кураш бўлими бошлиғи...

Офицерларнинг индамай қолганларини кўрган Максимов сўзини давом эттирди:

– Биласиз, афғон ерларига сукилиб кириш – катта муаммо, амаллаб кирган тақдиримизда ҳам изимизга тушишса, бирортамизни ҳам омон қолдиришмайди. У ерда ҳеч кимга ишониб бўлмайди. Ҳатто афғон ҳарбийлари ҳам қандайдир усуллар билан наркотик моддаларни транзит қилишлари аниқ. Ҳарбий тўқнашувга бориш эса жуда хавфли, уларни биласиз, улар тинимсиз урушлар ичида яшашган, жанговар тайёргарликлари кучли.

– Ҳа, ҳа, – деди унинг фикрини кўллаган Эркин, – бу жуда хавфли иш, у ерга бориб, бирон нимани ҳал этиш мушкул.

Ўртага яна оғир сукунат тушди. ҳамманинг хаёли-ўйида бу муаммони қандай йўл билан ҳал қилиш муаммоси чарх урарди.

– Жаноби офицерлар, – деди ниҳоят полковник юракни сиқиб юборадиган тунд, ғалати жимликни бузиб, – қани, Поль билан Анри келсин-чи, улардан бирор оқилона фикр чиқар.

– Жаноб Анри, агар янглишмасам, ноконуний курол-яроғ савдоси билан шуғулланарди шекилли, – таажжуб билан сўради Эркин полковникдан, – бизнинг ишларга унинг нима алоқаси бор?

– Янглишганингиз йўқ, ўртоқ Пўлатов, у чинданам сиз айтган бўлимдан, – деди елка қисиб Максимов, – назаримда, бу ерда унга керакли қандайдир махфий масалалар, ахборотлар борга ўхшайди, акс ҳолда у Поль билан бирга келмасди, ҳозирча мени ҳам ҳеч нарсадан хабарим йўқ.

Вақт алламаҳал бўлганди. Бир тўхтамга кела олмаганларидан ҳафсалалари пир бўлган, бунинг устига оғир иш куни уларни ҳам жисмонан, ҳам руҳан чарчатганди. Йигитларнинг хорғин қиёфасини кўриб-билиб турган Максимов уларга рухсат берди. Ўзи ҳам кетишга чоғланган эди, Эркин унга:

– Ўртоқ полковник, сизни уйимга таклиф қилай десам, бўйдоқчилик, айбга буюрмайсиз. Аммо бўлаверади, десангиз, жо-

ним билан... Мехмонхонада тураман десангиз ҳам... бемалол, сизни ўзим кузатиб қўяман, – деди.

– Бўйдоқчилик денг, мабодо сизни безовта қилиб қўймасам... уйингизга... Мен ҳам бир бўйдоқ давримни эсларман, – ҳазил аралаш гап қотди Максимов. Ўзининг гапига ўзи ҳузур қилиб кулди. Бу гапдан Эркиннинг ҳам кайфияти кўтарилди.

– Жуда яхши, мени хонамда бир каравот бўш, лекин мехмонхонадаги каби шароит йўқ, аммо иссиқ сув, душ ва ҳоказолар бор, ўртоқ полковник, – қўшиб қўйди Эркин яна ўз уйидаги шароитдан ҳижолат бўлиб.

– Бўлаверади, – деди Максимов.

Шундай қилиб, улар хонадан чиқишди. Бошқа йигитлар ҳали кетишмаган, раҳбарларни кузатиб бўлмагунча кетиб қолишдан истиҳола қилишган чоғи, кабинетларида эдилар. Эркин билан Максимов йўлакка чиқишгач, улар ҳам хоналарини тарк этишди. Чиқиш эшиги олдида Эркин Егорга пичирлаб:

– Бориб, мехмонхонадаги бронни бекор қилиб кел, – деди Егор тушунмай, елка қисганди, бунга жавобан: – Василий Игнатъевич менинг уйимда тунайдилар, – дея изоҳ берди Эркин.

Улар яёв йўлга тушишди, Эркин ва бошқа ҳамкасблари яшайдиган уй бу ердан икки юз қадам ҳам келмасди. Максимовнинг дипломатини ичкарида қолдиришди-да, полковникнинг таклифи билан кечки Тошкентни сайр қилиш учун яна ташқарига чиқишди.

– Эркин, – деди полковник расмиятчиликни йиғиштириб қўйиб, – юринг, бир Тошкент окшомини томоша қилиб келайлик! «Мовий гумбазлар» кафесида қўй гўштидан тайёрланадиган кабобдан еймиз, шампан виносидан ичиб, бир яйрашайлик, чарчоғимиз чиксин. Биласизми, мен Тошкентни яхши кўраман, кўпдан бери бир келсам, бир айлансам, кабобхўрлик қилсам, деб ўйлаб юрардим. Авваллари ҳам бу ерга кўп келганман. Ҳар сафар қайтиб кетганимдан сўнг Тошкентни анчагача кўмсаб, соғиниб юраман.

Эркин полковник Максимовнинг Ўзбекистон ҳақидаги илик фикрларини эшитиб, мамнун бўлди. Аммо кабобхўрлик бора-сидаги таклифни мезбон сифатида биринчи бўлиб ўзи айтмага-

нига бироз хижолат чекди, ўзини ўзи койиди. Вазиятни ўнглаш учун:

– Албатта, полковник, ўзим ҳам шуни айтмоқчи бўлиб турувдим, кетдик, – деди.

«Мовий гумбазлар»га кириб, тўрт сихдан кабоб буюришди. Битта шампан виносини олишди. Официант улар ўтирган столга майда қилиб тўғралган ва сиркаланган пиёз, ўзбекча ёпилган нон, турли газаклар олиб келди, битта чойнакда олий навли тоза кўк чойдан ҳам дамлаб келтирди.

– Бу ердаги кабоб жуда мазали-да! – деди Максимов иштаҳаси карнай бўлиб. – Москвада ҳам «Ўзбекистон» ресторанида тайёрлашади, аммо бу ердагисига сира ҳам ўхшамайди.

Дарҳақиқат, тамаддихонада таралаётган кабобнинг ёқимли ҳиди киши димоғини китиклар, қорин ҳам оч бўлганидан буюртмани сабрсизлик билан кутишарди.

– Биласизми, – Эркин меҳмонни зериктирмаслик мақсадида гап бошлади, – бу ерда қачондир ўз ишининг устаси бўлган бир мохир пазанда ишлаган экан, у бир неча шогирдлар етиштирган бўлиб, ҳозирда улар устанинг ишини давом эттиришаётганмиш. Ўша ошпаз ва шогирдларининг кабоб тайёрлашда ўзига хос сирлари бор экан, айтишларича, кабоб тайёрлашдаги энг муҳим ва ҳал қилувчи босқич бу маринадлаш жараёни экан. Шуни оби-тобига келтириб қилинса, гўшт мулойим бўлиб пишаркан, шунда уни чайнаб ўтиришга ҳам ҳожат қолмас, оғизга олгач, ўзи эриб кетаркан. Биз ҳам ҳар замонда ходимлар билан бу ерга келиб турамиз.

«Қорин тўйди, ғам кетди», деганларидек, уларнинг чехралари ёришиб, ўзларини анча дадил ва эркин қўйишди. Шампан виносидан ичиб ўтириб, суҳбатлаша бошлашди. Оғир иш кунининг юки бироз аригандай бўлди.

– Подполковник, – деди Максимов Эркиннинг қулоғига яқин келиб охиста гапираркан, – сиз форс тилини ёдингиздан чиқармадингизми?

Эркин энди полковникнинг нима учун меҳмонхонани рад этиб, уникида тунашни режа қилганини тушунди.

– Ёдимдан чиққан эмас, ҳатто Егор ҳам уни, гарчи она тилидек билмаса ҳам, ҳарҳолда тушунади, оз-моз жавоб ҳам қайтара-

ди, чунки ўша маъшум воқеадан олдин бизларни ана шу тилда сўзлашишга ва араб имлосида ёзишга ўргатишган, буни эсдан чиқариш мумкин эмас, бир умрга муҳрланган ҳофизамизга. Демак, бизларнинг яна ўша ерларга боришимиз кераклиги «Интерпол»да муҳокама қилинган ва бу ҳолатларни текшириб кўришга ҳозирлик кўрилган, мен тўғри тушундимми? – деди Эркин.

– Бу жиҳатлар ҳам ҳисобга олинган, Эркин, – деди Максимов.

– Нима ҳам дердим... Агар буйруқ бўлса, борамиз, қўлдан келганича ҳаракат қиламиз, – деди Эркин. – Лекин бизларни қандай қилиб у ерларга ташлашаркин, очикдан-очик бориб бўлмайди, бунда бирор натижага эришиш кийин.

– Мен ҳам шундай фикрдаман ва ўз фикрларимни «Интерпол» раҳбарларига айтганман. Улар бу ҳолатларни таҳлил қилиб, сўнгра операция режаларини мукамал ишлаб чиқишмоқчи эди. Қани ўзлари келсинлар-чи, ҳаммаси аён бўлади.

– Демак, қарор ҳам қабул қилинган экан-да. Начора, буйруқни бажариш учун киришишга тайёрмиз. Лекин мен ходимларим билан ҳам келишиб кўраман. Агар бирортаси бош тортса, мажбурлай олмайман, ҳарҳолда бола-чакалари бор.

– Ҳар кимнинг ушбу операцияда иштирок этиши ўз ихтиёрида, бундан бошқа йўл йўқ, – деди Максимов.

– Ундай бўлса, мен розиман, – деди Эркин.

Эртасига Егор келди, улар биргаликда парҳез таомлар тайёрланадиган тамаддихонага келиб, нонушта қилишди.

– Ўзбекистоннинг шунисига қойил қоламан, бу ерда куннинг қайси вақти бўлмасин, одам оч қолмайди, ҳамма жойда қоринни тўйдириш мумкин, ҳам арзон, ҳам сифатли. Мана бу ширгуручни олинг, мацца қилиб ейсан, қаймоқли блинчикларни айтмайсизми, бунақаларини Москвада фақат ресторандан топасан, шунда ҳам соат ўн бирдан сўнг! Ширин чой-чи, хай, хай, қойил, – деди Максимов.

Нонушта қилиб чиқишгач, Егорга жавоб беришди, ўзлари суҳбатлашиб яёв қайтишди.

Офисга келибқ Максимов йиғилган ахборотларни ўрганишга киришиб кетди. Уни айниқса, Ортиқ олиб келган маълумот-

лар кўпроқ кизиктирар, чунки ханузгача марказий штаб-квартирага бунақа маълумотлар берилмаганди. У Ортикни чакиртириб, у билан Эркиннинг хизмат хонасида ярим кун давомида фикр алмашиб ўтирди.

– Нихоятда қимматбаҳо маълумотлар, лекин уларни яна бир марта текшириб чиқиш зарур. Мақсадимиз наркокуръерларни топиш, шундан сўнг бир ҳамла билан барчасини қамоққа олиб, бу ишларни поёнига етказиш, чаёнлар уясига ўт қўйишдан иборат. Лекин асосий вазифа Европага транзит йўлини ёпиш, чунки барча оғирлик Россиянинг зиммасига тушмоқда, хорижликлар бизларни зарур чораларни кўрмасликда айбламоқдалар, – деди Максимов.

Тушликни шу ерда қилишди, чунки Махфират манти қилган экан, Ортиқ таомни бир зумда олиб келди. Унгача дастурхонни ясатиб, бозор нонларини қўйишган эди. Мантини мақтаб-мақтаб ейишди. Поль ва Анрининг келиши Максимов учадиган пайтга тўғри келди, шу боис иккита машина билан кўпчилик бўлиб аэропортга жўнашди.

Самолёт ўз вақтида Тошкент аэропортига кўнди. Максимов ва Эркин пассажирлар чиқадиган жойга келиб туришди. Мехмонларга «Ўзбекистон» мехмонхонасидан жой банд қилинганди. Анри Полга нисбатан анча паст бўйли бўлишига қарамай, Эркин унинг қадди-бастига қараб бир вақтлар ҳарбий бўлганлигини тушунди. Поль уларни Анрига таништирди. Жаноб Анри рус тилини билмагани учун Жан Поль таржимонлик қилиб турди.

– Сизларнинг жасоратингиз ҳатто марказий офисдаги ходимларни ҳам хайратга солди. Ҳамма тасанно ўқиди. Жанговар дўстлик бир умр сақланиб қолишига яна бир бор амин бўлдим, – деди Анри.

Эркин унга «жаноб Анри» деб мурожаат қилишга ийманиб, исмини сўраганди, у шундай жавоб қилди:

– Мени «жаноб Анри» деб атайверинг, исмим билан чақирадиган бўлсангиз янглишиб қоласиз. Чунки бу французча қадимий исм, илгари маркизларга шунақа от қўйишган.

Офисга келгунча ўз тилларида қандайдир масалани муҳокама қилиб қилишди. Жан Поль рус тилини тушунар, бемалол тар-

жимонлик ҳам қиларди, шунинг учун полковник Максимовга таржимон керак эмасди. Сўнгра барча ходимларни йиғиб, улар иштирокида маслаҳат кенгаши ўтказилди. Жан Поль ўзида мавжуд бўлган, бошқалар учун сир бўлиб турган маълумотларни ошкор этди ва нима сабабдан ноқонуний қуро-л-яроғ савдосига қарши кураш билан шуғулланадиган бошқарма бошлиғи ҳам ушбу йиғилишга таклиф этилганига изох берди.

– Жаноби офицерлар, марказий офисда йиғилган агентура маълумотларидан наркотик моддаларнинг транзити билан Афғонистон ҳудудида «Ҳожи» ёки «Хўжа» исмли шахс шуғулланиши, бу одам томонидан катта миқдорда қуро-л-яроғ, танк, бронетранспортёр, самолёт ва вертолётлар сотиб олинаётгани аниқланган. Лекин, бу одамнинг ҳақиқий исми-шарифи ҳозирча номаълум... Бу одамга бунча қуро-л-аслаҳа нима учун зарур бўлиб қолдикин? Шунча қон тўкилган бу заминда яқиндагина тинчлик ўрнатилган эди. Воқеаларнинг бориши шунга кўрсатадики, яна олов гуркираши ҳеч гап эмас. Унинг устига афғон героини Европа ва ҳатто Америка китъасигача етиб бориши ҳаммамизга маълум, бу ҳол нафақат ушбу давлатларда, балки БМТда ҳам жиддий ташвиш уйғотмоқда. Шунинг учун, сизнинг ёрдамингизга муҳтож бўлиб келдик. Мўлжал қилинаётган операцияда қатнашиш – ихтиёрий, ҳеч ким, ҳатто «Интерпол» раҳбарлари ҳам бу ўринда сизларга буйруқ бера олмайдилар, гарчи сиз биздан ойлик олиб, бола-чақа боқаётган бўлсангиз ҳам. Агар, розилик билдирсангиз, унда биргаликда операция режасини ишлаб чиқишга ўтирамыз. Чунки сиз у ерларда биздан кўра кўпроқ бўлгансиз, жанг қилгансиз...

Барчалари сукут сақлаб қолишди. Гуруҳ аъзолари Эркинга қарашар, у эса кўзларини улардан олиб қочарди. Ниҳоят капитан Семенов орага чўккан жимликни бузди:

– Жаноби Поль, бизлар гуруҳ раҳбари билан маслаҳатлашиб олишимиз керак, шундан сўнг жавобимизни маълум қиламиз, – деди.

Меҳмонлар хайрлашиб чиқиб кетишди.

– Ротний, агар сен ушбу ҳарбий топшириқни бажаришга мойил бўлсанг, биз қараб турмаймиз, қаерда бўлса ҳам бирга

бўламиз, қандай қарор қабул қилиш сенинг ихтиёрингда, – деди Адил.

– Бу жуда қалтис иш, – деди Эркин. – Тожикистон ўз еримиз, мушкул вазиятда ёрдам келиши мумкин эди, аммо Афғонистонда фақат ўз кучимизга ишонишимиз керак бўлади. Ҳаммангизнинг бола-чакангиз бор, мен сизларни жаҳаннамга рўпара қилмоқчи эмасман.

– Тўғриси айт, ротний, бу гаплардан хабаринг бор эдими? – деб савол берди Егор.

– Бу ҳақда расмий гап бўлгани йўқ, аммо полковник менга шуни шама қилгандек бўлувди, мен эса унга бу ишнинг ниҳоятда қалтис эканлигини тушунтирдим. Жан Поль эса мен билан маслаҳатлашган эмасди, бирданига бу таклифни айтиши мен учун кутилмаган ҳол бўлди.

– Қандай жавобни берамиз? – деди Адил ҳаммага бирма-бир қараб.

– Гуруҳ раҳбари нима деса – шу! – катъий жавоб қилди Ортик.

– Йўқ, йўқ, Ортик, сен ҳамма учун гапирма. Ҳар битта одам ўзи ҳал қилиши лозим, – эътироз билдирди Егор.

– Хўш, унда ўзингни қарорингни айт, Егор!

– Мен бу операцияда қатнашаман, бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас.

– Мен ҳам, – деди унинг ортидан Адил.

– Сен-чи, Мишин? – сўради Егор.

– Бунинг саволини қаранг, нима мени ташлаб кетмоқчимисизлар? – «гина қилди» Анатолий.

– Сен-чи, Равиль?

– Бир нарсага тушуна олмаяпман, нима сизларга у ерда алоқа керак бўлмайди? Агар бунга зарурат бўлмаганда ҳам, сиздан сира ҳам ажралмайман дегандим-ку, жаноби Егор! – деди ҳазил аралаш Равиль.

– Ротний, маслаҳат битди – деди ҳамманинг номидан Егор.

– Раҳмат! Шундай жавоб беришингизни билар эдим, дўстларим. Бир бошга– бир ўлим, неча-неча жанглardan омон чиққанмиз. Энди буниси савоб иш, агрессия, оккупация ҳам эмас.

Жаҳон ҳамжамиятига ҳам бир хизмат қилайлик! – деди Эркин. Дўстларининг яқдиллик билан берган жавобидан шу тобда унинг кўнгли ғурурга тўлган эди.

Эркин чойгумни газга қўйиб, аччик чой дамлади ва меҳмон-хонага кириб, иккита пиёлага қуйди.

– Хўш, десантчиларинг қандай қарорга келишди? – сўради Максимов.

– Операцияда қатнашиш истагини билдиришди, – деди Эркин.

– Шундай қарорга келасизлар, деб тахмин қилгандим. Лекин бу ўринда пухта ўйланган режа керак. Барча тафсилотлардан мен ҳам беҳабарман, чунки операция «Интерпол» томонидан уюштирилмоқда. Афғонистонда ҳам уларнинг одамлари бор, лекин, афтидан уларнинг кучи билан бу ишни уйдлаш мушкул шекилли...

Республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг раҳбарлари билан учрашгани кетган Польша ва Анри ниҳоят офисга қайтишди. Улар учрашув натижаларидан мамнун эдилар: бу ташкилотлар уларнинг фаолиятини тўла қўллаб-қувватлашга ваъда беришибди. Ўзбекистон Президенти кўплаб халқаро анжуманларда террористик ҳаракатлар, гиёҳванд моддалар экспорти, ноқонуний қуро-яроғ савдоси авж олиб бораётгани ҳақида кучли давлатларни огоҳлантираётгани, биргаликда зарур чоралар кўриш кераклиги ҳақида гапираётгани, мазкур масалаларда улар ва «Интерпол» ташкилотининг мақсадлари муштарак эканлиги баён этилибди.

– Хўш, гуруҳингиз аъзолари қандай қарорга келишди, подполковник? – деб сўради Жан Польша.

– Биз «Интерпол»нинг ҳар қандай буйруғини бажариш учун сафарга отланишга тайёرمىз, жаноби Польша!

– Жуда соз, бўлмаса мана бу ҳужжат билан танишиб чиқинг!

Жан Польша берган ҳужжатда уларнинг «Интерпол» ходимлари эканлиги қайд қилинган бўлиб, шу ташкилотга аъзо бўлган давлатлар уларнинг фаолиятига ёрдам бериши шарт эканлиги кўрсатилганди. Ундан ташқари, бўлғуси операцияни бажаришда ҳалок бўлган кишининг оиласига маошининг юз баравари, яра-

дор бўлганларга маошларининг эллик баравари микдорида ёрдам пули берилиши назарда тутилган, агар жароҳат олмасдан қайтиб келишса, ойлик иш ҳақларининг ўттиз баравари билан тенг пул мукофоти билан тақдирланишлари белгилаб қўйилганди.

– Шу кундан эътиборан, бу операцияга «Чаён – 2» номи берилди, – сўз олди Жан Польш – Икки кундан сўнг Тошкентга махсус мутахассислар учиб келиб, сизларга форс тилидан икки ой сабоқ берадилар. Ундан ташқари, гуруҳ раҳбари билан Чирчиқ полигонига чиқиб, ҳарбий машқларни давом эттирасизлар, бу ишнинг назоратини эса полковник Максимов ўз зиммасига олади. Борадиган ерларингиз жуда хавфли, ҳар қандай тасодифга тайёр туришингиз шарт. Сизлар фақат разведка билан шуғулланасизлар, аниқ маълумотларни қўлга киритганингиздан кейин сизларни олиб чиқиб кетиш учун «Интерпол» барча имкониятларни ишга солади. Сафар учун зарур бўлган қурол-аслаҳа, анжомлар билан тўла таъминлаймиз.

– Хўш, наркотик моддалар сақланадиган омборхона ва лабораторияларни топдик дейлик... Қандай қилиб суверен давлатнинг ички ишларига аралашиб бўлади? Яхшиси, аввалги усулни қўллаб, уларни портлатиб юбора қолсак, қандай бўларкин? – деди Эркин.

– Айтдим-ку, сизнинг асосий вазифангиз шундай омборларнинг жойини аниқлашдан иборат, лекин инкор этиб бўлмайдиган фактлар керак, акс ҳолда ҳаммамизнинг бошимиз балога қолади. Халқаро жанжал бўлади, сизларни ҳарбий трибунал суд қилади, бизлар истеъфога чиқишга мажбур бўламиз, – деб огоҳлантирди Жан Польш.

– Тушунарли, демак, асир тушганларни қаттиқ сиқувга олиш ва кўрсатма беришларини талаб қилишимиз керак. Йўқса афғонлар, мен шу иш билан шуғулланаётганларни назарда тутиб гапиряпман, ўлса ҳам айбини бўйнига олмай инкор этиб тураверади, биз уларни сиздан кўра яхшироқ биламиз, жаноби Польш, – деди капитан Семенов.

– Мен сизни тўғри тушундим, капитан, ҳеч ким ўз хоҳишича гиёҳванд моддаларнинг транзити билан шуғулланаётганини бўйнига олмайди. Унинг устига бизга майда балиқлар эмас,

чўртанлари керак. Қимматли кўрсатмаларни ана ўшалар берадилар. Шундай кишиларни аниқласангиз, биз уни олиб чикиб кетишга ҳаракат қиламиз.

– Агар кимнидир гиёҳванд моддалар, ноқонуний қуроли савдоси, террористик ҳаракат каби жиноятлар билан шуғулланиши ҳақида гумон туғилса, ундан кўрсатма олиш учун жисмоний тазйиқ ўтказишга руҳсат этилади, лекин бу ҳам меъёрида бўлиши зарур, – дсб тушунтирди Анри. Жан унинг сўзларини таржима қилиб берди.

Гуруҳ аъзолари машқларни «Белый барс» махсус қисми машғулот майдонида ўтказсак, яхши бўларди, дея мулоҳаза билдиришди. Чунки, Эркин бир вақтлар худди шу ерда курсантларни тайёрлаган, барча жиҳоз ва шароитлар аъло даражада эди.

Жан Польш бу масалани республика раҳбарлари билан келишиб, ижобий ҳал этишга ваъда берди.

Гуруҳ аъзолари ҳар куни Тошкентдан халқа йўли ёқасидаги майдонга бориб, машғулот ўтказиб туриш имкониятига эга бўлдилар. Бу ерда ёпиқ тирлар ҳам бўлиб, турли хил қуроолардан отиб, машқ қилиш мумкин эди.

Орадан икки кун ўтгач, Вагин деган шарқшунос олим келиб, уларга форс тилидан дарс ўта бошлади. Вагин шундай талабчан одам эканки, ҳатто гуруҳ раҳбари нотўғри талаффуз қилса ҳам дарҳол дашном берар, сўзларни афғонистонликлар қандай талаффуз қилишларини такрор-такрор қайтарарди. Афтидан у кўп вақтини бу юртда ўтказган, ҳар хил вилоятлар, минтақаларга хос шеваларни ҳам яхши биларди.

Вагин янги шогирдларидан дарс вақтида ҳам, ундан бўш вақтларда ҳам фақат форс тилида сўзлашишларини талаб этди:

– Жаноби офицерлар, сиз нафақат форсийда сўзлашишни билишингиз, балки афғонистонликлар каби ўйлашларингиз ҳам керак, бўлмаса биринчи учраган одамоқ сизларни бегона юртинг фуқароларни эканлигингизни сезиб қолади, – дер эди у. – Афғонистонда дарий-форс тилида сўзлашадиган одамларнинг шевалари бизнинг тожикларникига нисбатан дағалроқ, чунки асрлар давомида бу ерлик халқ оғир шароитларда яшаб келган.

Икки ойлик дарс дастурлари тугаганда, гуруҳ аъзолари форс тилида бемалол гаплаша оладиган бўлиб қолишди.

Улар якшанбадан ташқари ҳар куни «Белый барс» машғулот майдонида турли машқларни бажаришар, бир кун машқни қолдиришса, мушаклари оғрийдиган даражага бориб қолишганди. Уч ойдан сўнг Жан Поль Тошкентга келди, уларни баъзи қимматли маълумотлар билан таништирди ва:

– Сафарга отланадиган вақт келди, – деб эълон қилди.

Ёз чилласи кирган, ҳарорат кундуз кунлари жуда юқори эди. Бир ҳафта мобайнида ҳарбий самолётларга тиркалган планерларни бошқаришни ҳам ўрганишди. Бу машғулотлар токи гуруҳнинг ҳар бир аъзоси бу ишни тўлиқ ўзлаштирмагунча давом этди.

ХШ ФАСЛ ТАЙЁРГАРЛИК

– Жаноби офицерлар, – деди Жан Поль, – Тожикистон чегарасида жойлашган Россия ҳарбий ҳаво кучлари штурмчи самолётлари сиз жойлашган планерларни маълум масофага кўтариб, афғон сарҳадлари бўйича учадилар, лекин чегарадан ўтмайдилар. Капитан Семенов штурвалга ўтиради, мана бу координатларда тоғ тепасида – мен Бадахшон вилоятини назарда тутмоқдаман – катта сайхонлик бор, шу ерга кўнишга ҳаракат қиласизлар. Керакли жиҳозлар, ўзларингиз кўздан кечирган қурол-аслаҳа, космик телефон, видео ва фотоаппаратлар, альпинистик ашёлар, озиқ-овқатлар контейнерларга жойланган. Ерга кўнишларингиз билан контейнерларни очиб, рюкзакларга барча нарсаларни жойлаштирасизлар, сўнг контейнер ва планерларни бензин сепиб ёқиб ташлайсизлар, яна уларнинг изини яхшилаб беркитасизлар. Сизларга буни айтишни ҳожати йўқдир, лекин ҳарҳолда огоҳлантираман. Чунки, токка ўтин тайёрлаш учунми ё бошқа юмуш билан чиққан маҳаллий фуқаролардан бирови кўриб қолса, афғон Амният¹ хизматига мурожаат қилиши мумкин.

Лекин кутилмаган ҳолатлар туфайли сафар бир муддатга кечиктирилди. Венадаги «Интерпол» штаб-квартирасидан кўнғироқ бўлиб, икки ходим Тошкентга учаётгани, гуруҳ улар олиб бораётган сўнгги инструкциялар билан таништирилиб, кейин ҳарбий сафар амалга оширилиши билдирилди.

Шу кунни окшомда айтилган одамлар – Фридрих Шульц ва Ганс Байерлар учиб келишди. Тунги маҳаллий вақт билан соат бирларда самолёт Тошкент аэропортига кўнди. Соат ропа-роса ўнда улар офисга кириб келишди. Фридрих Шульц ва Ганс Байерлар ўзларини таништириб, ходимлар билан бир зарур масалада маслаҳатлашиб олишлари кераклигини айтишди. Афтидан булар чет элларда кўп бора махсус вазифаларни бажарган эдилар, кеч келишларига қарамай соқоллари олинган, озода кийинган эдилар.

¹ Амният хизмати, яъни Миллий хавфсизлик хизмати. Муаллиф изоҳи.

Ташкилотда янги бўлганликлари учун на Анри, на Поль уларни кўришганди, боз устига, улар «Интерпол»нинг махсус бўлинмасидан эдилар. Улар Анри ва Поль билан бир хонага қамалиб олишиб, бир соатдан ошиқ қандайдир масалаларни муҳокама қилиб, сўнгра гуруҳ аъзолари билан учрашишга қарор қилишди.

– Жаноби офицерлар! Олинган сўнгни маълумотларга қараганда, Бадахшон вилоятида наркотик моддаларни транзит қилишга мўлжалланган махсус цех лабораторияси билан фаолият кўрсатаётганлиги аниқланди. Бу ишни Вазирий деган шахс бошқараётганлиги ҳақида ҳам маълумот бор, бу шахснинг кимлиги, ҳаёти, фаолияти ҳақида «Интерпол» идораси ҳеч қандай маълумотга эга эмас. Сизларнинг асосий вазифангиз – ана шу шахсни топиш, тегишли тарзда сўроқ қилиш, у орқали наркотикларни қандай йўллар билан транзит қилинишини билиш ва дарҳол штаб-квартирага йўлдош телефон орқали хабар қилишдан иборат. Цех ва лабораторияни далиллар қўлга киритилгандан сўнг, портлатиб юборишга рухсат олинди. Лекин, такрор айтаман, етарли далиллар бўлмай туриб, бу ишни қилиш мумкин эмас, шу сабабли тўлиқ исботланган фактлар бўлиши, цех, лабораториянинг иш жараёни видеокамера тасмаси ва суратга олинishi шарт. У ерда ишлаётган ходимларнинг кўрсатмалари ҳам муҳим аҳамиятга эга, – деди Фридрих Шульц.

– Лекин... бу шахсни олиб чиқиб кетиш жуда катта қаршиликка дуч келиши мумкин, – деди Эркин бир оз мулоҳаза қилиб бўлгач.

– Хўш, нимани таклиф қилмоқчи бўлаяпсиз? – сўради Шульц ундан.

– Тўлиқ кўрсатмалар олиб бўлингач, ҳукми ўша ернинг ўзидаёқ амалга оширишни таклиф қилмоқчиман.

Шульц бошини сарак-сарак қилди:

– Йўқ, бу мумкин эмас, чунки у ҳали Гаага трибунали томонидан халқаро жиноятчи сифатида айбланмаган, демак унга нисбатан ҳозирча жазо чораларини кўриб бўлмайди.

– Уни тирик қўлга олганимизни эшитган ҳамтовоқлари бизнинг у ердан чиқиб кетишимизга йўл қўйишмас-ов! – деб лукма ташлади Семенов.

– Нима бўлганда ҳам бу одам факат халқаро Гаага трибунали ҳузурида жавоб бериши керак! Бундан бошқача бўлиши мумкин эмас, мабодо акси бўлса, бизни ҳам террористик ҳаракатда айблаб, жаҳон оммавий ахборот воситаларида шов-шув кўтаришади, мустақил бир давлат ҳудудига кириб, аҳолига нисбатан кўпорувчилик ишларини амалга оширган бўлиб чиқамиз.

Жан Поль ўрнидан туриб, бу ҳақда бир қатор мисолларни келтиргач, десантчилар уни тирик олиб келишга ваъда беришди.

– Энди, – деди Шульц, – сунъий йўлдош оркали олинган фотосуратларга мурожаат қилсак маъқул бўларди. Қани Ганс, суратларни ол.

Ганс чўнтагидан бир нечта расмларни олиб, стол устига қўйди. Гуруҳ аъзолари бирин-кетин уларни қўлга олиб, кўра бошладилар. Семенов расмларни кўриб бўлгач, кутилмаганда ҳуштак чалиб юборди. Ҳамминг эътибори унга қаратилди.

– Бу ерлар бизга таниш, – деди Семенов уларни кўп куттирмай. Эркин яна бир диққат билан расмларга қаради:

– Ҳа, бу ер бизларга таниш, – деб юборди у ҳам барчани ҳайрон қолдириб.

– Охирги жангни эсланглар, шу ерда ўттиз бир нафар курулдошимизни йўқотганмиз, – деди Семенов энди Адил, Ортик, Толикка қараб.

– Падарига минг лаънат! Яна фаолият олиб бораётган эканда! – деди Адил жаҳли чиқиб. «Интерпол» ходимлари ва Максимов десантчиларга ҳайрат билан тикилиб, изоҳ талаб этишди.

– Бу қўрғонга Афғонистондан чиқиш олдидан ҳужум қилганмиз, анча сафдошларимиз шу ерда ҳалок бўлишганди, – деди Эркин.

– Бу жуда яхши, – деди Шульц энди ўзи уларни ажаблантириб.

– Нимаси яхши?! Шунча одамнинг ҳалок бўлганими?! – деди кизиша бошлаган Адил.

– Йўқ, мен бошқа нарсани назарда тутаяпман – қўрғонни топиб боришда сизларга ҳеч қандай мушкуллик бўлмаслигини! – деди хижолатда қолган Шульц уларга гуноҳқорона қараб. Шундан сўнг у охирги йўриқлар бўйича амалга ошириладиган ишларни гапирди. – Жаноби офицерлар! Биз ҳамма муаммони бирварақайига ечиш-

ни режалаштира олмаймиз, демак, ижрочилар ўзлари мустақил ҳаракат қилишлари керак. Ҳозир Қобулда чет эл ваколатхоналари йўқ – мен Европа мамлакатларини назарда тутмоқдаман – демак, агар бир амаллаб пойтахтга етказиб бориш иложини топсангиз. Вазирийни БМТ миссиясига жойлаштирасизлар, у ердан олиб чиқиб кетиш билан эса ўзимиз шуғулланамиз.

Сизлар афғон кўшинлари ҳарбий либосида Бадахшон вилоятига ташланасизлар – мана бу квадратларга – вазифани адо этиб бўлганларингдан сўнг бизнинг одамимиз сизларни транспорт билан таъминлайди: барчангиз сиғишингиз учун каттагина «ЖИП» Қобулга етказилиб, мана бу квадратда сизларни кутиб туради. Мулоқот учун парол: «Сизга Пешовардан Маҳсум жаноблари салом айтиб юбордилар». Жавоб: «Мен ундай одамни танимайман ва Пешоварда ҳеч қандай танишларим йўқ, сиз адашиб мурожаат қилган бўлсангиз керак».

Айтганча, у одамни «ЖИП» келишидан ҳам билиб олишингиз мумкин, аммо паролни албатта айтиш зарур. Бизнинг одам паролнинг сўнгги жумлалари, яъни «...сиз адашиб мурожаат қилган бўлсангиз керак» деган жойини айтмайди. Мана у! Суратини яхшилаб кўриб олинглар!

У келадиган одамнинг олд ва ён томондан туширилган суратларини гуруҳ аъзоларига тутқазди.

Тасвирдаги афғон фуқароси ҳам маҳаллий, ҳам европача либосларда суратга олинган бўлиб, ёши тахминан ўттиз бешларда экан. Гуруҳ аъзолари суратларни обдон кўриб бўлишгач, у деди:

– Исми Садри Аъзамий, Қобулда унинг автомашина тузатадиган йирик устахонаси бор, лекин сизлар зинҳор унинг ишхонасига бормайсизлар, фақат белгиланган квадратда у билан учрашиб, машинани олиб, сўнг қолган ишларга қўл урасизлар. Менимча... ҳаммасини айтдим. Саволлар бўлса – марҳамат.

Саволлар бўлмади – ҳаммаси тушунарли эди.

– Жаноби офицерлар! Ҳар қандай тасодиф, кутилмаган ҳолат рўй бериши мумкин. Шундай ҳол юз берадиган бўлса, дарҳол мен билан уланишингизни талаб қиламан! «Интерпол» раҳбарияти сизларга омад тилаб, соғ-омон қайтиб келишларингизга умид боғлаб қолади! – деди Жан Поль йиғин охирида.

XIV ФАСЛ ЎЗГА ЮРТДА

Самолёт бир силкиниб, планердан узоклашиб кетгач, уни бошқариб боришни энди капитан Семенов ўз зиммасига олди. Пастда, Қўйи Панж дарёси худди сойга ўхшаб кўринарди – Эркин ўнг қўлини кўтарди. Бу – «чегарадан ўтмоқдамиз» деган маънони билдирарди.

Планернинг қанотлари тоғ чўкқисини шундоққина ялаб ўтиб кетди ва улар довондаги пасттекисликка қўнишди. Контейнерлар худди кўрсатмада айтилганидек, ёкиб юборилди.

Ҳар бир десантчининг сафар копида ўттиз олти килограммдан юк бўлиб, арконлар ёрдамида довондан туша бошлашди.

Эркин Садри Аъзамий билан учрашиш фақат бир неча кундан сўнг бўлишини биларди. Тонг отганда улар беш чакиримдан ортиқ масофани босиб ўтишиб, куюк ўрмонзор ичига яширинишди, нонуштани қилиб олишгач сафарни давом эттиришга қарор қилишди. Эркин Равилга деди:

– Марказ билан боғланиб, эсон-омон довондан тушиб олганимиз ва белгиланган квадратга чиқиш учун ҳаракат қилаётганимиз ҳақидаги сигнални бериб қўй.

Шульцнинг сафар олдидан айтган гапига караганда, уларнинг йўналиши мунтазам равишда ер йўлдоши орқали кузатиб борилар, шу сабабли ҳар рация доим ёқилган туриши зарур эди.

Гуруҳ фақат тунда ҳаракат қилар, кундузлари эса биронта хилват жой топиб, дам олишар, улар ўтадиган йўл Адил ва Егор томонидан мунтазам равишда текшириб бориларди.

Учинчи куни белгиланган квадратга чиқиб олишди. Бир неча кадам олдинда кетиб бораётган Егорнинг қўлида мина кидирувчи асбоб бўлиб, гуруҳ у босган издан бир кадам ҳам чеккага чиқмай, олға борарди.

Кўп ўтмай бир кўрғон кўзга ташланди. Аммо у Афғонистондан чиқишда портлатиб кетилган кўрғон эмасди. Эркин унинг нима эканлигини билиш учун Адил ва Ортиқни разведкага юборди. Орадан уч соатлар чамаси вақт ўтгач, йигитлар қайтиб келишди.

– Кўрғон мана бу квадратда, аммо биз унга якин бормадик, фақат дурбин орқали кузатдик ва ҳеч қандай ҳаракатни кўрмадик. Кўрғон гўё ўлик, ҳатто қоровуллар ҳам кўринмайди, – аҳборот берди Адил.

– Ҳар эҳтимолга қарши уни текширишдан ўтказишимиз зарур, қани, кетдик, – деди Эркин.

Кун пешиндан ўтгач кўрғон яқинига етиб қуюқ бутазор орасига яширинганча уни кузага бошлашди. Ростдан ҳам унда ҳеч қанақа ҳаракат сезилмасди. Кузатиш ҳеч қандай натижа бермагач, марказий дарвозага яқинлашишди. Дарвозага каттагина кулф осилгани узоқданок кўриниб турарди. Кўрғон девори унчалик баланд эмас – атиги икки паҳса қилиб урилганди.

Адил ва Ортиқ ҳеч қийналмай ундан ошиб ўтиб, ичкарини текшириб чиқишди: анча пайтгача бу ерда одам бўлмаган!

Орадан сал вақт ўтгач, Эркинни Жан Поль билан улашди. Эркин дастлабки маълумотларни бергач, у деди:

– Қандайдир чалкашлик содир бўлганга ўхшайди, ҳар эҳтимолга қарши кўрғондан чиқиб, манзилга қайтинглар, тез орада яна боғланамиз... Бошқа дейсизми? У ерда бошқа объект йўқ, кидириб овора бўлманг.

Гарчи буйруқ бошқача бўлса ҳам, гуруҳ кўрғонни обдон текшириб чиқишга қарор қилди: дастлаб маъмурий бинога кирдилар, кейин бошқа ёрдамчи хоналарга...

Мана! Бу бинода афтидан бир пайтлар кимёвий лаборатория жойлашган бўлиб, энди жиҳозлар олиб кетилган, синган хос идишлар ҳар томонга сочилиб ётарди. Егор улардаги қуйқаларни тотиб кўриб, тезда тупуриб ташлади:

– Бу ерда гиёҳванд моддалар қайта ишланиб, тайёр ҳолга келтирилганга ўхшайди...

Улар омборхонага мослаштирилган бошқа хоналарга ўтишди. Қизиғи, кўрғон бўлинган жойда бир неча кафас бўлиб, улар ичида ичак-чавок, сичқон скелетлари бор экан.

Демак, бу ерда уккилар боқилган! Улардан наркотикларни Тожикистонга чегарадан олиб ўтишда фойдаланилган! Лекин, нега бу ердан кўчишди экан? Ахир, Афғонистон маъмурий идоралари раҳбарлари гиёҳванд моддалар билан шуғулланаёт-

ганларни таъқиб остига олишмайди-ку! Номигагина, факат чет – элликларга улар билан каттик кураш олиб бораётганларини кўрсатиш учунгина!

Равиль Эркинга телефон гўшагини тутди. Жан Поль экан.

– Ахборотингиз тасдиқланди: гиёҳванд моддалар билан шуғулланаётганлар у ердан кўчиб кетишган, ҳозирча биз уларнинг янги манзилини аниқлашга ҳаракат қилмоқдамиз. Сизлар Садри Аъзамий билан учрашиш учун йўлга тушинглар, балки унгача бирор янги маълумот келиб қолар. Энди Афғонистон армияси либосини кийинглар – очик ҳаракат қилишга тўғри келади. Қолган кўрсатмаларни бир кун ичида етказишга ҳаракат қиламан!

Садри Аъзамий билан учрашувга ҳали бир кун бор эди.

Кутилмаганда шундоқ яқинларида эшак хангради. Бироздан сўнг десантчилар икки нафар болани олдиларига солиб, етаклаб келишди. Уларнинг шу ерлик эканлиги, ўтинга чиққанлиги кўришиб турарди, иккаласи ҳам ўн уч, нари борса ўн тўрт ёшларда. Ёнларида устига ўтин оргилган эшаклар.

– Кимсизлар? Исмларинг нима? Бу ерда нима килиб юрибсизлар? – деди Эркин уларнинг тилида.

– Мен Абдулло, у эса Нурсайд... ўтинга чиккандик, – деди нисбатан каттароғи унга қуюқ қошлари тагидан караб.

– Қишлоқларингизнинг номи нима?

– Сархуд...

Эркин харитадан қишлоқни топди – бу қишлоқ улар қўнган жойдан анча юкорида, қарийб беш чакиримлар нарида эди,

– Жуда олисдан келибсизларми? – деди у ўсмоқчилаб.

– Аҳо, илгарилари бу ерга келиш мумкин эмасди, чунки кўрқинчли амакилар шу ерда истиқомат қилишарди, бир-икки бачо ўтинга келиб, уйга қайтиб келмагандилар. Ҳозир ўша амакилар бу ердан кетганлари учун... келамиз-да! Бу ерда ўтин жуда кўп, – деди Абдулло нега узоқдан бу ерга келганларини изоҳлаш учун.

Буларнинг яхши муомала қилаётганларини кўрган ўспиринлар энди ўзларини анча босиб олгандилар.

– Айт-чи... бу ердаги одамлар... ўша амакилар каерга кўчиб кетишди?

– Билмадим, ако, – деди Абдулло ҳамроҳига бир қараб олиб.
– Буни фақат... шу ерларда уларнинг қўйларини бокиб юрган Саттор чўпон билиши мумкин, – деб гапга аралашди Нурсайд.

– У ким?

– Ҳов анови кишлоклик бир чўпон, – деб тоғнинг нариги тарафини кўрсатди Нурсайд.

– У қаердан билиши мумкин?

– Айтдим-ку, ўша чўпон уларнинг қўйларини бокиб юарди, деб! Кетишгач, у бечора ишсиз колди, – деди Абдулло Саттор чўпонга ачингандек.

– Яхши... Уни энди қаердан топиш мумкин? Болалар яна бир марта ўзаро кўз уриштириб олишди.

– Агар... ҳеч кимга айтмасангиз... яшайдиган уйини кўрсатиб қўйишимиз мумкин, – деди Абдулло нигоҳини ундан олиб қошиб.

– Гап ўртамизда қолади! – деди Эркин болаларга далда бериб, уларнинг қувлигига қойил қолиб.

Эркин Егорни ёнига олди, болалар уйни кўрсатишгач, қишлоқларига кетишди.

Чўпоннинг уйига етиб келганларида окшом тушган, лампа чирок ёниб турар, ўзи эса унинг ёруғида эгар-жабдуқларни таъмирлаётганди. Автомат кўтарган икки номаълум ҳарбийни кўрган Саттор чўпон тинмай хураётган итини тинчлантириб, уларга пешвоз юрди.

– Келинлар... меҳмонлар. Хуш кўрдик!

– Биз... зарур иш билан кўрғонга келгандик... кўчиб кетишибдими? – деди Эркин салом-алиқдан сўнг, очиқ юз билан.

– Кечирасизлар... мен сизларни... танимайроқ турибман. Ким бўласизлар? – Саттор унга синовчан тикилиб.

– Биз... Вазирийнинг одамлари... Кўрғондагилар қаерга кўчганлигини билмайсизми?

– Мен бундай одамни танимайман! – чўрт кесди Саттор.

– Балки... уни кўрмаган бўлишингиз мумкин, лекин кўрғоннинг ҳақиқий эгаси ўша одам эди, – деди Эркин бамайлихотир.

– Билмадим... бошқарувчилик вазифасини доимо Қосим олиб борарди... Балким, янглишаётгандирсиз?

– Майли, Вазирийни кўрмаган бўлишингиз мумкин, бу муҳим эмас, лекин кўрғондагилар қаерга кўчишган, шуни айтсангиз бўлди, – деди Эркин.

Саттор анча ичидан пишган одам экан, индамай тураверди, Егорнинг эса бундан жаҳли чиқа бошлади. Бир пайт Сатторнинг аёли эшик нарисидан туриб, сўради:

– Тинчликми хўжайин?

– Сен болага кара! – деди Саттор баланд овозда эшик томон ўгирилиб, сўнг, келганларга қаради. – Улар... Қалай Куши тоғларига кўчиб кетишди. Бўлдими? Қутилдимми? – кесатиб сўради у. – Энди келган ерларингизга кетишларингиз мумкин.

– Сен уларнинг айнан шу манзилга кетганини қаердан билдинг? Алдамаяпсанми? – деди Егор ҳамон унга ишонмай, кўзларига тикилиб.

– Мен... хайдовчилар билан гаплашгандим, кўйларни ортаётганларида кизикқандим, қўриқчилар орасида ҳам хешларим бор, шу сабабли мени чўпонликка олишганди.

– Қўрғондаги анжомлар ҳам тўлиқ ортилганмиди? – деди Эркин. Саттор заҳарханда қилди:

– Саволлар кўпайиб кетмадими, меҳмон? Ваъда қани? Фақат қаерга кетганларини айтсанг бас, демаганмидингиз ҳозиргина?

Эркин кулиб юборди:

– Роса ақлли экансан-ку! Бўпти, бўпти... Лекин бу ерга келганимиз, кўрғондагиларни суриштирганимиз ҳақида ҳеч кимга оғиз очмайсан. Тушундингми?

Саттор елка қисди:

– Тушунмай ўлибманми...

Эркин Егорга юзланди:

– Кетдик, бундан бошқа маълумот ололмаймиз, кўрмаяпсанми канакалигини...

Икки соат йўл юриб, улар кўрғонга етиб келишди.

Демак, Қалай Куши... Бу – Жалолобод шаҳри яқинида, дегани. У ерларда асосан пуштун, тожик, сингхлар яшашади, туркий элат ва бошқалар жуда кам. Лекин нега қароргоҳни ўзгартиришди? Бу ердан гиёҳванд моддаларнинг транзит қилиниши осон бўлган-ку! Ёки янги, янада қулайроқ жой топишганми?

Ундай десам, Қалай Қуши Дюранд¹ чизиғига, Покистонга яқин, ахир у ерларда «Интерпол» шўъбаси, элчихона, турли ваколатхоналар бор-ку! Покистон – наркотикларнинг экспортига жиддий тўсиқлар қўйиши мумкин бўлган мамлакат... Қизик...

Эркин фикрини Егорга билдирди, у ҳам хулосага қўшилди, лекин у ҳам нега бундай калтис йўл танланганини тушуна олмади.

Энди факат Садри Аъзамий билан учрашиш, Қалай Қушига бориб, ўша ердан гиёҳванд моддалар цехини излаш колган эди.

Улар Афғонистон курулли кучлари махсус қисмларига тегишли бўлган «шахсий» ҳужжатларини олиб, уларни яна бир марта ўрганишди – ҳеч бўлмаганда ўз исм ва фамилияларини аниқ билишлари зарур эди. Гарчи бу қисмларга мансуб бўлган зобитлар ҳар қандай объектга киришга ҳақли бўлсалар-да, улар маҳаллий полиция томонидан текширилмаса-да, уларни роса чиғириқдан ўтказишди. Энди уларнинг исм-шарифлари ўзгарган, беҳосдан бирон ножўя сўзни айтиб юборишлари маҳаллий Амният хизматчиларини шубҳага олиб келиши аниқ эди (Амният хизмати ходимларининг аксарияти гиёҳванд моддалар транзити билан шуғулланишлари, уларга ҳамтовок бўлишлари ҳам эҳтимолдан ҳоли эмасди).

Ҳужжатларни ўрганишга деярли бир кун кетди.

Ниҳоят, Садри Аъзамий билан учрашадиган вақт келди.

Бунинг учун десантчилар «Хўжагон» деган манзилга – қачонлардир тарки дунё қилиб яшаган бир авлиёнинг булоғига чиқишлари керак эди. Бу ерда катта садақайрағоч ўсар, авлиёнинг дарвишона кулбаси ғариб бўлиб турар, сал нарида қишин-ёзин суви қуримайдиган кўздек булок отилиб турарди. Одамларнинг гапларига қараганда, авлиё ана шу булок атрофида яшаган, кай-

¹ Мортимер Дюранд, 1893 йилда Ҳиндистон ва Афғонистон чегараларини аниқлашда қатнашган ва ўша даврдаги Афғонистон подшоҳи Амир Абдурахмон билан уни муҳокама қилган Буюк Британиянинг Ташқи ишлар ходими. У пайтларда Покистон давлати умуман бўлмаган. Натижада, чегара чизиқлари унинг номи билан аталиб, Пешовар шаҳридан деярли 15 километр масофадан Афғонистон чегаралари бошланиши келишиб олинган. Муаллиф изоҳи.

рағочни ҳам ўзи эккан. Тахминан ўн кадам нарида унинг қабри жойлашган бўлиб, маҳаллий аҳоли унинг устига ганчли сағана курган ва зиёратгоҳга айлантирганди. Бу шахснинг қачон яшагани, нима сабабдан авлиёларга тенглаштирилганини ҳеч ким билмасди. Фуқаролар бу ерга зиёратга келишар, жонлиқ сўйиб, шу ерда йиғиладиган қаландар-дарвешларга овқат таркатишаркан.

Агент билан худди шу ерда учрашувга келишилган, бу ҳақда Шульц десантчиларни ўша пайтдаёқ огоҳлантирганди. Фақат шарти – Эркин ўзи у билан мулоқотга киришиши, яъни биринчи бўлиб паролни айтиши, жавобни олгандан сўнг, у олиб келган машинада сафарни давом эттиришлари зарур эди. Агентга фақат уларни машина билан таъминлаш юклатилган, мободро қандайдир маълумотлар берса, шуларга қараб келгуси ишларини режалаштириш керак бўларди.

Улар кечгача шу ерга келаётган фуқароларни, зиёратчиларни дурбиндан кузатишди, ҳеч қандай хавф йўқлигига ишонч ҳосил қилишгач ва одамлар тарқалишгач, булоқ томон йўл олишди. Агент келган экан: у ҳар замон-ҳар замонда чўнтак соатига қараб қўярди. Эркин бироз кузатиб туриб, у ростдан ҳам Садри Аъзамий эканлигини билгач, яширинган жойидан чиқди, у томон юрди ва ёнига келиб, паролни айтди ва тегишли жавобни олди...

Ҳамма нарса кўнгилдагидек эди.

Агент келтирган машина қувватли «ЖИП-Чероки» бўлиб, унга бемалол олти киши сиғар, юкхонасига қатор қилиб захира ёнилғи идишлари тахт қилиб қўйилганди. Ҳатто сафар қоплари учун ҳам жой бор эди.

Йигитлар қуроллардан ташқари барча нарсани унга ортишгандан сўнг Эркин деди:

– Агентнинг гапига қараганда, сафарни қоронғу тушгач бошлаш зарур, яхшиси хуфтон намозидан кейин – бу пайтда кўча полисменлари бўлмас экан.

– Ҳарҳолда у маҳаллий шароитни биздан яхши билади, – деди Егор уни қувватлаб.

– Мен қаёққа боришимизни аниқ айтмадим, гарчи у қизиқиб кўрган бўлса ҳам... Қобулга дедим, – деди Эркин.

Машинани Егор бошқариб борар, хозирча ҳеч қандай хавф сезилмасди. Довондан йўлга тушгунча анча вақт кетди. Тахминан соат учларда бир ғариб қишлоқдан ўтиб, Бадахшон-Қобул трасса-сига чиқиб олишди. Энди хушёрликни ошириш, имкони борича трассадан четга чиқмаслик керак эди. Улар учун Қобулга кириш зарур эмасди, шунинг учун ҳам Лағмон томон кета бошлашди.

Лағмон йўли улар сўнгги марта бўлганларидан буён сира ўзгармаганди: ҳамон таъмирланмаган, куйиб кетган танклар, ҳатто ЗРПК (зенит ракета мослама) қандай қолган бўлса шундайлигича ётар, чеккаларида озодлик учун курашган мужоҳидларнинг қабрлари кўриниб турарди (Афғонлар майитларни бир жойда эмас, балки айнан уруш бўлган жойларда дафн этишга ўрганишган, шу сабабли бу каби қабрлар йўл бўйлаб жуда кўп эди).

Лағмонга кираверишда йўл полисменлари пости кўринди.

Йигитлар шлагбаум рўпарасида тўхташди. ЖИПнинг ойналари қорайтирилгани учун салонда ўтирганлар кўринмас, фақат олд томонидан синчиклаб қараган одам машинада нечта одам борлигини билиши мумкин эди. Полисмен машина ёнига келиб қаёққа кетаётганларини сўради.

– Нангархар вилоятига кетаяпмиз, – полисменнинг саволига ўта хотиржамлик билан жавоб берди Эркин.

– Полковник соҳиб, унда бекор шу йўлдан юрибсиз: олдинда таъмирлаш олиб борилаётгани сабаб йўл ёпик, – деди полисмен машинага суқланиб қараб.

– Ҳечкиси йўқ, бундай мутарга йўл қурилишлари тўсиқ бўла олмайди, – деди Эркин ишонч билан унинг кўзларига тикилиб.

– Агар сир бўлмаса... қаёққа кетаяпсиз?

– Қандай сир бўлиши мумкин! Жалолободга бормоқчимиз. Яна саволлар борми, кичик офицер? Бемалол сўрайверинг! – киноя қилди у.

Полисмен қизариб кетди.

– Узр, полковник соҳиб... Ундай бўлса, тўғри шу йўлдан кетиб, таъмир ишлари кетаётган ерга чиққанларингиздан сўнг, чапга бурилиб, доvon орқали юрсангиз тез етиб борасиз. Ақс ҳолда, Лағмоннинг жанубий қисмини ҳам айланиб ўтишга тўғри келади.

– Ташаккур!

Егор яна моторни ўт олдириб, полисмен айтган йўлдан кета бошлади, лекин Эркиннинг кўрсатмасига мувофиқ машинани Шиндон йўналишига бурди. Полисменнинг улар каёкка кетаётганларини суриштириши Эркинга шубҳали кўринганди (афғон йўл полисменлари махсус қисм зобитларига бундай саволларни беришга журъат этиша олмас, агар берсалар ҳам жавоб ололмасдилар).

Полисмен улар то кўздан ғойиб бўлгунларича ортларидан қараб турди-да, шу ерда турган автомашинасига ўтириб, ким биландир рация орқали гаплашди.

– Соҳиб! Шубҳали бир машина ўтди, унда қанча одам борлигини билолмадим, мен билан гаплашган полковник Амният хизмати либосида, унинг қўлида қандайдир бизга хос бўлмаган ёзувни кўрдим. Бундай ёзувни мен шўравийларда кўргандим, – деди полисмен (Эркин касб-ҳунар мактабида ўқиб юрган пайтида ёшлик қилиб қўлига Кирилл алифбосида исмини татуировка қилдирган, полисмен эса бу ёзувга эътибор қаратганди).
– Бунинг устига, у афғон махсус қисмларининг эски либосида – ҳозир бизда бундай ҳарбий либос йўқ.

– У сен билан қайси тилда гаплашди? – сўради ундан суҳбатдоши.

– Форсча, аммо шеваси бизникига ўхшамайди.

– Қайси йўл билан кетишди? Қаерга бораётганларини айтиш-дими?

– Жалолободга экан. Мен доvon орқали юриш йўлига солиб юбордим.

– Яхши, текшириб кўрамиз, ҳозирча бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очма! – деди суҳбатдоши.

Полисмен билан рация орқали гаплашган киши Зухур исмли капитан бўлиб, бироз ўйлаб тургач, полковник Насиб Муродий ҳузурига кирди:

– Соҳиб полковник, Бадахшон-Қобул-Жалолобод йўналиши бўйича «ЖИП» русумли шубҳали мутар келаётгани ҳақида Бадахшон-Қобул пости хизмати кичик зобити Мутафаккир хабар берди.

– Нимасидан шубхаланибди?

Капитан полисмендан эшитган барча сўзларни такрорлади. Лекин бундан полковникнинг энсаси қотди, холос

– Катта капитан! Эсингизни еб қўйдингизми дейман? Бу ерга қаердан шўравий ҳарбий қисмлар келиб қолиши мумкин? Бу... сира ақлга сиғмайдиган гап-ку!

– Мени ҳам таажжублантирган масала – шу, лекин сизга ахборот беришни ўз бурчим деб билдим, жаноб полковник. Кетишга рухсат этинг!

– Бўшсиз... лекин ҳозирча бу ҳақда ҳеч кимга сўзламай тулинг, аввал текшириб кўриш зарур, – деди полковник бироз ўйлаб олгач.

У телефон гўшагини кўтариб, Амният хизмати рақамларини термоқчи бўлди, лекин тезда бу ниятидан қайтди. Йўқ, аввал ўзи текшириб чиқиши зарур, агар гап қандайдир... бойлик ҳақида кетаётган бўлса, нима учун бошқаларни шерик қилиши керак?! Лекин бунга узок яшириб ҳам бўлмайди... Ҳарҳолда нозирликдаги махсус қисм раҳбари генерал Мовсиддин Яфталига хабар бермоқ керак, у билан ҳамкорликда ишланмаса, бирон натижага эришиб бўлмайди. Амният хизматига хабар қилиш эса ҳозирча зарур эмас, агар генерал хоҳласа, ўзи ахборот берар...

У тўғридан-тўғри генерал билан уланган рақамни терди. Узок вақт гўшакни ҳеч ким кўтармагач, унинг адъютанти Муҳаммадга сим қоқди.

– Генерал Яфтали қабулхонаси, адъютант Муҳаммад эшитди! – деган овоз келди нариги ёқдан.

– Адъютант, мен нозирликдан полковник Муродий бўламан, генерал соҳибда зарур ишим бор.

– Қандай масала бўйича?

– Шахсий иш.

– Агар масалангиз шахсий бўлса, шанба кунига қабулга ёзиб қўяман, ҳозир учраша олмайдилар – ҳар дақиқа вақтлари ҳисобда.

– Майли, – деди полковник ва ижирғаниб гўшакни қўйди. Ўзларини ким деб ўйлаяптилар! Жума кунидан ташқари яна уч кун бора-а! Ундан кўра... хизматимдагиларни кўтариб, шубха-

ли машинани ўзим тўхтатсам-чи! Шунда барча шуҳрат менга тегади. Агар шўравийлар... бирон бойлик кетидан келган бўлса, уни тортиб олиб, ўзларини ими-жимидида ўлдириб юбораман, агар жосуслик мақсадида келган бўлсалар, барчасини қўлга олиб шон-шуҳрат остида қоламан! Бу киборларни, уларнинг адъютантини кўрмайсизми! Агар шахсий масала бўлса, қабулга шанба кунига ёзиб қўярмиш! Бўпти, ёзиб қўябер! Агар, генерал нима мақсадда Амният хизматига ёки менга мурожаат қилмадингиз деб сўраса, шахсий адъютанти киритмаганини айтаман!

У шахд билан хизмат хонасидан чиқиб, учинчи қаватдан пастга тушди ва радиорубкага кирди.

– Барча кўча полисменларига!!! Бадахшон-Жалолобод йўналишида ҳаракат қилаётган «ЖИП-Чероки» зудликда тўхтатилсин! Шахсан ўзим боргунимча уларга қарши ҳеч қандай чора кўрилмасин! Мабодо қаршилиқ кўрсатадиган бўлсалар, куруллари олиниб, қўлларига кишан тақиб, вақтинча пост хизмати хонасида сақлаб турилсин! – барча хизматчиларига кўрсатма берди у.

Тез орада айтилган машина Бадахшон-Жалолобод йўналишида аниқланмагани ҳақида постлардан хабарлар кела бошлади. У тунги соат ўн иккиларда кўча полисмени Мутафаккир ва катта капитан Зоҳур ўғлини чақиртиришга мажбур бўлди. Мутафаккирнинг изоҳларини эшитгач, барча полисменларга қайта кўрсатма берди. Энди полковникнинг шубҳаси ошиб, шўравийлар афғон тупроғига яширинча келганликларига имони комил бўлди – бошқа ким ҳам бу даражада айёрона йўл тутарди?! Йўлни жуда яхши билганларгина!

Текширишлардан яна маълум бўлдики, ўша мутар номери ҳеч ерда қайд қилинмаган экан. Полковник вақтни бекорга ўтказмай, ўзи Шиндон йўналишига чиқиб кетди. Муовини Аҳмадга нозир ёки айнан шу ишларни назорат қилувчи нозир ўринбосари сўраб қолса, ҳаракат хавфсизлигини текширишга кетганлигини айтиб қўйишни топширди.

Одатда полковникнинг хизмати билан ҳеч ким қизикмас, фақат онда-сондагина йиғилишларга тақлиф этишар, дейлик, бирон бир автохалокат натижасида кўп одам ҳалок бўлган бўл-

сагина уни эслаб қолишарди. Нозир муовини эса унинг хизматидан ташқари ҳукумат идораларини кўриклаш вазифаси билан ҳам бевосита шуғулланар, иши доимо бошидан ошиб ётар, шу сабабли полковник яккахокимдек бўлиб колганди.

Полковник икки зобит ва шофёри билан Шиндон-Жалолобод вилоятига кириб келди. У рация орқали мунтазам равишда ўз ходимларидан маълумот олиб турди, аммо уларда ЖИП ҳозирча ҳеч қайси постдан ўтмагани қайд килинарди.

* * *

Десантчилар ўтирган машина ниҳоят тунда Шиндон-Жалолобод йўналишига чиқиб олди. Эркин дўкондан янги нон харид қилишни Ортиққа буюриб, ўзи машинани новвойхонадан анча нарида тўхтатди: у одамлар нигоҳига тушишни хоҳламасди. Ортиқ қайтиб келгач, тоғ орасидаги, катта йўлдан анча узок бўлган жойда, бир булок ёнида гўхтаб овқатланишди. Қаҳва тамом бўлган экан, аккумуляторда ишлайдиган электр чойнакда чой қайнагиб ичишди. Десантчиларнинг ҳам, ўзининг ҳам тинкаси обдон қуригани учун, шу ерда тонггача дам олишга қарор қилди, чунки улар деярли бир кеча-кундуздан буён оёқда эдилар. Эркин йўл бўйи ҳеч жойда битта ёки иккитадан ортиқ кўча полисменлари турмаслигига эътибор берди, шунда ҳам фақат бир провинциядан иккинчисига ўтиш жойларида. Уларнинг қуроллари эса фақат тўппончадан иборат эди.

Эрга тонгдан десантчилар бирин-кетин уйғона бошладилар. Улар тунги оромдан кейин анча бардам бўлиб қолгандилар. Дархол юз-қўлларини шу ердаги булокда чайиб, нонуштага ўтиришди, сўнг бўшаб қолган бакка ёкилғи қуйиб, йўлга отланишди. Энди машинани юргизмокчи бўлиб турган чоғларида усти очик кузовли – худди уларникидек машинада автоматлар билан қуролланган бир неча полисменлар, унинг ортидан эса «Судзуки» русумли енгил автомобиль трассада ўтди.

Эркин хушёр тортди:

- Менимча, бизнинг тинч ҳаётимиз тугаганга ўхшайди – булар изимиздан тушган бўлишлари мумкин, аммо нега барчаси полисменлар? Агар афғон махсус қисмлари бўлганда, камуфу-

ляжда бўлишлари, қуроллари АК-74 бўлиши лозим эди, булар эса АКМ билан қуролланган. Демак, булар махсус қисмларга алоқаси йўқ ички ишлар нозирлиги ходимлари... Хўш, десантчилар, сафарни давом эттираммизми ёки кечгача кутиб, тунда ҳаракатни бошлайммизми?

– Улар бизнинг изимизга тушмаган бўлишлари ҳам мумкин, нима, унда яна бир кунни йўкотаммизми? – деди Ортик.

– Ўзбекларда шундай мақол бор: «Ўзингга эҳтиёт бўл, қўшинингни ўғри тутма». Жуда ўринли айтилган. Демак, эҳтиёт бўлмоқлик керак. Ахир биз ҳали топширикни бажарганиммиз йўқ, бунинг устига, афғон ички ишлар нозирлиги билан урушга кириш учун бу тупроққа қадам босган эмасммиз, – деди унинг сўзини рад этган ҳолда Эркин.

Улар машинани яқин орадаги кулба ортига яшириб, трассани кузата бошлашди. То тушгача ҳеч бир воқеа рўй бермади. Шундан сўнг фақат бир неча машина (уларда атрофни синчиклаб кузатаётган полисменлар ўтирарди) трасса бўйлаб ўтди.

Энди гуруҳ аъзолари полисменлар кимнидир қидириб юрганини тушуниб, қандай чоралар кўриш ҳақида маслаҳатлашиб олишди. Эркин ўз тажрибасидан тоғда кўп сўқмоқ йўллари бўлишини биларди, гарчи улар харитада мутлақо кўрсатилмаса ҳам. У Лағмон марказига кирмасдан уни айланиб ўтиш, Жалолободга етиб олгач эса Қалай Қуши тоғларига бориш ҳақида ўйларди. У афғон ички ишлар нозирлиги ходимлари билан жанг қилмасдан жанговар вазифани бажариши кераклигини тушунарди.

Кечгача дам олган десантчилар ниҳоят йўлга тушишди. Улар доволан орқали Жалолободни айланиб ўтиш ҳаракатида эдилар. Йўл жуда хавфли эканлиги уларни чўчита олмас, бундан баттар вазиятлардан ҳам муваффақиятли чиқиб кетган вақтлари бўлганди.

Манзилни аниқлаб олгач, аста-секинлик билан тоққа кўтарила бошлашди. Хавфли ўнгирларга дуч келишганда ёки тор сўқмоқлар учраганда, дарҳол машинадан тушиб, трасларни қоятошларга, катта-катта бўлиб ўсган дарахтларга боғлаб, лебедка билан машинани тортиб олишар, сўнг яна сафарни давом эттиришарди.

Насиб Муродий ушбу одамларни йўлда учрата олмаганликлари учун ходимларни тинмай сўқар, дарҳол изларини топиш кераклиги ҳақида пост хизмати бошлиқларига кетма-кет топишириқлар берар, аммо кочкинлардан асар ҳам йўқ эди. Деярли уч кун давом этган трассани текшириш амалиёти ҳам ҳеч қандай натижа бермай тугагани унинг гумонларини оширар, энди қандай қилиб бўлса ҳам уларни топиш унинг учун биринчи ўриндаги вазифа бўлиб қолганди.

«Улар бу ерга бекор келмаган, бунинг устига, чегарадан ноқонуний ўтганлар. Агар давлатга молик вазифалар билан ташриф буюрган бўлсалар, қимдир уларга ҳамроҳ бўлиб, кераклича ёрдам қилган бўларди. Булар эса яширинча келишган...

Нима қилсин? Амният хизматига мурожаат қилсинми? Йўқ йўқ, агар бирон бойлик илинжида ташриф буюрган бўлсалар адашадилар – бошлиқлар топилган бойликларни ўзаро хазм қилиб юборадилар! Ҳеч ким билан бўлишмайдилар! Бизга ҳам бор-йўғи ташаккурнома эълон қилишади холос... Ташаккурномасидан ўргилиб қўяй! Нима, у қоринни тўйдирармиди!

Демак, бу ерларда қандайдир бойлик яширинган ва шу туфайли махсус гуруҳ юборилган. Шўравийлар чиқиб кетаётган пайтда уни олиб чиқиб кета олмай қолган. Лекин... нима учун Жалолобод томон юрмоқдалар? Балки... борадиган жойларини яшириш мақсадида бошқа манзилни айтган бўлишлари ҳам мумкин. Қандай қилиб бўлса ҳам сўнгги борар жойларини билиб олиш керак. Улардан бирортасини қўлга тушириш мумкин бўлса-ку, албатта сир очиларди. Ҳеч бўлмаса бирортасини тирик ушлаш керак, акс ҳолда...

Агар қатта бойлик бўлмаса, (қизиқ, нима бўлиши мумкин олтинми?) ҳеч ким бунақа тавакқал қилмасди. Бундан бир неча йиллар олдин Кушонлар салтанатидан қолган нақ 32 килограмм афсонавий маҳлуқ (бузоқми ёки эчкими, билиб бўлмасди) шакли туширилган соф олтиндан ясалган асори-атиқа топилганди. Ёки яна бормикин шунақа нарсалардан? Қани эди ўзим топиб олсам...»

Насиб Муродий рация орқали йўлларни текшираётганини нозир муовинига айтиб, жавоб олди. У энди қандай бўлса ҳам ушбу имкониятни қўлдан чиқармасликка ҳаракат қиларди: агар

шу ишни муваффақиятли амалга оширса-ку, хизматга ҳам тупуриб бемалол нафақага чикиб кетарди. Ёши ҳам бир жойга бориб қолди, ҳали турмушга берадиган икки қизи ва уйлантирадиган бир ўғли бор. Ким билади, балки топилган бойлик уни бир умрга кашшоқликдан қутқарармиди?

* * *

Эртаси куни кечқурун гуруҳ сўқмоқ йўллар билан довон тепасига бир амаллаб чикиб олди. Бу ердан Жалолобод бемалол кўриниб турар, энди уларнинг вазифаси шаҳарни айланиб ўтиб, Қалай Қушига етиб бориш, гиёҳванд моддалар цехини топиш, унга хужум уюштириб, сардорини асир олиб, имкони бўлса, бир амаллаб Пешовардаги БМТ доимий ваколатхонаси биносига келтиришдан иборат эди.

Кечга яқин лебедка ёрдамида пастга тушишди, қулай тарафи – довонда биронта маҳаллий аҳоли, чўпон ёки овчини учратишмади. Овчиларнинг бу ерда бўлмасликлари табиий эди: бу жойларда овга ярқли қуш ҳам, жонивор ҳам бўлмасди. Нисбатан текис жойга чикиб олишди. Аслида бу ер текислик ҳам эмас, ҳар жой-ҳар жойда яккам-дуқкам буталар ўсган тепалик эди. Сулаймон тоғлари Ҳиндикушдан шу нарса билан фарқ этардики, бу ерларда деярли ўтинбоп дарахтлар ўсмас, борини ҳам аллақачон маҳаллий аҳоли рўзгорларига ишлатиб юборишганди. Тоғнинг одам бормас ерларида арча бисёр, аммо одамлар у жойларга кадам босишмасди: мунтазам равишда тоғ кўчкилари юз беради.

Тахминан йигирма чақирим масофани ўтганларидан сўнг ҳеч қутилмаганда икки нафар автоматчи ва полисменга дуч келиб қолишди.

– Тўхтатсалар, товуш чиқармасдан уларни тинчитиш керак, аммо қон тўқмасдан! Егор! Адил! Тайёрланиб туринг, – деди Эркин.

Полисмен қўлидаги таёқчаси билан тўхташга ишора қилди. Машина улардан сал нарироқ бориб, тўхтади, чунки Эркин шунга ишора берганди. Автоматчилардан бири ва полисмен машина ёнига келди:

– Аз мутар беҳист¹, – деди полисмен.

Автоматчиларидан бири машинани нишонга олиб турарди. Егор автомат предохранител²дан олинмаганлигини пайқади.

– Адил, сен орқада турган автоматчини тинчитасан, тушундингми? – деди Эркин секингина.

– Хотиржам бўлинг, – деб жавоб берди Адил ҳам паст овозда. Ҳаммаси бир зумда бўлиб ўтди: полисмен ва автоматчи машина эшиклари ёнига келиб қолганда, олдинги икки эшик ва орқадагиси бирданига очилиб, автоматчи ва полисменнинг юзига урилди, Адил сакраб машинадан тушиб, автомати затворига ўқ юбораётган жангчи устига ўзини ташлади. Полисмен ва автоматчи ерга ағдарилиб тушди, карахт бўлиб, бир неча сония нима воқеа бўлаётганини англамай қолишди. Иккинчи автоматчи ҳам шу тарзда саранжомланди. Барчаларининг қўл-оёқлари боғланиб, хлороформ билан ухлатилди, сал нарида турган машиналарига тикиб, эшикни қулфлаб қўйишди.

Егор машинада рация бор-йўқлигини текшириб кўриб, деди:

– Йўқ экан. Демак, ҳеч ким билан боғлана олишмайди, бемалол ухлаб тургунларича биз анча масофани ўтиб кўямиз.

«ЖИП» тепаликлар билан ўралган йўлларда сакраб-сакраб кетиб бораркан, яна бир тўсикка дуч келишди: сел йўлни бутунлай ювиб кетганди, анча масофадан айланиб ўтишга мажбур бўлишди.

Узокдан қишлоқ кўриниб турарди.

Уйлар томи гумбаз шаклида эди. (Бу жойларда умуман шифер, тулука каби қурилиш ашёлари бўлмас, фақат шаҳардаги баъзи бир ўзига тўқ оилалар уйларининг томларигина шундай ёпиларди).

Кечгача ҳеч қандай ходиса рўй бермади. Жалолободни айланиб ўтишгач, рулни Егорнинг ўрнига Ортиқ эгаллади. Эркин мудраб бораётган бўлса ҳам, ҳар-ҳар замонда тиззасида турган харитага қараб кўярди. Шу пайт Ортиқ нимагадир ишора қил-

¹ Машинадан тушинглар.

² Автоматни беҳосдан ерга тушириб юборганларида отилиб кетмаслиги учун қилинган қопқок, агар у очилмаса, ўқдондан ўқни стволга жойлаш мумкин эмас.

ди: тахминан бир чақиримлар нарида гулхан гуриллаб ёниб турарди. Демак, бу ерда ҳам пост бор.

Автоматлар билан куролланган икки аскар машина келаётганини кўрди-да, улардан бири зудлик билан кичкина уйчага кириб, полисменни уйғотиб чиқди. Тўхтамасдан ўтиб кетиш ҳам мумкин эди, аммо бу ҳолда орқадан кувишлари аниқ. Ана унда вазият янада мураккаблашади. Бунинг устига постда қанча одам борлигини ҳам билишмас, шунинг учун таваккал қилишга қарор қилдилар...

Полисмен шлагбаум ёнига келиб, таёкчасини кўтарди. Энди олдинги ҳолат бўйича ҳаракат қилиш мумкин эмаслигини пайкаган десантчилар автоматларини қўлларига олишди. Егор эса портлаганда фақат қарахт қиладиган икки гранатани олиб, тайёр бўлиб турди.

Ортиқ машинани шлагбаум қаршисида тўхтатди. Аммо, полисмен унинг машинадан тушишини кутиб турганлигини кўриб:

– Биродар, биз шошиб турибмиз, шлагбаумни очинг, – деди форс тилида.

Лекин полисмен бош чайқади:

– Машинадан тушинг. Хужжатларни кўрсатинг.

Энди вақтни чўзиб бўлмасди: Егор қандайдар сонияларда машина эшигини очиб, гранатани улоқтирди.

Гранаталар махсус ишланган бўлиб, кучли портлаш содир этар, лекин майда бўлақларга бўлинмас, жароҳат етказмас, фақат 5-7 дақиқа мобайнида қарахт аҳволга солиб кўярди.

Портлаш рўй бериши билан десантчилар эшикларни очиб, қарахт бўлиб қолган полисменларнинг оёқ-қўлларини боғлаб ташладилар. Егор ва Эркин кўлидаги автоматлари билан уйчага ўзларини уришди. У ерда яна бир полисмен бор экан, Эркин тўппончасидан уларга қарата ўқ узмоқчи бўлаётган полисменга бақирди:

– Куролингни ташла! Акс ҳолда...

Унинг вазоҳатидан кўрқиб кетган полисмен тўппончасини ерга ташлади.

– Ҳа, ҳа, соҳиб, мен таслим бўлдим... мана.

Егор уни чалиб йикитиб, қўлини шу ердан топган бир белбоғ билан боғлаб, ташқарига олиб чиқди. Улар ташқарига чиққанда қолган пост хизмати ходимларининг ҳам қўл-оёқлари боғланганди.

– Нега бизларни тўхтатдингиз? – деди Эркин хонада асир олинган полисменга қараб.

– Полковникдан шундай буйруқ келган, ана шу нишонли мутарни тўхтатиб, у ерда бўлган одамларни ҳибсга олишимиз зарур эди, – деди у.

– Нега?

– Шўравийларнинг одамлари эканлигингиз маълум бўлгач, постларга шундай буйруқ келган.

– Бизнинг ким эканлигимиз қаердан уларга маълум?

– Бунисини билмайман, соҳиб, – деди полисмен.

Эркин Егорга имо килди, у дарҳол ёнидан хлороформли флаконни чиқарди...

Бу ер доимий пост бўлганлиги учун рация ишлаб турар, ундан форсча-пуштунча узук-юлуқ сўзлар эшитиларди. Егор рацияни кўтариб ерга урди.

– Демак, улар бизнинг ким эканлигимизни билишибди, агар бу йўлдан юрсак, албатта жангга киришга мажбур бўламиз, шунинг учун анови кўриниб турган тоққача бориб, машинани бирор овлоқроқ жойга яшириб, у ёғига пиёда кетишга тўғри келади, бошқа чораси йўқ, – деди Эркин.

Бу ерлар Нангархар провинциясига қарашли бўлиб, Жалолобод шаҳри унинг маркази эди, ундан сўнг Сулаймон тоғларининг Қалай Қуши довоига олиб чиқадиغان йўл бошланарди. Кечгача сўқмоқ йўлларда адашиб юришиб, ниҳоят бир ўнгирга дуч келишди, шу ерда дам олишга қарор қилиб, машинани яширишга жой излашди. Машина топшириқни бажаришгандан сўнг ҳам жуда зарур бўлишини билишар, шу туфайли уни ишончлироқ жойга яширишга ҳаракат қилишарди.

Ой ҳали чиқмаган, ҳаммаёқ зим-зиё бўлганлиги учун буни тонгга қолдиришга мажбур бўлишди.

Ниҳоят бир ғор ичидан жой ҳам топилди. Ҳеч ким пайкамаслиги учун грант тошлари билан ғор оғзини ёпиб ташлашди, ғор

ва унинг устидаги арча тасвирини харитага тушириб, сафарни яна давом эттиришди.

* * *

Полковник Насиб Муродий ҳар иккала постда юз берган воқеалардан сўнг вазирлик ва Амнийат хизматига бўлиб ўтган ходисалар бўйича ҳисобот беришга мажбур бўлди.

Амнийат хизматининг зобитлари тезликда ишга киришиб кетдилар. «ЖИП» белгилари қалбаки эканлигини билган Амнийат хизмати майори Азиз Зурматий қидирув ташкил этиш ҳақида нозирлик буйруғини олиб келди. Лағмон провинциясига Ички ишлар нозирлиги буйруқлари етиб келмаганди, зеро рация орқали берилган топшириқ ижросиз қолиб кетганди. Шунинг учун ҳам «ЖИП» постлардан бемалол ўтиб кетган, полисменлар эса «махсус хизмат» белгиси туширилган машинага сукланиб қараб қолишган, бирортаси ҳам унинг белгиларини ёзиб қолмаганди. Фақат Амнийат хизмати ишга киришгачгина, кимни ўтказиб юборганларини тушунишди.

– Нега ўзбошимчалик билан ҳаракат қилдингиз, полковник? – деди майор Азиз Зурматий.

– Мен фақат текшириб кўриб, ишонч ҳосил қилгандан кейингина хабар бермоқчи бўлгандим, – деди Насиб Муродий ўзини оқлаб.

– Чакки қилибсиз, энди улар токка чиқиб кетган бўлсалар, қидирув баттар мушкуллашади. Бу иш ваколатингиз доирасидан ташқарида эканлигини нахотки англамадингиз!

Майор ўзича, «агар шўравийлар Президент Раббоний жанобларидан қандайдир операция ўтказишга рухсат сўраганларида, менимча, бу масала ижобий ҳал бўларди. Руслар билан мустаҳкам алоқа боғлаш учун ҳаракат қилинаётгани ҳаммага маълум. Бунинг устига, Россиядан гандум¹, металл, озик-овқат маҳсулотлари олинмоқда, демак, ўша иш давлат микёсида бўлганда, ҳеч иккиланмай рухсат берарди. Демак, бу қачондир шу ерларда бўлган, эндиликда юқори мансабдаги шўравий генераллардан бирининг иши бўлиши керак. Тўхта-чи, уларнинг

¹ Гандум, яъни дарий тилида «буғдой» деган маънони англатади.

шўравий эканлигини қандай билдилар? Менимча, бу тахмин холос, кўрган одамларнинг гапи бўйичагина уларни шўравий деб ҳисоблашган.

Ташки ишлар вазирлиги орқали юборилган нотага улардан шундай жавоб келди: «Афғон тупроғида биз томондан ҳеч қандай махсус операция олиб борилмаган ва олиб борилмайдими ҳам». Демак, бу иш кимнингдир ташаббуси билан амалга ошириляпти, лекин ким бўлиши мумкин? Нима учун бу одамларнинг шўравийлар эканлиги алоҳида таъкидланмоқда? Ахир сўроқ қилинган пост хизмати ходимлари уларнинг миллати тўғрисида аниқ маълумот бера олмадилар, фақат форсча гаплашганлари; аммо уни бузиб талаффуз қилганларини айтишди-ку! Биргина шу билан уларни русларга ўхшатиш менимча нотўғри, лекин бунинг тагига етиш зарур. Уларни топгандагина масала ойдинлашади».

Муродийга яна савол берди.

– Полковник, уларнинг шўравийлар эканлигини қандай билдингиз?

– Ҳмм... биласизми, у ерга шўравийлардан бошқаси келиши мумкин эмас.

– Бу жавоб эмас, полковник! Қандай аниқ асослар бор?

– Пост хизматчиларининг берган жавобларига асосланиб, шундай хулосага келганман. Ёки улар... бошқа давлат одамлари эканми? – деди полковник кўзларини пирпиратиб.

– Россия буни расман рад этди, нота орқали. Шу сизга етмайдими? «Уйқучи» одамларингизни яна бир марта ҳузуримга келтиринг-чи, бир суҳбатлашиб кўрайлик, – деди майор у билан пачакилашиб ўтиргиси келмай.

Майорнинг унга унвонига мос мурожаат қилмагани ва «соҳиб» сўзини қўшмагани полковник Насиб Муродийнинг ҳамиятига теккан, лекин тишини тишига қўйиб, чидаб турарди: илож йўқ – ушлани лозим бўлган одамларни қўлдан чиқариб юборган...

Пост-патруль хизмати зобитлари ва аскарлар келтирилди, Зурматий улар билан суҳбатлаша бошлади.

– Қани, бир чеккадан юз берган ходисани қайта баён айланг, – деди у хаммаларига қарата.

Улар яна бир бошдан бўлган воқеаларни сўзлай кетдилар.

– Нега уларнинг айнан шўравийлар эканлигини тахмин қила-
япсиз? – деди Зурматий.

– Улардан бирининг билагида татуировка бор эди, шунга ка-
раб... – деди биринчи постдаги полисмен минғирлаб.

– Фақат шу биланми?! – заҳарханда қилди майор.

– Йўқ, йўқ, соҳиб! Улар умуман русларга ўхшамайди. Ай-
никса, мени юзимга машина эшигини уриб йикитгани сира ҳам
рус эмас, ўзимизга ўхшаган, қорачадан келган, – деди полисмен.

«Нима бало, ўртаосиёлик одамлармикан? Уларга бу ерда
нима керак? Йўқ, йўқ, бу ерда бошқа бир сир бор. Афсус,
мана бу қариб-чириган полковник уларни чўчитиб юборган.
акс ҳолда борар жойларини билиб, мақсадларини аёнлашти-
риб олардик. Нега улар Бадахшондан Қобулга йўлга чиққан-
лар? Бунинг устига, «ЖИП»да... Ким бу ерда улар учун ав-
томобиль тайёрлаб қўйди экан? Демак, бу ерда шериклари
бор, уларни эса Бадахшондан кидириш керак. Ахир бундай
автомобилни чегарадан олиб ўтиб бўлмайди, боз устига, ма-
шинада Балх вилояти белгиси... Жуда қизик. Наҳотки шўра-
вийлар пинҳона иш олиб бораётган бўлсалар?» – ўйларди
майор.

У бир қарорга келиб, ходимларига топшириқ берди, рация
қаршисида ўтиришдан олдин алоқачидан хонани бўшатиб
қўйишни илтимос қилиб, аппарат мурватларини бураб, хавф-
сизлик хизмати тўлқинларига кирди...

«Бадахшон провинциясига бориб, тахминий 20–24-квадрат-
ларда тафтиш ўтказилсин. Одамлардан ана шундай русумли ма-
шинани ким кўрган, қачон кўрган, у кимга тегишли бўлгани су-
риштирилсин. Мутар янги. Агар шу квадратлардан топилмаса,
ахтариш доирасини кенгайтиринг, албатта ойдинлик киритиш-
га ҳаракат қилинг. Машина эгаси дарҳол ҳибсга олиниб, Қобул-
даги изоляторга келтирилсин, то менинг рухсатим бўлмагунча,
у якка ҳолда сақлаб турилиши керак. Қўлга олиш мумкин қадар
гувоҳлар олдида эмас, балки пинҳона амалга оширилиши зарур.
Бир взвод махсус қисм аскарлари Ҳабибулла бошчилигида мен-
га юборилсин. Қандай тушундингиз, капитан?»

Рациядан «Тушундим, ижро этишга киришаман, тез!», деган жавоб келди.

«Мана қандай ишлаш керак эди!», – деди ичида полковник ўзини лаънатларкан. У кия очиқ қолган эшикдан барча гапларни эшитиб турарди.

Азиз Зурматий топширикни бериб бўлгач, радист хонасидан чиқиб, деди:

– Полковник, сиз ваколатингиз доирасидаги ишларни қила-веринг. Йўлларга пост-патруль хизматини қўйинг. Тез орада махсус қисм етиб келади, ҳар қанака машина албатта текшириб ўтказилсин. Нима янгилик бўлса, рациядан хабар беринг, фақат менга! Қолганларни Қобулга боргандан сўнг гаплашамиз. Вазифамиз – бу гуруҳ аъзоларини имкони борича тирик олишдан иборат.

«Демак, – ўзича мулоҳаза қила бошлади майор, – улар Қобул тарафга қараб йўл олишган. Бадахшон-Лағмон-Қобул трасса-си бўйлаб, агар бошқа тарафга қараб бурилиб кетишмаса... Бу ердан ғарбга Капица, Парвон, жанубий йўналишда эса Нангархар провинцияларига чиқишлари мумкин, демак, уларни ана шу ерлардан излаш керак. Бу провинцияларда уларнинг қандай ишлари бўлиши мумкин? Капица ва Парвондан Покистон ҳудудларига ўтишлари мумкин эмас, фақат Нангархардан йўл бор. Агар шу йўналишда кетаётган бўлсалар, демак, Дюранд чизиғи атрофлари билан қизиқаётган бўлишлари эҳтимолдан ҳоли эмас. Тезликда бир гуруҳни ўша жойларга жўнатиш зарур. Унга капитан Ҳабибуллани бошлиқ этиб тайинлаш керак, чунки тоғ шароитида мослашган аскарлари бор...»

У яна хавфсизлик тўлкинларига чиқиб, капитан билан боғланди.

– Капитан, тоғ шароитида ҳаракат қила оладиган бир бўлинмани ўзингиз бошчилигингизда олиб келинг. Бадахшон бўйича ишлашни катта лейтенант Шералига топширинг, мен сизни Лағмон провинциясининг пост-патруль хизмати қошида кутиб тураман. Тушундингизми?

Топширик мазмуни англаганлиги ҳақида тасдиқ олингач, энгил нафас олиб, тўлкинларни бошқа диапазонга буриб, хона-

дан чикди. Бу гал у эшикни очик қолдирмаганди, шунинг учун на полковник, на радист унинг сўзларини эшита олишди.

Сир ошкор бўлганлигини билган диверсантлар трассада юришларига Зурматий ишонмас, шунинг учун келаётган ёрдамчи кучларни сўқмоқ йўллар орқали сафарбар қилишга қарор қилганди. Барча постлар билан алоқа боғланган, ҳар биридан тинимсиз ахборот олиб туриларди.

Бир пайт Жалолободдан чиқиш жойидаги пост-патруль хизмати жавоб бермаётгани ҳақида радист полковник Насиб Муродийга ахборот берди. Азиз Зурматий бу маълумотни эшитгач, ғалати кулди:

– Кетдик, полковник! Хизматчиларингиз ҳам худди шу ахволда эканлигига энди менда шубҳа қолмади. Радист, Ҳабибулла аскарлар билан етиб келгач, бизни қаерга кетганимизни айтиш ёдингиздан чиқмасин, дарров етиб келишсин, – деди ва машинага ўтирди.

Деярли олти соат йўл юриб, ниҳоят пост-патруль хизмати жойлашган манзилга етиб келишди. Улар хонага бараварига киришди: барча пост одамлари қўл-оёқлари боғланган ҳолда ерда ухлаб ётишар, эшиги ёпиб қўйилган хонадан хлороформ ҳиди анқиб турарди. Автоматлари бир ерга тахлаб қўйилган, фақат ўқдонлари ўғирлаб кетилган ва рация пачоқланганди. Ётганларнинг қўл-оёқлари ечилиб, устларидан совуқ сув куйилиб, аранг ўзларига келтирилди.

Энди Азиз Зурматий диверсантларнинг Дюранд чизиғи атрофларида қандайдир ишлари борлигини аниқ билган, шу сабабли уларнинг чегарадан чиқиб кетмасликлари учун барча чораларни кўришга киришганди.

Бирин-кетин пост хизматчилари ўзларига кела бошлашди, аммо тафаккурлари ҳали саёз эди. Уларни бирма-бир сўроқ қилган Азиз Зурматий навбат билан савол берар, жавобларни эса диктофонга ёзиб оларди. Хонадагилардан фақат бир полисмен йигит аниқ маълумотларни берди, қолганлар эса...

– Мени сўроқ қилган одам қорамағиздан келган, туркий ёки форсий миллатга тегишли одам, ўртадан юқори бўйли, мендан деярли бир қалла ортик... У билан форсча гаплашдим, лекин та-

лаффузи жуда бузуқ, бизнинг тилга ўхшамайди. Мен бор-йўғи икки кишини кўрдим, гарчи улар кўпчилик бўлса ҳам – шерикларимизнинг қўлларини боғлаётганларида сўзларини эшитиб турдим. Улар умуман бошқача тилда сўзлашлар, мен... тушунмадим. Аммо ўзлари қандай тирик қолганларига хайронман. Портлаш жуда кучли эди, – деди полисмен.

– Хўш, улар сенга қандай саволларни бердилар ва сен қандай жавоб бердинг? Яхшилаб ўйла, бизга арзимас сўзлар ҳам керак эмасли маълумотни беради, – деди майор.

– Мен полковникнинг буйруғи билан ана шундай русумли машинани тўхтатиш, ўтирганларни хибсга олиш ва у келгунча сақлаб туришга буйруқ келганлигини айтдим, холос, – деди полисмен.

Майор тишларини ғижирлатди.

– Хўш, хўш, улар яна нималарни суриштиришди?!

– Яна нималарни? Бир эслаб кўрай-чи... Ҳа, ҳа, улар шўравий жосуслари эканлиги ҳақидаги гапни ҳам айтдим шекилли... Ҳа, ҳа, айтгандек бўлувдим.

– Яна қандай масалалар билан қизиқишди?! – тинмасди майор.

– Хонага кирганлардан бири, яъни ўрисга ўхшагани, бошқача тилда мени сўрок қилган билан гаплашди. Шундан сўнг сарини юзлиги қўл-оёғимни боғлаб, чўнтагидан қандайдир шишани чиқариб, пахтага қуйиб, бурнимга олиб борди ва мен хушимни йўқотдим. Қанча ухлаганимни билмайман, балки сизлар келган маганларингизда, хали ҳам уйғонмаган бўлармидик, – деди полисмен хўрсиниб.

Майор полковникка ўгирилди.

– Мана, шошма-шошарлигингиз, ваколат доирасидан чиқиб давлат хавфсизлик хизматига хабар бермай иш қилганингиз қандай оқибатларга олиб келганини кўряпсизми! Нима қилар эдингиз, бунга аралашиб! – деди у қаҳр билан.

Полковник «чурк» этмай, заҳардек аччиқ дашномни хазм қилиб юборди.

Азиз Зурматий собиқ Нажибулло бошчилик қилган ҲАД таркибида хизматни кичик зобитликдан бошлаган, Шўро иттифоқида таълим олган, рус тилини мукаммал биладиган, кейин

чалик мужохидларга кўшилиб кетиб, Бурҳониддин Раббоний ҳукуматига астойдил хизмат қилаётган офицерлардан эди. Уни ҳамон бир савол кийнади: афғон тупроғига келган диверсантлар қайси давлат вакиллари? Нега улар шовқинли гранатадан фойдаланиб, биронта ўк узмай, кон тўкмай, йўлларида давом этишмоқда? Мана шуниси ажабланарли... Демак, улар бизга қарши одамлар эмас, акс ҳолда полисмен ва ички ишлар махсус қисми аскарларини тирик қолдирмас эдилар: тирик гувоҳ кимга ҳам керак?

Аmmo нима қилиб бўлмасин уларни топиш зарур. Изларини топгач, аввало яхшиликча сўзлашиб кўраман, музокара олиб боришни таклиф этаман, агар кўнмасалар, на илож – қурол ишлатишга мажбур бўламан, деб ўйларди у.

Орадан ўн соатча ўтгач, Ҳабибулла бошлиқ бўлинма уларга кўшилди. Бу гуруҳ йигитлари «Интерпол» ходимлари эканлиги унинг хаёлига ҳам келмасди ва у тоғ шароитида бемалол ҳаракат қила оладиган аскарлардан ташкил топганди.

Азиз Зурматий полковникка рухсат бериб, бундан кейинги ишларда у керак бўлмаслигини эслатди.

XV ФАСЛ ҚАБОҲАТ ИЗИДАН

Сулаймон тоғларининг Қалай Куши довони бир ёғи Покистон Ислом Республикасига чиқар, деярли Дюранд чизигид жойлашган, афғон тождорлари шикор¹га чиқадиған маскан эди (1919 йили шикор қилиб юрганида Афғон подшоҳи Амир Ҳабибуллахонга ғанимлар томонидан суиқасд уюштирилиб, шу ерда халок қилинганди). Бу ерларда каклик, қирғовул, улар², ғизол бурама шохли эчки, архар, бўри, қор қоплони бисёр эди. Водий ўт-ўланга сероб, унинг жилғаларидан оқиб келаётган сув тиниклиги кишини хайратга соларди.

Пуштун (афғон)лар тўрт уруғдан иборат бўлиб, булар: керкани, гургошт, гилзай, дурронийлар эдилар. Улар ўз навбатида йигирма бир қавм, тўқсондан ортиқ қабиллага бўлиниб кетган. Аксарият қабилалар ўтроқ ҳаётга мослашишган, аммо ҳадда ташқари жангари бўлган сулаймонхел қабиласи кўчманчи бўлиб, молларини қиш даврида Покистоннинг Кветта-Пшин ясси текисликларида боқишар, ёзнинг иссиқ кунларини эса шу тоғнинг серўт яйловларида ўтказишади. Улар учун Дюранд чизиги номигагина бўлиб, чегарадан у ёқдан бу ёққа бемалол ўтиб-қайтишарди. Бу қабилла сардори ҳеч қанақа ҳукуматни тан олмас. Расмий давлат идораларига солиқ ва мажбурий тўловларни тўламади. Агар шу боис сиқувга олинса, қабилла дарҳол жангга отланар, шунинг учун ҳам афғон ҳукмдорлари уларга қарши чора кўролмади, тинч қўйишганди.

Покистон Ислом Республикаси ҳам бу қабилла билан муроёат йўлига ўтган, унинг ҳарбий қўмондонлари аксарияти ана шу қабилладан келиб чиққанди...

Нангархар провинцияси маркази Жалолобод бўлиб, унда ўттиз саккиз километр нарида Покистоннинг Пешовар шаҳри жойлашганди. Шох даврида Шўро Иттифоқи ёрдамида бу ерда сув иншоотлари қурилган бўлиб, худди шимолий провинцияларга ўхшаб, Афғонистоннинг деҳқончилик, чорвачилик соҳа

¹ Шикор, яъни «ов» деган маънони беради.

² Улар, тоғ ёввойи қуркаси.

лари ривожланганди. У ерларда иккита йирик чорвачилик давлат хўжалиги, икки юз ўттиз олтига цитрус дарахтлари ва зайтунзор, шакарқамиш плантациялари, бошокли дон етиштирадиган бепоён шахсий хўжаликлар жойлашганди. Афғон элининг деярли қирк фоиз донли экини ана шу провинцияда етиштирилди. Шу туфайли бу провинцияга давлат раҳбарлари катта эътибор беришар, чет эллик меҳмонларни доимо унга олиб боришга ҳаракат қилишарди...

Эркин бу ҳолатларни ҳисобга олган, яйловдан-яйловга кўчиб юрадиган сулаймонхел қабилаларига тегишли ҳудудларга кириш муқаррар ўлим билан яқун топишини биларди. Шунинг учун у гуруҳини дала-яйловлардан эмас, аксинча, тоғ-тошлардан иборат ерлардан бошлаб кетаётганди. Бу қавмнинг кўпчилиги аъзолари карвонларга йўл кўрсатувчи сифатида ёлланишиб, довонлар орқали уларни пасттекисликларга етказиб қўйишар, зеро уларсиз карвон тоғ кўчкилари остида қолиб кетиб, ёки йўлдан адашиб ҳалок бўлиши мумкин эди. Десантчилар аста-секин, ҳар беш чақиримда дам олиб Қалай Қуши довонига чиқишга ҳаракат қиларди.

Бу тоғу тош одамдан жисмоний жиҳатдан улкан куч талаб этарди. Яхшиямки, десантчилар махсус тайёргарликдан ўтишган, шунинг учун ҳам секинлик билан бўлса-да, кўзлаган манзилларига яқинлашиб боришарди. Юриш фақат кундуз қуни амалга оширилар, тунда ҳаракатланиш ниҳоятда хавфли эди. Кечаларни фақат дам олишга бағишлашар, бирорта панарок ўнгир ёки ғорни топиб, исиниб олиш учун гулхан ёкишарди, ҳолдан тойиб қолмаслик учун ҳар бир беш чақирим масофани ўтгач, овқатланиб олишарди.

Эркин гуруҳ раҳбари сифатида кўриқчиликдан озод қилинган, қолганлар эса кечани ҳаммага тенг тақсимлаб, навбатчилик қилишарди.

Улар икки кун адашиб юриб, ниҳоят Қалай Қуши довонига чиқиб олишди. Бу ерлар энди янада хушёр бўлишни талаб этар, чунки серқатнов жойлар эди: довондан тинмай карвонлар ўтар, бунинг устига сулаймонхел қабиласи ёзги мавсумни ўтказадиган яйлов эди.

Егор дурбин орқали бир жуфт тоғ уларини кўриб қолди. Ҳар куни қуруқ таом билан овқатланиш аллақачон жонларига текканидан у Эркинга муружаат қилиб:

– Ҳар кунги «сухомятка»дан қорин оғриғи бошланиш арафасида, Адил билан бирга бориб уларни отиб келсак, – деди.

– Тўғриси айтсам, Егор мен ҳам шундай аҳволдаман, аммо ўқ узиш мумкин эмас – ошқор бўлиб қоламиз.

– Хавотир олма, арбалетдан отамиз. Сизларга бир ширин шўрва қилай! – деди Егор кулиб.

– Бўпти, қани, кўрамиз. Егор ва Адил кетишди.

Бир неча кўк каптар сўқмоқ йўлда донлаб юришар, афтидан карвон ўтаётганда гандум қоп ёриғидан ерга тўкилганди. Йигитлар икки уларни нишонга олиб, ўқ узишди...

Егорнинг мақтанганича бор экан, шундай мазали шўрва қилдики, гуруҳ аъзолари еб тўймасди!

Ярим тунда момақалди роқ бўлиб, чакмоқ чакди, ёғаётган ёмғир бироздан сўнг жалага айланди. Десантчилар ғор ичида дам олишар, фақат навбатчилик қилаётган Ортик мижжа қоқмай, кечаси ҳам худди кундузгидек кўрсатадиган дурбиндан атрофни кузатиб турар, аммо бундай ҳавода ҳеч нарсани кўриб бўлмасди. Навбати келган Егор ўрнидан туриб, ундан вақтни сўради. Тунги уч...

У декчани осди ва яна шўрва тайёрлашга киришиб кетди, зеро битта улар ҳали захирада эди.

Эркин ўрнидан турганда соат бешдан ўтган, ҳаммаёқ осойишта, момақалди роқ ва чакмоқдан асар қолмаган, ёмғир тўхтаганди. Шўрва қайнаб турар, десантчиларнинг уйқудан туришларини кутарди.

Буни кўргач Эркин:

– Болаларни яна бир марта хурсанд қилмоқчи бўлибсан-да! – деб қўйди ўзи ҳам хурсанд бўлиб.

– Ҳа, бу сафар шўрвага қуруқ концентратлардан ҳам солдим, кеча шошилишда ёдимдан чиққан экан, – деди Егор.

– Доим бир нарса эсингдан чиқади, сен бемаза капитаннинг, – деди ўрнидан тураётган Адил.

Ёмғирдан ҳосил бўлган қўлмақ сувда юз-қўлларини чайишиб, дастурхонга ўтиришди.

Дастурхон атрофида ўтиришиб, ҳазил-хузул қилиб, овқатла-нишди. Бу тоғларда қалин туман тушар, токи у таркамагунча ҳаракат қилиш мумкин эмасди. Соат ўнга яқинлашганда, энди кўзғаламиз деб туришганда, қаердандир юк машиналари тову-ши эшитилди.

Эркин ва Егор овоз келаётган тарафни дурбиндан кузата бош-лашди, аммо машиналар негадир кўзга ташланмасди. Орадан ярим соатча вақт ўтгач, карама-қарши тарафдан аранг юриб келаётган иккита юк машинаси ва автоматлар билан куролланган беш-та кўрикчи ўтирган усти очик «УАЗ» енгил автомашинаси кўзга ташланди. Машиналар соябон билан ёпилгани учун унда нима борлигини билиб бўлмас, аммо юки борлиги сезилиб турарди.

– Менимча, улар юкларни биз қизиқаётган объектга олиб ке-тишмоқда, – деди Егор.

– Нимага асосланиб айтмоқдасан?

– Унда бунча кўрикчига не ҳожат? Демак, юк катта қийматга эга.

– Тўғри. Юкларнинг эгалари эса мужоҳидлар, – деди Эр-кин. – Бизнинг вазифамиз энди уларни қаерга туширилишини аниқлаш, агар у жой наркотикларга алоқаси бор ўша объект бўлса, цех ва лабораториянинг кулини кўкка совуриш, агар ора-ларида Вазирий деган одам бор бўлса, уни ҳибс қилиб, сўрок қилиб, Пешоварга олиб бориш.

– Худо ол кулим деса, ўзи ишни ўнглarkan, – деди Егор.

– Сен штаб-квартира билан боғлан! Жан Полга ахборот бери-шимиз зарур, координатларни ёзиб ол: демак, 21-44! Мана шу манзилда қандайдир объектга дуч келганимизни хабар қил, – деди Эркин Равилга.

Орадан беш дақиқа ҳам ўтмай Равил алоқага чикди, унинг сўзларини бўлмайд эшитган Поль деди:

– Кузатувни давом эттиринг, агар ҳақиқатдан биз қизиқаёт-ган объект бўлса, спутник орқали сизларга хабар берамиз.

Улар машиналар то кўздан ғойиб бўлгунча кузатиб туришди. Тушга яқин машиналар яна ортга қайтишди. Бу гал ҳам уларда юк борлиги аниқ, лекин энди яна икки «УАЗ»да кўрикчилар бор эди. Буни кўрган Егор:

– Афтидан, бу юклар олиб борилганига карагандан-да ноёб – кўриқчилар сони икки бараварга кўпайтирилган, – деди.

– Шунақага ўхшайди. Хўш, нимани таклиф этмоқчисан?

– Қандай килиб бўлмасин машиналарни тафтишдан ўтка-зиш, улар нима олиб кетаётганини аниқлаш, кейин шунга қараб, ишни режалаштириш керак, – деди Егор.

– Унда йигитлар билан маслаҳатлашиб кўрайлик, – деди Эркин машиналардан кўз узмай.

Уч кунлик кузатувдан сўнг маълум бўлдики, машиналар икки-уч кунда бир ўтишаркан. Вақтдан тўғри фойдаланган десантчилар етарли тайёргарлик кўриб, режа бўйича манзилга чиқишди. Келаётганда юк машиналарининг энг биринчисида хайдовчидан ташқари яна тўрт кўриқчи бўлиб, қайтаётганида эса уни саккиз кўриқчи кузатиб боришаркан. Режа бўйича Адил йўл ёқасидаги тошлар панасига яшириниб туриб, иккинчи машинанинг кузовига чиқиб, объектга қандай юк олиб келинаётганини аниқлаши, шундан сўнг бутун гуруҳ ҳаракат қилиши керак эди.

Учинчи кун юк машиналари яна пайдо бўлди. Эркин дархол жанговар ҳолат эълон қилиб, йигитларга мўлжалланган манзилга чиқишларини буюрди. Десантчилар беш дақиқа ичида ўз ўринларини эгаллашди. Агар, ўйланган режа (бу айнан Адилнинг режаси эди) амалга ошмаса ва кўриқчилар уни сезиб қолишса, десантчилар уни автомат ўқи ва гранаталар билан ҳимоя қилишлари зарур эди.

Гуруҳ йўлдан йигирма қадамча наридаги тошлар панасига яшириниб олди (Улар бу ер ҳар томонлама қулайлигини текшириб кўришганди).

Бироздан сўнг йўлдан аввал кўриқчилар ўтирган енгил автомашина, сўнг юклари оғирлигидан зўрға ўрмалаб келаётган автомобиллар кўзга ташланди. Машиналар тепаликка қараб ҳаракатланар, табиийки, тезликлари ҳам шунга монанд эди – гуруҳ буни ҳам ҳисобга олганди.

Кўриқчи машина ўтиб кетди. Машиналар шу ерда кескин равишда бурилиб, довонга қараб юришлари керак эди – бу ҳам аниқланганди. Биринчи юк машинаси ўтиб кетишини кутиб

турган Адил, иккинчиси бурилаётган пайтда унинг кузовига чикиб олди. Орадан икки дақиқа ўтгач, у ерга сакраб тушиб, ҳамроҳлари ёнига етиб келди.

– Хато қилганга ўхшаймиз, у ерда пахта тойларидан бошқа нарса йўқ, – деди у хансираб.

– Наҳотки?! – ҳафсаласи пир бўлди Эркиннинг.

Қолганлар ҳам тушқунликка тушишди: бу қанақаси?! Адаш-маяптимикин?

– Бу ҳолатни жиддий муҳокама қилиш керак, ҳали ҳаммаси тугамаган, – деди бир пайт Егор илмоқли қилиб, ўртадаги сукутни бузганча.

– Бу билан нима демокчисан?! – ҳаммалари ялт этиб унга қарашди.

– Бир фикр миямга келди, аммо ҳозир манзилга қайтайлик, – деди Егор жавоб тариқасида.

– Нима сабабдан тоққа пахта тойлари олиб келинмоқда? Уни нима қилишади? Ахир бу ерда пахта омбори ёки ип йигириш заводи йўқ-ку! – деди Егор Эркинга жойларига қайтгач. – Ҳайрон қолмаяпсанми?

«Дарҳақиқат, нима сабабдан бу ерга пахта тойлари келтирилмоқда? Мақсад қандай? – мулоҳазага берилди Эркин. – Демак, объектдан чиқаётган юк машиналарини тафтишдан ўтказмоқ керак, шундан сўнг бир қарорга келиш мумкин. Пахта фақат шимолий провинцияларда ўстирилади, бу азалдан маълум, бу жойларда эса умуман экилмайди. Пахта заводлари ҳам ўша жойларда...

Нима бўлгандаям, ана шу масалани ечиш керак, бўлмаса қилган ишларимиз ҳеч бир натижа бермайди. Аммо буни қандай ойдинлаштиради бўлади? Юк машиналари қайтаётганда олдидан ҳам, ортидан ҳам кўриқчилар ҳимоясида – тафтишдан ўтказиш қийин... Нима қилмоқ керак?»

– Егор! Нимани таклиф этмоқчисан? – деди у сабри тугаб.

– Кўриқчиларни бир амаллаб ушлаб қолиш зарур: кузов ичига кириб, қандай юклар олиб кетилаётганини шошилмай, бафуржа аниқласак бўлди. Адил каби шошқалоқлик қилиш ярамайди, – деди Егор бамайлихотир.

– Осон деб ўйлайсанми?! Буни қандай амалга оширамиз?

– Товушсиз милтиқ билан энг орқада келаётган соқчи машина ғилдиракларини нишонга олиб! Шунда кўриқчилар орқада қолиб кетишади. Адил ёки бошқа бирортамиз эса кузовга кириб, обдон тафтиш ўтказамиз... Бундан бошқа йўлни кўрмаяман, – деди Егор.

– Агар хайдовчи ғилдиракни текшириб, ўқ текканини билиб қолса-чи?

– Шундай қилса, яна бирор хийла ўйлаб топармиз. Бунақа ишларга устамиз-ку!

– Яна ўша жойдами?

– Ҳа. Бундан бошқа қулайроқ жой борми! Аммо мен қилмоқчи бўлган иш учун ҳаракатни сал наридан бошлаймиз.

Улар янада қулайроқ жойни излаб жўнаб кетишди ва ниҳоят кечга яқин уни топиб, ортларига қайтишди. Эркин унинг қаердалигини гуруҳ аъзоларига тушунтириб берди.

Бафуржа аниқлик киритиб олингач, навбатдаги операцияга тайёргарлик кўра бошлашди.

Орадан икки кун ўтди.

Бу гал ҳам юк машиналари кўриқчилар химоясида ўтиб кетишди. Уларнинг тушдан кейин қайтиши тажрибадан маълум эди. Шунинг учун гуруҳ аъзолари олдинги чизиклардан жой олишиб, карвоннинг ортга қайтишини кутиб ётишди. Егор мерганлик милтиғига товуш чиқармайдиган мослама тақиб, бир ўзи кетмоқчи бўлаётганини кўрган Эркин:

– Ҳар қандай тасодиф юз бериши мумкин, шунинг учун Толик ҳам сен билан бирга боради, бу буйруқ, – деди катъий, эътирозга ўрин қолдирмай.

Соат учларда довол йўлидан келаётган машиналар кўринди. Худди аввалгидек, энди кўриқчилар икки машинада бўлиб, уларнинг бири олдинда, иккинчиси эса ортда келаётганди. Ортда келаётган «УАЗ» бир пайт ёнига қийшайиб қолди. Бунинг нима эканлигини билиб турган Эркин Егорнинг санъатига қойил қолди. Юк машинаси ва олдинда кетаётган автомобиль тўхтаб, ундан кўзойнакли бир киши тушди, нималардир ҳақида хайдовчи билан гаплаша бошлади. У икки кўриқчини юк маши-

наларига ўтказиб, қолганларга ҳайдовчига ёрдам бериш ҳақида топшириқ берган бўлса керак, улар бошқа ғилдиракни олиб, тешилганининг ўрнига ўрната бошлашди.

Тўхтаб турган колонна яна ҳаракатга келди.

Улар ўша муюлишга етганларида, Адил ётиб турган жойидан сакраб чиқиб, кузов ичига кириб кетди. Бу гал у кузовда беш дақиқадан ортиқроқ бўлиб, сўнг тушиб қолди. Буни у шунчалик усталик билан бажардики, кўрикчилар шубҳага ҳам бормадилар ҳатто.

Машиналар доvon йўлида секин кетиб борганидан шошилиш таъмирланган «УАЗ» уларни тез орада қувиб етди. Буни Эркин кўриб турарди: ана, кўрикчилар дарҳол ўз жойларини эгаллашди.

Улар анча масофага бориб, кўздан йўқолгач, йигитлар манзилларига қайтиб келишди. Ҳамма Адилнинг тафтиши нима билан тугаганини билишни хоҳлар, лекин у чурк этмас, ҳаёли аллақандай паришон ҳолда келарди.

– Яна пахта тойлари! Лекин олдингиси пўлат симлар билан ўралган бўлса, ҳозиргилари капрон иплар билан тортилган. Мен уларнинг бир партиядан эмас эканликларини билишга улгурдим, зеро олдингиларининг қопчиклари мешковина¹-дан қилинган бўлса, бугунгилари бўз билан ўралган, – деди у ниҳоят.

– Яна муаммо! Энди нима қиламиз? – деди Эркин норози оҳангда Егорга. У эса кулимсираб жавоб берди:

– Бу муаммо эмас. Демак наркотиклар – агарда ҳақиқатдан ушбу одамлар шу иш билан шуғулланса – четга худди ана шу йўл билан етказиб берилмоқда. Бизнинг ҳозирги вазифамиз яхши режа тузиб, етарли маълумот йиғиш, видео тасвирга ва суратга олиш, ўнгирлар орасидаги ўша қалъага ҳужум қилиш, ҳамда жаноб Вазирийни тириклайин ҳеч бўлмаса Пешоварга, БМТ миссиясига етказиб боришдан иборат.

– Мени бир нарса ўйлантирмоқда: кўрикчиларнинг битта машинада келиб, қайтишда икки бараварга кўпайиши... Наҳотки бу қалъада уларнинг сони шунча кўп? – деди Эркин.

¹ Қоп тайёрлаш учун ишлатиладиган дағал мато.

– Бунинг сабаби оддий: мен ва Толик енгил машинага ўқ узганимизда, тоғ орқали яна битта йўл борлигига эътибор қилдик. Демак, юкни топширганларидан сўнг, ана шу қисқа йўл билан келишади. Унда фуралар юра олмайди, чунки жуда тор. Лекин «УАЗ» бемалол ҳаракатлана олади, – деди Егор.

– Бекорга сени «дом шўровий»¹ дейишмаган, тасанно! – деди Эркин ва давом эттирди. – Ахир мен сен билан бирга бориб, ўша ерларни бирга текширган эдик-ку! Нега мен пайқай олмаганман? Назаримда... у ерларда машина сиғадаган сўкмоқ йўқ эди.

– Сен фақат операцияни қандай талофатсиз бажаришни ўйлаётган эдинг.

– Нима маслаҳат берасан?

– Буни жиддий ўйлаш керак – тўғридан-тўғри унга хужум қилиб бўлмайди. Биз у ердаги кўриқчилар, хизмат қилувчилар сонини билмаймиз. Бундан ташқари, қалъанинг ҳимоя воситалари, каерларга коровул кўйилгани, уларнинг қуроллари ҳақидаги маълумотларга эга эмасмиз. Аввал шуларни билиб олганимиздан сўнг зарба бериш ҳақида мулоҳаза ўйлашимиз керак. Буларни билмай туриб, хужум уюштириш бемаънилик – катта талофат кўришимиз мумкин.

Эркин тоғ орасидаги қалъага деярли уч чақиримдан ошиқ масофа борлигини дурбиндан кўрганди, шунинг учун унга яқин жойдан вақтинчалик манзил қуришга аҳд қилишди, шу мақсадда гуруҳ яна сафарга отланда.

Беш-олти чақирим юришга тўғри келди, холос. Улар тоғ довонининг энг олд чўққисига чиқиб, қалъани яширин қузатиб, шу ердан манзил излай бошладилар. Тоғ пастадаги жарликда кичкина бир сой бўлиб, йўлнинг ўнг томонидан оқиб ўтар, довоннинг юқори қисмида эса гранит тошлар туртиб чикканди.

Қалъадан туриб кўринмайдиган ўнгир борлигига амин бўлишгач, қароргоҳни шу ердан танлашди.

Бир пайт Равилдаги спутникли телефон жиринглаб қолди. У биров гаплашиб, гўшакни Эркинга берди. Жан Поль экан.

– Салом подполковник! Ишлар қалай, манзилга етиб бордингизми? – деди у.

¹ Ақли бугун одамларга қиёс қилиб айтиладиган ибора.

– Ҳа, жаноби Поль, етиб келдик ва топширикни бажаришга киришдик.

У бўлган ҳодисаларни бирма-бир айтиб берди.

– Эҳтиёт бўлинг, подполковник. Сўнгги маълумотларга қараганда, қандайдар шахслар араб давлатларига қурол-аслаҳа, самолёт, вертолёт, танк ва бронетранспортёрларга жуда катта буюртма берган. Ўйлашимизча, улар наркотик моддалардан тушадиган маблағ ҳисобига олинмоқда. Биласиз, бу хомашё мўмайгина даромад келтиради. Шунинг учун, ҳар қадамни ўлчаб босиш, имкон даражасида Вазирийни тирик ҳолда Пешоварга олиб келиб, БМТнинг миссиясига топшириш лозим. У ерга эски танишингиз Шульц «Интерпол» махсус вакили сифатида боради. Бир амаллаб Дюранд чизигидан асирни олиб ўтиш вазифаси зиммаларингизга юклатилади. Лекин, яна бир марта такрорлайман, эҳтиёткорлик ва эҳтиёткорлик! Акс ҳолда, умумжаҳон микёсида қилинаётган операция барбод бўлиши мумкин. Сизнинг берган ахборотларингизга кўра, шу бугундан эътиборан афғондан хорижий давлатларга сотилаётган пахта тойлари қаттиқ назорат остига олинади, аммо ҳамма пахта экспорти билан шуғулланадаган фирмаларни шубҳа остига олиб бўлмайди. Маълумотлар тўплашга ҳаракат қилинг, айникса, қайси давлатлар ва улардаги фирмалар шубҳага олингани аниқ бўлиши шарт. Акс ҳолда, БМТда жанжал остида қолиб кетамиз. Вазифа тушунарлими, подполковник?

– Худди шундай! – ҳарбийларга хос қисқа қилиб жавоб берди Эркин.

– Омад тилайман!

Ўнгирга тушганларидан сўнг бу ерда ҳам ғор борлигини библишиб, ичига киришди. Ғор деворларида минглаб кўршапалаклар осилиб турар, кундузи бўлганлиги учун улар беҳаракат эдилар.

– О-хо! Бу ер ҳақиқатдан бизбоп жой экан, – деди биринчи бўлиб ғорга кирган Адил, Анатолий ҳам унинг фикрини маъқуллади.

Ғорнинг кириш жойи тор бўлгани билан ичкарисида одам бе-малол юрарди, унинг шифтлари баланд, бир жойида айик юнглари кўзга ташланарди – афтидан у шу ерда қишлаганди.

– Бу ерда она айик қишки уйқуда бўлган, – деди Егор би-
лағонлик билан.

– Қаердан била қолдинг? – сўради ундан Ортик. Егор майин
жунларни кўрсатди:

– Икки нафар бола туккан, чунки майин юнглари икки хил.

– Энди шу етмай турувди! Ҳали айик билан ҳам олишар
эканмиз!

– Хавотир олма, айик фақат қишлаш учун келади, ҳозир эса
ёз мавсуми...

– Мана бу тасқараларни нима қиламиз? Мен нафақат сичқон-
дан, балки мана шу махлуқлардан ҳам кўрқаман, – деди Ортик
кўршапалакларга имо қилиб.

– Улар ҳам бизга халакит қилишмайди – окшомда учиб ке-
тиб, тонг отаётганда қайтишади.

– Қандай жирканч улар!

– Қўйсанг-чи! Шу жирканч махлуқнинг гўшти жуда маза-
ли-да! Сенга улардан шундай бир овқат тайёрлаб берайки, у
хатто Австрия ресторанидаги ошпазларнинг ҳам етти ухлаб ту-
шига кирмаган бўлсин! Кўрасан, улар ҳали бизга «неприкосно-
венный запас»¹ бўлиб хизмат қилади.

– Бошингда қолсин! Ўлиб қолсам ҳам уни емайман, – деди
Ортик ерга тупуриб, афт-ангорини буриштириб.

Егор мириқиб куларди, бундан Ортикнинг баттар жазаваси
тутиб, уни сўқишга ўтди.

– Да, пошел ты! – деди у русчалаб.

– Хватить цапается!² Что, делать вам нечего! Обоим по наряду
нисочереди! Абдувалиев, марш в караулы! А ты, Семенов, по-
том его заменишь! – деди Эркин жаҳли чиқиб.

– Есть, по наряду внеочереди!³, – дейишди иккала капитан
қўлларини чаккаларига олиб бориб.

¹ «Захирадаги озуқа» деган маънода берилмоқда. Муаллиф изоҳи.

² Жанжални бас қилинглари, нима қиладиган ишларнинг йўқми? Сизларга
навбатдан олдин наряд эълон қиламан, сен капитан Абдувалиев, қоровулчи-
ликка бор, Семенов кейинроқ сен билан алмашади.

³ Навбатдан ташқари нарядни қабул қилдик, розимиз, деган маънони англ-
латади.

Форнинг шундоқ кираверишида харсанг бўлиб, кўпчилик бўлиб уни суриб келишиб, кириш йўлини тўсиб қўйишди, аршохларини каллаклашиб, тўшак сифатида фойдаланишди.

Фор оғзи тўсилгач, энди бу ерда бемалол гулхан ёқиш ҳам мумкин эди – икки кунга етадиган ўтин келтиришди, сўнг иссиқ овқат пиширишга киришдилар. Биринчи кун ана шу каби майишлар билан ўз якунини топди.

Эртанги кун қалъа ва унинг атрофини кузатишдан бошладди. Тушга яқин йўлдан келаётган енгил автомашина кўринди. Афтидан бу иккинчи машинадаги қўриқчилар эди.

Бу ер Дюранд чизигига яқин бўлиб, улар ораси чамаси йигирма беш-ўттиз чакирим эди. Ҳали айтганимиздек, бу чегара чизигини пуштунлар ўзларининг мулки деб ҳисоблашарди. Эркин мана шундан ҳам фойдаланишни ўйлаб қўйганди. Улар қалъагача борадиган йўлларни ўз назоратларига олишган, ҳатто ўнгирларнинг бирида мустаҳкам қурилган дарвоза борлигини ҳам аниқлашганди.

Уларни, айниқса, тунги соқчилар кизиктирар, зеро кунду кунлари қўриқчилар қалъани деярли ҳимоя қилмасликлари маълум бўлиб қолганди.

Тоғ тепасида кучли қувватга эга бўлган радиолокаторлар ўрнатилган бўлиб, у бемалол дунёнинг ҳар қандай нуқтаси билан алоқа қилиш имконини беришини Равиль айтиб берди. У бундай радиолокаторлар фақат ҳарбий кучларда бўлишини, шу билан ҳам фан-техникаси тараққий этган давлатлардагина эканини алоҳида таъкидлади.

– Бу ердан нафақат наркотикларнинг ҳиди келмоқда, балки бошқа хавф ҳам бор – уруш хавфи! Бу мафиянинг иши эмас, балки ундан ҳам қудратлироқ кучларники. Фақат мафия бўлишида, узлуксиз даромад келишинигина кўзлаган бўларди, бу эса бутун жаҳонга хавф солувчи қандайдир бошқа кучларни йиғилган, – деди Егор.

– Демак, нима қилиб бўлса ҳам уларга тегишли ҳужжатларни қўлга киритиб, Вазирийни ҳибсга олиб, Пешоварга етказиш миз зарур, – деди Эркин унинг фикрига қўшилиб.

Бу пайтда калъада уч киши дастурхон атрофида суҳбатлашиб ўтирар, сўзларига қараганда, мавзу жаҳон бозоридаги нарх-наво ҳақида эди.

– Вазирий соҳиб, жўнатилган моллар ҳисобига яна икки нафар хужумчи самолёт ва тўрт вертолёт харид килинди. Раҳнамомиз сизга ўз миннатдорчиликларини билдириб юбордилар, – деди улардан бири.

– Ул зотнинг миннатдорчилиги бизнинг янада қаттиқ ишлашимизга туртки бўлади, соҳиб Насрулло. Ҳозир яна бир партия тайёрланган, тез кунларда, аниқроғи икки кундан сўнг у Карачи бандаргоҳида бўлади, – деди Вазирий сиполик билан.

Улар шу тарика сўзлашиб ўтиришар экан, эшик очилиб, бўсағада пайдо бўлган қўриқчилар бошлиғи бир йўталиб қўйди.

– Кечирасизлар жаноблар, – деб ўрнидан кўзғолди Вазирий.

– Ҳа, ҳа, албатта, биринчи навбатда – иш, – деди бошқа бир суҳбатдош.

Вазирий чикиши билан қўриқчилар сардори:

– Бундан икки кун олдин жўнатилган дорилар Карачи бандаргоҳига етказилда, аммо мен бир ҳодисани сиз билан муҳокама қилиб олишни лозим топдим, – деб, кафтидаги ўкни унга кўрсатди.

– Бу нима? – тушунмади Вазирий.

– Икки кун олдин иккинчи машинага кимдар ўқ узиб, унинг шинасини ишдан чиқарган. Ўша пайтда эътибор бермаган эканмиз, ҳайдовчи уни шина ичидан топибди.

– Балки овчилар ўқи тасодифан теккандир, – деди Вазирий бамайлихотир ўкни айлантириб кўраркан.

– Йўк, соҳиб, ўқ товуши умуман эшитилмаган, бу биринчидан. Иккинчидан, каранг, у мерганлик милтиғидан отилган, калибри 12,7. Бундай милтиқлар фақат махсус тайёрланган қўпурувчи гуруҳларга берилади. Биз ўша жойга бордик, қандайдир кишилар бўлганлигини сездик.

– Сулаймонхел қабиласи одамлари ов қилиб юрган бўлсалар, машинани кўриб, синаш мақсадида ўқ узган бўлишлари мумкин, – деди Вазирий ўз тахминидан қолмай, унга ўкни қайтариб бериб.

– Йўк, соҳиб. Биз улар билан учрашдик, овчилари билан суҳбат қурдик, агар шу ишни қилган бўлганларида улар дарҳол тан олишарди, чунки бу қабила ҳеч қимдан қўрқмайди ва қилган ишидан тонмайди. Улар ҳам қандайдир одамлар тоғда яшири-ниб юрганларини кўришибди, лекин ҳеч бир зарари тегмаганлиги учун, учрашишни лозим топишмабди.

– Шунақа дегин.... Энди ишлар юришаётган пайтда шу етмай турувди! Унда дарҳол постларни текшириб чиқ, қўшимча одамларни тегишли нукталарга жойлаштир, кейинги партияни жўнатиб юбор, шундан сўнг, одамларинг қайтиб келганидан кейин, ўзинг яна бир бор кўриб чиқ. Ҳақиқатдан кўпоровчи гуруҳ ташланган бўлса, ҳеч бўлмаганда бирини тирик олиб келишга ҳаракат қил. Яхшилаб сўроқ қилиш керак... Тушунарлими? – деди Вазирий унинг кўзларига тикилиб.

– Тушундим соҳиб.

– Унда, бориб ишинг билан шуғуллан, лекин албатта кейинги партияни жўнатиб юбор, – яна бир бор таъкидлади у.

Вазирий ичкарига кириб келганди, суҳбатдошлари у томон ўгирилишди.

– Нима гап экан? – сўради Насрулло.

– Афтидан бирон қор-ҳол бўлганга ўхшайди, – деб қўйди секингина исми Музаффар бўлган камгап суҳбатдош.

– Агар бирон фавқулодда ҳодиса рўй берган бўлса, айтаверинг, Вазирий соҳиб, биргалиқда ечишга ҳаракат қиламиз, – деди Насрулло.

Вазирий соқчибоши билан бўлиб ўтган суҳбатни тўлиқ баён қилди, суҳбатдошлар эса (уларнинг иккаласи ҳам ажнабий эди) унинг сўзларини бўлмай эшитдилар.

– Сиз бунга қандай муносабат билдирасиз, Насрулло соҳиб? – деди Музаффар.

– Менга ёқмай турибди, – деди Насрулло тўғриси айтиб.

– Тезда атрофни текшириб чиқиб, агар ростдан бирон кўпоровчи гуруҳ иш кўраётган бўлса, чора кўриш лозим: «Х»га тайёргарлик кетаётган даврда бунга йўл қўйиб бўлмайди! Барча қиладиган ишимиз хавф остида қолиши мумкин, Вазирий соҳиб, – деди Музаффар ўрнидан туриб.

– Ҳа, ҳар галгидек ҳақсиз, – деди Насрулло.

У толиблар ҳаракатининг вакили эди, Музаффар эса бир вақтлар Покистон миллий хавфсизлик хизмати ходими бўлиб, кейинчалик араб давлатларидан бирига кўчиб кетган эди.

– Энг аввало, улар ким томонидан юборилганлигини аниқлаш лозим. Агар «Интерпол»дан махсус топшириқ билан келган бўлса, штаб-квартирага қандай маълумотларни бериб улгурганлари ҳақида ҳам билишимиз шарт, акс ҳолда, ҳамкорларимизга катта зарар келтирамиз: уларнинг ҳисоб рақамлари дарҳол бу идора томонидан назоратга олиниб, ҳатто ҳибсга ҳам олиниши мумкин. У ҳолда ҳамкорларнинг бизга қурол-яроғ етказиб бериши кийинлашади, ўзаро тузилган шартномалар бекор қилинади. Вазирий соҳиб, буни ўзингиз мендан яхши биласиз, – деди Музаффар маъноли қилиб.

– Мен барча чораларни кўришга, ҳатто улардан биронтасини тирик олиб келишларига буйруқ бердим, – деди Вазирий ўзини ҳимоя қилиб.

– Бу яхши, лекин зиммангизга юкланган вазифани ҳам унутманг. Мен кеча Ҳожи билан учрашиш шарафига муяссар бўлдим ва у мени ишонтириб айтдики, то бошланган иш охирига етмагунча, дорилар мунтазам равишда Европа давлатларига экспорт қилинади, ундан тушган маблағ эса банкларга ўтказилиб, қурол-яроғ сотиб олишга сарфланади. У бунга яна бир бор қафиллик берди. Сиз эса бу жойни ошкор қилиб қўймоқдасиз, – деди дашном оҳангида Насрулло.

Вазирий Насруллонинг Ҳожи билан учрашганини ўзи ҳам билар, махсус телефон орқали унинг қалъага ташриф буюргани ҳақида огоҳлантирилган, аммо бу ерга Музаффарнинг келишини билмасди. Бу одам билан Вазирий жуда кам учрашган, лекин бу одамнинг ҳеч кимга ишонмаслигини Ҳожи қайси бир учрашувлари чоғида айтиб берганди.

У Покистон миллий хавфсизлик хизматида ишлаб юрганида бераҳм ходим сифатида танилган, гап-сўзларга қараганда, кўп одамларни асоссиз қийноққа солиб, ўлдириб юборганлигидан, лақаби ҳам «жаллод» бўлган экан. Аксарият олим ва дин арбобларини шахсан ўзи минг азобга солиб, кейин отиб ташла-

ганлиги учун хизматдан бўшатишгани, мамлакатдан чиқиб кетиб, араб давлатлари ва толиблар ўртасида воситачилик қилиб юргани Вазирийга ҳам маълум эди. У ҳеч қачон ҳамкорларига тўла ишонмас, уларнинг ҳар бир айтган сўзини батафсил таҳлил қилар, хавф қайси тарафдан келиши мумкинлигини тўғри башорат қилиш қобилиятига эга эди. Асли пуштунларнинг абдали (дурроний) қабиласидан чиққан бу шахснинг отаси ва боболари ана шу қавм оксоқоллари бўлишган, ўзи АҚШнинг Гарвард университетини тугатган, бироз вақт ўша ерда яшаган, кейинчалик юртига қайтиб, миллий хавфсизлик хизматида ишга олинган, ёш зобит бўлишига карамай, тез орада шафқатсизлиги билан донг таратган, генерал-майор унвонига сазовор бўлгандан сўнг, ҳали айтилганидек, мажбурий истеъфога чиқарилганди.

Унинг совуқ кўзлари Вазирийга ишончсизлик билан қараб турар, у эса нима қилишни билмай, кетма-кет чилимни тортарди.

– Бундай вазиятда оқилона иш тутиш керак, Вазирий соҳиб, агар уларнинг мақсади қалъа бўлса... ҳужум қилишга имкон яратиб бериш керак. Ҳа, агар, сиз ҳозир уларни таъқиб қиладиган бўлсангиз, ошқор бўлганлигини билишиб, яширинишлари мумкин ёки бу ердан кетишлари ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас, бунга эса асло йўл қўйиб бўлмайди! Биз учун эса энг муҳими – улар ким томонидан юборилганлигини аниқлаш. Демак, қалъага ҳужум қилишларига шароит яратиб бериш зарур, аммо шундай куч билан қарши олиш лозимки, токи биронтаси ҳам тирик чиқиб кета олмасин... Йўқ, уларнинг раҳбари ёки бошқа бирортаси тирик олиниши шарт! Шунда мақсадлари аён бўлади, – деди Музаффар кескин қилиб. – Тушундингизми?

– Балки... уларни кузатиш зарурдир? – деди Насрулло нима-ларнидир ўзича чамалаб.

– Асло! Улар ҳам анойилардан эмасдир! Махсус тайёргарликдан ўтган, кўп ишларни хорижда амалга оширганлар бўлса-чи?! Агар кузатувга олинсалар, бир зумда пайқаб қолиб, қочиб қолишлари мумкин, – деди Музаффар ҳеч бир эътирозга ўрин қолдирмай.

– Маъкул... Бўлмаса мен кўрикчилар сардорини тўхтатай, у кидирув гуруҳи тузишга шай бўлиб турибди, – деди Вазирий ялтқлашиб.

– Шундоқ бўлсин, – деди Музаффар ва давом этди. – Менга уни тезда чақиринг. Ҳа, айтгандек, ўзи билан қалъа харитасин олиб келсин.

– Кани, каерларда кўрикчилар қўйилган, менга тушунтириб беринг, – деди Музаффар сардор қалъа харитасини ўртадаги стол устига ёйгач.

– Дарвоза олдида икки кўрикчи ва бир дарбон, мана бу ерларда, – деди у харитадаги бир қанча нуқтани кўрсатиб, – биттадан, болахонада эса икки нафар кўрикчи бор.

– Бўлмайди, бу куч билан қалъани ҳимоя қила олмайсизлар, – деди Музаффар жаҳл билан. – Энди мени эшитинг: мана бу, мана бу ва мана бу жойларга жуфт кўрикчилар қўйилиши, уларда автоматик қурол бўлиши шарт. Томга икки мерган чиқарилиши зарур, токи улар ҳужум қилувчиларни нишонга олиб, бирин-кетин тинчитишсин. Автомат ўқлари билан уларни нишонга олиш осон иш эмас, бундан ташқари, улар бронезилет кийган бўлишлари мумкин. Шундай бронезилетлар борки, автомат ўқи уларни тешиб ўтолмайди. Шунинг учун мерганлар зарур. Хўш, мана бу жойда нима бор? – деди у тўсатдан.

– Бу ерда пахта тойини ўраш цехи ва лаборатория жойлашган, – деди сардор хозиржавоблик билан.

– Унинг томига ҳам икки нафар мерган кўясиз: биз кутмаган жойдан келадиган бўлсалар ҳам, қарама-қарши ўққа дучор бўлишади. Тушундингизми? – деди Музаффар унга қараб.

– Тушундим.

– Унда бориб шу ишлар билан шуғулланинг, лекин кундуз куни уларни том устига чиқарманг – кўриб қолишлари мумкин. Фақат кечасига кўясиз, – деди яна Музаффар.

Кўрикчилар сардори хонани тарк этгач, Вазирий деди:

– Биз уларнинг сонини билмаймиз-ку!

– Сиз ҳеч нарсани билмайсиз! Бундай гуруҳлар одатда беш-олтитадан ошмайди, кўпи билан ўн битта бўлиши мумкин, тез ҳаракат қилишга мослашганларгина бундай ишларга жалб этилади, – деди унга Музаффар қўполлик билан.

Насрулло ва Вазирий у айтган сўзларга қўшилишга мажбур бўлдилар, зеро у бундай ишларда етарли тажрибага эга бўлган зобит эди.

Насрулло ва Музаффар шу кеча қалъада тунаб қолишди. Музаффар кўрикчиларнинг жойлашувини обдон текшириб кўриб, мамнун ҳолда ўрнига кириб ётди.

Лекин десантчилар шу тун деярли ухлашмаган, довоннинг кулай жойига чикиб, кўрикчилар жойлашувини, қалъанинг ички тартибини ўрганишмоқда эди. Улар кўрикчилик қилаётганларнинг қайси жойларга қўйилганини чизишар, лекин хали ҳаммаси маълум эмасди.

Қалъада инсон зоти кўринмас, аммо, у ерда нима ишлар килинаётганлиги дераза ойналаридаги ёруғликдан билиниб турарди. Кўрикчиларнинг ити ҳар замон-ҳар замонда аккиллар, овқат тўла товокни олдига қўйишлари билан унга ташлангани тунда ҳам кўрсагадиган дурбин оркали яққол намоён эди.

Эркин қалъага хужум қилишга шошилмасди, зеро ҳали кўп нарсалар мавҳум эди. У қалъага ёриб кириш амалиёти қайси йўл билан амалга оширилиши ҳақида бош котирар, бир неча бор десантчилар билан ушбу масалани муҳокама қилишига карамай, ҳамон ишни чўзар, яна бир тун кузатишни таклиф этар, аммо эртаси куни ҳам бирон қарор қабул қила олмасди. Кўнгли хижил, операция натижасиз чиқиши мумкинлиги хаёлидан кетмасди.

Иккинчи куни дарвозалар очилиб, бир «УАЗ» ўриндикларида ҳайдовчидан ташқари яна икки нафар одамни олиб, йўлдан кета бошлади. У кўрикчилар ҳимоясида эмасди. Эркин бу йўл Дюранд чизигига чиқишини аллақачон билган, бу одамларнинг эса Покистонга кетаётганларини тушунганди.

Эркин яна бир кеча қалъани кузатишга аҳд қилиб, сўнг хужум қилишни режалаштирди. Тун қоронғулигида дурбиндан қалъа ва унинг омборхоналарини кузатаётган Егор унга деди:

– Анови ердаги томга қара, менимча ўша жойда яна битта мерган бор.

– Қани? Кўрмаяпман...

– Ўнг томонга қара: у ерда сигарета ёки папирос чекаётган кимдир турибди. (Одатда, афғонлар папирос ёки сигарета че-

кишмас, аммо шўро кўшинлари махоркасидан бўшатишган папиросга наша тикиб, кайф қилишни уларга ўргатиб кетишганди. Аста-секинлик билан афғон ҳукумати кўшинларида хизмат қилган ва шўро олий таълим даргоҳларида ўқиб келган ёш афғонлар шунга ўрганиб, бу ёмон одат афғон тупроғида ҳам тарқала бошлаганди.)

Эркин ниҳоят уни пайқади.

– Ҳа, энди кўрдим. Демак... бу жойда ҳам мерган бор эканда? Хавотириш бекорга эмас экан...

– Қарагин-а! Агар хужум қилганимизда, қарши томондан шундок нишонга тушар эканмиз!

– Лекин улар ўта мустаҳкам бронезиҳатларда бўлишимизни ҳам билдилар.

– Энг аввало, шу мерганларни гумдон қилишимиз зарур. Энди Адил кузовда кўрган пахтага келсак, менда ҳеч қандай шубҳа-гумон қолмади: тойлар ичига наркотиклар яширилган! Уларни ҳеч қандай сезгир ит ҳам топа олмайди – экспорт қилиш олдидан тойларга ёнғинга ва замбуруғларга қарши махсус суюқликлар пуркалади, наркотикларга ўргатилган ит эса чалғийди.

– Буни ҳамма билади, Егор. Энди операция режасини ишлаб чиқишни бошлаймиз. Имкони бўлса, барчасини видеотасвирга тушириб, расмга олиб, Вазирийни эса, албатта, Пешоварга етказишимиз зарур. Эрта билан ҳаммангиз ўз мулоҳазаларингиз билан тайёр туришларингизни сўрайман.

Эркин шундай деб Егор навбатчилик қилаётган жойдан ғорга тушиб кетди.

Тунда яна момақалдироқ бўлиб, чакмоқ чакди, тинмай ёмғир ёғди, лекин десантчилар – навбатчидан ташқариси, албатта! – яхшигина ҳордиқ чиқазиб, тонг-сахар ўринларидан туришди. Нонуштадан сўнг Эркин уларга мурожаат қилди:

– Хўш, қуролдошлар, қалъага хужум уюштириш бўйича қандай фикр билдирасиз?

Биринчи бўлиб Анатолий ўрнидан турди.

– Мерганларни гумдон қилмасдан туриб, қалъага ёриб кириб бўлмайди. Рухсат берсанг, Адил ва мен томдагиларни гумдон қилайлик.

– Нега энди икки киши? Адилнинг ўзи битта мерганни эплай олмайдими?

Гапга Егор аралашди:

– Томда ҳам, дарвоза кунгурасида ҳам иккитадан мерган жойлашганлиги тунги кузатувдан сўнг аниқланди – сенга энди гина ахборот бермоқчи эдим.

– Бекорга пайсалга солибсан, капитан, бундай тиғиз пайтларда хотиржамликка ўрин йўқ! Мен барча нарсадан ўз вақтида хабардор бўлишим керак. Демак, иккита мерганми? Унда бошқа масала...

– Мабодо хавф сигналини чапишга улгурсалар, бу ердан тирик чиқиб кетишимиз савол остида қолади. Зеро қалъада камида йигирма нафар кўриқчи бор, – деди Егор.

– Хўш, нима таклиф қиласан?

– Адил билан Анатолий омборхона томидагиларни, мен ва Ортик дарвоза кунгурасида жойлашганларни бир вақтда саранжомлашимиз, сўнгра ҳужумни бошлашимиз зарур. Шунда ҳам тунги соат учларда, чунки кўриқчилар бундай пайтда хушёрликни бироз йўкотадилар, кўзлари очиқ бўлса ҳам айни уйку келган вақт бўлади.

– Кўриқчилар бир хонада туришади, уни граната билан яксон қилишимиз мумкин, – деди Адил.

– Яхши фикр. Хўш, энди Вазирийга келсак, қочиб кетишига имкон бермаслигимиз керак. У қаерда тунайди?

– Вазирийнинг хонаси алоҳида бўлиб, дарвозадан деярли ўн метрлар чамаси ичкарида – уйда, у ерда бошқа ҳеч ким йўқ, фақат ўзи тунайди, – деди кузатув ишларини пухта олиб борган Егор.

– Мен нима қилишим керак? – деди Равиль бир пайт худди уни унутиб қўйганларидек, унга ҳеч бир вазифа қолмаётгандек.

– Сенга ҳам иш топилади: дарвоза ёнида турасан, мабодо, қалъадан бирор одам чиқиб кетишга уринса, жойида отиб ташлайсан. Бундан ташқари, видеокамера ва фотоаппаратлар ҳам сенда бўлади, тушундингми? – деди Эркин.

– Тушундим, ўрток подполковник, – деб жавоб берди Равиль. Тунда операцияни бажаришга киришишлари лозимлиги

учун Эркин пойлоқчилик қилаётганлардан ташқари барчага дам олишга изн берди. Кечаси соат иккиларда ўринларидан турган десантчилар қуролларни яна бир бор текшириб олиб, қалъага яқинлаша бошлашди. Егор шу атрофда ўсаётган дарахтга чиқиб, дурбин билан итни қидира бошлади – тунда у бўш қўйиларди. Дарахт билан қалъа ораси 70–80 метр чамаси келар, агар итнинг қоқ миясидан ўқ узилмаса, операция хавф остида қоларди.

Ана, Егор уни кўрди: ит ўзига ташланган сўнгатки кемириб ётар, унгача юз метрлар чамаси масофа бор эди. Егор нишонга олиб, ўқ узди. Ит ётган жойида бир сакраб тушиб, чўзилганча қолди. Шундан сўнг Егор дарахтдан тушди ва сафга қўшилди.

Энди улар иккига бўлинишлари, том ва кунгурадаги мерганларни гумдон қилишлари керак эди. Энг кийини кунгура эди, чунки унга ҳеч кимга сездирмай чиқиб боришлари зарур эди. Кунгурадан битта кўриқчи кўриниб турар, иккинчиси эса афтидан дам олмоқда эди. Омборхона томида ҳам битта кўриқчи эснаганича ўтирар, иккинчиси эса пўстинини тагига ташлаб, унинг ёнида бемалол уйқуни урарди.

Деворнинг икки томонидан ошиб ўтишди. Эркин кўриқчилар дам оладиган хона олдидаги бутага ёнбошлади: у – мабодо сезиб қолишса – кўриқчиларни гранатомёт билан ёндириб юбориш учун ҳозирлик кўраётганди. Зеро унда автоматдан ташқари, базуки гранатомёти ҳам бор эди.

Эркин дамба-дам соатига кўз ташлаб қуярди. Ярим соат ўтгач Адил ва Анатолий унинг ётган ерига судралиб келишди ва вазифа тўлиқ бажарилганлиги ҳақидаги ишора беришди. Сал ўтмай Егор билан Ортик ҳам уларга қўшилишди.

Вақт етиб келганди: Эркин Вазирий ётган хонага яқинлашиб, бир-бирига боғланган уч дона РПГД гранатасини уй томон улоқтирди, кучли портлаш эшитилди, тирик қолган кўриқчилар эса барабар отилган автомат ўқларига дучор бўлишди. Эркин эшик ортида бекинган ҳолда Вазирийнинг чикишини пойлаб турди. Портлаш шовқинидан уйғониб кетган Вазирий қўлига тўппончасини олиб, ярим яланғоч ҳолда эшикдан чиқиб келди. Эркин худди шуни кутиб турганди: унинг бошига пистолет

кўндоғи билан қарсиллатиб туширди, Вазирий ерга қулади. Эркин унинг қўлига тезда кишан урди.

Семенов ва қолган десантчилар цех ва лабораторияни ўраб олишган, ҳеч кимнинг чиқиб кетишига йўл қўймасдилар: кўриқчилардан ташқари қалъада бошқа хизмат қилувчилар ҳам бор бўлиб, улар, асосан, цех ва лабораторияда ишлашлари аввалги кузатишлардан маълум бўлганди – улар ўзлари учун ажратилган алоҳида хонада ётишарди.

Улардан ҳеч ким кочишга уринмади ҳам.

Хонага югуриб кирган Егор ва бошқа десантчилар уларга автоматларини тўғриладилар:

– Қўлларингизни кўтаринг! – бақирди Егор форс тилида.

Хизмат қилувчилар бараварига қўлларини бошларидан ююрига кўтаришди.

Улар йигирма чоғли одамлар бўлиб, ораларида ошпазлар ҳам бор экан. Вазирийни судраб келган Эркин, унга қаттиқ жароҳат етказганини билди. У ҳамон ўзига келмасди. Хайриятки, бу ерда фельдшер ҳам бор экан, дарҳол қон оқиб турган бошига дори қўйиб, қаттиқ танғиб боғлаб қўйди.

– Цех бошлиғи ким? – сўради Эркин. Лекин савол жавобсиз қолди. – Сиздан сўраяпман, цех ва лаборатория бошлиғи ким?! – кичқирди Эркин Яна сукут. Эркин битта ишчини улар орасидан ажратиб олиб, деворга тиради. – Сенга беш сония вақт бераман, айтмасанг, саволга жавоб бермасанг, мана шу автоматдаги барча ўқлар қорнингга жойланади... Бўлди, вақт кетди...

Шу пайт орадан бир одам чиқиб, деди:

– Соҳиб, цех ва лаборатория бошлиғи... мен.

– Қани, бизни ичкарига бошла, нималар борлигини кўрсат...

Цехга киришганда ҳайрон бўлиб қолишди: бу чинакам дори заводи эди! Оралари текис очилган пахта тойлари орасига ҳар бири йигирма килограммли наркотик моддалар солинган салафанлар жойланган бўлиб, баъзилари бўз билан қопланган, капрон иплар билан тортиб боғланганди.

Цех бошлиғининг кўрсатмалари ва тушунтиришларини видеокамерага олишди, суратга туширишди. Эркин Анатолий ва Равилга хизмат қилувчиларни дарвозадан ташқарига олиб

чиқишларини буюриб, Ортикка эса Вазирийни кўриклашни топширди. Егор шу ерда бўлган бочкадаги бензинни махсус идишларга қуйиб олди – у ўз машиналарида ёқилғи тугаётганидан ташвишга тушаётганди. Унинг харакатини кўриб турган Эркин кулди:

– Бу ёғига бизга машина ҳам, ёнилғи ҳам керак эмас! Шу ердан Пешоварга етиб оламиз. Тегма, бензинни мана бу газандалар уясини ёкиш учун сарфлаймиз. Шу ишни ўзинг бажара кол

Егор бензинни омборхона, захира ўқ-дорилар, асбоб-ускуналар, радиолокатор, уйларга сепиб чиқди...

Дарвозадан чиқиб кетишаётганда қалъа бутунлай ўт ичиде колганди.

Эркин қўллари боғланган асирларга мурожаат қилди:

– Сиз озодсиз! Биз сизнинг конингизга ташна бўлиб бу ергакелмаганмиз! Омон бўлинг!

Вазирий эса энди анча ўзига келиб колган, Ортикка суянган холда секин кадам ташлаб борарди.

Икки километрча юрганларидан сўнг сира кутилмаган ходиса рўй бериб, улар тарафга автоматлардан ўт очилди. Десантчилар дархол ерга ётиб олишди ва каердан ўт очилаётганини тезда аниқлаб, жавоб ўти очишди. Отишма ўн беш дақиқача рўй бериб, бирданига тўхтади. Лекин Егор ва Ортиклар жароҳат олгандилар. Егорнинг чап қўлини, Ортикнинг эса бошини ўқ ялаб ўтган, аммо ҳаётлари хавф остида эмасди.

Ўт очилган томондан афғон ҳарбий дала кийимидаги бир зобит чиқиб, қўлида оқ дастрўмол ушлаган холда улар сари келди бошлади. Қуролсиз. Эркин ўрнидан туриб, автоматни ерда колдирган холда унинг каршисига юрди.

Эркин уни каердадир кўргандек бўлар, аммо сира эслай олмасди. Зобит яқинлашиб келаркан, унга қараб кулимсиради.

– Танимадингиз чоғи, подполковник Пўлатов? – деди зобит жойида тўхтаб.

– Кимсиз? – деди Эркин кимлигини эшлаш учун унга тикиларкан.

– Амният хизмати майори Азиз Зурматий.

Эркин энди уни таниди: бир пайтлар деярли бир сафда хиз

мат килишганди – зобит афғон ҲАДида, у эса десантчи-штурмчи ротада эди.

– Азиз, сен билан шундай шароитда учрашаман деб ўйлама-гандим! Айтадилар-ку, «тоғ тоғ билан учрашмайди, аммо одам одам билан учрашади» деб!

– Жаноб Пўлатов! Сиз ва гуруҳингиз томонидан уч хил жиноят содир этилган, яъни: суверен давлатнинг чегарасидан ноқонуний ўтиш, ҳарбий операцияларни ўзга юртда олиб бориш, афғон фуқароларини ўлдириш... Билмадим, адлия ходимлари бўйнингизга яна қандай айбларни илишар экан, – деди Азиз Зурматий энди жиддийлашиб.

– Энди янада яқинроқ танишсак, жаноб Зурматий, «Интерпол» подполковниги Пўлатов! – деди Эркин ҳам жиддий қилиб.

– Хўп, лекин бу ерда нима қилиб юрибсиз, соҳиб подполковник? Сир эмасми мабодо? Боз устига, бизнинг давлат ҳали «Интерпол»га аъзо бўлиб қирмаган. Бунга нима дейсиз?

– Мен фақат ана шу газандалар уясини (Эркин ўнг кўли билан ёнаётган қалъага ишора қилди) йўқ қилишга, бу ишларга алоқадор одамларни Гаага трибуналига бериш учун келганман. Тўғри, чегарадан ноқонуний ўтганимиз рост, аммо бу сир тутиш максасида қилинган. Афғон ҳукуматига нисбатан эса ҳеч қандай ёмон иш қилганимиз йўқ.

Азиз бирпас ўйланиб қолди.

– Энди нима учун полисменларни тирик қўйиб юборганингизга ақлим етди, – деди у бир пайт.

– Мен ўшандаёқ улар орқали Амният хизмати оптимизга тушишини англаганман, лекин шундай бўлса-да, фақат ўзимизнинг ҳаётимизни ўйлаб, бегуноҳ одамлар конини тўқишни ис-тамадим, – деди Эркин.

– Жаноб подполковник! Мен барчангизни ҳибс қилиб, Қобулга олиб боришим керак, – деди майор. – У ерда (у ўт ичида қолган қалъага тез кўз ташлаб олди) нима бўлган ўзи?

– Бу ер гиёҳванд моддаларни Европа мамлакатларига транзит қилинадиган жой. Шу сабабли, «Интерпол» топшириғига биноан уни вайрон қилишга мажбур бўлдик, – деди Эркин.

– Исбот! – деди қисқа қилиб Азиз.

– Марҳамат. Биз барчасини видеокамерага ва суратга тушириб олганмиз, цех ва лаборатория бошлиғи изоҳи билан бирга. Истаган пайтда кўришингиз мумкин.

– Менга кассетанинг бир нусхаси керак, акс ҳолда сизни афғондан чиқариб юборганим учун жазоланаман, – деди майор бошқа нима дейишини билмай.

Эркин ортига қайтиб, иккинчи камера ёрдамида цех, лаборатория, одамларнинг кўрсатмаси туширилган видеодан нусха олишни Равилга буюрди.

Азиз тасвирларни бирма-бир, синчиклаб кўриб чиқди, сўнг ҳамон каёққа боришини билмай шу ерда турган ишчи ва хизматчиларга тегмай, цех ва лаборатория бошлиғининг қўлларига кишан урилди.

«Интерпол» ташкилоти умумжаҳон конвенция¹сига имзо чеккан ва парламентлари ратификация² қилган давлатларда ваколат доирасида, аммо ўша мамлакат ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари билан ҳамкорликда бемалол ҳаракат қила олардилар. Лекин, Зурматий рост айтаётганди ва буни Эркин ҳам биларди: Афғонистон Ислом давлати бу халқаро ташкилотга ҳали аъзо бўлиб кирмаган, унинг «Улуси Жирға»³си конвенцияни кўриб чиқиб ратификация қилмаганди. Шунинг учун, Пўлатов ва унинг гуруҳи аъзолари ҳарбий жиноятчилар қаторига киритилиб, афғон трибунали олдида суд қилиниб, жавоб беришлари эҳтимолдан ҳоли эмасди.

Азиз Зурматийни икки нарса қийнади: агар уларни ўзбошимчалик билан мамлакат ҳудудидан чиқариб юборса, ўзи суд олдида жавоб бериши мумкин, иккинчи томондан, бутун дунё ҳамжамияти учун оғу бўлган наркотик моддалар тайёрланаётган цех ва

¹ Давлат раҳбари томонидан бу халқаро ташкилотга аъзо бўлиш ҳақидаги арзнома.

² Парламент юқори қонунчилик идораси бўлиб, Давлат раҳбарининг ушбу ташкилотга аъзо бўлиши ҳақидаги шартномасини кўриб чиқиб, уни тасдиқлагандан сўнг кучга кириши умумжаҳон миқёсида қабул қилинган. Агар парламент уни рад этса, бу давлат «Интерпол» ташкилотига кирмаган ҳисобланарди. Муаллиф изоҳи.

³ Афғонистон парламенти. Муаллиф изоҳи.

лаборатория ҳақидаги қимматли маълумотлар ушбу гуруҳ аъзолари томонидан йиғилган, бунинг устига, фақат қурол кучи билан қаршилик кўрсатган жиноятчиларга нисбатан қоралар кўрилган, афғон фуқароларига улар тарафидан зарар етказилмаган...

Агар уларни ҳибсга олиб, сиёсий ва ҳарбий жиноятчилар сақланадиган «Пули-Чархий» камокхонасига жўнатса, афғон ҳукумати яхон ҳамжамияти олдида обрўсизлантириб қўйишдан ҳадиксирарди ҳам. Албатта-да! БМТ «Интерпол» ходимларини камокдан озод қилиб, уни, шу жумладан наркотиклар тепасида турган одамларни ҳам Гаага трибунализига топширишларини талаб этар, бу эса унинг юртига берилаётган сиёсий ва иқтисодий ёрдамни чеклаб қўйишга олиб келарди...

У нима қилишини билмай, Амният хизмати раҳбарларидан бирига телефон орқали чиқди. У барча ҳолатлар ҳақидаги маълумотларни олиб, сўнгра деди:

– Ҳозирча, ҳеч қандай чора кўрмай туринг, мен юқори раҳбарлар билан маслаҳатлашиб олишим керак – буни бир ўзим ҳал қила олмайман. Ҳар эҳтимолга қарши... уларни қуролсизлантиринг.

Унинг сўзларини Эркин ҳам эшитиб турганди.

– Азиз! Биз қуролларимизни топширмаймиз! Агар зўрлик билан шу ишни амалга оширмакчи бўлсанг, ўзимизни ҳимоя қилишга мажбуримиз! Мен ҳам ҳозир энг юқори раҳбарларим билан уланаман! То энг мақбул қарор қабул қилинмагунча, қуролларни топшириш ҳақида ҳеч қандай сўз ҳам бўлиши мумкин эмас! – деди у қатъий оҳангда ва Равилга ўғирилди. – Мени штаб-квартира билан ула!

Икки дақиқа ҳам ўтмай, Эркин Жан Польш билан уланди, юзага келган вазият ҳақида баён бериб, маслаҳат сўради.

– Подполковник, биз ҳозир БМТга чиқамиз, кутиб туринг. Қурол топширишни рад этиб, жуда тўғри қилибсиз! Ярим соатда сиз билан уланаман, кўришгунча!

Ўз навбатида махсус қисм аскарлари турган жойга етиб борган Азиз рациядан Амният хизмати билан кетма-кет уланар, унга ҳам худди шундай топширик келарди. Орадан бир соатча вақт ўтгач, спутникли телефон жириглаб қолди.

– Подполковник! Дюранд чизиғи, 22-45 квадратга чиқинглар, у ерда БМТ ташкилотининг вертолёти сизни Пешоварга етказди, Вазирийни ҳужжат билан топширинглар, қолган масалаларни Москвага учиб келганингиздан сўнг гаплашамиз. Карачи аэропортида сиз учун чиптага буюртма берилган, у ерда куруллар ва бошқа анжомларни БМТнинг махсус вакили қабул қилиб олиб, сўнгра бизга жўнатади – уларни самолётга олиб чиқиш мумкин эмас, – деди Жан Поль. – Афғон ҳукумати учиб кетишингизга ҳалақит бермаслиги учун музокара олиб борилмоқда – менимча ижобий ҳал бўлади, безовта бўлманг.

Бироздан сўнг Азиз Зурматий яна келиб, 22-45 квадратгача уларни кузатиб боришга топшириқ олганлиги ҳақида айтди. Сухбатлашиб кетишар экан, Азиз бир қалтис масалада мурожаат қилди.

– Подполковник, айтингчи, сизларни «ЖИП» машинаси билан ким бу ерда кутиб олган?

– Азиз! Мени ким деб ўйлаяпсан? Наҳотки мен бировнинг сирини очадиган одамга ўхшасам? – деди Эркин астойдил ажабланиб.

Азиз Зурматий зўраки кулди:

– Ҳарҳолда жуда қизик... Наҳотки ҳали ҳам бизда шўравийларнинг айғоқчилари бор?

– Бизнинг бу ерда ҳеч қандай жосусимиз йўқ. Гиёҳвандлик моддалари ва ноқонуний курул-аслаҳа сотишга қарши курашувчилар, яъни «Интерпол» ходимлари, холос, – деди Эркин яна савол борми, дегандек унга истехзоли қараб.

Азиз Зурматий жим бўлиб қолди.

Улар тоғ йўллари орқали қарийб ўн беш чақирим масофани босиб ўтганларидан сўнг, тегишли нуқтага етиб келишди. Эркин яна Жан Поль билан алоқага чиқди. Орадан ярим соат ҳам ўтмай, кўкдан вертолёт овози келди.

У сайхонликка кўнғач, Азиз Зурматий билан дўстона хайрлашди, гуруҳ аъзолари Пешовар томон учишди ва у ердаги ҳарбий аэродромга кўнишди. Асирни ва курулларни БМТнинг шу ердаги вакилига топшириб, Карачига учадиган самолётга чиқишди.

Бу ерда уларни эрта сахарда Москвага учадиган транзит самолёт кутиб турарди.

Москвада эса полковник Максимовнинг шахсан ўзи гуруҳ аъзоларини кутиб олди.

У Егор Семенов ва Ортиқ Абдувалиевни Бурденко номли госпиталнинг тез ёрдам машинасида жўнатиб юборди, қолганлар эса «Россия» меҳмонхонасининг махсус номерларидан жой олишди.

Шу билан афғон эпопеясига хотима ясалди, аммо уларни навбатдаги, бундан-да муҳим вазифалар кутиб турарди...

XVI ФАСЛ

«ЧАЁН-2» ОПЕРАЦИЯСИНИНГ ДАВОМИ

«Координация бюроси» хоналаридан бирида икки одам қахва ичиб, сигарет тутатиб, суҳбатлашиб ўтирарди. Хона сигарет ту тунига тўлган, лекин улар шунчалик суҳбатга берилиб кетишгандики, буни пайқашмасди. Котиба киз Анжелика яна қахва олиб кирди ва дераза ойналарини очиб, хонани бироз бўлса ҳам шамоллатди-да, астагина чиқиб кетди.

– Сиз амалга оширган операция «Интерпол» раҳбарлари тарафидан жуда юқори баҳоланди – деди Максимов – Лекин яна битта муаммо чиқиб қолди. Вазирийнинг сўроқда берган маълумотларига караганда, бу ишларнинг тепасида бадахшонлик «Ҳожи» исмли одам турган, уни Афғонистон Миллий хавфсизлик хизмати ҳибсга олишга борганларида, аллақачон жуфтакни ростлаб қолган экан. Афтидан ана шу ташкилотда унинг одами бўлса керак... У Ҳожини огоҳлантиришга улгурган кўринади. Ҳожи нафақат гиёҳванд моддалар билан шуғулланган, ноқонуний курол-яроғ савдосини юргизиб, қандайдир кучларни куроллантираётгани ҳақида маълумотларга ҳам эгамиз. Тўғри, бу ҳали исботланган ахборот эмас, ҳозир у текширилмоқда. Агар бу гап аниқ бўлса, сизлар билан ҳамкорлик давом эттирилади. Шу сабабли, сизларни «Интерпол» штаб-квартирасига сафарга йўллаш ҳақида буйруқ келди. Вазирийни биласизлар, у орқали ана шу Ҳожига чиқиш зарур. Хўш, подполковник, нима дейсан бу гапга?

– Буйруқ келган бўлса, бажариш жоиз, қачон штаб-квартирага боришимиз керак экан, – сўради Пўлатов.

– Қанча тез бўлса, шунча яхши.

– Бурденко госпиталида ётганларнинг тузалиб чиқишини кутишим керак, улар юртларига қайтганларидан сўнг боришга тайёрман.

– Ҳа, айтгандек, Абдувалиевнинг мияси лат еган. Жароҳати оғир кўринмагани билан, бундан сўнг ҳарбий хизматта ярама-са керак. Истеъфога чиқаришга мажбурмиз, чунки бу касаллик бутун умр давом этиши мумкин, дейишяпти. Қилинган шарт-

нома ўз кучида қолади, ундан ташқари ҳар йили сихатгоҳларга бепул йўлланма берилади, бориш-келиш харажатларини ҳам штаб-квартира ўз зиммасига олади, шунга қарор қилинди.

– Ортик ишсиз туrolмайди.

– Иложимиз қанча...

– Уни ҳеч бўлмаса, Тошкентдаги шўъба идорамизда олиб қолиб, ахборотларни таҳлил қилишни топшириш керак.

– Шундай штат ажратилишини илтимос қилиб кўраман. Чунки филиалларда бундай штат кўзда тутилмаган.

Максимов шу ондаёқ Венага телефон қилди ва бошка ишлар қатори Эркиннинг илтимосини ҳам айтди. У ёқдан бу ҳақда бир кенгашиб кўрамыз деган жавоб бўлди.

Эркин жароҳат олганларнинг олдига бориши кераклигини айтиб, Максимовнинг хонасидан чиқиб кетди.

Қуролдошлар анча пайтгача суҳбатлашиб ўтиришди. Орадан бироз вақт ўтгач Адил, Анатолий ва Равиллар ҳам палатага кириб келишди. Ортик нейрохирургия, Егор эса умумий хирургия бўлимида ётишганди.

Ортикнинг касалини ташки аломатлардан билиб бўлмас, фақат гоҳ-гоҳ кучли оғриқ тутаётгани киёфасининг бужмайшидан сезилиб коларди. Кечки овқатгача чақ-чақлашиб ўтиришди.

Эртасига Максимовнинг хузурига кирган Эркин унинг илтимоси кондирилгани, фақат ахборот-таҳлил бўйича эмас, маҳаллий ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан хизматларни мувофиқлаштириш бўйича битта штат ажратилганини эшитди-ю, елкасидан тоғ ағдарилгандек бўлди. Чунки сафдошларининг жароҳат олишларида у ўзини айбдор ҳисоблар, агар Ортик истеъфога чиқса, бир умр виждон азобида юриши аниқ эди.

– Подполковник, гуруҳинг билан олдин Венага, бош штаб-квартирага, шундан сўнг Швейцарияга, Берн шаҳрига учишга ҳозирлик кўр! Чунки, Ҳожининг икки ўғли ана шу ерда таҳсил олишар экан. У, албатта, фарзандлари билан кўришиш учун бу шаҳарга келади. Агар уни қўлга олинса, нима учун ноқонуний қурол-аслаҳа сотиб олаётгани ошкор бўлади. Бу ишлар кимлар томонидан ва қандай мақсадларни кўзлаб

килинаётгани очилади Шундан сўнг «Интерпол»нинг барч филиаллари ишга киришиб, террористик харакатларнинг олд олинади. Борганингиздан сўнг тегишли инструкцияларни ола сизлар. Бу операцияни иккита бошкарма иштирокида ўткази мўлжалланмоқда, асосий координатор Анри жаноблари, – дед Максимов.

– Эртага Егор госпиталдан чиқади. Абдувалиевни нима киламиз?

– Абдувалиевдан ўзим хабар олиб тураман, тузалгач уни поездда, икки кишилик купеда жўнатиб юбораман. Сизлар уч самолёт чиптасига буюртма берилган, кечи билан индинга уч кетишларингиз зарур.

– Хўп бўлади, – деди ҳарбийчасига қисқа қилиб Эркин.

– Ҳа, айтгандек, эски танишларингиз Шульц ва Байерлар ха ушбу операцияга жалб этилган, Венадаги бош штаб-квартира да учрашасизлар.

Венага маҳаллий вақт билан роса соат тунги ўнда уч келишди. Уларни перрондан чиқишда Байер кутиб олиб, кичик автобусда бош штаб-квартирага олиб кетди. Кўп ўтма Кайзеральбехштрассе, 13-уйга, яъни «Интерпол»нинг бош штаб-квартирасига етиб боришди. Иморат қадимги готи услубида қурилган бўлиб, темир дарвозалари ва эшиги бош эди. Узун-узун йўлақлар, флигеллар... Ҳар бир бошкарма алоҳида хоналарга жойлашган, факат битта умумий дахлидан ўтиб борилади. Йўлақлардан юриб боришар экан, кичкина кафасларда сакланаётган поёб экзотик қушлар, асосан канарейкаларнинг сайрашларини эшитишди, ойнаванд дахлизлардаги аквариумларда анвойи рангдаги балиқлар сузи юрар, ажабтовур гуллар ва бутасимон дарахтлар, лианала ўсиб, бир-бирига чирмашиб ётарди, хуллас бу маъмури бино эмас, истироҳат масканига ўхшарди. Яна қизиғи, орган да ижро этилаётган мусика садоларининг эшитилиб туриш бўлди. Эркин орган куйларини Польша ва Чехословакия борганида мириқиб эшитганди. Ҳозир Бахнинг еттинчи симфонияси янграётганди. Шериклари бу ажойиботларга оғзлари очилиб, қуш, аквариум ва ўсимликларни ҳайрат билан

томоша қилиб боришарди, Байер эса хотиржамлик билан қаддам ташлар, унинг гапдон эмаслигига биринчи бор учрашганларидаёқ амин бўлишганди.

– Бунақанги лабиринтда одамнинг адашиб қолиши ҳеч гапмас, – деб қўйди Егор.

– Шунинг учун немис тилини билиш керак, шунда анави кўрсаткичлардан қандай ҳаракат қилишни билиб олардинг! Шунга ҳам ақлинг етмайди-я, – деди тегажаклик қилиб Адил.

Мсье Анри ким биландир телефонда гаплашаётган экан, гўшакни қўйгач, гуруҳ аъзолари билан қўл сикишиб сўрашди. У немис тилида гапирар, Жан Поль унинг сўзларини таржима қилиб турарди.

– Эшитдим, эшитдим, афғон тупроғида қилган жасоратингизга тасанно, подполковник! Абдувалиевнинг соғлиқлари яхшими?

– Тузалиб қолди, – деб жавоб берди Эркин. Улар деярли икки соат суҳбатлашишди.

– Газандаларнинг қалъаларини тўла вайрон қилибсизлар, катта миқдордаги наркотикларнинг транзити ёпилган, кўп яхши, кўп яхши. Лекин сизларни яна бир операцияга жалб қилмоқчимиз. Вазирий берган маълумотларни таҳлил этар эканмиз, гиёҳванд моддалардан олинган даромадлар қандайдир террористик уюшмаларни куроллантириш учун сарфланаётган бўлса керак, деган фараз пайдо бўлди. Афғонистон Миллий хавфсизлик хизмати бу ишларнинг бошида турган Ҳожи исмли шахсни ҳибсга олишга борганида, унинг мамлакат ҳудудидан чиқиб кетганлиги маълум бўлган. Ҳожининг икки ўғли борлиги, бири Берндаги коллежда, иккинчиси эса лицейда ўқиши аниқланди. Улар бизнинг одамларни таниб қолишлари эҳтимолдан ҳоли эмаслигини ҳисобга олиб, полковник Максимовдан сизнинг гуруҳингизни вақтинча бизнинг ихтиёримизга юборишини илтимос қилдик. Чунки, сизлар бу ишни бошланишида бор эдингиз, энди уни поёнига етказадиган бўлдингиз. Тўғриси айтсам, мен ўшанда бу операциянинг муваффақиятли чиқишига ҳам, қўлингиздан шундоқ ишлар қилишига ҳам ишонмагандим, лекин менинг гумонларимни

тарқатиб юбордингиз, тасанно! Бунақа ишни ҳар қандай гуруҳ ҳам эплай олмайди. Эндиги вазифа Ҳожини ҳибсга олиб, Гагага трибуналик топшириш. Унинг уйи, омборхона, отхонасинтунув қилинганда, мана бу шифр топилган, лекин бу ярим шифр, экспертлар ҳар қанча уринсалар ҳам уни ўқий олмадилар. Форс, пушту, урду тилига ҳам ўгириб кўрдилар, лекин натижа чиқмади. Шундан сўнг, бу ярим шифр деган хулосага келдик. Қолганини топишнинг афсуски, иложи бўлмади. Агар бу тўлиқ бўлганда, кимлар билан алоқа қилганини билиб олардик. Сизлардан яширадиган сир йўқ, Ҳожининг – қандайдир террористик гуруҳ билан мустақкам алоқаси бор, лекин улар кимлар, биз ҳанузгача аниқлай олмадик. Вазирийнинг кўрсатиш масига қараганда, у фақат Ҳожининг буйруқларини бажарган барча ишларни молиялаштириш унинг зиммасига юкланган ва ҳар бир партия жўнатилган наркотик учун унга ҳисобот бериб турган, одамларига ойлик ва бошқа харажатлар учун пул маблағларни ҳам шахсан ундан олиб турган. Энди, қандай қилиб бўлса ҳам уни тутиб, ҳибс ва сўроқ қилиш керак, токи, ушбу куруллар нима мақсадларда харид қилинаётганини, бу аслаҳаларни сотаётган мамлакатларни аниқлаш, уларга нисбатан БМТ Хавфсизлик Кенгашининг қарорини чиқариб, фаолиятларини таъқиқлаш, банклардаги ҳисоб рақамларини музлатиб қўйиш ва Гага судининг қарорига мувофиқ давлат фойдасига мусодара қилиш мумкин бўлсин. «Интерпол» олдида турган мана шу мураккаб вазифани бажаришда сизлардан ҳам фойдаланишга қарор қилдик. Чунки сизлар форс тилини биласизлар, бу биринчидан, иккинчи томондан эса бевосита шу ишларда қатнашгансизлар, у ерлик жиноятчиларнинг ишончига евро паликларга нисбатан осонроқ қира оласизлар. Энди, жаноблар ташкилий масалага келсак... Иложи борича бу идорага бошқа келмайсизлар, чунки, бу ер наркомафиянинг доимий назоратида бўлиши мумкин. Сизлар билан алоқани мувофиқлаштириб олиб бориш герр¹ Ганс Байерга топширилади.

Шундан кейин Анри тил масаласига тўхталди:

¹ Герр – немисча “жаноб” дегани. Муаллиф изоҳи.

– Сизларга ҳар куни немис тилидан дарс берилади, ҳеч бўлмаганда икки юзта сўзни билишларингиз зарур, шунда анча-мунча мулоқот қилишларингиз мумкин бўлади. Идорада мавжуд шу масалага оид барча маълумотлар билан танишасизлар. Лекин бизда ҳалигача Ҳожининг сурати йўқ, бу одам конспирацияга шунақа уста эканки, уйини тинтув қилинганда бирорта ҳам расми топилмади, фақат чол юзининг энгагида тиртиғи борлиги, шуни соқоли билан яшириб юришигина маълум. Биз унинг тахминий суратини чизишга эришдик, лекин бу сурат билан уни таниб олиш албатта қийин. Болаларини кузатиш учун коллеж ва лицейга ўз одамларимизни жойлаштирганмиз, афсуски, бу ҳам ҳозирча қутилган натижа бергани йўқ. Сизлар учун шаҳар марказидан унча узок бўлмаган жойдан бир бева аёлнинг уйини ижарага олдик. Қулай тарафи шундаки, икки томонда ҳам эшиклари бор. Ҳамма шарт-шароит яратиб берилади, ихтиёрингизда иккита енгил машина бўлади. Битта ошпаз... Уй эгаси синалган, текширилган аёл, бизнинг ишонган айғокчимиз, эри ҳам бизнинг ходимимиз эди, хизмат бурчини адо этаётганда ҳалок бўлган. Шу аёл сизлардан хабар олиб туради. Исми – фрау Эльза. Тилни ўзлаштиришингизда ҳам ёрдами тегади.

Эртасидан бошлаб, «Интерпол» томонидан юборилган ўқитувчи уларга немис тилидан дарс бера бошлади. Бир ой давом этган дарслар натижаси ўларок, тўлиқ бўлмаса ҳам, ҳарҳолда немисча сўзларни тушуниш, ҳатто жавоб қайтаришга қодир бўлдилар. Фрау Эльза уларнинг талаффузидан кулиб-кулиб, ҳар қадамда уларнинг хатоларини тўғрилаб юрди. Эркин ҳам ўз навбатида ҳар куни йигитлардан бирини навбатчи қилиб кўяр, улар барча уй ишларида фрау Эльзага ёрдам беришарди.

Фрау магазинга бормокчи бўлса, Адил навбатчилигидан қатъи назар, дарҳол унга эргашар, бирга бориб келарди. Шундай қилиб, у ўрта яшар бу аёлнинг доимий ёрдамчисига айланди. Сухбатлар асносида эрининг ҳалок бўлиши тафсилотларидан хабар топди.

Отто Шварцбург бош штаб-квартирада ишлаган, ноқонуний қурол савдоси билан шуғулланган жиноятчиларни қўлга олишда ҳалок бўлган экан. Фрауга эрининг хизматларини ино-

батга олиб, бир умрлик нафақа тайинланибди. Уларнинг ёлғиз ўғли ёшлигидан мусиқага ихлос қўйганлиги учун Вена консерваториясини гугатган, оиласи билан Берлинда яшар экан. Хотини ва қизчаси билан янги йил байрамида, онасининг тугилган кунида келиб туради.

– Унинг ўз ҳаёти бор. Бизда шунақа: ота-онанинг вазифаси – фарзандларига яхши тарбия бериш, ўқитиб, мустақил яшашга ўргатиш ва куш боласини учирма қилгандек, кузатиб қўйиш. Шундан сўнг, улар ота-она бағридан умуман мустақил бўлиб чиқиб кетишади, ўз ҳаётларини ўзлари қуришади. Тўғри, менинги ўғлим жуда меҳрибон бўлиб ўсди, лекин мен унинг ҳаётига аралаша олмайман, келишларини пойлаб, шукур қилиб яшайман.

Нихоят бир куни Жан Поль ва Ганс Байерлар келиб, зудликда сафарга отланиш ҳақида буйруқ беришди. Улар кичик автобусга ўтириб, йўлга чиқишди. Уларни кузатиб чиққан фрау Эльзанинг қўлларини ўпиб, хайрлашишди. Бу аёл уларга меҳрибон она ўрнида бўлиб қолган эди. Фрау Эльза пиллапояда худди фарзандларини жангга кузатаётгандек хомуш турарди.

Автобус шаҳардан чиқиб, Вена-Женева катта йўлига тушди-да, саккиз соатда Швейцария пойтахтига кириб борди. Автобус салониде уларга зарур ҳужжатлар, «Браунинг» номли етти отарли, калибри 5,72 тўппончалар улашилди.

– Биз сизларни пойтахтгача олиб бориб қўямиз, у ёғига ўзларингиз ҳаракат қилишларингизга тўғри келади. Штаб-квартирага киришларингиз мақсадга мувофиқ эмас. Паспортларингиз ҳақиқий, сизлар Тошкент шаҳрида Швейцария–Ўзбекистон қўшма корхонаси очиш тараддудида юрган бизнесменсиз. Бу ҳақда тегишли ҳужжатларни бердик. Бу ташкилот асосан заргарлик буюмлари билан шуғулланади, сизлар бу ерлик ҳамкорлар билан музокаралар олиб бориш учун келгансизлар. «Берн» меҳмонхонасидаги жойларингиз ҳам ҳамкорлар номидан банд қилинган. Бўлғуси фирманинг раҳбари Егор Семенов, қолганлари эса унинг ходимлари. Эркин, менимча сиз бунга қарши бўлмасангиз керак» – деб савол берди Жон Поль.

– Қорнини эътиборга олган бўлсангиз керак-да раҳбар танлашда... Ўзиям ҳақиқий бизнесмен-да, бўйнига осиб олган ол-

тин бутни айтмайсизми, – деди истехзо билан Адил.

– Ҳамма жиҳатлар ҳисобга олинган. Бут эса соф олтиндан ясалган, топширик бажарилгандан сўнг қайтарилиши керак, – деди Жан.

– Олиб бўпсиз! Егор уни аллақачон ўзининг шахсий мулкига кўшиб қўйган, – яна ҳазиллашди Адил.

– Бўлди, Адил, бас кил, – деди Эркин.

– Сўнгги пайтларда Ҳожининг ўғиллари таҳсил олаётган билим даргоҳларида қандайдир одамлар ўралашиб қолди. Улар асосан куннинг иккинчи ярмида, оқшом тушгандан сўнг келишади. Шу сабабли, коллеж ва лицейга сизларни юборишга қарор қилинди. Бу одамлар ким ва нима учун унинг болалари ўқийдиган жойларни кузатиб юришибди, вазифангиз – ана шуни аниқлаш. Энг асосийси, шу одамлар яшайдиган уйларни топиш, бу ҳолда мутахассислар микрофон ўрнатиб, уларнинг суҳбатларини ёзиб олиш имконига эга бўлар эдилар. Машиналарига, имкони бўлса, кийимларига ҳам мўъжаз микрофонлар ўрнатишга ҳаракат қилиш керак. Аммо, бу жуда кийин иш, булар ҳеч қандай тажовуздан қайтмайдиган одамлар бўлишса ажаб эмас.

– Биз ҳам анойилардан эмасмиз, жаноби Польш, – деди Адил.

– Ҳа, шундай, лекин бизга ортикча тўполоннинг хожати йўқ. Аввал ҳар жиҳатдан тўла ўрганайлик. Кейин ҳамма жиноятчиларни ҳибсга олайлик, мақсад – шу. Сизларга бемалол ҳаракат қилишингиз учун иккита енгил машина бсрилади. Қўшма корхона тузиш учун ҳаракат бораётганини кўрсатиш учун жаноб Вилгельм Штарухнинг идорасига борасизлар, у ерда сизларни хавфсизлик хизмати бошлиғи герр Шнайдер кутиб олади. Шу ердан бир хизмат хонаси беришади. Лицей эски иморатда жойлашган, икки томондан эшиги бор, кузатиш мураккаброқ кечади. Коллежнинг эшиги битта. Рўпарасида пивоҳона бор, у ердан ҳаммаёқ бемалол кўришиб туради.

Жаноб Шнайдер тўладан келган, микти одам экан, улар билан танишиб, бирпасда хизмат хонаси, машиналар, «Берн» меҳмонхонасидан жой масалаларини ҳал қилиб берди.

Меҳмонхонага жойлашгач, ресторанда овқатланиб олишди. Эндиги вазифа Принцлештрассе ва Гётештрассе кўчаларини ай-

ланиб, коллеж ва лицейни кўздан кечириш эди. Аввал, яқинроқ бўлгани учун лицейга йўл олишди. Махсус хариталар ёрдамида бу ўқув даргоҳини қийналмай топиб боришди. Лицей ҳақиқатдан ҳам эски шаҳардаги готик усулда қурилган, пештокига «1912» деб ёзиб қўйилган иморатлардан бирига жойлашган экан. Кўчанинг бу бетида католикларнинг черкови жойлашган ундан сал нарида гул, сайроки кушлар сотиладиган дўкончалар Адил улардан бирига кириб чиқди ҳам.

Афтидан дарс ҳамон давом этар, чунки лицей ҳовлисида бирорта бола кўринмасди. Темир панжарадан кенггина боғлиқ ҳовли яққол кўриниб турибди, ҳамма ёқда болалар учун ўйин-мосламалари. Кўп ўтмай, кўнғирок чалиниб, ҳовли саҳни болаларга тўлиб кетди. Гуруҳ аъзоларига Ҳожининг болалари турли ҳолатда тушган суратлар тарқатилган эди, лекин, орадаги масофа уларни таниб олишга имкон бермади.

Коллежни ҳам бориб кўздан кечиришди. Темир дарвоза, ёнида яна бир кичик эшик. Пивохонага кириб, пиводан ҳам татиб кўришди. Жуда ёқимли экан, аммо бироз тахирроқ. Мижозлар биттадан пиво олиб, соатлаб гурунглашиб ўтиришарди. Гуруҳ аъзолари эса биринчи кружкани симириб, яна биттадан сўрашди. Бунисини криветка билан ичиб ўтиришганда коллеж дарвозасини очиб, ичкарига усти ёпик юк машинаси кириб кетди. Афтидан буфет учун турли махсулотлар келтирилган бўлса керак, иккита одам қоғоз қутиларни тушириб, таший бошлади. Турар эканлар Адил официант кизга гап отишдан ўзини тиёлмади:

- Фрау, пивонгиз доимо шундай яхши бўладими?
- Худди шундай, келиб туринглар.
- Бўлмаса юртимизга қайтгунча доимий мижозингиз бўламиз!
- Сизга хизмат қилишдан мамнунмиз, герр, – деди официант киз. Улар чиқиб кетишгач эса барменга мурожаат қилди:
- Бу одамлар йигирма дақиқада икки кружкадан пиво ичишди, кани энди шунақа харидорлар кўпроқ бўлса!
- Булар – руслар, шунақа маданиятсиз халқ. Ичкиликни пакирлаб ичишади. Ўзим кўрганман, биттаси хатто биз билан баҳс бойлашиб, 96 градусли спиртни ичган эди.

Коллежни Эркин ва Анатолий, лицейни эса Егор ва Адиллар кузатадиган бўлишди. Равилга қисқа тўлқинларда ишлайдиган рация ёрдамида гуруҳ аъзолари орасидаги алоқани таъминлаш топширилди.

Болаларнинг суратини қайта-қайта кўздан кечиришди. Каттасининг исми Алиакбар, ёши тахминан ўн еттида, кичиги Ҳабибакбар эса ўн тўрт ёшларда.

Эслаб қолиш керак.

XVII ФАСЛ АДИЛ ВА ЕГОРНИНГ ҲАЛОК БЎЛИШИ

Гуруҳ бевосита зиммасига юклатилган вазифани бажара бошлади: ҳозирча ҳеч қандай ҳавф йўқлиги, болаларнинг олди-га бирон кимса келмаётганлиги кетма-кет қайд этилар, бу ҳақда штаб-квартирага хабар юбориб туриларди.

Коллежни назорат қилиш анча мураккаб, чунки унинг ҳовлиси йўқ, шу боис болалар кўринмас, ўқитувчилар ҳам кечки пайт чиқиб кетишаётганида кўриниб қолишарди. Бир ҳафта ичида барча ўқитувчи, хизмат килувчи ходимлар аниқлаб олинди. Талабалар учун ётоқхона, душ-ванналар коллежнинг ўзида бўлиб, овқатланиш, ювиш учун ҳам ташқарига чиқишга ҳожат йўқ, уларни фақат якшанба кунлари – дарс йўқ пайтда шаҳарда учратиш мумкин эди. Коллежда яна бир афғон боласи бўлиб, исми Мовсиддин, отаси пуштун қабиласидан, Пактика вилояти губернаторининг ўринбосари эди. Мовсиддиннинг Алиакбар билан дўст эканлиги тавсифномада ҳам қайд этилганди. Ҳабибакбар ўқийдиган лицейда эса биронта бошқа афғонистонлик бола йўқ эди. Бу билим даргоҳи энг олиймақом ўқув муассасаларидан ҳисобланиб, ўқиш пулли эди. Бу ерда ўрта маълумот беришдан ташқари, романо-герман¹ тиллари ҳам ўргатилар, уни тамомлаган ўспиринлар бемалол таржимонлик ҳам қила олишарди.

Егор ва Адил илм даргоҳига нотаниш одам келганини, ҳовлида ўйнаб юрган Ҳабибакбар унинг кучоғига ташланганини кўрдилар ва бу учрашувни бир неча алфозда суратга олишди. Аммо, бу келган одам Ҳожи эмасди: бўйи узун, кўзлари ҳам кўк эмас, у ўспирин билан гаплашиб бўлгач, хайрлашаётганида унинг қўлига пул тутди.

Олинган суратлар дарҳол штаб-квартирага юборилиб, икки кундан сўнг унинг жавоби келди. Бу одам Ҳабибакбарнинг тоғаси бўлиб, Женевада тижорат билан шуғулланар экан. Унинг ортидан ҳам кузатиш ишлари олиб борилаётгани ҳақида ахборот олинди.

¹ Романо-герман, яъни инглиз, немис ва француз тиллари гуруҳи.

Коллежда ҳамон ҳеч қандай ўзгариш бўлмас, Эркин ва Равил эса соатлаб пивоҳонада қолиб кетишарди, зеро бу ердан илм даргоҳига кириб-чиқаётган ҳар бир одам яққол кўзга ташланиб турарди. Энди улар ҳам маданиятли пивоҳўрларга ўхшаб, соатлаб пиво симиришар, тузланган креветка билан газак қилишарди. Кунлар ўтиб борар, гуруҳ аъзолари кузатишлар натижасиз чиқаётгани ҳақида тез-тез гапиришадиган бўлиб қолишди.

Навбатдаги кузатув якшанба кунига тўғри келиб қолди. Шу кунни Алиакбар укасининг лицейига келиб, у билан «Берн» меҳмонхонасига кетди. Иккига бўлинган гуруҳ аъзолари уларни кузата бошлашди ва уларнинг тоғалари – Муҳаммад Абдусалом хузурига борганлари қайд этилди.

Улар биргаликда шу ердаги ресторанга тушиб овқатланишди.

– Мен Афғонистонга бориб келмоқчиман, – деди жиянларига қараб Муҳаммад Абдусалом. (Бу сўзлар аниқ эшитилиб турарди; улар юқоридан тушаётганларида Егор зинада қоқилиб кетган одам сифатида тўғноғичли «жучок»ни Алиакбарнинг шими почасига қадаб қўйишга улгурганди.

– Тоға, волидаларимизга, отамизга бизнинг саломимизни етказишингизни сўраймиз, – деди Алиакбар. – Юртда бўлмаганимизга ҳам мана икки йил бўлмоқда, уларни жуда соғиндик.

– Албатта етказаман, лекин отангиз ҳозир хизмат сафаридалар, учраша олмасам керак. Имкони бўлса, оналарингизни ўзим билан олиб келаман, кўришасизлар, – деди Муҳаммад Абдусалом.

Уларнинг кейинги суҳбатларидан Муҳаммад Абдусалом Қобулга чиптага буюртма берганлиги маълум бўлди. Алиакбар ва Ҳабибакбар ресторандан чиққач такси ёллаб, ўз билим даргоҳларига кетишди.

Лицейнинг икки эшиги ҳам мустаҳкам назорат остида бўлиб, Егор ва Адил ўзаро алмашиб туришарди. Орадан бир ҳафта вақт ўтгач, Адил орқа эшикдан бир номаълум одам киргани, лекин у Ҳожига ўхшамаслиги тўғрисида Егорга хабар бериб, машина тайёрлаб туриши кераклигини айтди (бу одам таксида келган бўлиб, уни кутиб туришни тайинлаганини эшитганди). Бу номаълум шахс ҳовлида юрган Ҳабибакбар билан беш дақиқа

гаплашиб, яна таксига ўтириб, шаҳар кўчалари бўйлаб кета бошлади ва бир дўконча олдида тушиб қолди. Рулдаги Егор у кириб кетган дўкончани узоқдан кўриб турар, Адил эса у ерга кириш-кирмасликни билмасди.

– Егор, дўконга кириб кўрмаймизми? – деди Адил.

– Инструкцияни бузма, бизга фақат кузатув олиб бориш топширилган.

– Шундай бўлса ҳам савдо қилган киши бўлиб дўконга бир кириб ўтмоқчиман.

– Керак эмас.

Шу пайт дўкондан бир одам чиқиб, худди оёқ кийимини артаётган одамдек, атрофни кузатиб, ичкарига кириб кетди.

– Егор, бу ерда бир гап бор. Кўрдингми, кўчада ким борлигини текширишди, мен албатта дўконга кираман, сен эса мени муҳофаза қилиб турасан, – деди Адил ва машинадан тушди.

Егор тўппончасини ўнг чўнтагига солиб, унинг ортидан машинани мумкин қадар юргизиб, сўнгра тўхтатди.

Гарчи дўкон эшигида кўнғирок бўлса ҳам, Адил уни чалмай, ичкарига қадам қўйди. Уни кўрган дўкондор сапчиб ўрнидан турди:

– Келинг меҳмон, қандай товарлар сизни қизиқтиради? – деди у немис тилида.

– Қандай газламаларингиз бор? Мени аёлларнинг кийимига ишлатиладиган ипаклик матолар қизиқтиради, – деди Адил атайин форс тилида.

– Э, ҳа, ватандошмиз шекилли! Мен ҳозир омборхонадан олиб чиқаман! Аъло навли ипак матолар бор! Бир неча хил, – деди дўкондор ва ичкарига кириб кетди.

Уни ичкарида бошқа бир одам – Мурод Муҳаммад кутиб турарди. Дўкондор бор гапни айтиб бергач у деди:

– Азим, мени кузатаётган одам шу.

– Кўчада иккинчиси ҳам бор. Машинада ўтирибди.

– Демак, бу жой ошкор бўлибди. Булар жосуслар, балки «Интерпол» айғочилари ҳамдир, уларни бартараф қилиш керак, акс холда шефнинг топшириғи бажарилмай қолади. Энди менинг бу ерда ноқонуний юрганлигим полиция маҳкамасига ва «Ин-

терпол»га маълум бўлади. Бундай қиламиз: дўконни ортидан қулфлаб, икки соат ичида портлайдиган мина ўрнатиб, Берндан чикиб кетамиз, болаларни эса Мушриф олиб боради, – деди Мурод Муҳаммад.

У аслида террористик ҳаракатлари учун барча мамлакатлар полицияси, «Интерпол» қидирувидаги «Зирай» лакабли шахс эди. Бу ҳам Ҳожининг ҳийласи бўлиб, айнан шу одам болалари ҳузурига юборилган, агар фарзандлари кузатув остида бўлса, маҳаллий полиция унинг изига тушиб, маълумотлар тўплагунча, вақтдан ютилар, унгача болалари Швейцария ҳудудидан чикиб кетишларига имкон яратиларди.

– Содиқ, сен ташки эшик билан чикиб, унисини йўқотасан, – деди Мурод Муҳаммад юқлар тахланган жойда турган яна бир одамга. У индамай, ташки эшикка қараб юрди.

Дўкондор икки хил мато олиб, кутиб турган «мижоз» олдига чикди:

- Мехмон, қайси туридан оласиз? – деди у матоларни ёйиб.
- Бу ранг тўғри келмайди, оч ҳаво рангидан йўқми?
- Унақаси йўқ.

Шу пайтда товушсиз отиладиган тўппонча ўқидан Адил полга йиқилди – ўқ унинг қоқ миясига теккан эди.

Содиқ эса орқа эшикдан чикиб, кўчани айланиб юргандай бўлиб (у ёмғир ёғаётгани учун ёмғирпўш тутиб олганди), Егор турган жойга кела бошлади.

Егор худди кимнидир кутиб турган одамдек бамайлихотир сигарета чекиб ўтирар, кўзи Адил кириб кетган дўконда, машинанинг ойнаси эса ярим очиқ эди, лекин у ёмғирпўш тутган одамнинг машина рўпарасига келиб қолганини сезмай колди...

Кўчада ҳеч ким йўқ эди. Товушсиз пистолетдан отилган ўқ Егорнинг халқумига тегди. Содиқ ҳар эҳтимолга қарши унинг миясига назорат ўқини отиб, дўконга қараб юрди ва у ердан шериклари чикиб, мурдани ичкарига олиб кириб кетишди. Орадан икки дақиқа ўтмай, яна орқа эшикдан чикиб, уларни кутиб турган машинага ўтиришди.

Дўкон рўпарасидаги кўп қаватли уйда яшовчи, деразалари ойнасини артаётган аёл кўз ўнгида рўй берган даҳшатли хо-

дисадан бир зум ўзини йўқотиб қўйди, сўнг дарҳол полиция маҳкамасига қўнғироқ қилди.

Полициячилар ўн дақиқалардан сўнг етиб келишди.

– Фрау Шуберт, қандай ҳодиса рўй берди? – деди ўзини Мюллер деб таништирган полиция офицери. Бу пайтда у билан келган одамлар Егор ўтирган машина салонини кўришаётган, «Браунинг» русумидаги тўппончани целлофан халтага солишаётганди.

Аёл бўлган воқеани айтиб берди. Полициячилар дўконга қараб юришди, унинг эшигига ички ва ташки томондан қулф осилганди. Коммунал хизмат чилангарига қўнғироқ қилиб, зудликда анжомлари билан етиб келишини айтишди. Воқеа жойига бирпасда одамлар йиғилди. Сўнг иккинчи ва учинчи машинада полициячилар келиб, дўкон атрофини ўраб олишди. Орадан ярим соат ўтгач бу ерга Берн полиция комиссари Генрих Абенбуэр етиб келди. У Мюллернинг докладини эшитиб, чилангарга қулфларни бузишга ижозат берди. Дўкон очилгач, ичкарига биринчи бўлиб Мюллер кирди, икки дақиқа қолиб, халлослаб югуриб чиқди.

– Герр комиссар, дўконга мина қўйилган!

Мюллер қаергадир қўнғироқ қилди, қолган полициячилар кўчани икки томонидан ўраб олишди. Орадан ўн дақиқача вақт ўтгач, сапёрлар келишди ва комиссарга келганлари ҳақида рапорт беришгач, дўконга кириб кетишди.

Сал ўтмай улардан бири зарарсизлантирилган минани олиб чиқди.

– Герр комиссар, буниси зарарсизлантирилди, шеригим бошқа жойларни ҳам қараяпти, – деди у ва яна дўконга кириб кетди. Ярим соатдан сўнг иккаласи ҳам қайтиб чиқишди. – Энди бемалол кириб ишлашларингиз мумкин, у ерда... иккита мурда бор, холос.

* * *

Одатда гуруҳ аъзолари соат саккиз яримларда овқатланиш учун ресторанга тушишарди. Эркин Егор ва Адил ҳамон келмаганлигидан хавотир ола бошлади, зеро соат саккиздан қирқ

беш дакика ўтганди. Шу пайт хона эшиги очилиб, бир нечта полициячи кириб келди.

– Мен полиция комиссари Генрих Абенбуэр бўламан. Куролларингиз бўлса, ўз хоҳишларингиз билан топширинглар. Полиция маҳкамасига боришларингиз сўралади, – деди улардан бири.

– Нима гап, герр комиссар? – деди Эркин ҳеч нарсани тушунмай.

– Борганингиздан сўнг билиб оласиз.

Куроллар топширилди. Комиссар ва куролларни қабул қилиб олган одам маънодор қилиб кўз уриштириб қўйишди – ҳалок бўлганларда ҳам ана шундай русумли тўппончалар бор эди ва бу курол фақат махсус хизмат ходимларига бериларди. Комиссар билан кириб келганларидан бири уларнинг қўлларига кишан урди. Коридорга чиққанларида бир неча полициячи Адил ва Егорнинг хонасида эканлигини кўрдилар. Эркиннинг бу борада берган саволига ҳеч ким жавоб бермади.

Полиция маҳкамасига етиб келгач, Эркинни, Анатолий ва Равилни бошқа-бошқа хонага киритиб, сўроқ қила бошлашди.

– Нима мақсадда бу ерларга келгансизлар?

Эркин хизмат мақсадини яшириш учун олдиндан ўйлаб қўйилган гапни энди айта бошлаганди, комиссар уни тўхтатди:

– Герр Пўлатов, келинг очикчасига гаплашайлик. Кимсизлар? Кимнинг топшириғига биноан келгансизлар? Паспортларингизга қараганда, ўзбекистонликсиз. Агар қамокка тушишни хоҳламасангиз, ростини айтинг. Акс ҳолда Швейцария қонунлари бўйича жавоб беришларингизга тўғри келади.

– Афсуски, герр комиссар, мен буни айта олмайман, лекин тез орада тушунасиз деган умиддаман. Айтинг-чи, нима бўлди ўзи? – деди Эркин.

– Икки одамингиз ўлдирилган. Сиз эса уларнинг раҳбарисиз. Энди гапирарсиз?

Эркин у рост айтаётганини бир қарашдаёқ сизди: бу Егор ва Адил! Мана нима учун кечикаётган эканлар! Демак, ҳаммаси ошкор бўлибди.

У кўз ёшларини аранг тутиб, бир неча телефон рақамларни комиссарга айтиб, у ерга қўнғироқ қилишни сўради. Бу Вена шаҳридаги «Интерпол» штаб-квартирасидаги Жан Поль ва Ганс Байернинг телефон рақамлари эди. Комиссар «Интерпол»нинг маҳаллий шўба бўлинмасига қўнғироқ қилди, лекин навбатчи ҳеч қандай изоҳ бера олмади.

– Кечирасиз, герр комиссар, бу билан иш битмайди, чунки операция бош штаб-квартира орқали олиб борилмоқда, буларнинг эса хабарлари бўлмаслиги мумкин, – деди Эркин.

– Яхши, сиз берган телефон рақамингизга сим қоқаман, лекин ундан олдин қандай операцияни амалга оширмоқчи бўлганингизни айтиб беринг, – деди.

– Герр комиссар, буни айта олмайман, бу сир менга тегишли эмас, – деди Эркин қатъий.

– Унда сизни камоқ кутиб турибди, жаноб Пўлатов.

– Барибир, мен сизга сирни оча олмайман, агар раҳбарларим лозим топсалар, айтарлар, – деди Эркин.

Шу пайт хонага терговчи кириб, комиссарнинг қулоғига шивирлади. Афтидан у Равиль ва Анатолийни тергов қилган одам эди.

– Шерикларингиз барчасини бўйинларига олишибди, сизлар махсус топшириқ билан келганларингизни айтиб берибдилар, – деди комиссар Эркинга қулимсираб.

– Яна бир марта каминани авф этасиз, герр комиссар, шерикларим операциянинг мазмунидан тўлиқ хабардор эмаслар, шунинг учун... мени ишонтира олмайсиз.

– Ҳозирча ҳаммаси алоҳида-алоҳида камераларга камалсин, эрта билан тафтишни давом эттирасизлар, – деди жаҳли чикқан комиссар терговчига.

Эркинни олиб чикиб кетишди. Генрих Абенбуэр терговчига деди:

– Булар ростдан ҳам «Интерпол» ходимлари бўлиши мумкин, лекин нега бу ерда қилинадиган иш биздаги филиалдан сир тутилган? Шуниси мени ҳайрон қолдирмоқда. Ёки операция шу даражада сирли-ю, уни ҳатто ўз бўлинмаларидан ҳам яширишмоқдами? Демак, эргага «Интерпол» раҳбарлари келганда ҳам

буни бизга айтмайдилар. Сиз тергов қилганлар қандай кўрсатмаларни беришди? Яна бир марта кайтаринг-чи!

– «Интерпол» ходимлари эканликлари, бу ерда махсус операцияни амалга оширишга келганликларини, аммо тўлиқ тафсилотни баён қилишлари мумкин эмаслигини айтишди, холос, – деди терговчи.

– Агар тонггача бу сирни оча олмасак...

– Махбусларни кечаси сўроқ қилсак, гапга қолмаймизми? Ростдан «Интерпол» ходимлари бўлиб чиқишса, бизга оғир бўлади, герр комиссар.

– Ҳа, бу ҳам эҳтимолдан холи эмас, – деди бошини қашлаганича комиссар. – Машиналари кимга қарашли эканлигини билдингизми?

– Вилгельм Штарухнинг фирмасига қарашли экан.

– Ие! Наҳотки, у ҳам «Интерпол» топшириғини бажараётган бўлса?! Ишониш қийин. Ахир мен у билан яқинман, ҳатто борди-келдимиз ҳам бўлган... комиссар бўлмасимдан олдин. Энди вақт етишмайди, баъзан бирон йиғинда учрашиб қоламиз, холос... Йўқ, бўлиши мумкин эмас.

– Нега? У халқаро миқёсда ишлайди, «Интерпол» ниқобида иш қилиши ҳам мумкин-ку! – деди терговчи.

– Балки... Майли тонг отсин-чи... Вақт ҳам ярим тун бўлибди, хотинимнинг юраги тез-тез хуруж қилиб туради. Мен борай, безовта бўлмасин тагин.

У плаш ва шляпасини кийди.

* * *

Эркин камерада ёлғиз ўтирарди.

«Наҳотки, шунча жанглардан омон чиққан Егор ва Адил қандайдир хатога йўл қўйганлар? Демак, уларни кузатаётганимизда, ўзимиз ҳам уларнинг кузатуви остида бўлганмиз... Бу – менинг айбим. Энди оилаларига қандай жавоб бераман? Нима дейман? «Нима учун отамизнинг ҳалок бўлишига йўл қўйдингиз?» десалар, қандай жавоб бераман?

Эркин мижжа қокмай тонг оттирди. У Анатолий ва Равилдан хотиржам эди – сир сақлашни биладилар. Лекин Равилнинг

алоқага чикмаётганлиги «Интерпол» раҳбарларини безовта қилади, албатта, ва чора кўришга мажбур этади. Бизни полиция ҳибс этганини эшитишгач эса...

Дарҳақиқат эртасигаёк Жан Польш ва Анри етиб келишди.

Жан Полнинг комиссарга берган биринчи саволи шу бўлди:

– Дўкон мудирининг шахси аниқландими?

Комиссар терговчи ва муовинига қаради, улар индамай бошларини қуйи солишди.

– Комиссар, дўкон мудирининг шахсини аниқлаш ўрнига «Интерпол» ходимларининг изига тушишингизни қандай баҳолаш мумкин? Бу ҳақда БМТга рапорт киритишга мажбурман, сизни суд қилишади, биз шунга ҳаракат қиламиз, – деди ғазаб билан Жан Польш.

– Энди киришсак-чи? – деди комиссар бошқа нима дейишни билмай.

– Кечга қолдингиз! У ва шериклари аллақачон Швейцария ҳудудидан чиқиб кетганлар, – деди, Анри ва Эркинга ўғирилди.

– Гуруҳингиз билан бориб, коллеж ва лицейдан хабар олинг! Болалар шу ерда бўлса, ҳали ҳаммаси тамом бўлмаган. Агар уларни ҳам олиб чиқиб кетишган бўлса, комиссар бу иши учун жавоб беради.

Орадан ярим соат ўтгач, Эркин болалар ғойиб бўлганлиги ҳақида телефонда хабар берди. Жан Польш ва Анри комиссар ва унинг муовинларига шундай ғазаб билан тикилиб турар едиларки, улар беихтиёр кўзларини олиб қочишди.

Шу пайт полиция зобитларидан бири кириб, дўкон мудирининг шахси аниқланганлигини хабар қилди.

– Ҳибсга олдингларми? Офицер бош чайқади:

– Топа олмадик, ҳеч ерда йўқ, герр комиссар.

– Демак, улар Швейцариядан Австрия, ундан Германияга ўтишлари мумкин, чунки бу давлатлар ўртасида виза тизими йўқ, фақат чегарада паспортлар текширилади, холос. Чиқиб кетган ҳар битта машина ким томонидан текширилганини зудликда аниқланг!

Женевадаги бўлинма бошлиғига буйруқ бера бошлади Жан Польш.

– Болаларнинг фотосуратларини кўрсатинг, зора бирортаси уларни таниб қолган бўлса. Ҳаракат қилинг!

Тез орада чегарачилардан хабар келди. Унда суратда кўрсатилган болалар Германия чегарасидан икки соат олдин ўтиб кетишгани, машина белгиси ва рулда ўтирган одам тасвирланганди. Бу маълумотлар тўплангач:

– Энди, герр комиссар, ўзингизга яхши бир адвокат олинг! – деди Анри комиссарга ачитиб.

Жан Поль Берлин «Интерпол»и билан уланиб, айтилган машинани тўхтатиш ва ундаги йўловчиларни ҳибсга олиб, Венадаги штаб-квартирага етказиш ҳақида буйруқ берди.

– Энди, комиссар, айбингизни ювинг: ҳалок бўлган йигитларнинг жасадларини ватанларига қайтариш керак. Улар қанча балолардан омон чиқишганди, лекин ўзлари террор қурбони бўлишди. Лекин террорчилар жазодан қочиб кета олмайдилар, – деди Анри комиссарга ижирғаниб қараб.

– Ҳеч бўлмаса, шу иш қўлингиздан келар?

* * *

Эркин гуруҳ аъзолари билан Берлинга йўл олди. Энди таркибга Шульц ва Байер қўшилишганди. Берлин бўлинмасида қисқа вақт тўхташгандан сўнг, Гамбург шаҳрига йўл олишди. Бу шаҳардан олинган ахборотга қараганда, полициячилар қандайдир машинани тўхтаганларида, салонда икки ўспирин борлиги, ёшлари ва ташки белгилари суратларга мос келганлиги аниқланган. Улардан пастга тушиш сўралганда, ҳайдовчи ва унинг ёнида ўтирган одам қуролли қаршилик кўрсатишган, бир полиция ходимини яралаб, воқеа жойидан яширинганлар.

Агар қочқинлар Гамбург бандаргоҳидан бирор давлат кема-сига чиқиб олсалар, қўлга олиш анча қийинлашарди.

Бандаргоҳ, вокзал, аэропорт, автобус йўналишлари қатъий назорат остига олинди. Бир неча ўспирин келтирилиб, текширилди, лекин улар орасида кидирилаётганлар йўқ эди. Шундай бўлса-да, Гамбург полицияси шаҳарни турли квадратларга бўлиб, бирин-кетин текшириб, торайтириб борарди. Шаҳар доира шаклида ўраб олинган, текширилмаган биронта шахсий машина қолмаганди. Барча полиция маҳкамаларига ўспиринларнинг суратлари тарқатилган, кимда ким улар ҳақида ахборот берса,

моддий ва маънавий рағбатлантирилиш кўрсатиб ўтилганди. Аммо, кўрилган ушбу чораларга қарамай, улар худди осмону фалакка учиб кетгандек, натижа чиқмасди.

Ҳар куни телевизор орқали болаларнинг сурати кўрсатилар, кимда ким улар ҳақида бирор маълумотга эга бўлса, дарҳол маҳаллий полиция маҳкамасига кўнғироқ қилиши сўраларди.

Шаҳар обдон чиғириқдан ўтказилгач, навбат шаҳар атрофидаги ўрмонзорга келди. Ўрмон устида мунтазам икки вертолёт учиб юрар, у ҳам турли квадратларга бўлинганди.

– Сен ва болаларнинг суратлари ҳар бир эълон тахтачасига осиб қўйилган, бутун шаҳар илма-тешик қилиб қидирилмоқда! – деди Мурод Муҳаммадга қараб шаҳарга чиқиб келган Содик. – Энди бу ўрмонни ҳам тарк этиш керак, акс ҳолда қўлга тушишимиз мумкин. Шаҳарни текшириб бўлганларидан сўнг, бу ерга келишлари аниқ. Осмонда вертолётлар учиб юрибди.

– Бу лаънати катерни қутавериб тоқатим ток бўлди. Агар бугун ҳам келмаса, шаҳарга кириб, жон сақлашга ҳаракат қиламиз. Агар шунда ҳам нажот келмаса, ноилож заҳира ерга яширинишга мажбур бўламиз. Ҳақсан, шаҳардан сўнг, албатта, ўрмонзорга ўтишади, – деди Мурод Муҳаммад.

Кечаси соат иккиларда кўрфазга моторли қайиқ келиши, уларни рейдда турган Польша миллий байроғи остида сузаётган савдо кемасига чиқариб қўйиши ва улар ана шу кема билан Шецин портига етиб олишлари зарур эди. Ундан кейинги йўналиш қандай бўлишини хўжайинлар ҳали айтишмаганди. Содик ҳар куни кўрфазга борар, лекин ҳеч ким унга паролни айтиб, мурожаат қилмасди. Сўнгги куни матрослар майкасини кийган, капитанлар бош кийимидаги бир кимса унга сўз қотди.

– Берндаги оғайниларингиз қизғин саломларни йўллашди.

Бу пароль эди.

– Бадахшондаги оғайниларимизнинг сихатлари жойидами? – деди Содик ҳам. – Нечун ҳаяллагингиз?

– Аҳволни кўрмадингизми? Порт бир неча кун текширувда бўлди, ҳар бир моторли қайиқ назоратдан ўтказилди. Полициячилар шунчалик ҳаракатга келадилар деб сира ўйламагандик.

Ўзи нима гап? Наҳотки шу икки бола учун шунча машмаша бўлса? – деди капитан бош кийимидаги одам.

– Бу ортикча ишарни кўйинг, маслахатлашиб олишимиз керак. Бразилиядан келтирилган кофе Гамбургда туширилиб бўлингани ҳақида қандай маълумотга эгасиз? – деди Содик гапни буриб.

– Юклар тушириб бўлинган, Шецин шаҳрига олиб бориладиган қандайдир тўқув ускуналари ортилган кема денгизга чиқишга тайёр, менинг сигналим билан йўлга тушади. Капитан ва унинг ёрдамчиси бизнинг ҳамкорларимиз бўлади. Сизларни шу куни кечаси кичик кўрфазда кутиб олиб, параходга олиб бориб кўяман. У ердан «Стефанида» кемасида Шецингача етиб оласизлар, қолган кўрсатмаларни капитан айтади. Хўп, мен кетдим, соат иккида кутаман.

Содик ўрмонга қайтиб келиб, бўлган гапларни Мурод Муҳаммад ва Азимга гапириб берди.

– Сен ҳар эҳтимолга қарши бир нечта граната ва гранатомётни ол, – деди Мурод Муҳаммад унга. – Эсингда бўлсин: жон бериб бўлса ҳам, болаларни кемага етказишимиз керак! Азим! Аввал мен Содик билан бирга кемага етиб боришга ҳаракат қиламан, агар уддасидан чиқа олмасак, сен Ҳожининг болаларини олиб, захира уйга йўл оласан, у ерда сени Мушриф кутиб турган бўлади. У неча йиллардан бери шу ерда яшаб, ҳақиқий немис бўлиб кетган – полиция назоратидан ҳоли инсон. Ўша ерда то одамларимиз келгунча кутасизлар.

– Ишимиз муваффақиятли чикса-чи? – суради Азим.

– Унда қайиқ қайтиб келиб, сизларни пароходга олиб боради, болалар ҳаётини ҳар қандай шароитда ҳам асрашимиз керак. Мен ҳам уларнинг қўлларига тирик тушишим мумкин эмас.

Тунги соат иккиларда Мурод ва Содик кўрфазга қараб юришди. Азим уларни тунда ҳам кўрсатадиган дурбиндан кўриб турарди. Бироздан сўнг қўлтikka моторли қайиқ келиб тўхтаганини ва шерикларининг унга чиқиб олганларини ҳам кўрди. Аммо қайиқ юз метр ҳам сузмасдан ҳарбий катер чирокларини ёкиб, сигнал чалганча қайиққа яқинлаша бошлади. Бир неча марта моторни ўчириш ҳақида сигнал берилгач,

бўйсунмасдан деярли учиб кетаётган кайикка қараб пулемётдан ўқ узилди.

– Бўлди, келдик! Тамом, уларга қарши бориб бўлмайди! – деди капитан фуражкасидаги шахс қичкириб.

– Ҳа, шунга ўхшайди, – деди хотиржамлик билан Мурод ҳам – Моторни ўчир.

Кайик мотори ўчирилди, аммо, шу пайт капитан фуражкасидаги шахс юрагидан пичоқ еди. Бу Муроднинг иши эди.

– Содик, менга гранатомётни бер! Ўзинг қайикдагиларга қараб – фанаталарни отасан! Мен катерни мўлжалга оламан! Ишимиз баракасидан келса, уни портлатиб юбораман! Шунда бир амаллаб, пароходга етиб оламиз! Аммо энди болаларни олиб чиқиб кетиш мумкин эмас! – кичкирди у Содикка.

У Азим ўзларини кузатиб турганини биларди ва икки қўлини юзига олиб бориб, унга «Дарҳол ортга чекин, заҳира йўналишда ишла!» деган белги бериши керак эди.

Шартли сигнални олган Азим қолган ҳодисаларни кузатиб ўтирмай, болалар яшириб қўйилган ўрмон томон югурди...

Кичик ҳарбий кемадан шлюпка тушириляётганини кўрган Мурод Муҳаммад Содикка буюрди.

– Қайикни юргиз!

У шундай деб, гранатомётни олди. Қайикнинг мотори яна гувиллаб ишлай бошлади ва катта тезликда шлюпка томон кетди. Ҳозиргина қўл кўтариб, худди таслим бўлгандек кўринган икки киши қайикни учуриб, улар томонга келаётганини кўрган полициячилар уларга қарата ўқ уза бошлашди. Қайик билан шлюпка орасидаги масофа тобора қисқариб борарди.

Мурод қайик бошида туриб ўт очишга тайёр турар, катер прожекторларидан тушаётган нурдан қочиб, тўғри унга томон келарди. Катердагилар ҳар қанча уринсалар ҳам қайик уларни чалғитиб, ўзи ҳам у ёқ-бу ёққа чайқалиб, шлюпкага ўттиз метрлар чамаси яқинлашди. Катердан тинмай отилиб турган пулемётнинг товуши ҳам бир лаҳзага тинди, зеро ўзларининг одамларини ҳам бехосдан ярадор қилиб қўйишлари мумкин эди, Мурод билан Содик ҳам ана шу ҳолат юз бериши мумкинлигини олдиндан билишарди.

Лекин энди шлюпкадагилар уларга карата ўк уза бошлашди. Қоронғуда аниқ нишонга олиб бўлмасди.

Ўн метрлар чамаси колганда, иккита граната унинг устига тушиб, портлади. Энди бошқа илож колмагани: харбийлар катердаги пулемётчиларга отиш учун буйрук бердилар...

Аммо сал олдин гранотомётдан отилган снаряд тўғри нишонга тегиб, катерда кучли портлаш юз берди. Шаҳардан етиб келган қутқарувчилар катердан сувга сакраб омон қолганларни шлюпкаларга олишди. Аммо уларнинг кўплари ярадор бўлганди, куйганди. Террористларнинг жасадлари эса ғаввослар ёрдамида кирғокка чиқариб, ўликхонага жўнатилди.

Бу орада анча масофани босиб ўтишга улгурган Азим кучли портлашни эшитгач, кафтларини юзига тортиб, «Аллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин» деб қўйди.

– Тез бўлинглар! Шаҳар четдаги яширин уйга етиб олишимиз зарур, акс ҳолда қўлга тушамиз, – деди у етиб келгач Ҳожининг фарзандларига.

– Ўзи нима бўляпти? Мурод Муҳаммад Содик жаноблари қаерда? – деди Алиакбар.

– Улар ҳозир Аллоҳнинг ҳузурида, жаннат боғларида юришибди! – деб жавоб берди Азим. Бу гапларга изох талаб қилинмасди.

Бир амаллаб пост-патруль хизматларини четлаб, кўп қаватли бинолар орасидан мўлжаллаган жойга етиб боришди. Эшикни уларга Мушриф очди ва индамай болаларни ички уйга киритиб, ўрин солиб берди.

– Нима, уларни олиб чиқиб кетишнинг иложини топмадингларми? Мурод, Содик қаерда?

Азим бу сафар индамай, кафти билан юзларни сийпаб қўйди.

– Уйнинг бежавотирми? – сўради Азим.

– Маҳаллий полициядан келиб текшириб кетишди. Энди бу машмашалар барҳам топмагунча кутишга тўғри келади. Қимирламай ётасизлар, менинг эса баъзан ташқарига чиқишимга тўғри келади – озик-овқат дегандек.

– Энди нима қиламиз?

– Кутамиз, – деди Мушриф.

– Агар бизни ҳам ўлдига чиқариб, алоқачи бошқа келмасачи?

– Бундай бўлмайди, Ҳожи болаларини кўрмагунча тинчимайди, дунёнинг қайси бурчагида бўлса ҳам, ўзи ҳақида хабар беради, мана кўрасан. Майли, тонг отиб қолди, энди дам оламиз. Меэшиқ кулфини солиб кетаман, сизлар ҳеч қандай ҳаракат қилмай ўтирасизлар, ҳатто ҳожатхона сувини ҳам туширмайсизлар – кейинчалик, тунда хоналарни шамоллатиб оламиз. Сувни ҳам очмайсизлар. Чунки пастимда бир кампир яшайди, унинг уйига ҳар замонда полициячилар келиб туришади, кампир уларнинг айғоқчиси бўлиши мумкин. Уйда одам йўқлигини билган ҳолда, сув ва ҳожатхона ишлатиладиган бўлса, шубҳаланиб, полиция идорасига кўнғирок қилиши мумкин, болалар туришлари билан бу ҳақда огоҳлантириб қўй. Энди бироз ҳордиқ чиқар, – деди Мушриф ишига кетаётиб Азимга.

Шарқ мамлакатларидан юртларини ташлаб келган сиёсий мухожирлар тижорат билан шуғулланишарди. Уларнинг моллари бу ерда харидоргир ҳисобланар, чунки аксарияти қўл иши бўларди. Худди шунингдек, Мушрифнинг дўконида эрон, афғон гиламлари, хитой чинниси билан савдо қилинар, ушбу моллар толиблар разведкаси томонидан етказиб берилар ва бу дўкон уларнинг яширинча учрашув жойига айлантирилганди. Одатда у ўз дўконида овқатланарди, асосий савдо эса бандаргоҳда соат тўртлардан кейин бўлар, чунки бу пайтда портда иш тугар, факат навбатчи докер¹лар қоларди. Немисларда, камдан-кам ҳолларда тунги соатларда иш бўлар, шунда ҳам уларнинг маошлари икки хиссага кўпаярди.

Бу ерда ғарбий Европа, Лотин Америкаси, Африка давлатларидан келадиган юк кемалари лангар ташлашар, юқларини бўшатиб, саноат молларини ортиб, қайтиб кетишарди. Бундан ташқари Гамбург сайёҳлар шаҳри бўлиб, Дрезден галереяси, Берлиндаги «Пергамон» музейи бутун дунёдан сайёҳларни ўзига жалб этар, шунинг учун шаҳар меҳмонхоналарида деярли бўш ўрин бўлмасди.

¹ Докерлар, яъни порт ишчилари. Улар, асосан, мутахассислиги бор ишчилардан иборат бўлган.

Худди шундай сайёҳлар Мушрифнинг дўконига ҳам киришди. Улар молларнинг хилма-хиллигини кўриб анча вақт у ерда қолиб кетишди (Германиянинг бошқа шаҳарларига қараганда бу ердаги моллар анча арзон, шу туфайли бу ерда савдо қизир, ҳар куни саксон-юз минг немис маркаси атрофида савдо қилинарди. Мушрифнинг дўкони ҳам шундайгина портдан чиқаверишда, жуда қулай ерда жойлашган бўлиб, кемадан тушган сайёҳлар энг биринчи унинг дўконига киришарди.

Ҳозир ҳам дўкон сайёҳларга тўла. Улар молларни кўраётган пайтда қора кўзойнак таққан, кўлида шамсия тутган бир сайёҳ Мушрифга ғалати қараб, кўлига яширинча бир парча қоғоз тутказиб кетди. Сайёҳлар дўконни тарк этишгач, Мушриф қоғозни очиб, араб имлосида, лекин форс тилида ёзилган имзосиз мактубни ўқиди. Унда битта жумла бор эди: «Кечкурун, соат 20.00, белгиланган жойда».

– Ким бўлиши мумкин? Бунинг устига, сайёҳ Лондондан келган бўлса? Менинг у ерда ҳеч қанақа танишим йўқ.

Мушриф дўконни ёпиб, паркка йўл олди. Учрашув жойига бориб, ўриндикка ўтирди. Соат аллақачон йигирмадан ўтган, лекин меҳмон кўринмасди. У энди кетмоқчи бўлиб турганида, орқа томондан шарпа сизди ва ўғирилди.

Меҳмон ўтирди ва паролни айтди.

– Нима ҳодиса юз берди? Болалар қаерда? – деди у.

Мушриф Азимдан эшитган ҳодисаларни сўзлаб берди, болалар яширин уйда эканлигини айтди.

– Сиз бу воқеаларни қаердан эшитдингиз? Лондондан кема соат тўртта келганди-ку! Ёки сиз... бошқасида келдингизми?

– Лондон кемасида... Лекин бандаргоҳда шундай гаплар юрибдики, уни эшитмай бўладими? Хуллас, болалар ва Азимни зудликда шаҳардан олиб чиқиб кетиш керак, бўлмаса қўлга тушадилар. Ҳозирча эса, бирон хилват жойга яшириш керак.

– Менинг ўрмонда яширин жойим бор, лекин у ерда қурол-аслаҳа сақланади. Германияга келган ўз одамларимиз учун, – деди Мушриф изоҳ бериб.

– Бўлдими? – деди меҳмон норози оҳангда.

– Яна битта жой бор-у, лекин жуда ноқулай-да.

– Нимаси ноқулай?

– Шифти жуда паст – одам тик туриб юра олмайди. Ертўладек гап. Лекин, бир туйнугидан тушиб иккинчисидан чиқиб кетиш мумкин. Мурод Муҳаммад доимо ўша ерда яшириниб юрарди.

– Бўлади, ҳеч бўлмаса бир ҳафта яшаб туришлари мумкин.

– Агар сиз шуни лозим кўрсангиз, уларни кечаси ўша ерга олиб бориб кўяман, – деди Мушриф.

– Бу ердан ўша ертўлагача қанча масофа бор?

– Икки километр.

– Агар қўлга тушиб қолсалар, бир сенинг эмас, менинг ҳам бошим кетади. Қандай кииб бўлса ҳам уларни Ҳожига соғ-саломат ҳолда топширишимиз керак. Бир амаллаб бир ҳафтани ўша ерда ўтказадилар, унгача олиб чиқиб кетиш режаси ҳам тайёр бўлади. Уларни иссиқ кийим-бош билан таъминла! Эртага хабар оламан, учрашув жойи худди шу ер, соат ўн еттида. Хўп, мен кетдим, сен эса бироздан сўнг...

Мушриф уйга келиб, олинган топширикни Азимга етказди, ҳозирча дам олишлари зарурлиги, кечаси соат иккиларда бошқа жойга кўчишлари ҳақида болаларни огоҳлантириб қўйишди.

Шундай ҳам бўлди.

Бу пайтда полиция идорасида иш қизғин борар, ҳозиргина олинган хабар диққат билан текшириляётган эди. Фрау Бекенбауэрнинг таъкидлашича, Мушриф деган шахснинг уйида бегона одамлар бор эмиш. Эшикка нафақат ички, балки ташқи томондан ҳам қулф урилган экан, аммо уйда кимлардир юрибди.

Кичик офицер Зандер бу хабарни етказиш учун полиция маҳкамаси бошлиғи ҳузурига кирди.

– Герр полковник, фрау Бекенбауэрнинг таъкидлашига қараганда, бандаргоҳдаги дўкон эгаси Мушриф Залмийнинг уйида бегона одамлар бор эмиш.

– Мен бу одамни жуда яхши танийман – террористлар билан алоқада бўлганлиги бирор марта ҳам аниқланмаган. Мушриф Залмий мол-мулки ғамини ейдиган одам, шўролар билан уруш пайтида ҳам бетараф бўлиб турган. Энди унинг бу ишлар билан шуғулланишига ишонмайман. Жуда шубҳаланаётган бўлсангиз... майли, бўлим бошлиғи келсин, эрталаб борасизлар, – деди комиссар бир неча тундан буён кечаётган уйқусизликдан эснаб.

Зандер ноилож ўз хонасига қайтди. Денгизда бўлган дахшатдан сўнг улар казарма ҳолатида эдилар. Тонгга яқин бўлим бошлиғи келди, комиссарнинг топшириғига биноан улар Мушрифнинг уйига келишди ва эшикни тақиллатишди. Уйкусираб турган Мушриф эшик занжирини тушириб, полиция ходимларини кўргач, хайрон бўлди:

– Хизмат?!

– Уйингизни кўришимиз зарур, – деди бўлим бошлиғи Бруннер.

– Тафтиш қилиш учун... суддан санкция¹ борми?

– Йўқ, биз тинтув қилишга келмаганмиз, фақат бир кўз югуртирсак бўлди. Балки эшитгандирсиз, барча хонадонларни текширяпмиз. Ижозатми? Ёки, ростдан ҳам ёзма рухсат олиб келайликми?

– Марҳамат, лекин менинг уйимда ҳеч ким йўқ...

Текширув ҳеч қандай натижа бермади. Айтилган пайтда Мушриф яна паркка келди.

– Энди бу ёғига қулоқ тутинг, – деди учрашувга келган шахс.

– Сиз ва Азим уларни ярим тунда кичик кўрфазга олиб келасиз, мен қайиқда кутиб тураман. Соҳилдан икки мил² нарида эса Мадагаскар байроғи остидаги кема бизни кутиб туради, тундингизми?

Болалар Германия ҳудудидан омон-эсон олиб чиқиб кетилди, шу билан Ҳожининг изи бу ердан бутунлай йўқолди.

¹ Жаҳон юриспруденциясида шахсий уйларни тафтишдан ўтказиш, тинтув қилиш ваколати фақат муниципал судлар рухсати билан амалга оширилади, прокурорлар бундай ваколатга эга эмаслар. Муаллиф изоҳи.

² Денгиз ўлчов бирлиги, бир мил тахминан 1750 метрга тенг. Муаллиф изоҳи.

XVIII ФАСЛ

ПЕШОВАР. «ТОЛИБОН» ҲАРАКАТИ ҚАРОРГОҲИ

Пешовардаги «Толибон» ҳаракатининг бош қароргоҳида бугун умумий қўмондонлар анжумани бўлиши туфайли улар етиб келишган, кун тартибида қуролланиш муаммолари ва бошқа хўжалик ишлари бўйича ахборотлар эшитилиши ҳақида топшириқ берилганди. Шу анжуманда «Толибон» ҳаракатининг бош қўмондони сайланиши ҳам назарда тутилган, лекин ҳозирча бу сир эди. Бу мансабга талабгорлар ичида: Мулла Биродар, Мулла Фозил, Мулла Абдуқодир, Мулла Шарфий, Мулла Додулло Ланглар бор эдилар. «Толибон» ҳаракатининг умумий доҳийси Мулла Муҳаммад Умар Охунд бир қатор араб мамлакатларида бўлган, деярли 30 минг кўшин жамлаган, уларнинг таъминоти худди уруш давридагидек олиб борилаётганди. Қўмондонлар мажлислар залига таклиф қилинди. Аввал барча қўмондонлар кўшин таъминоти ва бу билан боғлиқ муаммолар бўйича ахборот беришди. Мулла Умар уларнинг сўзларини бўлмасдан эшитиб, ён дафтартарчасига шу кунда ҳал этиладиган масалаларни қайд қилиб борар, ўзи ҳам охириги, жанг олдидан бўладиган вазифаларга тайёргарлик кўрарди.

– Жаноблар, кўшинни пул билан таъминлашдаги муаммолар тез орада ҳал бўлади, лекин мен сизларнинг берган ахборотларингиздан қониқмадим. Биз чинакам Ислом давлати тузишга келишганмиз, кўшиндаги тартибсизликлар, интизомсизликдан келиб чиққан ҳар хил ҳодисалар, айниқса, лашкарларнинг куфр йўлига кириб, турли кайф берувчи ичимликлар, наша чекишларни қатъий чеклашимиз, бу ҳолатларга йўл қўйганларни, ким бўлишидан қатъи назар кўшин олдида дорга осиб, қатл этишни жорий қилиш керак. Агар, биз ана шундай интизомни йўлга қўя олмасак, унда қандай қилиб, ҳақиқий Ислом давлатини тузамиз, кани ўзларингиз айтинглари-чи? Бу каби салбий, ислом ақидаларига тўғри келмайдиган ҳолатларга чек қўйиш, лашкарларни огоҳлантириш, шу бугундан бошлаб тартибга киритилсин. Ҳар бир ислом лашкари билан суҳбатлашиш, интизомни бузганлар-

нинг бир-иккитасидан воз кечиб, қўшин олдида жазолаш зарур. Бу гапларни иккала кулоғингизга қуйиб олинг, бу биринчидан.

Иккинчи масала, қўшиннинг жамланиши ҳақида, бу ҳам охиригача ҳал этилмаган, бундай куч билан биз ғалаба қилишимиз мушкул, шу кунларда бир неча штурмчи самолёт, танк, бронетранспортёрлар келиши кутилмоқда, учувчилар тайёргарликдан ўтганлари маъкул, лекин қолган техникани экипажлар билан жиҳозлаш қоникарли деб айта олмайман. Биз шундай куч билан киришимиз керакки, Бурхониддин Раббоний ҳукумати ҳеч қаршилиқ кўрсатмай, таслим бўлишин. Учунчидан, Афғонистон ҳудудидаги чегара, ҳарбий қисмлар ҳақидаги маълумотлар тўлиқ эмас, биз ислом лашкарларининг ҳаётлари ҳақида ҳам қайғуришимиз керак. Чунки у ерда туркий миллатлардан ташкил топган 150 минглик Абдурашид Дўстум қўмондонлигидаги кучлар мавжуд, уни енгиш қийин, шу сабабли у билан музокаралар олиб бориш ниятидамиз. Ундан ташқари, бизга ашаддий душман бўлган, тожик миллатига мансуб Аҳмадшоҳ Маъсуд қўшинлари бор, у ҳам осонликча таслим бўлиши гумон. Уларни бир амаллаб, ўзимизга тобе қилиш ҳақида маълум ишлар қилинмоқда, жаноблар.

У бироз сукут саклаб турди-да, сўнгра қўлидаги тасбехнинг доналарини санаб, сўзида давом этди.

– Жаноблар, эндиги вазифа бош қўмондонни сайлаш, биз маслаҳатлашиб кўриб, бу лавозимга ҳарбий тажрибаси етарли бўлган Мулла Биродарни таклиф этишга қарор қилдик. У совет-афғон урушида қатнашган, салоҳияти кучли бўлган қўмондон. Ундан ташқари, қўшинда ҳарбий интизомни жорий эта оладиган, ҳаракатимизга астойдил берилган инсон. Тўғри, сизлар ҳам ҳаракатимиз аъзосисизлар, лекин бош қўмондон битта бўлиши зарур, – деди Мулла Умар.

Мулла Биродар ўрнидан туриб, йиғилганларга сал бош эгиб, таъзим қилди. Мулла Биродарнинг номзоди қўмондонлар тарафидан ҳеч бир қаршилиқсиз қабул қилинди. Шу билан улар қўшинлар жойлаштирилган ерларга кетиб, мустаҳкам интизомни жорий этишга киришиб кетишди. Мулла Умар бош қўмондон-

ни чин дилдан табриклар, унга бўлгуси муҳорабаларда зафарлар тилади.

– Энди нақд пул муаммоси ҳақида сўзлашсак, Мулла Биродар, мен ҳозир ҳамкорларга сим кокаман, имкон даражасида таъминлашга ҳаракат қиламан. Етмай қолса, сабр қилишга тўғри келади, «сабр қилсанг, ғўрадин ҳалво битур» деб бежиз айтилмаган.

У гапини тугатиб-тугатмай, спутникли телефон орқали кимлар биландир уланишга ҳаракат қилди. Нагижа чикмагач, яна Мулла Биродарга қараб, сўзида давом этди.

– Пешовардаги «Абул Ҳасан» шахсий банкига 71 миллион АҚШ доллари узоғи билан уч кунда тушади, чек билан оласиз, кодини ёзиб олинг, бир миллионини Абул Ҳасан жанобларига қолдирингиз, ҳозирча берадиган ёрдамимиз шу, қолган муаммоли масалаларни имкон даражасида хал этишга ҳаракат қиламиз. Қўшинда мустаҳкам интизом ўрнатингиз, худо хоҳласа, шу йил ҳарбий вазиятга қараб, афғон тупроғига ёриб кириб, зафарли юришларни бошлаймиз, – деди.

– Хўп бўлади, устоз, – деди Мулла Биродар.

– Энди ҳужум қилиш хариталари билан ишлашни бошланг, қулай томонларни излаб топишга ҳаракат қилинг. Раббоний ҳукумати ҳам бизнинг тайёргарликдан хабар топган бўлишлари мумкин. Буни ҳисобга олинг.

Аҳмадшоҳга юборилган вакилларимиз натижасиз қайтишди, у музокара олиб боришдан бош тортди. Унинг устига туркий қўшинлар борлигини ҳам унутманг, лекин ҳозир Мулла Гаус жаноблари уларнинг элчиси билан Бўзбоида пинҳона учрашиб, музокара ва келишувлар олиб бормоқда. Агар бу ишимиз оқибатли тугаса, ҳеч иккиланмай ҳарбий ҳаракатларни бошлаб юборамиз.

– Устоз, бизнинг режаларимиз, «Чай Сари» чегарасидан афғон тупроғига ёриб кириш устида анча вақтдан бери ишламоқдамиз. У ерга қаландар-дарвешлардан иборат бўлган гуруҳни юборганмиз. Унда жойлашган қўшин салоҳияти, чегара қисмлари ҳақида улардан тўлиқ маълумот олганмиз, – деди Мулла Биродар.

– Бизнинг кўшинлар ҳал қилувчи ҳужумга ўтишларидан олдин, яна бир марта уларни текшириб чиқиш зарур, чунки бу каби ахборотлар эскирган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас, буни ҳарбий киши сифатида яхши тушунасиз.

– Ҳа, ҳа, албатта, устоз, афғон ҳарбий кучларининг ҳар бир ҳаракатларидан огоҳ бўлиб турибмиз, операция режаларини муҳокама қилиш жараёнида ҳар қандай ўзгаришларни харитага туширмоқдамиз, – деди Мулла Биродар.

– Хўш, мен йўғимда харита билан ишлаган бўлсангиз, ҳужум йўналишлари ҳақида бир оғиз сўзлаб беринг-чи, – деди Мулла Умар.

Мулла Биродар ҳарбий жихатдан етук салоҳиятга эгалиги учун кўмондонлар уни ҳурмат қилишар, устоз йўқлигида, унинг маслаҳатлари билан иш тутишарди. У норасмий равишда ҳарб¹ девони мансабини эгаллаб келар, ҳатто Покистон ҳарбий инструкторлари ҳам унинг ҳар бир масалани дарҳол англаб олиши ва тўғри ҳал қилишидан ҳайратда қолишган вақтлар ҳам бўлганди.

– Устоз, бизлар «Чай Сари» чегара пунктидан ёриб кириб, у ердаги ҳарбий ва чегара қисмларни тор-мор қилиб, уч йўналишда ҳужумни бошлаймиз. Биринчиси – Жалолобод, иккинчиси – Шиндон – Ҳирот, учинчиси эса Қандаҳор йўналишида олиб борилади. Бу ердаги кўшинларни яксон этгач, Қобул сари олға юришни бошлаймиз. Пандшер музофотини мамлакат пойтахтидан узиб ташлаймиз. Аҳмадшоҳ билан бўлаётган музокаралар ҳеч қандай натижа бермаслиги аён бўлгач, кўмондонлар билан ана шу таклиф ва режа анча устунлик беришини ўйлаб қўйгандик. Мамлакат пойтахтини олгач, кўшинлар шимолий провинцияларга юришни бошлашларидан олдин, унинг гуруҳини тугатиш чораларни кўриш зарур, акс ҳолда, у ордан келиб зарба бериши мумкин. Аҳмадшоҳни Анава ва Парандех улусвали²ларида ўраб олиб, қаттиқ омбир билан қисамиз, бу ишни аста-секинлик билан қилиш жоиз. Пандшернинг

¹ Ҳарб, бу уларда «ҳарбий девон» деган маънони англатади. Ҳарбий девон бошлиғи бизларда Бош штабга тўғри келади. Муаллиф изоҳи.

² Улусвали, афғонларда туман шундай аталади.

маркази ҳисобланган Руха албатта ҳимоя қилиши аниқ. Икки томондан қисиб қўйилгандан сўнг, унинг таъминоти тугайди, ноилож таслим бўлиши ёки қирилиб кетиши аниқ, бундан бошқача бўлиши мумкин эмас, устоз, – деди Мулла Умар.

– Қандай қилиб?

– Мана бу харитага қаранг, – деб уни жавон устига ёйди Мулла Умар, – тўғридан тўғри Рухага ҳужум қилиш, лашкарларнинг оғир талофатлари билан яқунланиши мумкин, чунки бу ерлар кучли муҳофаза этилган ва тоғли ҳудудлардан иборат. Парандех ва Анава улусваллари Пандшернинг марказини деярли уч томондан ўраб олган, агар бизлар ана шу жойгача етиб борсак ва ишғол қилсак, у қўшинларни бир ерга тўплашга мажбур бўлади, Рухани ҳимоя қилмоқчи бўлади. Бу эса бизларга улкан устунликлар беради, самолёт ва вертолётлар билан ҳужум уюштириш ва батамом қириб ташлашимиз мумкин. У ерларга танк ва бронетранспортёрлар билан бориб бўлмайди, борилганда ҳам натижа чиқариш амри маҳол. Улар тоғ даралари ичида. Унгирлар, яъни табиий тўсиклар қулайлик туғдириб, ҳимоя вазифасини ўташи турган гап. Бу бизга қаттиқ талофат етказиши мумкин. Шунинг учун, унинг таъминоти тугашини кутиш зарур, кейинчалик шимолий провинцияларга киришдан олдин уни тўлик енгиб, сўнгра олға юришга имкон очамиз.

Бу ҳарбий операциянинг моҳиятини тушуниб етган Мулла Умар, «ҳа, ҳа, сени кўмондонлар ҳарбий стратег ва тактик деб юришлари бежиз эмас экан-да! Бош кўмондон қилиб сайлаб, янглишмаган кўринаман», деган фикрга келди. Мамнун бош силкиди.

– Майли, вақти келганда, буни ҳам ўйлаб кўрамиз, – деди Мулла Умар.

– Устоз, буни олдиндан режалаштириш зарур, чунки бутун ҳарбий операция мукамал бўлиши зарур, мабодо кўмондонлар бунинг туб маъносини тушунмасалар... Аҳмадшоҳ Маъсуд қондан чиқиб кетиб, бизларга қарши қурашиши ва кўп талофат келтириши мумкин, бунақа ҳолатларга асло йўл қўйиб бўлмайди. Ахир унинг одамлари яхши қуролланган, кўплаб жангларда қатнашган, қирқ минглик қўшиндан иборат, уни осонликча

енгиб бўлмайди, бунинг устига бундай тоғлик ерлар унга жуда кулай, – деди бу фикрни рад этган ҳолда.

– Демак, ҳар бир қўмондон ана шу ҳолатларни ҳисобга олиб, жанг майдонига киришлари керак экан-да?

– Айни ҳақиқатни сўзламоқдасиз, устоз, – деди Мулла Биродар.

– Бўлмаса, асталик билан шу усулларни қўмондонларнинг кулоқларига қуйиб борингиз, жанг стратегияси ва тактикаси ана шулардан иборат эканлигини кетма-кет муҳокама қилингиз, ҳар бир саркарда уруш майдонида ўз ўринларини топишлари зарур, сиз бўшсиз, колганларини бафуржа муҳокама қиламиз, мен ҳозир учрашувга кетишим керак, – деди-да, ёнидаги чўнтак соатини олиб вақтга кўз ташлади.

Мулла Биродар олий бош қўмондоннинг ижозатини олгач, жанг қилиш услубларини мукаммалаштириш борасида келишиб олиш учун қўмондонларни тўплади. Улар биргалашиб харита устида бош қотира бошлашди.

Мулла Умар ваъда қилган самолёт, вертолётлар, ЗРПК, «Стингер» ва «Блаиуап» ракеталари Пешовардаги машғулот майдонларига келтирилиб, вақтинчалик брезент ёпқичлар билан ўраб ташланди. Покистон ва араб давлатларининг ҳарбий инструкторлари бўлғуси жангарилар билан машғулотларни изчил олиб борар, одам ўлдириш санъатидан сабоқ бераётгандилар.

Шундай қилиб, жафокаш афғон халки бошларига яна бир оғир тўфон яқинлашаётганидан беҳабар эдилар. Энди тинчлик бўлди, дея бироз таскин топганларида яна қора булутлар юртларига кириб келаётган, уларни даҳшатли синовлар кутаётган эди...

ХІХ ФАСЛ «ИНТЕРПОЛ» НИНГ БОШ ШТАБ-КВАРТИРАСИДА

Бу вақтда Венадаги бош штаб-квартирада иш кизғин кетаётганди. Афғон ҳамкорлар билан пахта толаси бўйича шартнома тузган компаниялар, хорижий фирмалар, ҳатто шахсий тадбиркорларнинг, шунингдек, пахта калавасидан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг рўйхатлари тузилди. Маълумотлар таҳлил қилиниб шубҳалилари алоҳида жамланди.

Бундан ташқари, наркотик моддалар, ноқонуний қурол-яроқ савдоси билан бирор марта бўлсин рўйхатга олинганларнинг айланиши пайтда қаерда эканликлари, нима иш билан шуғулланаётганликлари ҳақидаги ахборотлар ҳам йиғиб қўйилди. Бунақа ахборотларни тўплаш осон эмасди, албатта – бунга барча филиаллар жалб этилган, кечасию кундузи идорадаги факслар, интернет тизимлари ишлаб турарди. Жараённи Жан Поль ва мсье Анри бошқариб боришар, йиғилган маълумотлардан «Интерпол»нинг раҳбари Лютер Вайс жаноблари мунтазам хабардор қилинарди. Лекин ҳамон етарли маълумотлар олинмаган, бир зарба билан гиёҳванд моддалар ҳамда ноқонуний қурол савдоси билан шуғулланаётган шахсларга чора кўрилишига ҳали жуда эрта эди. Ҳали уларнинг изига тушилмаган, афғондан келаётган пахта толалари ичидан гиёҳванд моддалар топилмаган, бу эса таҳлилни янада кучайтириш, кўшимча чораларни кўришга мажбур этарди.

Айлани пайтда 20 кг ли ўрамларда пахта тойлари орасига яширилган – таркиби жихатдан фармацевтика заводларида ишлаб чиқариладиган наркотик препаратларга тенглаштирилган моддалар оқими тўхтаб қолганди. Бунга алоқадор деб ҳисобланган Ҳожининг изи эса тамоман йўқотилганди. Шунинг учун барча филиаллар унинг фарзандларини қидириб топиш ва улар орқали Ҳожига чиқиш ҳаракатида эдилар. Мабодо қаердадир бирор муҳим маълумот олинса, ўша ерга штаб-квартиранинг етакчи мутахассислари дарҳол етиб боришар, ахборотларни таҳлил қилишар, аммо булардан бирор арзирли нарса топа олмасдилар.

Эркин ва унинг гуруҳи бош штаб-квартирада ишга доимий жалб этилган махсус бўлинма сифатида фаолият олиб борарди. Эркин билан Равиль ҳамон бўйдоқ эдилар. Анатолий эса рафикасини ҳам Венага кўчириб келган, хизмат сафари тугагунча шу ерда оиласи билан бирга бўлишга жазм этганди. Галя истараси иссикина, ёкимтой аёл эди. Уларнинг уч яшар ўғли бўлиб, хизматдан бўшаган пайтларда эр-хотин фарзандларини олиб сайрга чиқишарди. Шу туфайли Эркин дам олиш кунлари уни хизматга жалб этмас, ўзлари эса қаро терга ботиб, ҳар ердан келган ахборотларни жиддий таҳлил қилишарди.

Жан Поль ва мсье Анрининг топшириғига биноан улар энг аввало Форс қўлтиғи ва Карачи порти орқали келаётган ёки кетаётган юклар билан қизиқишди. Эркин филиаллардан олинган ахборотларни кўраётган пайтда бир кизик фактга дуч келиб қолди. Бу Амстердамда фаолият олиб бораётган «Ал-Ҳади g компани» ширкатининг пахта толаси эвазига ҳамкорларига жуда катта миқдорда Голландияда етиштириладиган яшил нўхотлар етказиб бериш ҳақида тузган шартномаси билан боғлиқ ахборот эди. Ҳужжатларда кўрсатилишича, бу юклар Покистоннинг Карачи портига параходларда етказиб берилиши назарда тутилган.

Шунга кўра, раҳбарларнинг топшириғига биноан Эркин ўз гуруҳи билан Голландиянинг пойтахти Амстердамга учиб келди. Аэропортда уларни мазкур шаҳардаги филиал раҳбари Вур Дой Сар кутиб олди. Бу одам бемалол рус тилида гаплашар экан, Эркин бундан жуда хурсанд бўлиб кетди. Чоғроқкина, бироқ жуда қулай микроавтобусда шаҳар томон кетишар экан, Эркин ундан рус тилини қаерда ўрганганлигини сўради. Вур Дой Сар Россияда кўп йиллар яшаганини, рус тили ва адабиётидан номзодлик диссертациясини ёқлаганини, биров вақт ўз касби бўйича Амстердамда ишлаб юриб, кейин шу ташкилотга келиб қолганини гапириб берди. Улар шаҳарнинг бу чеккасидан нариги чеккасига қараб анча йўл босишди. Ва ниҳоят шаҳардан салгина ташқарида – жуда баҳаво масканда жойлашган икки қаватли уй олдида тўхташди. Ўн олти хонадан иборат, атрофлари темир панжара билан ўралган бу уйда ҳамма шароит мавжуд эди. Вур Дой Сар бу ер бир вақтлар Голландия қиролларининг

ёзги дам олиш қароргоҳи бўлганлиги, энди давлат тасарруфига ўтказилганини айтди. Ҳозирда бу вилла хавфсизлик хизмати ихтиёрига берилган бўлиб, ёз ойларида бу ерда мазкур идоралар ишчи-хизматчиларининг болалари дам олишарди. Айти пайтда киш мавсуми бўлганлиги учун хоналар бўш, бу ерда улардан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Фақат комендант, бир-иккита фаррош ва хизматчилар кишин-ёзин шу ерда ғимирлаб, тирикчилик қилиб юришарди.

«Интерпол» нинг Амстердамдаги вакили қароргоҳ раҳбари билан келишган ҳолда уларга ҳам рождество муносабати билан таътил беришни ташкиллаштирганди. Тўғрироғи, махфий операциянинг муваффақиятини таъминлаш мақсадида бу ерда ортиқча одамларнинг бўлмагани маъқул деган қарорга келганди. Беш кишидан иборат гуруҳ аъзоларига ош-овқат тайёрлаб бериши учун фақатгина ошпаз ва унинг ёрдамчиси қолганди холос.

– Бу ерда сизларни ҳеч ким безовта қилмайди, – деди Вур Дой Сар уларни вилага бошлаб қирар экан, – мен ҳам юқоридан топширик олдим, идорадаги йигитлар билан сизнинг ихтиёрингизда бўламиз, операцияда бирга қатнашамиз.

– Жуда соз, жаноби Вур Дой Сар, энди мақсадга келсак, «Ал-Ҳади» фирмасининг манзили, раҳбари, муовинлари ва барча ходимлари ҳақидаги маълумотлар бизга жуда зарур, – деди Эркин, – кейин шунга қараб ишларимизни режалаштирамиз.

– Бу ҳақдаги дастлабки маълумотларни олганмиз, қолганини тезда етказамиз, – дея қўлидаги бир тўп қоғозни Эркинга тутқазди Дой Сар.

Ҳужжатлардаги маълумотларга қараганда, Мактуб Ал-Ҳади – фирма президенти ва ижрочи менежери. Фирма бутун дунё пазандачилигида кенг қўлланиладиган яшил нўхатларни чиройли ва бежирим қадоқларда турли мамлакатларга, асосан, мусулмон давлатларига экспорт қилар экан. Бунинг эвазига эса улардан пахта толаси олинар, тола Голландия орқали Европа давлатларига, ундан Болтиқбўйи мамлакатлари – Латвия, Литва ва Эстонияга сотарди. Энг қизиғи, Голландияга келтирилган пахта тойлари бу ерда бир муддат сақлаб қўйилар, кейинроқ жаҳон бозорида толага қўйилган нарх-навога қараб

сотиларкан. Яъни нархлар кўтарилганда, ширкатдагилар талабгорларни дарҳол оёкка турғазилар, пахта тойларининг бозорини чаққон қилиш йўлларини улар жуда яхши билишарди. Мазкур фирма Афғонистон, Покистон, Бангладеш каби мамлакатлардан пахта толасини воситачиларсиз тўғридан-тўғри шартнома асосида оларкан, ҳатто уларни етиштирадиган деҳқонлар билан узок муддатга келишувлар тузиб, олдиндан бир қисм бўнак пулларини ҳам бериб қўяркан. «Бу фирма, мазкур давлатларда етиштирилган пахта толасини аукционлар орқали эмас, балки тўғридан-тўғри оларканда», ўйлади Эркин қоғозларга кўмилиб ўтираркан, «Бу бекорга эмасдир... каллалари яхши ишларкан, тасанно!»

Эркиннинг ўйлари чувалашиб кетди, қанча ўйламасин, бўлаётган ишларнинг, ҳужжатлардаги рақамларнинг маълумотларнинг учи-бошини тополмасди. «Жаҳон бозорида пахта толасининг нархи тушиб кетган тақдирда улар уни сотмасдан, омборхоналарда саклашаркан, мўлжалларига тўғри келгандагина, сўнгра талабгорлар билан шартномалар тузишни бошлашаркан. Жуда қизик! Ахир тола қанча кўп туриб қолса, шунча қўшимча харажат келтириб чиқаради-ку! Устига устак ёнғин хавфи ҳам бор.., қизик, жуда қизик, бу омборларни бориб кўриш зарур. Буниси унданам қизик экан, ие, омборхоналарда қаторасига уч йил сотилмай қолган толалар ҳам бор эканми?! Бу йил олинган пахта толаси, кейинги йили жаҳон бозорига чиқариларкан, буниси бундан ҳам ажойиб! Нега бунақа қилинади? Наҳотки, наркотиклар узок вақтгача турса, бўлиши мумкин эмас. Қани, наркотикларнинг улгуржи нархлари билан жаҳон бозоридаги ахволни солиштириб чиқайлик-чи, қандай натижаларга эришар эканмиз. Тўхта, тўхта, а-ха, демак, кўкнорилар пишиб етилган пайтда, яъни йиғим-терим даврида уларнинг улгуржи нархлари кескин тушиб кетар экан, шунинг учун уларни нархлар бироз кўтарилгунча саклаб туришаркан, мана бунинг ҳам тағи чиқяпти».

– Қани, Эркин, – деди ўзига ўзи, хаёлидан кечаётган фикрларни энди беихтиёр овоз чиқариб гапираркан, – таҳлилни давом эттиравер, зора калаванинг учи топилса!

«Назаримда, энг тўғри йўл, – мулоҳазаларини давом эттирди Эркин, – афғон пахтаси тойларини очиб кўриш, агар уларнинг ичида наркотиклар аниқланадиган бўлса, дарҳол фирманинг барча ходимларини ҳибсга олиш, аямай сўроқ қилиш, маблағларнинг қаерга кетаётганини ва қайси мақсадларга ишлатилаётганини аниқлаш! Бу энг биринчи долзарб масала! Лекин, пахта тойларини фирма ходимларининг ўзига очдириш керак. Улар бизнинг кўз олдимизда тойларни очиб, ичидагиларни ўз қўллари билан олиб кўрсатишлари лозим. Шундагина уларнинг жиноятини бўйнига қўйиш осон бўлади! Бошқача йўл тутилса, улар бундан тонишлари турган гап! Сабаби улар бирор марта ҳам полиция ёки «Интерпол» назоратига тушмаганлар, халқаро юристлар эса, катта пул эвазига кафиллик бериб уларни камокдан чиқариб олишлари табиий. Кейинчалик уларнинг изини ҳам топа олмаслигимиз мумкин. Шунинг учун бу ишларда шошиш ярамайди, ўйлаб иш қилишга тўғри келади. Агар уларни товарни майда-майда қисмларга бўлаётганларида қўлга олишнинг иложини қилсак-чи! Зўр бўларди-да! У ҳолда ярамасларнинг айбларини исботлаш ҳамирдан қил суғургандек осон кечарди. Ҳа, худди шундай қилиш керак! Бунинг учун эса ёпик видеокамера оркали барчасини тасвирга тушириш, «жучок» қўйиб гапларини ёзиб олиш зарур. Йўк, йўк, бу ҳам бўлмайди, бизларга берилган топшириқ – барча нуқталарни аниқлаш, улар ҳам аҳмоқ эмас, албатта, бундай қора иш билан уларнинг «босс»лари асло шуғулланмайдилар, оқибатда биз қўйган тўрға фақат майдалари илиниб, асосийлари – катталари қочиб кетадилар, нима қилиш керак, нима қилиш керак!»

Шу кундан эътиборан, фирма фаолияти каттиқ назорат остига олинди. Эркин Вуд Дой Сар ихтиёрида бўлган ходимларни ҳам бу ишга жалб қилди, вазифаларни тақсимлаб чиқди. Голландларнинг немис тилида бемалол гаплашишлари Эркиннинг ходимларига жуда қўл келди, улар тез орада дўстлашиб ҳам кетишди.

Текширилаётган фирма ихтиёрига шу орада Покистон Ислом Республикасидан пахта тойлари келди. Шульц билан Анатолий юкларни пинҳона равишда – улар ҳали божхона терминалидан

чикиб кетмаган вақтда текшириб чиқишди, лекин тойлардан наркотик моддалар топилмади. Эркин бу ҳақдаги ахборотни бош штаб-квартирага юборди. Ундан ишни давом эттириш талаб қилинди. Лекин фирма столларига, телефонларига ўрнатилган «жучок»лар иш бермасди. Чунки ширкат идорасида кечаётган суҳбатлар фақат унинг фаолиятига боғлиқ масалалар муҳокамасидан иборат бўлар, наркотиклар ҳақида бирор оғиз ҳам гапирилмасди. Шу вақтда фирма бошлиғи Парижга – хизмат сафарига отланаётгани ҳақида хабар келиб қолди. Жан Поль Эркинга Парижга учиб боришни топширди. Эркин гуруҳни бошқаришни Шульцга топшириб, Парижга учди. Уни Ле-Бурже аэропортида Жан Полнинг ўзи кутиб олди.

– Эркин, бу одам мени таниб қолиши мумкин, – деди Поль шивирлаб, – биласанми, бунақа қалтис ишлар билан шуғулланадиганлар биринчи навбатда «Интерпол» ходимларининг суратларини топиб, ташқи кўринишларини эслаб қолишади. Шунинг учун кузатувни бевосита ўзинг олиб борасан, унинг ким билан, нима мақсадда учрашишини аниқлаш, сўзлашувларни имкони борича «жучок»лар орқали ёзиб олиш, яширин камералар воситасида тасвирга олиш лозим. Шунда ишимиз осон кўчади, мен зарурати туғилганда маслаҳатлар бериб тураман, доимо ёнингда бўла олмайман.

– Хўп бўлади, – деди Эркин ҳарбийчасига.

– Билишимча, фирма раҳбари ёлғиз келмаган, ёнидаги шериги – кичик мутахассис билан «Интерконтиненталь» меҳмонхонасига жойлашишибди, сенга ҳам туристик агентлик орқали шу меҳмонхонадан жой брон қилинган.

Эркин меҳмонхонага ўрнашди. У жойлашган хонанинг дезазаси Эйфель минораси томонга қараган, шаҳар кафтдагидек кўриниб турар, хонадан бутун Париж манзарасини бемалол кўриб баҳра олиш мумкин эди.

Эртасига фирма раҳбари билан унинг мутахассиси Триумфал арка майдонига йўл олишди. Эркин уларнинг эътиборларига тушмаслик учун ниҳоятда эҳтиёткорлик билан аста кузатиб борарди. Шундан сўнг улар Эйфель минораси устидаги ресторанда овқатланишди. Шаҳарнинг кўзга кўринган манзиллари-

ни айланишди, кунни кеч қилиб, меҳмонхонага қайтишди. Мутахассиснинг кўлида фотоаппарат бор эди, у раҳбарини турли ҳолатларда суратга оларди, ресторанда хатто бир канча масофа олисроққа бориб. суратга туширди.

Эркин меҳмонхонада Жан Поль билан учрашди.

– Хўш, кун қандай ўтди, – деб сўради у.

– Парижнинг эътиборли жойларига экскурсия қилишди. Ресторанда овқатландик. Ёнидаги одам уни кетма-кет суратга туширди, камида 30 та кадр олди ўзиям. Шунинг хисобга олмасак, кунимиз фақат хурсандчилик билан ўтди, – деди Эркин ярим киноя билан.

– Нима учун суратга олаётганини биласизми?

– Албатта, «Альфа» гуруҳида ўқиётган пайтимизда шу ҳақда лекция ўқилганди... Мабодо бир нечта суратда айнан битта одамнинг тасвири чикса, демак, шу сизнинг изингизга тушган жосус бўлиб чиқиши мумкин. Бунинг биламан, мен имкони бори-ча объективга тушиб қолмасликка ҳаракат қилдим.

– Жуда соз, бўлмаса эртага ҳам кузатувни давом эттирасиз, афтидан улар учрашадиган одам жуда катта мансабдор, ҳамма нарсани ҳал қила оладиган ва ҳамма ишни тоза қиладиган... тушунгандирсиз? Шунинг учун эҳтиёт чоралари кўрилмоқда. Айниқса, у бир ёлғиз ўзи, ёнидаги шеригисиз чиққанида, назоратни кучайтириш зарур, бунинг учун мен бор имкониятларни ишга соламан, ўша энг муҳим учрашувни ўзим ҳам кузатишга ҳаракат қиламан. Ҳозир текшириш кетмоқда, шунинг учун ёнида мутахассисни олиб юрибди, учрашувга эса ёлғиз ўзи чиқади, бунга ишончим комил, – деди Жан Поль.

– Шунақага ўхшайди, – деди Эркин ҳам унинг мулоҳазасини тасдиқларкан.

– Энди бемалол дам олишингиз мумкин, улар кечаси учрашмайдилар, мабодо нимадир ўзгаришлар бўлса, бунинг учун махсус одамлар бириктирилган, – деди Поль ўзини назарда тутиб, кейин яна ўзига ўзи савол бергандек, – қизиқ, ким билан учрашувга келган бўлиши мумкин? – деди-да, хонадан чиқиб кетди.

Эртасига «Ал-Ҳади» фирмасининг раҳбари шериги билан Парижнинг бутун жаҳонга донғи кетган машҳур ресторани «Ла Тур д-Аржант»¹да тушлик қилишди. Рестораннинг ўзига хос жиҳати шунда эдики, бу ерда ҳар бир ҳўранда учун махсус усулда ўрдак пишириб бериларди. Таомлари ҳам жуда лаззатли, хизмат кўрсатиш – олиймаком. Улар бу ресторанда ҳам бир неча марта суратга тушдилар. Бу ердан Нотрдам хиёбонига, ундан чиқиб «Лувр» музейига киришди. Музей экспонатлари олдида ҳам расмга тушдилар. Улар фойдаланаётган махсус рақамли фотоаппаратда олинган тасвирлар дарров «ноутбук» экранида пайдо бўлар, демак, уларни бемалол кўриш мумкин эди. Шу сабабли Эркин иложи борица қузатувни сездирмай олиб боришга ҳаракат қиларди.

Нихоят учинчи куни «Ал-Ҳади» фирмасининг бош менежер-и меҳмонхонадан ёлғиз ўзи чиқиб, Нотрдам хиёбони бўйлаб кета бошлади. Хиёбон бўйлаб қатор-қатор умумий овқатланиш шохобчалари жойлашганди. Ҳозиргина Эркиннинг назари-эътиборида турган ширкат раҳбари нимадир бўлди-ю, одамлар орасида кўздан ғойиб бўлди-қолди. Қайсидир кафега кириб кетдимиз ёки осмонга учиб кетдимиз. Эркин англолмай қолди. Саросимада қолган Эркинни бу вазиятдан Жан Полнинг ўзи қутқарди.

– Кўчанинг ўнг томонига ўтинг, – деди у рақамли телефон орқали, – «Макдональдс» кафесига киринг, у ўша ерда алоҳида хонада ўтирибди, кимнидир қутаётгани аниқ.

Тушлик вақти бўлиб қолган, шунинг учун бу кўчада одамлар оқими кўпайганди. Бир гуруҳ ишчи-хизматчилар, афтидан шу атрофдаги дўконларнинг ходимлари бўлсалар керак, шундоққина йўл бўйидаги ўриндиқларга жойлашиб, пиццаҳўрлик қилишарди.

Эркин айтилган кафени топди. Теварак-атрофга эътибор ҳам қилмай қузатиш учун қулай жой қидирди. Қузатувдаги одам-

¹ Француз тилидан ўзбекчага «Кумуш гумбаз» ресторани деб таржима қилинади. Бу ерда жаҳонда ягона бўлган усулда, яъни сўйилиб, тозаланган, ичига ҳар нарсалар солиб тайёрлаб қўйилган ўрдакларнинг рақамлари ҳўрандаларга таклиф қилинади, танлаганлари пишириб берилади.

ни пайкагач, ўзини худди хўранда каби тутиб, буюртма қилиш учун навбатга турди.

Шу пайт кафега қора кўзойнак таккан, чиройли кийинган, ўрта ёшлардаги одам кириб келиб, бўш стулга ўтирди. «Ал-Ҳади»нинг раҳбари эса шу ондаёқ ўрнидан туриб парда билан тўсилган алоҳида бўлмага қараб юрди. Қора кўзойнакли одам ҳам бироз ўтириб у ёқ, бу ёққа кўз ташлади-да, кейин аста кўзғолиб, айнан ўша пардали хонага томон йўналди.

Улар қўл беришиб сўрашишди. Қора кўзойнакли одам чўнтагидан бир мосламани олиб, стол устига қўйди.

– Хўш, ишлар қалай кетмоқда? – деб мурожаат қилди хамроҳига.

– Барча кўрсатмаларингиз амалга оширилмоқда, даромад ўзингиз билган банкларга ўтказилмоқда, – жавоб берди у.

«Ал-Ҳади» бошқарувчиси стол устидаги мосламага шубҳа билан қараб-қараб кўярди. Буни пайкаган қора кўзойнакли одам изоҳ берди:

– Сени нимангни ёзаман, бу скеллер¹, бизнинг гапларимизни ҳеч ким эшитмайди, бу шундай мослама, хавотир олмай сўзлайвер.

– Баъзан сиримиздан хабардор одамлар бордек туюлади менга, буни қандайдир ички туйғу билан сезаман, – деди Ал-Ҳади.

– Кўпи кетиб, ози қолди, – унинг гапини чўрт кесди ҳалиги одам, – чидаб туришга тўғри келади. Сендан бир нималарни сўрамоқчийдим, шунинг учун бу ерга чакирттирдим. Ҳозиргача пахта толасидан келган даромад қанча бўлди? Долларга чакқанда?!

Ал-Ҳадиниинг гапи оғзида қолди. Хонага официант қиз кириб келди:

– Нимага буюртма берасизлар?

– Иккита аччиқ кофе келтиринг, ҳозирча. Қолганини кейин айтамыз, – деди қора кўзойнакли одам.

– Хўп бўлади.

Қиз чиқиб кетди. Сухбат узилиб қолганидан бироз асабийлашган қора кўзойнакли одам савол назари билан Ал-Ҳадига қаради.

¹ Махсус жосуслар учун чиқарилган, овозни ёзиб олмакчи бўлганлар ҳеч нарсани илғаб ололмадилар, чунки ҳар бир товуш чиққанда, мослама ишлаб, кучли шовқин соларди.

– Шу бугунгача ҳисоб рақамидаги маблағ 77 миллион доллардан ортиқ, – жавоб берди Ал-Ҳади.

– Менга катта маблағ керак, тез орада оламшумул тарихий воқеалар рўй беради, иншаоллоҳ, – деди ҳалиги одам кўзойнагини бурнига суриб, яхшироқ жойлаштираркан, – чек ва муҳрларни ўзинг билан олиб келганмисан?

– Ҳа, ҳа...

– Бўлмаса, 71 миллион АҚШ долларини Пешовардаги «Абул Ҳасан» шахсий банкининг ҳисоб рақамига ўтказасан, кодини «номаълум одам» деб кўрсатасан. Мана бу банкнинг ҳисоб рақами, чекни ёз, – деди-да, бир қоғозни узатди.

Ал-Ҳади чекни ёзиб, муҳр босди. Унда маблағ олувчининг исми-шарифи кўрсатилмаганди.

– Нега 70 ёки 75 миллион эмас, айнан 71 миллионлигини тушунтириб берсангиз, Ҳожи соҳиб, – деди Ал-Ҳади.

– Шунга ақлинг етмадими, – деди чекни кўйнига соларкан Ҳожи, бунча маблағни банкдан нақд олиш учун... бу ҳам осон иш эмас, банкка ҳам қандайдир манфаат келиши керак-да бунақа ишлардан, йўкса бунақа катта миқдордаги маблағни олишда муаммолар чикиб қолиши мумкин.

– Энди тушундим, Ҳожи соҳиб.

– Мен ҳозир кафетерийдан чикиб кетаман, – шивирлади Ҳожи, – сен ўн беш дақиқадан сўнг қўзғоласан.

У шундай деб шахд билан ўрнидан турди-ю, хожатхонага кириб кетди.

Орадан беш дақиқа ўтар-ўтмас ўша хонадан ишчилар комбинзонидаги икки одам чикиб келди. Улардан бирининг ёши улуғроқ, иккинчиси эса анча ёш кўринарди. Қўлларида иш анжомларини кўтариб чиққан бу устоз-шоғирднинг кийимлари исқирт, сочлари тўзғиб кетганди. Уларнинг ёши улуғроғи кўча эшиги олдида турган қорувулга:

– Иккита жўмрак бузилиб, сув яхши ёпилмаётган экан, уларни созладик, битта хожатхонанинг суви кетмаётган экан, уни ҳам тўғирладик, ҳисобини қилиб, инкассага қўйиб юборамиз, – деди.

– Э, тўхтанглар, – деди ҳеч нарсага тушунмаган кўрикчи йигит, – сизлар қаердан кирдинглар, ким чақирди сизларни? – дея кетма-кет савол бера бошлади.

Кария унга нимадир деди, афтидан кафенинг хўжайини номини тилга олган бўлса керак, кўриқчи индамай қолди.

– Кечирасизлар, қандай кирганингизни билмай қолибман, – деди анча попуги пасайган қоровул йигит, – узр, шунинг учун сизларни безовта қилишга тўғри келди.

– Биз хўжайининг билан бирга келдик, – деди қария ишчи кўполлик билан, – ташқи эшикдан кирдик, билмай қолганинг ҳам шундан бўлса керак!

Улар чиқиб кетишди. Уларнинг мулоқотини ҳеч ким эшитмади, скеллер шундай шовқин кўтардики, ҳатто яқин орадан ўтиб кетаётганлар ҳам ҳеч нарсани англамай қолишди.

Ал-Ҳади ҳам айтилган вақт ўтгунча бироз ўтирди, сўнг ҳисоб-китоб қилиб кафени тарк этди. Ал-Ҳади ҳеч қачон банкнинг тўлов карточкасини олиб юрмас, шарқликларга хос тарзда доимо нақд пул билан ҳисоб-китоб қилишга ўрганган эди.

Эркин уни то меҳмонхонагача кузатиб бораркан, эшик олдида швецар билан гаплашиб турган Жан Полга кўзи тушди, гўё нотанишдек индамай ўзининг хонасига кўтарилди. Бироздан сўнг эшик тақиллади.

– Кираверинг, – деди Эркин.

Жан Поль эшикни ичкаридан ёпиб, сўнг Эркин билан сўрашди. Улар ноутбукка сақланган тасвирларни кўра бошлашди.

Ал-Ҳади кирган хона пардали бўлганлиги учун ҳеч нарса кўринмасди, фақат кафетерийда ўтирган хўрандалар... уларнинг тамадди қилаётганлари каби тасвирлар... Сўнг Ал-Ҳади ўтирган хонага йўналган қора кўзойнакли одам кўринди. Кўзойнак ортида унинг кўзини кўриб бўлмас, соқол-мўйлабли, аммо боши устарада кириб олинган, шунинг учун бўлса керак, тап-тақир, силлиқ боши ялтираб турарди. Компьютердан уларнинг ичкаридаги суҳбати йигирма дақиқа давом этгани маълум бўлди. Кейин тасвирдаги ҳалиги одамнинг ҳожатхона томон юргани кўринди. Беш дақиқадан сўнг экранда иккита ишчи пайдо бўлди. Уларнинг қоровул йигит олдида бироз тўхтаганлари ва нималарнидир гаплашганлари ва чиқиб кетганлари камерага тўлиқ тушганди. Тасвирларда шундан сўнг ҳожатхонадан бошқа

бирор одамнинг чикқани кайд этилмаган. Қоровул билан ишчиларнинг мулоқотидан ҳеч нарсани англаб бўлмас, қандайдир шовқин қулоқни коматга келтирарди, холос. Бундан айтарли бирор нарса чикмаганидан ҳафсаласи пир бўлган Жан Поль бошини чайкай-чайкай, ноутбукни ўчирди. Компьютернинг шовқини тингач, орага ғалати сукунат чўмди. Улар бундан буён нима қилишни, текширувни қай тарзда олиб боришни ўйлаб жим қолишганди.

– Афтидан анавилар... ишчилар., – деди Жан Поль ўйчан нигоҳини бир нуктага қадаб, – қалбакига ўхшайди, скеллер ишлатганлари яққол билиниб турибди. Бироқ, бизда мулоқотларни ҳар бир лаб кимирлашидан ўқийдиган мугахассислар бор, буни қандай бўлса ҳам топамиз, Ал-Ҳади билан учрашган одамнинг сурати бор, уни топса бўлади, албатта. Минг афсуски, уларни кузатиб турган агентларимиз ҳам ғафлатда қолишган, албатта-да оддий ишчиларга эътибор беришмаган улар, сокол-мўйлабли, қора кўзойнакли одамни кутишган. Кутиб-кутиб, тоқатлари тоқ бўлгач, хожатхонага киришган, у ердан ҳеч кимни топа олишмаган. Шундагина, уларни лақиллатиб кетишганини тушунишган.

Жан Поль тасвирларни яна қайта кўришни лозим топди. Хожатхонадан чикқан қариянинг сочлари тўзғиганлиги унинг эътиборини тортди. Шаффоф кўзойнак ортидан ҳам унинг кўзлари қандайлигини англаб бўлмасди, бунинг устига ўсиб тушган қуюқ қошлари ҳам кўзларини деярли яшириб турарди. Бу қуюқ қошлар ҳам ясама қош эканлиги ўтказилган экспертизада тасдиқланди. Лаб кимирлашидан мулоқотлар мазмуни тушунилди, лекин бу ҳам ҳеч қандай натижа бермагач, кафетерийнинг хўжайини билан учрашишди. Бу одамнинг миллати француз бўлиб, исми-шарифи Пьер Базель, қонунга зид ишлар билан шуғулланиши на полиция маҳкамасида, на хавфсизлик органларида қайд этилганди.

Анри у билан суҳбатлашишга қарор қилиб, сим қоқди, ўзини муҳожирлар билан ишлайдиган маҳкама ходими қилиб таништирди. Қаҳвахона хўжайини уни соат иккидан кейин кутишини айтди.

Роса соат иккида Анри унинг ишчи хонаси эшигини очиб кириб келди.

– Мсье Базель, кўнғироқ қилган одам менман, икки оғиз гаплашгани келгандим.

– Кофе, виски, мартини, коньяк?

– Факат кофе.

Базель официантга кофе буюриб, стол устига турли шоколадлар қўйди. Кофе ҳам тайёр экан, дарҳол киритишди. Улар диванда ўтириб, суҳбатлаша бошлашди.

– Айтинг-чи, мсье Базель, сиз... хожатхона жўмрақларини таъмирлашга уста чакирганмидингиз?

– Йўқ, хожатхона жўмрақлари соз ҳолатда, таъмирга муҳтож эмас. Буни нега сўраяпсиз? Ўзингиз кимсиз, бераётган саволларингизга караганда махсус хизматдансиз. Мен ҳам бир вақтлар ҳарбий бўлганман, истеъфодаги офицерман. Келинг, очикчасига гаплашайлик: нега бунака саволлар беряпсиз?

– Очикчасига бўлса – очикчасига! Дарҳақиқат, мен махсус хизматданман, шунинг учун бор ҳақиқатни билмоқчиман, – деди мсье Анри.

– Мсье Анри, хожатхона жўмрақларини таъмирлаш учун ҳеч кимга буюртма берган эмасман.

Анри суратларни стол устига қўйди:

– Сиз бу одамларни танийсизми?

– Мана буниси менинг қоровулим, у ҳам истеъфодаги офицер, бирга хизмат қилганмиз, мана бу комбинзондагиларни умуман кўрмаганман, – деди Базель суратларга бир-бир кўз ташлаб.

– Яхши, қоровулни чакиртиринг, гаплашиб олишга тўғри келади. Базель стол устидаги кўнғироқни чалиши билан кофе келтирган киз кириб келди.

– Мадмуазель Луиза, Нокни айтиб юборинг. Орадан беш дақиқа ҳам ўтмай, швейцар кириб келди.

– Сиз хожатхона жўмрақларини таъмирлаган чилангарлар билан мулоқотда бўлгансиз. Барча тафсилотларни сўзлаб беринг, – деди Анри унга тикилиб.

Нок барча билган нарсасини айтиб берди, хатто уларнинг қардан кириб колганларини сезмаганлигини ҳам тан олиб, деди:

– Агар улар Пьер Базелнинг исмини айтмаганларида, дарҳол ушлаган бўлардим. Нима улар... террористлар эканми?

– Йўқ, шунчаки гумон қилинган одамлар. Айтинг-чи, уларни илгари учратганмидингиз?

– Биринчи марта кўришим.

– Раҳмат, бошқа саволлар йўқ, – деди Анри. Швейцар Базелга каради, у бош силкитиб, розилик бергач, хонадан чиқиб кетди.

– Учрашганимиз сир бўлиб қолиши ҳақида огоҳлантириб ўтирмайман – ўзингиз жуда яхши биласиз. Мабодо ушбу одамлар яна қахвахонангизга келиб қолса, мана бу рақамга кўнғирок қилинг.

У Базелга рақамларни айтиб, хайрлашиб чиқиб кетди. Бу пайтда суратлар «Интерпол» мутахассислари томонидан таҳлил қилинаётган, лекин бу одам ҳақида ҳеч қандай ахборот йўқлиги аввалдан маълум эди. Боз устига, тасвирдаги шахс гримда эди. Кузатаётган одамлар чилангарларнинг автомобиль рақамини эслаб қолишган. Демак, энди ўшани топиш зарур. Маълум бўлишича, машина тез таъмирлаш устахонасига тегишли бўлиб, ҳайдовчиси муҳожирлардан экан. Ҳайдовчи ҳақидаги маълумотлар Жан Полнинг столига қўйилди. Бу шахснинг исми-шарифи Вакил Ражабий экан.

Узоқ вақт Қобулда хусусий таксопаркда ишлаган, муҳожидлар давлат тепасига келгач, Францияга келиб қолган, лекин унинг шахсий фаолиятида сиёсатга доир масалалар бўлмаганлиги Жан Полни ўйлантириб қўйди. Уни қаттиқ назорат остига олиб, ҳар бир кадамини суратга тушира бошлашди. У ҳар куни ишга келар, топшириқларни ўз вақтида бажариб, усталарни турли жойларга олиб борар, лекин ҳозирча бирор шубҳали ҳаракатларни қилмасди.

Аммо машина ана шу фирмага тегишли бўлиши, чилангарлардан бири билан алоқаси борлиги гумон қилинаётгани сабабли кузатув давом эттириляётганди. Ходимлар тезда барча ишчи-хизматчилар ҳақида маълумотлар олишга эришдилар. Уларнинг аксарияти французлар бўлиб, ораларида муҳожирлар ҳам бор эди.

Нихоят, устанинг ёнида келган ёш йигитга чиқишди. У 1992 йили муҳожидлар давлат тепасига келганларида Афғонистон-

дан кетиб, шу ердан кўним топган экан. Аникланишича, Гулбиддин Ҳикматёр кўшинларида хизмат қилган бу йигит, ярадор бўлгач, бу ерга келиб қолган.

Нок суратга қараб, уни таниганлигини айтди. Энди чигилни ечиш мумкин эди, лекин Жан Поль ва Анри шошилишмасди. Энг асосийси, Ал-Ҳади билан учрашган одамнинг кимлигини билиш эди. Лекин на автомашина ҳайдовчиси, на у ҳеч ким билан учрашмасдан, ўз ишларини қилиб юришарди. Жан ва Анри таваккал қилишга мажбур бўлишди. Уларнинг кузатувга олинганларини айёрлик билан – атайин билдиришди.

– Ортимиздан одам қўйилганга ўхшайди, Ёқуб, – деди Вакил бир куни.

– Ҳа, бир неча машина доим бизни кузатиб юрибди. Кеча то ишни яқунламагунимизча биттаси турди, сўнг бошқаси келгач, ёмғирпўши ёқасини кўтариб, бизга имо қилиб кетди. Бугун унга яна кўзим тушди. Ким бўлишлари мумкин? Полициячилар эмас... Наҳотки, хавфсизлик хизматидан? У бизнинг бригадир билан гаплашиб турганини ҳам кўрдим, – деди Ёқуб.

– Бу гаплардан уни огоҳлантириб қўйсакмикин, – деди Вакил.

– Ҳожи аллақачон Париждан кетган. Қани, кўрайлик-чи, агар яна ўралашадиган бўлса, чорасини кўришга тўғри келади, – деди Ёқуб.

– Агар бирон ишқал чиқарсанг, бу мамлакатдан чиқиб кета олмаймиз, ўйлаб иш қил.

– Намунча? Чумчуқ пир этса, юрагинг шириллайди! Шусиз ҳам бизни кузатув остига олганлар.

– Нима қилмоқчисан? – деди Вакил.

– Агар қатъий чоралар кўришга мажбур бўлсак, мен қўлларига тирик тушмайман, сенинг эса ҳеч нарсадан хабаринг йўқ! Тушундингми?

Бу ҳийла ҳам натижасиз тугаётганини кўрган «Интерпол» раҳбарлари иккисини ҳам ётган жойларида ҳибсга олишга қарор қилишди.

Ҳайдовчи қаршиликсиз қўлга олинди, аммо Ёқуб қаршилик кўрсатди. Ходимлардан бирини оғир ярадор қилди, бор ўқларини отиб бўлгач, тўртинчи қаватдан ўзини ташлаб, ҳалок бўлди. Яра-

дор бўлган ходимни зудлик билан шифохонага олиб боришди, аммо шифокорлар унинг ҳаётини сақлаб қола олишмади.

Вакил «гўёки» ўзи билган бор нарсаларнинг ҳаммасини айтиб берди: ҳақиқатдан, Ёкубни кафетерийга олиб борганлиги, орадан бир соат ўтгач, улар икки киши бўлиб чиққани, иккинчисини умуман танимаслиги, бирон янги ходим деб ўйлагани, Вакилда қурол борлигини билмаслиги, у томонидан ҳеч қандай қонунбузарлик аломатлари содир этилмагани...

Жан Поль унинг сўзларига ўзини ишонгандек қилиб кўрсатиб, давом этди.

– Адвокат талаб қилишга келсак, албатта бунга ҳаққингиз бор. Лекин сиз ҳибсда эмассиз. Вақтинча, баъзи бир масалаларни аниқлаш учун олиб келингансиз. Агар ҳибсга олинганингизда, унда адвокат талаб қилишингиз мумкин эди. Аммо, адвокатларнинг хизмат ҳақлари жуда катта, унга етадиган пулингиз борми? Демак, Ёкубдан бошқа у одам ҳақида эшитмагансиз, шундайми?

– Ҳа, танимайман, биринчи кўришим, – деди Вакил.

– Майли, сизни ҳозир махсус аппаратурадан ўтказиб, жавобларингизни текшириб, сўнг чиқариб юборамиз. Бу ерга тушган одам қайтиб ўз одамлари ёнига бора олмайди – ҳаётдан чўчийди!

У шундай деб Эркинга имо килди:

– Нариги хонага олиб чиқ!

– Юр биродар... Ҳаётингга ачинмайдиган бўлсанг, аппаратурадан ўтказиб, қўйиб юборамиз. Лекин Ёкуб сенга нисбатан ақллироқ экан, ҳаммасини айтиб берди. Яхшилаб бир ўйлаб кўр, – деди Эркин у билан кетар экан форс тилида.

Вакил жойида такқа тўхтади.

– Ахир Ёкуб... тирик қўлга тушмайман, деган эди-ку?! У тирикми ҳали?! – кўзлари олайиб кетди унинг.

– Энди ўзингга келаяпсан, биродар, – деди Эркин кулимсираганича, Вакил эса ортиқча гапириб қўйганини, ўзини фош қилганини сезиб, индамай қолди.

– Сенга тўғри одам эканлигинг учун жоним ачигандан айтмоқдаман. Лекин, яна ўзинг биласан.

Жан Поль Эркиннинг гапларини тинглаб бош чайқаб кўяр, у эса баттар, худди образга кирган актёрдек Вакилни турли кийноқлар билан кўрkitарди.

– Биродар, ҳозирча менинг кўлимдан ҳеч нарса келмайди, лекин билганларингни айтиб берсанг, омон қолдиришларини бошлиқлардан илтимос қила оламан. Демак, сизлар кафетерийдан олиб чиққан одамнинг исми қанақа эди?

– Биз уни «Ҳожи соҳиб» деб чакирардик, исми-шарифини билмайман, худо урсин, – деди бир пайт Вакил. Жан ва Эркин кўз уриштириб олишди.

– Ҳўш, у... ким ўзи? Нима юмуш билан шуғулланади? Ҳозир қаерда?

– Онт ичиб айтаманки, қаерда эканлигини, билмайман! Ўзини ҳам бор-йўғи уч марта кўрганман. Лекин жуда яхши одам, ҳеч қачон бировни камситмайди, кўлидан келганича ёрдам қилади, ҳар замонда келиб, ишларимиздан хабар олиб туради. Ал-Ҳади, аслида, бошлиқ эмас, балки бош менеджер, хақиқий раҳбар эса – у! Ишнинг ҳаммасини Ҳожи соҳиб бажаради. Лекин у негадир... Париж ёки Амстердамга кам келади. Бир куни бу ҳақда Ал-Ҳадидан сўраган эдик – чунки у билан Ёқуб мустаҳкам алоқада бўлган, мен бир неча марта хизматларини қилганман, холос. Ҳожининг Европа мамлакатларида бир қанча компаниялари бор, бундан ташқари соҳиб бир неча ҳиссадорлик жамиятларига ҳам аъзо, уларнинг қимматли қоғозларини сотиб олган, шунинг учун хамиша сафарда. Бу сафар қандайдир... ҳа, ҳамкорлари билан учрашувга келар экан! Лекин у бир борган ерига бошқа бормайди. Шунинг учун Ёқуб доимо янги жой изларди, – деди Вакил.

Жан Поль Эркинга узоқдан туриб ўз блокнотидаги ёзувни кўрсатди. Унда, «Мана шу еридан муфассал ахборот олишга ҳаракат қилинг!» деган жумла бор эди.

– Айт-чи Вакил, у кимлар билан учрашарди?

– Менимча, кўпроқ араб миллатига мансуб ҳамкорлари билан учрашарди. Лекин мен янглишишим ҳам мумкин, чунки улар билан бир дастурхонда ўтирмаганман, фақат

узокдан... Ёкуб, тез-тез Европа мамлакатларига бориб келарди, шунда ҳам у факат шаҳар бўйлаб каерларга боргани, кимлар билан учрашгани ҳақида айтарди. Ҳожи соҳиб Парижга келадиган бўлса, биз тансоқчи вазифасини ўтардик. Ҳожи соҳиб бир ўзи келар, доимо ёнида кулфли дипломат бўларди. У одам Францияда бир-икки кундан ортик турмас, керакли одамлар билан тезда учрашиб, сўнг аэропорт ёки темирўл орқали кетарди. Факат бир марта, араб миллатига мансуб ҳамкорлари билан учрашуви тугагач, Ёкубнинг машинасида Лионга олиб бориб қўйганман, чунки унинг ўзи ўша пайтда Ҳожининг топшириғига биноан Голландияга учиб кетган эди.

Беш соатдан ортик суҳбатлашишди. лекин Ҳожининг нима ишлар билан шуғулланиши мавҳум бўлиб қолаверди. Вакил кўр-кўрона унинг хизматида бўлганлиги тобора аён бўла бошлагач эса сўрокни тўхтатишга мажбур бўлишди.

– Энди Ал-Ҳадини хибсга олиб, сўрок қилишимиз мумкинми? – деди Эркин Жан Полга соқчилар Вакилни олиб кетишгач.

– Унга қандай айб қўямиз?

– У Ҳожи билан алоқада бўлган, агар яхшилаб сиқувга олсак, кўп нарса аён бўлади.

– Сиз шундай ўйлайсизми? Йўқ, ҳали жуда эрта. Ал-Ҳади тўғри бизнес билан шуғулланади, солиқ тўловлари бўйича ҳеч қандай қарзи йўқ, наркотик ёки ноқонуний қурол савдоси билан машғул бўлгани эса ҳали тўлик исботланган эмас. Ҳар қандай адвокат тўлик исботини топган ҳужжат талаб қилади – гумонларга суяниб бировни хибсга олиш мумкин эмас. Ал-Ҳадига ўхшаганларнинг банкдаги ҳисоб рақамларида миллионлаб валюта жамғармаси бор, ҳар қандай адвокат эса пулга ўч. Дарров чиқариб олади. Дейлик, у судгача гаровда сакланиб турса-ю, айби исботланадиган бўлса, озодлиқда юрган шериклари нима қилиб бўлса ҳам уни йўқ қилади! Буни ҳам унутмаслик керак, – деди Жан Поль.

– Ҳа, Фарбий Европа давлатлари юриспруденциясига етгунча МДҲ давлатлари ҳали анча югуришлари керак.

– Бу ерда сиз қиладиган бошқа иш қолмади, Амстердамга қайтинг, гуруҳингизни тайёрлаб туринг. Ҳозир расомлар компьютерда Ҳожининг тасвирини тайёрлашмоқда, уларни кўпайтириб, зудликда ортингизга қайтинг, – деди Жан Поль Эркинга кетиш учун рухсат бераркан.

XX ФАСЛ ҚУРОЛ-ЯРОҒ ОРТИЛГАН КАРВОННИНГ МУСОДАРА ҚИЛИНИШИ

Эркин Амстердамга қайтиб келгач, гуруҳ аъзолари билан маслаҳатлашган ҳолда бўлажак ҳарбий операцияларга тайёр-гарлик кўра бошлади.

Бир куни улар пиво ичиш учун қаҳвахонага ташриф буюришди. Якшанба эди, қаҳвахона гавжум. Ҳамкасблар битта столни эгаллаб, пивога ва газакларга буюртма беришди. Коринлари оч эмас, фақат Анатолийнинг таклифи билан голланд пивосини ичишмоқчийди холос. Улар ўтирган столдан сал нарироқда арабларга ўхшаб кетадиган уч киши ўз тилларида гаплашиб ўтиришарди. Улар матросларга ўхшаб кийинган, ёқалари орасидан телняшкалари ҳам кўриниб турарди. Бунақа одамлар бундай қаҳвахоналарга онда-сонда киришар, кирганда ҳам кўп ўтиришмас, сигарета олибми ёки бирор нарса ичиб, тезда чиқиб кетишарди. Аммо, негадир булар бафуржа жойлашиб олишган, кетишга шошмасдилар.

Гапларини тушуниб бўлмасди. Улардан бири соатига тез-тез қараб қўяр, демак улар кимнидир кутишаётганди. Бироздан сўнг уларга яна бир киши келиб қўшилди. Эркин уни таниди, шерикларини аста туртиб, улар ўтирган тарафга ишора қилди. Бу Ал-Ҳади эди. Эркин гарчи араб тилини билмаса ҳам, узокдан туриб овоз ёзиб оладиган мосламани ишга туширди ва ўша тарафга тўғрилаб қўйди, эътиборни тортмасин учун устига газета ташлади. Улар бир соатча суҳбатлашганларидан сўнг, Ал-Ҳади хайрлашиб чиқиб кетди. Эркин Байерга уни кузатишни топширди, ўзи қаҳвахонада қолиб, имкони борича гаплашиб ўтирганларнинг барча сўзларини ёзиб олишга ҳаракат қилди. Эркинни уларнинг каерга боришлари кизиктирарди, шу сабабли уларни кузатишга аҳд қилди. Бироз чак-чаклашиб ўтиргач, улар кетишга шайланишди. Эркин чўнтагидан гульден¹ларни олиб, пиво ҳақини тўлади-да, дархол кўчага чиқди. Дам олиш куни бўлганлиги учун хизмат машинасини миниб

¹ Гульден – Голландия пул бирлиги.

чиқишмади, шубҳали одамлар ўтирган таксини кузатиб бориш учун бир автоуловни ёллашга мажбур бўлишди. Шульц ва Эркин уларни кузатиб боришди, қолганларга штаб-квартирага бориб, араб тилини биладиган таржимонларни топиб, ишга жалб этишни топширди.

Шубҳали шахслар ўтирган такси шаҳар чеккасига чиқиб, куюк ўрмонзор орасига – дарахтлар панасидаги бир шахсий уйга кириб кетишди. Уларни уйнинг зинасида бир одам кутиб олди. Улар ичкарига кириб кетиб, деярли уч соатдан сўнг қайтиб чиқишди.

Равиль шу куниёк Венага учиб бориб, узоқ масофадан ёзиб олиш хусусиятига эга мосламани штаб-квартирада – ахборот-таҳлил гуруҳида навбатчилик қилаётган ходимга топшириб, ёзувларни немис тилига таржима қилиб беришни илтимос қилди, у эса:

– Равиль, бугун якшанба бўлса, мен қаердан араб тилини биладиган таржимонни кидираман, қолдириб кета беринг, эртага мутахассислар келганида уларга бериб қўяман, – деди.

Равиль унинг эътирозларини тўғри қабул қилиб, кассетани қолдиришга мажбур бўлди. Аудиоёзувлар эртасига таржимонларга топшириларкан, Эркин билан Шульц зудликда Венага чақиртирилди. Шу кеча Париждан қайтган Жан Полга Эркин қаҳвахонадаги учрашувни айтиб берди.

– Қаердан бўлса ҳам, Нажибни топинглар, дарҳол бу жумлаларни таржима қилсин, – деб топшириқ берди у. Араб тилини мукамал биладиган Нажибнинг уйига кунғирок қилишди, ammo гўшакни ҳеч ким кўтармади. Унинг уйига навбатчи машинани юборишга мажбур бўлишди. Орадан озгина вақт ўтмай, Жан Поль Эркинга таржимонни қаердан бўлса ҳам топиб келишни буюрди. Эркин таржимонни топа олмай қайтиб келди. Таржимон оиласи билан бир оғайнисининг дала ховлисига кетган экан, уни топгунларича кеч тушди. Нажиб келиб араб жумлаларининг таржимасига ўтирди. Тасмада қўйидаги жумлалар бор эди.

– ... сизларнинг вазифангиз ана шу ананас ва ... омон-эсон манзилга..., шу ерда жумла узилган, – деди Нажиб.

– ... қачон сафарга..., – бундан бу ёғи ёзилмаган, – деди яна Нажиб.

– ... айтаман.

– Биз тайёрмиз. Кимнингдир хайрлашиб, чикиб кетаётгани пленкага аниқ тушганди. Лекин, улар ёлғиз қолишгандаги суҳбат аниқ ўз ифодасини топганди.

– Маъруф, у билан бериладиган мукофотни гаплашмадинг-ку, – деди биттаси.

– У ёғидан хотиржам бўлаверинглар, агар ана шу ананас ва бананларни манзилга вақтида етказиб борсак, ҳаммамиз пул остида қоламиз, – деди яна бирови.

– Бизлардан бир нарсани яшираётгани маълум бўлмоқда, Маъруф, – деди учинчиси.

– Тўғри, ҳали бир қарорга келмаганимиз учун сизларга оғиз очмаган эдим, мана буни кўраяпсанми? – деди афтидан Маъруф дегани.

– Ананас ва бананлар учун ким бизларга шунча ҳақ беради, бу пуллар Америка долларидами ахир, – деди яна бирови.

– Худди шундай, лекин юкка қизиқиш йўқ, шунда ҳаммаси окей¹ бўлади, тушундингларми? – деди яна Маъруф.

– Демак, бу юклар, аслида, ананас ва бананлар эмас экан-да?

– Сенинг нима ишинг бор?

– Улар нимага ортилган бўлади?

– Контейнерларга, Мутаваккил. Шу билан бўлиб ўтган суҳбат ўз якунини топиб, улар кўчага равона бўлишди.

Бу сўзларни эшитган Жан Поль дарҳол мсье Анрини йўқлатди ва гуруҳ аъзоларига ҳарбий ҳолат эълон қилди. Телефон орқали Анатолий билан Шульцга араблар яшаётган манзилга боришга кўрсатма берди, ўзи эса Лютер Вайсга кўнғирок қилиб, вазиятни тушунтирди. «Интерпол» раҳбари зудликда уйдан етиб келишини айтди, унгача ўша жойни кузатиш, ҳозирча ҳеч қандай ҳаракат қилмаслик, контейнерларнинг рақамини, кеманинг кимга қарашли эканлигини, қандай юк билан йўлга чиқишини, қайси портга ва кимнинг байроғи остида сафарга отланишини аниқлашни топширди. Орадан ярим соат

¹ Инглиз тилида «яхши» деган маънони беради.

ўтар-ўтмасдан осудалик ҳукм сураётган штаб-квартира худди бозорга ўхшаб кетди. Дарҳол, ананас ва бананлар билан боғлиқ шартномалар кўтарилиб, юк кимга қарашли эканлиги, каерга жўнатилиши, ижарага олинган кема ва ҳоказолар таҳлилдан ўтказила бошланди. Ниҳоят, жаҳон бозорида, асосан, ананас ва бананлар билан савдо қилувчи машҳур араб компанияси «Ар-Риёт» ва Покистоннинг «Барокат» фирмаси орасида тузилган шартнома ажратиб олинди. Дарҳақиқат, Мадагаскар ороллари байроғи остида юрадиган «Санта Мария» кемаси ижарага олингани ва унга ортилган юк Форс қўлтиғигача олиб боришга келишилгани аниқланди. Штаб-квартирада туни билан иш қайнади. Маълумотлар тўплангуча тонг ҳам ёришди. Эркин Амстердамга учиб келди, арабларнинг манзилини кузатаётган Анатолий ва Шульц билан ўрин алмашишга Равиль ҳамда Байерни юборди. Бу орада Шульц Эркин билан телефонда мунтазам гаплашиб турар, вазиятдан уни хабардор қилиб борарди. У охириги ахборотида кузатилаётган хоналардан ҳали ҳеч ким чиқмаганини айтганди.

Лютер Вайс дам олиш куни бўлишига қарамай, тунги соатларда ҳам ўз қўл остидагиларни шундай ишлатдики, зиммаларига шундай масъулиятли вазифаларни юкладдики, уларнинг ҳатто ҳожатхонага боришга ҳам қўллари тегмади. Ниҳоят, ахборотларда кўзда тутилган маршрут бўйича ҳаракатланадиган «Санта Мария» юк кемасининг координатлари аниқланди. Уни Жидда портида ҳам текшириб чиқиш мумкин эди, аммо ҳамма вақт эҳтиёткор бўлган Польш ва Анри буни маъқул билишмади.

– Герр Вайс, кема Жидда портида бундай қалтис юкни олишга ҳайиқади, чунки божхона кўригидан чўчишлари мумкин, шу сабабли бу ишни Қизил денгиз соҳилларида амалга оширишлари мумкин, агар кема капитани розилик берган бўлса, бу биринчидан. Иккинчидан, уларнинг маршрутлари Уммонга қарашли Масира оролларидадан ўтади, шунинг учун мен ва мсье Анри бошчилигидаги гуруҳлар зудликда Ҳиндистоннинг Аҳмадобод шаҳрига учиб боришлари шарт. Масира оролларида кучли қуролланган ҳарбий эскадра ва катерлар бўлиши жоиз, бўлмаса уларни қўлдан чиқариб юборишимиз эҳтимоли бор. Шу ерда БМТга қарашли

тинчликсевар кучлар жамланиши зарур, агар, ҳақиқатдан, ушбу кемада курол-яроғ бўлса, барча кема аъзолари ва юкларни ҳимоя қилиб кетаётган одамлар ҳибсга олиниб, бош штаб-квартирага келтирилиши зарур, шунда бу юклар ким томонидан юборилгани ва қайси мақсадлар учун мўлжаллангани маълум бўлади. Мсье Анри ҳам менинг фикримга қўшилади, Пўлатовнинг гуруҳи иштирокида хариталар билан буни каттиқ муҳокама қилдик, – деди Жан Поль.

– Жуда яхши, – деди Вайс, – ҳақиқатданам улар Жидда портида бундай юкларни ортишга ҳайиқадилар, агар бу курол-аслаҳалар бирор бир мамлакат тарафидан жаҳон андозаларига мувофиқ ҳолда харид қилинган бўлганида, буни яширинча қилишмасди. Мен сизларнинг фикр-мулоҳазаларингизга тўлиқ қўшиламан. Демак, бу пинҳона амалга оширилаётган операция, уни фош қилиш керак. Мен ҳозирнинг ўзидаёқ, БМТнинг Хавфсизлик Кенгашига чиқаман, бу маълумотларни етказаман, уларнинг розилигини олиб, сизларга тўлиқ шароит яратиб беришга ҳаракат қиламан, – деди-да, гўшакни кулоғига тутиб, қўнғирок қила бошлади. Тонг отиб қолган, лекин ҳали иш куни бошланмаганди. Бироздан сўнг:

– Эдуард Салананинг уйи, – деган жавоб эшитилди нариги томондан.

– Сизни «Интерпол» президенти безовта қиляпти, жаноб Салана билан гаплашмоқчи эдим, – деди Вайс.

– Ҳозир чақираман, – деди қоровул посбонлардан бири.

– Хелло¹, мистер² Вайс, эшитаман, – деди суҳбатдоши.

– Бир зарур масала юзасидан безовта қилмоқдаман, – деди Вайс.

– Тинчликми?

– Унчаликмас, шунинг учун сизга мурожаат қилишга мажбурман, мистер Салана...

– Тушдан сўнг вақт топаман, келинг, – деди Салана.

– Бу шунчалик зарурки, вақтни йўқотиб қўйишимиз мумкин, – деди Вайс.

¹ Хелло, инглизча «салом» деган маънони англатади.

² «Жаноб» деган маънони англатади.

– Шунчалик зарурми, – деди у, кейин анча ўйланиб туриш – майли уйимга кела қолинг, Вайс, – дея жавоб берди бироз но рози оҳангда.

– Мен кетдим, – деди «Интерпол» раҳбари ходимларига кетишга чоғланаркан, – унгача барча тайёргарликларни кўриб кўйинглар, мен унинг рухсатини олиб келаман. Демак, Масир оролларида кутиб олишга шай бўлиб туришимиз керак.

Ярим соатлар чамаси вақт ўтгач, у Салананинг Венадаги вилласига келди. Гарчи Хавфсизлик Кенгаши аъзоларининг қароргоҳлари Бельгияда жойлашган бўлса ҳам, Салана дам олиш кунлари ўз уйига – Венага келар. душанба кунлари бу ердаги филиалда бўлиб, сўнгра бош штаб-квартирага кетарди.

Вилла қоровули уни ҳеч бир монеъликсиз ўтказиб юборди, чунки унинг келиши тўғрисида огоҳлантирилганди. Вайс билан Салана анча йилдан бери таниш эдилар, ҳали у ер-ҳали бу ерда алангаланиб турган талотўпларни тинчителишга қаратилган саясий-ҳаракатлар уларни яқин ҳамкорларга айлантирганди. Шунинг учун Вайс тортиниб ўтирмай, хизматчиларнинг илтифот кўрсатишларини кутмай, тўғри унинг ишчи кабинетига қараб юрди. Улар қўл сиқишиб саломлашдилар.

– Мистер Салана, – тезда мақсадга ўтди Вайс, – биз анчадан бери афғон наркотиклари ортидан тушганмиз, лекин ҳозир габу у ҳақда эмас. Ана шу наркотиклар ҳисобига қурол-яроғ сотиш олинаётгани борасида шубҳа-гумонлар пайдо бўлди.

Вайс унга вазиятни қисқа ва лўнда қилиб тушунтирди. Салана на узоқ вақт ўйланиб қолди.

– Сиз айтаётган координатларда НАТО¹нинг тинчликсевар кучлари йўқ, бунинг учун Сомали қирғоқларидаги қароқчиларга қарши қурашувчи бўлинмаларни жалб этишга тўғри келади, мен ҳозир уларга топшириқ бераман. Хўш, яна нима хизмат – савол назари билан қаради унга жаноб Салана.

– Бизнинг ходимлар – ўн кишидан иборат одамларимиз Хиндистоннинг Аҳмадобод шаҳрига учиб боришлари ва у ердаги тинчликсевар кучлар билан ҳаракатларни мувофиқлаштиришга ҳолда операцияни амалга оширишлари зарур.

¹ Шимолий Атлантика блоки.

– Дехлида «Интерпол»нинг шўъба бўлинмаси бор-ку!

– Тўғри, лекин уларда тез юрар катерлар, вертолёту самолётлар йўк. Битта транспорт самолётида ходимларимиз Масира ороллариغا етиб олишлари керак, шу ёрдамингизни аямасангиз, илтимос, – Вайс ундан жавоб кутгандек бироз индамай турди, сўнг яна давом этди, – бўлмаса, наркотик ва ноқонуний курул савдоси билан шуғулланаётган халқаро террористларни қўлдан чиқариб юборишимиз мумкин. Салана вазиятнинг жиддийлигини дарҳол англаб ишга киришиб кетди, шу ернинг ўзидаёқ бир неча жойга кўнғироқ қилиб, «Интерпол» раҳбари кўтарган барча масалаларни ҳал қилиб берди. Вайснинг кетишга шошмаётганини кўриб:

– Хўш, яна нима? – деб сўради.

– Раҳмат, мистер Салана, ҳаммаси жойида, – деди миннатдор оҳангда Вайс.

– Операция натижалари ҳақида ахборот беришингизни эслатмасам ҳам бўлади-а!

– Албатта, бу ҳақда дарҳол БМТнинг Хавфсизлик Кенгашига, шахсан ўзингизга ахборот берамиз, жаноб Салана, – деди Вайс.

Поль билан Анрининг гаплари бир жойдан чикканига қарамай, барибир операцияни бажариш усуллари ҳақида бош котиришар, айрим масалалар муҳокамасида баҳслашиб ҳам олишарди. Мсье Анри:

– Ноқонуний курул билан савдо қилаётганларнинг барчасини ҳибсга олсак, бир ўқ билан икки куённи йикитамиз.

– Бу осон эмас, имкон беришмайди, чунки Саудия Арабистони «Интерпол» аъзоси эмас, иккинчидан, подшоҳ ҳукумати агар жиноятчилар уларнинг фуқароси бўлса, ҳеч қачон бизларга бермайди, тафтиш тугадими-йўкми, суриштириб ўтирмай дорга осиб юборади уларни. Учинчидан, терговга бирорта ҳам чет эллик инсонни яқинлаштирмайдилар. Ана шундай ҳолатларни ҳисобга олишга тўғри келади, мсье Анри, – деди Поль.

– Ҳа, ҳа, мен бу ҳолатларни назардан қочирибман, сиз ҳақсиз, аввал кемани қўлга олиш зарур, шундан сўнг керакли чораларни кўрамиз, – деди рози бўлгандек мсье Анри.

Бу пайтда Эркин раҳбарлигидаги гуруҳ сафар тараддудини кўриб бўлишганди. Фақат операцияга ким раҳбар этиб тайинланиши мавҳум эди. Иккала бўлинма бошлиқлари ҳам бу операцияда катнашиш истагида ёнишмоқда эди. Агар Вайс ёшига ва тажрибасига қараб танлайдиган бўлса, унда Жан Полнинг посангиси босиб кетар, агар ёш, иқтидорли, ўсиб келаётган кадрни танласа, унда гуруҳга мсье Анри бошлиқ этиб тайинланарди. Лекин Жанга бунинг аҳамияти йўқ. Мана ўн икки йилдан бери ана шу бошқарма мутахассиси сифатида хизмат қилиб келар, фаолиятини Буюк Британия сиёсий разведкаси «Интелиженс сикрет сервис» майори сифатида бошлаб «Интерпол»нинг генерали лавозимигача кўтарилганди. Лекин француз контрразведкасидан капитан унвони билан келган ГУНБФ¹ ходими мсье Анри учун барибир эмасди. Унинг учун бу операциянинг муваффақияти беқиёс аҳамият касб этарди.

Жан Поль асли француз миллатига мансуб, Сарбонна Университетида ўқиган, ёшлик йилларини ана шу «туманли альбион»да ўтказган, ҳарбий хизматни университетни тамомлагач бошлаган ва тез орада сиёсий разведканинг назарига тушган Поль шу идорага таклиф қилинганди. У мана шу ишни қойил қилиб бажариб, сўнгра истеъфога чиқиш учун рапорт бермоқчийди. Сабаби у тез орада эллик бешга тўлар, туғилган куни муносабати билан дўстларини дастурхонга таклиф қилишни кўнглига туғиб қўйганди. Вена унга она шахридек бўлиб қолган, шаҳар атрофидаги хушманзара ўрмонзор яқинида яхшигина дала ҳовлиси бор, ўша ерда оиласи билан яшарди. Қизи аллақачон бир дипломатга турмушга чиқиб, Африка давлатларидан бирида истиқомат қилар, ўғли ҳам университетда бирга ўқиган немис кизига уйланиб, ўша ерда илмий иш қилаётган, келини шириндан ширин икки эгизак қизалоқларни туғиб берганди. Улар алоҳида яшашар, эр-хотин ҳар дам олиш кунлари эгизакларни уйларига олиб келиб, ёш ота-онага бироз ҳордик чиқаришга имкон беришарди.

Ноконуний қурол-яроғ савдоси мсье Анри бошчилик қилаётган бошқармадан ўтар, бундан ташқари халқаро террористлар-

¹ Француз ташқи контрразведкаси.

ни кидирувчи гуруҳ ҳам мавжуд бўлиб, унинг мутахассислари ҳозирча бу операцияга жалб этилмаганди.

Икки соатча вақт ўтгач, Лютер Вайс штаб-квартирага қайтиб келди, ходимларига Дехли орқали Аҳмадободга учишни буюрди. Афтидан «Интерпол» раҳбари Жан Полни унинг тажрибасига суянган ҳолда, икки бошқарма томонидан амалга ошириладиган операцияга бошлиқ этиб тайинлаганди. Бу тез орада йигитларга маълум қилинди. Вайс бўлажак операцияга оид баъзи тушунтиришларни бериб, уларга оқ йўл тилаб қолди. Венадан Дехлига тўғри учадиган рейс бўлмаганлиги учун улар аввал Лондонга учишди, Хитроу аэропортидан эса Дехлига борадиган самолётга чиқишди.

Самолётга курул олиб кириш масаласи очик қолди, Вайс этиб боришгандан сўнг БМТнинг хавфсизлик хизмати ходимлари уларни курул билан таъминлашларини айтди. Аҳмадободга этиб боришга бир кеча-кундуз вақт сарф этишди. Уларни Дехли шаҳрида «Интерпол» филиалининг бошлиғи, Риджент Кумар соҳиб кутиб олди. Риджент Кумар Англиядаги ҳарбий ўқув даргоҳини битирган. Маълумки, 1947 йилгача Ҳиндистон Буюк Британиянинг мустамлакаси бўлган, мустақилликка эришгач ҳам бу икки давлат орасидаги алоқалар сақланиб қолганди. Риджентнинг отаси кўп йиллар Ҳиндистон армиясида хизмат қилган, генераллик унвонини олган, ҳозир эса истеъфода эди.

– Нега исмингиз инглизча? – деб сўради Жан Риджентдан.

– Бизларда инглизча номлар жуда сероб, деярли бир аср Буюк Британияга қул бўлганимиз асоратларидан бири бу, эҳтимол, отам менга шунинг учун шунақа ном қўйган бўлсалар керак, – деди у ҳижолатомуз кулимсираб.

Жан ортиқча тафсилотларни суриштириб ўтирмади, унинг ҳаёт йўли шахсий жидд орқали аввалдан таниш эди. Риджент инглиз тилини мукамал билар, инглизчада анча-мунча китобларни ўқиган, зиёли офицер эди. Улар кичик бир самолётда Аҳмадободдан Масира оролларига учиб боришди. Гарчи Уммон давлати «Интерпол» таркибига кирмаган бўлса ҳам, уларни маҳаллий хавфсизлик хизмати бошлиғи кутиб олиб, манзилга этиб боришлари учун барча шароитни яратиб берди.

Маълумки, Ҳиндистон ва Покистон узоқ вақтдан бери Кашмир провинциясини талашиб келишар, Ўзаро келишмовчиликлар кескин тус олгани боис ҳар икки мамлакат ўртасида қуролланиш пойгаси авж олган, бу давлатларнинг ҳар бири ядро қуролига эга эди. Кашмир баҳона турли ихтилофлар келиб чиқаверар, Покистон жангарилари томонидан бу вилоятда бир нечта террористик ҳаракатлар амалга оширилганди. Ўз навбатида Ҳиндистондаги баъзи экстремистик кучлар ҳам Покистон ҳудудларида ана шундай кўпуровчилик ҳаракатлари билан шуғулланишарди. Шундай хавф-хатарлар мавжуд бўлгани учун Вайс Ҳиндистоннинг Аҳмадобод шаҳридан Масира оролларига етиб бориш учун ҳарбий самолётга буюртма берган, улар шаҳарга қўнишлари билан самолёт ва унинг экипажи тўлик улар ихтиёрига берилгани ҳақида ахборот олишди. БМТ Хавфсизлик Кенгаши Уммон давлати билан келишган, фақат операцияни сир тутган ҳолда, мамлакатнинг тегишли идораларига мақсадларини баён этишган, яъни бу кемада халқаро террористик гуруҳ аъзоси бўлиши мумкинлиги ҳақидагина ахборот беришганди. Уммон БМТ томонидан кўп бора қўллаб-қувватлангани учун ҳам ҳукумат Масира оролларида шундай операцияни амалга оширишга рухсат берганди.

Масира худуди унча катта бўлмаган орол эди. Узунлиги тахминан ўн беш чақирим, кенлиги ҳам худди шундай. Иқтисодий жиҳатдан анча ривожланган бу орол асосан сайёҳлик тизимининг яхши йўлга қўйилгани ҳисобига тараққий топганди. Бу ерда иккита ҳашаматли меҳмонхона, шунга яраша инфратузилмалар мавжуд, турли ресторан ва кафелар ишлаб турар, дунёнинг барча неъматлари топиларди. Дунёнинг жаннатмонанд бир бурчаги саналган оролни сайр этиш Эркиннинг гуруҳига насиб қилмади. Улар дарҳол денгизга чиқишга мажбур бўлишди, сабаби «Санта Мария» параходи Қизил денгиздан Араб денгизига ўтган ва Покистоннинг Карачи порти сари кетмоқда эди...

* * *

Бу вақт Венадаги штаб-квартирада иш қизғин бўлиб, Лютер Вайснинг кабинетига тўпланган турли бошқарма вакилла-

ри йиғилган маълумотларни у билан муҳокама қилишаётган эди. Ахборот-таҳлил бошқармасининг маълумотларига қараганда, жаҳон бозорида ананас ва бананлар билан савдо қилувчи машҳур араб компанияси «Ар-Риёт» ва Покистоннинг «Барокат» фирмаларининг қурол-яроғ ва наркотиклар савдосига аралашганлари аниқланмаган. Ундан ташқари, бу компания ва фирмалар ўз соҳалари бўйича жаҳон бозорида етакчи ўринларни эгаллаб келаётганлари таъкидланган.

– Наҳотки, шундай нуфузли компанияларнинг ушбу ишларга алоқаси бўлса, – деди ўз-ўзига савол бергандек Вайс.

– Билмадим, герр Вайс, – деди ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи, полковник сэр Никсон.

– Агар шу маълумотлар тасдиқланса, уларнинг бор мол-мулклари, пуллари тортиб олиниб, хонавайрон бўлишади.

– Афтидан, ташкилотларнинг раҳбарлари бу ишдан воқиф бўлмасалар керак, негаки, бу хилдаги ишларга бош қўшиш бутун жаҳон олдида бутунлай обрўни тўқишини улар яхши билдилар, албатта. Агар шундай қилсалар, улардан ҳамма мижозлар юз ўгиришлари табиийдир. Менимча, бу яширинча олиб борилаётган операция. Агар улар шу ишга бош-қош бўлганларида биз бундан аллақачон хабардор бўлардик, – деди сэр Никсон.

– Шунақага ўхшайди, Арчибалд... Сен яна бир марта жаҳон полицияси ахборотларини синчиклаб ўрганиб чик, агар бирор шубҳа-гумон туғилса, дарҳол мени хабардор қил, мен то операция якунланмагунча шу ерда бўламан, ҳатто уйга ҳам бормайман, чунки ҳозир ҳеч ким йўқ, кизим тукқан экан, хотиним унинг уйига, Дрезденга кетди.

– Хўш, нима топширик берасиз, герр, – сўради Никсон.

– Жан Поль билан уланиб, йиғилган ахборотлардан хабардор қилиб қўй, улар ҳозир Масира оролларида бўлишлари керак... Мен бироз дам оламан, қўшни хонада... Бирор янгилик бўлса, дарҳол уйғот, навбатчи офицерга ҳам айтиб қўйдим, – деди Вайс.

Орадан икки соатча вақт ўтгач, Жан Поль «Интерпол» президентиغا қўнғирок қилиб, режалаштирилган ишлар бўйича ахборот берди:

– Герр Вайс, бизларни Сомали кирғоқларидаги харбни кучлар кутиб олишди, барча керакли нарсаларни олдик. «Санта Мария» пароходи шу ерлардан тахминан бир ярим суткада кейин ўтар экан.

* * *

Йигирмата кирк тоннали контейнерга шартнома бўйича ананас банан, киви ва хурмо ортган «Санта Мария» денгизга чиқишг ошиқмоқда. У Жиддадан Карачи портига бориши, бу масофани ўн кунда босиб ўтиши зарур эди. Шу сабабли, бананлар хом узилганди. Ҳаво унча иссиқ эмас, ўттиз градус атрофида. Лекин, денгизга чиқилгандан сўнг шамол бўлиши мумкинлиги узоқ йиллашу кемани бошқариб келаётган шотландиялик Роберт Куманга вунинг ёрдамчиси Оуэн Кознларга маълум. Гарчи «Санта Мария» Мадагаскар ороллари байроғи остида сузиб юрган бўлса-да, эки паж, асосан, шотландияликлардан иборат, бундан ташқари бештвьетнамлик ва икки хитой ҳам бор эди.

Шу пайтгача, «Санта Мария», унинг капитани, ёрдамчиси боцмани ўз шаънларига доғ туширишмаган, асосан, ана шу компания ва фирманинг товарларини ташишар, капитанни иккала ташкилотдаги ҳамкорлари ҳам хурмат қилишарди.

Улар Жидда портидан тонг пайти жўнаб кетишди. Қизилденгиз сокин, чағалайлар сувга шўнғиб, ўз насибаларини терил олишмоқда. Куман Тангридан сафарни бехатар ўтишини сўраб ибодат қилиб кўйди.

– Бу галги юк жуда антиқа, шунча мевани Покистон компанияси қандай сотаркан, хайронман, – деди унинг ёнига келган ёрдамчиси Оуэн.

– Бу меваларнинг савдоси чакқондирки, кўп миқдорда олишгандир, – деди капитан. Унинг ўз хаёллари билан банд эканлигини кўрган Оуэн ўз жойига қайтди.

Жидда соҳилларидан тахминан йигирма мил йироклашган ларидан сўнг, чегарачиларнинг икки кўриқчи катери уларни қувиб ўтиб, пароходни исканжага олишди. Радист сигнални олгач, капитан ҳузурига чопиб келиб:

– Пароходни тўхтатиб, лангар ташлашни буюришяпти, – дедухабар қилди.

– Келаётган сигнални ўзим ҳам кўриб турибман, Роджер, – деди капитан – Уларнинг буйруқлари бажарилсин.

Икки катердан туширилган моторли қайиқлар тезлик билан пароходга яқинлашиб, денгиз чегарачилари кийимидаги офицерлар ҳамда кўзларига никоб тортиб, камуфуляж кийиб олган аскарлар палубага кўтарилишди:

– Капитан, сизнинг кемангизда наркотиклар олиб кетилаётгани ҳақида ахборот олинди, шунинг учун барча экипажни дарҳол катта каютага, яъни ошхона залига йиғишингизни илтимос қиламиз, – деди чегара қисм офицери. Капитан шошиб колганидан унинг исми ва фамилиясини ҳам суриштиргани йўқ ва шахсий таркибга ана шу талабни бажаришни буюрди.

– Жаноби офицер, биз тижорат кемасимиз, ундай нарсаларни олиб юрмаймиз, – деди чегарачилар олдига келган Оуэн.

– Шунга қарамай, биз кемада тинтув ўтказишимиз шарт. Капитан, одамларингизни олиб, катта каютага йиғинг, ҳамма йиғилсин, бирма-бир текшириб чиқамиз, – деди офицер.

– Начора, Оуэн, буйруқни бажаринг, – ноилоҳ хўрсинди капитан.

Катерлар пароход ёнига келиб тўхтади ва ўттизга яқин қора комбинзонли ишчилар пароходга кўтарилиб, бирин-кетин контейнерларни очиша бошлашди. Экипаж аъзолари катта каютада бўлганликлари учун – бу ҳолатни кўра олишмасди.

Офицер капитандан:

– Кемада қурол-яроғ борми? – деб сўради

– Ҳар қандай фуқаролик кемасида ҳам зарур миқдордаги қурол бўлиши назарда тутилган, яъни, иккита мерганлик милтиғи, капитан ва ёрдамчига бериладиган шахсий тўппончалар. Бундан бошқа қурол йўқ.

– Улар қаерда?

– Меники каютада, милтиқлар эса махсус сейфларда сақланади, – деди капитан.

– Мен уларни кўришим керак.

– Марҳамат, жаноби офицер, – деди капитан. Улар савдо кемасида кўзда тутилган қуролларни кўздан кечиришди, офицер уларнинг рақамларини солиштириб кўрди, сўнгра капитан

ва унинг ёрдамчисига бериладиган шахсий тўппончаларни ҳам текширувдан ўтказди.

– Яхши, сейфларни кулфланг.

Бу вақтда палубада тинтув авжига чиққан эди. Ўн беш дақиқа ўтгани йўқ, контейнерлар текширувдан ўтказиб бўлинди.

– Капитан, трюм ва бошқа юкларни текширдик... Энди экипаждан ўз каюталарини очишларини илтимос қиламан, – деди офицер.

Бу галати тинтувдан капитаннинг кўнгли ғаш бўлса ҳам, аммо расмий ҳукумат вакиллари билан тортишиб ўтирмай, барчага каюталарни очишни буюрди.

Офицер ва капитан биргаликда экипажнинг каюталарини кўриб чиқишди. Бу пайтда чегарачилар ҳам бу хоналарни тинтув қилаётган эдилар. Таомилга кўра, капитан ва унинг ёрдамчиси кема тинтув қилинаётганда гувоҳ сифатида қатнашишлари керак, чегарачи ёки божхона ходимлари уларнинг рухсатсиз тинтув ўткази олимайдилар. Ундан ташқари, бундай вазиятларда суднинг расмий қоғози ҳам бўлиши лозим, бироқ буларнинг ҳаммаси капитаннинг ёдидан кўтарилган, чунки бундай ҳодисага биринчи бор дуч келиши эди.

Лекин чегарачи ёки божхона ходимларининг биринчи талаби биланок капитан унга юкларни кўрсатиши кераклиги ҳам ана шу қонунларда қайд этилган. Агар кемада улар томонидан декларацияда кўрсатилмаган, жаҳон халқларига хавф солувчи юклар борлиги аниқланса, улар вақтинчалик мусодара қилинади, шундан сўнг суд қарори билан олиб кўйилади ва капитан, ёрдамчиси, экипаж аъзолари ҳибсга олинади. Бундай кемаларнинг ўзи ўша давлатнинг фойдасига мусодара қилиниб, экипаж аъзолари қайси мамлакат фуқаролари бўлишидан қатъи назар, уларни жинойт устида қўлга олган давлат авахталарида жазо муддатларини ўташарди. Бу ҳам ана шу қонунларда кўзда тутилган эди.

– Капитан, бизга берилган маълумот нотўғри бўлиб чиқди, узр. Аммо кемада бизларнинг беш кишидан иборат кўриқчиларимиз қолади, чунки Сомали қароқчилари юк кемаларига мун-

тазам ҳужум қилиб, экипажларни асир олаётгани хақидаги гаплардан хабардорсиз.

– Ҳа, ҳа, жаноби офицер, бу гап-сўзлардан хабардормиз, – деди капитан.

– Шу сабабли коммандос¹лардан ташкил топган, қуролланган посбонларни қўйишга мажбурмиз. Улар сизни то Карачи портигача кузатиб қўйишади. Уларнинг озиқ-овқатидан хабар олиб турсангиз бўлди.

– Кечирасиз, жаноби офицер, фуқаролик кемаларида қуролланган ҳарбийларнинг бўлиши жаҳон конвенциясига мувофиқман қилинган, мен бунга рухсат бера олмайман.

– Қарокчилар ҳужум қилишса-чи?

– «SOS» сигналини юбораман.

– Улгурмасангиз-чи?

– Нима бўлгандаям тақдирдан кўрамиз.

– Мана кўрсатма, мен кўрикчиларни қолдиришга мажбурман.

– Агар ҳукуматнинг расмий кўрсатмаси бўлса, олганим бўлсин, чунки кема эгаси бизлардан шуни талаб қилади, – деди капитан.

– Мана сизга кўрсатма, рейддан сўнг ҳисоботингиз билан топширасиз, – деди офицер.

– Майли, кўрсатмалари бўлса, қолишсин, лекин уларга каюта ажрата олмайман, чунки кемада бўш хона умуман йўқ, – норози бўлиб тўнғиллади капитан.

Офицер беш кишидан иборат, автоматик ва базуки гранатомётлари билан қуролланган кўрикчиларни қолдириб, уни пойлаб турган кичик моторли қайикка ўтирди-да, жўнаб кетди. Кўрикчилар юзларига ниқоб тортиб олишган, фақат кўзлари кўриниб турарди. Улар контейнерлар яқинидан жой олишиб, ўрнашдилар. Капитан муҳрларни текшириб чиқиб, ҳеч қандай бузилиш топмади ва сафарни давом эттирди. Кема лангарни кўтариб, тўлик курс билан тўлкинлар оша сузиб кетди.

Ҳаво яхши эди, Куман шу боис ҳам вақтинчалик тўхташ ўринини қоплаш мақсадида тезликни ошириб борар, мақсади Карачи портига ўз вақтида етиб бориш эди.

¹ Коммандос, махсус тайёргарликдан ўтган кўрикчи кишилар.

Кема бир ярим кунда Масира оролларида бўлиши керак, ундан сўнг эса тўғри Карачи портига бориб, лангар ташлайди ва юкларни Покистоннинг «Барокат» компаниясига топширади. Агар йўловчи юк топсалар, ижарачидан қўшимча ҳақ олишарди. Шунинг учун бунақа кезлар ҳар бир капитан дарҳол пормаъмурларига учрашар, қандай юк борлиги ва уни қаерга олиб бориш ҳақида маълумот олишарди. Бу одатий ҳол, маъмурлар ҳам келиб-кешиб турадиган кемаларни ҳисоблаб туришади, мўмайроқ пул келадиган юкларни чойчақа ҳисобига таниш капитанларга буриб юборишади.

Денгиз сокин, чағалайлар сувга шўнғиш машқларини давом эттириб, альбатрослар узун қанотларини ёзганларича парво қилишмоқда, кема олдида эса бир тўда дельфинлар сузиб боришаётир.

Масира оролларига бурилишган пайтда яна қўриқчи катерлар пайдо бўлишди. Улар бор сигналларини чалиб, «Санта Мария» пароходини лангар ташлашини талаб қилишди. Палубадан турган капитан ёрдамчисига:

– Бу рейс нақ шайтон ўйинига ўхшаб кетди... Яна нима бал бўлдийкин, бу ерларда умуман ҳарбий катерлар бўлмасди-ку – дея ҳайрат билдирди. – Тўхташга мажбурмиз, лангар ташлансин!

Бу ҳолатни кузатиб турган командослар дарҳол оёқ қалқиб, автоматларни капитан ва унинг ёрдамчиларига қараптишди:

– Лангар ташламайсиз! Тезликни ҳам камайтирманг! Олға фақат олға!

Бу – Маъруф эди.

– Мутаваккил, – деди у, – сен дарҳол радист олдига туш уни ҳибс қилиб, ушлаб тур! Оёқ-қўлини боғлаб қўй, акс ҳолда «SOS» сигналини бериб юборади.

Кема тазйиқ остида тезликни ошириб борар, лангар ташлашнинг ни хаёлига ҳам келтирмасди. Буни кўрган Жан Поль:

– Йирик калибрли пулемётлардан огоҳлантириш ўти очилсин, – деб буйруқ берди. «Санта Мария» кемаси олдида ўқлар каторлашиб, сувларни тўлқинлатиб юборди.

– Ҳой биродарлар, – деди капитан, – лангар ташламасак, баримиз ҳалок бўламиз, бу огохлантириш холос, агар тўхтамасак, илма-тешик қилиб юборишади, бу ахир ҳарбий кема эмас!

Бироқ боцманнинг олдида турган Мутаваккил тезликни камайтирмасликка ундайверди:

– Ҳе, энангни сани, капитан бўлган! Тезликни камайтирма, деб турибман-ку санга! Бир амаллаб улардан кутулиш керак!

– Кемада ҳеч қандай ноқонуний юк бўлмаса, нега тўхташга рухсат бермайсизлар, – деди капитан ёрдамчиси.

– Басир, бу шумқадамларни олиб бориб, бир каютага кама, бошимизни гаранг қилиб юборишади йўкса. Сенлар эса катерларга базукидан ўт очларинг, тез, тез!

«Санта Мария»нинг тезликни тобора ошириб бораётганини кўрган Жан Поль ҳам:

– Хужумга тайёрланинглар, – деган буйрукни беришга мажбур бўлди.

Катерлар пароходга анча яқинлашган пайтларида бир неча базукидан улар томон ўт очилди, лекин катерлар чап бера олишди. Эркин ва Шульцлар мерган милтиқларини олиб, кемадагиларни ўққа тутишди. Гранатомётли бир жангари кўкрагини ушлаб, ағдарилди. Қолганлари эса контейнерлар ортига яшириниб, автоматлардан пала-партиш ўқ уза бошлашди. Мерган милтиқдан отилган яна бир ўқ Маъруфни йикитди. Шундан сўнг жангарилар қаршилиқни тўхтатишди ва қуролларини бир чеккага қўйишиб, қўлларини кўтаришди.

Эркин ва унинг гуруҳи «Санта Мария» бортига кўтарилишди. Жангарилар ҳамон қўл кўтариб туришарди. Эркин уларга савол бериб кўрди, лекин улар ҳеч нарса тушунишгани йўқ.

– Капитан, капитан? – деб сўради Эркин. Бу савол жангариларга «етиб борди» шекилли, улар каюта томонга ишора қилишди. Эркин Шульц ва Анатолийларга капитан ва ёрдамчисини олиб келишни буюрди. Унгача иккинчи қайиқда келган «Интерпол» ходимлари жангариларнинг қўлларига кишан тақишни бошлашди.

– Капитан, нима учун лангар ташламадингиз, – деди немис тилида Шульц.

– Анови безорилар ҳалақит беришди, мен тўхташга буйруқ бергандим.

– Тушунарли. Сизнинг кемангизда қурол-яроғ олиб кетиладиганидан хабарингиз борми?

– Йўқ, йўқ, бу юк кемаси, унда фақат мевалар бор холос, ҳеч қандай қурол йўқ, жаноби офицер. Жидда шаҳри яқинида ҳам бизни текшириб кўришганди. Фақат унда наркотик қидиришган эди.

– Капитан, бизлар «Интерпол»данмиз, кемангизни тафтишдан ўтказамиз. Мана, суднинг қарори, танишиб, имзо чекинг, команда аъзолари ҳаммаси палубага чиқишсин, буйруқ беринг, – деди Эркин.

– Хўп бўлади, жаноби офицер, – деди капитан ва кўрсатма бериш учун «радиорубка»га тушиб кетди. У ерда боши ёрилган радист ҳушидан кетиб ётганди. Буни кўрган Куман ҳовлиқиб чиқиб келди-да, фельдшерни топтириб, Анатолий ҳамроҳлигида яна қайта тушиб кетди. Бироздан сўнг барча экипаж палубага йиғилди, радист эса, лазаретга жўнатилди.

Эркин пломбаларни узиш ҳақида буйруқ берди. Муҳр ва пломбалар экспертлар томонидан қоғоз халтачаларга солиниб, устидан муҳрланди, унга капитан, ёрдамчи ва боцман имзо чекишди. Шундан сўнг контейнерлар очилиб, мевалар солинган яшиклар бирин-кетин олинди. Равиль видоекамерани созлаб, барча жараёнларни тасвирга тушириб турди.

Биринчи контейнерда узун ҳарбий яшиклар бор экан, маркировкаси хитой тилида. Уларни очиб кўришганда, ҳар бирида ўн донадан гранатомётлар борлиги аниқланди. Бундай яшиклар ўн беш дона эди. Хуллас, кемадан 20 минг дона Калашников автомати, 500 та гранатомёт, Италияда ишлаб чиқарилган 15 минг дона граната, бир миллион дона автомат ўқлари ва мингта ПММ тўппончаси ва унинг ўқлари топилди.

Кемага Масира ороллари сари сузиш ҳақида буйруқ берилди. Эркин ва унинг гуруҳи кузатиб бориш учун кемада қолишди. Капитан, ёрдамчиси ва экипаж юз берган ишлардан тамом хангу манг эдилар.

Масира оролларида куруллар ҳарбий катерларга ортилиб, уларнинг бошлиқлари билан баённомалар тузилди. Капитан, унинг ёрдамчиси, боцманни Венага жўнатиш даркор эди. Тиррик қолган уч жангарини ҳам ўзлари билан олиб кетишга қарор қилишди. Жан Поль Венага қўнғироқ қилиб операция муваффақиятли ўтгани ҳақида Лютер Вайсга ахборот берди.

Вайс операцияда қатнашган одамларга миннатдорчилик билдирди ва талофотлар бўлмаганлигини эшитиб:

– Сиз бошқарган операцияда талофот бўлмаслигини билганим учун ҳам унга сизни раҳбар қилиб тайинлаган эдим, – деб қўйди. – Сизларни сабрсизлик билан кутаман, ҳозирча хайр.

* * *

Ҳибсга олинганлар билан «Интерпол» терговчилари шуғуллана бошлашди. Ал-Ҳади ҳам шу ерга келтирилган, унинг ҳисоб рақами музлатиб қўйилган эди. Лекин унинг ҳисобида борйўғи беш миллион АҚШ доллари борлиги маълум бўлди. Тафтишлар шуни кўрсатдики, у томонидан Пешовардаги «Абул Ҳасан» шахсий банкига йирик миқдорда маблағ ўтказилган экан. Лекин, бу пуллар наркотиклар савдосидан тушмаганлиги аён кўриниб турарди.

Терговчилар аввал Маъруф гуруҳидан тирик қолганларни сўроқ қилишди. Бироқ иккаласи ҳам бу ҳолатлар ҳақида дурустроқ маълумот бера олишмади. Баширнинг сўроқ чоғида айтган гаплари шу бўлди:

– Ҳақиқатдан бизлар, яъни Маъруф, Мутаваккил ва мен Ал-Ҳади билан пивоҳонада учрашганмиз, буни бўйнимга олишга тайёрман.

– Учрашишдан мақсад нима эди?

– Маъруф бизларни йиғиб, муҳим бир юкни Жиддадан Карачи портигача кузатиб боришимизни айтди, бунинг учун яхши ҳақ тўлашни ваъда қилди, бизлар рози бўлдик. Қандай юкни кузатиб боришимиз ҳақида лом-мим демади. Бу ҳақда сўраган эдик, ҳазиллашиб, така бўлсину, сут берсин, деди холос. Шундан сўнг тайёргарлик жараёни бошланди, лекин бу, асосан, қурол-яроғ эканлигини фараз қилгандик.

– Сизларга қанча хизмат ҳақи ваъда қилишганди? – савол берди терговчи.

– Ҳар биримизга 10 минг АҚШ доллари беришлари зарур эди, фақат юк манзилга етказилганда, – деди Башир.

– Мана бу суратдагиларга диққат билан эътибор беринг-чи, улар орасида сизга таниш одамлар йўқми? – терговчи шундай деб стол устига бир тўп сурат ташлади. Башир улар орасидан Ал-Ҳадининг суратини олди:

– Мана буниси бизлар билан пивохонада учрашган одам, қолганларини танимадим.

– Қарачи портида юкларни ким қабул қилиб олиши керак эди? – савол берди терговчи.

– Маъруфнинг айтишича, яна худди шундай операция амалга оширилиши керак эди: яъни чегарачилар кийимидаги одамлар кемани тўхтатиб, ундаги юкларни мусодара қилгандек номаълум тарафга олиб кетишлари зарур эди. Бизларга, кирғоққа етиб олиш учун резина кайик беришлари ва портга етказиб қўйишлари келишилганди. «Санта Мария» пароходи эса, экипажи билан портлатиб юборилиши керак эди, буни Маъруф гапиргандек бўлувди, чунки капитан ва унинг одамлари бизларни сотиб қўйишлари эҳтимолдан ҳоли эмасди, – деди Башир.

Терговчи уни камерага жўнатиб юборгач, мсье Анрининг хизмат хонасига кириб, уни дастлабки сўроқ баённомалари билан таништирди:

– Мсье Анри, мана бу квадратларда охирги йилда қанча юк кемалари ҳалокатга учраганлиги ҳақидаги маълумотлар зарур бўлиб қолди, – деди.

– Тушунарли, демак, қанча юк кемаси ҳалокатга учрагани аниқланса, Покистондаги террористик гуруҳларга қанча қурол етказиб берилганини тахминан ҳисоблаб чиқиш мумкин, мен сизни тўғри тушундимми, – деди Анри.

– Ҳа, агар шу маълумотларни олсак, шунга қараб кимларга қурол етказиб берилаётгани ҳақида мулоҳаза қилса бўлар... Бундай катта миқдордаги уруш аслаҳалари қандайдир бошқа мақсадлар билан захира қилинаётган бўлиши керак, чунки террористлар, одатда, кўпчилик бўлиб ҳаракат қилмайдилар, бун-

ча қуролнинг уларга ҳожати йўқ. Бу ерда бошқа сир борлигига аминман, – деди терговчи.

Худди шу пайт хонага Жан Польш кириб келди. Терговчи ҳозирги мулоҳазаларини такрор айтишга мажбур бўлди. «Интерпол»нинг икки раҳбари бу масала жиддий ўйлаб кўришга лойик эканини тан олишди.

Мсье Анри ахборот-таҳлил бошқармаси билан селектор орқали боғланди ва терговчига тахминлари бўйича маълумот тўплаб, ҳузурига киришни топширди, чунки терговчилар бундай ахборотни бу бошқармадан талаб қилишлари мумкин эмасди. Фақат президент ва унинг учта муовинларигина бу каби ахборотларни эркин олишга ҳақли эдилар холос.

– Ҳа, бизнинг олдимизга жуда жиддий муаммони қўйдингиз, – деди Анри терговчига. – Бориб ишингизни қила беринг, маълумот олиниши билан чақиртираман.

– Дарҳақиқат, агар шундай маълумотлар бўлса, таҳлил қилиб, бирор хулосага келиш мумкин, мсье Анри, – деди Жан Польш.

– Қурол етказиб бераётганлар бу ишни сир сақлаш мақсадида барча ашёвий далилларни йўқ қилганлар, деб ўйлайсизми?

– Бу ҳам ҳақиқатдан узоқ эмас, – деди Польш. Улар бўлажак ишларни муҳокама қилиб ўтирганларида котиба киз селектор орқали:

– Мсье Анри, қабулингизга сэр Струвье келди, чақиртирган экансиз, – деди.

Бу одам ахборот-таҳлил гуруҳининг етакчи мутахассисларидан бўлиб, денгиз, океан, умуман сув ҳавзаларидаги фавқуллодда ишлар ҳамда кема ҳалокатлари билан боғлиқ ишларга масъул эди, унинг акаси эса БМТда наркотик моддаларнинг транзити масалалари билан шуғулланарди.

– Дарҳол кирсин.

Сэр Струвье асли ирландиялик бўлиб, келиб чиқиши рус дворянларидан. 1917 йилги давлат тўнтаришидан сўнг бобоси полковник Струвье Деникин қўшинларида зобит бўлиб хизмат қилган, мағлубиятга учрашгандан кейин Буюк Британия оролларида паноҳ топишган, у шу ерда туғилиб ўсган, Оксфорд

университетининг юридик куллиётини тугатиб, бир қанча вақт адлия органларида ишлаган, кейинчалик «Интерпол»га олинганди.

Хонада Анридан ташкари яна бир муовин ўтирганини кўрган Струвье бироз тўхтаб қолди.

– Кираверинг Струвье, маълумотингиз иккимиз учун ҳам жуда қизиқ, – деди Анри.

Струвье жилдни очиб, стол устига ана шу регионда ҳалокатга учраган юк кемалари бўйича ахборот битилган қоғозни қўйди. Унда, айти ани шу квадратларда учта юк кемаси ҳалокатга учрагани, улар қайси давлатларга тегишли экани, ижарага олган компания ва фирмалар рўйхати батафсил кўрсатилганди. Ҳалокатга учраган кемалардан бирорта одам ҳам қутулиб қолмаганлиги ҳақидаги жумлаларнинг тагига қизил қалам билан чизилиб, каттагина сўроқ белгиси қўйилганини кўрган Анри савол назари билан қаради, Струвье эса буни шундай изоҳлади:

– Мен атайлаб шу жумла остига чизиб қўйдим, чунки бу воқеалар Карачи портидан жуда узоқ борса 20-40 мил масофада бўлиб ўтган, аммо сув юзидан бирорта мурда топилмаган. Демак, экипаж аъзолари бирор жойга камалган ёхуд каюталаридан чиқишларига йўл қўйилмаган. Унинг устига, кема ҳалокатга учраши учун бирорта табиий офат, кучли тўлқин бўлиши зарур, лекин об-ҳаво бюросининг маълумотларига қараганда ўша кунлар осойишталик эди.

– Юклар хусусида нима дейсиз?

– Ҳаммаси фрахт¹ қилинган кемалар, юклари халқ истеъмоли товарлари бўлган, ҳеч қандай қурол ёки наркотиклар бу кемаларда бўлмаган, – деди Струвье.

– Агар халқ истеъмоли товарлари бўлса, кема портлаган вақтда, ҳеч бўлмаса, бирорта контейнер ёки қайсидир товар солинган яшиқ сув юзига қалқиб чиқиши керак эди-ку, – деди Жан Поль.

– Минг афсуски, бундай маълумотлар менда йўқ. Демак, яна қўшимча маълумотлар йиғишим керак... Мен ҳозирок бу хилда-

¹ Ижарага олинган кемалар.

ги ахборотларни қидириб кўраман – Струвье шундай деб чиқиб кетди.

Улар олинган ахборотни яна таҳлил қила бошлашди. Бу кемаларнинг сиғими «Санта Мария»га нисбатан тоннаж бўйича ортиклигига эътибор беришди:

– Падарига лаънат, нима, бу террористлар ҳужумими ёки бут козонлари портлаганми, Жан? – деб сўради Анри.

– Агар буғ козонлари портласа, «SOS» сигнали беришга улгурган бўлишарди, ҳеч шубҳа йўқки, бу ерда террорчиларнинг қўли бор, – деди Жан Поль. – Кемаларда юк ана шу квадратларгача олиб борилган, ундан сўнг катерларга ортилган, экипаж трюмга камалган. Шундан сўнг маълум соатдан кейин портлайдиган миналар ўрнатилган-да, лангарлар тушириб қўйилган. Қарабсизки, вақти-соати келганда, «бабах!» бўлиб турибди-да!

Улар келтирган маълумотлар президентни ҳам чуқур ўйга толдирди.

– Жаноблар, – деди Лютер Вайс, – бу ходисалар, очиғини айтсам, менга сира ёқмай турибди. Сиз тўғри айтасиз, террористларга бунча қуролнинг кераги йўқ... Бу ишларнинг ҳаммасидан яна битта урушнинг хиди келиб турибди. Албатта, денгиз хавфсизлиги идораларидан барча мавжуд маълумотларни олишга ҳаракат қиламиз, лекин назаримда, Покистонда қандайдир кучлар ё давлат тўнтаришига, ёки урушга тайёргарлик кўраётган бўлсалар керак. Мен, албатта, АҚШ давлат департаментидан, турли давлатлардаги разведка ташкилотларидан суриштириб кўраман. Агар бирор янгилик эшитсам, сизларни хабардор қиламан, кейин шунга қараб бўлажак ишларимизни режалаштирамиз. Албатта, сиёсий разведкалар ҳамма гапни бизга айтишавермайди, лекин шундай бўлса ҳам, бир уриниб кўраман.

Навбат Ал-Ҳадига келган, терговчилар аввал аниқ маълумотларни олгач, уни сўроқ қилишга киришмоқчи эдилар. Сўроқда Жан Поль ҳам қатнашди, чунки наркотиклар бўйича ҳали бирор нарсани билишга олгани йўқ.

Ал-Ҳади қўлидаги кишан билан келиб, терговчининг қаршисига ўтирди. Жан Поль ҳам Ал-Ҳадининг ортидан кириб, орқасидан жой олди. Бу ҳолатларда сўроқ қилинаётган одам

мудом ҳадиксирар, бераётган кўрсатмаларини адаштириб юборарди, терговчи учун эса уларни солиштириб, чигалларни ечиш осон бўларди. Сўроқ шундай тартибда олиб борилдики, биринчи терговда фақат Ал-Ҳади ва Маъруф ўртасида кафетерийда бўлиб ўтган мулоқот ҳақида суриштирилди. Ундан кейин қу рол-яроғ савдоси, энг охирида эса наркотиклар транзити ҳақида савол-жавоб олиб бориш назарда тутилган эди.

– Пиво кафетерийсида кимлар билан учрашиб, нималарни гаплашгансизлар, шу ҳақда сўзлаб беринг, – деди терговчи.

– Жаноб терговчи, мен бундай кафетерийларда жуда кўпчилик билан учрашиб тураман, сиз кимни сўраяпсиз, қайдан билай...

– Бундан икки ҳафта олдин, якшанба куни, сиз маслакдошларингиз Маъруф, Мутаваккил ва Баширлар билан Амстердам шаҳридаги пиво кафетерийсида учрашгансиз, бу ҳақда уларнинг кўрсатмаси бор, ундан ташқари овозларингиз ёзилган кассетта ҳам бор. Экспертлар уни таҳлил қилиб, ана шу овозлардан бири сизга тегишли эканлигини тасдиқлашди, мана уларнинг хулосаси, – деди Ларсон.

– Жаноб терговчи, – деди Ал-Ҳади экспертлар хулосасини ўқиб ҳам ўтирмай, – бундай қоғозларни тўлдириш унчалик кийинмас, «Интерпол»нинг бунақа ишларга жуда устаси фаранг бўлиб кетганлигини ҳам яхши биламиз. Ўзингизни қийнаб ўтирманг, мен Маъруф деган одамни умуман танимайман, у билан учрашмаганман ҳам, – деди Ал-Ҳади.

– Яхши, сизни улар билан юзлаштирамиз, шунда ҳам тонингиз мумкинмикин... Ўн учинчи камерадагиларни олиб келинг, фақат битта-биттадан киритасизлар, – деди терговчи.

Бу камерада фақат ана шу уч жангари ҳибсда сақланаётган, уларни кўп нарсаларни билмасликлари учун яна бирлаштиришган, деворга эса микрофонлар ўрнатилган ва улар айтган ҳар бир сўз таҳлилдан ўтказилаётганди. Ларсон аввал Баширни олиб келишни назоратчига тайинлаб қўйганди.

– Исмингиз, отангизнинг исмлари қандай?

– Башир Аваз ўғли, – жавоб берди банди.

Ларсон назоратчига:

– Кишанларини ечинг, – деб кўрсатма берди. Кишанлар ечилиб, банди ўтиргач у сўроқни бошлади:

– Хўш, махбус қаршингизда ўтирган одамни танийсизми, у билан каерда учрашгансиз ва нима ҳақида гаплашгансизлар?

– Бизлар бу одам билан Амстердамдаги пивохонада учрашганмиз, у аллақандай юкларни Жидда шаҳридан Карачи портигача кузатиб боришимиз кераклиги ҳақида топшириқ берди. мукофотига юклар топширилгандан сўнг ҳар биримизга ўн мингдан беришга ваъда қилди, – деди Башир.

– Ҳозир ҳам инкор этасизми, Ал-Ҳади?

– Ҳа, инкор этаман. Бу одам билан ҳақиқатдан ана шу пивохонада учрашганман, аммо ундан кейинги ҳамма гаплари ёлғон! Энди бирорта саволингизга адвокат келмагунча жавоб бермайман, – деди Ал-Ҳади.

Европа мамлакатларида адвокат ҳузурида қилинган сўроқ баённомасигина ҳақиқий ҳисобланади, суд фақат шуни инобатга олади, бошқа баённомалар ҳеч қандай юридик асосга эга эмас. Адвокатларнинг эса ҳар бир иш соати нархи юз доллардан минг долларгача. Номи чиққан адвокатлар соатига минг АҚШ долларигача олишади, лекин улар бандини гаров асосида, мамлакатни тарк этмаслик, биринчи чақирув билан судга келиш каби шартлар билан озод қилиб юбориш имконига эгадирлар. Гаровга озод қилинган фуқароларнинг аксарияти судга келишади.

Бирок Ал-Ҳадига ўхшаб наркотик ва ноқонуний қуроладоси билан шуғулланадиган жинойтчилар бунақа пайтларда қалбаки паспортлар билан мамлакат ҳудудини тарк этишар, шундан кейин уларга халқаро кидирув эълон қилиниб, оворабўлиб юриларди.

– Ал-Ҳади, адвокат талаб қилишга ҳақлисиз, – деди терговчи ва кўнғироқни босиб, назоратчини чақирди-да: – Олиб чиқинг, – деб кўрсатма берди. – Ўзи шундоғам биринчи сўроқни адвокатсиз ўтказиб, қонунни буздик. Ўзимизни ҳам айбдор қилишмасая эди.

– Кўркманг, агар шундай бўлса, сизни ўз бўлинмамга оламан, – деди уни тинчлантириш учун Жан Поль.

– Кечирасиз, Поль, мен тўппонча кўтариб, наркотик ва ку-рол сотадиганларга қарши курашиш ёшидан ўтганман, – деди асабийлашиб терговчи. Гап шундаки, Жан ва Анри биринчи сўрокни адвокатсиз ўтказишга Ларсонни кўндиришган, рози-лик олиш учун ҳатто президентнинг олдидан ҳам ўтишганди.

– Мсье Поль, Башир ва унинг ҳамтовоқлари курулли қарши-лик кўрсатганлари, паромда ноқонуний уруш куруллари яшир-ганлари учун жазоларини оладилар, бу ишни бемалол Гаага трибуналига юборишимиз мумкин. Аммо, Ал-Ҳадини қандай қилиб гапиртириш ва зарур кўрсатмаларини олиш муаммоси бор, мана шуниси мушкул иш, айниқса, адвокатлар олдида. Га-ров маблағини ана шу тўдага оид одамлар тўлайди деб ўйлай-сиз-да... Йўқ, улар бунга асло йўл қўймайдилар, бирорта қонун-ни бузмай, холис иш юритаётган бизнес намојандаси тўлайди, уни шунга мажбур қилишади. Унинг устига, Ал-Ҳадига қўй-илган гумон ва шубҳалар далил-исбот билан қувватланмаса (ҳозир жараён шунга қараб кетмоқда), унда Гаага трибуналига юборилиши ҳам халқаро юриспруденцияни қўпол равишда бу-зиш бўлади, трибунал уни кўришга қабул қилмайди ҳам.

– Ҳа, бунинг оқибатларини ўйлаб кўрмагандик, – деди аф-суслангандек бўлиб Жан Поль. – Айтгандек, жаноби Ларсон, бизда кўшимча маълумотлар бор, буни ҳам бир кўрсангиз бўларди, – деди Жан Поль.

– Нима гаплар бор экан?

– Ал-Ҳади ўз ҳисоб рақамидаги маблағлардан 71 миллион долларини Пешовардаги «Абул Ҳасан» шахсий банкига ўтказ-ган, бунинг сабабини аниқласак, муаммо ўз-ўзидан ҳал бўлади.

– Бу маблағлар ҳалол йўл билан топилган, бу ерда ҳеч қан-дай криминал ҳолат йўқ, ҳаммаси пахта толасини сотишдан келган, бу – биринчидан. Иккинчиси шуки, ҳар қандай одам ҳам ўз шахсий пулини хоҳлаган кишисига бериши ҳам, ин-вестиция учун киритиши ҳам мумкин, яхшилаб текшириб кўрилса, худди шундай бўлиб чиқишига қафилман. Учинчи-дан, бу одамларни наркотик ёки курул савдоси билан шуғул-ланаётганлари ҳали сизнинг гумонингиз даражасидаги гап, бирорта далил-исботи йўқ, – деди сўзларини якунлаб Ларсон.

Унинг мулоҳазалари шундай жўяли эдики, Поль ҳеч қандай эътироз билдирилмай қолди.

– Токи сизлар тарозибосарлик ҳужжатлар тақдим этмагунингизча, мен расмий равишда узр сўраб, Ал-Ҳадини йигирма уч соатдан сўнг ҳибсдан озод қилишга мажбурман. Ана шу муддат ичида ҳеч бўлмаганда бирорта ноқонуний хатти-ҳаракатини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этишларингиз зарур. Солиқ тўлови бўйича бўлса ҳам майли! Энг яхшиси, бирорта одам наркотикларни шу ерга пахта тойлари орасида келтиргани, сўнгра тақсимлаб, таъминотчиларга етказгани ҳақидаги инкор этиб бўлмайдиган ҳужжат бўлса қанийди! Шунда уч ойгача терговни чўзиб туришга ҳақли бўлардингиз.

* * *

Тонг-саҳарда Жон Поль ва мсье Анрилар Венадан Амстердамга учиб келишди ва юзага келган вазиятдан Эркин ва унинг гуруҳини огоҳ қилишди. Бу ҳақиқатдан жуда мушкул муаммо эди. Шунда Равиль ўзича қандайдир қўшиқни мингиллаб айтганча икки қўлини худди маҳбуслар каби орқасига қилиб, у ёқдан бу ёққа юра бошлади. Унинг ҳаракатларини индамай, кузатиб ўтирган гуруҳ аъзоларига бу нарса эриш туюларди. Охир-оқибат шундоқ ҳам асабийлашиб турган Эркин:

– Нималарни мингиллаяпсан, жим ўтирсанг бўлмасмиди, – деб жеркиб берди. Равиль эса Ал-Ҳадининг омборхонаси ва офисининг чизмасини кўра бошлади.

– Дўстларим, миямдан бир фикр кетмай қолди, – деди у.

– Қани, қани, сир бўлмаса ўртоқлаш-чи, – деди Анатолий. Равиль тафаккурига келган фикр-мулоҳазаларини бирин-кетин изҳор қила бошлади. Эркин, Жан Поль, мсье Анри ва гуруҳ аъзолари оғизларини очганча, ниҳоят даражада ҳайрон бўлишиб, унинг гапларини эшитиб туришарди.

– Ҳа, бу гапларда жон бор, бизлар чегара қўшинларида хизмат қилганимизда, шундай яширинар эдикки, ҳатто ёнимиздан ўтиб кетаётганлар ҳам пайқай олишмасди, – деди Анатолий.

Эркин гуруҳга:

– Дарҳол тайёрланинглар, – деб буйруқ берди.

Равилдан бошқа ҳамма ўрнидан сакраб туриб, қора камуфляж кийимларни кийишга тушди.

– Ҳа, сенга нима қилди, ҳозирлигингни кўрмайсанми!

– Сиз, Пулатов бир нарсани эътиборга олмаясиз, ҳозир у ерга бориб бўлмайди, чунки офис ва омборхона муҳрланган ҳамма ёққа полиция ходимлари қўйилган. Бундай шароитда улар, агар офис ёки омборхонада бирор қимматли нарса яширилган бўлса, асло суқилмайдилар, чунки наркотик ва куролларга ихтисослашган итлар билан обдон назоратдан ўтказилган. Бу одамлар қоронғи тушишини пойлайдилар, унғача ҳаракат қилмайдилар, жаноби подполковник, – деди Равиль.

– Равиль, сени тукқан онангга тасанно, шу аклни берган отангга эса минг бор ташаккур, мен бу ҳолатни эътиборга олмабман, кечирасан, – деди Эркин.

Улар деярли соат саккизгача меҳмонхонада ўтириб, сўнгра орқа томондаги нарвондан тушишди ва кичик автобусга ўтириб, жўнаб кетишди. Уларнинг барчаси қора рангли камуфляж кийимида бўлишиб, фақат тўппончалар билан куролланишган эдилар.

Соат тўққизларда автобусни мўлжалланган манзилдан анча нарида тўхтатиб, қолган масофани пиёда ўтдилар.

Омборхона ва офис деярли бирлашиб кетган, десантчилар бир зумда черепицалар билан ёпилган офиснинг томига чиқиб, аста ҳовлига тушиб олишди. Бироздан сўнг офиснинг ички эшигини очиб, ичкарига киришди. Омборхонага Байер ва Анатолий ўрнашди, қолганлар эса офиснинг Ал-Ҳади ўтирадиган хонасига кириб, диван ва креслоларнинг ортига яширинишди. Ал-Ҳадининг ишчи кабинети кичик бўлгани билан, у ердан сауна, душ ва хатто бассейнга чиқилар экан. Бассейн сувга тўлдирилган, ундан нарида яна бир кичик хона бўлиб, ҳожатхона эканлиги кўриниб турарди.

Ҳаммаёқ жим-жит, бирор шарпа эшитилмайди. Десантчиларни уйку боса бошлади. Улар ачишиб кетаётган кўзларини ишқаб-ишқаб, уйқуни кочиришга ҳаракат қилишарди. Таҳминан, тунги соат иккиларда бир шарпа кўзга ташлангандек бўлди, уни пайқаб қолишганига сабаб фокарининг нури эди. Орадан

озгина вақт ўтгач, яна битта, сўнгра иккинчи фонар ҳам кўринди. Келаётганлар асталик билан ҳаракат қилишар, ҳар бирининг кўлида фонар бор эди. Улар Ал-Ҳадининг хонасидан ўтиб, саунага олиб борадиган йўлакка кириб кетишди. Эркин, гуруҳ аъзоларига сукут сақлаб туришни имо билан буюриб, кириб келганларнинг нима иш қилишларини кузатиб турди. Улардан биттаси таниш кўринди, чунки Ал-Ҳади фирмаси ходимларининг дастлабки сўроқлари шу ерда, офисда ўтказилган, шундан сўнг паспортлари мусодара қилиниб, шаҳарни тарк этишлари мумкин эмаслиги ҳақида тилхат олинганди. Бу иш бошқарувчи Али Ваққос бўлиб, у ўшанда ўзини бошқалардан баланд тутгани учун ҳам Эркиннинг ёдида қолганди.

«Меҳмонлар» саунага кириб, деворларни кўчира бошлашди.

– Бўлди, қолганини олиб ўтирма, ҳозир сейфни очаман, – деган гап айтилган чоғда десантчилар хужумга ташланишди. Шовкинни эшитган Байер ва Анатолийлар югуриб келишганди, Али Ваққос ва шериклари қўлларига кишан тақилган ҳолда, ерда думалаб ётишарди. Эркиннинг кўлидан шириллаб қон оқаётганини кўрган Шульц:

– Сизга нима бўлди, яраландингизми? – деб сўради.

– Йўқ, мана бу ит экан, билагимни тишлаб олди, – деди Эркин қонини тўхтатишга уриниб.

– Бу ерда аптечка бўлиши керак, – деди Шульц ва барча чирокларни ёқиб юборди.

Дарҳақиқат, аптечка бор экан, бир пасда Эркиннинг қонини йод билан тўхтатиб, билагини бинт билан танғиб боғлаб ташлашди. Шундан сўнг гуруҳ раҳбари Жан Полга қўнғирок қилиб, ўзлари билан камида учта холис гувоҳни олиб тезда етиб келишлари зарур эканлигини айтишди. Эркин Жан Полнинг огоҳлантиришларидан сўнг, эҳтиёткорлик билан ҳаракатландиган бўлиб қолганди. Биринчи тинтувда терговчилар, ходимлар саунага кирганлари билан оқ қайин дарахтидан қилинган деворларга унчалик эътибор беришмаган экан, бу ерда яширадиган жой йўқ деган фикрга бориб, вақтни ўтказмай хоналарни ва омборхоналарни тафтиш этиш билан шуғулланишганди.

Бир соат ўтгач, учта холис гувоҳ ҳамроҳлигида Жан Полиетиб келди. Мсье Анри эса улардан анча аввалроқ келиб, сейфни кўраётганди. Энди учала жиноятчининг қўлларида кишан юзларини пастга қаратиб ўтиришарди.

– Бу ерда нималар бор? – савол берди мсье Анри. Унинг сўзларини таржима қилиш керакмас эди, чунки ўғрилар немис тилини тушунишарди. Али Ваққос бўйнини кисди:

– Бу сейфда нималар борлигини ёлғиз худо билади, агар Ал-Ҳади билмаса, бошқа бандаларига маълум эмас.

Байер тинтув баённомасига гувоҳлар ва ўғриларнинг исми-шарифларини ёзиб:

– Бўлди, сейфни очишларингиз мумкин, – деди.

Сейф очилиб, ундан целлофан қоғозларга ўралган кукунсимон талқон олинди, афтидан, у героин эди. Шульц лабига олиб бориб, таъмини татиб кўрди ва:

– Героин! Тозасидан! – деб тасдиқлади.

Сейфдан, шунингдек, 20 минг АҚШ доллари, 15 минг Германия маркаси, 50 минг Голландия гульденлари олинди. Битта «ПММ» рус тўппончаси, иккита ўқдон ҳам топилиб, стол устига қўйилди. Бу жараён видеотасвирга туширилди. Қўлга тушганларни вақтинчалик Амстердам изоляторига камашди. Эрта билан тунги операция натижалари ҳақида Лютер Вайсга ахборот берилди.

– Зудлик билан Венага учинглар, – дея буюрди у, – Ал-Ҳадининг адвокатлари соат 12:00 да келиб, уни озод қилишга уриниб кўришмоқчи...

Лекин Венага биринчи самолёт соат 12:10 да учар экан, шунинг учун «Интерпол» раҳбари Ларсондан адвокатларни имкони борича чалғитиб, вақтни чўзиб туришини илтимос қилди.

Соат 12:00 да герр Файнбах деган адвокат пайдо бўлди ва Ал-Ҳадини – ноҳақ ҳибс қилганлари учун судга мурожаат қилиб терговчи Ларсонни ишидан ҳайдатаман, дея пўписа қилди:

– Бегуноҳ бир инсоннинг ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилган Сизни жинойи жавобгарликка тортиш керак!

– Герр Файнбах, «Интерпол» раҳбари Лютер Вайс шахсан сиз ва нотўғри ҳибсга олинган Ал-Ҳадидан узр сўраш, имкони

бўлса, бу жанжални ўзаро келишган ҳолда ёпди-ёпди қилиш та-
рафдоридирлар, – деди Ларсон.

Бу адвокатга кўпам ёкмаса-да, «Интерпол» раҳбарининг
шахсий узрини эшитиш учун бироз кутишга қарор қилди, чунки
герр Файнбах бу юкори мансабли одам ва халқаро жиноят-қи-
дирув органи билан алоқаларини тиклаб олиш ниятида юрган
эди, мана энди бунга қулай имконият туғилди.

Ал-Ҳади эса бу кулранг бинодан имкони борича тезроқ
чикиб кетиш ниятида. У умидвор нигоҳлар билан қайта-қайта
қарар, имо-ишора қилар, бироқ, Файнбах ўзини унинг имо-ишо-
раларини кўрмаганга солиб ўтирарди. Терговчи таклиф қилган
қаҳвани ичар экан, унинг кўнглидан: «Жуда яхши бўлди-да,
барча номи чиккан адлия ходимлари тилида мендан «Интер-
пол» президенти, герр Лютер Вайснинг шахсан ўзи узр сўрага-
ни дoston бўлади» деган гаплар ўтди. Шундан сўнг, у жаҳон ом-
мавий ахборот воситаларига интервью бериб, «Интерпол» хо-
димлари бир инсонни ноҳақ қамаганлари, бундай ҳолатлар бир
марта эмас, тез-тез юз бераётгани тўғрисида довуғ солади, бу
унга янада кучли обрў келтиради, кўрасизки, фаолиятида чакки
ўринлари бор барча бой-боёнлар шундан кейин унга мурожа-
ат қилишади. Бу ахир бойлик, асосийси эса пешқадам жаҳон
юристрлари орасидан мустаҳкам ўрин олиш дегани эмасми!

Терговчи Ларсон олдида уларнинг бинодан чикиб кетишлар-
и ёзилган рухсатнома тайёр турибди, фақат имзо чекилса бас.
Роса соат 13:10 да терговчининг хонасига Лютер Вайс, мсье
Анри, Жан Поль ва Эркинлар кириб келишди. Эркин Ал-Ҳади-
га:

– Соҳиб, қўлларингизни кўрсатинг, – деди. Ҳеч нарсани ту-
шунмаган Ал-Ҳади қўлларини чўзди. Эркин орқасида ушлаб
турган кишанни унинг қўлига такиб қўйди. Бу ҳолатни кўрган
адвокат Файнбах жонҳолатда:

– Жаноблар, сиз конунбузарлик қилаётибсиз! Мен сизлар-
нинг устингиздан Адлия вазирлигига шикоят қиламан! – деди.

– Бу одамнинг наркотик ва курол-яроғ билан ноқонуний ра-
вишда савдо қилганлиги тўлиқ ўз тасдиғини топди, – деб изоҳ
берди Эркин. – Герр адвокат, энди унинг иши билан халқаро

Гаага трибунали шуғулланади, агар ҳозир ҳам уни ҳимоя қилиш мақсадингиз бўлса, ишга киришишингиз мумкин.

У шундай деб тинтув баённомасидан бир нусхани унга тақдим этди.

Жан Поль кириб келган қамоқхона назоратчисига:

– Олиб чикинг, – деб кўрсатма берди.

Адвокат тинтув баённомасини ўқир экан, тобора пешонаси тиришар, «Интерпол» уни шунчалик «чув» туширганини ҳеч кечира олмасди. У:

– Демак, узр сўраш ҳақидаги гаплар бир ўйин экан-да! Бундай далиллар билан Ал-Ҳадини гаровга чиқариб бўлмайди.. Бунинг устига, бу жинойтларнинг миқёси ҳам баланд – халқаро! Яхшики, мен ҳали шартнома тузган эмасдим, – деди-да, шахт билан хонадан чиқиб кетди.

Бандилар алоҳида-алоҳида камераларга қамалди ва ҳақиқий тергов-суриштирув ишлари бошланиб кетди. Ночор қолган Ал-Ҳади инкор этиб бўлмас далиллар асосида кетма-кет қилган жинойтларини бўйнига ола бошлади, аммо терговчи Ҳожи ҳақида сўраши билан, сукут сақлаб, тескари қараб оларди. Ниҳоят, бир ойча ўтгач, Ларсон Ал-Ҳадининг олдига масалани қатъий қўйди:

– Агар умрбод қамоқ жазосига мубтало бўлишни хоҳламангиз, тергов билан ҳамкорлик қилинг, буни Гаага трибунали эътиборга олади, акс ҳолда умуман ёруғ дунёни кўрмайсиз.

– Агар Ҳожи ҳақида маълумот берсам-чи? – деди маҳбус.

– Айтдим-ку, унда тергов билан ҳамкорлик қилганингиз эътиборга олинади.

– Тергов билан ҳамкорлик қилишга мажбурман, илло бу заруриятдан қилинаётганини билиб турибман, билганларимни айтиб беришга розиман, фақат, ҳозир камерага борсам. Менга қалам, қоғоз беринглар, икки кун безовта қилманглар, барчасини ёзиб бераман. Лекин ҳозирдан айтиб қўяй: унинг ҳозир қаерда эканлигини билмайман. – деди Ал-Ҳади.

Терговчи Ларсон дарҳол бу ҳақда Лютер Вайсга ахборот берди. «Интерпол» штаб-квартирасида терговчилар фақат президентга буйсунар эдилар.

– Демак, у умидини узган, шу сабабли Ал-Ҳадига умрбод қамок жазосидан қутулиб қолишга имкон бермок зарур, – деди Вайс. – Лекин сизнинг биринчи вазифангиз бунча миқдордаги қурол нима учун тўпланаётганини аниқлаш. Агар, ана шунинг тагига етсангиз, мақсадимиз амалга ошди, деб ҳисоблаш мумкин. Ундан ташқари, наркотиклардан келадиган даромадлар қайси банкларга ўтказилган ва қандай мақсадларга сарф қилинганини билиб олсак ҳам яхши бўларди.

Мен бир ҳафта мобайнида турли давлатлардаги разведкаларнинг вакиллари билан учрашдим. Сизларга маълумки, улар ўз сирларини доим пинҳон тутишади, айниқса, «Интерпол»дан. Шундай бўлса-да, Исроилнинг «Моссад»идан олинган ахборот эътиборга лойиқ кўринади. Лекин Ҳожининг кирдикорларини бу ҳодисаларга боғлаш мумкинми, йўқми, ҳозирча бир нарса деёлмайман. Хулласи гап шундоқки, Пешовар атрофидаги ўн битта ҳарбий лагерда «Толибон ислом ҳаракати» деган радикал-экстремистик ҳаракатга асос солинган, дохийси Мулла Мухаммад Умар Охунд. Лекин, такрор айтаман, бу ҳаракат билан Ҳожининг алоқаси борми-йўқми, ҳозир аниқ эмас, чунки толиблар наркотик, спиртли ичимлик деган нарсаларга умуман қарши одамлар. Агар Ҳожи ҳозирги ҳукумат тарафидан берилган ваколат асосида ҳаракат қилаётган бўлса, унда нима учун бу ишлар пинҳона қилинмоқда, расмий равишда ҳам амалга ошириш мумкин эди-ку, деган ҳаёлларга бордим. Балки, қурол сотиб олиш учун маблағ йўқлиги учун бу ҳаракатлар яширин олиб борилаётгандир. Буларнинг ҳаммасини Ал-Ҳадидан билиб олиш мумкин.

– Бунча қурол-яроғнинг Ҳожига нима кераги бор, балким «Толибон»ни қуроллантириш учундир, – деб сўради Ларсон ўсмоқчилаб.

– Бўлиши мумкин эмас, жаноб терговчи, чунки у толибларни ҳаддан ташқари ёмон кўради. Доимо уларнинг ёпик, ҳеч ким билан алоқа қилмайдиган сиёсий куч бўлганлари, айниқса АҚШ билан, Европадаги давлатлар билан алоқа ўрнатишга, моддий ва маънавий ёрдам олиш каби ишларга тўсқинлик қилганлари учун сўкиб юради. Афғон халқини жаҳолатга тикади булар,

дейди. Бундан ташқари, совет-афғон уруши даврида мужоҳидларга, айниқса, Аҳмадшоҳ Маъсуд, Нодирӣ, Муҳаккикларга қурол етказиб берганимизни толиблар кечирмайдилар, чунки бу одамлар эртага толиблар Афғонистонга бостириб кирсалар, уларга қарши чиқишлари аниқ, – деб жавоб берди Ал-Ҳади.

– Агар Ҳожи толибларга қарши одам бўлса, нега унга шунча миқдорда қурол-яроғ керак бўлиб қолдӣкин, нима мақсадлар учун?

– Ҳожи – жуда уста одам, балким, агар толиблар афғон гупроғига ёриб кирсалар, қуролларни ватан ҳимоячиларига сотмоқчидир... Иккинчидан, бу нарсалар унга жуда арзон нархларда тақлиф қилинган бўлса, орада учинчи воситачи бор, у эса жаҳон миқёсида қидирилатган бўлиши эҳтимолдан холи эмас, шунинг учун ўша одамга ёрдам бериш мақсадида шу ишга қўл урган бўлиши мумкин. Учинчидан, нархлар паст бўлиб, бу ишдан мўмай даромад келса, Ҳожи бундай ишга, албатта, бош қўшади, лекин уни террористик гуруҳлар учун қурол-аслаҳа сотиб олаётганига умуман мени ишонтира олмайсизлар. Чунки, у бундай ишларга доимо қарши бўлган, унинг устига Ҳожининг ҳозирги афғон ҳукумати олдида жуда ҳурмати баланд.

Шу билан бугунги тергов ўз якунини топиб, маҳбус камерага қайтарилди. Ларсон жуда уста терговчи бўлиб, ўзига керакли вазият етилишини кутар, шундай вазият келганини ҳис қила олар, шундан кейин шахд билан ҳужум уюштириб, барча сирларни билиб олишга қодир эди. Шу билан бирга у тергов жараёнида қонун бузилишига йўл қўймасликка ҳаракат қилар, «Интерпол» раҳбарлари суриштирув-тергов жараёнида бирорта хатога йўл қўйган бўлсалар, бу ҳолатдан қандай чиқиб кетиш ҳақида доимо тўғри маслаҳатлар бериши билан бу идоранинг ишончини қозонган терговчилардан ҳисобланарди. У олиб борган тергов натижалари Гаага суди трибуналининг бирор марта ҳам эътирозига учрамаган, шу сабабли ҳатто идора раҳбари ҳам уни ҳурмат қиларди.

Кечки пайт Лютер Вайс барча муовинлари, бошқарма бошлиқларининг ўринбосарлари ва Эркинни ҳузурига тақлиф этиб,

йиғилиш қилди. Унда асосан амалга оширилган операция натижалари ва олдинда турган вазифалар ҳақида сўз кетди.

– Жаноблар, наркотик моддаларнинг сотилишидан олинган даромадлар қандайдир кучларни қуроллантириш учун сарфланаётгани маълум бўлди. Лекин, афсуски бизга ҳанузгача кўп нарсалар қоронғи. Шунинг учун, бу операцияни ниҳоясига етган деб бўлмайди. Мен манбасини айтиб ўтирмай, олинган бир ахборотни сизларга ошкор қилмоқчиман. Сиёсий разведкалардан бирининг маълумотларига қараганда, Пешовар атрофларидаги ўн битта ҳарбий лагерда «Толибон Ислом ҳаракати» деган ташкилот томонидан изчил ҳарбий машғулотлар олиб борилмоқда, аммо уларнинг мақсадлари ҳақида ишончли маълумотлар йўқ, балки улар Афғонистонга бостириб кириш учун пайт пойлаётгандирлар... Ёки бир вақтлар Дюранд чизиғи ичига кириб кетган ҳудудларни Покистондан тортиб олиш ниятидандирлар. Покистон раҳбарияти бу ҳолатларга жиддий қаршилик қилмаётибди, аксинча, бу давлатнинг ҳарбий инструкторлари мазкур ташкилотга доимий ёрдам бериб келаётибди, буни ҳам эътибордан четда қолдирмаслигимиз керак. БМТнинг хавфсизлик Кенгаши бизга ана шу масалаларни атрофлича таҳлил қилиш, инкор этиб бўлмайдиган далилларни топишдан иборат топширик берди.

– Хавфсизлик Кенгашининг ўзида қандай маълумотлар бор экан, – савол берди мсье Анри.

– Улар тақдим этган маълумотлар сизларга берилади, лекин улар ҳам биздан умидвор бўлиб туришибди. Штаб-квартиранинг кучи билан зарур маълумотларни йиғишимиз, таҳлил қилиб, сўнгра ўз хулосаларимизни тақдим қилишимиз зарур, мсье Анри, – деди Вайс.

– Тушундим, – деди қисқа қилиб Анри.

Президент мажлисни ёпиб:

– Жан Поль, мсье Анри ва Пулатов, қолинглар, бошқаларга жавоб, – деди.

– Жаноблар, – деди у ўзи айтган кишилар қолгач, – «Моссад»дан олинган маълумотларга қараганда, Покистон сарҳадларида жуда қудратли ҳарбий куч ҳозирланган, буни йиғилишда ҳам

қайд қилиб ўтдим. Бу ҳолатни наркотиклар операцияси билан боғлаб изоҳлаш, афсуски, мумкин эмас, чунки толиблар умуман гиёҳвандлик каби одатларга қарши маслакдаги одамлар... Кеч Ал-Ҳади тўлик маълумотларни беришга рози бўлибди. Мен ахборот-таҳлил бошқармасига ҳам топширик бердим, агар наркотик ва қуроллар келтирилиши бир-бирига боғлиқлигини исбот қила олсак, таҳлил қилиб, мақсадларини аниқлашимиз мумкин. Бу ҳақда қандай мулоҳазаларингиз бор?

– Энг аввало бу сирлардан Ал-Ҳадининг қанчалик хабардо эканлигини билишимиз зарур. Агар буни аниқласак, муамма анча ойдинлашади, шунинг учун уни яхшилаб сўроқ қилиш даркор. Тўғри, жаноб Ларсон ўз ишининг устаси бўлган терговчи, лекин сўроқ пайтида Поль ва мен ҳам иштирок этсак яхши бўларди, – деди мсье Анри.

– Шошаяспиз, мсье Анри, аввал Ал-Ҳади ёзиб берган тўшунтиришларни муҳокама қилиш зарур, балким унда биз учун қимматли бўлган маълумотлар йўқдир ҳам. Тўғри, у бевосита Ҳожининг кўрсатмаси билан иш қилгани аллақачон маълум бўлган, лекин шу йўл билан барча сирни очишимиз мумкинлиги эҳтимолдан йироқ, – деди Жан Поль.

– Сиз, Пўлатов, гуруҳингизни тайёрлаб тулинг! Агар Ал-Ҳади Ҳожининг изини топишга ярайдиган бирор маълумот берса дарҳол ўша давлатга боришга тўғри келади, чунки бу муаммонини очиш фақат унга боғлиқ бўлиб турибди. Шунинг учун у тири ҳолда Венада, менинг ҳузуримда бўлиши шарт, қайтариб айтиш таман, тирик ҳолда. Наркотиклардан келган даромадлар қайси мамлакатларнинг банкларида эканлигини аниқлашимиз зарур. Кейин шунга қараб, Хавфсизлик Кенгаши уларни музлатиш ҳаракатида бўлади, лекин бунга етарли асос зарур. Ҳа, ёдимда қандайдир чиқай дебди, денгиз хавфсизлиги идорасидан олинган хабарларга қараганда, 1994 йилда биз кўрсатган координатларда учта кема ғарқ бўлган. Бу ҳалокатлар теракт натижасида юз берган. Экспертлар тасдиқлашибди. Демак, уларда қурол-яроғ ташиланган, кемалар Карачи портига тахминан 20 – 40 мил масофа қолганда чўктирилган. Лекин ундан олдинги йилларда бундай ҳолат дисалар умуман қайд қилинмаган, шундан келиб чиқадики, қу

роллар Покистонга келтирилган. Яна шундай маълумотлар ҳам бор: Покистон ҳарбий доиралари жаҳондаги йирик металлургия компанияларига катта миқдорда металл буюртма берганлар, бунинг устига эски танк, бронетранспортёрларни куроллар каторидан чиқариб, яроғсиз деб топганлар. Лекин, улар заводга қайта юборилмаган. Бу нимадан дарак беради, аниқлашимиз керак. Нега яроғсиз деб топилган техникалар заводларга қайтарилмаган, нима учун улар ҳанузгача заҳирада сақлаб турилибди? Демак, кимгадир бу эски техникалар керак бўлиб колган, лекин кимга? Бу ҳам навбатдаги муаммо. Лекин асосий масала Ҳожини топиш, Пўлатов, сиз ва гуруҳингиз фақат шу иш билан шуғулланинглар! Йигитларингиз сафига Шульц ва Байерни ҳам кўшиб олинг.

Икки кун ичида ўз иши бўйича анча-мунча нарса қоралаган Ал-Ҳади яна терговчи Ларсон ҳузурига таклиф этилди. Унинг ёзганларида аҳамиятга молик тафсилотлар бор эди ва улар Жан ҳамда Анриларга етказилди. Айниқса, наркотикларнинг узоқ вақтдан бери пахта тойлари ичида транзит қилиниши, лекин уларнинг ҳисоб-китоби билан фақат Ҳожининг шахсан ўзи шуғуллангани, тола учун пул маблағлари эса у раҳбарлик қилаётган фирма ҳисоб рақамига тушиб турганлиги ҳақидаги маълумотлар муҳим эди. Яна битта асосий ҳолат – Ал-Ҳадини охириги марта куроллар жўнатишга мажбур қилган иш, қайсидир мамлакатда ана шу масалалар билан шуғулланаётган одамнинг тасодифан ҳалок бўлиши билан изоҳланади. Шу сабабли, Ҳожи Ал-Ҳадига телефон орқали шундай топшириқ берган ва у шу иш билан шуғулланишга мажбур бўлган, у пайтгача эса унинг вазифаси Амстердамга келтирилган пахта тойлари орасидан наркотикларни олиб, Лучи исмли шахсга беришдан иборат бўлган. У товар келиши билан маълум телефонга қўнғирок қилиб, Лучини чақираркан, унгача пахта тойлари орасидан наркотиклар олинар, шу ернинг ўзидаёқ қайта тойланаркан. У бу ишларни ўзининг ишонган одамлари билан амалга ошираркан. Лучининг бунча миқдордаги наркотикни қандай олиб чиқиб кетиши унинг учун ҳам сир экан. Ҳар доим битта ҳарбий юк машинаси келар, унга полиэтилен қоплардаги наркотиклар ор-

тилар, аскарлар кузатувида олиб кетилар экан. Яна бир мух
ахборот Ҳожининг ўз фарзандларини жуда яхши кўриши, ула
нинг камол топиши учун ҳеч нарсени аямаслиги ҳақидаги
лар эди.

– Лучининг исми-шарифини биласизми? – деб савол бер
терговчи.

– Йўқ.

– Мана бу суратларни кўриб чикинг, шу одамлар ораси
йўқми у ?

Ал-Ҳади уларни диққат билан кўриб, бош чайқади.

– Унинг миллати нима?

– Менимча итальян бўлса керак. Доим итальянча вальслар
хуштак қилиб чалиб юради, бу биринчидан, иккинчидан, у б
сухбатда Рим атрофларидан эканлигини беҳос айтиб юборга
ди, – деди.

Сўроқда қатнашаётган Жан Поль дарҳол ён дафтарчасига
маълумотни қайд қилиб қўйди.

– Сиз ким орқали Лучи билан танишганингиз тўғрисида х
нарсени ёзмагансиз, – деб сўради у.

– У билан бизни Парижда Ҳожи таништирган ва нарқ
тикларни унга берилиши ҳақида ҳам ўшанда келишиб олган
дик, – деб жавоб берди Ал-Ҳади.

– Энди, Ҳожи ва Лучининг ташқи қиёфасини таърифлаб бе
сангиз, ҳозир компьютер хонасига чикамиз.

Компьютерда ишлаётган мутахассис эшитганларидан кел
чиқиб Ҳожининг ташқи қиёфасини тиклашга ҳаракат қилар,
аснода Ал-Ҳадига ҳар дақиқа саволлар бсрарди:

– Қошлари қандай эди? Кўзларининг ранги қанақа эди?

– Ҳожининг кўзлари тим кўк рангли, шунинг учун у доим
ёзда қора, қиш фаслларида эса рангни алмаштириб кўрсатад
ган кўзойнак тақиб юради.

Нихоят, компьютерчи ҳар икки суратни принтердан чиқ
риб, уларга берди:

– Мен ҳозир уларни кўпайтариб қўяман, кейин кириб ол
кетарсизлар.

Яна тергов хонасига йиғилишди.

– Айтингчи Ал-Ҳади, Ҳожи бу одамнинг асл исмими ёки ҳаж сафарини адо этиб келгани учун шундай ном билан аталадими? Ўзи каерда туғилган?

– Асл исми-шарифини ҳеч ким билмайди, афтидан Помир тоғлари тарафда туғилган бўлса керак.

– Хўш, нега шундай фикрдасиз?

– Чунки ёшлигида мунтазам Помир тоғларида ов қилгани ҳақида кўп гапиради, жуда мароқ билан сўзлайди, – деди маҳбус, аммо унинг ниманидир сирни яшираётгани кўриниб турарди.

– Ал-Ҳади, – деди терговчи Ларсон, – сиз билан келишган-миз, агар ўз хоҳишингиз бўйича тергов билан ҳамкорлик олиб борсангизгина, мен сизга ёрдам бера оламан. Шунинг учун ҳеч нимани яширмай, бор гапни айтишингиз керак, акс ҳолда ўрта-миздаги оғзаки шартнома бекор қилинади.

Ал-Ҳади бир ух тортди-да, кўлини силтаб, яна сўзлай бошлади:

– Афғон мужоҳидлари ичида худди Ҳожига ўхшаш одам бор эди, ёшлари ҳам тенг. Бадахшонга, мен афғон Бадахшони ҳақида гапиряпман, Гарм вилоятидан кўчиб келган. У билан Ҳожи жуда қалин эди, яқин алоқада бўлиб, «ҳамшаҳарим» деб бир неча марта меҳмон ҳам қилганди. Биз ўша пайтларда Аҳмадшоҳ Маъсудга, бошқа дала командирларига қурол етказиб бериб юардик. Кейин ўша киши жанглардан бирида ҳалок бўлди. Ҳожи унинг жанозасида катнашиб, анча изтироб чекди.

– Сизнингча, улар Помирдан қачон кўчиб келганлар?

– Билмайман, соҳиб, – деди Ал-Ҳади.

– Нималарга қизиқишини-чи?

– У жуда кўп ўқийди, доимо араб имлосида ёзилган бирорта асарни ўзи билан олиб юради, ундан ташқари болаларига ҳаддан зиёд меҳр қўйган, бошқа ҳислатларини афсуски билмайман, – деб жавоб берди Ал-Ҳади.

– Хўп, яхши, энди Лучига келсак, бу унинг ҳақиқий исмими?

– Менимча ҳақиқий исми эмас, чунки ходимларидан бири уни «Лучано» деганини бир марта эшитганман, тагин билмадим.

Шу куннинг ўзидаёқ, «Интерпол»нинг Италиядаги филиалидан Лучи ҳақида маълумот олинди: «Лучано Бертини, 1951

йили Рим шаҳрида туғилган, отаси пойабзал фабрикасида ишчи, онаси эса хусусий боғчада тарбиячи бўлиб ишлаган. Ўзи бошланғич мактабни битиргач, бир муддат отаси билан ишлаган, сўнгра ҳарбий ўқув юртига кириб, офицер бўлган, Афғонистон мужоҳидларига инструкторлик ҳам қилган. Олинган сўнги маълумотларга қараганда, афғон героинини Европа мамлакатларида сотиш билан ҳам шуғулланган. Ҳамкорлари бўлмиш бир нечта наркотикфурушлар ҳибсга олингач, Италиядан чиқиб кетган. Унга Италия ва умумжаҳон қидируви эълон қилинган, лекин ҳанузгача изи топилмаган. Маълумотномага унинг охириги йилларда олинган сурати илова қилинмоқда.

Италия, Рим, «Интерпол» филиали бўлинмасининг бошлиғи Р. Монтееро.»

Жан Поль «Интерпол» раҳбари ҳузурига киришга мажбур бўлди. У қўлидаги маълумотни узатганида, президент сўради:

– Бу ҳам зудлик билан бажариладиган ишларданми?

– Йўқ, герр Вайс, бу анча вақтни оладиган жараён.

– Ўтиринг, Жан, ҳозир котиба қизимиз шундай туркча кофе келтирадики, уни ичмабсиз, оламга келмабсиз.

Одатда, президент ходимлар билан гаплашиб бўлгач, бирор дақиқа ҳам банд қилиб ушлаб турмас, тушликдан бошқа вақт дераза олдида чекиб турган кашандаларни кўриб қолса, дарҳол танбех берар, сенларнинг иш кабинетларинг йўқми, мабодо бирор шаҳардан қўнғироқ қилиб қолишса, телефонни ким олади? дерди. Шунинг учун ҳам Жан Поль раҳбарнинг кофе таклиф қилганига ҳайрон бўлди.

– Жан, анови подполковник Пўлатов қандай одам, мен унинг таржимаи ҳолини ўқиганман, инсон сифатида қанақалиги сўраяпман, – деди. Шу пайт эшик очилиб, котиба қиз кирди ва икки қадаҳ кофе, махсус қоғозларга ўралган оқ қанд, қошиқчалар қўйиб чиқиб кетди.

– Нима мақсадда сўраяпсиз, билсам бўладими?

– Мен уни штаб-квартирага олмоқчиман, чунки Шарқни ичидан биладиган одам бизларда ҳозиргача йўқ. Унинг устига Пўлатовнинг юрти янги мустақилликка эришган, бу юрт ҳақида шундай афсоналар бор эканки, таътил вақтида бориб

кўришга жазм этдим. Ўзбекистонни шу кунгача билмаганимга ўзимни гуноҳкор ҳисоблаб юрибман. Биз факат Самарқанд, Бухоро, Хива сингари шаҳарларни яхши биламиз, холос-да, лекин бу ўлканинг ажойиботлари ниҳоятда кўп экан, – деди президент.

– Пулатов жанговар офицер, десантчилар мактабини битирган...

– Унинг ҳужжатлари билан танишман. Инсоний фазилатлари хақида гапиринг.

– Нима десам экан? Оддий, камтарин йитит, лекин ўз ишининг устаси, чўрткесар, камчиликни юзига айтадиган. Спиртли ичимликларни меъёрида истеъмол қилади, дўстларидан борини аямайди... Ҳа, айтгандек рафикаси вафот қилгач, бошқа уйланмаган, шуни биламан, холос.

– Бўлди, етарли, сиз бу ишлар охирига етгач, у билан гаплашиб кўринг, агар хоҳиш билдирса, марказий аппаратга оламинг, – деди президент.

Жан Поль бошлиққа яна бир хабарномага имзо қўйдириб олди, унга Ҳожининг фарзандлари суратини илова қилди ва бу ҳужжатларни Италияга жўнатиб, шу одамлар агар Италияга кирган бўлсалар, чегарада мухожир сифатида рўйхатдан ўтган-ўтмаганларини аниқлашни ўша ердаги филиалдан илтимос қилди. Шундан сўнг у яна тергов хонасига кириб, сўроқ жараёнини кузата бошлади. Унинг хаёлидан қандайдир муҳим ишнинг фаромуш бўлгани хақидаги фикр ҳеч кетмас, аммо нима ёдидан чикканлигини сира эслаш олмасди. Ал-Ҳадининг ёзма кўрсатмаларини синчиклаб ўқир экан, муҳим аҳамиятга эга бўлган шу масала ёдига тушди ва савол берди:

– Айтингчи, Ал-Ҳади, у фарзандларини қаерга олиб кетган бўлиши мумкин?

– Мен бунга билмайман, лекин ҳарҳолда улар бу ерда эмаслар, уларни кимлар олиб чиқиб кетганидан ҳам хабарим йўқ.

Жан Поль яна ўз хонасига чиқиб, президентга ўз фикр-мулоҳазалари, гумонлари хақида батафсил гапирди. «Интерпол» раҳбари бироз ўйланиб турди-да, Римга қўнғирок қилди. Гўшакни филиал бошлиғининг ўзи кўтарди.

– Салом Робертино, сизни яна безовта қилишга мажбурман. Бу галги топшириқ жуда жиддий, Чегара ва божхона хизмати ходимлари билан учрашиб, суратлари сизга юборилган одамлар Италияга кирган ёки кирмаганлигини зудликда аниқлашингиз керак. Исмлари Алиакбар ва Ҳабибакбар. Ҳожининг суратини ҳам юбордик, лекин уларнинг қайси фамилия билан чегарадан ўтганларини, минг афсуски, билмаймиз. Агар, улар ҳақиқатан чегарадан ўтган бўлсалар, бизга дарҳол хабар қилинг, бу ердан махсус гуруҳ учиб бориб, қолган ишларни биргаликда ҳал қиласизлар. Аммо, ҳозирча ҳамма нарса мутлақо сир сақланиши зарур, – деб кўрсатма берди унга президент.

Эртаси ва индинига Робертинодан хабар келмади. Лекин учинчи куни Умберто Беллини исм-шарифли одам билан икки ўспирин Италия чегарасидан ўтганлари ҳақидаги ахборот олинди. Бу маълумотда беҳад қувонган Жан дарҳол Эркин ва унинг гуруҳини самолётга чиқишлари ҳақда кўрсатма берди.

XXI ФАСЛ «ЧАЁН» ИЗИДАН

Эркиннинг гуруҳини Рим аэропортида Робертино Монтееронинг ўзи кутиб олди. Самолётга курул билан ўтириш хавфли эканлиги учун, улар ҳеч қандай яроғ олишгани йўқ. Агар зарурат туғилиб қолса, президентнинг кўрсатмасига мувофиқ «Интерпол»нинг Италиядаги бўлими уларни барча керакли нарсалар билан таъминлаши назарда тутилганди. Самолётга чиқишларидан олдин Эркин Жан Полга савол берди:

– Бизлар италян тилини билмасак, у ерда эса таржимон орқали гаплашишга тўғри келса, қандай бўларкин?

– Бундан хавотир олманг, чунки Робертино немис тилини мукамал билади, унинг доимо сизлар билан бирга бўлиши ҳақида президентнинг кўрсатмаси бор, – деб жавоб берди Жан.

Робертино баланд бўйли, аммо жуда озгин одам экан, меҳмонларни «Насиональ» меҳмонхонасига жойлаштирди. Шундан кейин улар қўлларидаги дипломатларини қолдириб, божхонага йўл олишди. Йўл-йўлакай у гумон қилинган кишиларни қандай қилиб Римга келганлари ҳақида тушунтириш бериб берди.

– Чегарачилар келаётган меҳмонларнинг фақат паспортларини текширадилар, ҳужжатлари жойида бўлса бас, ўтказиб юборадилар. Чунки Германия билан Италия орасидаги келишкетишлар визасиз тамойил асосида амалга оширилади.

Марказий божхона постида «Интерпол» вакиллари бўлишгани учун уларни компьютер бўлинмасининг бошлиғи синьор Челитано қабул қилди. Челитано жуда хушчақчақ одам экан, уларни қаҳва билан меҳмон қилди.

– Келинглари, жаноблари, биз томонларга сизларни қандай шомоллар учирди? – деб сўради тавозеъ билан.

– Бизларни мана бу одамлар қизиқтиради, – Робертино шундай деб Ҳожи ва Лучанонинг расмларини узатди.

– Улар қачон Италияга келишган? – савол берди Челитано.

– Ана шуни билишимиз керак, синьор Челитано, – деди Робертино.

У компьютер клавишларини босиб, Умберто Беллинининг исми-шарифини қидира бошлади ва бироздан сўнг қувонч билан хитоб қилди:

– Топдим, синьорлар! Умберто Беллини икки ўспирин йигит билан Мадриддан 24 июнь куни, 432-рейс билан учиб келган, божхона текширувида улардан ҳеч қандай ноқонуний нарса топилмаган. Хўш, ўша куни Антонио навбатчи эди, бугун у дам оляпти, эртага чиқади.

– У билан, албатта, гаплашишимиз керак, – деди Робертино.

– Унинг уйи шу яқин орада, агар уйда бўлса, ҳозир чақиртираман.

Антонио уйида экан, узоғи билан ўн дақиқада етиб келди.

– Антонио, булар «Интерпол»дан, сен билан гаплашмоқчи эканлар, хонага олиб кириб, суҳбатлаш, қандай ёрдам керак бўлса, кўрсат!

Антонио раҳнамолигида иккинчи қаватга кўтарилишди.

– Сиз 24 июнь куни навбатчиликда турган экансиз, шундайми? – деди Робертино.

– Ҳа, ўша куни мен навбатчилик қилганман. Нима, бирорта ноқонуний нарса ўтиб кетибдими?

Антонио масаланинг моҳиятини тушунгач, суратларни кўздан кечира бошлади.

– Мана бу одам иккита ўспирин билан бирга эди, ҳозир уларнинг исми-шарифларини айтаман, буниси бу рейсда йўқ эди, – у Лучанонинг расмига ишора қилиб, компьютерни ёқди. – Топдим, бу одамнинг исми-шарифи Умберто Беллини, ўспиринларники эса Алиакбар ва Ҳабибакбар Расулзода. Улар ака-ука эдилар, шекилли...

– Уларнинг ака-ука эканлигини қандай билдингиз?

– Биринчидан, улар бир-бирига жуда ўхшаркан, иккинчидан, Алиакбарнинг паспорти Швейцарияники, Ҳабибакбар эса фақат туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномасини кўрсатди, вояга етмагани учун паспорт олмаган экан. Иккала ҳужжатни ҳам бир киши ёзган, демак, бир пайтда олинган. Лекин улар Афғонистон фуқаролари эканлиги ҳам мени таажжублантирган эди. Улар чўнтақларидаги нарсаларни олганларида Берн

коллежи гувоҳномасига кўзим тушди, ҳатто овқат талонлари ҳам бор.

– Умберто Беллини қанақа одам экан, батафсилроқ таърифлаб бера оласизми? – савол берди Шульц.

– Оддий одам эди... Ёши тахминан 45–48 ларда, яхши кийинган, кўзида қора кўзойнак. Кўзойнагини олганда, кўрдим: кўзлари кўк экан. Бундан бошқа бирон нарса дейишим қийин.

– Антонио, агар Италия худудидан бирорта одам чиқиб кетадиган бўлса, у ҳам рўйхатдан ўтказилади, а? – яна савол берди Шульц.

– Албатта, агар мамлакатни яширин равишда тарк этмаган бўлса, қайси жойдан ўтмасин, номи мана шу компьютерга тушади.

– Унда, Умберто Беллинининг мамлакатни тарк этган-йўқлигини билсак бўлар? – деди Робертино.

Антонио компьютердан зарур маълумотларни кидириб кўрди-да, деди:

– Синьор Беллини 27 июнда Палермода кемага ўтирган ва мамлакатдан чиқиб кетган.

Меҳмонхонагача яёв келишди.

Кечки Римнинг таровати ўзгача, ҳамма нарсани унутиб дам олгинг, кўчани тўлдириб юрган одамларга кўшилиб сайр килгинг келади. Машинага жавоб бериб, меҳмонхона олдидаги ресторанга киришди.

Равиль Робертанога савол билан мурожаат этди:

– Синьор Монтееро, Неаполь портидан тезюарар кемалар Палермо шахригача қанча вақт юради? Неаполь, маълумки, Италиянинг асосий бандаргоҳларидан бири, пассажирлар кўпроқ шу ердан кемага чиқишади. Неаполь билан Римнинг ораси машинада тўрт соатлик йўл.

– Ресторандан чиқайлик, хонага кириб бафуржа гаплашамиз, – деди Робертино.

Гап шундаки, Ҳожи ва фарзандлари Италияга 24 июнда келишган бўлса, икки кунда Неаполдан Палермога кемада етиб боришган. Ундан кейин Ҳожи болаларини қайгадир жойлаштириб, 27 июнда Италия худудидан чиқиб кетган. Демак, болалар-

ни Сицилиядан излаш керак... Ҳожи албатта, бирор одамга ўз манзилгоҳини қолдиргани аниқ, чунки ўғилларига бирор нарса зарур бўлса, уни топиш имконияти бўлиши керак-ку... Ана шу шахс аниқланса, уни аямай сўроқ қилиш ва сирнинг тагига етиш имкони туғиларди. Ўша окшом Неаполдан чиққан кемани тафтишдан ўтказиш, кема матрослари ва капитани билан гаплашиш зарур, эҳтимол уларни кўрган, сўзлашган бўлишлари мумкин...

Улар хонага киришгач, Робертино бандаргоҳ диспетчерига сим қоқди, аммо шунча ҳаракат қилишига қарамай, боғлана олмади. Чунки, телефон тинимсиз банд бўларди. Ниҳоят, ярим соатлик уринишлардан сўнг боғланди-да, ўзини таништириб, кемани суриштира бошлади. Палермо шахрига Неаполдан мунтазам равишда иккита кема қатнаб турар экан, биттаси тезюрар «Гарибальди», иккинчиси эса соатига 20 мил масофа босиб ўтадиган, маҳаллий аҳолини ташийдиган «Майн Рид» кемаси. Айти кунларда «Гарибальди» Палермо шаҳридан Неаполга келаётгани, эртага окшомда портга етиб, лангар ташлаши маълум бўлди.

– Айтингчи, синьор Робертино, кемага патта олинаётганда шахсни тасдиқдовчи ҳужжат талаб қилинадими? – савол берди Эркин.

– Йўқ, жаноб Пўлатов, мамлакат ичида ҳаракат қиладиган кемаларга, автотранспорт воситаларига паспорт талаб этилмайди, фақат самолётга чипта олинаётганда, бу ҳолат истисно қилинган.

– Демак, эртагача бўшмиз... Капитан билан ҳам, бошқа ходимлар билан ҳам мулоқот қилишга ҳали вақт бор. Шунинг учун, синьор Робертино, бизларни Ватиканга олиб борсангиз. Римда бўлиб, Ватиканни бир зиёрат этиб кетмасак, кейин алам қилади. Папа билан учраштириш шарт эмас...

Портга кириб келишлари билан кема ҳам лангар ташлади. Капитан, унинг ёрдамчиси, официантларга порт хизматчиларининг хонасига киришга буйруқ берилди.

– Айтингчи, капитан, сиз мана бу суратдаги одамларни илгари кўрганмисиз? – савол берди Робертино.

– Бу одамлар бизнинг кемадан – учинчи каютадан жой олишганди... Лекин улар тўрт киши эдилар, икки ўспирин ва иккита си ўрта ёшдаги одамлар, – деди капитан.

– Тўрт киши денг? Бизда сурати йўқ одамнинг кўриниши канакана эди?

– Ёши тахминан қирқлар атрофида. Қалта мўйловли, қўлида аллақандай татуировка ҳам бор, шекилли... Мен унга кўпам эътибор берганим йўқ, чунки у итальян. Мени ажнабийлар қизиқтирган эди, сабаби улар саёҳат вақтида каютадан деярли чиқишгани йўқ. Фақат одамлар уйқуга кетганда, бироз палубада сайр қилишарди. Ресторанга ҳам тушишмади, доим хонада овқатланишди, уларга Марго исмли официанткани бириктириб қўйдим. Сабаби, улар билан келаётган ўспириннинг кема чайқалишидан кўнгли беҳузур бўлар экан.

Робертино официантка Маргони ҳузурига чақирди. Бу аёл унга кўрсатилган суратлар орасидан учтасини ажратиб олди:

– Тўртинчи одамнинг сурати бу ерда йўқ.

Шундан сўнг Робертино унга Лучанонинг суратини кўрсатди. Бу сурат олинганига анча вақт бўлганлиги учун Марго бироз тикилиб туриб:

– Даханидаги қизиқ жуда ўхшаш, аммо у деярли тепакал эди. Шунинг учун бу одамнинг кемадаги киши эканлигига қафолат беролмайман, – деди.

Таъқиб гуруҳи аъзолари ўзаро муҳокамадан сўнг эртага «Гарибальди» кемасида Сицилияга бориш фикрига келишди.

* * *

Эркин бошлиқ гуруҳ билан бирга Италия «Интерпол» бўлинмаси бошлиғи Робертино Монтееро ҳам сафарга чиқди. У йўл-йўлакай Сицилия оролида «коза ностра» томонидан ниҳоятда даҳшатли ишлар амалга оширилгани, унинг асосий йўналиши эса Лотин Америкасидан етказиб келинган, айниқса, Колумбияда тайёрланадиган кокаинни Европа мамлакатларига транзит қилиш, одам ўлдириш каби жиноятларни амалга ошириш бўлгани ҳақида бирма-бир маълумот берди. Соғлиқ учун ниҳоятда хавфли бўлган кимёвий унсурлардан сунъий

гиёхвандлик моддаларини тайёрлаши, уларни кенг миқдорда турли мамлакатларга тарқатишда фаол иштирок этиши ҳақида гапирди. Бу ишлар пайтида «Интерпол» ходимларидан кўпчилиги ўлдирилганлиги, охир-оқибатда жиноятчилар фош этилиб, улардан аксарияти қамалганлиги ва одил суд олдида жавоб берганликларини айтиб берди.

Кема Сицилия оролларига яқинлашиб қолган, каютада қизгин баҳс кетар, қандай йўл билан Ҳожининг фарзандларини қидириб топиш ва улар билан мулоқот қилиш учун учрашиш йўллари муҳокама қилинарди. Ниҳоят, кема Палермо портида лангар ташлади. Етиб келганлар, аввало, Палермо шаҳри ва вилоятининг полиция комиссари синьор Макс Маккини хузурига ташриф буюришди (бу ерда ҳам ўзлари учун керакли бўлган ахборотларни олишлари мумкин эди).

Макс Маккини тўладан келган, паҳлавонсифат, аммо бундайин ташки кўринишига карамай овози ингичка, ҳаддан ташқари хушмуомала, Сицилия шевасида гапирадиган киши экан.

– Хуш келибсиз, синьорлар! Қандай масала билан бизнинг ажойиб оролимизга қадам ранжида қилдингизлар? – деди у ғоят чиройли лутф билан.

– Синьор комиссар, мени танийсиз, шерикларим эса, – ҳамроҳларига ишора қилди у, – «Интерпол»нинг бош штаб-квартирасидан келишган. Бизни Лучано Бертино, Ҳожи исмли одам ва унинг икки ўғли қизиқтиради. Маълумотларга қараганда, улар 24 июнда айнан биз келган шу кемага ўтириб, Палермога келишган. Биз ҳам шу туфайли сизларнинг ажойиб-гўзал ороларингизга келдик, – жавоб берди Робертино ҳам унга тақлидан.

– Қайси Лучано Бертино ҳақида гапиряпсиз, синьор Робертино? Ҳалиги... афғон мужоҳидларига қурол-яроғ етказиб берганими ёки кокаинни транзит қилишда айбланиб, халқаро қидирув эълон қилинганими? – сўради комиссар.

– Наҳотки иккиси ҳам бир хил фамилия ва исмда бўлсалар? – деди ҳайрон қолган Робертино.

– Ҳа, иккиси ҳам умуминсоният учун хавfli одамлар, имкони бўлса, уларни қамоқхонадан умуман чиқармаслик йўллари-ни қилардим. Лекин, минг афсуски, уларни қидириб топишнинг

иложи бўлмаяпти, – деб жавоб қилди Маккини ва бироз сукут қилгач, деди:

– Уларнинг келгани аниқми?

– Лучанонинг келганлиги ҳақидаги ахборот нотўғри бўлиб чиқиши ҳам мумкин, лекин Ҳожи ва унинг фарзандлари Сицилиядан паноҳ топишгани аниқ. Чунки унинг 27 июнда Палермо портидан бошқа кемада чиқиб кетгани бизга маълум. Палермодан айнан қайси давлат йўловчи кемалари чиқиб кетганлиги ҳақидаги ахборотларни олишимиз, кема капитани, ёрдамчиси билан суҳбат қуришимиз зарур. Агар, албатта, транзит кемалар портга кирмаган бўлса, – деди Робертино.

Макс Маккини ўрnidан оғир кўзғалди.

– Синьорлар, мен ҳамма вақт сизларга ёрдам беришга тайёрман, лекин бошқаларга сир бўлган ҳолларни... имкони борича очманг, чунки бандаргоҳда ҳали ҳам ғалати воқеалар бўлиб турибди: «коза ностра»га қаттиқ талофат етказилганлигига қарамай, ханузгача унинг илдизи тамоман кўпориб ташланган эмас. Мана шунақа гаплар...

У кўринишидан чакконгина ёрдамчисини чакириб, 24–27 июнь кунлари портга кирган барча-барча, шу жумладан, транзит кемалар ҳақидаги маълумотларни ҳам олишни буюрди. Шундан сўнг у гуруҳ аъзоларини «Палермо» шаҳридаги энг ҳашаматли меҳмонхона – «Палат»га жойлаштирди, комиссариат ва меҳмонхона ораси узок эмас – икки юз кадамча чиққани боис яёв кетишди.

Палермо кўчалари жуда чароғон эди: ҳамма ерда ёрқин чироклар, хатто шамлар ёниб турарди. Чор-атроф кўкаламзор, айниқса, зайтун, лавр дарахтларининг кўплиги сайёҳларни хайрон қолдирарди. Айни зайтун пишиғи мавсуми эди (бу дарахт серҳосиллиги билан Сариосиё хурмоларини эслатарди). Шаҳарнинг кўчалари тоза, Тиреней денгизидан эсаётган шаббода кўнгилни сархуш қилар, хиёбонлардаги гуллар ифори димокка уриларди.

– Ҳозирча дам олинглар, – деди Макс Маккини барчалари меҳмонхонага етиб келишгач ичкарига кирмасдан, банд қилинган хонанинг қия очиқ эшиги олдида турганча. – Кеч соат ўнларда ресторанга борамиз. Фақат Италия ошпазлари тайёрлай оладиган

оқ аюла сузгичларидан қилинган шўрва билан меҳмон қиламан барчангизни. Унгача айғоқчилар билан учрашаман. Улардан сиз излаётган одамларнинг манзилларини аниқлашга ҳаракат қиламан, аммо бунга камида уч кун вақт кетади. Бу орада порт хизматчилари билан ҳам суҳбатлашамиз. Ёрдамчим эртага барча керакли маълумотни столимга қўяди. Бўпти, хайрлашмайман!

Анатолий ва Равиль, Шульц ва Байерлар бир йўлакдан қирладиган алоҳида хоналарга жойлашдилар. Улар эгаллаган хоналарни каттагина фойе бўлиб турарди. Ўртада саккиз ўринга мўлжалланган стол – худди орзудагидек, гуруҳ аъзолари йиғилишиб, ишларни маслаҳатлашиб олишига айнан мос!

Маккини чиқиб кетгач Робертино хонадошига маънодор савол берди:

– Синьор Пўлатов, нима учун соат ўнда кечки овқатга таклиф қилинганимизни англадангизми?

– Йўқ. Нега экан?

– Бизни ҳайрон қолдириш учун! Мактаниш учун!

– Қизик, – яна тушунмади Эркин.

– У ваъда қилган шўрва фақат буюртма асосида гайёрланади ва жуда қиммат! Мана гап қаерда!

Айтилган пайтда ресторанга келишди.

Стол шундай безатилган эдики, бунақасини ҳатто тушларида ҳам кўришмаганди: балиқ увилдириклари, тобига келтириб пиширилган қисқичбақа, турли туман газаклар, ҳатто... бедана тухуми ҳам бор эди бунда! Комиссар мезбон сифатида «Мартини» коньяги билан қадахларни тўлдириб турар, барчага бирдек илтифот қиларди.

– Французларнинг пазандалик бобида дунёда шуҳрати баланд, лекин мен бундай деб ўйламайман: италян ошпазлари олдида улар ип эша олмайдилар! – деди кўтаринки руҳдаги комиссар. Унинг юзи ичкилик таъсириданми, қип-қизариб кетганди.

Ниҳоят ваъда қилинган шўрвани келтиришди.

Кечги овқат кўнгилдагидек ўтди, меҳмонлар тунги соат бирга яқин тарқалишди. Зиёфат ҳақини тўлаш пайтида Эркиннинг ён чўнтагидан чек дафтарчани олаётганини кўриб, комиссар унга норози қаради:

– Агар мен Бухоро ёки Самарқандга борсаму шундай қилсам, нима бўларди? Беркитинг! Бугун менинг меҳмонимсиз. Юртингиз ҳақида кўп ажойиб нарсаларни ўқиганман. Айниқса, Амир Темур, хинд ерида салтанат қурган Захириддин Муҳаммад Бобур, бутун дунёни ўзининг асарлари билан ром этган Мир Алишер Навоий ҳақида. Гапнинг очиғи, бир бориш ниятим бор, ўшанда сиз ҳам мени меҳмон қиларсиз!

Эркин ҳижолат ичида чек дафтарчасини ёнига солди, бу ерга келишдан олдин маблағ борасидаги бир воқеани эслаб ўзича қулиб қўйди: «Интерпол» бош ҳисобчиси гуруҳ раҳбари сифатида маълум миқдордаги пул ёзилган чек дафтарчасини унга бераётиб, огоҳлантирганди:

– Шундан бошқа сўрамайсиз. Буни ҳам президент кўрсатмаси бор бўлганлиги учун бермоқдаман. Имкон борича сарф-харажатни қисқартиринг – бор лимитимизни олиб кетмоқдасиз! Ҳали сентябрь, қолаверса, тўртинчи чорак харажатлари бор-а!

Эртасига, нонуштадан сўнг бандаргоҳга боришди. Маълум бўлишича, унга фақат бошқа мамлакатларга тегишли юк кемалари кирган, йўловчи ташиш кемаларининг барчаси эса Италияга тааллуқли бўлган экан. Ўша кунлари етти нафар йўловчи кема бандаргоҳдан кетган: биттаси «Гаррибальди» бўлса, бошқаси – Испанияга тегишли «Хосе Карлос». Бу кема икки кундан сўнг яна Палермога келиши кутилаётгани сабаб, комиссар, Робертино ва Эркин кема капитани, ёрдамчиси ва бошқа аъзолари билан учрашишга қарор қилишди. Маккини меҳмонларни турли жойларга сайру томошага олиб борар, улар эса бу ерга бошқа мақсадда келганликларини айтишга истиҳола қилишарди. Ниҳоят, «Хосе Карлос» кемаси шаҳар портига кириб, лангар ташлади. Комиссар Эркин ва Робертининг сабрсизланаётганларини кўриб, кема капитани, ёрдамчиси, боцман ҳамда матрослар билан суҳбатлашиш учун уларни бошлаб кетди.

Келган йўловчи кема хусусий бўлиб, капитаннинг отаси номи билан аталаркан. Капитаннинг номи Музе Карлос. Унинг отаси иккинчи жаҳон урушида Франко армиясида хизмат қилган денгиз зобитларидан бири бўлган экан.

– Хелло, кабальеро¹, сизни Палермо комиссари Макс Маккини безовта қилмоқда, булар бизларнинг дўстларимиз, – деди комиссар капитан билан қўл бериб сўрашар экан.

– Хуш кўрдик, жаноблар! Марҳамат килинг кемамизга! – илтифот қилди у.

– Рухсат этсангиз, биз кема таркибидагилар билан икки оғиз гаплашиб олишимиз зарур, – деди комиссар.

– Бош устига!

Капитан ёрдамчисини чақириб, барчани катта барга йиғиш хақида кўрсатма берди.

Макс Маккини ёнидан бир неча фотосуратлар чикарди.

– Капитан, мана бу суратларни кўринг. 27 июнь куни бу одамлар сизнинг кемангизда Палермо соҳилларидан кетишган.

Капитан уларни диққат билан кўриб чиқиб, бош чайқанди. Сўнг ёрдамчиси ва боцманни ёнига чақирди. Боцман суратлардан бирини кўра туриб, илжайди: у Ҳожининг компьютерда чиқарилган расмини таниганди.

– Мана бунисини эслайман: у Барселона портида тушиб қолганди. Лекин бу ерда унинг соқоли, мўйлови бор экан. Ўшанда эса соч-соқоли киртишлаб олинганди – худди ҳеч қачон мўйлов қўймагандек! Ёши тахминан қирк бешларда... Лекин паспортига қарамагандим.

– Қандай қилиб уни бунчалик эслаб, таниб қолгансиз? – сўради Макс Маккини.

Боцман савол назари билан капитанга қаради, у маъқуллаб бош ирғагандан сўнг эса, деди:

– У доимо бўш вақтини барда ўтказарди, у ерда кема сафарга чиқишдан олдин келтирилган газета ва журналларни ўқирди. Мен ҳам... ҳар замонда... хуллас, кириб турардим.

– Бармен билан ҳам бир суҳбатлашсак, капитан, – деди комиссар унга ўгирилиб.

– Марҳамат.

Бармен узун бўйли, ориқ йигит экан, расми кўргач, у ҳам Ҳожини дарҳол таниди.

¹ Хелло сўзи инглизча, кабальеро мексиканча, маъноси «салом жаноб» дегани.

– Сафар пайтида у кимлар билан ҳамсухбат бўлди, эслай олмайсизми? – деди унга қараб комиссар.

– Ҳеч ким билан: бир ўзи келарди, бир ўзи чиқиб кетарди. Бир муддат, шунда ҳам кеч тушганда палубага чиқарди. Нега-лигини эса билмайман, – елка қисди у.

– Яхши! – деди Макс Маккини. – Капитан, безовта қилганимиз учун узр сўрайман. Хизматчилик, ўзингиз яхши тушунасиз. Берган кўрсатмаларингиз учун катта раҳмат!

Шундан сўнг, улар кемадан тушиб, маслаҳатлашиб олиш учун бир кафетерийга киришди. Денгиз яқин бўлгани учунми, нам ҳаво нафас олишни қийинлаштирарди.

Бир бокалдан пивога буюртма беришди.

-- Ҳақиқатдан, Ҳожи ана шу ерда бўлганлиги ўз тасдиғини топди. Лекин бу бизга ҳеч қандай енгиллик бермайди, – деб гапни бошлади комиссар. – Унинг фарзандларини топишимиз керак. Бу ерга бекорга келмаган – болаларини вақтинчалик яшириш учун келган! Уларни тегишли одамларига топшириб, тезда шаҳардан чиқиб кетган. Энди бир нарсани таҳлил қилайлик: улар Римга Мадриддан учиб келишган. У эса негадир Испания кемасида Италияни тарк этмоқда... Демак, Испания пойтахтида ҳам унинг ҳамтовоқлари бор! Унинг ўша ердаги алоқаларини аниқланг, бу муаммо ечимини бир қадар осонлаштирарди.

– Буни ўзимиз ҳам яхши тушуниб турибмиз, синьор комиссар. Биз бу ерга унинг фарзандларини топиш учун келганмиз. Агар бунинг урдасидан чиксак, Ҳожининг изига тушган бўлардик. Ана шу ишда ёрдам бериб юборсангиз, биз учун катта иш қилган бўлардингиз, – деди Эркин улар билан бирга юрган таржимон орқали.

– Мен полиция комиссари сифатида қўлимдан келган барча ишларни қиламан. Кечқурун айғочиларимиз келишади, бирорта янгилик топиб келишса, сизларни, албатта, хабардор қиламан, – деди Макс Маккини суҳбатга яқун ясаб.

Гуруҳ аъзолари меҳмонхонага кетишди.

Эркин негадир асабийлашар, буни кўриб турган Робертино гуруҳ зиммасига қанчалар оғир юк ортилганини ҳис қилмоқда эди.

Тунги соат учларда комиссар Эркин ва Робертино ётган хонага кўнғирок қилиб, зудликда полиция маҳкамасига етиб келишлари ҳақида огоҳлантирди. Ўн беш дақиқадан сўнг улар комиссарнинг кабинетига кириб келишди.

Комиссар гапни чўзиб ўтирмади:

– Айғоқчилардан маълумот олинди. Палермодаги ранчода қизиқ воқеалар бўлмоқда экан. У ерда ўттиз етти ёшли бир истеъфога чиққан денгиз зобити яшаркан. Исми-шарифини ҳам аниқладик: Жозефино Марино, денгиз офицерлари ўқув даргоҳини битирган, бир муддат ҳарбий бурчини бажарган. Хотини – Луиза кўзи ёриётган пайтда оламдан ўтган. У ўғлини қайнотаси ва қайнонасига қолдириб, истеъфога чиққан, қарийб ўн икки йилдан сўнг ватанига қайтган. Аммо шу пайтга қадар қанерда бўлганлигини аниқлашнинг иложи бўлмади. Қайтиб келганидан сўнг ниҳоятда жоҳил, ҳеч ким билан мулоқот қилмайдиган одамга айланган. Уни билганлар офицерлик пайтида ўта маданиятли инсон бўлганлигини қайд этишмоқда. Хўш, энди бизнинг «қўйларга» келсак, Морино доимо велосипедда келиб ранчо атрофидаги новвойхонадан иккита ёпилган нон оларкан. Бу биринчиси. Иккинчиси – ҳар кечкурун кафетерийга кириб овкатланаркан, ҳеч қачон уйда овкат қилиш учун маҳсулот сотиб олмас экан. Учинчидан – кечалари уйда бегона одамлар борлигини кўришаркан, кундузлари эса ҳамма вақт ташқи эшиклар қулфлок бўлиши барчани ҳайратлантираркан, зеро унинг уйига ўғри кириши маҳол – оладиган ҳеч нарсаси йўқ. Балким ушбу маълумотлар сизга асқотар... Мен киши билмас қилиб, уйни текшириб чиқишга топшириқ бердим. У ерда бир айғоқчимиз бор, каптарлар билан шуғулланади, ана шу одамнинг уйда кимлардир борлигини қайд этган, одатига қарши ўларок, Жозефинонинг уйда овкат тайёрлаётгани ҳақида ҳам шохидлик бермоқда.

– Комиссар, бу ишни бизнинг одамларга хавола қилинг. Ҳарҳолда бу уларнинг касби, – деди Робертино.

– Ихтиёрингиз. Қандай ёрдам керак бўлса, марҳамат, доимо хизматингизга тайёрмиз, – деди комиссар ҳар сафаргидек.

¹ «Дала ховли» деган маънони беради. Муаллиф изоҳи.

– Факат ранчони кўрсатиб кўйсангиз бўлди, – деди Эркин барча ҳолатлар таржима қилингандан сўнг.

Эртасига ранчони кузатиш бошланди.

Ҳақиқатдан Морино ташки эшикни кулфлаб, аввал бозорга бориб озиқ-овқат маҳсулотлари, ундан сўнг новвойхонага кириб, нон ва булочка харид килди – Эркин, Шульц ва Робертинолар кечаси, тун оққан пайтда, ранчо атрофида ўсаётган буталар ортига яшириниб, ҳовли саҳнини кузата бошладилар. Орадан ярим соатлар ўтар-ўтмас, қора кийимдаги икки йигит пайдо бўлди. Пистирмадагилар тунги дурбин орқали уларни диққат билан кузатишди. Келганлардан бири ҳожатхонага кириб кетди ва сал ўтмай у чикқач, иккинчиси. Иккаласи ҳам ҳожатхонадан чиқиб, қўлларини кран остида ювишди. Сўнг уйга кирдилар, уларни Морино чақирганди...

Кузатувчилар фақат тонг саҳардагина хоналарига қайтиб келишиб, бироз дам олишга жазм қилишди. Нонушта қилиб олгач, ўзаро маслаҳатлаша бошладилар.

– Мен булар Ҳожининг фарзандлари эканлигига шубҳа қилмайман, аммо уларга зарар етказмасдан қўлга олишимиз зарур. Маринони ҳам. Акс ҳолда, ишимиз хом бўлиши мумкин, – деди Эркин.

– Тунда, ётган жойларида қўлга олсак қандай бўлади? – деди Байер.

– Бу таклиф умуман кетмайди, – деди Робертино дарров. – Эшик олдидаги бултерьерни унутган кўринасиз – нақ эшақдай келади. Ҳаммасини уйғотиб юборади.

– Демак, аввал уни тинчитиш зарур, – деди Шульц.

– Робертино, укол ўқ-дориларни топа оласизми? – деди ўз навбатида Эркин. – Ҳайвонот боғларида ишлатиладиган-чи!?

– Топиш мумкин. Римга кўнғирок қилишим керак, бунга вақт кетади... – деди Робертино. – Комиссар ёрдам бера олмасмикин? Бу ерда ҳайвонот боғи йўқ, лекин қандайдар илмий маҳкамалар бўлиши мумкин, дейлик, овчилар уюшмасими... Уларда ана шундай аслаҳалар бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Робертино комиссарга кўнғирок килди.

– Албатта ёрдам бераман, ҳозир йигитларга топшириқ бераман-да, куннинг иккинчи ярмида етказаман, – деди Макс Маккини ва сўзида туриб, куннинг иккинчи ярмида махсус милтиқни олиб келди. – Яна қандай ёрдам керак бўлса, бемалол мурожаат этаверинглар.

Гуруҳ Робертино билан келишган ҳолда кечаси мазкур режани амалга оширадиган бўлди.

Улар ярим кечаси ранчо олдига келишди: чирок ёниқ, уй эгаси қандайдир нарсаларни тикиб ўтиргани ойна пардаларидан кўриниб турарди. Эркин яна бироз муддат кутиш кераклигини тушунди-ю, гуруҳни нарироққа олиб кетди. Соат бирларга борганда чирок ўчди. Лекин уй эгаси ҳовлига чиқиб, итнинг занжирини узайтириб, хонасига кириб кетди...

Итга биргина ўқ кифоя қилди.

Лекин сира кутилмаганда уй ичида яна чирок ёниб, ташқи эшик очилди ва Жозефино пайдо бўлди. Унинг қўлида милтиқ – қарабин бўлиб, атрофга аланглади, хавфни сезди ва тезда ётиб олди.

Байер уни тириклайин тутиш мақсадида олдинга ташланмоқчи бўлаётганини кўрган Эркин унинг қўлидан тутиб қолишга улгурди, аммо Жозефино отган ўқ унинг ўнг кўзига тегиб, миясидан чиқиб кетди. Эркин яна ўша, итни йикитган укол-ўқ билан Жозефинони нишонга олди...

У камдан-кам ҳоллардагина нишондан адашарди.

Уйга кирдилар. Хонадаги ертўла қопқоғи очиқ эди, Шульц ўша томонга ишора қилди. Эркин қопқоқ ёнига келди:

– Алиакбар, Ҳабибакбар, иккалангиз ҳам тезда тепага чиқинглар, акс ҳолда, граната ирғитаман, – деди у.

Ноилож қолган йигитлар аста ертўладан чиқишди.

Дори таъсири тугаган шекилли, бироз вақт ўтгач Жозефино шахд билан ўрnidан турди, аммо қўлларига кишан урилганлигини кўриб, каттиқ сўқиниб юборди. Робертино комиссарга кўнғирок қилиб, талофат борлиги ҳақида гапирди, яна унинг ёрдамга мухтож эканликларини айтди. Кўп ўтмай ёрдамчилар етиб келишди. Мурдани тегишли жойга жўнатиб, Жозефино ва Ҳожининг болаларини олиб кетишди.

Тушдан сўнг Эркин Робертино билан Маккинининг хизмат хонасига ташриф буюришди. Комиссар мурдани Венага жўна-тиш учун тобутга буюртма берганлигини, шу окшом Палермо-дан келадиган кема уни олиб кетишини айтди. Сўнгра гап Жо-зефино ҳақида кетди.

– Синьорлар, агар мумкин бўлса, сўроқда иштирок этсам, чунки бу бизнинг фукаро, – деди у.

– Албатта, албатта, синьор комиссар, шундай бўлиши биз учун ҳам қулай, – деди Робертино.

Жозефинони олиб киришди, у эса индамай таклиф қилинган стулга ўтирди.

– Айтинг-чи, Ҳожи билан қандай боғланиш мумкин? – сўради Робертино. У ерга тикилганча, худди соков одамдек сукут сақлаб тураверди. – Саволимга жавоб берасизми ёки йўқми? Сиз билан унинг ўртасида алоқа борлигида бизда шубҳа йўқ. Гапиринг!

Жозефино ҳамон сукут сақларди. Бу нарса комиссарга ёқмади.

– Демак, жавоб бермайсиз, унда нима ҳам қила олардик, тил-ни сайратадиган муолажани қиламиз-да! Қани, врачни чаки-ринглар, дарҳол дориларни олиб келсин! – важоҳат билан ёр-дамчиларига кўрсатма берди у.

– Мендан нима истайсизлар, – деди маҳбус тўнғиллаб, ниҳоят тил битиб.

– Айтилди шекилли? Бўпти, яна бир бор қайтараман: Ҳожини қаердан топиш мумкин? Ахир сизга болаларини қолдириб кетаётганида контакт телефонини бергандир? – деди Робертино бамайлихотир.

– Болаларга зарар етказмасликка қандай кафиллик бера ола-сизлар? – деди маҳбус бир оз ўйлаб олгач.

– Бизга фақат Ҳожи зарур, бошқа нарса эмас. Сиз эса, «Интер-пол» вакилини хизмат вазифасини бажараётганда қуролли кар-шилиқ кўрсатиб, ўлдирганингиз учун суд олдида жавоб бера-сиз...

– Мен ўйлаб кўришим керак, – деди Жозефино.

– Энди ўйлашга вақт йўқ, Марино! Агар айбингиз оғирлаш-масин десангиз, дарҳол жавоб беринг, – деди комиссар тобора жаҳли чиқиб.

– Яхши. Агар айтиб берсам... болаларни нима қиласизлар?

– Отаси билан суҳбат қурганимиздан сўнг, ватанларига кетишга ижозат берамиз. Уларда айб йўқ, – деди Робертино.

– Бари бир Ҳожини топишларингиз гумон. Агар болаларнинг ҳаётини сақлаб қолишга сўз берсангиз, мен унинг координатларини айтаман, шунда ҳам ким орқали уланиш мумкинлигини. Қаерда эканлиги менга қоронғу.

У бир неча телефон рақамларини айтди. Улар Барселонанинг шаҳар телефонлари эди.

– Лекин айтиб қўяй: мендан бошқаси кўнғироқ қилса, у алоқани узиб қўяди. Биз келишганмиз: агар бирор ноҳуш ҳолат юз берса, мен Палермога умуман тескари бўлган Катания оролларига яширинишим керак. Болалар билан, албатта, – деди маҳбус.

– У ердан болалар қандай олиб чиқилиши керак?

– Агар болалар ҳаёти хавф остида қоладиган бўлса, тез юрар катер билан уларни Мальта оролига олиб чиқиш кўзлаганди. Биласиз, у ердан барча юк ва йўловчи кемалари ўтади. Сўнг бир амаллаб Тунис ёки Ливия қирғоқларига етиб бориш назарда тутилган. Мен фақат шуларни биламан, холос. Яна бир гап: агар болалари мен билан бўлмасалар, у асло келмайди, гарчи фарзандлари учун жонини фидо қилишга тайёр бўлса ҳам, – деди Жозефино.

– Сиз Барселонага қандай алоқа воситаси орқали чиқардингиз?

– Менинг уйимда, уяли телефон мавжуд, агар уни топа олмаган бўлсангиз, қаердалигини айтиб беришим мумкин.

– Телефонни келтиринг, – деди комиссар ёрдамчисига. Комиссар портатив телефонни стол устига қўйди. – Шунга айта-япсизми ёки бошқаси ҳам борми? – деди у Жозефинога.

– Худди шу, фақат аккумулятори олиб қўйилган.

– Бу телефон оддий розеткадан ҳам қувват олаверадими?

– Олаверади.

– Яхши! Энди айтинг-чи, телефонда нима дейиш керак эди? – деди Робертино.

– «Шамол ғарбдан эсмоқда», – деди маҳбус ғалати илжайиб.

– Хўш, давом этинг Жозефино, жавоби қандай бўлиши керак эди, – деди Робертино ҳам табассум билан. У маҳбуснинг ҳозиржавоб бўлиб қолганидан жуда қувонмоқда эди.

– Аксинча: «Шарқдан эсаётган шаббода довулга айланиб кетиши кутилмоқда»... Шундан сўнг Ҳожига тааллуқли ахборот берилиши билан алоқа узилиши назарда тутилган. Афтидан телефон тармоғига диктофон уланган бўлиб, барча ахборот унга етиб бориши керак. Бўлди, мен билганларимни ҳаммасини айтдим, – деди бир пайт маҳбус қатъий қилиб.

– Майли, энди шахсан ўзингизга тегишли савол: деярли ўн икки йил... қаерларда бўлгансиз? – деб савол берди комиссар тўсатдан.

Жозефино елка қисди:

– Бунинг сира яширадиган жойи йўқ: мен мужоҳидлар таркибида шўро қўшинларига қарши курашганман, давлат тепасига Бурхониддин Раббоний келгач, улушимни олиб, юртимга қайтиб келиб, тинчгина яшайман деб ўйлагандим, лекин минг афсуски, мен билан ҳамкорлик қилган одамнинг бошига кулфат тушгач, яна ана шу ишларга қўшилиб кетдим.

– Сиз кимни назарда тутмоқдасиз? Ҳожиними?

– Ҳа, уни. Агар сир бўлмаса айтинг-чи, у нимада айбланмоқда? – деди Жозефино кутилмаганда ўзи савол бериб.

Аммо Робертино жавоб беришни лозим топмади, тергов тўхтатилиб, маҳбус камерага олиб чиқиб кетилди.

– Менимча, у ҳамма билган нарсаларни рўйи-рост айтди, – деди Робертино у чиқиб кетгач.

– Мен ҳам шундай ўйлайман, – деди комиссар.

– Ким билсин, ким билсин, – деб қўйди Эркин ўзича.

Шундан сўнг улар биргаликда меҳмонхонага қайтишди. Эркин яна бир одами ҳалок бўлганидан ич-этини ер, ҳамкасби ҳаётини асраб қололмаганлигидан қаттиқ азобланарди.

«Энди қандай қилиб бўлмасин, қўйилган жанговар вазифани охиригача бажариш зарур – ахир шунча қурбон берилди. Ҳозир, Ганс Байер жасади ватанига қайтарилади, унинг аёли ва икки фарзанди борлигини биламан, уларнинг юзига қандай қарайман» деб ўйларди.

Гуруҳ аъзолари ресторанга ҳам тушишмади, чунки Эркин тўшакда чўзилганча ўйланиб ётар, ҳамкасблари эса уни безовта қилишни лозим топмасдилар.

Ўзлари ҳам нари-бери нонушта қилишди.

– Дўстларим, – деди Эркин эрталаб ўрnidан тургач. – Биз Жозефинодан муҳим маълумотларни олишга эришдик: энди бу ёғини нима қиламиз?

– Жиддий ўйлаш керак, кўп талофат бермоқдамиз, – деди Шульц.

– Ана шу сабабдан ҳам сизлардан маслаҳат олмоқчи бўлгандим-да. Қани, режаларингизни бир бошдан баён этинг. Сўз сенга... Равиль, – деди Эркин унга қарамай.

Равиль кўлидаги ручкани айлантириб ўйнаганча гап бошлади:

– Менинг фикрим шундай: Ҳожи бу ҳолатларни тафтишдан ўтказиш учун айғоқчилар юбориши аниқ. Ўзи, худди Жозефино айтганидек, то болалари тирик эканлигига ишонч ҳосил қилмагунча бу ерларга кадам босмайди. Демак, биз унинг чопари келишни пойлашимиз зарур, кейин шунга қараб, иш тутишимиз лозим, – деди у.

– Дуруст мулоҳаза, хўш, сен нима дейсан, Анатолий?

Анатолий мутлақо бошқача фикрни ўртага ташлади:

– Менимча, бу ишлар натижасиз тугайди... Агар биз Ҳожининг бу ерга келишини истасак, уни чалғитишимиз зарур. Болалари ва Жозефинони эҳтиёт шарт сифатида кулбага олиб боришимиз, уларни Ҳожи билан алоқа қилишига йўл қўйишимиз керак, айниқса Жозефинони. Шунда ҳам у аввал ҳолатни ўрганиб, сўнг Мальтага келади.

– Бу ҳам дуруст фикр. Қани Шульц, сен нима дейсан?

– Анатолийнинг гапида жон бор: уни бир амаллаб яширинган еридан тортиб олиш керак. Ҳозир у биз билан ҳамкорлик қилмайдиган бирон давлатда бўлиши ҳам эҳтимолдан йироқ эмас. Жозефинони яна қайта сўроқ қилиш керак – ҳали ҳаммасини айтмади чоғи. Чунки, Ҳожининг қаердалиги номаълум бўлса ҳам, бирор тасодиф бўлганда, зудликда у билан боғланиш учун ана шундай уяли телефон қолдирган. У фарзандларининг ҳаётини ўйлаб шундай иш қилмоқда. Бундан биз оқилона фойдаланиб қолишимиз зарур, – деди Шульц.

Энди навбат Робертинога етганди.

– Хўш, сиз нима дейсиз?

– Менинг фикримни сўрасангиз, Хожининг қандай қилиб бу ерга келишини ходимларингиз батафсил айтишди. Мен жаноб Шульцнинг мулоҳазаларига қўшиламан, – деди Робертино шошмасдан.

Эркин ўйланиб қолди. У Мальта ва Катания хариталарини очиб, уларга тикилар, қолганлар эса сукут сақлаб туришарди. У циркуль ва линейка олиб, Мальта ва Катания оралиғидаги масофани ўлчади, қандайдир ҳисоб-китоб қилди ва ниҳоят бошини кўтарди:

– Бизга ўлик Ҳожи эмас, тириги керак, шуни ёддан чиқарманглар. Биз Жозефино ва болаларни олиб, Катанияга борамиз, унгача эса... Ҳожи билан алоқа боғлашларига йўл қўямиз. Телефон Жозефинога бекорга берилмаган – Шульцнинг фикрига тўла қўшиламан. Уни яширинган жойидан шундай тарзда чиқариб олишимиз керак-ки, ўзи билмай қолсин! Уни шунга мажбур қилиш даркор! У фарзандлари учун ҳеч нарсани аямаслиги кундек равшан, демак, биз шундай қилишимиз зарурки, у ноиложликдан Мальтага келсин! Шундагина биз мақсадимизга етамиз. Лекин бизнинг кучимиз кўп эмас: агар у, дейлик, камида бир взвод жангари билан келадаган бўлса нима қиламиз? Агар ҳарбий катерда келадаган бўлса, бемалол тўлик таркибдаги рота билан келади!

Мен ҳозир ўзимнинг мулоҳазаларимни «Интерпол» раҳбарларига айтаман, НАТО кучларини ёрдамга юборишларини илтимос қиламан. Агар имкони бўлса, «Коммандос» қўшинлари ёки денгиз пиёдалари ана шу операцияда қатнашишлари кераклиги ҳақида айтаман: уларда тезюрар катерлардан ташқари, вертолётлар ҳам бор. Яна бир қалтис томони: қўлга тушишини англаган Ҳожи жонига қасд қилиши мумкин! Шунинг учун ғаввослар зарур бўлади. Улар сездирмай Ҳожи ўтирган катерга чиқиб олишлари ва қулига кишан уришлари зарур.

Шундай деб Эркин ёнида турган телефонни кўтарди ва Жан Полга қўнғирок қила бошлади.

Унинг мулоҳазалари жуда ўринли эди. У Жан Поль билан йигирма дақиқага яқин гаплашиб, бўлиб ўтган воқеаларни сўз-

лади, келгуси режалари билан таништирди. Жан Поль НАТО кучлари билан ўтказиладиган ҳарбий операцияни бир ўзи ҳал қила олмаслиги, бунинг учун БМТ Хавфсизлик Кенгашининг ижозати олинishi кераклигини тушунтириб, кечгача натижаларни айтадиган бўлди.

Гуруҳ яна полиция маҳкамасига келди. Жозефино билан терговчилар шуғулланаётган экан, тўғри Маккини олдига киришди. Комиссар бандиларни қўйиб юбориш учун махсус рухсат кераклиги ҳақида гапира бошлаганида, Эркин унинг сўзини охиригача эшитиб турди-да, сўнг деди:

– Синьор Маккини, ҳозир энг юқори инстанциялар ва Италия прокурорининг рухсатларини оласиз, шундан сўнг мен ҳеч бир қонунни бузмасдан уларни олиб кета оламан.

– Ушбу операцияда мен ҳам қатнашсам. Ҳар ҳолда яна битта қуролланган одам ёнингизда бўлади, – деди Макс. – Нима дейсиз шу таклифимга?

– Агар бошқалар қаршилиқ қилишмаса, – деди Эркин ҳамкасбларига қараб.

Улар бир овоздан розилик билдиришди.

Шундан сўнг Маккини уларни полиция қуролхонасига таклиф қилди. Бу ерда турли қуроллар, асосан, автомат ва пистолетлар мавжуд эди. Эркин ўзига ниҳоятда таниш АК–74 ни кўриб ҳайрон бўлиб қолди, қўлига олиб, аста силади.

– Бу ерга у қандай келиб қолган?

– Бу автоматлар афғон мужоҳидларига ёрдам учун Хитойда ясалган. Маркировкасига қаранг... Уруш тамом бўлгач эса қолганлари хитой полиция маҳкамасига топширилган. Яхши қурол. Америка автоматлари, Исроилнинг УЗИси энг керакли вақтда панд бериб қолиши мумкин, бу эса ундай эмас, – деди Маккини.

Керакли қуролларни танлаб олдилар.

Кечки пайт Жан Поль ва Анри кўнғироқ қилиб, эртага Палермога етиб келишлари, НАТО қуролли кучлари билан музокаралар олиб борилаётгани ҳақида хабар қилдилар.

Эркин комиссар Маккинидан рухсат олиб, Робертино билан тергов изоляторига кириб борди. Жозефино ҳатто ўрнидан ҳам турмади, норози тўнғиллади:

– Менда яна нима ишларинг бор? Ҳаммасини айтиб бердим, шекилли?

– Жозефино, айтинг-чи, яна қандай хуфя алоқа каналларингиз бор? – деди Робертино унинг кўзларига тикилиб. – Маҳбус ўйланиб қолди. Унга далда бериш мақсадида Робертино давом этди. – Тергов билан ҳамкорлик қилганингизни Гаага трибуналаига етказишга ваъда берамиз, – деди у ишонч билан.

Жозефино ҳафсаласиз қўл силтади:

– Бўпти, бўлар иш бўлди, мен фақат болалар ҳаётини сақлаб қолишга Ҳожига сўз берганман... Демак, болаларга бирон қорхон бўлса, уяли телефон орқали у менга чиқиши, агар мен ўшанда «хавф» сигналини берсам, бу полиция қўлида бўлишимни билдирарди. Уч марта телефон гўшаги тугмасини босиб керак, бу – шартли сигнал. Акс ҳолда эса менга ва болаларга нисбатан ҳеч қандай хавф йўқлиги, омон-эсон Катанияга борганлигимиз англанади. Кейин, шунга қараб, Ҳожи зарур тадбирларни кўриши ҳақида келишиб олинганди. Энди бўлгандир? – деди киноя билан.

– Жозефино, – деди Эркин, – биз Ҳожидан баъзи бир нарсаларни билиб олишимиз зарур.

– Масалан?

– Билиб қўйсин: ўша уруш пайтида мужоҳидларга қурол етказиб берганлиги учун энди уни ҳеч ким маҳкамага тортмайди, лекин ҳозир нима мақсадларни кўзлаб, Покистон тупроғида кўплаб қурол йиғилмоқда? Агар қандайдир террористик ҳаракат қилинадиган бўлса, нима учун бундай миқдорда яроғ захира қилинмоқда? Бизга ана шу маълумотлар керак. Агар хабарингиз бўлса, айтиб беринг, бунинг эвазига биз болаларни озод қилиб, юртларига кетишга ёрдам қилиб юборамиз, – деди Эркин.

Бу сўзлар таржимасини эшитган Жозефино яна бир муддатга ўйланиб қолди.

– Демак, у яна қурол-яроғ билан шуғуллана бошлаган эканда! – деди у бир пайт ажаблангандек. – Ҳа, бу унинг эски касби. Лекин у яна қандайдир кучларга аслаҳалар етказиб бераётган бўлса – бундан бутунлай беҳабарман. Ишонинг.

– Агар бизга ёрдам бериб юборсангиз, дейлик... бошқа айбларингиз кечирилиши мумкин, – деди Эркин илмоқи қилиб.

Жозефино хунук илжайди:

– Бундай бўлмайди: мен ахир «Интерпол» ходимини ўлдирдим! Лекин у сизга тегишли одам эканлигини қаёқдан билай, қароқчилар ҳужум қилди, деб ўйлабман! Ахир сизнинг идорангиз ходимлари бирор ерга жиноят изидан келадиган бўлса, албатта, бу ҳақда хабар бериб, тантув ёки ҳибс қиладиган бўлса – ордер билан келиши керак эди. Лекин бу сафар ҳаммаси ғалати бўлди – низомларингизга мутлақо тўғри келмаган равишда! – деди у худди халқаро қонун-қоидаларни жуда яхши билишини рўқач қилгандек. – Ўйланг, агар мен ким эканлигингизни билганимда, бу ишни сира қилмасдим. Майли, бўлар иш бўлди мен сизларга ёрдам қиламан, – деди Жозефино товушида қандайдир қайғу билан. – Ҳеч бўлмаса шу айбимни ювиш учун. Лекин сизлар ҳам ўз ваъдаларингизда туришга сўз беринг! Мени ўз тақдирим қизиқтирмайди, аммо унга фарзандларини сақлаб беришга ваъда қилганман.

– Бўлмаса, – деди Эркин энгил тин олиб (унга худди шу нарса керак эди). – Эртага «Интерпол» раҳбарларидан икки киши келади, уларнинг қафолати билан сизни ҳибсдан озод этиб, болалар билан Катанияга, ундан Мальтага борамиз. Агар бу жиноятларда Ҳожининг иштироки бўлмаса, албатта барчангиз озод бўласиз. Шу жумладан сиз ҳам.

Куннинг иккинчи ярмида Жан Поль ва Анри махсус самолётда Палермога етиб келишди. Эркин вазият ҳақида уларга ахборот бергач, полиция комиссариятга кириб, Жозефино ва болаларни қафилликка олишди, расмий равишда улар «Интерпол» вакилларига тошпирилди. Жан Поль ва Анри билан обдон суҳбатлашиб, Эркин таклиф қилган операция тасдиқланди.

Ҳаммалари Мальтага учиб кетишди. Лекин, кетишларидан олдин Жозефино Барселонага сим қоқиб, парол сўзларни айтди ва тегишли жавобни олди.

Гуруҳ эндигина Мальтага қўнганда, уяли телефон жиринглаб қолди: Ҳожи экан!

– Жозефино, нима гап, тинчликми? Болалар қаерда? – деди у салом-алик ҳам қилмасдан.

– Салом... Уларни келишилган ерга жойлаштирдим, менинг ортимдан «Интерпол» тушган. Уйимга бостириб киришган-

да, улардан бирини отиб ташладим, – деди Жозефино овозини кўтармай. Сухбатдоши анча сукут сақлаб турди. У ким биландир маслахатлашаётгани аниқ бўлмаса ҳам эшитилиб турарди. Узук-юлук сўзлар эшитилар, афтидан, у тезда Мальтага бориши керак-лигини айтар, шериги эса уни шошилмасликка чақирарди.

– Жозефино! Болаларни эҳтиёт кил! Мен тез кунда сизларни олиб чиқиб кетишга ҳаракат қиламан, – деди Ҳожи ҳаяжонланиб.

Ҳожи юборган айғокчилар Жозефининг Палермодаги уйини тафтишдан ўтказиши назарда тутилган, шунинг учун у ерга фуқаролик кийимидаги полиция ходимлари кўйилганди.

Орадан уч кун ўтгач, велосипедли бир одам пайдо бўлиб, иш вақтигача Жозефининг уйи ёнида туриб, шу ердаги фуқаролар билан гаплашиб, ҳатто баъзиларини сигара билан меҳмон қилиб, кейин жўнаб кетди. Оролга сезиларли совуқ тушган, гарчи бу ерда киш бўлмаса ҳам, туман бўлиб турар, айна ёғингарчилик авжига чиққан мавсум эди.

Вақт ўтиб борар, аммо Ҳожидан дарак йўқ эди. Бир пайт Жозефининг телефони жиринглаб қолди: Ҳожи!

– Тайёр бўлиб туринглар, мен эртага кечаси сизларни олиб кетишга ҳаракат қиламан, – деди у тез-тез.

– Қаерда бўлиб турайлик, – деди Жозефино.

– Имкони борича соҳилга якин жойда, кўрфаздан уч градус юқорида. Катер сизларни кемага олади. Ўзим қирғоққа тушишим шарт эмас.

Айтилган пайтда Жозефино болаларни олиб, тун ярмида соҳилга келди. Улар биронта кема чироғи кўринармикан деб қоронғуликка роса қарашди, лекин ҳаммаёқ жим-жит эди. Соат иккиларда узоқдан кема чироқлари аранг кўзга ташланди, бироздан сўнг маторли қайиқ овози келди.

Бу пайтда кўрфазга каттагина лангар лангар ташлаган, лекин қоронғу бўлганлиги учун кўзга ташланмасди.

НАТО кучлари тайёр туришар, келаётган кема ва сувга туширилган қайикни кузатиш учун денгиз пиёдалари – улар бир взводдан кўпроқ эди – ғаввослар ишга тушгандилар. Шартли сигнал бўлиши билан улар дарҳол ҳаракатга келишарди.

Линькор палубасида бир нечта вертолёт ҳам тайёр турарди.

Ниҳоят улар кутган объект – кема пайдо бўлди. У ҳам ҳарбий кема эди, аммо қайси мамлакатга тегишли эканлигини билиб бўлмасди: на байроғи, на бошқа белгиси бор.

Десантчиларга то палубага чиқиб, Ҳожи ва матрослар ку ролсизлантирилмагунча операцияни бошлаш мумкин эмаслиги ҳақида обдон тушунтирилди.

Лекин ҳеч қанча вақт ўтмай, кемада отишма бошланиб кетди. Линькор шошилинич равишда двигателларини қўшди, унинг бортидаги прожекторлар бараварига ёқилиб, ҳаммаёқ чароғон бўлиб кетди, вертолётлар осмонга кўтарилди.

Кемадан ҳамон ўқ овози келар, линькор эса тўлқинларни ёриб, у томон сузарди. Кемадан туширилган қайиқ зудликда бурилиб, изига қайтди. Осмонга кўтарилган вертолётлардаги овоз кучайтиргичлар кемадагиларни огоҳлантирар, ҳаракатлари зоелигини тушунтирарди.

Лекин келган кема бу нарсаларга парво қилмай, тезликни оширганча бетараф сувларга чиқиб, кўздан ғойиб бўлди.

Кейинчалик десантчилар айтган сўзларга қараганда, кемадагилар улар палубага кўтарилишгандаёқ сезиб қолишган ва ку ролдан ўт очишган. Ундан туширилган қайиқда эса ўндан ортик жангари бор экан.

Аммо десантчилар палубада турган бир одамни ҳибсга олишга улгуришибди. Бу – Ҳожи эди!

Гуруҳ аъзолари НАТО кучларига ўз миннатдорчилигини билдирдилар, хайрлашдилар ва ўша жойнинг ўзидан тўғри Венага учиб кетдилар.

Эртаси куни терговчилар Ҳожини сўроқ қила бошлашди. Президент томонидан тергов гуруҳига боўлиқ килиб Ларсон тайинланди. Жан Поль, Анри, Эркин ҳам шу тергов гуруҳига жалб этилди.

– Айтинг-чи, Ҳожи соҳиб, сизнинг тўлиқ исми шарифингиз қандай? Нима деб ёзайлик? Таваллуд топган жойингиз қаерда? – деди Ларсон унга қизиксиниб қараркан.

– Тўлиқ исми шарифим Ҳожи Расулов. Тожикистоннинг Гарм вилоятида 1947 йилда туғилганман, лекин Афғонистон фуқаросиман.

– Раҳмат. Сиз қатор жиноятларда айбланасиз, жумладан, наркотиклар транзити, ноқонуний қурул савдоси... Тергов ҳаракатларида ёрдам бериб биз билан ҳамкорлик қилсангиз, қилган гуноҳларингиз учун жазо бироз енгиллашарди. Буни албатта, Гаага трибунали ҳам ҳисобга олади. Хўш, нима дейсиз?

– Жаноб терговчи, биласизми... аввал айбларни исботлаш керак, шундан сўнг хулоса қилиш зарур. Тахминлар билан ҳеч бир иш битмайди – деди Ҳожи ниҳоятда ишонч билан.

– Бунинг учун етарли ҳужжатлар, гувоҳлар бор, хотиржам бўлаверинг, айбларингизни албатта исботлаймиз, – деди Ларсон жиддий қилиб.

– Бўпти... исботланг-чи, шундан сўнг сўрок қиларсиз, – деди Ҳожи ҳам бўш келмай, ниҳоятда бамайлихотир.

– Бизни ҳозирча сиз томондан нима мақсадда жуда катта миқдорда қурул-яроғ сотиб олиш ҳолатлари қизиқтирмақда. Қолган масалаларни эса бемалол муҳокама қиламиз, ҳали вақтимиз жуда кўп.

– Бугун қайси кун? – кутилмаганда савол берди Ҳожи. Ларсон айтди. Ҳожи ўзича ниманидир ҳисоблаб, деди:

– Бу саволингизга уч кундан сўнг жавоб бераман, ҳозир эса менга ижозат беринг: қон босимим жуда ошган. Бу ҳолатда ҳеч нарсани айта олмайман.

Ҳожининг кўриниши ростдан ҳам ночор эди. Шифокорларнинг хулосасига кўра, қон босими меъёрига етгандан сўнг терговни давом эттиришга қарор қилинди, у камерага қайтарилди. Орадан яна уч кун ўтиб ҳам унинг қон босими жойига келмади. Лекин гапни Ҳожининг ўзи бошлади.

– Жаноблар, сиз мендан олдинги гал, нима мақсадларни кўзлаб шунча миқдорда қурул-яроғ сотиб олинган деб сўрадингиз, шундайми? – деди у ҳаммаларига бир-бир қараб.

– Ҳа, улар нима мақсадда харид қилинганини билмоқчимиз, – деди Ларсон.

– Ҳозир маҳаллий вақт билан соат нечча бўлди? – деди яна Ҳожи барчани ажаблантириб.

– Эрталабки соат ўн, – жавоб берди Ларсон асабийлашган ҳолда. Ҳожи бир нарсаларни шивирлаб, сўнг юзига фотиҳа тортди ва:

– Кеч колдингиз жаноблар! Телевизор... у бўлмаса радиони кўйинглар, – деди у ғалати ишшайиб. – «Би-би-си» каналини! Ана, радио бурчакда турибди!

Гарчи ўзи махбус бўлиб турган одамнинг буйруғи барча учун ёқимсиз бўлса-да, беихтиёр бўйсунди: кани, нима демокчи бу гапи билан!

– ...бугун «Чай Сари» чегара пунктидан Афғонистон¹ худудига бостириб кирган «Толибон ислом ҳаракати» кўшинларн у ерда бўлган чегара ва ҳарбий қисмларни тор-мор этиб, уч йўналишда ғолибона юришларини бошлаб, Жалолобод, Қандаҳор, Шиндон-Ҳирот вилоятларида ҳукумат кўшинлари билан жангга киришдилар...

¹ Толибларнинг Афғонистон давлатини босиб олиниши ҳақидаги роман «Такдир ўйинлари»деган асаримда берилганлиги учун бу ерда тўхтаб ўтишни лозим кўрмадим. Муаллиф изоҳи.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	4
Ўткир Абдурахимовнинг «тақдирдан қочиб бўлмас» романи тўғрисида	4
Муаллифдан	6
I фасл. Ўтган даҳшатли умр	8
II фасл. Етимлик машаққатлари, мустақил ҳаётга йўл	38
III фасл. Талабалик йиллари	43
IV фасл. Афғонистон фожиаси	52
V фасл. Ватанга қайтиш	73
VI фасл. Машъум хабар	83
VII фасл. Гиёҳванд моддаларнинг транзитига қарши курашнинг бошланиши	92
VIII фасл. «Толибон» ҳаракатининг гиёҳванд моддалар ҳисобига қуролланиши	114
IX фасл. Қўрғоннинг истило қилиниши	125
X фасл. Тўққизинчи чегара заставасида	149
XI фасл. Қочган ҳам, қувган ҳам... ..	169
XII фасл. Яна наркотиклар... ..	209
XIII фасл. Тайёргарлик	229
XIV фасл. Ўзга юртда	233
XV фасл. Қабоҳат изидан	258
XVI фасл. «Чаён-2» операциясининг давоми	286
XVII фасл. Адил ва Егорнинг ҳалок бўлиши	296
XVIII фасл. Пешовар. «Толибон» ҳаракати қароргоҳи	314
XIX фасл. «Интерпол» нинг бош штаб-квартирасида	320
XX фасл. Қурол-яроғ ортилган қарвоннинг мусодара қилиниши	339
XXI фасл. «Чаён» изидан	381

Ўткир АБДУРАҲИМОВ

адабий-бадиий нашр

ТАҚДИРДАН ҚОЧИБ БЎЛМАС

Тошкент – «Noshir» – 2018

Муҳаррир: Л. Мухутова
Бадиий муҳаррир: Ш. Одилов
Техник муҳаррир: У. Саидов
Мусаҳҳиҳ: Л. Мухутова

Нашриёт лицензияси А1 №254. 31.12.2014 й.
Босишга 10.01.2018 йилда рухсат этилди. Бичими 60x84 1/16.
«Times New Roman» гарнитураси. Офсет усулида босилди. Ҳажми 25,5 б.т.
Нусхаси 5000. Буюртма №2.

«Noshir» ҚК нашриёти. Тошкент шаҳри, 100020, Лангар кўчаси, 78-уй.

«Noshir» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, 100020, Лангар кўчаси, 78-уй.